

323  
M50

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

«МИЛЛИЙ ҒОЯ, ЎЗБЕКИСТОНДА  
ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ»  
ФАНИДАН АТАМАЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ



ТОШКЕНТ – 2016

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

«Миллий ғоя. Ўзбекистонда  
демократик жамият қуриш назарияси  
ва амалиёти» фанидан атамалар  
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ



Тошкент – 2016

«Миллий гоя. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанидан атамалар изоҳли лугати. – Т: ТАТУ, 2016.

Мазкур лугатда 1.000 дан ортиқ ижтимоий-сиёсий характердаги сўз, термин ва тушунчалар ўрин олиб, уларга изоҳ берилган. Шунингдек, китобда ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти ҳамда халқаро муносабатларнинг долзарб муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур лугат мутахассислар, илмий изланувчилар, шунингдек олий таълим муассасалари бакалавр ва магистрлари (мустақил таълим олиши учун) ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:            ф.ф.д., профессор Раматов Ж.,  
                                      ю.ф.н., доцент Шарипова Г.

**АБСЕНТЕНИЗМ** – ўз ватанида яшашдан воз кечиш, вазифаларини бажариши керак бўлган жойда мавжуд бўлмаслик (асосан мулкдорлар табақасига тегишли).

**АВЕСТО** – 1) зардуштийлик динига тааллуқли адабиётларнинг умумий номи; 2) зардуштийлик динининг асосий китоби; 3) «насиҳатнома», «конулар тўплами», «билимлар мажмуаси» сифатида талқин қилинадиган тарихий манба. А. – Турон, Хуросон, Озарбайжон, Ироқ, Эрон, Кичик Осиё халқларининг миллоддан аввалги қадимки даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-одат ва маънавий қадриятлари ҳақида маълумот берувчи асосий манба. У миллоддан аввалги VII–VI асрларда Марказий Осиёда яратилган қомусий асар. Мил. авв XIII асрдан то миллоднинг IV асригача бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўзида акс эттиргани учун миллий гоёларни асраб-авайлаш, халқни жипслаштириш, уни маънавий юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаш ва миллий аъёналарни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этган. Зардуштийлик динининг асосий ақидаларини ўзида мужассам этган бу китобда ўша даврдаги устувор гоёлар, маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялар, дуолар ҳам ўз ифодасини топган. Тарихчи Масъудийнинг ёзишича, подшо Доро ибн Доро хазинасида «Обистон»нинг («А.») 12 минг олтин тахтага, Балхнинг «Форсонома» китоби ва Абу Райҳон Беруний асарларида ёзилишича, 12 минг ошланган мол терисига тилло сувида ёзилган 32 китобдан иборат нусхаси бўлган. Македониялик Александр мил.авв.334–329 йилда Марказий Осиёни забт этганда оташхоналарни вайрон қилган. Шу даврда асарнинг бир қанча бўлимлари ҳам ёндириб юборилган. Айни замонда унинг тиббиёт, фалаққийёт, фалсафа ва адабиётга доир бўлимлари юнон тилига таржима қилинган. Мил. I асрида Парфиядаги аршакийлар ҳукмдори Вологес томонидан турли манбаларда сақланиб қолган ёзма ва оғзаки намуналари қайта тўпланган. Шунингдек, сосонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган бу даврда зардуштийлик динига бўлган қизиқиш кучайган. Подшо Ардашер (226–242 йй.) ва унинг ўғли Шопур (242–272 йй.) ҳукмронлик қилган даврда зардуштийлик яна давлат динига айланган ва у алоҳида китоб ҳолида тикланган. Ўша даврда ҳукмронлик қилган шоҳ Хусрав Ануширвонни (531–579 йй.) ҳатто руҳонийлар ҳам тушуниши қийин бўлгани учун А.ни замонасининг адабий тили ҳисобланган пахлавий тилига ўғиртирган. Шунингдек, асосий матнга шарҳлар ёзилиб, изоҳлар ҳам берилган.

Сосонийлар ҳукмдорлари томонидан қайта тикланган бу китоб Занд Авесто деб аталган. Занд баён қилиш ва изоҳлаш демакдир. Бинобарин, Занд Авесто зардуштийлик дини таълимотини тўлиқ акс эттирмайди. Биринчидан, А. бешдан уч қисми (18 насҳи) номаълум бўлиб, фақат 12 насҳи кишиларнинг ёдида қолган оғзаки қўшимчалар асосида китоб ҳолига келтирилган. Иккинчидан, китобни қайта тиклаш даврида астрономия, тиббиёт, жугрофия, ахлоқ каби фанларга оид асарлар ҳам унинг матнига қўшиб юборилган, деган таҳминлар бор. Шунингдек, китобнинг ҳажми катта бўлгани бонс диндорларнинг хар кун фойдаланишига қулайлаштирилиб, қисқартирилиб, «Кичик Авесто» яратилган. Унга, асосан танлаб олинган дуо ва мадҳиялар киритилган.

VII–VIII асрларда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши ва исломнинг кенг тарқалиши билан зардуштийлик ва унинг бош китоби А. таъқиқланган. Шу сабабли унинг аксарият қисми йўқолиб кетган ва тўла матни ҳозиргача топилмаган. Бугунги кунда унинг «Яшт», «Видевдат», «Виспарад», «Ясна», «Хурдо А.» («Кичик А.») номи қисмларигина сақланиб қолган. А. зардуштийлик даврининг ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлари ўз ифодасини топган. Дуализм, руҳ ва моддийликнинг ҳаётийлигини тан олишга асосланган зардуштийлик динига биноан, олам нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, таъна ва жон, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик сингари ҳодисаларнинг азалий ва абадий курашидан иборат. Шунга кўра, ҳаётнинг кечishi табиатда (нур ва зулмат), борликда (ҳаёт ва ўлим), ижтимоий ҳаётда (яхшилик ва ёмонлик), нафосат оламида (гўзаллик ва хунуқлик), динда (Ахура Мазда билан Ахриманнинг азалий ва абадий

келишолмаслиги) турли хил кучлар ўртасидаги кураш шакллари сифатида намоён бўлади. А. таълимотига кўра, олов – оламни нурафшон қилувчи, одамларни гуноҳлардан покловчи сеҳрли куч, ер ва сув – ризк, ҳаёт манбаи. Унинг ақидасига кўра қариндош-уруғларнинг ўзаро қуда-анда бўлиши таъқиқланади. Қадимги аждодларимизнинг эзгу гоялари ва миллий давлатчилик ағъаналари ўз аксини тошган бу китоб фақат мустақиллик йилларида ҳақиқий кадр-қиммат топди. Унинг халқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихидаги улкан аҳамиятини ҳисобга олиб ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан «А.» – китоби яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида» (2000 й. 29 март) қарор қабул қилинди. Бу сана республикамизда 2001 йилда тантанали равишда нишонланди.

**АВТОНОМИЯ** – (грек. «*autonomia*» – ўз-ўзини бошқариш, қонуннинг айнан ўзи, яъни «*autos*» – ўзини; «*nomos*» – қонун) – ҳуқуқ соҳасидада маълум бир органлар, ташкилотлар ёхуд бирлашмаларнинг ўз ҳаётини фаолиятига доир масалаларни мустақил ҳал этиши. Субъект характери ва мақсадидан келиб чиқиб, А. турли кўринишларда бўлиши мумкин. Субъектига кўра, автоном ташкилотлар ва автоном уюшма. Автоном ташкилотларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: молиявий, иқтисодий ва маъмурий. Маъмурий А.нинг маъмурий-худудий (минтақаларо). миллий худудий ва миллий давлат турлари мавжуд. Худудий А. баъзида сиёсий ёки қонунчи А. ҳам деб аташади. Чет давлатлар конституциявий ҳуқуқи бўйича, шунингдек, экс худудий (экстерриториал), маданий, маъмурий-худудий, автономия, миллий-худудий, А. миллий давлат автономияси мавжуд. Айрим ҳолларда А.ни ўз-ўзини бошқарувчи ҳамжамият деб ҳам аташади.

**АВТОНОМ ОҚРУГ** – миллий-худудий бирлик, миллий-худудий автономия шакли.

**АВТОРИТАРИЗМ** – (лот. «*autoritas*» – обрў, нуфуз, эътибор) – давлатни бошқариш усулларида бири, яқка шахснинг давлатни ўз таъсири, обрўси, ташкилотчилиги, шижоати, жамиятни яхши билиши асосида бошқариши. А. одатда, жамият ўз тараққиётининг мураккаб, қалтис ва масъулиятли даврларини бошдан кечириётган паллада тарих сахнасига чиқади. XX асрнинг биринчи ярмида А. салбий маънода намоён бўлди. Чунки ўн миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритган. Биринчи жаҳон уруши, 1929 йилда бошланган мисли қўрилмаган жаҳон иқтисодий бухрон, жамиятдаги зиддият ва қарама-қаршилиқларнинг кескинлашиши каби қатор омиллар бир қанча мамлакатларда демократияни бўғиш, инсон ҳуқуқларини оёқости қилиш, давлатни ҳарбийлаштириш йўли билан айрим шахсларнинг давлат тепасига чиқишига, авторитар тузум яратилишига олиб келди.

Сўнгги ярим асрда демократия кучларининг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабаси ва жаҳон тараққиётида инсонпарварлик тамойилларининг устун келиши натижасида А. моҳияти аста-секин ўзгармоқда. А. мураккаб тарихий паллаларда жамиятни ўзгартиришнинг, долзарб масалаларни зудлик билан ҳал этишнинг, мамлакатни, халқни инкироз гирдобидан олиб чиқишнинг самарали йўлларида бирига айланмоқда. Бу, айниқса, ўтмишда мустамлака ва қарам бўлган мамлакатларда иқтисодий, маданий қолоқликни бартараф этиб, уларни жаҳон демократик давлатлари ҳамжамиятига олиб кўриш учун курашда яққол намоён бўлмоқда. Жаҳон дин намуналарини Мисрда Жамол Абдул Носир ва Хусни Муборак, Жапонда Бен Белла ва Бумадъен, Индонезияда Сукарно ва Сухарто мисолларида кўриш мумкин. Ривожланган мамлакат – Францияни Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қолоқлик ҳолатидан олиб чиқишда генерал Шарль де Голлнинг хизмати катта бўлди.

**АВТОРИТЕТ** – (лот. «*autoritas*» – обрў, нуфуз, таъсир, эътибор) – бу тушунча «хурмат», «обрў-эътибор», «таъсир» тушунчаларнинг шахснинг хизмат мақоми билан айлантириш орқали пайдо бўлган, шу маънода, у кўпликда ишлатилади. 1) ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида шахс ёки ташкилотнинг муайян билим, ахлоқий фазилат ҳамда тажрибага асосланган таъсирининг умумэътирофи; 2) жамият аъзолари томонидан ижобий баҳоланадиган обрў-эътиборга таянган ҳокимият шакли. Кенг маънода – жамият аъзолари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий

тизимга таянган ҳокимият шакли. Вебер ҳокимият шакли тимсоли бўлган А. уч турга ажратлади: легал (қонуний), аънавий, харизматик. (*Қаранг: Ҳукмронлик*).

А. – кишилар фаолиятини назорат этиш, уларнинг умумий ва шахсий манфаатларини уйғунлаштиришни таъминлайдиган ҳокимиятни амалга оширишнинг асосий шаклларидан бири. Сиёсий таъсирдан кишилар фаолиятига тошпириқ, буйруқ ёки фармойиш орқали бевосита таъсир этиши билан ажралиб туради. Ташқи мажбурувчи у бажарувчи олаётган фармойишнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги учун рағбатлантурувчи ёхуд жазоловчи ҳаракатлар амалга оширилишидан қатъи назар, унинг қонунийлиги билан ажратиб туради.

**АГРАР ҲУҚУҚ** – аграр (қишлоқ хўжалиги) муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган, Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида комплекс ҳуқуқ тармоғи сифатида мустақил ўрин эгаллаган ҳуқуқ тармоғидир. А.Х. тартибга солиши лозим бўлган ижтимоий муносабатлар, яъни унинг предмети мураккаб ва кенг қамровлидир. А.Х. предметига қишлоқ хўжалиги қорхоналари, ташкилотлари ва муассасалари, шунингдек хусусий тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти муносабатлари киради. А.Х. қишлоқ хўжалиги ҳуқуқий муносабатларини, қишлоқ хўжалиги қорхоналари ва фуқароларнинг ерга ишлов бериш, ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларини етштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига дастлабки ишлов бериш, яъни озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ер, мулк, меҳнат, ташкилий бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

**АГРЕССИЯ** – (*лат. «agressio» – босиб олмақ, босиб олувчилик*) – халқаро ҳуқуқда БМТ Уставини бузган ҳолда ҳарбий кучларнинг ишлатилиши. Жиноят ҳуқуқида А. атрофдаги одамларга жисмоний зарар ёки руҳий шикаст етказувчи ҳаракатдир. Бу ҳаракатлар кучли салбий эмоциялар: адоват, жаҳолат билан содир этилади. А. импульсив, аффектив ҳолатида экспрессив, маълум мақсадга йўналтирилган турлари мавжуддир. Оммавий ижтимоий жараёнларда агрессия геноцид, террор, этник ва ғоявий тўқнашувлар шаклида намоён бўлади.

**АГРЕССИЯ АКТИ** – 1) маълум бир давлат (давлатлар коалициялари) қуроли кучларининг бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши; 2) бостириб кириш ёки ҳар қандай ҳарбий оккупация ёки бошқа давлат ҳудудини (ҳудудининг бир қисмини) зўравонлик билан ўз ҳудудига қўшиб олиш; 3) бир давлатнинг қуроли кучлари томонидан бошқа давлат ҳудудига қарши қурол-яроғ ишлатиш; 4) ҳар қандай давлатнинг порт ёки қирғоқларини бошқа бир давлатнинг (давлатлар коалициясининг) қуроли кучлари томони.ан блокада қилиниши; 5) бир давлат (давлатлар коалициясининг) қуроли кучларининг бошқа давлатнинг қуруқликдаги, денгиз ва ҳаво кучларига уюштирган ҳужуми; 6) ҳар қандай давлатнинг, унинг бошқа бир давлат ихтиёрига топширган ҳудудидан ушбу давлат бошқа ҳар қандай давлатга қарши агрессия актини амалга оширишига имкон яратувчи ҳаракати; 7) давлат ёки унинг номидан қуролланган ғуруҳлар ва сафарбар этилган қўшинлар ёки ёлланган жангчиларни бошқа давлат ҳудудига жўнатиш. Шунингдек, БМТ Низомига кўра, агрессия характериға хос бўлган бошқа актлар ҳам БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан белгиланиши мумкин. Хавфсизлик Кенгаши томонидан А.А. кайд этиш, халқаро тинчлик ва хавфсизлики таъминлашға ёки тиклашға онд чора-тадбирлар юзасидан тавсиялар ёки қарорлар қабул қилиниши мумкин. А.А. ички ва ташқи сиёсатида кескин қораланади. ЎзР Конституциясининг 17-моддасида мамлакат ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик, куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралар дахлсизлиги ва низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш қабилар мустаҳкамлаб қўйилган.

**АГРЕССОР** – халқаро ҳуқуқда агрессияни содир этган шахс А. сифатида бир неча давлатлар (мисол учун, улар ҳарбий ёрдам тўғрисидаги шартнома билан боғланган бўлсалар) бўлиши ҳам мумкин. Бунда ушбу ғуруҳға кирган ҳар бир давлат А. содир этишда шахсан иштирок этган бўлиши шарт.

**АДВОКАТ** – фуқаролик ёки жиноий ишда ҳимоячи, вакил, суд ва маъмурий муассасаларда ўзгалар иши билан шуғулланадиган шахс.

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ** – ижроия ҳокимият органи, адлия соҳасида бошқарувни амалга оширади, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиради. Асосий вазифалари: адлия соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; шахс ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, ақлий мулкни қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, суд ёки бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг жиноий жазолар бўйича актларини бажариш.

**АДОЛАТ** – (араб. «адолат» – одиллик, тўғрилик) – ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бўлиб, мавжуд ижтимоий воқеаларнинг инсон моҳияти ва ҳуқуқларига мос ёки мос эмаслигини ажратишда мезон бўлиб хизмат қилади. А. тушунчаси ўтмишда турлича талқин қилинган. Ҳуқмрон синфлар ўз манфаатларига мос тартибларни ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида ёқлаб, уларни адолатли деб таърифлаганлар. Мазлум синфлар эса уларни янги, ўз манфаатларига монанд, адолатли муносабатлар билан алмаштиришни талаб қилганлар. Шу сабабли жамиятда ҳамма вақт нима адолатли ва нима адолатсиз деган масала атрофида мубоҳаса мавжуд бўлган. Бу муаммо ҳар бир воқеа, ҳодиса ва жараённинг жамият ривожланишига, инсоният тараққиётига, инсонпарварлик ва демократия қондаларига ҳамнафаслиги билан белгиланади. Шу маънода, умуминсоний адолат синфий, миллий, гуруҳий адолатлардан юксак туради.

А. қонун-қондаларига суянган давлат ва жамият кучли бўлиши муқаррарлиги тўғрисидаги шарқона қарашлар бугунги Ўзбекистон сиёсатининг муҳим асосларидан бирини ташкил этади. Инсон ҳуқуқлари ҳақида умумжаҳон Декларацияси тамойилларига жавоб беради, чунки: а) демократик умуминсоний тамойилларга суянади; б) инсоннинг дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади; в) демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади; г) барчанинг қонун олдида тенглиги тамойили таъминланади. А. барчанинг қонун олдида тенглиги ва қонуннинг барчага тенг тегишлигидир.

**«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ** – Ўзбекистондаги сиёсий партиялардан бири. 1995 йил февраль ойида таъсис мажлисида тузилган. Ўзбекистоннинг 147 шаҳар ва туманларида ҳудудий партия ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотларига уюшганлар. «А.»СДП ўз олдида қўйидаги вазифаларни қўйган: ҳуқуқий демократик давлат қуриш; мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш; Ватанга содиқ хизмат қилиш; адолатли фуқаровий жамият қуриш; сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий демократия талабларига ҳамда мамлакат-тимизда яшаб турган барча миллият ва элатларнинг орзу-умидларига монанд шарт-шароитлар юзага келтиришга ҳисса қўшиш.

Партия ўз фаолиятини ЎЗР Конституцияси ва қонунарига таяниб олиб боради; ўзини-ўзи бошқариш, ошқоралик, қонунийлик, ўзаро ёрдам партия барча аъзолари ва ташкилотларининг фаолият қондаси ва асосидир. Партиянинг олий раҳбар органи қурултой бўлиб, қурултойлар оралигида раҳбарликни Сиёсий кенгаш пленумлари, жойлардаги ташкилотларнинг конференциялари амалга оширадилар. Партиянинг аъзолар ва омма билан қўндалик ишнин унинг барча даражадаги котибиятлари олиб боради.

«А.»СДП ЎЗР Олий Мажлисида овозга эга бўлиб, улар партиянинг парламентдаги фракциясини ташкил қиладилар, Олий Мажлис ишида ҳамда комиссияларининг фаолиятида, қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда, уларнинг муҳокамасида ва қабул қилинишида қатнашади, ички ва ташқи сиёсатнинг шаклланиши, давлат идоралари тузилмаси ва тизимини яратиш ёки такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, тақлифларни киритади ва бу тақлифларнинг инobatта олинишига ҳаракат қилади.

**АЁЛЛАР МАҚОМИ БЎЙИЧА БМТ КОМИССИЯСИ** – БМТ ижтимоий-иқтисодий кенгаши (ЭКОСОС)нинг қарорларига кўра 1946 йилнинг 21 июнида ташкил этилган. Комиссияга БМТ аъзо 32 мамлакатнинг вакиллари 4 йил муддатга сайланадилар. Комиссиянинг вазифаси – барча мамлакатларда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалар-

да аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига эришиш ҳамда БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгаш орқали тегишли тавсияномаларни етказиш. Унинг штаб квартираси Венада жойлашган.

**АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ** – умумий инсон ҳуқуқлари билан биргаликда, аёлларнинг ижтимоий ва оиладаги мақомини эътиборга олган ҳолда, уларнинг ўзига хос ҳуқуқ ва эркинликлари. 1945 йилдан А.Х. халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинувчи муҳим объектлардан бирига айланди. БМТ Устави умумий шаклда эркаклар ва аёллар тенглигини мустаҳкамлади. Бу ҳуқуқлар 1948 йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ўз аксини топди ва унинг 16 моддасида эркак ва аёлнинг никоҳдаги тенглиги ҳам мустаҳкамланди. ЎЗР ушбу Декларацияни ратификация қилди ва Конституциянинг 18-моддасига биноан мамлакатимиз фуқаролари, жинсидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

**АЙБЛОВ** – 1) қонуний ваколатта эга бўлган орган томонидан жиноий жавобгарликка тортиладиган шахснинг айбдорлигини исботлашга қаратилган фаолият; 2) айблов ҳулосаси ва қарорида, судга бериш тўғрисидаги маълумотда, айблов ҳукмида ифодаланган айблов матнининг мазмуни.

**АЖДОДЛАРГА СИГНИНИШ** – (инг. «*cuet of ancestors*»; нем. «*ahnenkuet*») – қурбонликлар, диний эътиқод орқали аждодлар руҳи, қабила, оилани қадрлаш.

**АЖИОТАЖ** – (фран. биржадаги ўйин) – курснинг ўзгаришига асосланган қимматли қозғоларни олиб сотиш билан шугулланиш; қимматли қозғоларни сотиб олиш учун эмас, курслар ўртасидаги фарқдан даромад қилиш.

**АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ** – айбланувчига ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқининг берилиши. Суд жараёнининг барча босқичларида малакали юридик маслаҳат, ёрдам олиш ҳуқуқи.

**АКАДЕМИЯ** – Афинада Платон машғулот олиб борган фалсафий мактаб. А. тарихи уч босқичга бўлинади: қадимий, ўрта аср ҳамда замонавий. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртлари (бадний, тиббий ва ҳ.к.) ҳамда илм-фанни ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий уюшмалар.

**АККРЕДИТАЦИЯ** – (лот. «*accreted*» – *шиоиниш*) – энг умумий маънода, ташкилот ва муассаса томонидан қўрсатилаётган хизматларнинг муайян андозага мослигини расман тасдиқланиш. Аксарият мамлакатларда олий ўқув юртлари таълим фаолиятини амалга ошириши учун давлатдан тегишли рўхсат олиши зарур. Яъни аккредитация давлат ёки унинг вакили томонидан амалга оширилади. Шунингдек, институтнинг турига қараб, Парламент қарори ёхуд давлат аккредитация масалаларида ўз ваколатларини топширган нодавлат ташкилотларнинг ҳулосаси асосида у таълим фаолиятини амалга ошириш учун тегишли рўхсат олиш мумкин.

**АКРОМИЙЛАР** – исломдаги диний-сиёсий гуруҳ (оқим). 1997–1999 йй. Фарғона водийсида пайдо бўлган. Гуруҳ асосчиси – Ақром Йўлдошев (1960 й. Андижонда туғилган). Гуруҳ аъзолари, асосан, хунармандлардан иборат бўлган. Улар расмий идоралардан бўшаб, жамоа маъқуллаган меҳнат фаолияти билан шугулланганлар. Улар мавжуд тузумни тан олмайдилар, давлат, қонун, ота-онага эмас, фақат оқим сардорларига бўйсуниш лозим, деб ҳисоблайди. Ақромийлар асосчиси ваҳхобийлик таълимотига таяниб, 1992 йилда 12 дарсадан иборат «имонга йўл» деб номланган дастур ишлаб чиққан. Дастурда охириги мақсад – ислом давлатини барпо этишдан иборат экани таъкидланган. Ақромийлар сиёсий ҳокимиятга эришишнинг 5 босқичини режалаштирган: 1. «Сирли» ёқ; 2. «Махфий»; 2. Моддий; 3. Маънавий; 4. «Узвий майдон»; 5. «Тўнтариш».

А. ҳозирги кунда мусулмонларга намоз, рўза, закот, ҳаж фарз эмас, чунки биз қуфр давлатида яшамокдамиз, деб ҳисоблайдилар. То ислом давлати қурилмагунча, мазкур ибодатлари бажариш шарт эмас деб қарайди. Ўзбекистон мусулмонлари бу оқимни исломга ёт оқим деб баҳолади. Оқим халқнинг кескин қаршилигига учради ва фаолияти барҳам топди.

**АКТ** – (лот. «*actus*» – *ҳаракат*; «*actum*» – *ҳужжат*) – 1) қилмиш, ҳаракат; 2) расмий ҳужжат. Юридик акт давлат органи мансабдор шахси томонидан қонун шаклида



(қонун, фармон, қарор ва ҳ.к.) мустаҳкамланган ваколатлари доирасида қабул қилинади ва мажбурий кучга эга бўлади.

**АКЦИЯДОРЛИК (ҲИССАДОРЛИК) ЖАМИЯТИ** — мулкчилик кўринишларидан бири бўлиб, турли корхона, ташкилот, банк, компания (юридик шахслар) ва фуқаролар (жисмоний шахслар) пул маблағларини шерикчилик асосида ҳамда фойда олиш мақсадида бирлаштирган ҳўжалик юритиш уюшмасидир. Акцияларни муомалага чиқариш ва сотиш А.Ж. молиявий негизини ташкил этади. А.Ж. — юридик шахс. У ўзининг алоҳида мол-мулкига эга. А.Ж. ўз зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. У белгиланган пайтдан қонуний тартибда рўйхатдан ўтка-зилгач, ўз фаолиятини бошлайди. А.Ж. иши унинг Низоми асосида олиб борилади. А.Ж. очик ёки ёпиқ турда бўлиши мумкин. Очик турдаги А.Ж. унинг акциялари очик савдога чиқарилади, эркин муомалада сотилади ва сотиб олинади ва унга кирувчиларнинг сони чекланмайди. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятида эса унинг акциялари фақат акциядорлик жамияти таъсисчилари ўртасида тарқатилади, таъсисчиларнинг сони эса камида уч шахсдан иборат бўлиши керак. Ҳар бир муассис аини вақтда акциядор бўлиши лозим.

Дастлабки А.Ж. Англияда XVII асрнинг бошида тузилган ва бозор иқтисоди ҳамда бозор муносабатлари ривожланишида улкан ижобий роль ўйнаганлар. А.Ж. устав жамғармаси маълум миқдордаги акцияларга бўлинган, жамиятнинг акциядорлар олдидаги мажбуриятларини тасдиқлайдиган ҳўжалик субъекти. Жамият ўз мажбуриятлари учун ўзига тегишли бўлган барча мол-мулкларни билан жавобгар ҳисобланади.

Собик ССРСда 1930 йилларга қадар савдо ва саноат соҳаларида давлат, аралаш, хусусий, кооператив мулк шаклига асосланган 160 дан зиёд акциядорлик жамиятлари мавжуд бўлган. А.Ж. Ўзбекистонда 1989 йилдан ташкил этила бошланди.

**АЛ-БУХОРИЙ** — (810 йил, Бухоро — 870 йил, Самарқанд яқинидаги Ҳартанг қишлоғи) — «Ҳадис илмида амир ал-муъминийн» (Ҳадис илмида мусулмонларнинг етакчиси) деган шарафли номга сазовор бўлган, ҳаёти ва ижоди алоҳида эътиборга молик буюк олим, муҳаддис, яъни ҳадисшунос мутафаккир. Отаси Ёш вафот этгач, онаси тарбиясида ўсган. Ақл-ҳидроқи, ўткир зехни ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр иштиёқ билан эгаллаган. Ун ёшида Қуръони Каримни ёд олган, олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиш ва кишилардан эшитиш асносида ҳадисларни ёдлаган, устози Шайх Доҳилий билан ҳадис ривоятчилари ҳақида кизгин баҳсларда қатнашган. 825 йили ўн олти яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга йўл олади, муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинада олти йил яшайди, ўша давр илмий марказлари — Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод шаҳарларида умр кечириб, фикс (флюхет) фани бўйича таълим олади, баҳсларда қатнашади, мудирдислик ҳам қилади. Замондошларидан бирининг ёзишича, ал-Бухорий ўз илмини ошириш мақсадида юзга яқин олимдан сабоқ олади, ўз навбатида, устозлик қилиб, кўпгина шогирдлар етиштиради.

Узоқ йиллар Шарқ мамлакатларида бўлиб умрининг охириги беш йилида (863—868 йй.) Эроннинг шарқи-шимоли, Нишопур шаҳрида яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс берган. Ат-Термизий билан унутилмас кизгин мулоқотларда бўлган. «Мен сендан кўрган фойда, сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқ», деб унга нисбатан чуқур хурматини билдирган. Имом ал-Бухорий хулқ-атвори, одамоҳурилиги, мурувватпешалиги, ҳиммати ва саховати билан алоҳида ажралиб турган, зехни ўткирлиги ва хофизасининг кучлилиги билан гоътада машхур бўлган. Манбаларда ал-Бухорийнинг 300 мингга яқин ҳадисни ёд билгани қайд қилинган. Имом ал-Бухорий хориждан қайтгач, она турчи Бухорода кўплаб шогирд ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Ҳасадўйларнинг хатти-ҳаракатлари сабабли Бухоро амири билан муносабатлари бузилиб қолади ва Самарқандга кетади. Шаҳар яқинида жойлашган Ҳартанг қишлоғида ўз шогирдлари даврасида яшаб, оғир касалга чалинади ва вафот этади.

Имом ал-Бухорий Йигирмадан ортик асар ёзган бўлиб, улар орасида энг машхури «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ»дир. Бошқа муҳаддислардан фарқли ўларок, ал-Бухорий ҳадислар-

ни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб алоҳида тўплаган. Мазкур асар ёзилганига тахминан 1200 йил бўлсада, у ислом таълимотида Куръони каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юксак баҳолашиб, келинмоқда. Бу китобнинг 1325 йилда кўчирилган саккиз жилдан иборат нусхаси Истанбулда сақланмоқда. Имом ал-Бухорий асарлари меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиккўнгиллик, ота-она ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга муруввату, фақирларга ҳиммат, Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалолликка даъват этиш каби инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуасидир. Уларда ёш авлод учун тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панду насиҳат ва ўғитлар ўз ифодасини топган.

**АЛГОРИТМ** – (лот. *«algorithm»* – *ибтидо*) – маълум бир соҳага оид масалаларни ечишда ишлатиладиган жараёнлар тизимининг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоида. Ўрта асрларда санокнинг ўнли тизими бўйича тўрт арифметик амал бажариладиган қоида алгоритм деб аталган. Бу қоидаларни фанга IX асрда ўзбек математиги Муҳаммад ал-Хоразмий киритган. Европада бундай қоидалар унинг номи билан аталиб, «алгоритм» дейилган. Кейинчалик «алгоритм»га айланган. Ал-Хоразмийнинг «Арифметика» асарининг биринчи сўзи: Қола ал-Хоразмий сўзлари латин тилида *Algorithmi* деб ёзилган. Фанда «Евклид А.», «Ғиёсиддин Кўший А.», «Лурье А.», «Марков А.» деб аталувчи А. мат-лум. Бундай А. сонн ва А. тушунчаси тобора кенгайиб, А. назарияси пайдо бўлди. Бу кибернетиканинг назарий ва мантикий асосидир.

Қўшув, айирув, кўпайтирув ва бўлув каби арифметик қоидалар, квадрат илдиз чиқариш қоидалари, ҳар қандай икки натурал сон учун умумий бўлувчини топиш усули А. энг оддий мисолларидир. Аслини олганда, бирон-бир вазифани умумий тарзда, яъни унинг вариация қилинувчи шартларининг бутун туркуми учун ҳал қилиш воситаларига эга бўлганимизда ҳаммаша А. билан иш кўрамыз.

Электрон ҳисоблаш машиналари яратилгандан кейин (XX аср ўрталарида) одам билан машина орасида сунъий тил яратилиб, улар алгоритмик тиллар деб номланди. Шундай дастлабки тил 1958 йили Парижда яратилган. Ҳозир жаҳонда 500 дан ортиқ алгоритмик тиллар мавжуд. Алгоритмик усул билишининг умумий усулларидандир.

**АЛЪФРЕД МЭХЭН (1840–1914 йй.)** – америкалик геосиёсатчи, ҳарбий, адмирал. У «геосиёсат» терминини ишлатмаган, лекин унинг асосий хулосалари ва тахлил услуби геосиёсий йўналишга тўла мос келади. Америка Union Navy (Ҳарбий Денгиз Кучлари) офицери бўлган М. Нью-Порт (Роут-Айленд) даги «Naval War Collegue»ида 1885 йилдан ҳарбий-денгиз флоти тарихидан дарс берган. М. 1890 йилда нашр этилган илк асари. «Тарихда денгиз кучлари» (1660–1783 йй.) ҳарбий стратегия бўйича ноёб қўлланмага айланди. Унинг «Денгиз кучининг француз инқилоби ва империясига таъсири», «Американинг хозирда ва келажакда денгиз кучларига эҳтиёжи», «Осиё муаммоси ва унинг халқаро сиёсатга таъсири» ҳамда «Денгиз кучлари ва унинг урушга муносабати» каби асарлари нашр этилган. Деярли барча китоблари Sea Power, яъни «Денгиз кучлари» мавзусига бағишланган. М. нафақат ҳарбий стратегия назариятчисини, балки сиёсатда ҳам фаол қатнашган. Жумладан, у Генри Кэбот Лодж ва Теодор Рузвельт каби сиёсатчиларга кучли таъсир ўтказган. XX аср Америка ҳарбий стратегиясига назар ташланса, у М. голяри асосида шаклланишини ўрганиш мумкин.

**АЛ-ХОРАЗМИЙ (783 й. Хоразм – 850 Ҳоразм й.)** – Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий Хоразмда туғилган. Бағдоддаги «Байт-ул Ҳикма» илмий марказида фаолият кўрсатган ва илмий раҳбар бўлиб ишлаган. Ал-Хоразмий илм-фан соҳасида бир қанча шох асарлар яратган ва инсоният амалиётига қуйидаги оламшумул илмий-амалий янгилликларни киритган:

1. Ал-Хоразмий алгебра фанининг асосчисини ва кашфиётчисидир. У «Ал-Жабр вал-муқобил ҳисоби ҳақида қисқача китоб» асарида тарихда биринчи марта алгебра, яъни математика фанининг миқдорлар устида уларнинг сон қийматидан катъи назар, бажариладиган амалларининг умумий қонуниятларини ўрганадиган бўлим яратди. Ал-Хоразмийнинг «Ал-Жабр» асари, ўрта асрлар Европасида ўша даврдаги умумий тил – латин тилига

ўтирилди. Араб тилидаги ўзлаштириш қондаларига биноан, «Алгабр...» шаклида намоён қилинди. Кейинчалик эса «алгебра» деб ўқила бошлади. Бу асар биринчи марта лотин тилига 1145 йилда таржима қилинган. XIX–XX асрлар давомида инглиз, француз, олмон ва бошқа тилларда чоп этилган. 1964 ва 1983 йилларда рус ва ўзбек тилларида нашр этилган.

2. Ал-Хоразмий алгоритмнинг кашфиётчиси, яъни бир турдаги масалаларнинг муайянсинфдага мансуб ҳар қандай конкрет масалани соф механик равишда ечишга имкон берувчи қондалар тизимини биринчи марта тузиб берган.

«Алгоритм» сўзи «Ал-Хоразмий» сўзининг ўрта аср Европа фанида ўқилишидир (дастлабки таржимонлар арабча ёзилган «Ал-Хоразмий»ни «алгоритм» деб лотинчага ўтирганлар). Ал-Хоразмийнинг фан ва амалиётдаги улкан хизмати шундаки, аллома космонавтика, атом электр станциялари, электроника, иқтисод, халқ ҳўжалиги, хуллас барча соҳада бошқариш тизимларини тузишда, электрон-ҳисоблаш машиналари ҳамда компьютер оилаларини яратишда асос ва замин бўлиб хизмат қиладиган қондалар мажмуини ишлаб чиққан. Техника, фан, технология тобора мураккаблашгани сайин алгоритмнинг аҳамияти ҳам ошиб бормоқда.

3. Ал-Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби бўйича китоб», «Астрономик зийж», «Ёр сура-ти ҳақида китоб» асарлари XI–XII асрларда лотин тилига, XIX–XX асрларда эса кенг тарқалган тилларга ўтирилган. Бу асарлар деярли ўн икки аср давомида барча мусулмон мамлакатларида (Ал-Хоразмий ўз асарларини ўша замон мусулмон мамлакатларида барча фанларнинг умумий тили бўлган араб тилида ёзган) ва қарий минг йил давомида Европа мамлакатларида фан, амалиёт ва инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. 1983 йилда ЮНЕСКОнинг қарори билан Муҳаммад ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилеи ўтказилди.

**АЛЬТРУИЗМ** – (лот. *аҳлоқ қоидалари*) – ўз манфаатини умум манфаатлардан устун қўймаслик вазифасини тан олувчи фаолият; шахсий ва умумманфаат учун қурбонлик келтиришга тайёр туриш. А. терминини эгоизм терминига қарама-қарши бўлиб, О.Конт томонидан фанга киритилган.

**АЛЬТРУИСТ** – (фран. *«altruiste»* – бошқа) – ўзгаларга бегараз ғамхўрлик қилувчи ва одамлар бахт-саодати йўлида ўзини қурбон қилишдан воз кечмайдиган шахс. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, ўзини ёмон кўрадиган, ўз кадр-қимматини англамайдиган шахсдан А. чиқмайди. А. ўзини эр билса, бошқани шер деб ҳисоблайдиган мард, камтар ва ўзгалар бахт-саодати, фаровонлиги, эрки, озодлигида ўз идеалларини кўра биладиган олижаноб шахсдир.

**АЛЬЯНС** – (фран. *«alliance»* – *иттифоқ*) – умум мақсадга эришиш учун бирлашиш. Тарғибот ва ташвиқотда негатив аломатни яқсон қилувчи сифатида ишлатилади.

**АМЕРИКА ДАВЛАТЛАРИ ТАШКИЛОТИ (АДТ)** – Лотин Америкаси ва Кариб денгизининг 30 дан зиёд давлатларини бирлаштирган ҳукуматлараро минтақавий ташкилот. 1948 йилда IX панамерика конференцияси аъзо давлатлари томонидан ташкил этилган. (Канада ва Куба давлатлари бу ташкилотга кирмайди, Куба 1962 йилда АҚШ таъйинки остида маъмур ташкилотдан чиқарилган). АДТ Ҳартияси ўзаро муҳофаза: яъни ҳар қандай аъзо-давлатга қилинган ҳужум – барча аъзоларга ҳужум деб, қаралиши лозим деган тамойилни назарда тутди. 1948 йил бошлаб Америка қитъасида содир бўлган барча катта-кичик можароларда АДТ доимо АҚШ ҳукуматини қўллаб-қувватлаган. АДТ аъзо-давлатларга ёрдам кўрсатиш Америка шартномаси ва бир канча ҳарбий келишувлар билан узвий боғлангандир. АҚШ АДТ доминант бош ўринни эгаллайди. 1971 йилда АДТ ҳузур-ида Япония, Канада, Франция, Исроил, Италия ва бошқа қатор давлатлар томонидан доимий кузатувчилар аккредитациядан ўтган. АДТ Низомига мувофиқ, унинг мақсади Америка қитъасида тинчлик ва ҳавфсизликни қўллаб-қувватлаш, аъзо-давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этиш, агрессияга қарши биргаликда ҳаракат олиб бориш, илмий-техника, маданият, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш. Штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган.

**АМИР ДЕКРЕТЛАРИ** – Қатар давлатининг қонун чиқарувчи органи. Қатар давлат тузуми шакли – Абсолют монархия.

**АМИР ТЕМУР** – (тўлиқ исми – шафи Амир Темур Қўрагон ибн Амир Тарағай Баҳодир – 1336 йил 9 апрель ҳозирги Қашқадарё вилояти Яққабғ тумани Хўжалғор қишлоғи – 1405 йил 18 ноябрь, Ўтрор шаҳри) – йирик давлат арбоби, енгилмас саркарда, ўрта асрда энг катта давлатлардан бирининг бунёдкори, ташқи муносабатларда энг оқил йўллари топа билган раҳбар, жанг санъати ва қонунларини ишлаб чиққан машҳур лашкарбоши. Отаси Амир Тарағай Баҳодир барлос қабиласи зодагонларидан бири, замонасининг кўзга кўринган бадавлат кишини ҳисобланган, онаси Тегина бегим эса бухоролик олим Убайдуллоҳ аш-Шарифаниннг кизи бўлган.

А.Т. болалигиданоқ иродали, яхши ташкилотчи, ўткир жангчи эканлиги намоён бўла бошлади. У ўз кучи, ғайрати ва иродасини чиниктириш мақсадида йиғирма беш ёшигача бир қанча ҳукмдорлар хизматида бўлди. Бу даврда Мовароуннаҳр бир қанча амирликларга бўлинган, тарқоклик кучайган, қабила ва элатлар ўртасидаги низолар авжига чиққан эди. Шундай мураккаб вазиятда Амир Темур ҳарбий ва дипломатик қобилияти туфайли Кеш (Шахрисабз) ҳокими даражасига кўтарилди. 1370 йилда А.Т. Кешдан Балхга юриш қилиб, Амир Хусайн қўшинларини енгди, рақибини қатл қилди ва унинг хотинларидан бири Сароймулкхоним (Бибихоним)га уйланди. Ҳоч қизига уйлانганлиги муносабати билан А.Т. «қўрагон», яъни «хоннинг куёви» номини олди. 1370 йиллик кўчманчи зодагонлар, ўтроқ феодаллар ва мусулмон рухонийлари А.Т. Мовароуннаҳр амираи деб эълон қилдилар. А.Т. Самарқандни давлатининг пойтахтига айлантирди, ўз яккоҳокимлиги ва давлати чегараларини мустаҳкамлаш мақсадида исёнчи амирларга қарши қатъий кураш бошлаб юборди. У Еттисув ва Шарқий Туркистонга юришлар қилди. 1388 йилга келиб Хоразмни узил-кесил забт этди. 1380 йилдан А.Т. бошқа мамлакатларга юришлари бошланади: 1381 йилда Ҳиротни, 1383 йилда Сейистонни эгаллайди. 1386 йилдан «уч йиллик юриш», 1392 йилдан «беш йиллик юриш» ва 1399 йилдан эса «етти йиллик юриш»ларни бошлаб, уларни изчиллик билан амалга оширади натижада Кавказ, Эрон ҳамда Ироқни ўз давлатига бўйсундиради, Олтин ўрда хони Тўхтамишни Марказий Осиёдан ҳайдаб чиқаради, 1395 йилда А.Т. Тўхтамиш қўшинларининг Кавказортига ҳамласини қайтариб, уларни тор-мор қилди ва Москвадан 400 километр масофада жойлашган Елец шаҳригача қувиб борди, Олтин ўрда пойтахтини ишғол қилиб, 1396 йилда Самарқандга қайтди.

А.Т. 1398 йилда Ҳиндистонга юриш бошлаб, Лоҳур ва Дехлини эгаллади. 1400 йил Ҳалаб (Алеппо)ни, 1401 йилда Дамашқни олди, 1402 йилда Усмонли Туркия султони Боязид Йилдиримнинг қўшинларини тор-мор келтирди. 1404 йилда Самарқандга қайтиб, Хитойга юришни тайёрлашга киришди ва 1405 йилда қўшинлари билан йўлга чиқиб, Тошкентдан шимол-шарқдаги Ўтрор шаҳрига келганда, касалланиб вафот этди.

А.Т. 20 дан ортиқ мамлакатни забт этди, Олтин ўрда хони Тўхтамишни енгиб, Қадимги Русни мўғуллар истибодидан қутқарилишини ошонлаштирди, Туркия султони Боязид Йилдиримни енгиб, Болқон ярим ороли халқларини маълум муддат мустабидликдан сакланиб қолишига сабабчи бўлди.

А.Т.нинг саркардалик маҳорати дунё аҳамиятига эгадир: жаҳон ҳарбий академияларида қуддорлик таври ҳарбий санъатининг энг ёрқин вақъчи сифатида Александр Македонский, ўрта асрлардан А.Т., капитализм давридан Наполеоннинг саркардалик маҳорати ўрганилади.

А.Т. давлатни мустаҳкамлашда савдогарларга, хунармандларга, шайхларга, шайхларга ва ислом динига таянди, ички ва ташқи савдони йўлга қўйди, илм-фан, адабиёт, санъат тараққиёти учун қулай шароитлар яратди, забт этилган мамлакатлардан олим уфзалоларни, илоҳийётчиларни, санъат намояндаларини Самарқандга олиб келди. Натижада мезморчилик, рассомчилик, наққошлик санъатлари юксак чўққиларга кўтарилди. У Самарқандни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантирди, атрофидаги қишлоқларга Бағдод, Қоҳира, Дамашқ, Фориш (Париж) каби номларни бериш билан пойтахт мавқеини оши-

ришга ҳаракат қилди, қатор хорижий мамлакатлар билан, шу жумладан, Франция, Испания, Англия билан алоқалар ўрнатди. Марказий Осиё Уйғониш даври А. ва унинг авлодлари ҳукмронлиги йилларида мустаҳкам негизга эга бўлди

**АМНИСТИЯ** – жиноят содир этган шахснинг А. акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши. А. актини чиқариш ЎзР Конституцияси 93 моддасининг 20 бандига биноан ЎзР Президенти ваколатига киради. А. акти орқали жазодан, жазонинг ўтамай қолган қисмидан, қушимча жазолардан ҳам озод қилиш мумкин. А. акти орқали суд ҳукми билан тайинланган жазо муддати қисқартрилиши ёки жазонинг қолган қисми қисқартрилиши ёхуд судланганлиги олиб ташланиши ҳам мумкин. А. акти кенг даражадаги шахсларга нисбатан чиқарилиб, А. қилиниши мумкин бўлган шахсларнинг исми шарифи кўрсатилмай А. актининг ўзида унинг қандай тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги аниқ кўрсатилади. А. акти орқали озод қилиш шу акт чиққан кунгача жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади. Агар давомли ёки узокқа чўзилган жиноятни содир этган шахс А. акти чиққан кунгача жиний фаолиятини тўхтатса ёки ўз ихтиёри билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига келса, унга нисбатан ҳам акти қўлланилиши мумкин.

**АНАРХИЯ** – (юнон. «*anarchia*» – бош-бошдоқлик, ҳокимиятсизлик) А. – ижтимоий-сиёсий таълимот бўлиб, шахсни ҳар қандай нуфузлар ва турли хил иқтисодий, сиёсий ва маънавий таъсирлардан озод қилишни мақсад қилиб қўяди. А. – жамиятнинг давлат ҳокимияти бекор этилган ҳолати ҳисобланади. Давлат а. учун салбий манба бўлиб, уни зўравонлик-инкилобий йўллар билан йўқ қилиниши керак, деб даъво қилинади.

А. ижтимоий-сиёсий оқим сифатида Ғарбий Европада XIX асрнинг 40–70-йилларида вужудга келди. Унинг назарий асосларини М.Штирнер, П.Ж.Прудон, М.А.Бакунинлар ишлаб чиқди. М.А.Бакуниннинг «коллектив» анархизми («Давлатчилик ва анархия», 1873й) ҳар қандай давлат оммани эзиш қуролидир ва у зўрлик йўли билан йўқотилиши зарур, деган ғояни илгари суради. Анархизм майда хусусий мулкчиликни, ундан фойдаланишни ёқлаб чиқади. А. таълимотида ишлаб чиқариш ассоциацияларини ўз хоҳишига кўра бирлашуви – ижтимоий тизимнинг идеали саналади.

**АННЕКСИЯ** – (юнон. «*annexio*» – босиб олиш, забт этиш) – бир давлат томонидан бошқа давлат ёки халққа тегишли бўлган ҳудудларни зўравонлик билан қўшиб олиниши.

**АНТАГОНИЗМ (ЗИДДИЯТ)** – (юнон. «*antagonisma*» – қураш) – А. иштирок этган куч ва тенденциялар манфаатларини бир-бирига зидлиги билан фарқлиб турадиган ижтимоий қарама-қаршилик шакли. А. фарқли ўлароқ ноантогонизм – бир-бири қарама-қарши бўлган тарафларнинг манфаатлари ўртасидаги зиддиятларнинг бартараф этилиши мумкин бўлган зиддият шакли А. сиёсий ва бошқа турдаги низолар замиридаги антогонист-тик зиддиятларнинг асосиянташқил этади.

**АНТИК ОСОРИ-АТИҚА** – (лот. «*antiquus*» – кўхна, қадимий) – олд Осиё, Қадимий Юнонистон ва Римдаги мил.авв.1000-500 йилларга хос бўлган ижтимоий онг, дин, мифология, фалсафа, фан, санъат ва ҳ.к. тарихий шакллари.

**АНЪАНА** – жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шакллари, кишилар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аجدодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи. Дунёда анъаналар ва урф-одатларга эга бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Шу маънода, анъаналар бутун инсониятга хос тушунчадир. А. – мафкуравий, синфий, партиявий муносабатга бўлиш, бир ҳудуд ёки халққа хос А. бошқа ҳудуд ёхуд халқ нуқтаи назаридан баҳолаш нотўғри. А., мерос қолдириш ва ижтимоий ворисликни, ҳамда янгиланиш ва навқиронликни яққол кузатиш мумкин.

А. халқларнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади ва сайқалланади. Давр талабига жавоб берган А. унутилмайди, бўлиб мерос қолади, халқ ҳаётининг таркибий қисмига айланади. Ҳар бир эл, миллат ёки халқ ўз А. ривожлантиради, асраб-авайлайди. А. халқ тафаккури, турмуш тарзи, маданий камолот даражаси акс этади. Унда

миллий онг ва миллий кифа гавдаланади. А. менсимаслик улар мансуб халқ ёки миллатни ҳурмат қилмасликдир. А. ёшларни тарбиялаш, уларга кекса авлоднинг тажриба-ларини ўзлаштириш воситаси ҳамдир. Кўпмиллатли давлатларда фақат битта миллатга хос балки барча миллатларнинг А. эътибор бериш лозим. Бу – умуминсоний талабдир. А. кишиларни бошқариш, уюштириш, уларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаш каби вазибаларни ҳам бажаради.

А. нафақат ижобий, балки салбий жиҳатлар ҳам сақланиб қолиши ёки бўлиши ҳам мумкин. Бу эса А. намоён бўлишига боғлиқ. Эндилқда мустақил Ўзбекистонда ижобий А. асраб-авайлаш, уларни яқин ўтмишдаги мафқуравий таъсирлардан поклаш, мамлакатимиздаги маънавий янгиланишнинг воситаларидан бирига айлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён мамлакатимиздаги миллий тикланиш, мустақилликни мустаҳкамлашнинг таркибий қисми бўлиб қолди.

А. жамиятдаги бошқа нарсалар сингари эскирадилар, аста-секин истеъмолдан четда қолади. Аммо, бу жараён, ниҳоятда мураккаб. Чунки кишилар асрлар давомида ўрганган одатларни тўсатдан улоқтириб бўлмайди: баъзи А. нисбатан тез, баъзилари эса ниҳоятда секинлик билан жамият эътиборидан четда қолади. А. бу хусусияти уларнинг онг билан боғлиқлигидадир. Масалан, инсоният тараққиёт жараёнида умумжаҳон жараёнлари гирчдобига тортилган баъзи қабилалар ҳар йили табиат кучларига одамни (одатда, бўйи етган кизни) қурбон қилиш А. осонгина воз кечдилар.

Ватанга муҳаббат, оилага садоқат, ота-онага меҳр-муҳаббат, қарияларга иззат-ҳурмат каби А. умуминсонийдир. Чунки бу ҳар бир миллат, элат ва эл-юртда бор. Уларнинг намоён бўлиши эса ҳар бир халқда турлидир. Бундай хилма-хиллик халқнинг, элнинг тарихи ва ҳаётий шарт-шароитларига боғлиқ. Масалан, хиндлар билан ўзбеклар, италянлар билан мўгуллар А. қиёсласак, улар қанчалик фарқланишини яққол кўраемиз. Шунинг учун А. ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқ зарур. Бу қондага риоя қилмаслик шўролар даврида жамият, миллат ҳамда элатлар ҳаётида кўплаб зиддиятларга сабабчи бўлди.

**АНЪАНАВИЙ ЖАМИЯТ** – иқтисодий ҳаётда кишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутган ва ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида капитализмдан олдин даврга хос бўлган кишлоқ жамоаси, бозор муносабатларининг чеклангани, майда хунармандчиликнинг децентралиги аҳолининг табақаларга бўлиниши, авторитар сиёсий тузум ривожланган демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг мавжуд эмаслиги, таълим-тарбия соҳасида диннинг (мафқуранинг) сезиларли таъсир этиши, сиёсий маданиятнинг пастилиги каби жиҳатлар билан ажралиб турадиган жамият. У индустриал жамиятдан олдинги даврларга хосдир.

**АПАРТЕИД ЖИНОЯТИ** – Африканинг жанубий қисмида амалиётда қўлланилаётган иркий сегрегация ва дискриминация сиёсати ҳамда амалиётини ўз ичига олиб, иркий гуруҳ кишилари устидан ҳукмронлик ўрнатиш, уни қўллаб-қувватлаш ҳамда мунтазам равишда эъти мақсадида содир этиладиган қўйидаги ҳаракатлар: иркий гуруҳ ёки гуруҳларнинг аъзоларини яшаш ва шахсий эркинлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш; иркий гуруҳ ёки гуруҳларнинг аъзоларини ўлдириш; иркий гуруҳ ёки гуруҳларнинг аъзоларига жисмоний шикаст етказиш ёки ақлини ишдан чиқариш ҳамда уларнинг эркинлиги ва кадр-қимматига таъвоуз қилиш йўли билан ёки уларга нисбатан қийноқ ёхуд ваҳшиёна ёки кадр-қимматини камситувчи: муҳала ва жазо қўллаш; иркий гуруҳ ёки гуруҳларнинг аъзоларини ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ва қонуний равишда қамоқларда ушлаш; иркий гуруҳ ёки гуруҳлар учун уларни жисмонан тўлиқ ёки қисман йўқ қилишга мўлжалланган ҳаёт шароитини атайлаб яратиш; иркий гуруҳ ёки гуруҳларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида иштирок этишга қаршилик кўрсатишини мўлжаллайдиган ҳар қандай тусдаги қонуний ва бошқа чора-тадбирлар ҳамда шундай гуруҳ ёки гуруҳларнинг тўла ривожланишига ҳалақат берувчи шароитларни атайлаб яратиш; иркий гуруҳ ёки гуруҳларнинг аъзолари учун ижара қўйилган резервация ва геттолар тузиш воситасида аҳолини иркий белгига қараб ажратишга, турли иркий гуруҳлар аъзолари ўртасида аралаш никоҳларни тақиқлашга, иркий гуруҳ ёки гуруҳ

аъзоларига қарашли ер мулкни экспроприация қилишга йўналтирилган тadbирлар, шу жумладан, қонуний тусдаги тadbирлар ўтказиш; ирқий гуруҳ ёки гуруҳлар аъзоларининг меҳнатини эксплуатация қилиш, хусусан, уларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш; ташкилот ва шахсларни уларни апартендга қарши чиқишлари учун асосий ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиш.

**АПАТРИД** – (юнон. «а» – йўқ; «patris» – ватан; ватанга эга бўлмаган) – дунёнинг ҳеч бир мамлакатида фуқаролик мақомига ёки бирор-бир давлатда яшаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар.

**АПЕЛЛЯЦИЯ** – (лот. «appellatio» – мурожаат қилиш, шикоят қилиш) – 1) бирор шахс ёки гуруҳнинг ваколатли идора ёхуд давлат органи томонидан улар устидан чиқарган кўрсатма, қарор ёки ҳулосалардан норози бўлиб, юқори давлат органларига шикоят қилиши; 2) судланган шахслар ёки ташкилотларнинг суд қарори ва ҳукмидан норози бўлиб, ишни тўлиғича кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган юқори суд органларига шикоят ёки ёрдам сўраш шаклларидаан бири; 3) юқори давлат органлари ёки идораларига ёрдам ва маслаҳат сўраб шикоят қилиш. А. ҳар бир давлатнинг қабул қилган жинойт-процессуал қонунларига асосан олиб борилади. ЎзР бу ҳақдаги қонун 1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган.

**АППАРАТ** – 1) бошқарув, хўжалик юритиш ва бошқа соҳаларда фаоллият юритувчи ташкилот ҳамда муассасалар мажмуи; 2) муайян ташкилот, муассасанинг ходимлари мажмуи. А. ижроня идоралари барча бўғинлари, муассаса ва барча даражадаги бошқарув кадрларини қамраб оладиган ҳокимият институти. Давлат А. марказий бошқарув тизимини ташкил этади ва давлат хизматчиларининг асосий кадрларини, қонунчилик, ижроня ҳамда суд сингари барча марказий ҳокимият органлари ходимларини қамраб олади.

**АПОЛОГЕТ** – (юнон. «apologia» – химоя) – муайян ғоя, таъминот ва ҳ.к. химоячиси. Аралаш турдаги конституция – парламент қонунлари суд ишларидаги ҳолатлар, аъана ва ақидавий талқинлардан иборат бўлган қисман ўзилган конституция.

**АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ (АДЛ)** – 1945 йил 22 мартда тузилган – араб мамлакатларининг минтақавий халқаро ташкилоти; низоми 1945 йил 10 майда кучга кирган. 21 давлат ва Фаластин мухторияти АДЛ аъзосидир. Унинг мақсадлари: сўёсий, иқтисодий, молиявий, маданий, ижтимоий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда унинг аъзолари фаолиятини координациялаш ва ҳамкорликни ташкил этиш; уларнинг мустақиллигини таъминлаш; араб мамлакатлари ва уларнинг манфаатларига тегишли бўлган барча масалаларни кўриб чиқиш. Штаб-квартираси Қохирада (Миср) жойлашган.

**АРАЛАШ ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ** – ширкатнинг мажбурияти бўйича ўзининг бутун мулки билан жавобгар бўлган бир ёки бир неча иштирокчилар билан бирга, жавобгарлиги улар кўшган улуш миқдори доирасидагина чегараланган бир ёки бир неча иштирокчилари мавжуд бўлган ширкат.

**АРБИТРАЖ** – (фран. «arbitrage» – халқаро суд) – ҳакамлар суди (махсус белгиланган ҳакамлар томонидан иски томон ўртасидаги низоли ишни ажрим қилиш, кўриб чиқиш): 1) халқаро арбитраж: бирор масала юзасидан баҳслашиб қолган томонларнинг ўз ихтиёрлари билан сайлаган, унинг қарорини барча томонлар тан оладиган ягона арбитр ёки арбитрларнинг халқаро низолар, ўзаро қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш усули; 2) ташқи савдо арбитражи: давлатлараро ташқи савдо алоқаларидаги мавжуд иқтисодий муаммо ва қелишмовчиликларни ўзаро қабул қилинган шартнома ёки қонунлар асосида ҳал қилишга мўлжалланган ваколатли халқаро орган; 3) давлат арбитражи: юридик ва жисмоний шахслар, давлат идоралари ва муассасалари ўртасидаги низоли ишларни ажрим қилувчи ҳакамлар.

**АРГУМЕНТ** – (лот. «argumentum» – асос далил) – 1) Мантикда бирон бошқа ҳукмнинг (ёки ҳукмлар тизимининг) ҳақиқатлигини тасдиқлаш учун келтириладиган ҳукм (ёки ҳукмлар тизими); исботнинг асоси ёки далили, умуман бутун исбот А. Деб аталади; 2) Математика ва математик логика (мантик)да мустақил ўзгарувчи функция бўлиб,

муайян функциянинг ёки предикатнинг аҳамияти мазкур ўзгарувчи функциянинг қимматига боғлиқдир.

**АРМИЯ** – (фран. «armes»; лот. «armare» – қуролланиш) – кўп маънога эга тушунча. Сиёсатшunosлик нуқтаи назаридан бу – қуролли куч воситасида давлат сиёсатини амалга ошириш А. учга муҳим белгилари бор. Биринчидан, А. – давлат муассаси. У давлат сингари маълум синфлар, ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этади. Шу билан бир қаторда, А. умумдавлат ва умуммиллий манфаатларни ифодалаши ва химоя этиши лозим. Жиддий куч сифатида у олий ҳокимиятнинг зарур таянчи ва қуроли бўлиб давлат тўлиқ бўйсунди ва у билан уйғунлашиб кетади. Шу маънода А. унинг тузулиши, фаолияти, ундан фойдаланишга оид муайян ҳуқуқий меъёрлар мажмуининг келиб чиқиши тақозо этади. Яъни А. ўз табиати жиҳатидан (давлат органи сифатида) ҳуқуқий тузулма саналади.

Иккинчидан, А. ўзига хослиги унинг қуролли тузилма эканида намоён бўлади. Давлатнинг ваколатли ва ижроия бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа институтларидан у қуролли куч, қуролланган кишилар уюшмаси бўлгани билан фаркланади. Айнан шу туфайли А. шундай куч-қудратга эгаки, унга таянган давлат ҳар қандай таълик, мажбурият чораларини амалга ошириши мумкин. Қудратли армияга эга давлат бундай чораларни қўлламасдан мақсадга эришиши мумкин. Чунки қуролли тузулма мавжудлигининг ўзинёқ давлат ҳокимияти қуролларининг кучидан далолат берувчи ҳамда давлатда қонуний тартибнинг кучидан далолат берувчи ҳамда давлатда қонуний тартибнинг дахлсизлигини таъминловчи қоят таъсирчан психологик омил ҳисобланади.

Учинчидан, А. – давлатнинг махсус вазибаларини бажарадиган ҳарбий тузулма ҳисобланади: у тактик, оператив ва стратегик даражада қуролли кураш, уруш олиб боришга кодирдир. Унга хос бу хусусият А. куч-қудратининг юксак даражада таъминланиши, жумладан, қурол ва ҳарбий аслоҳанинг сони ва сифати, шахсий тартибнинг профессионал тайёргарлиги, ташкилий тузулманинг мавжудлиги, ҳарбий илм-фаннинг ривож келиши билан белгиланади. Давлат А. уруш олиб бориш хусусиятига таяниб, ундан ўзига хос ички ва ташқи восита сифатида фойдаланади.

**АРХАИЗМ** – (юнон. «archaios» – кўна, қадимий) – эскириб қолган сўз ва иборалар, шунингдек, санъатда (арханк стиль) ва ҳаётда эскирган ва қотиб қолган шаклларга тақлид қилиш.

**АСИРЛАР САВДОСИ** – қул қилиб сотиш мақсадида инсонни босиб олиш, эгаллик қилиш, инъом этиш ҳар қандай актини; асирни сотиш ёки алмашиш мақсадида уни эгаллаш ҳар қандай актини; умуман, асирларни сотиш ёки ташитиш ҳар қандай акти сингари сотиш ёки алмашиш йўли билан эгалланган асирни сотиш ёки алмашиш йўли билан инъом қилиш ҳар қандай актини ўз ичига олади.

**АССИМИЛЯЦИЯ** – бир халқнинг тили, маданияти миллий ўзини англашидан маҳрум бўлиш ҳисобига бошқа халқ билан бирлашиб кетиши А. – этнос томонидан ўз этник хусусиятларидан қисман ёки тўлиқ маҳрум бўлишни ифода этадиган этник жараёнларнинг бир тури. Этник ўзини англашнинг ўзгариши ушбу жараённинг сўнгги босқичи ҳисобланади.

**АТЕИЗМ** – (юнон. «a» – йўқ; «teos» – худо, худосиз) – табиий, моддий оламнинг ягоналигини, табиат қонунларини тушунтириш ва ифодалаш учун ғайритабиий кучлар, масалан, худолар, руҳлар ва бошқа ғайримоддий мавжуддодларни инкор этадиган дунёқараш. А. назарида, дин ва эътиқод инсон томонидан яратилган, қоинотнинг вужудга келиши эса илмий талқин этилиши лозим. А. асосий тури – илмий ёки ижобий атеизм рационализм, скептицизм, дунёвий инсонпарварлик ва хурфикрлик билан узвий боғлиқдир. Бу боғлиқлик дунёни англаш воситаси эътиқодни инкор этилиши оламини ўрганиш усуллари сифатида илмий усулларнинг тан олинishi, догматизмга қарши кураш ҳамда фалсафий муаммоларнинг эркин муҳокама қилинишида ифодаланади. Илмий атеизм нуқтаи назаридан, дин ва фан – ижтимоий ҳаётнинг бир-бирига зид ҳодисалари ҳисобланади.



**АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АГЕНТЛИК (МАГАТЭ)** – хомийлигида мухтор муассаса сифатида 1957 йилда ташкил топган. У атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича илмий ва техник ҳамкорлик борасида ҳукуматлараро жаҳон марказий форуми сифатида хизмат қилади. Агентлик ўзининг 127 аъзо давлатларига атом энергияси соҳасида ўзларининг мустақил илмий дастурларини ишлаб чиқишларида техник ёрдам кўрсатади. Агентлик фаолиятининг қарийб ярми озик-овқат саноати, кишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, саноат ва гидрология, шунингдек, атроф-муҳит ифлосланиши, айниқса, денгиз суви бўйича дастурларда муважжамлашган.

Агентлик ядро материалларини ҳарбий мақсадларга қаратмаслик кафолатини назарда тутган халқаро шартномаларга амал қилинишини назорат этишда давлатларга ёрдам беради. Бутун дунё бўйича 200 инспектор 900 дан ортиқ қурилма ва бошқа объектларни Агентликнинг Кафолат дастури доирасида назорат қилиб боради.

**АНТРОПОГЕН ТАҲДИДЛАР** – инсон фаолияти натижасида ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларида юзага келган хавф-хатарлар.

**АТТАШЕ** – дипломатиядаги энг кичик лавозимлардан, қатор мамлакатларда энг кичик ранглардан бири. А. ҳарбий ва махсус (масалан, пресс-А.) мансаблар билан чалқаштирмаслик лозим, чунки кейингилари А. мансабидан анча юқори.

**АТТОРНЕЙ** – (ингл. «attorney» – *гувоҳнома*) – инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда мавжуд: 1) маълум бир компания ёки шахсга юридик хизмат кўрсатувчи ишончли вакил; 2) химоя ёки айблов вазифасини бажарувчи мансабдор шахс.

**АФФЕКТ** – (психик ҳолатлардан бири) муайян индивиднинг тафаккур жараёнида тизимга солинган ҳиссий баҳоси. А. «пасайган» (салбий) ёки «кўтарилган» (ижобий) бўлиши мумкин. А. пасайиши вазиятга мос бўлмаसा ёки у билан умуман боғлиқ бўлмаган тақдирда, бундай ҳолат депрессия (тушқунлик), аксинча, А. вазиятга нисбатан юқорирок бўлса, бу ҳолат «мания» ёки «гипомания» деб аталади. А. шунингдек, тафаккур мазмунига мос ёки мос бўлмаслиги мумкин. Бундай ташқари, ёрқин намоён бўладиган (қучли) А. ва суст (бир текис) А. ҳам учрайди. Қайфият А. субъектив акси ҳисобланади.

**АҲБОРИЙЛАР** – 1) имомийларнинг диний-ҳуқуқ тизимидаги оқимлардан бири. X асрда шаклланган. Унинг тарафдорлари ахбор ривоятларини фикснинг асосий манбаи деб ҳисоблайдилар. А. имомийларнинг яна бир ҳуқуқий оқими бўлган усулийга қараганда камроқ тарқалган. 20 Хабар – ахбор жанрида ижод қилган ўрта аср араб тарихчилари.

**АҲБОРОТ** – (лот. *тушунтириш, баён қилиш, хабар, ахборот*) – фаннинг умумий тушунчаларидан бўлиб, унинг кўп талқинлари мавжуд. Тадқиқот соҳасига кўра, А. қуйидагича тушунилади: ташқи оламга мослашиш жараёнида ундан олинган маълумотларни ифодалаш (Н.Виннер), энтропияни инкор этиш (Бриллюэи), коммуникация ва алоқа, ноаниқликни йўқ қилиш жараёни (К.Шеннон), турли туманликни ифодалаш (Эшби), тузилишлар мураккаблиги мезони; танлаш эҳтимоли (Яглом).

**АҲБОРОТ ХАВФСИЗЛИК** – шахс, жамият ва давлат ҳаётий муҳим манфаатларининг ахборот уруши, интервенция ҳамда дезинформация таъйиқларидан химояланганлигидир. И.Х. моҳияти давлатнинг ахборот ресурсларини сақлаш, ахборот соҳасида шахс ва жамиятнинг қонуний ҳуқуқларини химоялашдан иборатдир.

**АҲБОРОТ ХАВФСИЗЛИК ТАҲДИДИ** – шахс, жамият ва давлатнинг информатсион соҳадаги манфаатлари йиғиндиси сифатида миллий манфаатларга амалга оширишга тўсиқ бўлаётган, шунингдек, жамият ахборот муҳитининг фаолиятига, сақланишига ва тарққийётига зарар етказишга бевосита имкон яратувчи омил ёки омиллар мажмуи. Унинг қуйидаги турлари мавжуд: **Информатсион** – ахборот алмашув регламентининг бузилиши (ахборотни қонуний тўплаш ва ундан фойдаланиш; ахборотни атайлаб нотўғри тарқатиш; ахборотни қонуний равишда ахборот тизимидан қўчириш; ахборотни ўғирлаш). **Математик-дастурий**: вирус дастурларини қўллаш; ахборот тизимидан маълумотни йўқотиш ва модификация қилиш. **Жисмоний**: ахборот ва алоқаларни қайта ишлаш воситаларини йўқотиш ҳамда ахборот технологияларини издан чиқариш; аппарат ва дастур очқич қалитларини ўғирлаш; жисмоний, математик–дастурий ва информатсион

хавф солиш мақсадида шахсга бўлган тайинк. Радиоэлектрон: ахборот ва маълумотлар тарқатиш тармоқларидан ахборотларни тўхтагиб қолиш; бошқарув тизими ва алоқа тармоқларини радиоэлектрон усул билан издан чиқариш.

**АХЛОҚ** – (лот. «moralis» – хулқ-атвор) – кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос усули, у ёки бу жамиятда қабул қилинган ва риоя қилиниши лозим бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат ҳамда мулоқотнинг қонун-қоидалари, мезонлари йиғиндиси; ҳар бир инсон тан оладиган этик кадрият; инсон мавжудлигининг ўзини тарбиялаш, тартибга солиш ва бошқаришнинг ўзига хос усули.

А. кишилар хулқ-атворлари, мулоқотлари, муносабатларининг ёзилмаган, лекин жамият томонидан қабул қилинган ҳамда қўллаб-қувватланадиган «олтин қоидалар»ини ифодалайди. А. биринчидан, умумижтимоий аҳамиятга молик бўлган кадриятларни (бошқа кишилар ҳуқуқларини тан олиш, адолат, ҳалоллик, ишонч, садоқат, мулоимлик, бошқалар билан келиша олиш, тил топишиш, жамоада ўзини тута билиш каби) қамраб олади. Иккинчидан, ахлоқ кишиларга хос сифатлар (хислатлар)нинг муҳим томонини ифодалайди. А. мураккаб тузилишга эга бўлган яхлит ижтимоий ҳодиса бўлиб, ахлоқий онг ахлоқий хатти-ҳаракатлар, А. муносабатларни ўз ичига олади. А. онг ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва муносабатларнинг ифодаси ҳисобланади. Унинг таркибига ахлоқий хис-туйғу, ирода, ақл-заковат, интуиция, ҳаёл, хотира кабилар киради. А. субъекти инсон, унинг мезони, баҳоси – виждон. А. доир хатти-ҳаракатлар, муносабатлар алоҳида олинган инсон, жамоа, ижтимоий гуруҳга хос бўлган хусусиятдир. Улар намуна кучига таънади ва идеаллар, А. меъёрлари, урф-одатлар, қонун-қоидалар, «виждон», «адолат», «бурч», «масъулият», «бахт», «яхшилик», «ёмонлик» каби категориялар, шунингдек, шахснинг ахлоқий сифатлари (рахм-шафқат, меҳр-оқибат, беминнат ёрдам, ғамхўрлик, садоқат каби-лар)ни ўз ичига олади. А. инсон ҳаётининг барча томонлари (шахсий ва ижтимоий, моддий ва маънавий кабилар)га бевосита тааллуқлидир. А. кишиларнинг юриш-туриш-ларида, хулқ-атворларида, ўзларини кишилар орасида тутишларида намоён бўлади.

**АҚИДА** – (араб. ақида, ақоид) – билиш, бир нарсага ишониш, эътиқод қўйиш, тушуниш маъноларини англатади. Биринчи маъносида ақидали одам – диндор, ҳудожўй тушунчасида келади. Ақида туғра ражл деб бирор-бир дин ёки мазҳабга эътиқод қўйган киши тушунилади. Яхши ақидага эга бўлган киши шак-шубҳадан холи бўлган соғлом ва тўғри динга эътиқод қўйган шахс ҳисобланади. А. қўплик шакли ақоид бўлиб, у шундай нараси, ўзи амалда бўлмаса ҳам руҳ унга ишонади. А. – кўнгил унга боғланган нарсадир. А. «кўшимча» ва «дил» деган маънолари ҳам мавжуд. Рамзий маънода «қолва» деган маъноси ҳам бор. А. шундай нараси, унга юз тутадилар ва тасдиқлайдилар. Нимага ишонилса ва унга ихлос қўйилса, ўша нарса А. А. ишонч, виждон эркинлиги демакдир. Ўз иродасига кўра бирор динга эътиқод қўйиш А. дейилади.

**АҚИДАПАРАСТЛИК** – муайян шароитда, бирор-бир ғоя ёки тамойилга катъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шакланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уриниш. Бу атама фақат салбий маънода қўлланиб, муайян олим ёхуд оқим томонидан кашф этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади. Мас., XVII–XVIII асрларда механика фани ривожланган. Механикада қўлга киритилган ютуқлар баъзи олимларда оламдаги барча ҳодисаларни ҳам механика фани ютуқлари асосида изоҳлаш мумкин, деган нотўғри хулосага олиб келган. Айримлари ҳатто одамни ҳам оддий бир механизм сифатида тавсифлай бошлаган. Кўриниб турибдики, у ёки бу ҳодиса, қоида, тамойилни мутлақлаштиришга асосланган ёндашувни ижтимоий ҳаётнинг истаган соҳасидан топиш мумкин.

Диний ақидапарастлик диндаги муайян ақида ёки қоидаларни, ўринли ёки ўринсизлигидан катъй назар, кўр-кўрона қўллаш ва мутлақлаштиришга интилишдир. Ақидапарастлик барча динларда турли мазҳаб ва йўналишлар орасида кескинлик, низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

**АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АГЕНТЛИК (МАГАТЭ)** – хомий-лигида мухтор муассаса сифатида 1957 йилда ташкил топган. У атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича илмий ва техник ҳамкорлик борасида ҳукуматлараро жаҳон марказий форуми сифатида хизмат қилади. Агентлик ўзининг 127 аъзо давлатларига атом энергияси соҳасида ўзларининг мустақил илмий дастурларини ишлаб чиқишларида техник ёрдам кўрсатади. Агентлик фаолиятининг қарийб ярми озик-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, саноат ва гидрология, шунингдек, атроф-муҳит ифлосланиши, айниқса, денгиз суви бўйича дастурларда мужассамлашган.

Агентлик ядро материалларини ҳарбий мақсадларга қаратмаслик қафолатини назарда тутган халқаро шартномаларга амал қилинишини назорат этишда давлатларга ёрдам беради. Бутун дунё бўйича 200 инспектор 900 дан ортик қуриш ва бошқа объектларни Агентликнинг Кафолат дастури доирасида назорат қилиб боради.

**АНТРОПОГЕН ТАҲДИДЛАР** – инсон фаолияти натижасида ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларида юзага келган хавф-хатарлар.

**АТТАШЕ** – дипломатиядаги энг кичик лавозимлардан, қатор мамлакатларда энг кичик ранглардан бири. А. ҳарбий ва махсус (масалан, пресс-А.) мансаблар билан чалқаштирмаслик лозим, чунки кейингилари А. мансабидан анча юқори.

**АТТОРНЕЙ** – (ингл. *attorney* – *ғувоҳнома*) – инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда мавжуд: 1) маълум бир компания ёки шахсга юридик хизмат кўрсатувчи ишюнчли вақил; 2) химоя ёки айблов вазифасини бажарувчи мансабдор шахс.

**АФФЕКТ** – (психик ҳолатлардан бири) муайян индивиднинг тафаккур жараёнида тизимга солинган ҳиссий баҳоси. А. «пасайган» (салбий) ёки «кўтарилган» (ижобий) бўлиши мумкин. А. пасайиши вазиятга мос бўлмаса ёки у билан умуман боғлиқ бўлмаган тақдирда, бундай ҳолат депрессия (тушқунлик), аксинча, А. вазиятга нисбатан юқорирок бўлса, бу ҳолат «мания» ёки «гипомания» деб аталади. А. шунингдек, тафаккур мазмунига мос ёки мос бўлмаслиги мумкин. Бундай ташқари, ёрқин намоён бўладиган (кучли) А. ва суст (бир текис) А. ҳам учрайди. Қайфият А. субъектив акси ҳисобланади.

**АҲБОРИЙЛАР** – 1) имомийларнинг диний-ҳуқуқ тизимидаги оқимлардан бири. X асрда шаклланган. Унинг тарафдорлари ахбор ривоятларини фиксининг асосий манбаи деб ҳисоблайдилар. А. имомийларнинг яна бир ҳуқуқий оқими бўлган усулийга қараганда камроқ тарқалган. 20 Хабар – ахбор жанрида ижод қилган ўрта аср араб тарихчилари.

**АҲБОРОТ** – (лот. *тушунтириш, баён қилиш, хабар, ахборот*) – фаннинг умумий тушунчаларидан бўлиб, унинг кўп талқинлари мавжуд. Тадқиқот соҳасига кўра, А. қуйидагича тушунилади: ташқи оламга мослашиш жараёнида ундан олинган маълумотларни ифодалаш (Н.Виннер), энтропияни инкор этиш (Бриллюзен), коммуникация ва алоқа, ноаниқликни йўқ қилиш жараёни (К.Шеннон), турли туманликни ифодалаш (Эшби), тузилишлар мураккаблиги мезони; танлаш эҳтимоли (Яглом).

**АҲБОРОТ ХАВФСИЗЛИК** – шахс, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим манфаатларининг ахборот уруши, интервенция ҳамда дезинформация таъйинларидан химояланганлигидир. И.Х. моҳияти давлатнинг ахборот ресурсларини сақлаш, ахборот соҳасида шахс ва жамиятнинг қонуний ҳуқуқларини химоялашдан иборатдир.

**АҲБОРОТ ХАВФСИЗЛИК ТАҲДИДИ** – шахс, жамият ва давлатнинг информация соҳадаги манфаатлари йиғиндиси сифатида миллий манфаатларга амалга оширишга тўсиқ бўлаётган, шунингдек, жамият ахборот муҳитининг фаолиятига, сақланишига ва тараққиётига зарар етказишга бевосита имкон яратувчи омил ёки омиллар мажмуи. Унинг қуйидаги турлари мавжуд: **Информацион** – ахборот алмашув регламентининг бузилиши (ахборотни қонуний тўплаш ва ундан фойдаланиш; ахборотни атайлаб нотўғри тарқатиш; ахборотни қонуний равишда ахборот тизимидан кўчириш; ахборотни ўғирлаш). **Математик-дастурий**: вирус дастурларини қўллаш; ахборот тизимидан маълумотни йўқотиш ва модификация қилиш. **Жисмоний**: ахборот ва алоқаларни қайта ишлаш воситаларини йўқотиш ҳамда ахборот технологияларини издан чиқариш; аппарат ва дастур очкич калитларини ўғирлаш; жисмоний, математик-дастурий ва информация

хавф солиш мақсадида шахсга бўлган тазйик. **Радиоэлектрон:** ахборот ва маълумотлар тарқатиш тармоқларидан ахборотларни тўхтатиб қолиш; бошқарув тизими ва алоқа тармоқларини радиоэлектрон усул билан издан чикариш.

**АХЛОҚ** – (ном. «moralig» – хулқ-атвор) – кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос усули, у ёки бу жамиятда қабул қилинган ва риоя қилиниши лозим бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат ҳамда мулоқотнинг қонун-қоидалари, мезонлари йиғиндиси; ҳар бир инсон тан оладиган этик қадрият; инсон мавжуддигининг ўз-ўзини тарбиялаш, тартибга солиш ва бошқаришнинг ўзига хос усули.

А. кишилар хулқ-атворлари, мулоқотлари, муносабатларининг ёзилмаган, лекин жамият томонидан қабул қилинган ҳамда қўллаб-қувватланадиган «олтин қоидалар»ини ифодалайди. А. биринчидан, умумижтимоий аҳамиятга молик бўлган қадриятларни (бошқа кишилар ҳуқуқларини тан олиш, адолат, ҳалоллик, ишонч, садоқат, мулоиймлиқ, бошқалар билан келиша олиш, тил топишиш, жамоада ўзини тута билиш каби) қамраб олади. Иккинчидан, ахлоқ кишиларга хос сифатлар (ҳислатлар)нинг муҳим томонини ифодалайди. А. мураккаб тузилишга эга бўлган яхлит ижтимоий ҳодиса бўлиб, ахлоқий онг ахлоқий хатти-ҳаракатлар, А. муносабатларни ўз ичига олади. А. онг ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва муносабатларнинг ифодаси ҳисобланади. Унинг таркибига ахлоқий ҳис-туйғу, ирода, ақл-заковат, интуиция, ҳаёл, хотира қабилар кирди. А. субъекти инсон, унинг мезони, баҳоси – виждон. А. доир хатти-ҳаракатлар, муносабатлар алоҳида олинган инсон, жамоа, ижтимоий гуруҳга хос бўлган хусусиятдир. Улар намуна кучига таянади ва идеаллар, А. меъёрлари, урф-одатлар, қонун-қоидалар, «виждон», «адолат», «бурч», «масъулият», «бахт», «яқшилиқ», «ёмонлик» каби категориялар, шунингдек, шахснинг ахлоқий сифатлари (рахм-шафқат, меҳр-оқибат, беминнат ёрдам, ғамхўрлик, садоқат қабилар)ни ўз ичига олади. А. инсон ҳаётининг барча томонлари (шахсий ва ижтимоий, моддий ва маънавий қабилар)га бевосита тааллуқлидир. А. кишиларнинг юриш-туришларида, хулқ-атворларида, ўзларини кишилар орасида тутишларида намоён бўлади

**АҚИДА** – (араб. ақида, ақоид) – билиш, бир нарсага ишониш, эътиқод қўйиш, тушуниш маъноларини англатади. Биринчи маъносида ақидали одам – диндор, ҳудожўй тушунчасида келади. Ақида тул ражал деб бирор-бир дин ёки мазҳабга эътиқод қўйган киши тушунилади. Яхши ақидага эга бўлган киши шак-шубҳадан холи бўлган соғлом ва тўғри динга эътиқод қўйган шахс ҳисобланади. А. қўплик шакли ақоид бўлиб, у шундай нарсаки, ўзи амалда бўлмаса ҳам руҳ унга ишонади. А. – кўнгил унга боғланган нарсадир. А. «қўшимча» ва «дил» деган маънолари ҳам мавжуд. Рамзий маънода «ҳолва» деган маъноси ҳам бор. А. шундай нарсаки, унга юз тутадилар ва тасдиқлайдилар. Нимага ишонилса ва унга ихлос қўйилса, ўша нарса А. инсонч, виждон эркинлиги демакдир. Ўз иродасига қўра бирор динга эътиқод қўйиш А. дейилади.

**АҚИДАПАРАСТЛИК** – муайян шароитда, бирор-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қонда ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, қўр-қўрона қўллашга уриниш. Бу ағам фақат салбий маънода қўлланиб, муайян олим ёхуд оқим томонидан кашф этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади. Мас., XVII–XVIII асрларда механика фани ривожланган. Механикада қўлга киритилган ютуқлар баъзи олиқларда оламдаги барча ҳодисаларни ҳам механика фани ютуқлари асосида изоҳлаш мумкин, деган ногўғри хулосага олиб келган. Айримлари хатто одамни ҳам оддий бир механизм сифатида тавсифлай бошлаган. Кўриниб турибдики, у ёки бу ҳодиса, қонда, тамойилни мутлақлаштиришга асосланган ёндашувни ижтимоий ҳаётнинг истаган соҳасидан топиш мумкин.

Диний ақидапарастлик диндаги муайян ақида ёки қоидаларни, ўринли ёки ўринсизлигидан қатъи назар, қўр-қўрона қўллаш ва мутлақлаштиришга интилишидир. Ақидапарастлик барча динларда турли мазҳаб ва йўналишлар орасида кескинлик, низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Ақидапараст гуружлар ҳақиқатни тушунтириш, ишонттириш каби усуллар орқали тарғиб этишни тан олмайди. Улар ўз ғоялари бидъатли, ғайрининсоний бўлишига қарамасдан, бошқаларга нисбатан ўта жохил ва муросасиз муносабатда бўладилар. Ўзини шакшубҳасиз ҳақ деб билиш, ҳақиқатни фақат мен биламан, деган қарашга асосланган манманлик эса зўравонликни юзага келтиради. Яъни, ақидапарастлик экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратди. Экстремизм турли кўринишларда бўлиб, террорчиликни ҳам ўз ичига олади. Экстремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, ўз давлатини барпо қилишга интилади. Бу мақсадга улар ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўравонлик орқали эришишни кўзлайди.

**АҲОЛИНИНГ ТАБИИЙ ЎСИШИ** – демографияда аҳоли ўсишини ифодаловчи кўрсаткич; ҳар 1000 киши ҳисобига туғилиш ва ўлиш миқдори ўртасида фарк орқали аниқланади.

**АЯТУЛЛО** – (*араб. оллоҳ байрови*) – шналарда олий диний мартаба. Бундай мартабага асосан Эрон ва Ироқда ўндан зиёд диний арбоб эришган. Масалан, Али ал-Систоний (Ироқ), Саййид Али Ҳаменен (Эрон), Хусайин Али Монтазарий шулар жумласидандир.

## Б

**БАЁНОТ** – халқаро ҳуқуқда бир ёки бир неча давлатнинг сиёсий партияси ёки партиялари, ҳукумати ёхуд ҳукуматларининг бир ёки бир неча давлатларга оид муҳим масалалар юзасидан ўз расмий фикрлари, қарашлари ҳамда мақсадларини, маълум хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашлари ёки аксинча, қоралашларини, уларга эътироз билдиришларини ифодалайдиган ҳужжат.

**БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК** – (*араб. миллатлараро*) – жаҳондаги барча миллат ва элатларнинг тенглиги, ҳамжиҳатлиги назарияси ва амалиёти. Инсоният тарихи турли миллат ва элатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустақамланиб бориши жараёнидир. Халқлар, миллатлар, элатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳар бир инсон, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки табаканинг манфаатларига монандлигига эришиш умумбашарий вазифалардан биридир.

**БАНДЛИК** – меҳнатга яроқли аҳолининг иш ўринлари билан таъминлангани ва ҳўжалик фаолиятидаги иштирокини ифодаловчи тушунча.

**БАНК** – пул ва кредит операциялари билан шугулланадиган муассаса; кимор ўйини бошида ўйинчилардан бири томонидан қўйилган (белгиланган) маблаг миқдори.

**БАНК ҲУҚУҚИ** – марказий банк акциядорлик тижоратига хусусий банкларнинг ва улар фаолиятида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси. Б.Ҳ. таркибини банк соҳасига тегишли фуқаролик ҳуқуқи ва молия ҳуқуқи меъёрлари ташкил этади. Шу муносабат билан Б.Ҳ. фақат молиявий ҳуқуқ соҳаси деб қараш нотўғри бўлади.

**БАНКНОТЛАР** – эмиссион банклар чиқарадиган фойсиз мажбурий банк чипталари; кредит пулларнинг асосий тури.

**БАНК-ЭМИТЕНТ** – банкнотлар, қимматли қоғозлар, тўлов-ҳисоб ҳужжатлари чиқарадиган банк.

**БАНКРОТЛИК** – (*итал. «banko» – банк; «rotto» – сингари*) – компаниянинг ўз қарзларини тўлашга қодир эмаслиги. Бундай ҳолларда қорхона активларига эгалик қилиш ҳуқуқи қорхона эгаларидан қарз мажбуриятлари эгаларига ўтади. Одатда банкротлик қарздорнинг ўз молиявий мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳуқида суд қароридан сўнг пайдо бўлади. Суд қарори эса компаниянинг илтимосига кўра (ихтиёрий равишда тугатиш) ёки кредиторларнинг талаби билан (мажбурий равишда тугатиш) чиқарилади.

**БАРТЕР** – маҳсулотнинг келишилган қиймати, унга нисбатан мулк ҳуқуқининг бир-бирига бериш ҳамда пулсиз муомала асосида амалга ошириладиган тўғридан-тўғри маҳсулот айрбошлаш операцияси. Б. қуйидаги хусусиятлар мавжуд: 1) икки тарафнинг иштироки; 2) келишув муддатининг нисбатан қисқалиги (бир йилгача); Б. ягона контракт

билан расмийлаштирилиши; 3) келишувдан олдинроқ контракт спецификацияси ҳақида келишиб олиш бартер контрактларида бир-бирига етказилаётган маҳсулот қийматининг эквивалентлиги ёки тарафлар етказиб беришни зиммасига олган муайян товарларнинг суммаси олдиндан белгилаб қўйилади.

**БАРҚАРОРЛИК (ИЖТИМОЙ)** – жамиятдаги тинчлик, осойишталик ва ижодий меҳнат муҳитини қатъий, узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муқим шароит. Б. ҳар қандай бунёдкорлик фаолиятининг замини ва зарурий шартидир.

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ** – бу тушунчани БМТ Ташки муҳит ва тараққиёт халқаро қўмитасининг раиси Г.Х.Брутланд 1987 йилда тақлиф қилган. Давлат, халқ, миллатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва экологик муҳитнинг бир-бири билан узвий боғлиқлигини англатувчи атама. Б.Р. заминда биринчи навбатда иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, шу билан бирга бизни ўраб турган атроф-муҳит алоҳида соҳалар эмас, балки улар бир-бири билан узвий боғлиқдир, деган фикр ётади. Илм-фан, техниканинг ривожланиши, янги технологияларнинг қўлланилиши бир томондан, киши-ларнинг фаровонлигини оширас, иккинчи томондан, табиий муҳитга салбий таъсир ўтказ-моқда. Шу билан бирга, кўпгина давлатлар иқтисодий ночорлик, ижтимоий қолоқлик, экологик танглик шароитида яшаб келмоқда. Шу маънода давлат, халқ, миллатлар ўз тараққиёт фелсафасида иқтисодий самарадорликни ижтимоий адолат ва экологик оқиллик билан ҳамоханг тарзда кўзда тутмоқликлари даркор. Акс ҳолда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш табиий муҳитга катта зиён етказиши мумкин.

Б.Р. концепцияси ўз олдига бир-бири билан узвий боғлиқ вазифаларни қўяди. Уларнинг асосийлари: 1) ночорликка қарши кураш, уни тугатиш масалалари; 2) янги иш ўринларини яратиш; 3) табиий муҳитни тиклаш ва сақлаб қолиш; 4) соғлиқни сақлаш, аёллар ва болаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш; 5) кишиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш ва х.к. Б.Р. кенг тушунча бўлиб, бу вазифаларни ҳал қилишнинг ташкилий масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Б.Р. ғоясининг асоси инсонни ўраб турган ташки муҳит масалаларига бағишланган 1972 йилда Стокгольмда бўлиб ўтган, Биринчи халқаро анжуманда қўйилди. 1983 йилда БМТ Ташки муҳит ва тараққиёт халқаро қўмитасини тузди. Орадан тўрт йил ўтгач, бу қўмита ўзининг дастлабки «Бизнинг умумий келажагимиз» деб номланган ҳисоботида инсоният ўз ишбилармонлик фаолиятини ва турмуш фаолиятининг кўп жиҳатларини ўзгартирмоғи керак, деб оғохлангирди. Акс ҳолда инсоният олдида оғир синовлар ва ташки муҳитнинг кескин ёмонлашуви кутилмоқда, деб таъкидланди. Брутланд қўмитаси (ўз раиси номи билан аталган) фикрига кўра, иқтисодий соҳа кишиларнинг эҳтиёжлари ва қонуний талабларини қондириши керак, лекин иқтисоднинг ривожланиши Ер қурра-сининг экологик имкониятлари чегарасидан чиқиб кетмаслиги лозим.

1992 йилнинг июнь ойида Рио де Жанейро шаҳрида БМТ ташки муҳит ва тараққиётга бағишланган анжумани бўлиб ўтди. Бу анжуманда дунёнинг 179 давлати қатнашиб, «XXI асрнинг кун тартиби» деб номланган Декларацияни қабул қилдилар. 7000 бетдан иборат бу дастурда Б.Р. барча жиҳатари ёритилган. Декларация икки масалани: ташки муҳитнинг юқори сифатлилиги ва бутун инсоният учун соғлом иқтисодни яратиш мақсадлари йўлида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш лозимлигини кўндаланг қўйди. «XXI аср кун тартиби» дастурида F P. иборасига қашшоқлик ва ташки муҳитнинг емирилишига қарши кураш услубидир деб таъриф берилган. ЎзР ҳам ушбу Декларацияга қўшилган.

**БАҲОЙЛИК (Баҳоййа)** – диний-сиёсий оқим. XIX аср ўрталарида Эрондаги бобийлик ҳаракатининг давомий сифатида Йроқда вужудга келган. Асосчиси – Баҳоулло. У инсоният учун ягона дин, иқтисодиёт ва давлат зарур, деган ғояни илгари суради (шу билан бобийликдан фарқ қилади). Баҳойлар Осийнинг баъзи мамлакатларида ҳам бор. Баҳойларнинг кўпчилиги Европа ва Америкада, асосий марказлари Германия, АҚШ ва Панамадир. Марказий қароргоҳи Хайфа (Исроил) шаҳрида жойлашган.

**БАҒРИКЕНГЛИК** – дунёдаги турли маданиятларни ва инсоннинг алохидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни аниқлатади. Уни билим, самимият, очик мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Б. турли-туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Б. тинчликка эришишни мушарраф қилгувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир. Б. ён бериш, андиша ёки хушомад эмас. Б., энг аввало, инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари асосида шаклланган фаол муносабатдир. Б. ҳар қандай вазиятда ҳам мазкур асосий қадриятларга таъвозуларнинг баҳонаси бўлиб қизмат қилмайди. Б. алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар намоён қилиши лозим. Б. инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плорализм (шу жумладан, маданий плорализм), демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбуриятдир. Б. одамлар ўз табиатига кўра, ташки кўриниши, киёфаси, ўзини тутиши, нутқи, ҳулқи ва қадриятлари жиҳатидан фарқланиши эътирофга лойиқлиги баробарида, улар дунёда яшашга ва ўзларининг ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақли эканлигини билдиради (қаранг: Толерантлик).

**БЕВОСИТА ДЕМОКРАТИЯ** – асосий қарорлар бевоСИТА фуқаролар томонидан қабул қилинадиган жамят ташкилотининг шакли.

**БЕТАРАФЛИК** – (нем. «neutralität»; лот. «neuter» – на унисси, на бунисси) – муайян давлатнинг қуйидагиларда иштирок этмаслигини назарда тутадиган сиёсат; урушларда ва бошқа мамлакатларнинг ҳарбий ҳаракатларида (уруш даврида); ҳарбий блокларда (тинчлик даврида). Б. икки турга: доимий ва вақтинчалик Б. ажратилади; икки тарафлама зиддият ва инзоларга аралашмаслик; муайян давлатнинг урушлар ва ҳарбий-сиёсий иттифоқларда иштирок этмасликка асосланган сиёсати ҳамда алоҳида ҳуқуқий мақоми.

**БЕГОНАЛАШУВ** – ижтимоий-фалсафий тушунча сифатида кишининг жамятдан, уни бошқаришдан, ўзи яратган муносабатлар ва объективлаштирилган нарсалардан четланганлигини билдирувчи ҳодиса. Амалий фаолиятда яратилган муносабатлар ва нарсаларнинг объективлашиб, кишидан ташқарида турувчи кишини ўз истакларига итоат эттирувчи, ҳатто ёв сифатида унга қарши турувчи кучга айланиши Б. келтириб чиқаради. Инсон қадри ва манфаатлари чеккада қолиб, у объектлаштирган нарсалар, вужудга келтирган тизимлар, муносабатлар қадри улугланса, жамятда мулккий, ирқий, гуруҳий ва синфий табақаланиш авж олса кишининг ва объектлаштирилган нарсалардан Б. янада кучаяди.

**БЕКОР ҚИЛИШ** – йўқ қилиш, бирор ҳужжат ёки келишувни қонуний кучга эга эмаслигини тан олиш.

**БЕНИЛЮКС** – уч Европа давлатлари: Бельгия, Нидерландия ва Люксембургнинг боғжона-иқтисодий уюшмаси. Уюшмани ташкил этиш бўйича шартнома 1958 йилда Гаагада 50 йил муддатга имзоланган. 1960 йилдан кучга кирган. Штаб-квартираси Брюссельда жойлашган.

**БЕКТОШИЙЛАР, БЕКТОШИЯ** – Туркияда тарқалган тасаввуф тарикати. Кичик Осиёда XIII аср охири XIV аср бошида маҳаллий турк кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси орасида пайдо бўлган. Тарикатнинг номи Ҳожи Бектош Румийдан бошланади. Бу тарикат кўпроқ қишлоқ аҳолиси орасида қўллаб-қувватланган. Вақти келиб Б. кенг тармоқ ёйган ташкилотга айланган, ўзи белгиси ва махсус кийимига эга бўлган. Б. турк халқи диний дунёқараши шаклланишига жиддий таъсир кўрсатиб, унинг маданияти, мусикаси, айниқса, адабиётининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшган.

**БЕРУНИЙ АБУ РАЙҲОН МУҲАММАД ИБН АҲМАД (973–1048 йй.)** – машҳур комусий олим ва йирик мутафаккир. Хоразмнинг Қиёт шаҳрида туғилган. Б. Илм-фаннинг барча соҳаларида самарали ижод этиб, 162 та китоб ва рисоалар ёзган, деб тахмин қилинади. Шулардан атиги 28 таси бизгача етиб келган. Ҳозирги вақтда алломанинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Маъданшунослиқ», «Масъуд қонуни», «Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар» асарлари, Ибн Сино билан савол-жавоблари турли тилларга таржима қилиниб, нашр этилди.

Б. табиий-илмий қарашлари муҳим аҳамиятга эга. Б. тажриба ва кузатувлар орқали Ой ва Куёшнинг тутилиши, уларнинг Ердаги ҳаётга таъсири, гидрогеология, иқлим, календар (таквим), сақланиш каби мураккаб муаммоларни янги усул ва ёндашувлар қўмағида ҳал этишга эътибор қаратди. Одамлар яшайдиган аҳоли манзиллари, маъдан ва металлларнинг солиштирма оғирлигини белгилаш, табиий ва сунъий танланиш ғоялари, оламларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги башоратлар, тажриба-синов ва кузатувга изчил муносабатда бўлиш аллома фаолиятининг қирраларидир.

Мутафаккирнинг дунёқарашида билиш муаммолари устун. Жонли мушоҳада ақлнинг яқин қўмақчисидир. Ақл, жонли мушоҳада етказиб берган маълумотларга таянган ҳолда ашёларнинг ички моҳиятига кириб боради. Инсон ўзининг табиат ҳодисаларини билишга бўлган интилишида икки нарсадан илҳомланади. Бири – Аллоҳ томонидан азалдан берилган табиий қизиқиш, барча нарсаларнинг мазмун-моҳиятига етиб боришга бўлган интилишдир. Иккинчиси эса билиш туфайли қўлга киритилган ютуқлардан манфаатдорликдир. Унинг фикрича, «агар фанга асосланиб бўлмаса, ундан воз кечиш лозим бўлар эди». Фаннинг асосий вазифаси ҳақиқатнинг тантана қилишига хизмат қилишдир. Янглишиш, ёлғон-яшиқнинг фанга кириб келишига сафсатабозлик, салафлар эришган ютуқларга танкидий ёндашмаслик, тадқиқотчининг ноизчиллиги, илмдаги сусткашлик, объектни тадқиқ этишни оддий ҳайратланиш билан қарши олиш, билиш субъектининг ҳасалиги ёки табиий ҳолатдан четга чиқishi, укувсизлик, нодонлик, қайсарлик, тарафқашлик ва бошқалар сабаб бўлади. Билимнинг чин ёки ёлғонлиги тажриба-синов, кузатув мезони орқали аниқланиши шарт.

Б. фикрича, инсон Аллоҳ томонидан яратилган. Унинг ҳаёти ва фаолияти моддий омиллар асосида кечади. Одамларнинг бир-бирлари билан бирлашиши, жамиятнинг пайдо бўлиши моддий эҳтиёжлар натижасидир. Киши ўз ҳолича зарурий эҳтиёжларни қондира олмайди. Айнан шу зарурият уларни бирлашишга даъват этади. Меҳнат инсоннинг асосий бурчи, чунки ҳар қандай мақсад меҳнат туфайли рўёбга чиқади. Пул ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Лекин шу билан бирга, пул зўравонлик, мажбуран меҳнат қилинишига ҳам сабаб бўлади. Б.да ижтимоий-утопик қарашлар ҳам ривож топган. Унинг идеалига кўра, жамиятни бошқариш, амалдорлардан ўз ҳузур-халоватидан маълум муддат маҳрум бўлиш, зўравонлардан жабрланувчиларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш, гуноҳқорни эса жазолашдан иборат бўлмоғини таъмин этишни тақозо қилади. Мағрибда жамиятни бошқариш «оқори тонфа кишилари ва деҳқонлар» орасида навбатма-навбат амалга оширилар экан. Идора қилиш муддати тутагач, ҳукмдор масъулиятли вазифани соғ-саломат ўз зиммасидан соқит қилганлигига атаб, фуқаролар зиёфат берар, кишиларга совғалар ҳадя қилар экан. Одил ҳукмдорнинг вазифаси – юқори ва қуйи табақа кишилари ўртасида адолат ўрнатиш, кучли ва ожизлар ўртасидаги тенгликни барқарор этишдан иборат. Аллома «Тенглик ҳукмронлик қилган жойда қайғу-алам ва очофатлик ўз-ўзидан йўқ бўлади», деган ғояни илгари суради. Б. табиий-илмий, фалсафий, ижтимоий қарашлари билан жаҳон фалсафий тафаккури раванқига самарали ҳисса қўшди. Мутафаккир қолдирган маънавий дурдоналар миллий ўзликни англашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

**БЕТАРАФ ДАВЛАТЛАР** – бетараф давлатларнинг қуруқликда юз берадиган урушлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари V Гаага конвенцияси, денгизда содир бўладиган урушлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса XIII Гаага конвенцияси (1907 й.) билан тартибга солинади. Мазкур конвенцияларга биноан, бетараф давлатлар ҳудудида уруш ҳаракатларини олиб бориш, урушаётган томонлар ушбу ҳудуддан ҳарбий мақсадларда фойдаланиши мумкин эмас. Бундай ҳудудларда ҳарбий қўшин тузиш ва уруш тайёргарлигини олиб бориш ҳам таъқиқланади. Урушаётган томонлар бетараф давлатлар ҳудудига қуролли қўшин олиб кириши мумкин эмас. Қўшин олиб кирилган тақдирда бетараф томон уни қуролсизлантиришга ҳақли. Б.Д. ҳудудига бўлган ҳар қандай ҳуруж қуролли кучлар ёрдамида қайтарилиши мумкин. Б.Д. ҳеч қандай чеклаш ва тўсиқларсиз бошқа бетараф ҳамда урушаётган томонлар билан савдо-сотикни амалга ошириши мумкин. Лекин



бетараф давлатлар харбий мақсадларда фойдаланилиши мумкин бўлган кема, курул-яроғ. ўқ-дорини урушаётган томонга бермаслиги лозим. Бундай ҳаракат курул-яроғ контрабанда-си ҳисобланиб, урушаётган томонлар уни мусодара қилишга ҳақлидир. Денгиздаги куруллы тўқнашувларда урушаётган томонларнинг кемалари бетараф давлатлар кемалари қатновига тўқнашлик қилиши ва денгиз ҳудудига 24 соатдан ортиқ туриши мумкин эмас.

**БЕҲБУДИЙ МАҲМУДХҲҲЖА** – (1875 йил, Самарқанд – 1919 йил, Қарши) руҳоний оиласида таваллуд топган, эски мактаб ва мадрасада ўқиган, қозихоналарда мирзолик ва муфтилик қилган. Шу боисдан баъзи мақолаларига «Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий» деб имзо чеккан. Арабистон, Миср, Туркия сўнгари Шарқ мамлакатларига сафар қилган (1900–1914 йй.), шунингдек, Қозон ва Уфага (1903–1904 йй.) борган.

Б.М. Туркистонда янгича «усули жаид» мактаблари зарурлигини назарий асослаган ва уларни ташкил этишга йўналтирилган катта ишларга раҳнамо бўлган. Бундай мактаблар учун у юздан ортиқ дарсликлар ва қўлланмалар ёзиб, чоп эттирган: «Мунтахаби жуғрофийайи умумийа» («Қисқача умумий жуғрофия»), «Қитоба-тул-атфол» («Болалар мактублари»), «Мухтасари тарихи исломийа» («Ислом қисқача тарихи»), «Амалиёти ислом» («Ислом амалиёти»), «Маҳхали жуғрофий умроний» («Аҳоли жуғрофиясига кириш»), «Мухтасари жуғрофий Русийа» («Россия қисқача жуғрофияси») ва бошқалар.

Б.М. Туркистонда жаидчилик ҳаракатининг асосчисидир. У давр муаммоларини ҳал этиш йўлларини шакллантиришда таниқли таракқийпарвар зиёли, олим, жамоат арбоби Исмоил Гаспиранининг илғор гояларини тарқатувчилардан бири бўлди. Шу мақсадда Б.М. 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журнални нашр эттира бошлади. «Ойна» ўзбек тилида ўлкада чиқа бошлаган илк журнал эди. «Самарқанд» газетасининг фаолияти 45 сонидан кейин тўхтади. 1913 йилда чоп этилган «Падаркуш» пьесаси бир йилдан сўнг Тошкентда «Турон» труппаси томонидан сахналаштирилди ва муаллифга катта шухрат келтирди.

Б.М. фаолиятида қуйидаги уч қондани илгари сурди: 1) замон талабларидан келиб чиқиб иш қўриш; 2) миллат тақдир ва истикболни белгиловчи миллий кадрларни тайёрлаш; 3) дунё миқёсида фикрлай оладиган. чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатлар ва мулокотларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш. Асримиз бошларида илгари сурилган бу гоялар ҳозирги даврга ҳамохангдир ва бу нарса улуг сиймо нақадар узоқни кўра билганидан далолат беради.

Б.М. 1917 йилдаги Октябрь тўнтаришини қабул қилмади. Бирок, у янги ижтимоий муҳитга мослашишга мажбур эди: 1918 йилда Самарқандда тузилган «Мусулмон ишчи ва Дехқон шўроси»да маориф комиссари лавозимида ишлай бошлади. У мактаблар ташкил этиш, ўқув тизимини ислоҳ қилиш, дарсликлар яратиш имкониятига эга бўлади. Худди шу даврда «Янги ҳисоб» дарслигини ёзиб, нашрдан чиқарди.

Б.М. жамяятни табақалаб, пролетариат-йўқсуллар гояси асосида ҳаётга ёндашишга қарши чиқди. Аксинча, у бирлашган «Муттаҳид фронт» гоясини баён қилар экан, «уламо ила зиёли ва таракқийпарварларимиз, бой ва авомимиз бирлашиб, дину миллат ва Ватанининг ривожини учун хизмат этсак», дейди.

Б.М. деярли юз йил муқаддам мустақиллик туфайли биз эндиликда ҳал этга бошлаган вазифаларни белгилаб берган эди. Жамятдаги қора қучлар алломани кўролмасди 1919 йилда Бухоро амири уни «большевикларнинг айғоқчиларидан» деб айблади, унинг жосуслари Б.М. Қарши шахрига олиб келиб, пинҳона қатл этди.

**БИОСИЁСАТ** – сиёсий воқеа-ҳодисаларни ўрнатишда биологик тушунча ва тадқиқот усулларини қўллашни ёқлаб чиқадиган концепция. Турли хайвонлар, ҳашаротларнинг ўрганиш асосида фаолиятнинг ижтимоий шакллари тадқиқ этишда эволюцион ёндашувга таяниб, уни *Nemo sapiensza* қўлашга интилаётган Э. Вильсоннинг ижтимоий-биологик назариясидан фарқли ўлароқ, Б. ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг барқарор шакллари ўрганишни назарда тутди.

**БИ-БИ-СИ (BBC – British Broadcasting Corporation)** – Британия радиоэшит-тириш корпорациясининг кискартирилган номи. 1992 йилда ташкил топган. Давлат томо-нидан назорат қалинади. Буюк Британия худудига радиоэшиттиришнинг монопол ҳуқу-қига эга. Мамлакат ичида ҳамда 40 дар ортиқ хорижий тилларда чет элга эшиттиришлар-ни узатади. Маркази – Лондонда жойлашган.

**БИДЪАТ** – (араб. – янгилик киритмоқ, янгитдан яратмоқ) – номтаълум янгилик, дин ақидаларига хилоф янгилик. Дастлаб Халифа Усмондан норози одамлар, асосан шиалар ва хорижийлар уни Муҳаммад (сав) сўзлари ва амалларига зид янгилик киритган яъни, Б. айблаганлар. Кейинроқ ислом дунёсида диний-ғоявий ихтилофлар ва баҳслар авж олган пайтда Б. тушунчаси «нотўғри ёки хато тасаввур», «янгилиш фикр» деган маъноларни касб этди. Б. нимани киритишнинг аниқ чегараси бўлмаган. Муайян амал ва фикрҳий маҳзаб вакиллари томонидан «ножойиз янгилик», яъни ислом аҳкомларига хилоф иш деб баҳоланса бошқа маҳзаб тарафдорлари уни қуръон ва суннага мувофиқ келадиган «сах йўл» деб билганлар. Бу хилдаги баҳслар ҳамон учраб туради. Айтайлик, Имом Аъзам маҳзабига қўра, ота-боболар мазорларини зиёрат қилиш, оламдан ўтган аждодлар руҳи покларига дуон фотиҳа савоб иш саналади ва шунга риоя қилиб келинади. Аммо ханбалия маҳзабнинг ваххобийлик оқими вакиллари буларни асоссиз равишда Б. деб ҳисоблайди. Шундан фойдаланиб одамларни йўлдан урмоқчи, жамиятда бекарорлик вужудга келтирмоқчи бўладилар. Б. бемаъни гап, сафсата маъноларини ҳам англатиб, адабиётда хурофот, уйдирма маъноларидан кенг ишлатилади.

**БИЗНЕС** – шахсий ёки қарзга олинган маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган ҳамда тавакалчилик билан иш юритадиган ва масъулиятни зиммага олган ҳолда кўпроқ даромад олиш ва ўз иши ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган тадбиркорлик фаолияти.

**БИЛВОСИТА АГРЕССИЯ** – бирон-бир давлатнинг Куролли Кучлари таркибига кирмайдиган ёки унга тааллуқли эканини сир тутадиган, аммо муайян давлат номидан ёхуд унинг топшириғига асосан ҳаракат қиладиган қуролли тузилмалар (жангари тўдалар, ёлланган аскарлар ва ҳ.к.) орқали содир этиладиган тажовуз. Б.А. халқаро жиноят ҳисоблангани боис, унга алоқадор бўлган давлат халқаро жавобгарликка тортилади.

**БИЛЛ** – Буюк Британия, АКШ, Канада ва бошқа инглиз тилли давлатларда қонунчилик органлари ихтиёрига тақдим этиладиган қонун лойиҳаси, шунингдек, айрим давлатларда конституциявий ҳужжатларнинг номи (масалан, «Билл ҳуқуқлар ҳақида»).

**«БИЛЛ ҲУҚУҚЛАР ҲАҚИДА»** – 1) 1869 йили Буюк Британияда қабул қилинган конституциявий монархияни қонунийлаштирган ҳужжат. Билл ҳуқуқлар қонунчилик ва молия соҳасида қирол ваколатини чеклади ва инсон ҳуқуқлари бўйича айрим ваколатларни кенгайтирди; 2) АКШнинг 1787 йилда қабул қилинган Конституцияга киритилган АКШ Конгресси томонидан қабул қилиниб, штатлар томонидан ратификацияланган дастлабки унта тузатиш.

**БИПАТРИДЛАР** – (юнон. – ватан) айни бир вақтда икки ва ундан ортиқ давлат фуқаролари бўлган шахслар.

**БИРДАМЛИК** – манфаат, мақсад ва фаолият муштараклигига асосланган сазъ-ҳаракат.

**БИРЖА** – (лот. «bursa» – ҳал. ʻи) – стандартлар, яъни андоза ёки намуналар бўйича сотиладиган оммавий товарларнинг мунтазам фойдаланиладиган савдо шаклларида бўлиб, товар биржаси, қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқ.) биржаси, фонд биржаси, валюта, яъни чет эл пуллари биржаси ва шу каби турларга бўлинади. Ишчи кучидан оқилноа фойдаланиш ва шу асосда ишга жойлаш масалалари ҳам меҳнат биржаси орқали амалга оширилади.

Б. мунтазам иш олиб борувчи улгуржи бозорнинг энг ривожланган шакли бўлиб, унда товарлар, стандартлар, яъни андоза ва намуналар бўйича алмаштирилади, қимматбаҳо қоғозлар ва валюта сотилади. Б.нинг ярмаркадан фарқи шундаки, товарларни сотиш чоғида мавжуд товарлар юзасидан битишувлар амалга оширилмайди. Б., даставвал,

Ғарбий Европа мамлакатларида XV–XVI асрларда пайдо бўлди. Саноат инқилоби ҳамда ишлаб чиқаришнинг техникага асосланиши савдо ҳажми ва товарлар хилма-хиллигини чексиз оширди, товарлар тури кўпайиши ва уларни етказиб беришда мунтазамлик талаб ошди. Б. ана шу шарт-шароит ва талабларга мослаша бориб, олди-сотдини ташкил қилиш, савдо қонда ва тартибларини қайд қилиш билан бирга, товарларга нисбатан стандартларни, яъни асосий талабларни (мас., ашёларнинг сифати, кимёвий таркиби, физикавий хусусиятлари, ўлчов ва оғирлиги жиҳатидан маълум шартларга жавоб бериш масалаларини белгилаш ва аниқлаш, намунавий нусхаларни тайёрлаш, нархларни белгилаш, умуман, ахборот фаолияти) ишлаб чиқариш ҳам товар биржаларининг муҳим вазифаларига айланди. Б. Аста-секин халқаро савдо марказлари даражасига кўтарилди.

**БИРЖА ҲИСОБИ** – фойз қозғалари курсининг ошиши ёки пасайиши назарда тутиб сотиб олиниши; катта ҳажмда муомалага чиқарилган бундай қозғалар нархларга таъсир этади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (БМТ)** – 1945 йил 25 апрелда Сан-Францискода ташкил этилган, унда 50 давлат вакиллари тўпланган 25 июнда улар бир овоздан БМТ Ҳартиясининг биргаликда тайёрланган 111 моддасини тасдиқлашган. 1945 йил 24 октябрда Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзоси томонидан ратификация қилинди. Бош ассамблеянинг биринчи резолюцияси 1946 йил 24 январда қабул қилинган бўлиб, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва атом қуроли ҳамда бошқа оммавий қиргин қуролларидан фойдаланмаслик ҳақида эди. 1948 йил 10 декабрда БМТ инсон ҳуқуқларининг умумий декларациясини қабул қилди. БМТнинг бош мақсади – бутун дунёда тинчликни сақлаш, можароларнинг олдини олиш ва тартибга солишдан иборатдир. Ҳозирги пайтда 185 давлат унинг аъзоларидир. БМТ пазими олти та бош органдан иборат. Бундан ташқари 18 та автоном, ихтисослашган муассаса БМТ билан алоҳида битимлар орқали боғланган. Қароргоҳи – Нью-Йорк шаҳрида, Женевда Европа бўлими жойлашган.

**БМТнинг БОШ АССАМБЛЕЯСИ** – БМТ бош (асосий) маслаҳат органи бўлиб, унинг барча аъзолари вакилларидан иборат. Унга Устав томонидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш ваколати берилган. БМТ тегишли барча вазифа ҳамда ваколатларнинг муҳим қисмини бажаради. БМТ асосий органлари орасида энг ваколатлиси, шу органларни шакллантиришда иштирок этади. БМТ аъзо давлатлар ўз вакилларига эга бўлган ягона орган. БМТ аъзо давлатларнинг барчаси БМТ Бош ассамблеясида тенг ҳуқуқли, яъни ҳар бири бир овозга эга. Ўзбекистон ва БМТ Ўзаро муносабатлари расман 1993 йилнинг январидан бошланган. Бу пайтда келишилган битимга кўра, Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси очилган ва БМТ доимий мувофиқлаш-тирувчиси фаолият юрита бошлаган.

**БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ** – ўз фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган ёрдамчи орган. Сиёсий масалалар ва хавфсизлик масалалари қўмитаси (қуролланишни тартибга солиш ҳам шунга қиради); Махсус сиёсий қўмита (сиёсий масалалар билан шуғулланади), Иқтисодий ва молия масалалари қўмитаси, Ижтимоий ва гуманитар ҳамда маданият масалалари қўмитаси, Васийлик ва ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар масалалари қўмитаси, Маъмурий ва бюджет масалалари қўмитаси. Уставга биноан Бош ассамблея доимий ёки муваққат ёрдамчи ва махсус органлар тузишга ҳақлидир. Улардан асосийлари: Инвестициялар қўмитаси; Ходимларнинг пенсия жамғармаси қўмитаси; Тафтиш комиссияси; Халқаро ҳуқуқ комиссияси; Коллектив тадбирлар қўмитаси; Атом электрстанциясининг таъсири бўйича БМТ илмий қўмитаси; Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича маслаҳат (консультатив) қўмитаси; Космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитаси; Мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларациянинг амалга оширилиши юзасидан махсус қўмита («24лар қўмитаси»), Савдо-сотиқ ва тараққиёт бўйича БМТ Конференцияси ва бошқ. Ушбу қўмиталар фаолиятини БМТ Бош Ассамблея-

сининг раиси, 21 ўринбосар ва 7 асосий кўмитанинг раисларидан иборат Бош кўмита бошқаради.

**БМТнинг БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ (ЮНИСЕФ)** – бутун фаолиятини болаларга, уларнинг ҳимоясига, Болалар ҳуқуқлари конвенцияси доирасида уларнинг ривожланиши ва ҳаёт кечиришларини яхшилашга ихтисослашган ягона ташкилотдир. Бош ассамблея томонидан Европада 1946 йилда болалар эҳтиёжларини қондириш мақсадида ташкил этилган.

ЮНИСЕФ БМТ бошқа муассасалари, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликда ва бутунжаҳон периферия тармоғи орқали жамоа даражасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, озик-овқат, бошланғич таълим, сувларни тозалаш ва санитария шарт-шароитларини яхшилаш, гендер тенгсизлигини бартараф этиш ва тараққиёт соҳасида арзон хизмат кўрсатиш бўйича дастурларга кўмаклашади.

ЮНИСЕФ 36 кишидан иборат Ижроия кенгаш томонидан бошқарилади. Ижроия кенгаш сиёсатни белгилайди, дастурларни кўриб чиқади ва бюджетни тасдиқлайди. ЮНИСЕФ таркибиде 6200 дан ортиқ ходим 113 мамлакатдаги 242 жойда ишлайди. Уларнинг 84 фоизи бевосита турли давлатларда, қолганлари Нью-Йоркдаги бош қароргоҳда, Копенгаген ва Флоренцияда, шунингдек, Женевадаги БМТ ҳудудий бўлимда меҳнат қиладилар.

**БМТнинг БОШ КОТИБИ** – БМТ Уставига асосан (97 модда), ташкилот маъмуриятидаги бош мансабдор шахс. БМТ Бош котиби Бош ассамблея томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига мувофиқ қайта сайланиш имконияти билан 5 йил муддатга сайланади. БМТ Бош котиби Бош ассамблея томонидан ўтказиладиган барча кенгашларда иштирок этади, шунингдек, ўз ваколатига киргач бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Б. вазифаси маъмурий-ижрочилик характериغا эга. Бош котиб, шунингдек, сиёсий ҳаракатдаги ваколатларга ҳам эга, яъни у халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, хавф тугдириши мумкин бўлган ҳар қандай масалани Хавфсизлик Кенгаши эътиборига ҳавола қилиш ҳуқуқига эга (БМТ Уставининг 99 моддаси). Бош котиб ҳар йили Бош ассамблеяга ташкилотнинг иши тўғрисидаги ҳисобот маърузани тақдим этади.

**БМТнинг ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ** – БМТ Васийлик тизимига қўшилган ҳудудларнинг бошқарилишини назорат қиладиган, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиб, лекин васийликдаги ҳудудларни бошқармайдиган, васийликни амалга ошириш учун Бош ассамблеяси томонидан уч йил муддатга сайланадиган давлатлардан ташкил топган ташкилоти. Васийлик кенгаши 1946 йил декабрда БМТ биринчи сессиясида ташкил топган. БМТ Уставининг 87 моддасига мувофиқ, Васийлик кенгаши васийликка олган ҳокимиятнинг йилда бир марта тақдим этиладиган ҳисоботини ҳамда васийликдаги ҳудуд халқидан тушган илтимоснома ва талабларни кўриб чиқади, васийликка олинган ҳудудларга бориб, топшириқларнинг бажарилишини назорат қилади ва х.к. Васийлик кенгаши ўз фаолиятини Бош ассамблея раҳбарлиги ва назоратида олиб боради. Васийлик кенгашида масала кўпчилик овоз билан ҳал қилинади. Ҳозир васийлик тизимида Янги Гвинея ва васийлик остидаги стратегик ҳудуд деб эълон қилинган Тинч океан ороллари (бошқарув ҳокимияти АҚШ) қолган, ҳоло.

**БМТнинг ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМПАССИЯСИ** – БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгашига қарашли халқаро ташкилоти. 1946 йилда тузилган. Асосий вазифаси – Европа мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантириш, улар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек Европа мамлакатлари билан бошқа қитъалардаги мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни кенгайтириш. Комиссиянинг олий органи – ялпи сессия; одатда, йилига бир марта чақирилади, ижроия органи – котибият. Бош қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

**БМТнинг ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ БҲЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ** – денгиз ҳуқуқини кодификация қилиш ва шу асосда жаҳон океанининг ягона халқаро ҳуқуқий тартиботини белгилаш мақсадида БМТ томонидан ўтказилади. Конференциялар халқаро

денгиз ҳукуқи ривожланиш тарихига яқун ясаб, ҳудудий сувлар, континентал шельф ва очик денгизнинг халқаро ҳуқуқ тартиботлари, халқаро ҳамкорликнинг ва балиқчиликнинг тамойиллари асосларини шартнома тарзида мустаҳкамлайди. 1 конференция Женевада 1958 йил февраль – апрель ойларида; 2 конференция Женевада 1960 йилда март – апрель ойлари; 3 Конференция – Каракасда (Венесуэлла), Нью-Йоркда (АҚШ), Женевада (12та сессия, 1973 йил декабрь –1982 йил сентябр) 1982 йилдаги 3 конференцияда БМТнинг денгиз ҳукуқи бўйича конференцияси қабул қилинган. Бош қароргоҳи Лондонда жойлашган.

**БМТнинг ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ОДИЛ СУДЛОВ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МИНТАҚАЛАРО ИЛМҲИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЮНИКРИ) –** 1968 йилда ташкил толган, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланади, ўқув ишлари олиб боради ва ахборотлар таркатади. Бош қароргоҳи Рим (Италия)да жойлашган.

**БМТнинг ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ –** БМТ иқтисодий-ижтимоий Кенгашининг ёрдамчи органи. Комиссия таркибига 1946 йилнинг 15 февралда тузилган иқтисодий-ижтимоий Кенгаш сессиясида 3 йил муддатга сайланадиган вакиллар қиради. Комиссиянинг асосий вазифаси Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қўпол ҳамда оммавий равишда бузишга қарши курашишдир. Комиссия 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича умумий Декларация тайёрлаган, 1966 йилда Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги пактларни 1973 йилда Апартеид жиноятларини тўхтатиш ва уни жазолаш бўйича конвенция тайёрлашда иштирок этган. Комиссиянинг йиғилишлари Женева (Швейцария) бўлиб ўтади. Бош қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

**БМТнинг ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАР БОШҚАРМАСИ –** 1993 йилда БМТ қошида инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар лавозими таъсис этилди. У БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун жавоб берадиган асосий мансабдор шахсдир. Олий комиссар зиммасига барча кишиларнинг фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мажбурияти юкланган. Бошқарма инсон ҳуқуқлари борасидаги БМТ барча фаолиятининг маркази сифатида хизмат кўрсатади. Бош қароргоҳи Женева (Швейцария)да жойлашган.

**БМТнинг ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМИЙ ДЕКЛАРАЦИЯСИ –** БМТ йил ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган декларация. У мақаддима ва 30 моддадан иборат. Унинг мақсад ҳар бир инсон ва давлат мазкур Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинишига қўмаклашиши лозим. Декларация ҳар бир инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари эълон қилган асосий халқаро ҳужжатдир. Шу тариқа халқаро муносабатлар тарихида биринчи марта инсоннинг ҳамма риоя этиши шарт бўлган асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари белгилаб берилган.

**БМТнинг ИНСОННИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА УНИНГ БАРЧА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИ –** БМТ Бош Котибига бўйсунди ва барча инсонларнинг фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини рағбатлантиришни, ҳимоя қилишни самарали рўёбга чиқариш йўлида фаолият олиб боради. Унинг вазифасига қуйидагилар қиради: 1) инсон ҳуқуқлари ҳақидаги мавжуд механизмларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш; 2) инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида барча ҳукуматлар билан мулоқотга киришиш; 3) БМТ барча тизимларида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш. Олий Комиссар мартабаси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 4 йил муддатга тайинланади ва лавозимига қўра у БМТ Бош Котиби ўринбосари ҳисобланади. Бош қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

**БМТнинг САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИ ТАШКИЛОТИ (ЮНИДО) –** Бош ассамблея томонидан 1966 йилда таъсис этилган. 1985 йилда у БМТ саноат тараққиёти ва ҳамкорликка қўмаклашувчи махсус муассасасига айланди. Ҳозирги вақтда таркибида 168 аъзо-давлат бор. Икки йилда бир марта қабириладиган Бош кенференция бюджет ва ЮНИДО иш дастурини тасдиқлайди ҳамда Бош директорни тайинлайди. ЮНИДО

фаолияти икки йўналиш бўйича амалга оширилади: 1) саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш; 2) экологик хавфсизлик ҳамда барқарор саноат тараққиётини таъминлаш. Штаб-квартираси – Вена (Австрия)да жойлашган.

**БМТнинг КОТИБИЯТИ** – ўз тасарруфидаги барча органлар мажлиси ишини техник жиҳатдан таъминлаш, ҳисоботларни эълон қилиш ва тарқатиш, архивларни сақлаш, ташкилотнинг расмий ҳужжатлари ва ахборот ҳужжатлари чақиришни амалга оширади, БМТ аъзолари томонидан тузиладиган халқаро шартномаларни рўйхатдан ўтказди. БМТ Котибияти ходимлари уч туркум: Бош котиб ва унинг ўринбосарлари; олий маъмурий мансабдор шахслар; мутахассислар синфининг халқаро мансабдор шахслари; техник ходимлар (котиблар, курьерлар)га бўлинади. БМТ ҳозирги кунда 16 минг кишидан кўпроқ ходим бор. Хизматга олиш донмий ва муддатли шартнома тартибида амалга оширилади. Бош котибни Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига мувофиқ Бош ассамблея беш йил муддатга тайинлайди. Бош котиб ҳар йили БМТ фаолияти ҳақида Бош ассамблеяга ҳисобот беради. Котибият ходимларини Бош котиб тайинлайди. Котибиятнинг вазифаси БМТ ва унинг органларининг меъёрл ишлашини таъминлаш. Бош ассамблея ва БМТ бошқа органлари қарорларининг амалда бажарилишига ёрдам беришдир. Котибият департаментлар ва бошқармаларга бўлинади: Сиёсий масалалар ва Хавфсизлик Кенгаши ишлари департаменти, иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти, васийлик ва ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар департаменти, Назорат бошқармаси, Қадрлар бошқармаси, Бош котибнинг Маъмурий идораси, Ижтимоий ахборот бошқармаси. БМТ Женева бўлими.

**БМТнинг ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ** – БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органи; халқаро савдо ҳуқуқини ривожлантиришига ҳисса қўшиш, жумладан халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш мақсадида 1966 йилда тузилган. Бош қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган.

**БМТнинг ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ БЎЙИЧА МАХСУС ҚЎМИТАСИ** – БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органи; 1972 йилда тузилган; таркибига 40 га яқин БМТ аъзо давлатлар қиради. Махсус қўмита «халқаро терроризм» тушунчасини аниқлаш, бу ҳодисанинг асосий сабабларини ўрганиш ва унга қарши курашишда амалий чоралар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

**БМТнинг ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ** – БМТ Бош ассамблеясига бўйсунувчи орган бўлиб, 1952 йилда тузилган. Дастлаб 12 мамлакатдан ташкил топган эди, 1959 йилдан унга БМТ барча аъзо давлатлари кирган. Иш фаолиятининг асосий йўналишлари: 1) қуролсизлантириш бўйича тавсиялар тайёрлаш; 2) музокара-лар йўналишини ишлаб чиқиш; 3) БМТ Бош Ассамблеясининг шу масала бўйича қарорлари ижросини назорат қилиш. Комиссия қарорлари консенсус асосида қабул қилинади. Унинг иши натижалари ҳар йили БМТ тақдим этилган маърузаларда берилади. Бош қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

**БМТнинг ҚУРОЛСИЗЛАНИШ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИ** – қуролла-ниш пойгасини чегаралаб қўювчи шартнома ва битимлар, шунингдек, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида музокаралар ўтказиш учун 1978 йилда ташкил этилган халқаро орган (1984 йилгача қуролсизланиш бўйича қўмита деб номланган). 1979 йил январь ойдан Женевада (Швейцария) фаолият кўрсатмоқда. Таркибига 40. га жумладан, ядро қуролига эга ва ҳарбий муносабатлардаги йирик давлатлар ҳам қиради. Конференция фаолиятининг асосий йўналишлари: барча соҳалардаги ядро қуроллари; ядровий қуроллар синовини тўлиқ ва батамом тўхтатиш; кимёвий қуроллар ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турини тақиқлаш (йўқ қилиш); оддий қурол-яроғ ва қуролли қучларни қисқартириш ва чеклаш; ҳарбий бюджет (ҳаражатлар)ни қисқартириш; қуролсизланиш ва ривожланиш; қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик; барча манфаатдор давлатларга мос келадиган, қуролсизланиш бўйича тегишли чора-тадбирларга оид текширувларнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар; самарали халқаро назорат остида тўлиқ ва ялли қуролсизланишга эришишга

йўналтирилган кенг қамровли қуролсизланиш дастури. Конференциянинг Бош котиби БМТ Бош Котибининг шахсий вакили сифатида фаолият юритиши ва конференциянинг натижалари бўйича БМТ Бош ассамблеясига ҳар йиллик маърузалар тақдим этади.

**БМТнинг ҲАРБИЙ КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯСИ** – БМТ хавфсизлик Кенгашининг ЕХХТ, МДХ мандатларига мувофиқ, қуролли можаролар мавжуд ёки келиб чиқиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда низолашаётган давлатлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва келишилган шартларнинг бажарилишини текшириш ва назорат қилишга қаратилган миссия.

**БМТнинг ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ КЕНГАШИ** – БМТ асосий органларидан бири. Иқтисодий, ижтимоий, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш соҳаларида халқаро масалалар юзасидан тадқиқотлар ўтказиши, маърузалар тузиши, халқаро конференция чакиради, ўз ҳуқуқи доирасидаги масалалар юзасидан конвенциялар лойиҳаларини тайёрлайди. БМТ иқтисослаштирилган муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, барча иқтисодий ва ижтимоий масалалар юзасидан Бош ассамблея тавсияларини амалга ошириш билан шуғулланади. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Кенгаш ҳар йили икки марта сессияга тўпланади. Кенгашнинг доимий кўмиталари (Саноат тараққиёти кўмитаси, ҳуқуқатдан ташқари ташкилотлар кўмитаси, турар-жой масаласи, қурлиш ва режалаштириш кўмитаси ва бошқалар), функциянал комиссиялари (Статистика комиссияси, Аҳоли комиссияси ва ҳ.к.) бор. Кенгашнинг махсус органлари: Кенгайтирилган техник ёрдам дастури, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТ Махсус жамғармаси ва бошқалар. Бундан ташқари Европа учун Иқтисодий комиссия, Осиё ва узоқ Шарқ учун Иқтисодий комиссия, Лотин Америкаси учун Иқтисодий комиссия, Африка учун Иқтисодий комиссия Кенгаш ишига ёрдам бериб туради.

БМТ ассамблеяси учун сайланиш 55 аъзодан иборат; уларнинг учдан бири ҳар йили қайтадан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатлар эса узлуксиз аъзолар этиб сайланади. Олий органи сессия бўлиб, у йилига 2 марта: баҳорда Нью-Йоркда, ёзда Женевада ўтказилади.

**БМТнинг ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ КЕНГАШИ (ЭКОСОС)** – БМТ асосий органларидан бири, унинг халқаро ва ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги вазифалари ижроси учун масъул ташкилот. БМТ ассамблеяси учун сайланиш 55 аъзодан иборат; уларнинг учдан бири ҳар йили қайтадан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатлар эса узлуксиз аъзолар этиб сайланади. Олий органи сессия бўлиб, у йилига 2 марта: баҳорда Нью-Йоркда, ёзда Женевада ўтказилади.

**БМТ ЛОЙИҲАЛАРГА ХИЗМАТ КўРСАТИШ БОШҚАРМАСИ** – ривожланаётган мамлакатларга ва иқтисодий ўтиш даврини бошдан кечириб, тинчликка, ижтимоий барқарорликка, иқтисодий ўсиш ва доимий тарздаги ривожланишга юз тутган мамлакатларга ёрдам бериш учун лойиҳа ресурсларини бошқариб боради. Ташкилот халқаро ҳамжамиятга лойиҳалар устидан умумий раҳбарлик қилишда кенг қўламадаги хизматлардан тортиб, бир маргалик лойиҳаларгача бўлган хизматларни тавсия этади. Бошқарма БМТ тараққиёт дастури ва унинг бошқа органлари билан ҳамкорликда иш юритиши. Қароргоҳи – Нью-Йоркда жойлашган.

**БМТнинг МАОРИФ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТИ (ЮНЕСКО)** – 1946 йилда ташкил топган бўлиб, унинг мақсади инсониятнинг ақл-заковати ва ахлоқий бирлигига асосланган барқарорлик ва тинчликни барпо қилишидир. Унинг фаолият доираси маориф, табиий, ижтимоий ва инсонпарварлик фанларини, маданият ва коммуниқация соҳаларини қамраб олган. ЮНЕСКО миллий комиссиялар, ассоциациялар, марказ ва клублар кўмағидан фойдаланади. У 395дан ортиқ ноҳуқуқат ташкилотлари ва жамғармалар, шунингдек халқаро ҳамда ҳудудий бирлашмалар билан ҳамкорлик қилади. ЮНЕСКО раҳбар органи барча аъзо давлатларни жамлаган Бош конференциядир, у икки йилда бир марта чакирилади. Конференцияда қабул қилинган дастурлар бажарилишини Бош конференцияда сайланган 58 аъзодан иборат Ижроия кенгаш қузатиб боради. Штаб-квартираси – Париж (Франция)да жойлашган.

**БМТнинг ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ (ФАО) –** ҳукуматларга жохон ташкилоти, БМТнинг ихтисослашган муассасаси. 1945 йил Квебек (Канада) конференциясида тузилган. Вазифаси: овқатланиш, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича маълумотлар йиғиш ва улар ўрганиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни яхшилашга ёрдам беришдан иборат. 1981 йилдан бошлаб ушбу сана ҳар йили Бутунжаҳон озиқ-овқат куни сифатида нишонланади. Штаб-квартираси – Рим (Италия)да жойлашган.

**БМТнинг САВДО ВА ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ –** 1965 йилда ташкил этилган. БМТ Тараққиёт дастури олдида учта муҳим вазифа туради: инсон ресурсларини барқарор тарзда ривожлантиришни таъминлаш учун БМТ қудратли, жиқлашган кучга айлантиришга қўмақлашади; ўз имкониятларини инсон ресурсларини барқарор тарзда ривожлантиришни таъминлайдиган бош вазифаларни ҳал этиш учун тўплаш; камбағалликка барҳам бериш, иш ўринлари яратиш ва хотин-қизлар аҳолини яхшилаш; инсон ресурсларини барқарор тарзда ривожлантиришни таъминлашда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва бундай ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим ресурсларни тақдим этиш. Ташкилот 174 ривожланаётган мамлакат ҳудудида жойлашган 132 бўлими орқали ҳукуматлар, ташкилотлар ва аҳоли билан ҳамкорликда фаолият юритади. Унинг раҳбариятини бошқарув кенгашининг 36 аъзоси ташкил этади, улар ривожланаётган ва саноати ривожланган мамлакатлар вакиллари дир. Бош қароргоҳи Женева (Швейцария)да жойлашган.

**БМТнинг САВДО ВА ТАРАҚҚИЁТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ (ЮНКТАД) –** 1964 йилда таъсис этилган бўлиб, унинг мақсади ривожланаётган мамлакатлардаги савдо ҳамда ихтисодий тараққиётни тезлаштиришдир. БМТ тизимида савдо, молия, технология, инвестиция соҳалари барқарор тараққиётнинг аралаш муаммоларига интеграцион ёндашувда координация маркази вазифасини ўтайди. ЮНКТАДнинг ижроия органи савдо ва тараққиёт кенгашидир. У ЮНКТАД умумий фаолиятининг келишилган миқёсда бўлишини таъминлаш учун масъулдир. 1966 йилда ЮНКТАД ўз хизмат доираси мақсадини ишлаб чиқиш учун уч комиссия тузди, булар – товар савдоси, хизмат кўрсатиш ва ҳом ашё бўйича комиссия; инвестиция, технология ва улар билан алоқадор молиявий масалалар бўйича комиссия; корхоналар, ва тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш бўйича комиссиялардир. 1993 йилдан бошлаб ЮНКТАД – ЭКОСОС комиссиясига фан ва техникани ривожлантириш мақсадларида иш юритиш ва техник ёрдам кўрсатиш борасида ёрдамлашиб келмоқда. ЮНКТАД 188 давлат аъзо. Унинг Котибиятида 394 киши ишлайди. Котибияти – Женева (Швейцария)да жойлашган.

**БМТнинг САВДО КўНГИЛЛИЛАР ДАСТУРИ –** БМТ ёрдамчи органи сифатида Бош ассамблея томонидан ҳамкорлик борасида тараққиётга эришишнинг оператив дастури сифатида таъсис этилган. БМТ тизимида кўнгиллилар меҳнатидан фойдаланиш бўйича алоҳида ташкилотдир. У БМТ тараққиёт дастурининг Ижроия кенгашига ҳисобот беради ва БМТ тараққиёт дастурининг дунё мамлакатларидаги бўлимлари орқали фаолият кўрсатади. Мазкур фаолият билан ташкилотнинг 4000 мутахассиси шуғулланади. Улар 140 миллат вакиллари бўлиб, унинг жойлардаги миллий ташкилотларида ишлайди. 1971 йилдан буён 16.000дан ортиқ киши хизмат қилмоқда. Бош қароргоҳи – Бонн (Германия)да жойлашган.

**БМТнинг ОТИНИНГ УНИВЕРСИТЕТИ –** тадқиқот ишлари олиб бориш, аспирантлар тайёрлаш ҳамда унинг муассасалари ҳамжўрлиги доирасидаги инсониятнинг яшаб қолиши, тараққиёт ва фаровонликнинг шошилини глобал муаммоларига оид билимларни тарқатиш билан шуғулланади.

Университет Низоми 1973 йилда қабул қилинган бўлиб, 1975 йилдан кучга кирган. Университет таркибида бешта тадқиқот ва ўқув маркази мавжуд: Ихтисодий тараққиёт тадқиқотлари бўйича бутунжаҳон институти (Хельсинки, Финляндия); Янги технологиялар институти, (Мастрихт, Нидерландия); Дастурлаш технологиялари бўйича халқаро институти (Макао); Африкадаги миллий ресурслар бўйича институти (Легон (Ажкра), Гана); Истикболдаги тадқиқотлар институти, (Япония). Шу билан бирга, учта ихтисослашган



дастур бўйича тадқиқот олиб боради: Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси учун биотехнология бўйича дастури. (Қаракас, Венесуэла), сув ресурслари, атроф-муҳит муҳофазаси ва соғлиқни сақлаш бўйича халқаро тармоғи (Гамильтон, Онтарио, Канада); Бошқарувнинг халқаро академияси (Уммон, Иордания). БМТ университети 26 аъзодан иборат Университет кенгаши томонидан бошқарилади, кенгаш ҳар йили учрашувлар ўтказида. Бош қароргоҳи – Токио (Япония)да жойлашган.

**БМТнинг ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ** – БМТ асосий сиёсий органи; БМТ Устави 24 моддасига биноан, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш учун асосий жавобгар. БМТ аъзо 15 давлат: 5 доимий ва 10 муваққат аъзодан иборат.

**БМТнинг ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ЖАМГАРМАСИ (ЮНИФЕМ)** – ривожланиётган мамлакатларда хотин-қизларнинг иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга қўмақлашади. ЮНИФЕМ фаолияти тараққиётнинг барча жабҳаларида режалаштиришдан тортиб, уни амалга оширишгача хотин-қизлар иштирокини таъминлашга қаратилган. ЮНИФЕМ БМТ тараққиёт дастури билан алоқадаги барча минтақа вакилларида тузилган Маслаҳат кўмитаси ва БМТ тараққиёт дастури Кенгашининг бошқарувчилари олдида ҳисобот берадиган муҳтор ташкилотдир. Худудий ва миллий миқёсда ЮНИФЕМ дастур масалалари бўйича 12 худуд маслаҳатчиларидан ташкил топган.

Жамғарма хотин-қизлар учун муҳим аҳамият касб этадиган уч дастур бўйича фаолият кўрсатади: хотин-қизлар қобилиятини иқтисодий соҳада тадбиркор ва ишлаб чиқарувчи сифатида ривожлантиради; хотин-қизлар тақдирини белгиловчи қарорлар қабул қилиш жараёнида ўз иштирокини кенгайтиради ҳамда бошқарув ва раҳбарлик қобилиятини ривожлантиради; хотин-қизлар нисбатан ҳар қандай кўринишдаги куч ишлатилишини бартараф этиш, тараққиёт жараёнини тўғри йўлга солиш мақсадида инсон ҳуқуқларини хотин-қизлар борасида қўллаб-қувватлайди. Бош қароргоҳи – Нью-Йоркда жойлашган.

**БМТнинг ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЮНИТАР)** – БМТ доирасида муҳтор муассаса сифатида 1965 йилда ташкил топган. Уни ташкил этишдан мақсад ташкилот фаолияти самарадорлигини тайёргарлик ўқувлари ва илмий ташкилотлар тузиш орқали оширишдир. ЮНИТАР ҳар йили тахминан 3000 иштирокчини жалб қиладиган 70 га яқин ўқув дастурлари ишлаб чиқади ва уларни бутун дунёга тарқатади. ЮНИТАР бошқариш Нозирлар Кенгашига ва ижрочи директор зиммасига юклатилади. Институт ҳукуматлар, ҳукуматлараро ташкилотлар, жамғармалар ва бошқа ноҳукумат манбаларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига молиялаштирилади. Институт фаолиятига раҳбарлик Женевада жойлашган бош қароргоҳ ҳамда Нью-Йоркдаги маъмурияти томонидан амалга оширилади.

**БМТнинг ҚОЧОҚЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАР БОШҚАРМАСИ** – Бош ассамблея томонидан 1951 йилда 20 миллион муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатишни назарда тутиб ташкил этилган. Унинг бош вазифаси қочоқларни халқаро химоялаш; уларнинг узок мудатларда ечиладиган муаммоларини ҳал этиш йўллари кидириш; моддий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Бош қароргоҳи – Женева (Швейцария)да жойлашган.

**БМТ ҲОШИДАГИ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЮНРИСД)** – 1963 йилда ташкил этилган, тараққиётга таъсир кўрсатувчи ижтимоий муаммолар бўйича тадқиқотлар олиб боради. Институт ҳукуматлар, тараққиёт соҳасидаги муассасалар, оммавий ташкилотлар ва тадқиқотчиларнинг иқтисодий-ижтимоий, экология доираларида турли ижтимоий қатламларда акс этган сиёсат ва жараёнларни янада яхшироқ тасаввур қилишларига имконият яратади. Бош қароргоҳи – Женевада (Швейцария) жойлашган.

**БМТнинг ҚУРОЛСИЗЛАНИШ МУАММОЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ИНСТИТУТИ (ЮНИДИР)** – 1980 йилда қуролсизланиш муаммолари ва у билан боғлиқ

халқаро хавфсизлик масалаларига онд мустақил тадқиқотлар олиб бориш учун ташкил этилган. Бош қароргоҳи Женева (Швейцария)да жойлашган.

**БМТ ТИЗИМИ** – БМТ Уставига мувофиқ, унинг асосий органларини Бош ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, халқаро суд ва БМТ Қотибят ташкил этади. Бундан ташқари, БМТ ўз уставига биноан, зарурат туғилган ҳолларда ёрдамчи органларни ҳам таъсис этиш ҳуқуқига эга.

**БИРОВГА ЗАРАР ЕТКАЗГАНЛИК НАТИЖАСИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР** – ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли бошқа бир фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, у зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши шарт. Зарар етказган шахс, башарти, зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади. Зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар, агар бунда мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, тўланмайди (Фуқаролик кодекси 987-модда). Охириги зарурат ҳолатида етказилган зарар, яъни зарар етказган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга таҳдид солган хавфни бартараф этиш учун охириги зарурат ҳолатида етказилган зарар, агар бу хавф мазкур ҳолларда бошқа воситалар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаса, зарар етказган шахс томонидан тўланади. Бундай зарар етказилган ҳолатларни ҳисобга олиб, суд уни тўлаш мажбуриятини, зарарни етказган шахс учинчи шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, ўша шахсга юклаши ёхуд бу учинчи шахсни ҳам, зарар етказган шахсни ҳам зарарни тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиши мумкин (Фуқаролик кодекси, 988-модда). Бир шахс томонидан бошқа бировнинг мол-мулкига, ҳаёти ва соғлиғига, шаъни, қадр-қимматига етказилган моддий, шахсий ва маънавий зўёнларни қоплаш қоидалари Фуқаролик кодекси 986-моддасида белгилаб қўйилган.

**БИРЛИК** – (давлатлараро, миллий, ижтимоий, синфий, гуруҳлараро ва ҳ.к.) – ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳамкорлигига доир муайян муаммоларни ҳал этиш асосида улар ўртасида вужудга келадиган ўзаро келишилган ёндашувнинг миқёси ва юксак даражасини ифода этувчи тушунча. Б. Субъектлар ўртасида зиддият ва муаммоларни мулоқот, музокара, нуқтан назарларнинг келиштирилиши асосида эришилади ҳамда тегишли сиёсий ёки ҳуқуқий келишувлар: декларация, баёнот, шартномалар орқали мустаҳкамланади.

Б. тушунчаси – мураккаб категория сифатида қуйидаги компонентлардан ташкил топади: 1) Б.асослари: моддий асос – ишлаб чиқариш кучлари, технологик, ижтимоий ҳамда халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши даражаси; ижтимоий-сиёсий – маълум масалалар бўйича эҳтиёж ҳамда манфаатлари мос келган ижтимоий ва миллий кучлар; мафкуравий-ижтимоий, миллатлараро, халқаро муносабатлар бўйича субъектлар дунёқарашининг муштариклиги; ҳуқуқий ва маънавий-халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва меъёрлари давлат ва халқаро ҳуқуқ, конституциялар ҳамда БМТ уставига белгилаб қўйилган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлар, умуминсоний ва ахлоқий қадриятлар ва ҳ.к.; 2) Б. Моҳияти – замонавий ИТТИ шароитида турли ижтимоий субъектлар (гуруҳ, синф, миллат, давлатлар ва ҳ.к.) хўжалик, сиёсий ва маданий интеграциялашувни ақс эттирадиган субъектлар ўзаро ишончи, дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини ифодалайди; 3) Б. мазмуни – муносабатлар субъектларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқдорлигини умумий қўламини, яъни у уларий макссадларга эришиш йўлидаги ҳамкорлик, дўстлик, ўзаро ёрдам ва алоқдорлиқнинг объектив ва субъектив муносабатлар мажмуи; 4) Б. шакли – мулоқот субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида гуруҳлараро, синфлараро, миллатлараро ҳамда халқаро алоқаларни ташкил этишнинг муайян усули; 5) Б. субъектлари – бирлиكنи шакллантириш ва мустаҳкамлашда иштирок этаётган тарафлар, яъни партия, синфлар, ижтимоий табақа ва гуруҳлар, халқлар, миллатлар, давлатлар, жамоат ташкилотлари, касаба ушмалари, шунингдек, хотин-қизлар, ёшлар ва бошқа ташкилотлар; 6) Б. объектлари – субъектларнинг ички ва ташқи (иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳ.к.) муаммо, зиддият ва қийинчиликларни ҳал этишга қўналтирилган фаолият соҳаси; 7) Б. тамойиллари – конституциялар, БМТ Устави Инсон

хуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби ҳуқуқий меъёрларда белгилаб қўйилган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар мажмуи; 8) Б. омиллари – субъектларнинг жамият ички ва ташқи муаммоларини, дунё тамоддунининг прогрессив тараққиётига оид масалаларни ҳал этишда субъектлар фаолиятини бирлаштиришга, ҳамкорликка ундовчи объектив ва субъектив сабаблар тизими; 9) Б. механизмнинг – кенг маънода, Б. имкониятини реал бирликка айланишига хизмат қиладиган, бир томондан, объектив шарт–шароит, қонуният ва эҳтиёжларининг, иккинчи томондан, субъектив оминнинг ўзаро боғланишини ифодаловчи тизим, тор маънода, бирлик ва ҳамкорликни ташкил этиш, субъектлар манфаатларини келиштириш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш шакллари, иккитомонлама ва кўптомонлама келишувларни ишлаб чиқиш борасида сиёсий-ташқилый, сиёсий-ҳуқуқий услублар тизими; 10) Б. эҳтиёжлари – субъектлар манфаати ва фаоллигининг манбаи ҳисобланган мулоқот субъектлари ривожининг ички ва ташқи шарт-шароит ва меъёр ва гармоник фаолияти ўртасида ўзаро боғлиқлик.

**БИР ТОМОНЛАМА ВОЗ КЕЧИШ** – икки томонлама ёки кўп томонлама фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг ўзига қонун ҳужжати ёки шартнома бўйича тегишли бўлган ҳуқуқни амалга ошириш ёки мажбуриятни бажаришдан воз кечиши. Б.Т.В.К. қонунга мувофиқ бўлиши лозим. Қуйидаги ҳолларда Б.Т.В.К. йўл қўйилади: а) мажбурият ижроси қарздор томонидан кечиктирилганлиги сабабли унинг кредитор учун аҳамияти қаралмаса (Ўз.Р.Фуқаролик кодекси, 337-модда); б) кредитор томонидан қарздорлик мажбурияти ижросини талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиши, бироқ бу ҳол бошқа шахсларни кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаслиги шарт (ЎзР Фуқаролик кодекси, 348-модда); в) агар икки тарафлама шартномада бир тараф ўзи жавобгар бўлган вазият туфайли уни бажариш мумкин бўлмай қолса, иккинчи тараф шартномадан воз кечишга ва шартномани бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли (Фуқаролик кодекси, 336-модда). Б.Т.В.К. шартномалар бевоқифа назарда тутилган ҳолларда талаб қилинмайди, у қонун ёки шартномаларда фуқаролик-ҳуқуқий химоя усули, тарафлардан бир томонидан шартнома шартларига риоя қилинмаганда унга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чораси сифатида назарда, тугилади (масалан, уй-жой ижарасида ижарачи томонидан ижара ҳақи тўланмаслиги ижарага берувчига шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқини беради ва х.к.). Қонун ҳужжатларида Б.Т.В.К. йўл қўймаслик ҳолатлари назарда тутилиши мумкин, масалан, умумий қонда бўйича қарздор мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан воз кечишга ҳақли эмас (Фуқаролик кодекси, 330-модда).

**БИТИМ** – фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлардир. Б. бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин. Б. ҳақиқий саналиши ва тузишдан кўзланган юридик оқибатларни вужудга келтириши учун қатор талабларга жавоб бермоғи лозим: а) Б. тузувчилар муомала лаёқатига эга бўлишлари шарт; б) Б. мазмуни қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим; в) Б. тузувчи шахс ўз хоҳиш-иродаси билан ҳаракат қилган бўлиши лозим; г) Б. номигагина эмас, балки ҳақиқий юридик оқибатлар вужудга келтириш мақсадини кўзлаган бўлиши лозим; д) Б. тузишда қонун талаб қилган шаклга риоя қилиниши лозим. Ушбу талабларга риоя қилмаслик Б. ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади (Фуқаролик кодекси, 113–128-моддалар).

**БИТИМЛАР** – фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларидир. Фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик қонунчилиги Б.ни бир неча турларга бўлган. Аввало, Б. бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин. ЎзР Фуқаролик кодексининг 105-моддасига кўра, Б. оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқлаган) шаклда тузилади. Айрим ҳолларда қонунчилик Б.нинг нотариал тасдиқланишини мажбур қилиб қўйган. Б. тузишнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай Б. Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топанлиги сабабли (низоли

Б.) ёки қандай деб топилишидан қатъи назар, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (Ўз-Ўзидан ҳақиқий бўлмаган Б.). Б. ҳақиқий бўлмаганида, тарафларнинг ҳар бири бошқасига Б. бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда), қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар Б. ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан ўлаши шарт.

**БИТИМ ТУЗИШ** – фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ҳамда бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатларни белгиланган усулда, шакл ва мазмунда содир этиш, амалга оширишдир. Бир томонлама Б.Т. бир тарафнинг хоҳиши зарур ва старли бўлса (масалан, васият), кўп томонлама битимларда (масалан, шартнома) тарафларнинг келишуви шарт. Б.Т. оғзаки ёки ёзма (оддий ёзма ёки нотариал тасдиқлаган ёзма) шаклда амалга оширилади. Сукут сақлаш (индамаслик) қонун ҳужжатларида ёки томонларнинг келишувидан назарда тутилган ҳолларда битим тузишга бўлган хоҳиш-ироданинг ифодаси ҳисобланади. Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам (масалан, автоматдан товар сотиб олиш) бундай битим тузилган ҳисобланади. Юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан тузган битимларни, фуқаролар ўртасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравардан ортик суммадаги битимлар ёзма тузилиши шарт. Битимлар қонунда кўрсатилган ҳолларда (масалан, васиятнома) ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал гувоҳланги–рилиши шарт. Ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (Фуқаролик кодекси, 111-модда). Б. қонун талаб қиладиган шаклга рноя қилмаслик оқибатлари Фуқаролик кодексининг 109, 112- моддасида белгилаб қўйилган.

**БИХЕВИОРИЗМ** – (ингл. – *хулқ-одат, хатти-ҳаракат*) – XIX аср охири, XX аср бошларида психологияда пайдо бўлган йўналиш. Б. асосчиси Э.Торндайк ҳисобланади. Б. дастури ва термини биринчи мартаба Ж.Уотсон (1913 й.) томонидан таклиф этилди. Б. илмий асослар шаклланишига таъсир кўрсатади. Б. заминда инсон хулқининг ташқи муҳитда ҳаракатлантирувчи вербал ва эмоционал таъсирлар мажмуасини тушунилиши ётади. Б.нинг умумий манбаи сифатида позитивизм фалсафий тамойиллари англашди, чунки фаннинг вазифасини бевосита кузатувни таҳлил этиш ва баён этиш ташкил этади, деб ҳисоблайди. Б. таълимоти бўйича инсонда у билан бирга туғилган хатти-ҳаракат ва фаолият тизими мавжуд бўлиб, улар инсон тажрибаси давомида мустаҳкамланиб боради ва билишда шартли реакциялар, таъсирлар мажмуи сифатида муҳим роль ўйнайди. Б. ҳайвонлар руҳиятини тажрибавий кузатишлари орқали аниқланган шартли рефлекслар услубини ижтимоий ҳаётга татбиқ этмоқчи бўлади. Б. XX асрнинг 20 йилларида кенг ривожланди, унинг услублари антропология, педагогика ва социологияга татбиқ этилди. Бихевиристлар руҳиятнинг шартли-рефлектор даражасини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиб, ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда қийинчиликларга дуч келдилар. Руҳиятнинг ижтимоий табиатини инкор этиш, ундан «онг», «стафаккур», «ирода» тушунчаларини чиқариб ташлаш, инсон фаолиятини соддалаштириш кескин танқидга учрашга сабаб бўлди. XX асрнинг иккинчи ярмидан Б. таълимотини янгилашга уриниш необихевиоризмда ўз аксини топди.

**БЛОК** – турли сиёсий партияларнинг муайян мақсадларга эришиш учун тузиладиган иттифоқи.

**БЛОКАДА (ҳарбий)** – (ингл. «*blockade*» – қамал қилмоқ, қуршамоқ) – халқаро ҳуқуқ нуқтан назардан ҳарбий ҳаракатларни амалга оширишнинг алоҳида шакли бўлиб, Б. қилинувчи объект ташқи алоқаларга қаришишининг олдини олиш мақсадида ажратиб қўйилиши тушунилади. Б.: қуруқлик Б., денгиз Б. ва ҳаво Б. ажратилади. Денгиз Б. қўллаш кенг тарқалган. Б. даврида нейтрал давлатларнинг урушаётган давлатлар билан эркин савдо алоқаларини олиб бориши қийинлашади. Б. қилинаётган объект чегаралари, қирғоклари, портларига қарши қаратилган бўлиши шарт, акс ҳолда, у юридик жиҳатдан ҳақиқий

хисобланмайди. Ҳозирги халқаро ҳуқуқда Б. агрессиянинг бир кўриниши сифатида қаралмоқда. *Сисёий Б.* – бирор бир давлатни муайян талабни бажаришга мажбур этиш мақсадида унинг ташқи алоқаларига путур етказишга қаратилган сисёий тадбирлар тизими. Сисёий Б. давлатни дипломатик жиҳатдан яққалаб кўйишда ифодаланиб, иқтисодий ёки ҳарбий Б. билан боғлиқ бўлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарб давлатлари миллий мустақиллик учун кураш йўлига ўтган мамлакатларга қарши сисёий Б. кенг миқёсда қўллаган. *Иқтисодий Б.* – бирор давлатнинг ҳўжалик тизимини издан чиқариш мақсадида уни иқтисодий жиҳатдан яққалаб кўйиш амалиёти. Иқтисодий Б. ташқи савдо, молиявий ёрдам ва кредит ажратиш ва бошқа алоқаларни тўхтатиб кўйиш (тақиқлаш) йўли орқали амалга оширилади. Одатда блокаданинг бу шакли сисёий ва ҳарбий Б. билан биргаликда амалга оширилади.

**БОБУР ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД** (1483 й., Андижон – 1530 й., Агра) – ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, тарихчи, теуурий ҳўқмдорларининг машҳур намоёндаларидан бири, «Буюк мўғуллар империяси» деб ном олган ва Ҳиндистоннинг ярмидан кўлини эгаллаб турган бобурийлар давлатининг асосчиси. Отаси Умаршайх Мирзо Амир Теуурунинг эвараси, Фаргона вилоятининг ҳўқими, онаси Қутлуг Нигор ҳўним Тошкент ҳўқими Юнусхоннинг кизи бўлган. Б. болалиги асосан Андижон ва унинг атрофларида ўтди. У сарой муҳитида ўқиди ва тарбия топди, ёшлигидан илм-фанга, шеърятга қизиқа бошлади. Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан «Бобур» (шер) лақабини олган. Отасининг вафотидан кейин ўн икки ёшида тахтга чиқади. 1504 йилда Амир Теууру салтанатини қайта тиклаш учун олиб борган кўп йиллик кураши кутилган натижани бермагандан сўнг, Афғонистонга ўтади ва у ерда таркок афғон ва турк қабидаларини бўйсундириб, 1508 йилда ўзини расмий равишда уларнинг подшоҳи деб эълон қилади. Ўз давлатини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун курашиб, Ҳиндистонга вақти-вақти билан ҳўжум қилади уни жиддий ўрганиб ва ниҳоят, 1526 йилда Дехли яқинидаги жангда 12 минг аскар билан 100 минггача аскар, икки минг ҳарбий филга эга хинд подшоҳини енгади, жангда илк бор порох ишлатади, ўзининг ўткир лашкарбоши эканлигини кўрсатади. Б. ўз давлати пойтахтини Ҳиндистонга кўчиради, у ердаги таркокликка барҳам беради, янги ҳудудларни босиб олган ер деб қарамайди, мамлакат иқтисоди, маданияти ва маъқени кўтариш учун астойдил ғайрат билан, кенг миқёсда иш олиб боради, олимлар, фозиллар ва орифларни ўз атрофига йиғади, тўрт ўгли ҳамда уч кизини шу руҳда тарбиялайди. 1525–1530 йиллар ижодини давом эттиради, ўзбек тили ва адабиётининг дурдоналаридан бири «Бобурнома» асарини яратади. У Ҳиндистонда вафот этди, ва васиятга кўра, Кобулда дафн этилди (ҳозирги «Бўғи Бобур» зиёратоҳи).

**БОЙЛИК** – инсон эҳтиёжларининг қондирилишига хизмат қиладиган шахс, гуруҳ ва халқлар эғалик қиладиган предметлар мажмуи; шахснинг ўз эҳтиёжидан ва бошқа кишилар мулкидан кўпроқ мулк.

**БОЙКОТ** – (ингл. «boycott») – 1) алоҳида шахслар, ташкилот ва давлатларни муайян иқтисодий ҳамда сисёий талабларни бажаришга мажбур этиш мақсадида улар билан амалга ошириладиган муносабатларни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш; 2) ҳудди шу мақсадда ўз вазифасини бажаришдан, муайян ҳўқуқлар, қимларнингдир хизматидан фойдаланишдан бош тортиш; 3) норозилик белгиси сифатида муайян шахс билан мунс аьатларнинг тўхтатилиши.

**БОЖҲОНА** – давлат чегарасидан ўтадиган ва ўтказиладиган мол-мулклар ҳамда транспорт воситаларини назорат қилувчи, шунингдек, юк эгаларидан белгиланган тартибда бож (пошлина) ва бошқа йиғимларни ундирувчи давлат муассасаси. Б. давлатнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилувчи органлардан биридир. Мамлакатдаги божхоналар тизими Давлат солиқ қўмитасининг Бош Б. бошқармаси, ҳудудий Б. органлари, Б. постларидан ташкил топади. Ўзбекистонда улар устидан раҳбарликни Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Бож ишлари Б. кодекси ва «Бож тарифи тўғрисида»ги қонун шунингдек, ЎЗР имзолаган халқаро шартнома билан тартибга солинади.

Б. органларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: ЎзР бож сисъатини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва бу сисъатни амалга ошириш; ўз ваколати доирасида республика иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш; ЎзР иқтисодий манфаатларини химоя қилиш; бож тўловларини ундириш; контрабандага қарши кураш олиб бориш; ташқи савдо бож ҳисоботини олиб бориш; давлат хавфсизлигига хизмат қилиш; жамоат тартибини, кишиларнинг ҳаёти ва соғлигини, ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини амалга оширишда ёрдам бериш; ўз ваколати доирасида валюта назоратини амалга ошириш ва ҳ.к.

**БОЖҲОНА ИТТИФОҚИ** – икки ёки бир неча давлатларнинг божҳона чегараларини бекор қилиш ва ягона божҳона тарифига амал қилувчи ҳудудни бардо этиш битими. Б.И. кирадиган давлат ҳар бир аъзо давлат молларини ўз мамлакатига солиқсиз ёки ўзаро келишилган тарифлар асосида олиб кирилишини таъминлаш шарт.

**БОЖҲОНА ҲУДУДИ (Божҳона назорати зоналари)** – божҳона назорати зоналари божҳона чегаралари бўйлаб, божҳона расмийлаштируви жойларида, божҳона органлари жойлашган ерларда ва божҳона органлари томонидан белгиланган бошқа жойларда тузилади. Божҳона назорати зоналарини тузиш ва белгилаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади. Божҳона назорати зоналарида ишлаб чиқариш, тижорат ва бошқа фаолиятларни амалга оширишга, шунингдек, уларнинг чегаралари орқали транспорт воситалари, товарлар ва шахсларни олиб ўтишга божҳона органларининг руҳсати ва назорати остида йўл қўйилади.

**БОЖҲОНА ҚЎМИТАСИ** – ЎзР Давлат Б.Қ. ЎзР Президентининг «ЎзР Давлат Б.Қ. ташкил қилиш тўғрисида»ги 1997 йил 8 июлдаги Фармониға мувофиқ ташкил этилган. Унинг Низоми ва тузилмаси ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзР Давлат Б.Қ. фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 1997 йил 30 июлдаги қарори билан тасдиқланган. Давлат Б.Қ. органларининг асосий вазифалари: республиканинг иқтисодий манфаатларини химоя қилиш ва белгиланган ваколатлар доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш; республика бож сисъати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида қатнашиш; бож қонунларига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш; бож ишларини амалга оширишда фуқароларнинг, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш; республиканинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишига кўмаклашиш; хоржий давлатларнинг божҳона органлари, божҳона иши масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро божҳона ва савдо ташкилотларида қатнашиш; ЎзР халқаро шартномаларидан келиб чиқувчи божҳона ишга оид мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш; бож пошлиналари, солиқлар ва бошқа бож тўловларини ундириш.

**БОЗОРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШУВИ** – бозор иқтисодиётининг меъёрли ривожланишига тўсқинлик қилаётган давлат чекловларининг бекор қилиниши; нархлар ва иш ҳақи устидан давлат назоратининг бекор қилиниши; эксперт чекловларининг бартараф этилиши; импорт квоталаридан фойдаланишдан воз кечиш; солиқ ва божҳона тўловларининг камайрилиши ва ҳ.к.

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ** – жамият тараккиётини тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар мажмуи. Б.И. моҳияти шундан иборатки, у жамият барча аъзоларини ишлаб чиқариш ва истеъмол орқали доимий ҳамда тўхтовсиз мусобақанинг иштирокчиларига айлантиради, шу билан Б.И. ишлаб чиқаришнинг кун сайин такомиллашувиға, маҳсулот сифатининг яхшиланиб боришиға, миқдорининг кўпайишиға сабаб бўлади. Б.И. халқнинг, омманинг ижодий ва меҳнат имкониятларини юзага чиқариб, тадбиркорлик ва ишбилармонликка йўл очади, мулкка эгаллик қилиш қондаларини такомиллаштиради, унга туртки беради. Бозор шароитида талаб ва тақдифларнинг миқдори ҳамда таркиби бир-бирига мувофиқ келиши таъминланади. Ишлаб чиқаришнинг истеъмолчи устидан ҳукмронлик қилишиға чек қўйилади, бунинг учун фан ютуқлари ишлаб чиқаришға татбиқ этилади, техникавий ва технологик янгиланишнинг энг замонавий усулларидан фойдаланилади.

Б.И. ўтиш даврида иқтисодий инқирозлар, ишсизлик, пулнинг кадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг ёпилиши, ишбилармонларнинг синиши, аҳоли турмуш даражаси бўйича табақаланишнинг кучайиши муқаррардир. Бу даврда сиёсий ва иқтисодий жиноятчилик ортади, чунки, ўтмишда юқоридан берилган кўрсатмалар ва давлат томонидан ажратилган маблағга ишланган бўлса, энди эркин бозорнинг шифқатсиз ва ҳолис талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош маҳсулот яратиш керак.

**БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲАҚИДАГИ КОНВЕНЦИЯ** – 1989 йилда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган. Унга мувофиқ, 18 ёшгача бўлган ҳар бир инсон, агарда у қонун бўйича балоғат ёшига етмаган бўлса, бола ҳисобланади. Конвенцияга мувофиқ, ирки, тили, дини, шунингдек, боланинг ва оила аъзоларининг қарашлари, эътиқодидан қатъи назар, аъзо давлатлар барча болалар ҳуқуқларини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Давлатлар болаларга нафақат умуминсоний ҳуқуқлар (яшаш ҳуқуқи, фикр, виждон ва дин эркинликлари), балки ушбу субъектнинг ўзига ҳослигидан келиб чиқувчи махсус ҳуқуқлар, яъни фуқаролик ҳамда исм танлаш ҳуқуқи, ота-онасидан ажралмаслик ҳуқуқи қабилаири ҳам бериши лозим. Конвенция давлат миқёсида бола асраб олиш ва ғамхўрлик қилиш институтлари, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим бериш тизимларига муайян талаблар юқлайди. Конвенцияда боланинг соғлиғига ҳавф солувчи ёки униинг барқамол ривожланишига зарар етказувчи ҳар қандай ишни бажариш қатъиян тақиқланган.

**БОСИМ** – давлат идоралари, иқтисодий тузулмалар, сиёсий ва ижтимоий институтларга бевосита ёки билвосита таъсир этиш усуллари мажмуи. Формал ва ноформал гуруҳ ҳаракат, сиёсий бирлик, бошқарув тузилмаси ҳатто тарқоқ ижтимоий жамоа Б. субъекти сифатида намоён бўлиши мумкин.

**БОСИМ ГУРУҲИ** – сиёсий жараёнда элита, партиялар, етакчилар ҳамда жамоатчилик фикри билан бир қатор муҳим ўрин тутадиган гуруҳлар. Уларни институцион, уюшган, уюлмаган ва бошқа турларга бўлинади; уларнинг ҳар бири муайян қонуларни қабул қилинишига тўртки бериши, қарорларни бажаришда иштирок этиш мумкин. Б.Г. сиёсий жараёнга таъсир этиб, бир томондан, парламент ишига салбий таъсир қилиши, иккинчи томондан, «сарой тўнтаришлар»ига тўсқинлик қилади. Лоббидан, элита ва олигархиядан фарқли ўлароқ, Б.Г. аниқ ташкилий тузулмага эга эмас ва таъсир этишнинг билвосита механизмларига таяниб фаолият юритади.

**БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ** – жамият тараққиётининг, яъни бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишининг асосий тур ва шаклларида бири. Собик ҳукмрон мафкура ва назария бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтишнинг инқилобий *перулаш* ва ижтимоий сакраш билан боғлиқ шакллари таян олар, босқичма-босқич, аста-секин ўтишни, янгиланиннг таркибий қисмларини қундалик изчил фаолият натижасида битта-биттадан шакллантириб, янги сифатни юзага келтиришни, шу тариқа жамиятни ўзгартиришни, асосан, рад қилар, бу инқилобий қонунқондалардан чекинши, деб тушунирар эди.

**БОШҚАРУВ** – 1) бевосита ёки иерархик ташкил этилган бошқарув идоралари, бошқарув аппарати орқали қундалик сиёсий фаолият стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, йўналтириш ҳамда тегишли ўзгартиришлар киритиш ваколатига эга бўлган идоралар ёхуд шахслар; 2) муайян марказдан сиёсий жараёнларни бошқариш стратегик ва тактик режаларни амалга ошириш борасидаги фаолият.

**БОРЕР (ДАЛЛОЛ-ВОСИТАЧИ)** – олди-сотди иш битимларида ўз миқжоз тошшириғи билан унинг номидан воситачилик вазифасини бажарувчи шахс, ҳаридор билан сотувчи ўртасидаги олди-сотди жараёнини бажарувчи даллол.

**БРИФИНГ** – (*инг. « briefing » – инструкция, йўриқнома*) – тижорат ва бошқа тузулмалар расмий шахс ҳамда вакилларининг муайян масала юзасида оммавий ахборот воситалари ходимлари (вакиллари) билан қисқа муддатли учрашуви.

**БРЕЙН-ДРЕЙН** – (ингл. «brain» – миё; «drein» – оқмоқ) – турмуш даражаси паст давлатларнинг илмий, илмий-техникавий, гуманитар-маданий соҳалари юксак малакали мутахассисларининг турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатларга кетиб қолиши.

**БРЮССЕЛЬ ШАРТНОМАСИ** (1948 й.) – Буюк Британия, Франция, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург давлатлари томонидан 50 йил муддатга тузилган пакт. Б.ш. Шимолий Атлантика пакти (НАТО)нинг тузилишида тайёргарлик қатнашчилари сафига (1954 й.).

**БУДАВИЙЛИК** – диний-фалсафий таълимот бўлиб, вужудга келишига кўра, дастлабки дунёвий динлардан (христианлик ва ислом каби) биридир. Б. асосчиси ҳинд шахзодаси Сидхартха Гаутама – Буддадир. Б. асосий ғояси – бошқа шаклга кириш, ҳалос бўлиш ва нирванага етишишдир. Нирвана – инсоннинг буюк маънавий ҳолати бўлиб, ҳақиқий билим билан равшанлашади. Б. фалсафаси веда матнлари асосида шакллانган. Б. таълимотининг асосини уч муҳим ғоя ташкил этади: 1) зўрлик қилмаслик; 2) ҳаётнинг ҳар қандай шаклини эзгулик билан қабул қилиш; 3) азоб-укубат манбаи – эҳтирослардан ҳалос бўлиш. Жисмонан соғлом, ақлан етук моддий бойликлари фаровон ҳаёт кечириш учун етарли бўлган шахзода Гаутама инсон азоб-укубатлардан ҳалос бўлиш йўлини қидиради. Бу йўлни Гаутама таркидунёчилик деб қарайди. У буддизмнинг самарали, тўрт ҳақиқатини ишлаб чиқади: 1. Ҳаёт – азобланиш демакдир (туғилиш, касаллик ўлим, яқинларидан билан айрилиги, истаган нарсасига эга бўла олмаслик, умуман, инсон ҳаётининг барча қирралари, хаттоки, роҳатланиш ҳам азобланишдир; 2. Азобланиш сабаби – эҳтирос ва инсон хоҳиш-иродасидир. Демак, азобланиш манбаи – ҳаёт истагидир; 3. Азобдан қутулиш, ўз хоҳиш-иродасидан қутулишдир, бунинг йўли эса – нирванадир. Нирвана – азоблардан қутулинган ҳолат. Унинг маъноси – истақларнинг, эҳтиросларнинг йўқлиги, тинч ҳолатдир; 4. Нирванага олиб борувчи йўл, саккиз босқичдан иборат: а) тафаккур; б) нутқ; в) фаолият; г) билмоқ; д) ҳаёт; е) меҳнат; ж) хотира ва ўзаро тартиб; з) фикрларни тўплаш. Б. дунёқарашлик тизими куйидаги энг муҳим категория ва тушунчаларга асосланади: дхарма (унсур, конун); карма (фаолият); сансара (борлик оқими); нирвана; нидана (сабаб-оқибатлар гилдираги); сангха (жамоа). Б. космологияси оламни уч лок (қобик)дан иборат деб қарайди; булар камалока (ҳиссий, реал олам); рупалока (афсонавий шакл); арупалока (шаклсиз олам, соф онг қобиги). Олам Б. кўра дхармалар, яъни элементар бўлақлар, ўзига хос ҳаётий қувватлар тўпламидан иборат. Бутун олам дхармалар «тўлқинланишидир». Рухий азобланиш доимий нотенгликни бошдан кечиришдир. Азобланиш, роҳатланиш каби туғилиш ва дхармалар янги шакли учун оқибат ташкил этишдир. Агар кечинмалар табиати ўзгартирилмаса, инсон туғилиш ва ўлим доирасидан чиқиб кета олмайди (сансара), ўз фаолияти, ҳиссиёти, тафаккури билан инсон ўз тақдирини (карма) белгилайди. Эзгу ва маънавий ҳаёт, қармани такомиллаштиради. Нирвана ҳолатига эришиш учун ўнта ғов мавжуд: шахснинг ҳаёлидаги шубҳа, бидъатпарастлик, хирсла, нафратланиш, ерга боғлиқлик, хузур-ҳаловат ва тинчланиш истаги, мағрурлик, ўзига бинг қўйиш, билмсизлик. Инсон – скандхлар бирикуви мажмуидир ва шу билан бирга ҳаётнинг икки ҳолатини боғлаш бўлагидан иборатдир. Ҳалос бўлишга, дхармалар «тўлқинлашувини» тўхтатиш, яъни хоҳиш, истақ, хирс, фикр ва бошқаларни йўқ қилиш орқали эришилади. Нирвана – мутлақ сокинлик ҳолатидир. Унда буюмларнинг том маъносига етишиш – ғуноҳсизлик ва Ташки оламдан мустақил бўлишдир. Сокинлик – фақат ташки белги бўлиб, ҳолатнинг моҳиятини ифодаламайди. Инсон ўз дхармасини (қонунини, бурчини) амалга ошириши лозим, у ҳаётда ахлоқий қарашлар билан боғлиқдир. Бу мулкчиликни ҳар қандай шакллардан воз кечишни, барча инсонлар тенглигини, уларнинг жамоа бўлиб яшашини (сангхада) тарғиб этади. Б.да бир қанча мазҳаблар мавжуд. Булардан энг каттаси Б. I аср ажралиб чиққан хинаяка («кичик арава, тор йўл») ҳамда нахаяка («катта арава, кенг йўлдор») мазҳабидир. Нарсаларнинг табиати ҳақидаги таълимот асосида (дхармалар), яъни «заррачалар», унсурлар тўғрисидаги таълимот ётади. Бунга мувофиқ, оламдаги нарсалар дхарма – моддий ҳодисаларга кириб боради ҳамда доимий ҳаракатда бўлади. Б.да, шунингдек, диалектик унсурлар ҳам бор. Уларнинг



фикрича, олам ҳамиша ўзгаришда, унда ўзгармайдиган донмий нарсанинг ўзи йўқ. Воқеа ва ҳодисалар бир-бири билан сабабий боғланган. Б. таълимотига кўра, олам нарса ва ҳодисалардан иборат. Ҳар бир сифатнинг умри абадийликка нисбатан жуда кичкина бўлади. Шу маънода ҳар бир сифат бир лаҳзада ёниб ўчadi. Оламдаги ҳар бир нарса ҳамда шу нарсаларни ташкил этган дхарма заррачалар ҳам шундай сифатга эгадир. Ўзбекистонда битта Б. жамоаси расмий равишда фаолият кўрсатади.

**БУНДЕСТАГ, БУНДЕСРАТ** – Германия Федератив Республикасининг икки палатали парламенти. Бундестаг – куйи, Бундесрат – юқори палатаси. 1949 йилдаги давлат конституциясига мувофиқ ташкил этилган. ГДР ва ГФР бирлашишидан кейин, ҳозирги кўринишида 1990 йилда ташкил топган. Бундестаг 4 йилга тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

**БУРЧ** – фуқаролик ҳуқуқи субъектлари зиммасига қонун ҳужжатлари, шартнома, иш муомаласи одатлари бўйича юкланган мажбурият. Б. мазмуни субъект томонидан маълум хатти-ҳаракатлар содир этиш (мас., пул тўлаш, ашёни топшириш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ёки маълум катъий ҳаракатларини содир этишдан тийилиб туриш (мас. шартнома бўйича ёки бошқа қонуний асосларда ўзига маълум бўлган бошқа субъектларнинг тижорат сирини бошқаларга ошкор қилмаслик, сир сақлаш)дан иборат. Субъект томонидан ўз зиммасига юкланган Б. бажармаслик ёки унга риоя этмаслик тегишли фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигини келтириб чиқаради.

**БУТУНЖАҲОН БАНКИ ГУРУҲИ** – Б.Б.Г. куйидаги тўрт муассасадан ташкил топган: 1945 йилда ташкил этилган Халқаро реконструкция ва тараққиёт банки; 1956 йилда таъсис этилган Халқаро молия корпорацияси; 1960 йилда асос солинган Халқаро тараққиёт ассоциацияси ва 1988 йилда ташкил этилган Сармоёлар кафолати бўйича кўп томонлама агентлик. Банкнинг раҳбар органи бошқарув кенгаши бўлиб, унинг таркибига барча иштирокчи давлатлар кирган. Бош қароргоҳи – Вашингтонда жойлашган.

**БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ** – 1970 йилда ташкил топган. Унинг мақсади бутун дунёда ҳамкорлик асосида 169 аъзо давлатда интеллектуал мулкни сақлашда ёрдам кўрсатиш ва уни сақлаш учун тузилган маъмурий органлар иттифоқлари ҳамкорлигини таъминлашдан иборат. Улардан асосийлари Париж ва Берн иттифоқларидир. Париж иттифоқининг расмий номи – Саноат мулкни кўриқлаш бўйича Халқаро иттифоқ. Берн иттифоқининг расмий номи эса адабиёт ва санъат асарларини сақлаш халқаро иттифоқидир. Б.И.М.Т. уч раҳбар органи мавжуд: 1) Париж ва Берн иттифоқларида турувчи санъат вакилларининг Бош ассамблеяси. Ассамблея икки йилда бир марта чақирилади. 2) Барча аъзо давлатлар Конференцияси; ҳам икки йилда бир марта чақирилади. 3) Координация қилиш бўйича Кўмита таркибда 68 киши бўлиб, ҳар йили тўпланади. Бош қароргоҳи – Женева (Швейцария)да жойлашган.

**БУТУНЖАҲОН ПОЧТА ИТТИФОҚИ** – 1874 йилда Берн шартномасига кўра таъсис этилган, 1948 йилдан БМТ ихтисослаштирилган муассасаси ҳисобланади.

Б.П.И. почта хизматининг давомий тарзда фаолият кўрсатишида муҳим роль ўйнайди. Ўзида 189 аъзо давлатни бирлаштириб, почта хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги борасида асосий воситачиликни амалга оширади. Воситачи сифатида маслаҳатлар беради, техник ёрдам кўрсатади. Унинг асосий вазифасига бутун дунёда почта хизмати ривожига кўмаклашиш, почта жўнатмалари мўқдорини ҳозирги замон воситалари ёрдамида ошириш, мижозлар тақдиф этган почта хизмати кўрсатишининг сифатини яхшилаш кабилар киради. Шу билан бирга, Б.П.И. дунёнинг барча халқлари ўртасида коммуникация тараққиётига ёрдамлашиб, ўзининг бош вазифасини бажаради.

Б.П.И. олий органи Бутунжаҳон почта конгресси ҳисобланади. Конгресс ҳар беш йилда бир марта чақирилиб, Унинг фаолиятининг умумий дастурини белгилайди ва бюджетни тасдиқлайди. Бош қароргоҳи Бернда жойлашган.

**БУТУНЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ** – 1995 йилнинг 1 январиди Тарифлар ва савдо бўйича бош битим вориси сифатида халқаро ягона орган тарзида ташкил топган. У халқаро савдо соҳасида назоратчилик вазифасини амалга оширади. Б.С.Т. ихтисослашган

муассаса ҳисобланмайди, аммо БМТ билан аҳдлашув ва амалий ҳамкорлик ўрнатиш ҳуқуқига эга. Б.С.Т., бутунжаҳон савдоси ва савдо сиёсатининг халқаро ҳуқуқий асосини ташкил этган 28 битимга биноан хизмат қилади. Битимлар куйидаги асосий мақсадни ўз олдига қўйган: Савдо оқимининг имкони борича эркин амалга оширилишига қўмаклашиш; музокаралар йўли билан босқичма-босқич янада либераллашувга эришиш; зиддиятларни ҳал қилишнинг ҳолисона усулларини яратиш. Б.С.Т. раҳбар органи Вазирлар Конференцияси ҳисобланади, у икки йилда бир марта қақрилади. Кундалик ишлар билан эса умумий кенгаш шугулланади. Бош қароргоҳи – Женева (Швейцария)да жойлашган.

**БУТУНЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ** – 1948 йилда ташкил топган бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасида БМТ бош институти ҳисобланади. Унинг мақсади дунё халқларнинг саломатлик даражаларини юқори даражага кўтаришдир. Унинг раҳбар органи Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси бўлиб, унинг таркибига барча аъзо давлатлар кирган. Ассамблея ҳар йили қақрилади. Ташкилотнинг Браззавил (Қонго), Вашингтон (АҚШ), Қоҳира (Миср), Копенгаген (Дания), Нью-Дели (Ҳиндистон) ва Манила (Филиппин) каби шаҳарларда худудий бўлимлари мавжуд. Бош қароргоҳи – Женевада (Швейцария) жойлашган.

**БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВНИЗМИ** – бир давлатнинг бошқа бир давлат ёки давлатлар устидан сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган назария ва амалиёт. Хуёсан, XIX аср охиридан бошлаб Россия империясининг ҳукмрон доиралари бошқа халқларга, жумладан, Ўрта Осиё халқларига нисбатан ана шундай сиёсат олиб борганлар. Буюк давлатчилик шовинизми сиёсати Австро-Венгрия империяси, Туркия султонлигида ҳам кучли бўлган. Иккинчи жаҳон урушида Германия фашизми бу сиёсатдан келиб чиқиб, немисларни «олий» ирқ улар жаҳондаги барча халқлар устидан ҳукмрон бўлишлари керак, деб тарғиб қилишган. Урушдан кейинги даврларда ҳам бир қанча мамлакатлар буюк давлатчилик сиёсатини хилма-хил кўринишда олиб бормоқдалар.

Президент И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асарида буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик хавфсизлигимизга таҳдид солаётган муаммолардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаган: «Ўтган мустақил ривожланиш йилларида давлатимизнинг суверенитети ва барқарорлигига таҳдид сақланиб қолмоқда. Бу таҳдид буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик руҳидаги шнорларда, бирдирилаётган фикрларда, шарҳларда ва муайян хатти-ҳаракатларда намоён бўлмоқда».

У ғайриинсоний хусусиятга эга бўлиб, бошқа халқларни қарам қилиш, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётда уларни қамситишнинг ўзинга хос шаклидир. Тарих иқтисодий имкониятлари заифлашган, ижтимоий тотувлик мустаҳкам бўлмаган, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдирдан ўзининг шахсий ва тор гуруҳий манфаатларини устун қўядиган, ҳокимиятга даъвогарлик қилишда ўзаро келиша олмаётган сиёсий кучларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ҳамда маънавий-руҳий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик кучайиши натижасида айрим мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми таъсиринга тушиб қолишдан далолат беради.

Буюк давлатчилик шовинизми ҳаминша куч ишлатишга, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, маънавий мафкуравий тазйиққа, зўрқонликка асослангани учун ҳам миллатлар ва давлатлараро муносабатларда ишончсизлик ва душманлик қайфиятларининг чуқур илдиз отишига сабаб бўлади.

Унинг салбий оқибатлари фақат шу билангина чегараланмайди. «Тарихий тажрибада қайта-қайта тасдиқланганидек, шовинизм авторитар тузумлар ўрнатилиши ва мустаҳкамланишини рағбатлантиради, шафқатсиз диктатурага олиб боради. Чунки бўйсундирилган ва қарам халқларнигина эмас, балки бир қисми муқаррар равишда бундай сиёсий йўлга қарши чиқадиган, ўз аҳолисини ҳам бошқача шароитда иттиҳорликда сақлаб туриш мумкин бўлмайди». Охир-оқибатда давлат ички зиддиятлар бўҳронга дучор бўлиб, ҳалокатга юз тутади. Бир сўз билан айтганда, ўзгаларни қарам қилган

халқлар, давлатларнинг ўзлари ҳам ҳеч қачон озод ва эркин бўлолмайди. Бирок бу тажрибадан дунёдаги айрим сиёсий доиралар ва кучлар ҳали ҳам етарли сабоқ чиқара олмаганини жаҳоннинг айрим ҳудудларидаги воқеалар кўрсатиб турибди.

Шовинистик кучлар бугунги кунда, биринчидан, мамлакат аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйик ўтказиш, иккинчидан, минтақа давлатлари ичнда зиддиятларни юзага келтириш, учинчидан, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасавурларни шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Бу йўлда улар хилма-хил усул ва воситалардан фойдаланмоқда.

Буюк давлатчилик шовинизми ҳам жаҳолатнинг бир кўриниши. Унга қарши маърифат билан курашиш мумкин. Бунда, айниқса, халқро ҳамжамият, жумладан, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган ҳар бир давлат билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш яхши омил бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар ўзаро тўқнашмайдиган, балки улар бир-бирига ижобий таъсир этиб, бир-бирини бойлати-диган маконга айланади. Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ана шу мақсадга хизмат қилади.

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИ** – Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари, кент маънода эса Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо-сотик, тижорат, дипломатик ва маданий-илмий алоқалар йўли. Б.И.Й. ҳақидаги илк ёзма маълумотлар милоддан аввалги 138 йилга тўғри келади: Хитой императори Уди топшириғи билан Ўрта Осиёга юборилган элчи ва сайёҳ Чжан Цян Буюк Ипак йўлини ўрганади ва бу ҳақида ўз таснифини беради. Буюк Ипак йўли Хитойдаги Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Сиан шаҳридан бошланиб, Ланчжоу орқали Дунхуанга келган. Бу ерда йўл иккига айрилган: биринчиси – Шимоли-Ғарбий Буюк Ипак йўли – Турфон, Торим воҳаси, Қашқар, Фарғона орқали ўтиб, Самарқандгача келган. Бу ерда Буюк Ипак йўли яна иккига бўлиниб, бири Марв, Ниса (Туркманистоннинг жанубида жойлашган шаҳар, ҳозир фақат ҳаробалари мавжуд), Ҳамадон, Бағдод ва Миср орқали Ўрта ер денгизигача етиб борган. Иккинчиси Бухоро ва Хоразмга йўналган ва Хоразмда иккига бўлинган: бири Оролнинг шарқидан Жанубий Ўрол орқали Сақлаб юртига (Россия) ва Сабар (Сибирь) турклари юртига борган. Хоразмда давом этган иккинчи йўл Мангишлоқ, Ҳазар (Каспий) денгизи шарқи-шимоли орқали Кавказ, Итил (русчасига Волга), Булгория (Татаристоннинг эски номи), Қрим, Қора денгиз йўли билан Европага борган.

Жануби-Ғарбий Буюк Ипак йўли Хўтан, Ёркент, Помир-Тяньшань тизмалари орқали ўтиб, Бактриянинг пойтахти Зариспа (Балх)га борган. Балхда жанубий йўл иккига ажралиб, бири Ҳиндистонга, иккинчиси Ғарбга йўналган ва Марвда шимолий йўл билан туташган. Марвдан Буюк Ипак йўли Парфиянинг пойтахти Ниса, Эроннинг Гекатомпил, Апалия ва Экбатана (Ҳамадон) шаҳарлари орқали Месопотамияга чиқиб, у ердан Дамашқгача бориб, Куддус ва Мисрга йўналган.

Б.И.Й. орқали турли-туман буюмлар савдо қилинган. Аммо йўлнинг номида «ипак» сўзининг борлиги Б.И.Й. асосий аҳамияти нимадан иборат эканлигига ишора қилади. Ғарбни мафтун қилган нарса эса ипак эди. Ғарб ипакни билмасди, ипак қурти, уни парваришлаш, ипакни пилладан олиш, қуртни нима билан боқиш кабилар ғарб кишилари-га номаълум эди. Хитой ва аждодларимиз, Мовароуннаҳр усталари ипакдан турли матолар тайёрлашда ҳам жаҳоннинг барча минтақаларидан қисмларидан олдинда бўлиб, Европаликларни лол қолдирарди. Мутахассисларнинг ёзишича, ипак мато ўрами ўтган замонларда ҳали металл пул бирлиги қарор топмаган даврда, пул вазифасини ҳам бажарган. Б.И.Й. ўнлаб мамлакатлар ва халқлар ҳудудини кесиб ўтган. Унинг асосий йўналишларини сақлаб қолиш учун кўп урушлар, тўқнашувлар бўлган. Ҳар бир давлатнинг ҳукмдори Б.И.Й. имкониятларини кенгайтиришга интилан, бекатлар, қарвонсаройлар, бандаргоҳлар қурдирган, қарвонларни от-улов, туя ва турли абзаллар билан таъминлаган. Бундай фаолият бир томондан, юртни, мамлакатни савдо-сотикка тортиб, иқтисодни кўтарган бўлса, иккинчидан, давлат газнасига сезиларли даромад келтирган.

Б.И.Й. XV–XVI асрлардаги буюк жуғрофий кашфиётлар даври бошлангандан сўнгра мавқеи яна борган чунки, туя ва отга суянган карвон Ғарбий Европанинг елкавли кема ва қаравеллалари билан тенглаша олмас эди. Аммо, Б.И.Й. инсоният тараққиётидаги роли шубҳасиз ижобийдир, Б.И.Й. Марказий Осиё, биринчи навбатда, Мовароуннахрнинг иқтисодий ва маданий юксалишида жиддий ўрни тугган. Б.И.Й. тарихини ўрганиш – Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг таркибий ва узвий қисmidир. Ўзбекистон тарихини тўлақонли ёритиш учун Б.И.Й. ўтган давлатларнинг қадимий материалларини, ташқи савдо-тижорат, турли мамлакатлардан келтирилган ва уларга жўнатилган буюмлар рўйхатини ўрганиш орқали Ватанимизнинг Б.И.Й. даврида кўшни мамлакатлар ва халқларга, инсоният моддий-маънавий маданиятига таъсирини кўрсатмоқ зарур. Бу инсоният ва халқимиз олдидаги бурч ва вазифамиздир.

**БУЮК ХАЛҚ ХУРАЛИ** – Монголиянинг (Монголия Республикаси, Монгол Урс) 4 йилга сайланадиган 76 та аъзодан иборат қонун чиқарувчи органи.

**БЮДЖЕТ** – (инг. «budget» – ҳалта) – 1) муайян хўжаликнинг одадта бир йилга белгиланадиган ҳаракатлар ва даромадлар сметаси; 2) давлат Б. барча ташкилот ва муассасалар молиявий сметалари йиқиндиси; унда давлат маблағлари ҳисобига қондириладиган эҳтиёж, бунинг талаб этиладиган маблағлар микдори, уларнинг манбалари ва келиб тушиши кутилаётган тушумлар. Парламентда Б. кўриб чиқиш тартибни белгилаб берадиган қондалар мажмуи бюджет ҳуқуқида ўз ифодасини топган. Б. ҳуқуқининг асосий қондаси шундай иборатки, парламент розилигисиз бирон-бир янги солиқнинг жорий этилиши, эскиларига ўзгартиририш киритилиши, давлат зайлининг қабул қилинишига йўл кўйилмайди.

**БЎЛИБ ТАШЛАБ, ҲУҚМРОНЛИК ҚИЛИШ** – ғаразли геосиёсий ва геостратегик мақсадларга эришишда қўлланадиган усул ва тамойиллардан бири. Бу тамойилни амалга оширишнинг асосий йўли бирон-бир минтақа ёки мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришдир. Бунда, биринчидан, муайян шаклда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали аҳолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотиш, иккинчидан, ўз ноғорасига ўйнайдиган муҳолифатчи кучларни юзага келтириш йўли билан сиёсий беқарорликни келтириб чиқариш, учинчидан, «мамлакатда сўз, матбуот, сиёсий эркинликлар йўқ», қабидаги тухматдан иборат мафқуравий тазйиқ ўтказиш усуллари қўлланади.

Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, бундай ҳолат баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларининг мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар ҳақида нотўғри ахборот тарқатиши орқали жаҳон жамоатчилигида биз тўғримизда ҳақиқатга зид тасаввурни шакллантириш йўлидаги хатти-ҳаракатларида яққол кўринади.

Муайян минтақага нисбатан олинганда, бу тамойил ўша жойда гегемонликка талабгор бўлган давлат борлигини «асослаш», таъбир жоиз бўлса, шундай давлат образини яратиш йўлидаги уринишларда намоён бўлади. Бундай образларнинг яратилиши ер юзининг турли нукталарида ҳар хил кўринишдаги низооларни, давлатлараро муносабатларда эса тангликни юзага келтиради. Натижада мамлакатларнинг моддий-молиявий, маънавий-интеллектуал салоҳияти жамият тараққиётига хизмат қилиш ўрнига ана шу «образ» таъсирининг олдини олишга йўналтирилади. Шу тариқа, асосий мақсадга, яъни муайян давлатни яқкалашга, уни заифлаштириб, кейин ўз «иттифоқчи»сига айлантиришга эришилади.

«Бўлиб ташлаб, ҳуқмронлик қил» тамойилни амалга оширишнинг яна бир йўли – халқро майдонда муайян мамлакат ҳақида нотўғри, ноҳолис тасаввурларни шакллантиришдир. Айни пайтда, бу йўлда диний омилдан, яъни гўёки эътиқод эркинлиги бузилаётгани тўғрисидаги сохта маълумотларни тарқатиш усулидан фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилаёттир. Буларнинг барчаси «мақсад воситани оқлайди», деган ақида ғаразли геостратегик гоълар ва манфаатларни рўёбга чиқаришнинг асосий қондасига айланаётганини кўрсатади.

**ВАЗИР** – 1) вазирликни бошқарётган ҳукумат аъзоси; 2) кўчма маънода – ақлли, ташкилотчилик хусусиятларига эга одам; 3) муайян давлатнинг ҳукумат аъзоси мақомидаги дипломатик вакилининг мансаби; шундай мансабга эга бўлган шахс.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА** – ЎзР Президентининг 1992 йил 7 мартдаги «ЎзР ВМДИБҚ ташкил этниш ҳақида»ги фармонида биноан кишиларнинг динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг эътиқод эркинлигига оид конституцион ҳуқуқлари, динларнинг тенглиги ҳамда ЎзР «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни талабларини таъминлаш, шунингдек, давлат идораларининг диний марказ ва ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил қилинган давлат идораси.

Диний ишлар бўйича қўмита таркибига: ислом ташкилотлари билан ишлаш, диний таълим, конфессиялар билан ишлаш, халқаро алоқалар ва муҳосиблик бўлимлар каби бўлимлар киради. Шунингдек, қўмита консултатив, ахборот, эксперт ва назорат функцияларини бажаради.

У куйидаги ваколатларга эга: диний ташкилотлар, жамоалар марказлар, диний ўқув юртлари, нашриётлар ҳақида маълумот тўплаш, шунингдек, ЎзРнинг «Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар» қонунининг бажарилишини назорат қилиш. Шу маънода қўмита диний ташкилот раҳбариятидан зарур маълумотларни талаб қилишга, улар ўтказаятган тадбирларда иштирок этишга, ЎзР ҳукуматининг топшириғига биноан эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотларга тегишли масалалар юзасидан меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга, тегишли эксперт хулосаларини тайёрлашга, белгиланган тартибда ЎзР Вазирлар Маҳкамасига Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва кўрсатмаларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот беришга, диний ишлар бўйича маҳаллий ҳамда хорижий диний мамлакатлар билан иш олиб бориш; диний ташкилотларнинг давлат идораларида ҳал қилинадиган ишларига қўмақлашиш, динларро ҳамкорлик ва барча диний ташкилотларнинг узвий боғлиқлигини таъминлашга хизмат қиладиган сиёсат юритиш; республикада қонун билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотлар манфаатларини ҳимоя қилишда давлат сиёсатини юритиш; вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан биргаликда диний масалаларда давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этишга; диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда иштирок этиш; уларга тегишли давлат идораларидан ружсат олишида қўмақлашишга; диний ўқув юртларида ўқув жараёни ва дастурлари, ўқув-тарбиявий ишларни назорат этиш; диний йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш; бу ишларни амалга оширишга ташкилий, ҳуқуқий ва услубий ёрдам бериш.

**ВАЗИРЛИК** – барча илгор демократик конституцион давлатларида бўлганидек, Ўзбекистон халқ ҳўжалигининг ижтимоий, сиёсий ва маданий қурилишининг йирик тармоғига раҳбарликни амалга оширадиган ҳамда шу тармокнинг бугунги аҳволи ва келгуси ривожланиши учун жавоб берадиган марказий давлат бошқарув органидир.

Ҳар бир В. махсус ваколат ва компетенциялар мажмунига эга. В. ЎзР Президенти тузади, вазият талаб қилганда тугатади ва шу масалага доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади. В. вазир бошчилик қилади. У ЎзР Президенти томонидан мазкур лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади. Бу ҳақдаги Президент фармони кейинчалик ЎзР Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Вазир В. юклатилган вазифа ва мажбуриятлар учун шахсан жавобгардир. Вазир ўринбосарлари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади, улар ўртасидаги вазифаларни вазир тақсимлайди ва уларнинг жавобгарлик даражасини белгилайди.

Ҳозир ЎзРда 13 та вазирлик фаолият кўрсатмоқда: Булар: Иқтисодиёт вазирлиги, ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги, инвестиция ва савдо вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ички ишлар

вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, ахборот техноологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими (Маданият ва спорт ишлари) вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

В. давлат марказий бошқарув органлари ичида энг нуфузлиси ҳисобланади. Бу В. раҳбарлик қилаётган тармоқ ёки соҳанинг жамиятдаги ўрни, В. тузиш ва тугатиш фақат Президент томонидан амалга оширилиши ва олий қонун чиқарувчи орган томонидан тасдиқланиши ҳамда вазир ҳукумат аъзоси бўлишлиги ҳоллари билан изоҳланади.

В. ҳозирги кунда бажараётган асосий вазифалари энг умумий тарзда қуйидагилардан иборат: вазирликка топширилган соҳа ёки тармоқда давлат сиёсатини амалга ошириш; тармоқ ёки соҳани ривожлантириш тамойилларини, истиқболли дастур-ларини ишлаб чиқиш; тармоқда ягона илмий-техникавий сиёсатни татбиқ этиш, бу соҳадаги жаҳон тажрибасидан ижодий фойдаланиш; бозор муносабатлари шароитида вазирлик тарқибига кирувчи корхоналарга ва ташкилотларга уларни акциядорлик, жамоа, уюшма, ижара ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга босқичма-босқич ўтишида қўмақлашиш; тизимга кирувчи ишлаб чиқариш субъектларига ўз имкониятларини тўла намоён этишини таъминловчи иқтисодий муҳитни яратиш ва ҳ.к.

В. давлат бюджетни ҳисобидан молиявий таъминланадилар. Бозор иқтисодиёти-нинг муҳим шартларидан бири эса бошқарув аппаратини арзонлаштириш ва қисқартириш ҳисобланади. В. ўрнига хўжалик ҳисобида иш юритадиган компания ва концернлар, уюшма ва ассоциациялар пайдо бўлади. В. давлат суверенитетига дахлдор соҳалардагина сақланиб қолиши мумкин (мудофаа, адлия, ички ишлар, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари).

**БАКИЛЛИК ДЕМОКРАТИЯСИ** – бевосита демократиядан фарқли ўлароқ, асосий қарорлар сайлаб олинадиган органлар томонидан қабул қилинадиган жамият сиёсий ташкилотининг шакли.

**БАКОЛАТХОНА** – юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлин-маси.

**ВАЛЮТА** – (*лат.* «*valuta*» – қиймат) – 1) мамлакат пул тизими асосида ётувчи муайян давлатнинг пул бирлиги (мас. Ўзбекистон сўми, АҚШ доллари) ёки халқаро молия ташкилотлари ва давлатлар молия иттифоқлари ўртасидаги ҳисоб-китобларда қўлланиладиган сунъий жамоа пул бирлиги; 2) чет давлатнинг пул бирлиги, шунингдек, хорижий пул бирликларида ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган кредит ҳамда тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар, аккредитивлар ва ҳ.к.). Ўз мавқеи ва қўлланилиши доираларига қўра, барча мамлакатларнинг В. халқаро муносабатларда эркин муомаладаги (эркин конвертацияланадиган) ҳамда ёпиқ муомаладаги (конвертацияланмайдиган) турларга бўлинади; 3) чет эл В. қимматли қоғозлар фоиз бойликлари (акциялар, облигациялар ва ҳ.к.); 4) кенг маънода ҳар қандай В. бойликлари: нодир металллар (ҳар қандай қўрнинишдаги олтин, кумуш, платина ҳамда платина гуруҳига кирувчи палладий, иридий, родий, рутений ва остик) металллар (ушбу металллардан ишланган заргарлик ва бошқа буюмлар бундан мустасно); табиий қимматбаҳо тошлар (сайқал берилган ва сайқал берилмаган олмос, лаъл, зумрад, ёқут, александрит ҳамда марварид, тошлардан ясалган заргарлик ва рўзғор буюмлари бундан мустасно).

**ВАЛЮТА ЗАХИРАСИ** – ҳукумат идоралари ёки марказий банкларнинг ташқи савдо, инвестиция ва бошқа операциялари билан боғлиқ бўлган хорижий валюта ва олтин захираси. Олтин истаган хорижий валютага осонлик билан алмаштирилиши мумкин бўлгани сабабли у валюта захираларининг асосини ташкил этади. Аммо халқаро савдо-сотиқда ҳисоб-китоб қилинса муайян миқлий валюта амалга оширилиш сабабли олтин билан тўғридан-тўғри ҳисоб-китоб қилиш олиб борилмайди.

**ВАЛЮТА КОНВЕРТАЦИЯСИ** – муайян мамлакат валютасининг бошқа давлат валютасига алмаштирилиши.

**ВАЛЮТА КУРСИ** – бир мамлакат пул бирлигининг бошқа давлат валютаси, кимматбаҳо металллар, кимматли қоғозларидаги қиймати. Ривожланган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатлари тегишли бозорларда у ёки бу миллий валютага талаб ва таклифга боғлиқ бўлган «ўзгарувчан» валюта курсига асосланган.

**ВАНДАЛИЗМ** – (*вандаллар – Рим ва унинг вилоятларига боқичлар уюштирган ва улкан талофат келтирган қадимий немис қабилалари*). В. том маънода маданий-тарихий обидалар, хусусий ёки жамоат мулкнинг атайлаб вайрон этилиши. БевоСИта агрессия (тажовуз) тушунчаси билан узвий боғлиқ.

**ВАСАЛЛИК** – (*лот. «vassal» – хизматкор*) – Ўрта асрларда Ғарбий Европада сюзерен (қирол, буюк князи), йирик мулкдорлар (сюзереннинг хизматкорлари) ҳамда майда вассалларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиланган ижтимоий муносабатлар тизими. Вассалликнинг ғарбона институти томонларнинг тенгсизлигини назарда тутган бўлса-да, эркинлик тушунчаси ҳам инкор этмаган. Қирол томонидан таҳқирланган эркин синьор уруш эълон ҳуқуқига эга бўлган. Ғарбий Европа монархларининг қўл остидakilари имтиёزلарга эга бўлган, қиролнинг ўзи эса «биринчи дворян» ҳисобланган. У масалан, дворяннинг ҳаёт-мамотини ҳал қилган аммо уни урушга ҳаққи бўлган. В. муносабатлари ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланган тарафлар муносабатларидир. Худди шундай муносабатлар Россиянинг Киев шаҳрида ҳам шаклланган эди.

**ВАСИЙЛИК** – БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган битимга асосан тизимига киритилган, БМТ назоратида бўлган ҳудудларда ёки БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан стратегик аҳамиятга эга деб белгиланган ҳудудларда В. қўлланилади.

БМТ Уставига асосан В. тизимига куйидагилар кирази: ҳудудлар мандат ҳисобида турган бўлса; ҳудудлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида душман давлатлардан тортиб олинган бўлса; ҳудудлар давлатлар томонидан ихтиёрий равишда В. системасига киритилган бўлса, уларнинг бошқарувиغا жавобгардирлар. БМТ Устаида куйидаги В. Система-сининг масалалари белгилаб қўйилган: а) халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкам-лаш; б) В. олинган ҳудуддаги халқнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий прогрессив ривожланишига таъсир қилиш, билим олиш соҳасининг ривожланишига ва мустақиллик ёки ўзини-ўзи бошқаришнинг ривожланиши; в) дини, тили, жинси, irqий мансублигидан қатъи назар, барча учун эркинлик ва инсон ҳуқуқига бўлган ҳурматни рағбатлантириш; г) БМТ аъзоларига ва уларнинг фуқароларига ижтимоий, иқтисодий ва савдо тармоқла-ридаги муносабатларни бир хил таъминлашдан иборат.

БМТ В. қилишдаги стратегик бўлмаган ҳудудларни назорат этиш функцияси Бош ассамблея раҳбарлигидаги В. бўйича Кенгашга юклатилган. 1946 йил октябрь ойида Бош Ассамблеяда Буюк Британия, Франция, Австралия, Бельгия ва Янги Зеландия ҳукумат-лари томонидан Миллатлар Лигасининг мандати бўйича бу давлатлар томонидан бошқарилиши, В. олинган ҳудудлар тўғрисида тузилган битим тасдиқланди. Бу битимга асосан, В. қилаётган давлат томонидан В. олинган ҳудудларни бшқариш, жумладан, улар чегарасида ҳарбий базалар ташкил этиш ҳуқуқи ҳам бор. Шу билан бирга, бу ҳолат дунёда колониал системанинг пайдо бўлишига олиб келди. 1947 йил 2 апрелда Хавфсизлик Кенгаши «АҚШ Тинч океанидаги ороллар устидан В. этиш тизимини ўрнатиш тўғри-сида»ги битимни тасдиқлади. Бу жойлар стратегик аҳамиятга эга ҳудудлар ҳисобланади. 1947 йил 1 ноябрда Бош ассамблея Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия давлат-лари томонидан Науру ороллари устидан ўзаро В. қилиш тўғрисидаги битимни тасдиқ-лади. 1950 йилда Италияга Сомали устидан В. қилиш ҳуқуқи берилди. Ҳозир васийликка олинган барча ҳудудлар мустақилликка эришди.

**ВАТАН** – (*араб. ватан – она юрт*) – кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, худуди, ижтимоий муҳити, мамлақати. В. бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан В. киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкадир. Бироқ, киши улғайган сайин, унинг В. ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгайди.

Натижада тили, эътиқоди, урф-одатлари ва миллий сифатлари бир бўлган авлодлар яшаган ва яшаётган жуғрофий муҳит В. ифода этади.

**ВАТАНПАРВАРЛИК** – кишининг тугилиб ўсган, камол топган жойи, замини, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини ифода этувчи ижтимоий ва маънавий-ахлоқий фазилатдир. В. муҳитда, заминда ва мавжуд маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Шахс В. туйғусини яратмайди, балки, уни тайёр холда қабул қилади. Чунки В. узок тарихий ривожланиш жараёнида шаклланидиган ижтимоий воқеликдир.

В. кишиларнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатларининг, фазилатларининг юксак даражада намоён бўлишидир. Зеро, унинг негизини ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, урф-одати, қадриятларни қадрлаш, эл-юрт равнақи учун меҳнат қилиш, Ватанни душманлардан ҳимоя қилиш, зарур бўлса, унинг тинчлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямадлиқ ташкил этади. В. эл-юртга хизмат қилиб, унинг манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйиш демакдир.

Фидойилик В. бош белгиси ҳисобланади. ЎзР мустақил давлат сифатида мустақамланиши, унинг иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти, меҳнатқашларнинг фаровон ҳаёти учун меҳнат қилиш ва изланишини В.дир. У Ватанга бўлган садоқатдан, муҳаббатдан бошланади.

В. олий кўрчинши эса жасоратдир. Жасорат кишининг Ватан ва юртдошлари учун ўз манфаатидан, зарур бўлса жонидан ҳам кечиб намоён этадиган юксак маънавий-ахлоқий фазилатдир. Жасорат халқ фаровонлиги, илм-фан ва маданият равнақи, Ватан ҳимояси учун қилинган меҳнатда ҳам, ўзини фидо қилиш талаб этиладиган вазифаларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

В. ўзбек халқининг миллий туйғусини ривожлантириш, миллий юксалиш гоёларини тарғиб қилиш, мамлакатимизда яшаётган турли элат ва миллатлар ўртасида дўстлик, тинчлик ҳамда ахилликни мустақамлаш учун курашишда ҳам намоён бўлади. Шунингдек, у Ўзбекистонда демократия ва хурфиқрилиқнинг қарор топишига ғов бўлаётган ҳолларга қарши курашишни ҳам ўз ичига олади.

Мустақиллик шароитида кишиларда В. ҳиссини кучайтириш ва мустақамлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир инсонни миллати, дини, тилидан қатъи назар ватаннинг ҳақиқий жонқуярлари этиб тарбиялаш асосий вазифадир.

**ВАТИКАН** – Италия пойтахти Рим шаҳрининг Ғарб қисмида 44 гектар ҳудудда жойлашган шаҳар – давлат (дунёдаги энг кичик давлат). Халқаро ҳуқуқда В. мақоми – муқаддас черковнинг суверен ҳудуди деб эътироф этилади. В.да муқаддас тахт, Рим папаси саройи ва унга хизмат қилувчилар жойлашган. В. Италия ҳудудида жойлашган бўлса-да, тўлиқ мустақил давлат ҳисобланади. Дипломатик муносабатлар В. билан эмас, Муқаддас Тахт билан ўрнатилади. Шу боис хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатхоналари Муқаддас тахт томонидан аккредитация қилинади. В. ҳудуди кичик бўлгани сабабли бу ваколат ҳоналар Рим шаҳрида жойлашган. Муқаддас Тахт давлат қотибиятининг иккинчи секцияси (у аъло ҳазрат, яъни Рим папасининг давлат қотибияти деб ҳам аталади.) ташки ишлар билан шуғулланади. Муқаддас Тахт БМТ доимий қузатувчиси ҳисобланади ва 2004 йилнинг июлида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган.

**ВАҲҲОБИЙЛИК** – ислом динининг ҳанбалий мазҳабидаги оқим. Арабистон ярим оролининг марказий қисмида XVIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Асосчиси – Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб (1703 йил (Уйайна деган жойда кози оиласида туғилган) -1787 йил). Абд ал-Ваҳҳоб диний тарғибот ишларини 1740 йилдан ўз отасининг вафотидан сўнг фаоллаштирган, чунки ота-ўғил ўртасида даъватнинг услуби хусусида ихтилоф бўлган. Турк тилидаги тадқиқотларда Абд ал-Ваҳҳоб узок йиллар инглиз жосуслари билан ҳамкорлик қилгани ҳақида далиллар мавжуд. В. тарафдорлари фикрича, исломнинг манбаи фақат Қуръон ва Суннатдир. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш, азиз-авлиёлардан дуоларда шафоат ёрдам тилаш ширк ҳисобланади. Мусика, кўшиқ, умуман маънавий тараққиётнинг бошқа кўп кўринишлари «бидъат» (кейин кириб келган янгилик) деб саналади. В. «динни тозалаш»га ҳаракат қилади. В. адолатни юзаки тушуниб тарғиб



килишда, исломнинг маънавий-ахлоқий меъёрига қаттиқ риоя этишни талаб килишда намоён бўладиган оқим.

**ВЕКСЕЛЬ** – (нем. «wechsel» – айнан алмаштириш, айирбошлаш) – муайян суммадаги қарзни белгиланган муддатда тўлаш мажбурияти қатъий юқланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдирил, расмийлаштирилган қарздорлик рўйхати, қимматли қоғоз тури. В. қимматли қоғоз, пул қарз олганлик ҳақидаги тилхат, қарз ҳужжатиدير. В. берган шахснинг қарзга пул олганлигини ва уни в. олган шахсга, яъни векселларга В. кўрсатилган муддатда сўзсиз тўлаш мажбуриятини ёзма равишда тасдиқлайди. В. оддий ва ўтказувчи бўлиши мумкин. *Оддий В.* – оддий ёзма ҳужжат. Олинган қарз пулини векселдор (В. олган шахс)га белгиланган муддат ва жойда қайта-риш, тўлаш бўйича в. берувчи шахс зиммасига ҳеч қандай мажбурий шарт юкламайди. *Ўтказилувчи В. (трат-та)* – оддий ёзма ҳужжат. В. берувчининг векселдорга тегишли қарзини белгиланган муддат ва жойда албатта тўлашини тасдиқлайди. *Ўтказилувчи В.* мохиятига кўра, оддий қарз тилхати бўлиб, қарзнинг бир шахсдан иккинчи шахс ихтиёрига ўтказилишини билдиради ва шу хусусиятига кўра оддий векселдан фарқ қилади. В. тижорат, савдо операцияларида айирбошлаш ва муомала воситасида пул, чек ва бошқа тўлов воситалари ўрнида қўлланиладиган кредит ҳужжатиدير. В. ҳар қандай тўловга қабул қилиш тўғри-сида қорхона ёки ташкилот ёзиб бериш ҳуқуқига эга. В. сотилиши, кредит тарзида берилиши ва бирон-бир олди-сотди битимида ҳисоб-китоб, тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкин. В. бошқа турдаги қимматли қоғозлардан фарқи шундаки, уни сотиш орқали бозор ва қорхоналардан пул маблағлари иқтисодий оборотта жалб қилишда В. депозит функциясини бажаради, бироқ банкка депозит қўйгандаги муҳим афзалликларга эга. Агар депозитга қўйганда пуллар қорхона оборо-тидан чиқиб кетса, аини вақтда, қорхона сотиб олган В. маҳсулот ва хизматлар учун тўлов воситасида ишлатилиши мумкин. Демак, В. бир вақтнинг ичида ҳам депозит, ҳам чек афзалликларини ўзида мужас-самлаштиради. Шу билан бирга В. бирмунча мураккаб ҳужжат бўлиб, ундан фойдала-нишда муайян қийинчиликлар туғулиши мумкин. Нотўғри тўлдирилган ва изоҳланган В. ёки В. муомаласининг ўзига хос хусусиятларини билмаслик ҳамда унинг ишлатилишидаги тажрибанинг йўқлиги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

**ВЕКСЕЛ ҲУҚУҚИ** – ўз мажбуриятларини вексель ёрдамида расмийлаштирган шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар йиғиндиси. В.Х. бошқа ҳуқуқлар билан тартибга солинадиган муносабатлардан, вексель ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқиб тўзилган ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган талабнинг қатъийлиги билан фарқланади. В.Х. тартибга солиш 1930 йил Женевадаги В.Х. конвенциясида қабул қилинган ягона вексель қонунчилиги асосида амалга оширилади. В.Х. шакли ва унинг мазмунидаги реқвизитларга нисбатан қўйиладиган талабнинг қатъийлиги билан белгиланади (ягона вексел қонунчилиги, 1-модда). Реқвизитлардан бирининг кўрсатилмаслиги вексел ўз кучини йўқотишига сабаб бўлади.

**ВЕРДИКТ** – (лат. «verdictum») – кўриб чиқилган жиноий иш бўйича суд ҳукми.

**ВЕТО** – (лат. «veto» – ман этаман) – 1) Давлат ҳуқуқида давлат ҳокимиятининг бир органи (давлат раҳбари) томонидан бошқа давлат органи қарорининг тўхтатилиши. В. институти қадимий Рим пайдо бўлган кейинроқ эркин вето тушунчаси бўлади: мас., XVII–XVIII асрларда Польшаде депутатларнинг барчаси овоз берган тақдир, эгина Сайм қарори қабул қилинган деб ҳисобланган. Айрим замонавий давлатларда В. ҳуқуқи давлат раҳбарига берилади (у парламент қабул қилган қонуларни қайтариши мумкин); 2) БМТ низомида кўзда тутилган ва унинг доимий аъзоларининг айрим масалалар бўйича қарор қабул қилишда яқдиллик тамойили ҳам В. ҳуқуқи деб аталади.

**«ВИГИ» ПАРТИЯСИ** – Буюк Британияда сиёсий партия; XVII асрнинг 80–йилларида дворян аслзодалари, йирик савдо ва молиявий буржуазия гуруҳи. XIX асрда унинг негизида либераллар партияси вужудга келган. 1834–1854 йилларда АҚШда марказий ҳокимиятнинг қучайишига қарши курашиб келган сиёсий партия 1854 йили ижтимоий

вигилар асосида янги республикачилар, жанубий вигилар асосида демократик партия ташкил этилган.

**ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ** – инсоннинг хоҳлаган динига эътикод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқини таъқиқловчи, БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1981 йил 25 ноябрда қабул қилинган 36–55-сон Резолюциясида қайд қилинган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Мазкур ҳуқуқ ЎР Конституциясининг 31 моддасида қайд қилиниб, 1998 йил 1 майда янги тахрирда эълон қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 1 ва 4 моддалари фуқаролар ўзларининг динга бўлган муносабатини эркин белгилаш, маросим ва удумларни бажариш ҳамда қонун олдида барчанинг диний муносабатларидан қатъи назар, тенглигига кафолат беради. ЎЗР дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган. ЎЗР миялатлар ва диний ташкилотлар орасига низо солиш учун диндан фойдаланиш ва конституциявий тизим асосларига қаратилган ҳаракатлар ман этилади.

**ВИЗА** – (лат. «visits» – кўриб чиқмоқ, қараб чиқмоқ, қўздан кечирмоқ) – 1) давлат ҳудудига кириш, чиқиш, яшаш ёки ҳудудидан ўтишга махсус руҳсат берилганлигини кўрсатувчи белгининг паспортда қўйилиши. Дипломатия вакилиги аъзоларига, халқаро анжуманлар делегатларига ва бошқа шахсларга махсус дипломатик визалар берилади. В. маълум муддатга берилади. В. тизими давлат ҳудудига чет эл фуқароларининг кириб келиши ва давлат ҳудудидан чет эл фуқароларининг чиқиб кетишини тартибга солиш, назорат қилиш мақсадида амалга оширилади. Ҳозирги даврда давлатларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, давлат ҳудудидан В. чиқиб кетиш ҳам қўлланилмоқда; 2) ҳужжатнинг аниқ нусха эканлигини тасдиқловчи ёзув.

**ВОЛЮНТАРИЗМ** – (лат. «voluntas» – ирода) – иродани борликнинг энг олий кўриниши, тамойили деб қаровчи фалсафий оқим. Маънавий ҳаётда иродани биринчи ўринга қўйиб, ақл-идрок макомига, рационализмга асосланган идеалистик фалсафий тизимни инкор этади. Қадимги давр фалсафасидаги ақл-идрок рационализмдан фарқли равишда ўрта аср фалсафасида масалан, Августин таълимотида ирода биринчи ўринга чиқади. Унинг фикрича, барча инсонлар бу иродадан иборатдир. Шопенгауэр амалий идрокни илгарин сурган Кант фалсафасига таянса ҳам, лекин ундан фарқли равишда ироданинг ақл-идрокдан устуңлигини ёқлаб чиқди ва бу билан Кант фалсафаси, классик фалсафадан ўзгача йўл тутди. Ф.Ницше ҳам Шопенгауэр таъсирида фалсафанинг марказига инсон иродасини қўяди. Лекин унинг талқинида ирода бу «ҳокимликка эришиш иродаси»дир. Унингча ҳокимликка эришиш учун иродани ишга солиш инсон фаолиятининг ҳал қилувчи, энг асосий қобилиятидир. Ф.Ницше мутлақ ҳокимликка, ҳокимиятга эришиш учун ўта кучли ирода эгалари бўлган «Олий мустақилликкача бўлган шахсга сизгиниши «фалсафий» асослашга уринган эди.

**ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ** – вафот этган (мерос қолдирган) шахс мулкнинг ворисларига ўтиши билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндиси. Фуқароларнинг вафотидан кейин уларнинг ворисларга ўтадиган мулклари мерос мулки ҳисобланади. Мерос тартибича, мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос тартибига қиради.

**ВОТУМ** – йиғилиш ёки сайловда масалани ҳал этиш учун берилган овоз.

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ** – 1) вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олишни амалга оширувчи органлар ва муассаса (ташкилот)ларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; 2) вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини тиклаш ва ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш; 3) вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларига берилган ваколатлар: вояга етмаганлар билан муомала қилиш, уларни тарбиялаш, ўқитиш, ушлаб туриш, ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, умумтаълим муассасаларида, шунингдек, махсус ўқув-тарбия муассасалари ва вояга етмаганлар учун ихтисослаштирилган муассасаларда, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини

олиш бўйича бўлинмалар ва ҳ.к. ҳуқуқбузарларни вақтинча изоляция қилиш марказларида, тарбиявий меҳнат колонияларида уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг бажарилишини мулк шаклидан қатъи назар, қорхона, ташкилот, муассаса учун белгилаб қўйилган иш тартиботи ва шароитлари, улар учун зарур бўлган моддий маиший шароитларнинг яратилишини назорат қилиш. Судда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни кўзғатади.

## Г

**ГАНДИЗМ** – ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий таълимот М.Ганди томонидан ишлаб чиқилган ва ҳинд миллий озодлик ҳаракатининг мафқурасига айланган. Г.Ҳиндуизм назарий асос қилиб олинган. Келиб чиқиши қадимий ҳинд аъналарига бориб тақалади. Ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда диний ахлоқ нуқтан назаридан ёндашиш бу таълимотга хос хусусият. Ер юзиде «сарвадойя», яъни «умумий фаровонлик жамияти» қуриш ғоясини илгари сурган. Бунга эришишнинг усули – «сатьяграха», яъни «куч ишлатмасдан қурашиш»дир. Унинг таълимотича, тарихан шаклланган тартиботлар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш зарур, уларни куч ишлатмасдан аста-секин янги мазмун билан тўлдириб, қайта қуриш керак. Г. Ҳамиятдаги тенгсизликни рад этади. Кастачиликка қарши чиқади. Ҳиндистон мустақилликка эришганидан (1947 й.) ва М.Ганди вафотидан (1948 й.) сўнг Г. миллий озодлик қураши мафқураси сифатидаги мавқенин йўқотди

**ГАРОВГА ОЛИШ** – муайян мақсадга эришиш учун бирор-бир шахс ёки гуруҳлар томонидан бошқа бир шахс ёки шахсларни гаровга олиш. Сўнгги ўн йиллар давомида шахсни Г.О. кенг тарқалди. Ундан турли мамлакатларда урушаётганлар, террорчилар. уюшган жиноий гуруҳлар фойдаланмоқда. 1979 йили БМТ Бош ассамблеяси Г.О. қарши қураш тўғрисида Конвенция қабул қилди. Шахсни ушлаб туриш, оғир тан жароҳати етказиш ёки ўлдириш, гаровга олинганларни тўлиқ ёки қисман озод қилиш эвазига учинчи тарафни маълум ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд муайян ҳаракатлардан тийилишига мажбур қилиш ҳам жиноят ҳисобланади. Конвенцияга қўшилган давлатлар миллий қонунчилигида мазкур жиноятни оғир характердаги жиноят сифатида жазо тайинлаш назарда тутилган. Бу борада жиноятларнинг олдини олишда, унга қарши қурашда, шунингдек, жиноятчиларни жазолаш масалаларида аъзо давлатлар ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олган.

**ГАСТАРБАЙТЕР** – ривожланаётган мамлакатдан ривожланган давлатга жалб этиладиган ҳорижий ишчилар. Улар одатда маҳаллий ишчиларга қараганда камроқ иш ҳақи олиб ишлашга рози бўлади.

**ГЕГЕМОНИК** – (юнон. «hegemonia» – ҳукмронлик) – ҳукмрон бўлишга, бошқа мамлакатлар ва халқлар устидан ҳукмронлик қилишга интилишга асосланган сиёсат. Г.– давлатлар ва халқлар тенг ҳуқуқлигининг бевосита акси, халқаро муносабатларда қарор топиши лозим бўлган идеалнинг қарама-қаршисидир.

**ГЕНДЕР** – (ингл. *жинсга мансубликнинг ижтимоий жиҳатлари*) – тадқиқотчиларнинг аёллар ҳуқуқлари тенгсизлиги сабабларини таҳдид қилишлари натижасида биологик жинс ва у билан боғлиқ ижтимоий ролини фарқлашга олиб келди: биологик жинс – биологик фарқлар нуқтан назаридан белгиланса, ижтимоий вазибалар нуқтан назаридан – Г. ёки ижтимоий жинс белгиланади. Бу тушунча эркаклар ва аёллар ўртасида нафақат биологик фарқни, балки жамиятнинг жинсий тақсимотида ижтимоий-маданий тавсифларнинг бутун мажмуини ҳисобга олади. Эркаклар ва аёлларга тегишли ижтимоий боғлиқлик, ҳулқ-атвор ва қутилган натижаларни ифодалайди. Жамиятда қарор топган, ижтимоий муносабатларда намоён бўлган ўзгаришлар инсоннинг жамиятдаги роли ва ўрни, унинг тенглиги ва эркинлиги оид ҳуқуқларини англаш эҳтиёжини вужудга келтирди. Бу ҳолат «Г.» тушунчасининг ҳаётимизга қириб келишига сабаб бўлди. Г. концепцияси нисбатан яқинда пайдо бўлган ва у Фарб феминизми ғояларидан келиб

чикқан. Г. назариясининг батафсилроқ тавсияфи Хардин ва Джон Скотт каби олимлар асарларида илмий ифодаланган. Уларнинг назариясига кўра, жинс ва ҳокимият эркак ва аёлларга тенг имкониятлар яратиб бериш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини тенг рўйга чиқариш орқали амалга оширилади, андроцентрик жамият танқид қилинади ва шу тариха гендер фан сифатида шаклланади.

«Г.» илмий соҳада жинсларо муносабатларни ифодалайди. Жинс биологиянинг асосий тушунчалари жумласига кириб, инсонга хос анатомик ва физиологик тафовутларни ўз ичига олади. Мана шу маънода, одамлар эркак ва аёл жинсига олд бўлиб, бунда одамлар ўз-ўзини биологик қайта етиштиришда турли вазифаларни бажаради. Бу ҳодиса жамиятда эркак ва аёлнинг эгаллайдиган мавқеига, унинг юқори ва қуйидан жой олишига, ҳукмрон ва итоаткор бўлишига таъсир қилади. Яъни аёллар фарзанд туғиб, тарбиялаш билан кўпроқ банд бўлганликлари учун эркаклар билан жамият тараққиётида тенг иштирок этмайдилар, бу уларни эркакларга тобе бўлишига олиб келган. Асрлар давомида бу тобелик турли анъана, урф-одат ва дин томонидан мустаҳкамланган ва аҳолининг қонқонига сингдирилган. Шу маънода, «Г.» тушунчаси соф жинс тушунчасига нисбатан ижтимоий ва маданий тузилмага тааллуқлидир. Жинс билан Г. ўртасидаги тафовут аёлларнинг бўйсунушдан иборат мавқеа организмнинг ички сифати эмас, балки жамият тараққиёти давомида турли одатлар тарзида орттирилган ижтимоий ҳодисадир. Бу ҳодиса тараққиётнинг юқори даражага кўтарилиши, кишиларнинг маънавий юксалиши билан йўқ бўлиб кетади. Шунинг учун Г. аҳолининг жинслар гуруҳида роллар тақсимотини акс эттирувчи, ижтимоий муносабатлар тизимида эса аёллар билан эркакларнинг ўзаро муносабатларини, бу муносабатлар жамиятда қандай ифодаланади, мана шу жамиятнинг аёл ва эркакларга муносабати қандай эканлигини акс эттиради. Г. назарияси: эркаклар ва аёллар, яъни турли жинсга мансуб бўлганликлари учунгина ўзаро фарқланади, шу фарқ ўзгармасдир деб эътироф этади. Г. назариясининг вужудга келиши аёллар муаммосига бир томонлама ёндашувга чек қўяди. Инсон ҳуқуқи – аёл ҳуқуқи, инсон муаммоси – аёл муаммоси эканлигини эътироф этади. Г. нафақат аёлларнинг жинсий мансублигини, балки синфий, этник, оиладаги меҳнат тақсимотининг ўзига хослиги каби жиҳатларни ҳам ҳисобга олади. Феминизм ғоясидан келиб чиққан Г. концепцияси феминистик нуқтан назарнинг тор доирасини бартараф этиб, муаммолар марказига аёлларни эмас, жинслар орасидаги ўзаро муносабатни ҳам қўяди.

Г. муаммоси, аввало ижтимоий муаммо эканлиги, яъни фақат аёлнинг эмас, балки эркакларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам муаммоси эканлигини таъкидлашга тўғри келмоқда. Улар биологик жинслар ва аҳолини қўлайтириш борасидаги вазифалар тақсимотининггина англатмайди. Г. муносабатлари бутун маданият, жамият қурилиши, давлат институтлари, қарор қабул қилиш жараёнлари ва фикрлаш услубларини қамраб олади. Улар тилга, урф-одатларга, уй, хатто ишлаб чиқаришга ҳам кучли таъсир кўрсатади. Шу тарзда, Г. ёндашуви яхлитлиги уни «феминистик» ва «хотин-қизлар» масалаларидан ажратувчи асосий жиҳатлардан биридир. Кўп жиҳатдан Г. муносабатларини уйғунлаштириш жараёни умумдемократик жараённинг бир қисми сифатида тушунилади. Аммо демократлаштириш ўз-ўзидан, бевосита Г. муаммоларини ҳал этади, деб ҳисоблаш нотўғри. Аксинча, Г. ҳаракатининг мақсад ва вазифалари ҳақидаги нотўғри тасаввурнинг намёнён бўлишига ёки ундан бош тортиш ҳамда турғунлик давридаги қарама-қаршилиқ оқибатилар юзага келган лоқайдликнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Г. муаммоларининг ниҳоятда мураккаблиги, уни ҳал қилишга мажмуавий ёндашувни, қўзланган мақсадга узоқ ва босқичма-босқич интилишни, унга ташаббускор ва фаолларнинг тор доирасигина эмас, балки аҳолининг кенг қатламларини жалб этишни тақозо этади. Зеро, бу нафақат аёлларнинг, балки бутун жамиятнинг вазифасидир. «Г.» муаммосини ҳал этишда, унинг ўзгарувчанлиги, умумбашарий, ҳудудий, миллий хусусиятларга эга эканлигини эътироф этиб, бу масалани жойларда ўзига хослигини ҳисобга олиб, иш юритишга имконият яратади. Жамият тараққиёти кишиларнинг маданий ривожланиши даражасига боғлиқ бўлиб, ижтимоий турмушни демократиялаш билан

бирга давом этаётган ҳозирги ривожланиш жараёнида Г. эркаклар билан аёллар, ўғил болалар билан қиз болалар, йигитлар билан қизлар ўртасидаги муносабатларни инсонпарварлаштиришга хизмат қилади. Жинслар ўртасида янги муносабатларни вужудга келтиради. Жаҳон миқёсида хотин-қизларга қарши ҳар қандай адолатсизликни, зўравонликни қоралайди ва имкон бўлган барча усуллар билан бу салбий ҳолатларни йўқ қилиш сиёсатини амалга оширади. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ҳужжат ва конвенцияларни тарғиб этади. Аёлларнинг тенглиги ҳақида фикр юритганда нафақат давлат имтиёзларини ҳисобга олиш, балки ҳар бир эркакнинг аёллар ҳақидаги фикри, уларнинг меҳнатини енгиллаштириш учун оилادا яратган шароитини ҳам ҳисобга олади.

**ГЕНЕЗИС** – (юнон. «genesis» – келиб чиқмоқ, шаклланиш) – вужудга келиш, ривожланиш. Масалан, биогенезис (ҳаётнинг келиб чиқиши ёки ривожланиши)ни олиш мумкин. Ижтимоий ва табиий ҳодисалар Г. фалсафа ва фанни қадимдан қизиқтириб келган. Табиий ва ижтимоий объектлар Г. илмий асослари махсус фанлар ўртасидаги умумий ҳамда фалсафий тарифловчи эволюцион назарияларда акс этган. Замоनावий фан – фалсафада табиий ҳамда ижтимоий объектларга ўз-ўзидан ташкил бўлувчи, ўз-ўзини тартибга солувчи, ўз-ўзидан ривожланувчи кўп поғонали, мураккаб тизим сифатида қараш системогенез концепциясини келтириб чиқарди. П.Анохин ушбу жараённинг куйидаги қонуний йўналишларини белгилайди: вужудга келган тизимни энг кам таъминлашни, унинг бўлақларини генерохронлиги: тизимга хос, ижобий бўлган натижа учун уларни бирлаштириш; тарихийлик тамойили нисбийлигининг функционал тизимини бир дастурдан иккинчисига ўтказишни тушунтириш ва бошқ. Ҳозирги замон фанида табиий ва ижтимоий борлик генезисини тушунтириш, объектларни умумбашарий эволюционизм, таркибий-синхрон ва генетик диахрон ўрганиш тамойиллари орқали амалга ошади.

**ГЕНОЦИД** – муайян миллий, этник, иркий ёки диний гуруҳни шундайлигича тўла ёки қисман йўқотишни мўлжаллаб содир этиладиган куйидаги ҳаракатлар тушунилади: шундай гуруҳ аъзоларини ўлдириш; шундай гуруҳ аъзоларига жиддий жисмоний ёки ақлий шикаст етказиш; муайян гуруҳни атайлаб тўла ёки қисман йўқ қилишга мўлжалланган ҳаётий шарт-шароитлар яратиш; шундай гуруҳ муҳитида бола тўғилишининг олдини олишга мўлжалланган чора-тадбирларни қўллаш; болаларни инсонларнинг бир гуруҳидан бошқасига зўрлаб ўтказиш.

**ГИЁҲВАНДЛИК** – гиёҳвандлик воситаларига руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик.

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ** – кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШИ** – гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек, таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш.

**ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ** – ишлаб чиқаришдан ташқари ҳар қандай бошқа усуллар билан тайёрланган наркотик моддалар, жумладан, наркотик моддаларни бошқа турдаги наркотик моддаларга айлантириш жараёни.

**ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИК ТЎҒРИСИДА ОҒОҲЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ** – 1997 йил 1 ноябрда ташкил этилган. Уни ташкил этишдан мақсад – гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш, жиноятдан жамоатчиликни оғоҳ этиш ва халқаро терроризм муаммоларини ҳар томонлама, атрофлича ечишда БМТ имкониятларини мувофиқлаштиришдир. Жиноят тўғрисида

халқаро огоҳлантириш бўйича марказ жиноят ҳақида огоҳлантириш ва жиноятни одил судга топшириш соҳасидаги асосий тузилма сифатида хизмат кўрсатади ва мамлакатлараро уюшган жиноятчиликка, одамлар ўртасидаги контрабанда савдосига, молиявий жиноятлар ва терроризмга қарши курашга асосий диққат-эътиборни қаратади. Бош қароргоҳи Вена (Австрия)да жойлашган.

**ГИЁҲВАНДЛИК ВА НАРКОБИЗНЕСГА ҚАРШИ КУРАШ** – жаҳондаги мустақил давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг байналмилал бурчларидан бири. Г.Н.К.К. инсоният сихат-саломатлигига, бунёдкорлик меҳнатига жиддий хавф туғдираётган омиллардан биридир. Маълумки, жамият тараккиёти доимо ижобийгина натижалар беравермайди. У жамият ва инсониятга хавф туғдирадиган омилларни ҳам юзага келтиради. Булардан ХХ асрда пайдо бўлган ОИТС, термоядро киргини хавфи, экологик хавфларни санаб ўтишнинг ўзи kifoya. Шулар қаторидан гиёҳвандлик (Г.) ва у билан боғлиқ наркобизнес ҳам жой олган. Халқ таъбири билан айтганда, Г. – бангилик, кўкнорихўрликдир. Инсоният тарихида у барча халқларда мавжуд бўлган. Аммо ХХ асрнинг ўрталаригача халқаро савдо алоқалари, асосан, темир йўл ва сув транспортига суянган даврларда, Г. ва наркобизнес миллий чегаралар ичида маҳаллий воқеа бўлиб қолаверган. ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, улкан авиалайнерлар уча бошлагандан сўнг, ахвол кескин ўзгарди. Масалан, Жануби-шарқий Осиё ёки Г. моддаларни ўстириб етказувчи яна бир катта манба – Жанубий Америкадан Г. моддаларни бир кеча-кундуз ичида жаҳоннинг хоҳлаган бурчагига – Европага, АҚШ ва Канадага етказиш имконияти туғилди.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида наркобизнес, яъни Г. моддалари билан савдо қилиш, бизнеснинг энг қулай усулига, бойлик орттиришнинг энг осон йўлига айланди ва у, айни вақтда, жаҳон бўйлаб миллионлаб ёшларни жисмонан ва руҳан сафдан чиқара бошлади, уларни пул топиш мақсадида оғир жиноятларга бошламоқда. Шундай қилиб, ХХ асрнинг иккинчи ярмида инсоният соғ-саломатлиги ва келяжак авлодлар учун тўрт жиддий хавф туғилди. Уларга қарши кураш жаҳон бўйлаб барча давлатларнинг ва халқаро ташкилотларнинг бирга хатти-ҳаракатини талаб қилади. Булар: ОИТС, термоядро киргини хавфи, экология ва Г. БМТ, турли халқаро ташкилотлар ва уюшмалар, илгор мамлакатлар, барча инсонларвар кучлар бу тўрт хавфга қарши ўз имкониятларини бирлаштирмоқдалар. Бу масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон фаол инсонларвар давлат сифатида катнашмоқда.

Г. ва наркобизнес масаласида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллайди: жаҳонда Г. ўсимликлар ўсадиган асосий ҳудуд – Жануби-Шарқий Осиё билан уни истеъмол қилувчи асосий минтақа – Европа ўртасида халқаро даражадаги аэропорт Ўзбекистонда жойлашган. Ана шу, сабабли наркобизнесчилар Ўзбекистон орқали ўтадиган хаво йўлини Европага Жануби-Шарқий Осиёдан Г. моддалар элтиш учун энг қулай йўл, деб қарайдилар. Бу масалада Ўзбекистон наркобизнесчиларга қарши бақувват тўғон ва баланд тўсиқ юзага келтирмоқда. Ўзбекистонда Г. ва наркобизнесга қарши кураш чоралари мамлакат Жиноят кодексининг 270–274-моддаларида кўрсатилган бўлиб, айбдорларни шафқатсиз жазолашга қаратилган.

**ГЛОБАЛЛАШУВ** – иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар ва бошқа турли соҳаларда миллий давлат чегараларининг шаффофлашуви жараёни.

## Д

**ДАВЛАТ** – конун чиқарувчи, ижроия ва суд тизими идораларидан иборат олий ҳокимият бўлиб, жамият сиёсий тизимининг асосий бўғинидир. Муайян ҳудудий яхлитликдаги жамият сиёсий тизими асосини ташкил этувчи ижтимоий институт. Бу институтнинг ўзига хос белгиларига қуйидагилар қиради: 1) ҳудуд ва унинг чегаралари; 2) аҳоли (фуқаролар); 3) муайян вазифаларига эга ташкилот ва муассасалар (куролли кучлар, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизими ва х.к.); 4) ички ва ташқи суверенитет. Ижтимоий фикр ривожланиши тарихида давлат ҳақида қатор назариялар пайдо бўлган: а) либерал, демократик назариясига кўра, давлатнинг асосий вазифаси – жамиятдаги барча

ижтимоий гуруҳ ва фуқаролар манфаатларини кузатиш; б) анархия назариясига кўра, жамият фақат давлатсиз, давлат ҳокимиятсиз тўлақонли эркин яшайди ва ривожланади; в) синфий давлат назарияси марказида синф ғояси ётади. Бу назариянинг моҳиятига кўра, ҳар бир давлат фақат бир синф, битта ижтимоий гуруҳ манфаатларини кўзлайди, ҳолос. Демак, давлат бу синфнинг куралига айланади; г) тоталитар давлат назариясининг моҳияти шундан иборатки, жамиятнинг ҳар бир гуруҳ ва фуқаронинг манфаатлари фақат давлат манфаатларига бўйсундирилиши лозим. Демократия учун фуқаро бирламчи бўлса, тоталитаризм учун давлат бирламчидир. Д. ижтимоий ҳаётнинг мажбурий тартиб-қоидаларини белгилайди ва уларга жамият барча аъзоларини бўйсундириш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда унинг бажарилиши учун барча қонуний мажбурий чораларни қўллайди. Д. бошқа сиёсий институтлардан фарқи шундаки, у қонун чиқарувчи олий ҳуқуқга эга. Д. ўзининг сиёсий эҳтиёжларига давлат сиёсий муассасаларни бўйсундиради ва улар орқали ўз сиёсатини ўтказadi. Шунини таъкидлаш лозимки, Д. жамият ривожининг муҳим шароитидир. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда давлат – объектив реаллик. Д. жамият ривожига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мас., кучсиз Д. жамиятнинг ҳуқуқийлик ва адолатлилик йўлидан тараққий этишининг кафолати бўла олмайди. Замонавий демократик Д. сиёсий ҳокимиятни ташкил этувчи асосий тамойилни ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судларга бўлинишидир.

Д. халқаро ҳуқуқнинг суверен субъекти сифатида халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчиси бўлиб, ўз ҳудудида сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Д. халқаро доирада сиёсий ҳокимиятнинг расмий вақили сифатида барча ҳуқуқларга ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш юридик қобилиятига эга. Д. суверенитети ўз ҳудудида мазкур давлат ҳокимияти барқарорлиги ва халқаро муносабатлар доирасидаги мустақиллиги билан боғланади. Чунки, Д. айнан ўзи халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқади, уни бузганлик учун жавобгарликни белгилайди, халқаро ташкилотлар фаолиятини ва халқаро ҳуқуқий тартибни ўрнатади. Д. мазкур ҳуқуқ ва имкониятлари унинг ўзидан ташқари ҳеч ким томонидан чегараланмайди. Д. асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари, хусусан, БМТ Уставига асосан белгиланади. Барча давлатлар иктисодий, ижтимоий ва бошқа ҳарактердаги тафовутларга қарамай, бир хил асосий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эгадир. Шу билан бирга, давлатларнинг суверен тенглиги тамойили улар томонидан тузилган халқаро шартномаларга биноан эгалланган ёки зиммасига олган хусусий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳажми ҳамда мазмунидан фарқи бўлиши мумкинлигини инкор этмайди.

**ДАВЛАТ АППАРАТИ** – давлат вазибаларини амалга оширувчи давлат органлари тизими (давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия органлари, прокуратура, судлар, армия, хавфсизлик хизмати органлари ва бошқ.).

**ДАВЛАТ АРАЛАШУВИ** – кенг маънода давлатнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашувини англатади; тор маънода – давлатнинг иктисодий, хўжалик ишларига таъсирини ифода этади.

**ДАВЛАТ БАЙРОҒИ** – давлатнинг расмий рамзларидан бири. Дастакка бириктирилган, белгиланган ўлчам ва рангдаги, давлат герби тасвирланган мато. Д.Б. нисбатан ҳурматсизлик қилган юридик ёки жисмоний шахс белгиланган тартибда жазога тортилади.

**ДАВЛАТ БОШЛИҒИ** – давлатнинг ижроия ҳокимияти тимсоли ва ташқи дунё билан алоқаларни амалга оширувчи олий мансабдор шахс. Замонавий монархияларда (Великобритания, Дания, Испания, Япония ва ҳ.к.) монарх (кирол, император, амир) давлат бошлиғи ҳисобланади. Одатда унинг ҳокимияти қонунда белгиланган тартибда мерос тариқасида ҳукмдор оиланинг бошқа вақилига берилади. Италия, Мексика, Россия, Франция, ФРГ, АҚШ каби республикаларда бевосита аҳоли томонидан ёки кўп босқичли сайловларда сайланадиган президент, давлат бошлиғи ҳисобланади. Президентлик республикаларида у бир вақтнинг ўзида ҳукумат бошлиғи ҳисобланади.

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ** – давлат органларининг ижроия фаолияти, қонунларнинг амалиётга жорий этилиши, давлат манфаатларига хизмат қиладиган ижтимоий муносабатларини ташкил этишга йўналтирилган давлат фаолиятининг турларидан бири. У нафақат сиёсий бошқарув, ҳўжалик бошқарувини ҳам назарда тутлади. Давлат бошқаруви идоралари фаолиятининг мазмун-моҳияти давлатнинг асосий вазибалари билан белгиланади.

**ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ** – хўжалик алоқаларини давлат томонидан бевосита бошқариш шакли, товар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш, илмий-техника тараққиёти, тажриба-конструкторлик ва бошқа ишларга буюртма давлат ҳокимияти органлари томонидан берилади, давлат бюджетидан молиялаштирилади, умумдавлат эҳтиёлларини қондиришга қаратилади.

**ДАВЛАТ ГЕРБИ** – давлатнинг расмий рамзи бўлиб, муҳр, давлат органларининг бланклари, умумдавлат намунасидаги ҳужжатлар, пул белгиларига тасвири туширилади.

**ДАВЛАТ ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯСИ** – халқаро келишувга кўра, бирор давлатда ҳарбий саноат ва, қуролли қучларга эга бўлиш, мудофаа иншоотлари қуришнинг таъқиқланиши.

**ДАВЛАТ ДИНИ** – муайян черков давлат расмий ташкилоти сифатида тан олинганини ифода этадиган конституцион-ҳуқуқий институт. Бунда давлат: 1) черковни молиялаштиради; 2) руҳонийларни тайинлашда иштирок этади; 3) черковнинг ички ҳаётини бошқарадиган актларни тасдиқлайди; 4) черковнинг нодавлат вазибаларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканини тан олади.

**ДАВЛАТ ДУМАСИ ВА ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИ** – Россия Федерациясининг 4 йил муддатга сайланадиган икки палатали парламенти. Россиянинг дастлабки Д.Д. 1906 йилнинг январида ташкил топган эди. Замоनावий Д.Д. 1991 йил 8 декабрда Конституция қабул қилинганидан сўнг ташкил топган.

**ДАВЛАТ ҚОРҲОНАЛАРИ** – мулки давлат мулки ҳисобланиб, хўжалик юритиш ҳуқуқи ўз ихтиёрида бўлган қорҳоналар.

**ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ** – (юнон. «*muthos*» – тантанали қўшиқ) – мусиқий-поэтик асар, давлатнинг расмий рамзлари: давлат байроғи ва давлат герби билан бир хил мақомга эга. «ЎЗР Д.М. тўғрисида»ги ЎЗР қонуни 1992 йил 10 декабрда ЎЗР Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида қабул қилинди. ЎЗР Давлат мадҳияси ЎЗР Давлат суверенитетининг рамзидир. ЎЗР Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш ЎЗР ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

**ДАВЛАТ МАЖЛИСИ** – Венгрия Республикасининг бир палатали қонун чиқарувчи органи. 5 йил муддатга сайланадиган 386 депутатдан иборат. 1949 йилнинг 18 августида ташкил топган. Молдова Республикасининг 1991 йилда ташкил топган бир палатали қонун чиқарувчи органи ҳам Д.М. деб номланади.

**ДАВЛАТ МУЛКИ** – давлатга тегишли бўлган барча мол-мулк ёки давлат бойликлари (ер ости ва ер усти, табиий ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари, транспорт, энергия тизими ватх.к.), ЎЗРдаги маъмурий-ҳудудий бирликларнинг мулклари (коммунал мулклар) қиради.

**ДАВЛАТ МУДОФАА ҚУДРАТИ** – давлатнинг агрессиядан ҳимояланишга тайёргарлик даражаси. Д.М.Қ. давлатнинг моддий-маънавий имкониятлари, унинг агрессияни қайтариш, миллий мадҳияларни, айниқса, мустақиллиги, суверенитети, худудий яхлитлиги, давлат бирлигини ҳимоя қилиш учун сафарбар қилишга қодир бўлган давлат ресурслари билан белгиланади. Д.М.Қ. даражасининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар: қуролли қучлар ва мудофаа-саноат мажмуи ҳолати; бошқарув самарадорлиги (давлат ва ҳарбий бошқарув); мамлакат ҳудуди ва ҳарбий ҳаракатлар театрини тезкорлик билан ҳозирлаш; фуқаро мудофааси ахволи; жамиятнинг ахлоқий-руҳий ҳолати; тайёрланган захираларнинг мавжудлиги ва ҳ.к. Д.М.Қ. талаб даражасида қўллаб-қувватлаш шу мақсадда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий, ҳуқуқий, бошқа чора-тадбирларнинг тўлиқ тизимини амалга оширилишини ташкил этувчи энг муҳим вазибалардан биридир. Халқаро ҳуқуқ, шунингдек, давлатнинг ички меъёрий ҳужжатлари: конституция, амалдаги



конунчилик, ҳарбий доктрина ва бошқалар кўрсатилган чора-тадбирларни тинчлик пайтида амалга ошириш ва давлатни уруш вақтида химоя қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

**ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ** – ЎзР давлат мукофотлари: 1993 йил 7 майда ЎзР Олий Кенгаши томонидан биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. 1994 йил 5 майда куйидаги Д.М.лари таъсис этилди: «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони; «Олтин юлдуз» медали; «Мустақиллик» ордени; «Дўстлик» ордени; «Жасорат» медали; «Шуҳрат» медали. 1995 йил 30 августда «Мехнат шуҳрати» ордени; Биринчи ва иккинчи даражали «Шон-шараф» ордени; 1996 йил 26 апрелда «Амир Темур» ордени; «Буюк хизматлари учун» ордени таъсис этилди. 1998 йил 28 августда «Эл-юрт ҳурмати» ордени таъсис этилди.

**ДАВЛАТ ОРГАНИ** – давлат механизмнинг давлат номидан бажарилишига қаратилган вазифалари, муайян тарзда ташкил қилинган, унга хос ташкилий-ҳуқуқий донрада белгиланган давлат-ҳокимият ваколатларини рўёбга чиқариш. Д.О. куйидагича: субъекти, шаклланиш усули, фаолият юритиш ҳудуди, компетентлик характери, ваколатини амалга ошириш усули, қарорлар қабул қилиши ҳамда масъуллиги, фаолияти йўналишига кўра таснифланади.

**ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ** – ўзига хос муҳим белгилари бўлган давлат нишонлари – давлат герби, давлат байроғи, давлат мадҳиясидан иборат.

**ДАВЛАТ РЕЗЕРВЛАРИ** – моддий бойлиқлар захираси (ҳом ашё ва озик-овқат турлари). Д.Р. фавқулодда вазиятлар оқибатини баргараф этиш учун сафарбарлик эҳтиёжлари; вақтинчалик издан чиқкан кишлоқ хўжалиги. қорхоналар, муассасалар. ташкилотлар, давлат ашёвий субъектларини ёқилғи-энергетик манбалар ва озик-овқатнинг муҳим турлари билан таъминлашни барқарорлаштириш мақсадида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, инсонпарварлик ёрдами беришда фойдаланилади.

**ДАВЛАТГА ХИЁНАТ ҚИЛИШ** – жосуслик, давлат сирини сотиш ёки хорижий давлат, ташкилот ёки уларнинг вакилларига душманлик фаолиятини олиб боришда ЎзР миллий хавфсизлигига зиён етказишга ёрдам бериш. ЎзР фуқароси томонидан давлатга хиёнат қилиш давлат хавфсизлигига қарши жиноятдир.

**ДАВЛАТГА ҚАРШИ АҚЦИЯ** – давлатга, давлат тизими, ҳукумат, сиёсат ва конунлар қабул қилинишга, ҳуқуқий-меъёрий актларга қарши, айниқса, амалдаги давлат тизимини ўзгартириш, ағдариш ёки бошқа тузум билан алмаштириш мақсадида ҳокимиятга қарши фаолият, тинч ёки қуролли ҳаракат, чора-тадбирлар, митинг, намойиш ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлардан иборат.

**ДАВЛАТДАГИ БАРҚАРОР ВАЗИЯТ** – давлат суверенитети, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши ҳамда шахс эркинлиги, давлат ва нодавлат муассасаларнинг барқарор фаолиятини таъминлайдиган вазият.

**ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ** – муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этиш имкониятларидан, ички ва ташқи турли хил бузгунчи кучлар, молиявий иқтисодий таъинлар вақтида жамиятни зарур ҳамда етарли моддий ресурслар билан таъминлаш, шунингдек, уруш вақтида мамлакат иқтисодиётини, қуролли кучлар ва аҳолини барча зарурий воситалар билан таъминлашдан иборатдир.

**ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИЧГА ВАКОЛАТЛИ ИДОРА** – тасарруфчилик акцияларнинг давлат улуши бўлган давлат қорхоналарини қайта тузиш натижасида ташкил топган акциядорлик жамиятининг муассиси, таъсис этувчиси. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича давлат ваколатли идоралари – қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш, ривожлантириш, тартибга солиш ва унинг иштирокчилари фаолиятини рағбатлантиришга масъул идоралар тузилади.

**ДАВЛАТНИНГ САФАРБАРЛИК ИМКОНИЯТИ** – давлатнинг барча моддий-маънавий имкониятлари, ўзгарувчан вазиятлар юзага келган шароитда мақсадга эришиш учун миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида улардан чекланган муддатда оқилона фойдаланишдир. Унинг таркибий қисмлари хўжаликнинг барча тармоқларидаги ишлаб

чиқариш кудрати, инсон ресурслари, стратегик хом ашё ва материал захиралари, энергетика ва молиявий ресурслардан иборат. Бу ўринда инсон ресурслари алоҳида аҳамиятга эга. Куролли Кучлар сонини тўлдириш, уларнинг жагговар қобилияти, ишлаб чиқаришнинг мудофаа тармоғини ишчи кучи билан таъминлаш аҳолининг сони ва сифатига (уларнинг умумий маълумотга эгаллиги, профессионал, маънавий-сиёсий тайёргарлиги ва бошқалар) боғлиқдир. Д.С.И. асосини иқтисодий, асосан, оғир саноат ва машинасозлик, энергетика ва транспорт ташкил этади. Д.С.И. амалга ошириш мамлакат, фан-техника тараққиёти, ҳарбий жўғрофий омилларга боғлиқдир.

**ДАВЛАТ СИЁСАТИ** – (юнон. *давлатни бошқариш санъати*) – давлат ҳокимиятини амалга ошириш асосий тамойиллари, меъёрлари ва фаолият йўналишлари. Д.С.И. чки ва ташки сиёсатга ажратилади.

**ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ** – қаранг: «Суверенитет»

**ДАВЛАТ СИРИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИ** – муайян давлат сирини химоя қилишда қўлланадиган восита ва усуллар, давлат барча сирларининг муҳоғазаси қилиниши.

**ДАВЛАТ СИРИ** – сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ҳарбий ва бошқа характердаги давлат сирини ҳисобланган маълумотлар. Муҳимлик даражасига кўра, «алоҳида махфий», «ўта махфий» ва «сирли» каби турларга бўлинади. ЎЗР Д.С. ҳисобланган маълумотлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, ЎЗР 1993 йил 7 майдаги «Давлат сирларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

**ДАВЛАТ ТАБИИЙ ҚЎРИҚҲОНАСИ** – алоҳида аҳамиятга эга бўлган табиий комплексларни сақлаш ва қайта тиклаш имкони бўлган ҳудуд (акватория) ёки унинг экологик балансини тутиб турувчи компонентлар. Д.Т.Қ. овчилик, балиқ хўжалиги, ландшафт, геологияга тегишли турлари мавжуд. Улар федерал ёки худудий аҳамиятга эга бўлиб, алоҳида қўриқланадиган табиий худудлар ҳисобланади.

**ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ** – давлат корхоналарини жамоа, ижара корхоналарига, акцияли жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк булмаган бошқа корхоналарга айлантириш. Мулкни Д.Т.Ч. (ёки хусусийлаштириш) давлат корхонаси асосида хусусий ва аралаш мулк шакллари вужудга келтиришда намоён бўлади. Мамлакатдаги мавжуд давлат мулк объектлари тўлиқ ёки қисман Д.Т.Ч. (ёки хусусийлаштирилиши) мумкин. Давлат уз тасарруфидан чиқарган хўжалик субъектлари фаолиятига аралашмайди ва мулкчилик шаклларида катъи назар, уларга хўжалик фаолияти олиб бориш учун тенг ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беради.

**ДАВЛАТ ТИЛИ** – тилнинг давлатдаги расмий мақоми. Ҳокимиятнинг давлат идораларида, ўзини-ўзи бошқариш оргарларида, давлат корхона, ташкилот ва муассасаларда иш юритиш ана шу тилда амалга оширилади.

**ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ** – Конституцияга хилоф равишда куч ишлатиб, мавжуд тизимни ағдариб ташлаш учун амалга оширилган тўнтариш ёки конституциявий (давлат) тизимни ўзгартириш ёхуд давлат ҳокимиятини эгаллаб олиниши. У, одатда, стратегик муҳим объектлар – телерадиостанциялар, ҳукумат бинолари, қўмондонлик пунктлари ва бошқаларни эгаллашдан бошланади. Агарда Д.Т. армиянинг ҳал этувчи иштироки билан амалга оширилса, у ҳолда бу ҳаракат ҳарбий тўнтариш деб ҳам айтилади. Жиддий қарам-қаршилик ҳолларида Д.Т. фуқаролар урушига айланиб кетиши ҳам мумкин.

**ДАВЛАТ ХАЗИНАСИ** – давлат бюджети ёки давлат мулкига дахлдор маблағлар.

**ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ БУЗИШ** – давлатнинг қуруқлик, сув ва ҳаводаги чегараларини шиёда, транспорт ёхуд учувчи воситалар ёрдамида бузиб ёки бошқа усуллар орқали кесиб ўтиш.

**ДАВЛАТ ЧЕГАРА ТАРТИБОТИ** – давлатнинг зарур белгиларидан бири. Ўтиш жойига кўра, чегаралар сув (денгиз, дарё, кўл), ҳаво, қуруқлик ва сув ости чегараларига бўлинади. ЎЗР ўтиш жойига кўра, Қозғистон, Қўғизистон, Тожикистон билан қуруқликда, Афғонистон билан сувда чегарадош.

**ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ** – давлат сарҳадларини белгилловчи, (куруклик, сув, ер сатҳи, ҳаво бўшлиғи) кўшни давлатлар ва очик денгиздан ажратиб турувчи вертикал текислик чизиги. Д.Ч. кўшни давлатлар ва халқаро актлар билан тарихий ривожланиш жараёнида шартнома, битимлар тузиш орқали мустаҳкамланади. Д.Ч. босқичма-босқич делимитация ва демаркация йўли билан амалга оширилади. Д.Ч.ни қўриқлаш чегара кўшинлари томонидан муҳофаза қилинади, қуролли кучлар, давлатнинг барча харбий ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

**ДАВЛАТЛАР ЮРИСДИКЦИЯСИ** – давлатнинг маъмурий ва ҳудудий органларининг ишларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши. Халқаро ҳуқуқда ҳудудий ва шахсий (миллий) юрисдикция турлари мавжуд. Ҳудудий юрисдикцияда давлатлар юрисдикцияси белгиланган ҳудуд чегарасида амалга оширилиши тушунилади. Давлатлар ўз ҳудудида тўлиқ юрисдикцияни амалга оширишга ҳақли, агар бунда халқаро шартнома ва келишувларда бошқа ҳолатлар белгиланган бўлса. Чекланган мақсадли юрисдикция давлатлар томонидан унинг зоналарида амалга оширилади, масалан, очик денгизда, Антрактида ва ҳ.к. Д.Ю. миллий қонуларда назарда тутилган ҳолларда агар бошқа ҳолатлар халқаро келишув ва шартномада белгиланмаган бўлса, шу давлатнинг чет элдаги фуқароларига ҳам қўлланилади, у ёки бу юрисдикцияни қўллаш хусусида рақобатли юрисдикциялар мавжуд ҳолатларда муайян давлатнинг юрисдикциясини қўллаш тўғрисидаги масала халқаро шартнома ёки халқаро ҳуқуқий одатларга кўра ҳал этилади.

**ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ** – конституцион меъёрий ҳуқуқлар билан белгиланган ва мустаҳкамланган ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими.

**ДАВЛАТ ҲУДУДИ** – қонуний равишда муайян давлат суверенитети остида бўлган ер қуррасининг бир қисми. Д.Х. таркибий қисмларига давлат чегараси доирасида жойлашган қуруклик (материк ёки орол), сув, ер ости ва ҳаво кенгликлари кириди. Давлатнинг қурукликдаги ерлари унинг чегараси доирасида давлатга тегишли бўлган ерлар (қурукликлар)дир. Давлатнинг сувли ҳудуди (акваторияси) давлат чегараси доирасида жойлашган дарёлар, қўллар, сув омборлари, каналлар, шунингдек ички денгиз сувлари (ички денгиз, қўлтиқлар, бўғозлар, бандаргоҳлар ҳамда ҳудудий сув, давлат чегараси қирғоқларини юзиб турган ёки унинг ички сувларидан бевосита ташқарида, улар ортида жойлашган кенгликдаги денгиз сувлари) ҳавзасидир. Давлат замини – давлат чегаралари доирасида унинг қуруклик ва сувдаги ҳудудлари юзасидан пастда жойлашган кенглиқдир. Ер ости кенглиги, техник жиҳатдан етиш мумкин бўлган чуқурликкача давлатга тегишли бўлади. Ҳаво кенглиги давлатнинг қуруклик ва сувдаги ҳудудлари устидаги, ҳаводаги кенглиқдир. Денгиз, ҳаво, космик кемалар мазкур давлат белгиси ёки байроғи остида сузган ёки учган чоғида ҳамда халқаро ҳудудлар доирасида бораётганда бу жойлар шартли равишда давлат ҳудудига тенглаштирилади. Шунингдек, давлатга тегишли бўлган ва халқаро ҳудуд доирасида жойлашган қувур ҳамдабошқа ҳар қандай иншоот, ускуналар ҳам шартли равишда давлат ҳудудига тегишли ҳисобланади. Давлатнинг ўз ҳудуди устидан тўла ва истисносиз давлат суверенитети давлатнинг ҳудудий ҳукмронлигини ташкил этади. Д.Х. ҳар қандай суверен давлат бўлмиш халқаро ҳуқуқ субъектининг энг муҳим элементларидан биридир (қаранг: «ҳудудий устуворлик»).

**ДАВЛАТНИНГ ҲАЁТҲИ МУҲИМ МАНФААТЛАРИ** – Ўзбекистон конституциявий тизими, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини саклаб қолиш ҳамда мустаҳкамлаш; ижтимоий жараёнларнинг бошқарилишини таъминлаш ва миллий муносабатларни уйғунлаштириш; барча қонулар сўзсиз ижро этиладиган ҳуқуқий, демократик давлатнинг мустаҳкам асосини яратиш; иқтисодий салоҳиятнинг ривожланиши, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш; тенг ҳуқуқли ва икки тарафлама фойда келтирувчи ҳамкорлик асосида халқаро алоқаларнинг самарали тизимини яхшилаш ҳамда ривожлантиришда мамлакат ҳар қандай ташқи агрессияни тўхтатиш ва қайтариш қобилиятини таъминлаш.

**ДАВЛАТ ҲУДУДИНИНГ ЯХЛИТЛИГИ ВА ДАҲЎСИЗЛИГИ** – ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ меъёрларининг асосий тамойили бўлиб, унга кўра, бир давлат бошқа

давлатга нисбатан қуролли ёки бошқа тажовузлиқлар қилиш, уни зўрлик билан бўлиб юбориш, босиб олишдан сақланиш мажбурийлиги.

**ДАЛОЛАТНОМАЛАР** – 1) архивларда сақланадиган ёзма ҳужжатлар, асл қўлёзмалар; 2) Фанлар академияси ва илмий ҳақиқатлар нашрларининг номи.

**ДАОСИЗМ** – Қадимги Хитойдаги фалсафий таълимот бўлиб, у Чжаньго даврида («Урушгаётган давлатлар», мил.авв. VI–V асрлар) вужудга келган. Д.нинг асосчиси Лао Цзи (мил.авв. 579–499 йиллар) ҳисобланади. Лао Цзининг асосий гоёлари «Дао-дэ-цзин» асарига баён қилинган. Унинг фикрича, барча нарсалар фақатгина «дао»га мос ҳолда вужудга келади ва ўзгаради, шунингдек, у кишиларни табиат билан уйғунликда табиий ҳаёт кечирришга қақиради. Ушбу категория қадимги Хитой астрономлари осмон жисмларини кузатишиб, юлдузлар ҳаракатида муайян траектория мавжудлигини аниқлаган пайтларда вужудга келган. Кейинчалик «дао» Қадимги Хитой мазҳаб фалсафасининг асосий категорияларидан бирига айланади. Яъни, тажрибадан ўзилиб қолган ва мушоҳадачиликка асосланган фикрлаш услуби ривож топиши билан ушбу тушунча, қадимги файласуфлар, жумладан, даосистлар томонидан ўзлаштириб олинади. Қадимги Хитой фалсафий фикрининг илк даврида «дао» категорияси «йўл», «усул» маъноларини оғлатган. Хитой фалсафасида дунё, олам, бир бутунлик сифатида тушунилганлиги боис оламдаги барча нарсаларга катта ва кичик, ҳаёт ва ўлим «қону»ларни ондлагли, яъни «дао» – «қонунят»нинг амал қилиш гоёси вужудга келади. Шундай қилиб, ушбу категория, хитой фалсафасида «қонун» маъносини англата бошлайди. Шунингдек, «дао» инсоний ҳаёт йўли мазмунини ҳам акс эттириб, ахлоқий тусдаги тушунчага айлана бошлайди.

Д. жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, ҳукмронлик ва хор-зорликка қарши чиқади ҳамда ибтидоий жамоа ҳаётига қайтишга даъват қилади. Чжуан Цзи, Ян Чжу, Ин Венлар Д. йирик вакиллари Ин Вэннинг фикрича, ҳаётнинг табиий қонуларга (дао) риоя қилиши кишининг ҳақиқатни англаши ва донишманд бўлиши учун зарурдир. Ян Чжудан кейин Қадимги Хитой Д. ривожланиши тарихида янги давр бошланди. Илгари тор доирадаги кишиларга тааллуқли бўлган Д. таълимоти кенг тарқалаётган мафкуравий тизимга айланади. Чжуан Цзи ҳам Лао Цзи каби барча бахтсизлик ва ёмонликлар нодонликдан, ҳаёт табиий йўналишининг бузилишидан деб ҳисоблайди. Чжуан Цзи ҳаёт доимийликдан холи бўлгани учун ҳам пуч ҳаёлий тусдадир, ҳақиқий борлик ўзгармас «дао»дадир, деган фикрни айтади. Ушбу файласуфнинг қарашлари милод бошларидagi даосистлар диний таълимотларининг вужудга келишининг манбаларидан бири бўлди. Фалсафий Д. диний Д. фарқ қилади.

**ДАСТУР** – (юнон. *эълон қилиш, фармойиш бериш*) – 1) Фаолият ва ишлар мазмуни ҳамда режаси; 2) Сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ва сиёсий арбобларнинг фаолияти мақсадининг баёни.

**ДАҲРИЙЛИК** – исломдани пайдо бўлмасдан илгари араб жамиятида кенг тарқалган ақида. «Ўлим», «тақдир», «ажалнинг етиши» маъноларини англатган. Бу ақидага кўра, инсоннинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилган, у эркин ирода ёки ихтиёр эгаси эмас, пешонасига «ёзилган» нарса, албатта, содир бўлади ва ундан қутулишнинг иложи йўқ. Ўрта асрларда бир қанча олим, мутафаккир ва шоирлар Д. айбланиб, шафқатсиз жазоланган. Ҳозир ҳам мусулмон дунёсида Д. қораланади. Д. ва атеизм бир маънони аниқ тасма-да, лекин шўролар даврида уларни синоним сўз сифатида ишла-тишган.

**ДЕБАТЛАР** – умумий жамоат йиғилишлари, айниқса, қонунчилик палатасида баҳс-мунозара, масаланинг муҳокама этилиши. Парламентлардаги дебатлар тартиби алоҳида регламент билан белгиланади.

**ДЕВАЛЬВАЦИЯ** – миллий пул бирлиги курсининг чет эл валюталарига (эркин алмаштириладиган валюталар, халқаро ҳисоб бирликлари) нисбатан пасайтирилиши. Д. давлат томонидан расмий равишда эълон қилинади ва қонунчилик асосида амалга оширилади. Д. мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта резервининг холдан тойиши, халқаро валюта бозорларида миллий валюта курсининг пасайиши

билан боғлиқ ҳолда юз беради. Унинг очиқ Д. (ҳукумат томонидан қонун йўли билан расман эътироф қилинади, эски қоғоз пулнинг бир қисми муомаладан чиқарилади ёки кадрсизланган пул амалштирилади) ва яширин Д. (қоғоз пулнинг кадрсизланиши, олтин таъминотининг қамайиши юз беради, лекин пулнинг бир қисми муомаладан олинмайди) кўринишлари бор.

**ДЕГУМАНИЗАЦИЯ** – жамиятдаги маънавий ва азалий кадр-қиммат, инсоний ғоя ва хусусиятларнинг йўқолиши. Адолат, эътибор ва шахсга нисбатан ҳурмат каби инсоний фазилатларга асосланган дунёқарашнинг таназзулга юз тутиши.

**ДЕГРАДАЦИЯ** – аста-секин инкирозга, таназзулга юз тутиш.

**ДЕЗЕРТИРЛИК** – ҳарбий хизматга қарши жиноят бўлиб, уни ўташдан бўйин товлаш, ҳарбий қисми ўз хоҳишича ташлаб кетиш, шунингдек, хизматга бормаслик ҳам Д. ҳисобланади.

**ДЕЗИНФОРМАЦИЯ** – душман ёки рақиб томонга зарар етказиш, чалқаштириш, чалғитиш; маълум субъектларнинг ўз мақсадига эришиш йўлида тарқатган ёлгон маълумот ва ахборотлар.

**ДЕКЛАРАЦИЯ** – бир ёки бир неча ҳукуматлар, сиёсий партиялар, халқаро ёки жамоат ташкилотларининг дастурий ҳужжати, муҳим халқаро воқеа, қонун ва ҳ.к. умум-эътиборига етказувчи баёноти; умумсиёсий принципларни тантанали равишда эълон этиш; солиқ тўловининг даромадлар хусусияти ва миқдори тўғрисида баён қилиш; почта билан мамлакат ташқарисига юбориладиган пул ва қимматбаҳо пакетларга илова қилинадиган ҳужжат; чегарадан ўтувчи шахс ўзида буюмлар, қимматбаҳо нарсалар ва ҳ.к. борлиги ва улар миқдори тўғрисида боққонга топишидан маълумот.

**ДЕМАРКАЦИЯ** – (франц. «*demarcation*») – чегара белгилари ёрдами билан чегара чизигининг муайян жойлардан ўтиш йўналишининг белгиланиши. Д. чегарадош давлатлар вакилларидан иборат аралаш комиссия томонидан амалга оширилади. Ҳаво ва ер ости чегараларини жойга нисбатан белгилаш имконияти йўқ.

**ДЕМАРШ** – бирор давлат ташқи ишлар органининг бошқа бир давлатга турли дипломатик актларда (ариза, нота жўнатиш, меморандум, дипломатик вакилни чақириб олиш ва ҳ.к.) ақс эттирилган фавқулоддаги чиқиши. Д. келиб чиққан халқаро зиддиятнинг ечими меъёрий дипломатик фаолият воситалари орқали топилмагандагина қўлланилади.

**ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ** – 1) қуролисизланиш; 2) ҳарбий саноат, қуроли кучлар, ҳарбий иншоотларнинг тўлиқ ёки қисман йўқ қилиниши, шунингдек, ҳарбий мақсадда бирор ҳудудлардан фойдаланишни тақиқлаш. Д. биринчи жаҳон урушидан кейин ғолиб Антанта давлатлари томонидан Германияга нисбатан қисман қўлланилган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Германия ва Японияга нисбатан ҳам жорий этилган.

**ДЕМОБИЛИЗАЦИЯ** – ҳарбий зиддият юзага келиши мумкин вазиятнинг барта-раф этилиши ёки тинчлик шароитининг вужудга келиши билан қуроли кучлар ва ҳужжаликнинг барча тармоқларини ҳарбий ҳолатдан тинч ҳолатга кўчириш.

**ДЕМОГРАФИЯ** – (грек. «*demos*» – халқ, «*grapho*» – ёзаман) – аҳоли ҳақидаги фан. Д. аҳоли, унинг ўзгаришини сон ва сифат тавсифларига мувофиқ яхлит ҳолда айрим гуруҳларни ўрганади. У аҳоли сонини жўғрофий жиҳатдан бўлинишни ҳамда аҳолини синфларга, ижтимоий гуруҳларга мансублигига, машғулотига, жинси, ёши, миллати, тили, оилавий аҳоли, маданий даражасига ва ҳ.к. қараб тадқиқ қилади. Бунда аҳолини тақрор ҳосил қилиш жараёнлари: туғилиш, ўлиш, оила қуриш, умр кўриш ҳамда аҳолининг миграция жараёнлари, бунинг оқибатида юзага келувчи омилларнинг таъсир қилиши асосий ўринни эгаллайди.

**ДЕМОГРАФИК СИЁСАТ** – аҳоли сиёсатининг узвий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолининг миқдорий ўсишини бошқаришдан иборат. Д.С. ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг илмий асосини ташкил этмоғи лозим. Шундагина жамият ҳар томонлама мунтазам ривожланиб боради.

**ДЕМОГРАФИК ПОРТЛАШ** – аҳоли ўсиши суръатларининг кескин ошиши.

**ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БЮРО** – сайловларда кузатувчилик вазифасини бажаради ва миллий сайлов органлари-нинг вужудга келишида кўмаклашади; инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ривожланишига кўмаклашади ва техник ёрдам кўрсатади; турли мамлакатларда нодавлат ташкилотларнинг ташкил этилиши ва фуқаролик жамияти шаклланишига ёрдам беради; Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсон ҳуқуқларининг аҳоли, сайловлар кузатувчилари ва журналистларни тайёрлайди; Донмий кенгашнинг илтимосига кўра ташкилот семинарларини ўтказишда техник ёрдам кўрсатади ва ташкилотнинг махсус лойиҳалари амалга оширишда кўмаклашади. ЕХХТ амалдаги раиси ижроия фаолиятнинг амалга оширилиши учун жавобгар. Мазкур лавозим ротация асосида бир давлатдан бошқасига бериб борилади: Парламент Ассамблеяси котибияти Копенгагенда жойлашган. Ташкилот томонидан Женевада арбитраж ва ярашиш суди таъсис этилган. Арбитраж ва ярашиш конвенциясини имзолаган давлатлар Арбитраж трибунали ёки Ярашиш комиссияси доирасидаги низоларни судда кўриб чиқиши учун тақдим этишлари мумкин. Мазкур бюро Варшавада жойлашган.

**ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАР** – (лот. «*principium*» – асос, биринчи асос) – ҳуқуқий демократик жамият асосини белгилайдиган демократик қонун-қоидалар мажмуи. Бугунги кунда уларсиз демократияни тасъвур ҳам қилиб бўлмайди. Барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги ва халқнинг ҳокимият манбаи бўлиб хизмат қилиши демократик принциплар асосини, ўзагини ташкил этади. Ҳокимиятнинг моноплаштиришга йўл қўймайдиган тизимни ташкил этадиган давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши демократиянинг яна бир муҳим принциpidир. Қарорларнинг кўпчилик овоз билан қабул қилиниши, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсунлиши ҳам демократия тамойилларидан бири ҳисобланади.

Фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини (шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий) амалга ошириш – демократиянинг яна бир муҳим принциpi бўлиб, у фақат ҳуқуқий давлатдагина тўла намоён бўлади. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ҳамда юксак сиёсий маданиятини таъминлаш ҳам демократия принциплари руҳига мос келади. Демократия принциплари сиёсий курашнинг ривожланган шакл ва усулларидан қонун доирасида, ҳар хил тазйик ва зўравонликларга йўл қўймаган ҳолда фойдаланиш, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идораларининг жамиятнинг демократик ривожлантириш манфаатлари йўлидаги ваколатларини кучайтиришни назарда тутати. Демократик принципларнинг тўлиқ рўйхати катта. Бундай даражага етиш демократик тараққиёт йўлини танлаган давлатларнинг идеали ҳисобланади. Бундай давлатлар сафига мустақиллик йилларида демократиянинг асосий принципларини изчилик билан ҳаётга татбиқ этиб келаётган ЎЗР ҳам қиради.

**ДЕМОКРАТИЯ** – (يونون. «*demos*» – халқ, «*kratos*» – ҳокимият) – «халқ ҳокимияти» маъносини англатади. Д. икки шаклда намоён бўлади: 1) вакиллик шакли; 2) бевосита шакли. Вакиллик шаклида фуқаролар қонунчилик, ижроия ва бошқа вазифаларни бажарувчи органларни сайлайдилар, фуқароларнинг ўзлари бу функцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайдилар. Д. бевосита кўриниши шундан иборатки, фуқаролар унинг ёрдами билан масалаларни ўзлари ҳал қиладилар. Д. бундай тўғридан-тўғри, бевосита шаклига референдумлар, давлат бошлиқларини сайлов, мамлакат тақдирини умумхалқ овоз бериш йўли билан белгилашга оид масалалар қиради. Д. асосида мурасасозлик ва консенсус сиёсати ётади. Чунки тарихий тараққиётнинг кўрсатишича, қарама-қаршиликларсиз ва зиддиятларсиз жамият бўлиши мумкин эмас. Д. асосий вазифаларидан бири – жамиятдаги қучларни келишиш ва мураса асосида бирлаштириб, уларни умумризо бўладиган қарорга, яъни консенсусга олиб келиш ва мамлакат тараққиёти учун хизмат қилишини таъминлашдан иборатдир. Д. сўзини турли маънода изоҳлаш мумкин: 1) Жамият тузумининг шундай шаклики, бу ҳолда унинг аъзолари жамиятнинг бошқаришда, қарорлар қабул қилишда тенглик асосида қатнашадилар; 2) Давлат ҳокимиятининг қуйидаги тамойилларга асосланган шаклидир: а) юқори давлат ташки-

лотлари ва лавозимларга шахсларнинг сайланиши ҳамда уларнинг алмашиши; б) мансабдор шахсларнинг сайловчилар олдидаги ҳисоботи ва уларнинг назорат остида бўлиши; в) давлат ташкилотларининг тузилиши ва уларнинг халқ олдидаги масъулияти; г) камчиликнинг кўпчилигига бўйсунishi; д) барча фуқароларнинг тенглиги, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш; 3) Давлат ҳокимиятчилиги услуби – давлат (сиёсий) тартиби демок, тартиб барча фуқаролар ва инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинлигига кафолат бериши, барча ҳокимият тизимининг бўлинишини, барчанинг қонун қаршисида тенглигини, сиёсий партиялар фаолиятига тенг кафолат бериш, мафқуранинг давлат томонидан бошқарилмаслигини назарда тутати. Демократиянинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши: иқтисодда – мулкчиликнинг хилма-хил бўлиши, сиёсий соҳада – сиёсий партияларнинг турли-туманлигини тақозо этади.

**ДЕНОНСАЦИЯ** – шартномадан воз кечиш.

**ДЕПУТАТ** – давлат вакиллик органининг сайлаб қўйилган аъзоси; жамоа (гурух) томонидан бирон-бир топширикни бажариш учун вакил қилинган шахс.

**ДЕПУТАТ ПАЛАТАСИ** – Ливан Республикасининг 4 йил муддатга сайланадиган қонун чиқарувчи органи.

**ДЕСПОТ (ЗОЛИМ, МУСТАБИД)** – Д. яқка шахс ҳукмронлига асосланган сиёсий тузум шакли. Мустабид ҳокимияти, одатда, зўравонлик, бўйсунтириш, баъзан эса, қонуний ҳокимиятини ағдариб ташлаш натижасида ўрнатилади.

**ДЕФАКТО ТАН ОЛИШ** – мавжуд давлат ва ҳукуматлар томонидан бирор мамлакатда пайдо бўлган давлат ёки ҳукуматни тан олишнинг анъанавий шакли. Бунинг сабабларини кўрсатиш шарт эмас. Одатда, тан олаётган давлат янги ҳукумат ёки давлатнинг узоқ яшаши мумкинлигига ишончсизлик билан қараганда қўлланилади ёхуд маълум вақт ўтгунча янги халқро ҳуқуқ субъектини ёки унинг ҳукуматини расман ва тўлиқ тан олиш нияти йўқлигини ифода қилади. Д.Ф.Т.О. дипломатик алоқалар ўрнатиш шарт эмас, айрим ҳолларда консуллик муносабатлари ўрнатиш мумкин. Бу тан олаётган давлат мазкур ҳукуматнинг мавжудлиги билан ҳисоблашади ва у билан бирор масала бўйича ҳамкорлик қилиши мумкинлигини аниқлатади. Д.Ф.Т.О. давлат билан ҳамкорлик турли соҳаларда бўлиши мумкин, чунки халқро муносабатларда суверен давлат сифатида катнашади. Д.Ф.Т.О. де-юре тан олишдан фарқ қилмайди.

**ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ** – юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик объекти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. шу жумладан, ўз тасаруфидаги торморка ерларидан фойдаланилади. Д.Х. ихтиёрийлик асосида вужудга келади ва ерга доимий эгаллик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳақидаги давлат далолатномасини олган қунидан бошлаб ташкил топган ҳисобланади.

**ДИАСПОРА** – ўз ватанидан ташқарида яшовчи этник гурuhlар.

**ДИВИДЕНД** – солиқлар, мажбуриятлар бўйича тўловлар ва акциядорлар орасида бўлиб олинадиган маблағлардан сўнг акциядорлик жамияти ихтиёрида қоладиган даромаднинг бир қисми. Д. акциядорлар орасида, уларга тегишли акцияларнинг тури ва миқдорига мос ҳолда тақсимланади. Д. жамиятнинг соф даромадидан ўтган йил учун тўланади. Айрим турдаги имтиёзли акциялар учун Д. жамиятнинг шу мақсадлар учун белгиланган махсус жамғармасидан тўланиши ҳам мумкин.

**ДИКТАТОР** – (лот. *мутлак ҳукмдор*) → 1) қадимги Римда сенат топширигига биноан, 6 ойга сайланадиган ва ҳарбий ва суд ҳокимиятини тасаруф этадиган мансабдор шахс. Мил авв. 82 йилда Сулла Д. мақомини қабул қилган. Ю.Цезарь эса умрбод Д. этиб сайланган; 2) фавқулодда вазиятга кўра, муайян давлатда чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган шахс.

**ДИН** – ҳудода эътиқод қўйиш, унга ишониш. Дин истилоҳининг келиб чиқиши ва мазкур тушунчанинг кўпгина жиҳатлари Саудия Арабистони аҳолисининг исломдан олдинги тилларида мавжуд бўлган бир неча маънолар («одат», «ишига қараб мукофот бериш», «ҳокимият – бўйсуниш») билан биргаликда, қўшни халқлар тилларидаги шунга оҳангдош, диний истилоҳларнинг маънодош таъсири билан боғлиқдир.

Маълумки, Яқин Шарқда ислом динининг вожиб бўлиши арафасида яҳудийлик, христианлик, зардуштийлик ақидаси кенг тарқалган эди. Қуръонда «дин истилоҳи» тушунчаси турли маъноларда 100 марта дан ортиқ зикр этилган. У «суд», «гуноҳга яраша жазолаш» (мас. йаум ад-дин – «қиёмат кунидаги суд», (Қуръон 1:4), айрим олинган кишининг «дини», «эътиқоди» (Қуръон 39:2), диний жамоа ҳаётининг асоси бўлган амалдаги урф-одатлар тизимидаги дин (Қуръон 6:61 162;3:73(66) маъноларини англатиши мумкин. Дин истилоҳи исломга нисбатан қўлланилгандек (Қуръон 3:19(17)), маъжусийликка ҳам (Қуръон 109:6), яҳудийликка ёки христианликка нисбатан ҳам (Қуръон 3:73(66) ишлатилади. Аммо дин истилоҳининг Қуръондаги асосий маъноси унинг гоёси учун энг муҳим бўлган Аллоҳга ва унинг чексиз ҳокимиятига бўйсуниш шартли-лиги билан ифодаланади. Қуръондаги «дин» тушунчасининг 1 сўз жиҳатлилиги ўрта асрлар мусулмон илоҳиётида бир неча шарҳларнинг туғилишига сабаб бўлди. Қуръон билан солиштирганда ушбу шарҳлар диний онгнинг бошқача савияси ва жамяят олдидаги янги муаммоларни акс эттирар эди. Дин истилоҳи одатда, уч таркибнинг мажмуаси сифатида қабул қилинар эди. Муаллифнинг қайси мактаб ва окимга мансублигига қараб, унинг маънолари ҳам ўзгариб кетарди.

Дин ҳақида Имом ал-Бухорий ҳадисларида берилган таъриф кенг тарқалган. Унга биноан, ал-дин эътиқоднинг мажмуаси бўлиб (ал-имон), диний кўрсатмаларни-бажариш (ал-ислом) ва эътиқоднинг самимийлигини такомиллаштиришдир (ал-ихсон). Масалан, «ал-дин» тушунчасини шарҳлашда ушбу уч маънони сақлаган ҳолда ханафийлар эътиқодининг аҳамиятини кўпроқ таъкидлардилар. Ашъарийлик муаллифлари эса кўпроқ диний кўрсатмаларни сақлашнинг муҳимлигини қайд этар, ханбалийлар (кейинчалик Ибн Таймия) Қуръон ва суннанинг аслий аънаналарига асосий эътиборни қаратишни талаб этар эдилар. Шу билан биргаликда, уларнинг баъзилари инсоннинг диндорлигини баҳолашда, унинг хатти-харакатидаги маълум ҳолатларни назарда тутиб, унинг ниятига аҳамият берар эдилар. Бу нарса ханбалийларни диннинг рухий жиҳатларига эътибор берувчи тасаввуф вакиллари билан яқинлаштирар эди. Тасаввуф ахли, «ад-дин» тушунчасида кетма-кет келувчи, уч босқични: аш-шаръъ (ал-имон), ат-тариқа (ал-ислом), ал-ҳақиқа (ал-ихлос)ни назарда тутар эдиларки, бунда аш-шаръъа – Қуръон ва суннада айтилганларга катъий риоя қилиш, ат-тариқа – ўзини руҳан такомиллаштириш ва ички назорат қилиш, ал-ҳақиқа – ҳудо ҳақида ҳақиқий билимга эришиш, ҳатто у билан қўшилиб кетиш маъноларини англатар эди. «Ад-дин» тушунчаси у билан мақоми жиҳатдан яқин бўлган бир қатор тушунчаларни аниқлаш ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш йўли орқали ҳам аниқланар эди. Ад-дин, «ал-милла» ва «ал-мазҳаб» тушунчаларини ўзаро қиёслаган Самарқандда яшаган олим Али ибн Муҳаммад ал-Журжоний (1339–1413 йй.) фикрича, ад-ин бўйсунилиши лозим бўлган қонундир, ал-милла кишиларни бирлаштирувчи қонундир, ал-мазҳаб риоя этилишига интиломқ зарур бўлган қонундир. Бу ерда ал-дин Аллоҳ билан, ал-милла – пайгамбар билан, ал-мазҳаб – мазҳаб асосчиси бўлган мужтаҳид билан қиёсланади. Кенг маънода ад-дин «маънавий соҳа» бўлиб, ад-дунё – «моддий соҳа» тушунчасига қарама-қарши қўйилади. Аммо бу нарса уларни бир-биридан ажралганлиги маъносини бермайди. Ушбу тушунчаларнинг бир-бирига алоқадорлиги ва қарама-қаршилиги даражаси, уларнинг ҳар бирини амал қилиш соҳаси, ҳозирда ҳам ижтимоий ва д:ний баҳсларнинг муҳим қисми ҳисобла:ади. Бугунги кунда динни тавсифлашда энг қадимги дин, миллий дин ва жаҳон динлари қабиларга алоҳида эътибор берилади.

**ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК** – эътиқод эркинлиги, диний эркинлик, давлатнинг дин ва эътиқод масалаларига аралашмаслиги.

**ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ САБАБАЛАР** – ЎзР Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида диний экстремизмини келтириб чиқарувчи қуйидаги сабабаларни кўрсатганлар: диндан фойдаланиб динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузлар ва мақсадларни амалга ошириш учун интилиш;



диндан турли сиёсий можаролар, зиддиятларни келтириб чиқаришга уриниш; инсон, миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эмас, балки диннинг яшашга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш; динни дунёқараш тафаккурини ягона воситаси деб ҳисоблаш.

**ДИПЛОМАТИК КОРПУС** – битта давлатда аккредитация қилинган элчилар ва бошқа Д.К. вакиллари. Халқаро муносабатлар амалиётига доимий элчиҳоналар ташкил этиш жорий қилиниши билан Д.К. вакилларини юртаётган фаолияти, имтиёзлари ва ижтимоий мавқеи нуқтан назаридан ахлит тоифа сифатида тасаввур этиш имкони туғилди; Д.К. ибораси эса 1754 йили Венада ҳукмдор саройида яшайдиган бир аёл томонидан тақлиф этилган экан. Д.К. тўғрисидаги Вена Конгресси Регламентида уларга таалуқли ҳеч қандай қарорлар келтирилмаган. Д.К. асосан унинг раҳбаридан иборат бўлиши керак бўлсада, унинг таркибига элчиҳоналарнинг барча ходимлари: маслаҳатчилар, котиблар ва ҳатто Д.К. вакилларининг оила аъзолари ҳам киритилади. Д.К. энг кекса (тайинланиш вақти нуқтан назаридан) ва «дуайен» деб аталадиган дипломатик агент раҳбарлик қилади. У барча тантанали маросимларда Д.К. вакили ҳисобланади. Шунингдек, дуайен барча дипломатик корпус вакилларини кизиктирадиган масалаларни илгари суради. Католик давлатларда бундай вазифа папанинг зиммасига юклатилади. Айрим ҳолларда Д.К. бошқа вакилни ҳам сайлаб олиши мумкин.

**ДИПЛОМАТИЯ** – (франц. «diplomatie») – давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларидан бири. Дипломатик ҳокимият давлат бошлиқлари, ташқи ишлар вазирлиги, дипломатлар томонидан ўз давлати ҳамда чет элдаги фуқаролар манфаатини кўзлаб ташқи сиёсий мақсадлар расмий шаклда амалга оширилишидир.

**ДИСКРЕДИТАЦИЯ** – (франц. «discrediter» – *ишончни йўқотиш*) – иқтисодий субъектининг обрў-эътиборига путур етказиш, унга нисбатан ишончни сусайтириш мақсадида онгли равишда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар.

**ДИСКРИМИНАЦИЯ** – давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларининг (бошқа давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларига нисбатан) чекланиши. Демократик давлатларнинг ички қонунларида ҳамда халқаро ҳуқуқда дискриминациянинг барча шакллари, жумладан, фуқаролар ҳуқуқларини миллати, ирки, жинси, дини сабабли амалда ёки юридик жиҳатдан камситишга йўл қўйиш тақиқланади.

**ДИССИДЕНТ** – давлат дини католицизм ёки протестантизм бўлган давлатларда ҳукмрон динга эътиқод қилмайдиган христианлар; 1950–1980 йилларнинг ўрталарида кўпчилик социалистик мамлакатларда мустабид тузумга қарши ҳаракат қатнашчиларининг номи. Д. маъмурлар томонидан қатагонга дучор этилди, кўплари жосуслик, давлатга хиёнат қилиш каби сохта айблар билан айбланиб жазога тортилди, мажбурлаб рухий касалликлар шифохоналарига ётқизилди, мамлакатдан сургун қилинди ёки мухожир бўлиб кетишга мажбур бўлди.

**ДИФФЕРЕНЦИЯЛАШУВ** – (табақалаш, фарқлаш, ихтисослашиш) – дастлаб бир хил элементлардан иборат бўлган тизимнинг сифат жиҳатидан фарқ қиладиган бир қанча қисмларга ажралиб кетиши. Д. муайян тизим функциясининг кенгайиши, интенсивлигининг кўтарилиши ва бу функцияларни унинг таркибий қисмлари ўртасида тақсимланиши билан боғлиқ ҳолда тизим ишининг самарасини оширади. Д. бир неча шаклда намоён бўлади.

**ДОКТРИНА** – назария, таълимот, тамойиллар ва қарашлар тизими; – сиёсий фаолиятнинг асосий мақсадини ифода этувчи атама.

**ДОСЪЕ** – битта иш, бир шахс ва битта папкага жойлаштирилган маъмурий ёки суд ишига оид ҳужжатлар мажмуи.

**ДОТАЦИЯ** – бирон-бир жамоат ёки хайрия ташкилотига берилган маблағ ёхуд фойда манбаи.

**ДУНЁ ЛИГАСИ** – қурол-яроғни қисқартириш, низоларни тинч йўл билан ҳал этишни тарғиб этадиган европа мамлақати жамиятлари. Бундай жамиятлар XIX асрнинг ўрталарида Кобдена, Беррита, Дюкпесье, Сутнер ва бошларнинг савий-ҳаракати билан вужудга келган. 1848 йилдан бошлаб, тинчлик гоёларини тарғиб этиш мақсадида бу

жамиятларнинг Тинчлик Конгресслари чақирила бошлаган (дастлабкичи Брюсселда бўлиб ўтган). 1889 йилдан эътиборан конгресслар билан бир вақтда кўплаб Европа мамлакатлари парламентлари вакиллари иштирокида парламентлар аро конференциялар чақирила бошлаган. Дунё Лигасининг марказий қароргоҳи – Бернда жойлашган. Деярли барча давлатларда бўлимлари ташкил этилган.

**ДУНЁ ОКЕАНИ** – ер шарининг барча материк ва қитъаларини ўраб турган сув қобиғи. Д.О. фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби БМТ Денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияси билан мустаҳкамланган. У давлатларнинг денгиз ҳудудидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг турли доирадаги фаолияти ва ҳуқуқларини бошқаришдаги мураккаб ягона тизимга эга бўлиб, бу ҳудудларни чегаралаш, давлатлараро низоларни ҳал қилади.

**ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ** – глобал ва халқаро даражада фаолият олиб борувчи давлат ҳамда миллатлар бирлашмаси. Д.Х. шахслар, суверен давлат, халқаро ташкилот ва ҳаракат, трансмиллий уюшмалар ҳам қиради. Уларнинг ўзаро муносабатлари учун барқарорлик ва беқарорлик, тенг ҳуқуқчилик ва ҳуқуқий тенгсизлик, самарадорлик ва самарасизлик, интеграция ва дезинтеграция, табиий ва режалаштирилган жараёнлар, ҳуқуқий бошқариш ва зўравонлик ўртасидаги мукамал нисбат характерлидир. Д.Х. манфаатларини ифодаловчи БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар (давлат ва нодавлат) халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратишда, хавфсизликнинг глобал ва ҳудудий тизимини тузишда ўз хиссаларини қўшади.

## Е

**ЕВРОПА ИТТИФОҚИ** – ҳудудий ҳуқуматлараро ташкилотнинг тузилиши 1951 йил Париж шартномаси (Белгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, шартномасини 1957, умумий божхона ҳудудига эга бўлган Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕЭС ёки Умумий бозор) ва Атом энергияси бўйича Европа жамиятини таъсис этганлар (Евратом). Кейинги йиллар – 1972 йилдан 1986 йилгача асосчи давлатларга Буюк Британия, Дания, Ирландия, Греция, Испания ва Португалия қўшилди. 1986 йил февралда мазкур 12 давлат Ягона Европа актига имзо қўйди. Унинг максади давлатлар интеграцияси жараёнини тезлатиш ва Европа Иқтисодий Ҳамжамиятини (ЕЭС) жаҳон бозорларида иқтисодий ўрнини кучайтириш эди. 1992 йил 7 февралда Маастрихтда (Нидерландия) ЕС аъзолари ички ишлар, судлов ҳуқуқи, хавфсизлик ва ташқи сиёсатдан иборат битимлар мажмуасини имзоладилар, шунингдек 2000 йилдан ягона валюта – экони муомаллага киритишни назарда тутадиган ягона пул сиёсати бўйича келишиб олдилар. Ҳозирги пайтда 15 давлат ЕИ аъзоларидир, 1995 йил 1 январдан унинг таркибига Австрия, Финландия ва Швеция кирганлиги ҳақидаги шартнома кучга кирди. ЕИ структура жиҳатидан қуйидаги асосий институтлардан ташкил топган. Бош қароргоҳи – Брюсселда жойлашган.

**ЕВРОПА КЕНГАШИ** – 1950 йилда Европа Кенгаши томонидан инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Европа Конвенцияси қабул қилинди. Совуқ урушнинг тугаши ва Совет Иттифоқининг парчаланиши билан Европа Кенгашига турли йилларда Болгария, Венгрия, Литва, Польша, Руминия, Словакия, Словения, Чехия, Эстония аъзо бўлди. Россия ЕКга 1996 йил 28 февралда қўшилди. Ҳозирги пайтда Е.К. ўз таркибида 41 давлатни бирлаштирган.

Ташкилотнинг асосий вазифаси демократия ва сиёсий плюрализм идеалларини ривожлантириш ҳамда амалиётга тадбиқ этишга кўмаклашишдир. Унинг барча аъзолари инсоннинг асосий эркинликлари ва ҳуқуқларига риоя қилиш мажбуриятини олганлар. Е.К. ўз таркибида аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларидан ташкил топган вазирлар Кенгаши ва Миллий парламентлар вакиллари аъзо бўлган Маслаҳат Ассамблеясига эга. ЕК Страсбург (Франция)да жойлашган.

**ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ЕТТБ)** – марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек, МДХ аъзо мамлакатларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга ёрдам кўрсатувчи халқаро банк. 1990 йилда 42 аъзо мамлакат

хукуматлари томонидан 10 млрд. эко маблағ билан ташкил этилган. 1991 йилдан фаолият олиб боради. Бош қароргоҳи – Лондон шаҳрида жойлашган.

**ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ** – халқаро минтақавий ташкилот. Унинг таъсис этувчи ҳужжатлари 1975 йилда Хельсинкида имзоланган Яқунловчи ҳужжат, 1990 йилда Парижда қабул қилинган Яқун Европа учун Хартия ва унга қўшимча ҳужжат, 1992 йилда Хельсинкида қабул қилинган «Ўзгаришлар вақти чақириги» Декларацияси ва Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг асосий фаолият йўналишлари ва тузилишини белгиловчи пакет ҳисобланади. Бугунги кунда ЕХХТ таркибига жўғрофий жиҳатдан Ванкувердан Владивостокгача бўлган ҳудудда жойлашган 55 мамлакат аъзо бўлган. ЕХХТ тинчлик ва хавфсизлик масалаларига ҳар томонлама ёндашади. Унинг органлари ва институтлари ҳамкорлик асосида тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланиш устидан назорат олиб бориш, превентив дипломатия, ишонч ва тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, сайловларда кузатувчиликни амалга ошириш, иқтисодий ва экологик хавфсизлик каби турли масалалар доирасида фаолият кўрсатади. Венада ташкилотнинг қундалик фаолиятини таъминловчи Котибият жойлашган. Унинг Прагада ҳам кичик бўлими бор.

**ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИ** – Франция, Голландия, Люксембург, Буюк Британия, Белгия (1948 йил) давлатлари Брюсселда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорлик юритиш юзасидан шартнома тузишган. Унга асосан Париж битимига (1954 йили имзоланган, 1955 йили кучга кирган) ўзгартириш киритган ҳолда Ғарбий Европа уюшмаси ташкил этилди. Бу ўзгаришлар Брюссел пактига Германия ва Италия давлатлари ҳам қўшилишига сабаб бўлди. Ғарбий Европа уюшмасининг асосий мақсади: БМТ Уставига асосан Европада бирдамликни мустаҳкамлаш, халқаро тинчликни қўллаб-қувватлаш, ҳар қандай агрессияга қаршилик кўрсатиш, химоялаш, ҳарбий ва бошқа ўзаро ёрдамлар беришдан иборатдир. Аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, қонунни ҳурмат қилиш, конституциявий удумларни, шахсий ва сиёсий озодликни, демократия билан таъминлаш ва мустаҳкамлашдир. Ғарбий Европа ҳамжамиятига 10 давлат аъзодир: Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Греция, Испания, Италия, Люксембург, Португалия, Франция. Ассоциатив аъзолари: Норвегия, Туркия. Бундан ташқари, 9 давлат ассоциация шериклик макомига эга. Булар Болгария, Венгрия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Словакия, Чехия, Эстония давлатларидир. Ғарбий Европа ҳамжамияти таркиби қуйидагича: 1) Ғарбий Европа ҳамжамияти Кенгаши; 2) доимий Кенгаш; Кенгашнинг ишчи гуруҳи; 3) штаб бошлиқлари; 4) режалаштириш штаби; 5) ишчи гуруҳлар. Махсус ишчи гуруҳ, мудофаа вазирликларининг гуруҳ вакиллари; 6) Ғарбий Европа ҳамжамияти Ассамблеяси; 7) котибият. Ҳозирги кунда ҳам давлатларнинг пойтахтларида бир йилда икки маротаба йигиладиган мудофаа ва ташқи ишлар вазирлари ҳамда уларга тенглаштирилган вазирлар раислигида ўтказиладиган Кенгаш. Кенгаш аъзо давлатларнинг хоҳишига асосан исталган пайтда чақирилиши мумкин. Йигилишларда Бош котиб раислик қилади. Кенгашга ёрдамчи этиб, ишчи гуруҳи тузилган: 1) ташқи ишлар вазирликларидан иборат махсус ишчи гуруҳи (Европа хавфсизлиги ва сиёсий масалалар бўйича); 2) мудофаа вазирликларининг вакилларидан иборат гуруҳ, (Европа хавфсизлиги бўйича ҳарбий масалалар); 3) «Очиқ осмон» шартномасига асосан, верификация, космик ҳуқуқ масалалари юзасидан ишчи қўмитаси. Ғарбий Европа Ҳамжамияти Ассамблеяси 108 депутатдан иборат (Уринбосарлари билан). Евродепутатлар йилда икки маротаба йигилишиб, Ғарбий Европа Ҳамжамияти фаолиятига тааллуқли бўлган барча масалаларни муҳокама этишади. Ассамблея раис ва саккиз ўринбосардан иборат таркибда бюро сайлайди. Бундан ташқари, доимий ҳаракатдаги қўмита, раислар қўмитаси (бюро аъзолари ва Ассамблеянинг собиқ раиси) ва олти доимий қўмиталар – мудофаа, сиёсат, техника ва космос, бюджет ва маъмуриятлар, жамоат ва миллий парламентлар ишига доир масалалар бўйича фаолият кўрсатади. Котибият ишига Бош котиб раҳбарлик қилади. Ғарбий Е.Х. иш юритадиган тили инглиз ва француз тилларидир.

**ЕТАКЧИ, ЙЎЛБОШЧИ** – 1) давлат, сиёсий партия, ижтимоий ҳаракатнинг раҳбари, бошлиғи; 2) жамиятнинг манфаатларини ифода этадиган, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида бошқа кишиларга таъсир эта оладиган шахс.

**ЕТАКЧИЛИК** – бошқа кишиларга таъсир этиш демакдир. Етакчи ва унинг издошлари ўртасидаги ўзаро мунсабатларда тенгсизлик мавжуд бўлиб, у етакчида гуруҳ аъзоларига қараб ҳар доим бир томонлама йўналтирилган бўлади. Е. бошқарувчилик мақоми, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий позициядир. *Сиёсий Е.* – сиёсат бозорида амалга ошириладиган махсус тадбиркорлик шаклидир. Бундай рақобатчилик курашувида томонлар ижтимоий вазифаларни ечиш бўйича дастурлар билан алмашилади. Бу ерда сиёсий тадбиркорликнинг моҳияти шундаки, «сиёсий товар»нинг персоналлашуви ва уни потенциал етакчи шахсияти билан ўхшатиш ҳамда ушбу товарни «умумий бойлиқ» сифатида реклама қилиш рўй беради. Е. қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) жамиятни жипслаштириш. Оммани бирлаштириш. Е. ўзида ва бошқа давлатлар билан мунсабатда миллий бирликни гавдалантириши ва намоёниш қилиши, фуқароларни умумий мақсад ва қадриятлар йўлида бирлаштириши, Ватанга, давлатга, халққа хизмат қилишда ўрнак бўлиши лозим; 2) Энг мақбул сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиши. Е. хатолар қилишдан қафолатланмаган бўлса ҳам, баъзан фаол сазй-ҳаракатлар қилмаса ҳам, барибир ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг энг мақкул йўлини топа олишлик қобилиятлари, одатда, уларнинг раҳбарлик лавозимларини эгаллашларини оқлайди; 3) ижтимоий ҳакамлик ва патронажлик, оммани қонунсизликдан, амалдорларнинг ўзбошчалигидан ҳимоя қилиш, тартибот ва қонунчилиқни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари билан сақлаб туриш; 4) ҳокимият ва омманинг мулоқот, сиёсий ва ҳиссий алоқа йўллари-ни мустаҳкамлаш ва шу билан фуқароларнинг сиёсий раҳбарликдан бегоналашувининг олдини олиш; 5) ташаббускор бўлиш, оптимизм ва ижтимоий энергияни тўплаш, оммани сиёсий мақсадларни амалга оширишга сафарбар қилиш. Е. халқ анъаналарини авайлаб асраши, ўз вақтида янгиликларни илғай олиши, жамият таракқиётини таъминлаши, халқда ижтимоий ғояларга ишонч уйғотиш.

**ЕТТИ ШАЙХНИНГ АМИРЛАР КЕНГАШИ** – Бирлашган Араб амирликларининг қонун чиқарувчи органи.

## Ё

**ЁДГОРЛИКЛАР** – (меъморий) – 1) муайян шахс ёки воқеани абадийлаштириш мақсадида барпо этилади. Қадимги даврлардан ёдгорликларнинг турли шакллари вужудга келган (пирамидалар, устунлар, обелисклар, миноралар, бинолар, оддий ва отлик хайкалар ва х.к.); 2) Тарихий қадимдан сақланиб қолган моддий нарсалар: бинолар қолиқлари, тангалар, қурол, уй-рўзгор ва ибодатхона буюмлари, кийим-кечак, тошбитик, лойдаги ёзувлар, кўхна кўлёмалар ва х.к.

**ЁПИҚ ЖАМИЯТ** – (К.Поппер талқини бўйича) ўзгармас ижтимоий тузулма, янгиликларни қабул қила олмайдиган, анъанавий, қотиб қолган мафкурага эга бўлган жамият шакли. Поппер назарида, ёпиқ жамият очик жамиятнинг зиддидир.

**ЁПИҚ МАДАНИЯТ** – (ингл. «culture closed»; нем. «kultur, geschlossene») – вакиллари-нинг маданий ва моддий эҳтиёжларини ички илкониқчларни асосида қондирадиган, ўзга маданиятларнинг кириб келишига тўсқинлик қиладиган маданият.

**ЁПИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ** – қаранг: Акциядорлик жамияти.

## Ж

**ЖАБАРИЙЛАР** – VII аср охири VIII аср бошида ислом илоҳиётида пайдо бўлган оқим тарафдорлари. Ж. исломда тақдир масаласида адашган деб тан олинган фирқалардан

бири ҳисобланади. Ж. инсон тақдирини худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, инсонда ҳеч қандай прода ва фаолият эркинлиги йўқ, булар фақат худода мавжуд, инсон эса ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имкониятига эга, деган ақидаларни илгари сурган.

**ЖАВОБГАРЛИК** – давлат ва жамоат ташкилотларидан ишлаётган мансабдор шахсларнинг етказган зарари учун масъуллиги; зазарнинг қопланиши суд орқали амалга оширилади. Тадбиркорларнинг ишчиларга ва бошқа кишиларга тегишли қорхоналардан фойдаланиш жараёнида унинг ўзи ёки ишончли вакиллари айби билан бахтсиз ҳодиса юз берган ҳолларда тадбиркор қонунида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**ЖАДИДЧИЛИК** – (араб. янги) – янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. Ж. XX асрда (Туркистон, Қрим, Кавказ, Булғория ва Жанубий Урал ҳавзаси) шаклланиб келаётган миллий ҳаракатлар жараёнида вужудга келган. У ўша даврда озодлик ҳаракатининг мафқураси вазифасини ҳам бажарган. Ж. асосий ғоя ва мақсади: Туркистонни ўрта асрчилик, қолоқлик ва хурофотлардан озод қилиш, «усули қадим»ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий пул бирлиги ва миллий қўшин тузиш. Бу ғоя ва мақсадлар 1917–1920 йилларда «Туркистон Мухторияти», Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари даврида қисқа муддатда ва қисман бўлса-да амалга оширилди.

Ж. минтақавий ҳудудий, тарихий шакллари: Қрим, Кавказ, Волгабўйи – Булғория ва Жанубий Уралдаги жадидчиликка Исмоилбек Гаспирали, Жовид Хусайнзода, Мусо Жоруллоҳ Қозоний, Ризоуддин ибн Фахриддин раҳнамолик қилишган; Туркистонда – Мунавварқори, Бехбудий ва бошқалар етакчилик қилишган; Бухорода «Ёш бухороликлар» ҳукумати, жумҳураис Усмонхўжа, Фитрат ва бошқалар йўлбошлилик қилишган; Хива жадидларига «Ёш хиваликлар» ҳукумати, жумҳураис Хожа Пахлавон Ниёз хожи етакчилик қилган. Ж. Туркистондаги тадрижоти: 1) 1885–1895 йиллар: И.Гаспиралининг «Таржимон» газетаси таъсирида Қўқонда янги жадид усулидаги мактаблар очиш ҳаракатлари бошланиб, улар аста-секин, рус-тузем мактаблари билан рақобатлаша бошлаган. 2) Қримдаги Гаспра шахридан И.Гаспиралининг Бухоро ва Самарқандга ташрифи, Бухоро амири билан учрашуви натижасида 1885 йилда жадид мактабларини ташкил этиш даври бошланади. Бухорода Жўрабой, Самарқандда А.Шақурий, С.Азизий, А.Мунзим, Мулла Қўлич, Тошкентда Мунавварқори, А.Авлонийлар, Қўқонда Ҳамза, Намағанд И.Ибрат, М. Сўфизода ва бошқа сиймолар очган жадид мактаблари ўз фаолиятларини олиб боради. 3) 1905–1914 йиллар Ж. мактаб – маорифдан кенгрок – газетчилик, яъни рўзномалар ва жаридалар чоп этиш, матбаа ишларини йўлга қўйиш, илим-фан, адабиёт, маданият-маорифни миллийлаштириш босқичи. 4) 1914–1917 йиллар Ж. ўта ижтимоий-сиёсий йўналиш касб этиши, Ж. сиёсий фиркаларининг тузилиши ва уч хил турли талаблар қўйиши: а) Россиядан тўла ажралиб чиққани; б) Россия Федерацияси таркибида «миллий-худудий мухторият» тузиш; в) Россия унитаризми таркибида фақат маънавий-диний мухторият ҳуқуқлари кафолатига эга бўлиш. 5) 1917–1918 йиллар Қўқонда «Туркистон Мухторияти»нинг тузилиши ва унинг қонга ботирилиши, махв этилиши даври. 6) 1918–1924 йиллар – шўро тизими таркибида маориф матбаа ишларида «Чигатой гурунги»ни тузиш билан ажралиб туради. 7) Туркистон парчаланиб (1924 й.), Ж. кейинги тараққиётги «миллий жумҳуриятлар» денрасида борди. Ж. асосан маданият, маориф, мактаб ва матбаа ишларида намоён бўлади. «Чигатой гурунги» Ж. ғояларини зимдан амалга оширишга, миллий озодлик ҳаракатини жонлантиришга урияди. 8) 1931–1938 йиллар, 50-Йилларнинг биринчи ярмигача – қатагон даври. Туркистон жадидчилигидаги асосий ғоявий-назарий йўналиш Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпонлар томонидан илгари сурилган бўлиб, улар шўролар тузumi, «нишгирокчилар» ғоя ва мафқурасини тўлалигича инкор этиб, ягона Туркистон халқи ва давлатини қуриш, замонавий тараққиёт йўлидан борини тасқил этганлар.

Ж.Тавалло, Ҳондайлиқий, Ажзий ва бошқалар 1917 йил февраль буржуа демократик инқилоби берган конституциявий имкониятлардан фойдаланиб, миллий истиклолга

эришишни кўзлаганлар. А.Авлоний, С.Айний, Ҳамза, Олтой, Элбек, А.Икромов, Ф.Хўжаев ва бошқалар миллий, умуминсоний демократик кадриятларга муқобил, шўро ғоя ва кадриятларига ургу беришган. Туркистон жадидчилиги ва маърифатчилиги тўғрисида гап борганда, уни анъанавий шарқ маърифатчилигидан, шунингдек, ўша даврдаги ислом диний ислохотчилигидан фарқлаш зарур. Анъанавий шарқ маърифати (Турди, Донш, Гулханий, Муқимий, Фуркат, Нодира, Завқий) жадидлар маърифатчилиги учун маънавий-руҳий замин бўлган. Исломда бошланган (Курсавий, Домла Икромча) ислохотчилик уринишлари, жадидлар ҳаракати учун ислом шарият нуқтан назаридан диний-қонуний йўл очиб берган. Бирок Ж. ҳаракати ундаги маърифатчилик майллари ҳаётга юз бурганлиги, умуммиллий ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал қилишга йўнатилганлиги билан анъанавий шарқ маърифатчилиги ва диний ислохот жараёнларидан тубдан фарқ қилган.

Ж. ўзбеклар тарихида янги саҳифа очган ижтимоий ҳаракат. У миллат уйғониши ва юксалишининг ижтимоий сатҳда намоён бўлиши эди. Истибод тузуми унга қарши шафқатсиз кураш олиб борганлигининг сабабини тушуниш қийин эмас. Ж. ҳаракати вакиллари орзу қилган имконият мустақиллидан кейин яратилди.

**ЖАМИЯТ** – ўз ҳаётин зарур эҳтиёжларини қондиришда ўзаро алоқадор бўлган одамлар биргаликда яшашининг муайян ижтимоий тизими. Одамлар ўртасида муайян ижтимоий муносабатлар ўрнатилади, улар объектив ҳаракатга эга. Бу муносабатлар кишиларнинг объектив эҳтиёжлари ва яшаш шароитлари натижасида шаклланади. Ж.даги ҳамма нарса (моддий ва маънавий кадриятлар, уларни истеъмол қилиш, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва ҳ.к.) муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги муносабатлар уларнинг ижтимоий ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этади. Булар оилавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик фаолият ва уларга мос келувчи муносабатлардир. Уларнинг маҳсули Ж. Ижтимоий-сиёсий тизими, унда яратилган моддий ва маънавий кадриятларда ўз ифодасини топади.

Ж. моддий ва маънавий ишлаб чиқаришсиз яшай олмайди. Инсонларнинг ҳаёти учун зарур бўлган эҳтиёжлар озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой мавжуд бўлмаса Ж. барбод бўлади. Моддий ишлаб чиқариш жамият учун зарур бўлган иқтисодий шарт-шароитларни яратади, у Ж. ижтимоий тузилиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Ж. турли қатлам ва тоифаларнинг мавжудлиги меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти, шунингдек, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хилма-хил мулкчилик муносабатлари, моддий бойликларнинг тақсимотига боғлиқдир. Ж. ўз характери ва мазмунига қараб, ижтимоий фаолиятнинг турли кўринишлари мавжуд. Натижада Ж. ҳаёти иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳаларга ажралади. Иқтисодий соҳа моддий бойликлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни ўз ичига олади. Унда мамлакат хўжалик ҳаёти ташкил этилади, унинг турли тармоқларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда халқаро иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий тараққиётнинг барча объектив ва субъектив омилларининг ўзаро алоқадорлиги, боғлиқлиги амалга оширилади. Ижтимоий соҳада жамиятнинг ижтимоий гуруҳлар – синфлар, аҳоли ўртасидаги касбий, ижтимоий-демографик табақалар, тоифалар ҳамда миллий бирликлар, халқ, миллат, элатларнинг ижтимоий ҳаёти ва фаолиятини уйғунлаштиради. Сиёсий соҳа – давлат, ижтимоий тоифа ва гуруҳлар, миллий бирликлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, турли жамоат ташкилотларининг ўз сиёсий фаолиятини амалга ошириш мақонидир. Уларнинг фаолияти жамиятдаги сиёсий муносабатлар асосида ўз сиёсий манфаатларини амалга оширишга қаратилгандир. Маънавий соҳага кишиларнинг турли маънавий кадриятларга муносабатлари – уларни яратиш, тарқатиш ва адабиёт, санъат, мусиқа, мафкура, фан, ахлоқий меъёрлар ва бошқалар умуман олганда, ижтимоий ҳаётнинг маънавий мазмунини ташкил қилувчи омиллар кириди. Ижтимоий ҳаётнинг маънавий соҳаси тарихан шаклланади. У ўзида Ж. тараққиётининг географик, миллий ва бошқа хусусиятларини мужассамлаштириб, акс эттиради. Ж. ижтимоий тузилишида давлат, оила, турли ташкилот ва миллатлар ўз ўрнига эга. Уларнинг ўзаро мутаносиблиги Ж. барқарорлигини таъминлайди.

**ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТАШКИЛОТИ** – жамиятнинг сиёсий ҳаёти кечадиган институт ва меъёрлар тизими. Жамият сиёсий ташкилотининг етакчи унсурлари – давлат, сиёсий партиялар, жамиятнинг меъёрий асослари, оммавий ахборот воситалари. Сиёсий ташкилот жамият сиёсий тизимининг асосини ташкил этади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида, чунончи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларидаги муаммоларнинг ҳал этилиши унинг сиёсий ташкилоти фаолиятининг самарадорлигига узвий боғлиқдир.

**ЖАМОА** – ижтимоий ташкилот шакли. Дастлабки ибтидоий жамоа меҳнат ва истеъмолнинг умумийлиги билан ажралиб туради. Унинг кейинги шакли – қўшничиликда (ҳудудий, қишлоқ) капиталистик жамиятга хос индивидуал ҳамда умумий эгаллик қилиш жиҳатлар билан ажралиб туради. Жамоада тўлик ёки қисман ўзини ўзи бошқариш жорий этилиши мумкин.

**ЖАМОА (ШИРКАТ) МУЛКИ** – оиланинг мол-мулкни, маҳалла мулкни, шунингдек, юридик шахс бўлган кооперативлар, ижара, жамоа қорхоналарининг, жамоат ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамият ва ширкатларнинг, ассоциациялар ва бошқа бирлашмаларнинг мулкларини ўз ичига олади.

**ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ МУЛКИ** – жамоат бирлашмалари. Улар ўз уставларига биноан бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, асбоб-ускуна, маданий ва соғломлаштириш жиҳозлари, пул маблаглари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга эгаллик қилиши мумкин. Шунингдек, ўз маблаглари ҳисобидан ташкил этилган бундай бирлашмалар уставларида белгиланган мақсадларга кўра, наشريётлар, қорхоналар, хайрия муассасаларига эга қилиши мумкин. Уларнинг мулки қонун билан ҳимояланган. Жамоат бирлашмалари томонидан ташкил этилган қорхона ва ташкилотлар қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўловларни амалга оширади.

**ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗР ҚОНУНЧИЛИГИ** – ЎЗР жамоат бирлашмаларига тегишли қонунчилиги уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берадиган алоҳида қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан иборат. Жамоат бирлашмалари томонидан қонуний ва демократик асосда сайланган ҳокимият ва бошқарув органларига таъйин ўтказиш таъқиқланади. Шунингдек, қуролланган жамоат бирлашмалари, диний тусдаги партиялар ҳамда уларнинг бўлимларини ташкил этиш ҳам қонун билан таъқиқланган. Бундан ташқари, давлат томонидан сиёсий мақсадларини кўзлаган сиёсий партиялар ва оммавий ижтимоий ҳаракатлар фаолиятини молиялаштиришга йўл қўйилмайди (қонунда белгиланган тартибда сайлов компаниясини молиялаштириш бундан мустанд). Бирлашма уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида берилган ариза у топширилган кундан бошлаб икки ой муддатда кўриб чиқилади. Жамоат бирлашмалари уставларини тўлдириш ва уларга ўзгартириш киритиш ҳам худди шундай тартибда амалга оширилади. Жамоат ташкилотининг съездида унинг мулкни тугатиш тўғрисидаги қарорига биноан бирлашма уставини белгиланган мақсадларга йўналтирилади. Суд қарори билан тугатилган жамоат бирлашмаси мулки давлат ҳисобига ўтказилиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари Умуҷаҳон декларацияси, ЎЗР Конституцияси ҳамда ушбу қонунга таянган ҳолда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини ташкил этиш ҳуқуқи кафолатланган.

**ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ** – тегишли молиявий идоралар жамоат бирлашмалари даромадлари, уларни молиялаштириш манбалари, маблаглардан фойдаланиш ҳамда қонунда белгиланган тартибда солиқларни тўлаб бориш устидан назоратни амалга оширади.

**ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ** – миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, унга шахс ҳаётига хавф солаётган таҳдидларнинг олдини олиш, уни бартараф этиш билан шуғуullanувчи жамоат ташкилотлари киради. Ж.Х. шахс хавфсизлиги ва жамоат тартиби билан чамбарчас боғлиқдир. Ж.Х. давлат ҳудудидаги ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлашга, жамоат тинчлигини сақлашга оид шароитни яратишга қаратилган. Ж.Х. таъминлаш давлат идоралари (ички ишлар, милиция, ички қўшинлар,

фавкулдада вазиялар муассасалари), ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари зиммасига юклатилган.

**ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚА** – (*ингиз. Public Relations (PR) тушунчасидан тарқалган бўлиб, кўпинча PR ёки PR (рус. Паблик Рилейшнз) шаклда ишлатилади*) – Мазкур тушунча давлатнинг одамлар, ташкилотлар, ижтимоий гуруҳ, умуман, жамиятдаги муносабатларни уйғунлаштиришга қаратилган фаолиятнинг ифода этади. 1) П.Р. – давлат бошқарув фаолиятининг таркибий қисми; 2) оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган кўп қиррали фаолият.

**ЖАМОАТЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ** – ижтимоий гуруҳ, диний бирлашма, миллатлараро иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий фаолият тури.

**ЖАМОАТ МУАССАСАСИ** – ўз иштирокчиларининг манфаатларига жавоб берадиган ва кўрсатилган бирлашманинг низомдаги мақсадларига мувофиқ келувчи аниқ турдаги хизматлар кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, аъзоликка эга бўлмаган жамоатчилик бирлашмаси. Ж.М. ва уни бошқариш таъсисчи ёки таъсисчилар тайинлаган шахс томонидан амалга оширилади. Ж.М. давлат томонидан рўйхатдан ўтказилгач, ўз фаолиятини ЎзР Фуқаролик кодексига белгиланган тартибда амалга оширади.

**ЖАМОАТЧИЛИК ТИЗИМИ** – таракқиётнинг аниқ босқичида маълум жамиятга ҳос бўлган жамоатчилик муносабатлари тизими. Ж.Т. барча ижтимоий муносабатлар ва алоқаларни ўз ичига олади.

**ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ** – оммавий онгнинг энг муҳим ва долзарб муаммолар, иқтисодий, сиёсат, маданият ва ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисаларига нисбатан шаклланган умумий муносабат мажмуи.

**ЖАМОАТЧИЛИК ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ** – миллий хавфсизликни таъминлашнинг узвий қисми. Шахс, жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қилишда ва уни амалга оширишда иштирок этувчи жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларни ўз ичига олади.

**ЖАМОАТЧИЛИК ҲАРАКАТИ** – ўз иштирокчиларига эга бўлган ва аъзоликка эга бўлмаган, жамият учун фойдали мақсадларни кўзловчи, унинг иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланадиган оммавий жамоатчилик бирлашмаси. Ж.Х. мунтазам фаолият юритувчи олий бошқарув органи съездга (конференция) ёки умумий йиғилишга ҳисоб берувчи коллегиял орган ҳисобланади.

**ЖАМҒАРМА БИРЖАСИ** – қимматли қоғозларнинг бир меъёрда айланишини таъминлаш учун зарур шароит яратиш ишлари билан шуғулланадиган ташкилот. Ж.Б. қимматли қоғозларнинг бозор нарҳини (қимматли қоғозга бўлган талаб ва тақлиф мувозанатини акс эттирадиган нархи), қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари орасида ахборотнинг тарқатилишини таъминлайди.

**ЖАНГОВАР САМАРАДОРЛИК** – жанговар ҳаракатнинг турли шароитида қарши ҳаракатни инобатга олган ҳолда жанговар топшириқни бажаришга оид фактик имкониятлар тавсифи. У қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланади: жанговар топшириқнинг бажарилиши таҳмин қилинганда, қўшинлар (кучлар)нинг ҳаракати ҳақида гап бўлса: нишонни йўқ қилиш таҳминини юзага келса, уни йўқ қилиш воситаси ҳақида гап борса; (математик натижа) бажарилган топшириқлар, йўқ қилинган нишонлар, майдон (оммавий қирғин қуроли учун) ва х.к. сонининг ўртача аҳамияти.

**ЖАНГОВОР ЯШОВЧАНЛИК** – қўшин (куч), қурол-яроғ ва ҳарбий техника мажмуи (намуна), фронторти объектлари, жанговар ва техник таъминот комплексларини сақлаш, уни тезда қайта тиклаш хусусияти, душман ва ташқи муҳитнинг таъсир этиши шароитида жанговар (функционал) топшириқларни бажариш қобилияти.

**ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ (АСЕАН)** – 1967 йилда ташкил этилган регионал сиёсий-иқтисодий ташкилот. Ассоциациянинг шартномавий тарзда ташкил этилиши 1976 йилда Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг Дўстлик шартномасини ва АСЕАН Декларациясини имзолаганларидан кейингина юз берди. Ассоциациянинг мақсадлари иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик-



ни ташкил этиш, Жануби-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишдан иборат. Унга Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин, Бруней, Лаос, Мьянма (Бирма), Вьетнам ва Камбоджа давлатлари киради. 1996 йилда АСЕАН Россия ва Хитойни ҳам ўзининг тенг ҳуқуқли ҳамкори сифатида қабул қилганлиги ҳақидаги қарорини қабул қилди. Шу билан бирга доимий ҳамкорлари сирасига АҚШ, Австралия, Япония, Жанубий Корёя, Канада, Янги Зеландия ва Европа Иттифоқи киради. Котибиятнинг қароргоҳи Жакартада (Индонезия) жойлашган

**ЖАРАЁН** – муайян вақт оралиғида бўлиб ўтган ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисаларнинг давомийлиги. Ж. узлукли ва узлуксиз, табиий ва сунъий, такрорланувчи ва бетакрор, бошқарилувчи ва бошқарилмас бўлиши мумкин. Ж. сифат жиҳатдан фарк қилади. Улар табиатда рўй берувчи Ж. ва жамиятда рўй берувчи ж.ларга бўлинади. Тафаккур жараёни эса муайян мантиқий қонуниятларга бўйсунди. Оламдаги ҳар бир ҳаракат шаклига хос бўлган Ж. ҳам бўлиши мумкин: механик, физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий жараёнлар шулар қаторига киради. Ж. фазо ва вақтда рўй беради, замон ва маконда хилма-хил тарзда намоён бўлади.

**ЖАЪФАРИЙЛИК** – шиаликдаги диний-ҳуқуқий мазаҳаб. Унга жаъфар ас-Содик асос солган, деб ҳисобласаларда, аслида IX–X асрларда бир неча мухтадид ва илоҳиётчилар томонидан ишлаб чиқилган. Ж. мазаҳабининг суннийликдаги мазаҳаблардан асосий фарқи: жаъфарийлар қиёсини Куръон, сунна, ижмоъдан кейинги шарият манбаи эканлигини рад қилади, шиаликдаги имомлар нақлларинигина тан олади, вақтинчалик никоҳ (мутъа)га йўл қўяди, хавф пайдо бўлган чоғда ўз эътиқодларини яширади, ижтимоий (диний ва ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил фикр юритиш)га имкон яратади. Ж. XVI аср бошларидан Эронда ҳукмрон диний-ҳуқуқий мазаҳабга айланган.

**ЖАҲОН БАНКИ** – халқаро молия муассасаси. Таркибига БМТ ихтисослашган муассасаси мақомига эга бўлган учта мустақил халқаро молия институти (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси) киради. Бош қароргоҳи – Вашингтонда (АҚШ) жойлашган.

**ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ (ЖИМТ)** – БМТ ҳукуматлараро ихтисослашган ташкилоти. халқаро ҳукуматлараро ташкилот, 1974 йилда ташкил топган. Айрим ихтисослашган уюшмаларнинг дипломатик конференцияси. Ташкилотнинг олий органи – Бош ассамблея; маъмурий органи – Халқаро бюро. Бу ташкилотнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: кишиларнинг ижодий фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг интеллектуал мулкни жаҳон миқёсида қўриқлаш; саноат ва бошқа тармоқларда мулкни сақлаш бўйича фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг иш самарасини ошириш ва Ж.И.М.Т. интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасидаги қонуларни тайёрлашда, тегишли маълумотларни йиғиш ва тарқатишда, маълумотлар рўйхатини тайёрлашда ва бошқа ишларни амалга оширишда фаол қатнашади. Ж.И.М.Т. Бош қароргоҳи – Женева (Швейцария)да жойлашган.

**ЖАҲОН МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИ (ЖМТ)** – халқаро ташкилот, метеорологик тадқиқотлар ва кузатишлар бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш ҳамда миллий метеорологик хизматлар ишини мувофиқлаштириш ишларини олиб боради. 1947 йил сентябрда БМТ ҳузурида ташкил топган. ЖМТ доимий ишлайдиган органи – котибият Женева (Швейцария)да жойлашган.

**ЖАҲОН ОБ-ҲАВО ХИЗМАТИ** – ер шароити миқёсида об-ҳаво ўзгаришларини кузатиб туриш билан шуғулланадиган ташкилот. Жаҳон об-ҳаво хизмати режаси 1967 йилда қабул қилинган. Дунё аҳамиятига молик марказлар Вашингтон, Мельбурн ва Москвада жойлашган. Худудий аҳамиятга молик метеорология марказлари 20 дан ортиқ худудда, шу жумладан, ўрта Осиё худудида ҳам мавжуд.

**ЖАҲОН ОЗИҚ-ОВҚАТ ДАСТУРИ (ЖОД)** – 1963 йилда ташкил топган. У БМТ тизими сифатида ЖОД. Озиқ-овқат ёрдами кўрсатишга мўлжалланган. Унга ривожланаётган давлатларнинг камбағал аҳолисига ёрдам кўрсатиш ва жаҳонда очлик ҳамда ночорлик билан кураш олиб бориш вазифаси юклатилган. ЖОД сисёса ва озиқ-овқат

ёрдами бўйича 42 аъзодан ташкил топган Қўмита томонидан бошқарилади. Қўмита таркибининг ярми Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, қолган қисми эса БМТ озик-овқат ва кишлоқ хўжалиғи ташкилоти томонидан тайинланади. Қўмита йилига икки марта йиғилади. Бош қароргоҳи – Рим (Италия)да жойлашган.

**ЖАҲОН ПОЧТА ИТТИФОҚИ** – халқаро ташкилот. 1948 йилдан БМТ иқтисод-лашган муассасаси I-Халқаро почта конгрессида ташкил этилган. 1878 йилгача Улмуғий почта иттифоқи деб аталган (1875 й.), Вазифаси почта хизматини яхшилаш, шу соҳада ҳамкорликни тараққий эттириш, ривожланаётган мамлакатларда почта хизматини ташкил этиш ва такомиллаштиришда техник ёрдам кўрсатишдан иборат. Идораси – Берн шаҳрида жойлашган.

**ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ** – 1995 йил 1 январиди тарифлар ва савдо бўйича бош битим вориси сифатида халқаро миқёсдаги орган сифатида ташкил топган жаҳон мамлакатларининг ўзаро савдо ҳамда савдо сиёсати тартиботини бошқарувчи халқаро ташкилот. Халқаро савдода ташкилотга аъзо ва иштирокчи мамлакатлар учун мажбурий бўлган тамойиллар ва қоидалар белгиланган ҳукуматлараро кўп томонлама шартномалар асосида фаолият олиб боради. Бош қароргоҳи – Швейцарияда (Женева) жойлашган.

**ЖАҲОН СИЁСАТИ** – «жаҳон сиёсати» тушунчаси сиёсат фанининг энг кўп қўлланладиган, шу билан бирга, унча аниқ бўлмаган тушунчалари жумласига кирди.

**ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ (ЖССТ)** – халқаро тиббий ташкилот; БМТ иқтисодлашган махсус муассасаси. 1945 йил февралда БМТ конференциясида Ж.С.С.Т. тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган. 1946 йилда соғлиқни сақлаш бўйича Нью-Йоркда ўтказилган халқаро конференцияда БМТга аъзо 26 та мамлакат ташкилот уставини ратификация қилгач, 1948 йил 7 апрелида ЖССТ тузилиди. Ж.С.С.Т. марказий маъмурий органи – Котибиятга Бош директор раҳбарлик қилади. Ж.С.С.Т. Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиғи биносида жойлашган.

**ЖАҲОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ИТТИФОҚИ** – халқаро касаба иттифоқлари ташкилоти. 1945 йил октябрда Парижда қақирилган Жаҳон касаба иттифоқларининг I-конгрессида тузилган ва Устави қабул қилинган. Ж.К.У.И. барча халқаро ташкилотларда меҳнатқашларнинг манфаатларини химоя қилиш, ривожланаётган мамлакатларнинг ишчиларига касаба иттифоқлари ташкил этишда ёрдам бериш, урушга ва уруш чиқарувчи сабабларга қарши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кенг халқаро ҳамкорлик учун кураш ўз асосий мақсади деб ҳисоблайди. Ж.К.У.И. олий органи Жаҳон касаба иттифоқлари конгресси бўлиб, 4 йилда 1 марта қақирилади. Конгресслар ўртасидаги даврда раҳбарлик органи Бош кенгаш ҳисобланади.

**ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯЛАРИ** – уруш қурбонларини химоя қилишга қаратилган Женева Конвенцияси (1949 й.) ва унга қўшимча баённомалар (1977 й.) – ҳарбий урушлар қурбонларини химоя қиладиган халқаро битим. 1949 йил 12 августда Женевада имзоланган, 1950 йилда кучга кирган. У халқаро миқёсдаги шартнома бўлиб, ҳозир 180 давлат аъзо бўлган. Ж.К. ўз ичига қуйидагиларни олади: 1) ҳарбий ҳаракатлар натижасида ярадор бўлган аскар касалар тақдир масаласи; 2) денгиз қуроли кучлари таркибиди бўлиб, кема ҳалокатига учраган шахслар, ярадор касаларга нисбатан муносабат ҳақида; 3) ҳарбий ҳаракатлар чоғида тинч аҳолини химоя қилиш. Ж.К. 1977 йилда 2 та протокол қўшимча қилинди, I протокол халқаро ҳарактердаги қуроли тўқнашувлар қурбонларини химоя қилиш, II протокол халқаро ҳарактерга эга бўлмаган қуроли тўқнашувлар ярадорларини химоя қилишга қаратилган.

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР** – жиноятчиликка қарши кураш Халқаро полиция ташкилоти (Интерпол) жиноятчиликка қарши кураш бўйича ишлар олиб боради. Ташкилотнинг мақсади халқаро миқёсда жиноятга қарши курашувчи давлатлар ўзаро ҳамкорлиғига қўмақлашиш, бу борада фаолият юритувчи муассасаларни ташкил этишдан иборатдир. Интерпол халқаро кидирувни амалга оширади. Жиноятчи топилганда

полиция ўз давлатининг қонунларида белгиланган тартибда уни қўлга олади ва ўз илмий бюросини хабардор қилади.

**ЖОҚОРҒУ КЕНЕШ** – Қирғизистон Республикасининг 5 йил муддатта сайланадиган ҳамда 35 кишидан иборат Қонун чиқарувчи Мажлиси ва етмиш кишидан иборат Халқ Вакиллариининг Мажлисидан иборат Қонун чиқарувчи органи. 1991 йилда ташкил топган.

**ЖОСУСЛИК** – давлат сирини ташкил этувчи маълумотни ўғирлаш, тўплаш ва йиғиб хоржий давлатга, ташкилот ёки унинг вакилига топшириш. Бундай маълумотлар чет эл разведкаси (жосуслик-айғокчилик хизмати) топширишга кўра, давлат илмий хавфсизлигига зарар етказган ҳолда йиғилган бўлса хориж фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан содир этилганидан катти назар, бу Ж. давлат хавфсизлигига қарши жиноят ҳисобланади. Ж. – алоҳида минтақа, давлат ёки ҳудудларда душманнинг ҳарбий-сиёсий ҳолати тўғрисида маълумот олиш, унинг қуролли кучлари, ҳарбий ҳатти-ҳаракатларидан бохабар бўлиш. Ж. – жосусларни бу ишга жалб этмасдан маълумотларни конспиратив йиғиш ва бошқа масалаларни махсус хизмат ходимлари билан ҳал қилиш, ишончли ва расмий алоқалар орқали, кузатув йўли билан тезкор техника ёрдамида амалга ошириш. *Саноат Ж.* – корхоналарнинг тижорий, саноат ёки хизматга оид сирларини ташкил этувчи маълумотларни (материалларни) йиғиш (тўплаш) ва топшириш мақсадида ўғирлаб, яширин тарзда бошқага топшириш. *Технологик Ж.* – ракобатлашувчи корхона томонидан бошқа, айниқса, турдош корхона учун сир ҳисобланган технологик ҳарактердаги маълумотларни яширин кидириш, топшиш ва ундан фойдаланиш.

**ЖУҒРОФИЙ МАДАНИЯТ** – умуминсоний моддий ва маънавий маданиятнинг илк негизи, ибтидоиси, табиатга боғлиқ муҳитнинг қадрини билиш ҳисси шаклланадиган шароитлар мажмуи, инсонда табиат бойликларининг истеъмолчисигина эмас, балки, унинг химоячиси, қўмақчиси ва бойитувчисини ҳам кўриш қобилияти. Ж.М. – жамият тараққиёти натижасида юзага келади. Ўз тараққиётининг бошланишида инсон – табиатнинг бир қисми ва у атрофидаги ёввойи ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар оламидан ўзини ажратмайди. Инсон ва жамият ривожлангани сари унинг табиатга таъсири кучайиб боради. Ҳозирги даврда инсоннинг табиатга таъсирида жамият калтис нуқтага келди. Чунки, инсон билан табиат ўртасидаги мувозанат ва мутаносибликнинг бузилиши оқибатида инсоният учун хавф туғилди. Шу сабабли, ҳозирги даврда Ж.М. масаласи дунё бўйлаб биринчи ўринга чиқмоқда. Бу айниқса, мустақил Ўзбекистон шароитида кескин тус олмақда. Чунки, истибдод йилларида коммунистнинг моддий-техника базасини яратиш учун кураш никоби остида Марказий Осиё минтақасининг жуғрофий маданияти талаблари қўпол равишда бузилди. Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон, айниқса, бу жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйилган: «ривожланган социализм» йилларида (1960–1985 йй.), «шахтачиликни кўтариш» баҳонасида республика тупроғига фан тавсияларидан 10–20 баробар кўпроқ, миллион тонналаб захарли ўғитлар солинди. Минг йиллар давомида шаклланган сув балакси, кўрик ва бўз ерларнинг (Мирзачўл, Қарши чўли ва бошқалар) ўзлаштирилиши натижасида Ўзбекистон табиати кечириб бўлмас зарбага учради, шу сабабли Орол денгизи қурий бошлади.

Марказий Осиёдаги бундай мураккаб аҳволдан чиқмоқ учун: а) сув, ер ва ҳосилдорлик баланси ва техника билан энергетиканинг ўсиши жуғрофий маданият талабларига бўйсундирилиши керак; б) техника, энергетика ва аҳолининг келажақда ўсиши беш йил, ун йил, чорак аср ва ундан кўпга олдидан ҳисоб-китоб қилиниб, амалий ишлар шунга мувофиқ олиб борилиши шарт; в) Марказий Осиё минтақасида ёқилги ва энергетика манбаи сифатида қуёш энергиясидан кенг фойдаланиш зарур; г) аҳолининг экологик маданиятини кўтаришга ўтмиш анъаналари сафарбар қилинмоғи зарур.

Ж.М. ўзида фан, сиёсат, ахлоқ, табиатга оқилона муносабат ва иқтисодни мужасамлаштиради. Шунинг учун ҳам у жуғрофий омилини асос қилиб оладики, ташқи муҳит, жуғрофий шароит – жамиятнинг ибтидо заминидир ва сиёсат, иқтисод, ахлоқ, экологик тарбия ҳаммаси жуғрофий борлиқ асосида мавжуд бўлиб, ривожланади. Ж.м.нинг илмий асосланган қоида ва талаблари заминидаги фаолият Ўзбекистонининг келажақда буюқ

давлат бўлишига мустаҳкам негиз яратиб беради. Фақат шундагина «Орол денгизи қуришини тўхтатиш мумкин, аммо уни илгариги ҳолатига қайтариб бўлмайди», деган хулосалар ва умидсизлик ғоялари ўринсиз эканлиги аён бўлади. Бунинг учун инсон табиат Унинг ҳомийси ва дўстига айланиши керак.

### 3

**ЗАЙДИЛАР** – шиалиқда вужудга келган фирка тарафдорлари. VIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Араб ҳалифалигида зиддиятлар кескинлашиб, гуруҳлар ўртасидаги кураш кучайган, умавийлар ҳокимияти интеграциялашуви инкирозга учраган даврда вужудга келган. Фирқа ишларининг бешинчи – имоми Муҳаммад ал-Боқирнинг укаси Зайд ибн Али Зайн ал-Обидин номи билан аталган. З.Зайдни сўнгги бешинчи – имом ҳисоблаб, ундан кейинги шиа имомларини тан олмайди. Ҳозир Яман аҳолисининг ярмидан кўпроғи З. фирқасига мансуб. Улар Саудия Арабистони, Покистон ва бошқа давлатларда ҳам бор.

**ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАН ЖОЙ ҚОНУНИ** – қай бир давлатнинг ҳудудида зарар етган бўлса, ўша давлат ҳуқуқини қўлланишини билдиради. Ушбу коллизия боғлама зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солишда танланадиган ҳуқуқ учун қўлланилади (деликт мажбуриятлари). Халқаро гўризм ва халқаро транспорт операцияларининг ортиб бориши чет эл элементи иштирокида деликт мажбуриятларнинг сони ошишига олиб келмоқда, бу эса ушбу формулани қўллаш соҳасини кенгайтирмоқда.

**ЗАРДУШТГИЙЛИК** – зороастризм – мил.авв. VII–VI-асрларда вужудга келган дин. Асосчиси – *Зардушт*. Сўнгги тадқиқот хулосаларига қараганда, Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм З. ватани бўлган. Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг бир неча мамлакатларида тарқалган. Қадимий пахлавий тилида «Зардушт» сўзи «Магупта» деб аталган. Пахлавий тилидаги ёдгорликларни араб тилига таржима қилган олимлар уни «мажус» шаклида қўллаган. Натижада ўрта асрлардан бери «Зардушт» «мажус», «зардуштийлик» эса «мажусийлик» сифатида қўлланиб келинган. З. «оташ» ва «куёш» тангри *Ахурамазда* ўғли деб ҳисобланган. «Нур», «оташ» З. рамзи, тимсолидир. З. Ахурамазда олий худо ҳисобланганлиги учун З. маздаизм ёки маздаийлик деб ҳам аталган. З. таълимоти унинг муқаддас китоби – *Авестода* баён этилган. З. таълимоти дунёдаги ҳамма тартиблар яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқ, деб тушунтиради. Оламдаги ҳамма яхшиликларни Ахурамазда, ёмонликларни *Анхрамайну* ифодалайди. Анхрамайну Ахурамаздага қарши курашади, лекин уни енгишга ожизлик қилади. Бу кураш абадий давом этади. Яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш оламдаги жараёнлар мазмунини ташкил этади. Одам бу курашда танлаш эркинлигига эга бўлган, ўз фаоллиги билан дунёда адолат тантанасига таъсир эта оладиган шахсдир.

*Авестода* кўчманчилик ва деҳқончилик ҳаёт тарзи ўртасидаги қарама-қаршилик баён этилади, кўчманчиликка ҳамма ёвузликларни келтириб чиқарадиган ҳаёт тарзи деб қаралади ва у қораланади, деҳқончилик эса яхшилик белгиси сифатида рағбатлантирилади. З. динида олов гуноҳлардан тозаловчи сеҳрли куч деб қаралади. З. ахлоқий таълимоти «эзгу фикр», «эзгу сўз» ва «эзгу амал» дан иборат муқаддас учлик (ахлоқий триада)да ўз ифодасини топган. З. талабига кўра, ҳар бир инсон тангрининг яққою ягоналигини эътироф этиши, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин илм ўрганиши, турли касбларни эгаллаши, чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланиши, канал қазини, ер ўзлаштириши лозим. Энг асосийси – З. эътиқод эркинлиги мавжуд бўлган. З. инсонларни тенгликка, ҳамжихатликка, бир-бирига яхшилик қилишга, ер юзюда тинч-тоғув ҳаётни таъминлаш учун курашга чорлаган, унда маърифат зулматга, адолат зулмга қарама-қарши қўйилган. З. ҳар бир инсон бутун кучини ўзини камолатга етказишга сарф этмоғи лозим, деб уқтиради.

3. мурдани тупрокка кўмиш ёки куйдиришни тақиклайди. Бу дин жоннинг ўлмаслигини, унинг абадийлигини таян олади, жаннат ва дўзахни ҳам эътироф этади. *Оташқада* 3. ибодатхонаси ҳисобланади. 3. руҳонийлари алоҳида табақа сифатида ажратилиб, уларга махсус имтиёзлар берилган. 3. аршакиёлар ва сосонийлар подшоҳлиги даврида ҳукмрон динга айланган. 3. 13 аср давомида ажам мамлакатларида асосий дин бўлиб келган. Араблар VII аср ўрталари – VIII аср бошларида Эрон ва Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин ислом дини ҳукмрон динга айланган, зардуштийлар қувғин қилинган. 3. ҳозир Ҳиндистон ва Эронда мавжуд. Эроннинг Язд ва Гилон вилоятларида уларнинг сони 100 мингдан, Ҳиндистоннинг Махараштра, Гужарот штатларида 115 мингдан зиёдни ташкил қилади.

**ЗИДДИЯТ** – (мантикада) муҳокама юригишда, матнда ва назарияда бири иккинчисини инкор этадиган икки мулоҳазанинг мавжудлиги диалектикада предмет ва ҳодисаларга объектив равишда хос бўлган бир бутуннинг қарама-қарши (мусбат ва манфий, туғилаётган ва ўлиб бораётган, янги ва эски) томонлари, белгилари, йўналишлари ўрта-сидаги муҳим муносабатлар. Шу муносабатлар кураши табиат, жамият ва таффақур тараққиётининг манбаи, ҳаракатга келтирувчи кучи ва ички мазмунини ташкил этади.

**ЗАРУР МУДОФАА** – 1) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи манфаатларга ижтимоий ҳавфи суиқасдини содир этган шахсга нисбатан бундай касд қилишнинг пайини қирқиб учун қўлланилган мажбурий ҳаракат; 2) ҳужумдан ҳуқуқий ҳимоя қилиш. 3. м. ҳолатидаги ҳаракатлар агар меъёрдан ошиб кетмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди, натижада шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

**ЗИЁЛИ** – (лот. *тушунадиган, фикрлайдиган*) – жамиятдаги асосан ақлий, мураккаб ижодий фаолият билан шуғулланадиган зиёлилар тоифаси. Зиёлиларнинг пайдо бўлиши меҳнатнинг жисмоний ва ақлий меҳнатга бўлиниши билан узвий боғлиқдир. Антик ва Ўрта асрларда пайдо бўлган бу тоифа индустриал ва постиндустриал жамиятларда анчагина ривож топади.

**ЗУЛМ, ЗҶРЛИК** – том маънода давлат зулми ва зўравонлигини англатади. У икки маънода талқин этилади. Биринчи маънода, зўравонлик – ҳуқуққа таянган ва ҳуқуқ билан чекланган давлат ҳокимияти. Иккинчи маънода – ҳаракат субъектлари ёки нарсаларга онгли равишда зарар етказиш ёки уларни йўқ қилишни англатади. Давлат зўравонлиги ҳокимиятнинг алоҳида ҳолати ҳисобланади. Ҳокимият – ижтимоий ҳаракат иштирокчиларига таъсир этиш орқали фаолият юригиш имкониятидир. Ҳокимият доирасининг кенгайиши ва қучайиши турли омиллар (таҳдид, буйруқларга итоат этишга тайёр бўлиш, билим, обрў-эътибор ва х.к.).

**ЗҶРАКИ ЁКИ МАЖБҶРИЙ МЕҶНАТ** – қандайдир шахсдан бу шахс иҳтиёрий равишда ўз хизматларини тақлиф этмаган, қандайдир жазолаш ҳавфи остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизмат.

**ЗҶРЛИК ҚИЛИШ, МАЖБҶРЛАШ МАЖБҶРИЯТИ** – М.Вебернинг талқинича, ташкилотнинг мажбурлов орқали тартиб-интизомни сақлаш, белгиланган топшириқларни бажарилиши ҳақида қайғурадиган қисми.

**ЗАҶАРВАНДЛИК (ТОКСИКОМАНИЯ)** – психотроп моддаларга, шунингдек, дорилик хусусиятига эга бўлмаган, гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш руҳиятга фаол таъсир этувчи моддаларга руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касалликни келтириб чиқарадиган моддалар қиради.

## И

**ИБН СИНО** (Абу Али Ҷусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино; лот. Авиченна, 980–1037 йй.) – Ўрта Осиёлик қомусий олим ва машҳур мутафаккир. И.С. 280 дан зиёд асарлар мерос қолган. Улардан 50 таси тиббиётга, 40 дан зиёдроғи табиий ва ижтимоий соҳаларга, 3 та рисола мусикага, 185 таси фалсафа, мантиқ, психология, ахлоқ-одоб ва ижтимоий-

сиёсий муаммоларга тааллуқлидир. Олимнинг асарлари орасида «Шифо китоби», «Инсоф китоби», «Нажот китоби», «Тиб қонуни», «Билимлар китоби» ва бошқалар қатта аҳамиятга эгадир. И.С. таъбирича, фалсафа – назарий ва амалий фалсафадан иборат. У борлиқ, билиш, ахлоқ-одоб, ижтимоий-сиёсий муаммоларга, мантиқ масалаларига қатта кизикши билан қараган. Борлиқ вужуди вожиб (Тангри) ва вужуди мумкин (яратилган) борлиқдан иборатдир. Вужуди вожиб, вужуди мумкиннинг сабаби, биринчи моҳиятидир. Вужуди вожибга абадий фаоллик хос. Улар ўртасидаги фарқ вақт билан эмас, балки нафислик даражаси билан ифодаланади. Жисмларга хос ҳаракат, уларнинг умумий ўзгариши сифатида талқин этилади. Ҳаракат акцидентал (жисмнинг бошқа жисм таркибидан ҳаракат қилиши), мажбурий (жисмнинг ҳаракат сабаби унинг моҳиятидан ташқарида) ва табиий (жисмнинг имманент ҳаракати) ҳаракат шаклларида иборатдир. Вужуди вожиб абадий бўлганлиги сабабли унинг оқибати бўлмиш вужуди мумкиннинг мавжудлик усуллари – ҳаракат, вақт, макон ҳам абадий бўлади.

И.С. ўз табиий-илмий қарашларида жисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига таъсири тушунчалари орқали Ой, Кўёшнинг одамларга, ҳайвонот ва ўсимликлар оламига таъсирини ёритиб беришга ҳаракат қилади. У «Шифо китоби» ва «Табиат дурдонаси» асарларида солиштирма оғирлик, момақалдирок, нур, сароб, электр ходисаси, тоғ жинсларининг вужудга келиши ва уларнинг емирилиши борасида баҳс юритади. Воқеликни маънавий ўзлаштириш инсон аъзосига хос. И.С. таъкидлашича, инсоннинг ҳайвонлардан фарқи шундаки, Аллоҳ унга ақл инъом этган. У туфайли инсон эгуликни ёвузликдан, интеллектуал етукликни ёлгон-яшиқ, адашшидан, дўстин душмандан ажрата олади. Ақл нури инсонни тасодифий кучлар таъсиридан озод шахсга айлаттиради. Ақл «доншумандлик тарозиси»дир. Билиш жараёнида сезги аъзолари ва уларга таянган мушоҳада ақлнинг энг яқин кўмакчилари вазифасини бажаради. Мантиқ илми воситасида инсон билмаган нарсасини, олдин билиб олган нарсаси орқали билиб боради, тўғри тафаккур юритиш кўникмаларини ҳосил қилади. Жонли мушоҳадасиз воқеликни ўзлаштириб бўлмайди, лекин сезгилар далолатига асосланган эмпирик тушунчалар, тасаввурлар, кўп ҳолларда ҳодисалар моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

И.С. амалий фалсафасида ахлоқ-одоб, иқтисод, сиёсатдан баҳс юритилади. Улар инсон, оила, жамият манфаатлари, уларнинг ўзаро муносабатларини ўрғанади. Жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлишлари лозим. Бажариладиган вазифаларга қараб, улар мансабдор шахсларга, ишлаб чиқарувчилар, савдо-сотик билан машғул кишилар ва ҳарбийларга бўлинади. Жамиятнинг барқарорлиги одамлар учун бир хил мазмунга эга бўлган қонун ва унинг адолатига асосланади, лекин бу – жамият аъзоларини зўрма-зўраки, тенг ҳолатда сақлашдан иборат эмас. Барча кишиларнинг шох ва султонларга айланиши ёки ҳамманинг қашшоқ бўлиши нореалдир. Бундай вазият табиий ва ижтимоий қонун-қоидаларга зиддир. Уни ҳеч қандай куч-қудрат, истак-хоҳиш ўзгартира олмайди. Лекин шу масалада ҳам И.С. инсонпарварлик позициясида туриб, «Хизматкорларин ўзинига яқин тут, уларни силбат ташлама, уларнинг эҳтиёжларини тўғрисида ғамхўрлик қил, уларга нисбатан қаҳр-ғазабли бўлма, улар билан гўё дўстинг каби муносабатда бўл, уларни бахтсизлик онларида ёлғиз қолдирма, чунки улар ҳам инсонлардир», деб ёзади.

И.С. табиий-илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлари ўз даврининг кўзгусидир. Улар Яқин ва Ўрта Шарқ фалсафий тафаккур ривожига муҳим ўрин эгаллади. И.С. тиббиёт соҳасидаги шухрати фалсафа жабҳасида эришган мартабасидан кам эмас, албатта. Ўрта асрлар ва ундан кейинги даврда алломанинг исми қадимги тиббиётнинг йирик намойндалари Гален ва Гиппократ билан ёнма-ён қўйилиши бежиз эмас. У ўзининг кўп жилдли «Тиб қонунлари» орқали бутун жаҳонга машҳур бўлди. Бу асарда маҳаллий халқ ҳамда юнон, хинд, эрон ва араб тиббиёти эришган улкан ютуқлар умумлаштирилган ажойиб ғоялар илгари сурилган. Ушбу асар XII асрда лотинчага таржима қилингандан сўнг бутун Европа у билан танишишга муяссар бўлди. Беш аср давомида «Тиб қонунлари» ўрта асрлар Европаси ва Шарқ тиббиётининг синалган

пойдевори д. Ҷ санадиб келинди. У қайта-қайта нашр қилиниши жиҳатидан Инжил билан рақобат қилиш даражасига етганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. «Тиб қонунлари» ва тиббётга оид унинг бошқа асарларида қомусий илмлар соҳибининг табиий-алмий қарашлари ўзининг Ёркин ифодасини топган.

**ИБОДИЙЛАР (АБОДИЙЛАР)** – хорижийларга мансуб 4 асосий фирқа (жамоа)-нинг энг «муътадил» ҳисоблаванган қисми, Абдуллох ибн Ибоднинг (Еҳуд Абод) VII асрнинг ахқибчи ярми) издошлари. Басрадаги хорижийлар орасида бўлиниш содир бўлган: аздодийлар умавийларга қарши чиқилган, Абдуллох бўлса Басрада қолиб, қуролли курашдан воз кечган ва хорижийларнинг «муътадил» қанотига раҳбарлик қила бошлаган. И. фирқасининг ҳақиқий асосчиси ва раҳнамоси Жобир ибн Зайд (Уммонда туғилган, 717 йил) эди. И. одамларининг қилмишларини вужудга келтирувчи Аллоҳдир, деб билдирди. Ҳозирги Шимолий Африкада, Уммон, Занзибар оролида И. жамоалари мавжуд. Уларнинг диний эътиқод ва маросимлари суннийлик ва шиаликдаги оқим, фирқалардаги эътиқод ва маросимлардан ўзининг айрим хусусиятлари билан фарқ қилади.

**ИДЕНТИФИКАЦИЯ (АЙНАН ЎХШАШЛИК)** – (лат. «identifico» – ўхшатиш) – психология ва социологияда, индивидни бошқа одам, гуруҳ, миллат билан ўхшатиш жараёни. Мазкур тушунча Фрейд томонидан тақлиф этилган.

**ИЕРАРХИЯ** – (юн. «ieros» – муқадас, «архия» – ҳокимият) – мураккаб, бири бири билан муайян тартибда (қуйида юқорига) боғланган тизимларнинг ташкилий тузилмаси. «И» тушунчаси бешинчи асрнинг биринчи ярмида Арнопаглик Дионисий томонидан «Самовий иерархия» ва «Черков иерархияси» траткатларида киритилган эди. Ижтимоий ва сиёсий фанларда ушбу тушунча жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тузулишини, айниқса, бюрократияни тасвирлашда қўлланади. Бу борада амалга оширилган кўплаб тадқиқотлар жамиятдаги табақалашув, ундаги ижтимоий тенгсизликни ифода этувчи обрў-эътибор иерархияси, бойлик, ҳокимият, назорат иерархиясини таҳлилга бағишланган.

**ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ** – давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоқлардан бири. Маълумки, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлинади. Мазкур тамойил XVII–XVIII асрларда Англия ва Францияда назарий жиҳатдан асосланиб, феодал мутлақ яккоҳокимликка – монархияга қарши қаратилган ва халқ оммасининг кенг доираларини давлатни бошқаришга фаол жалб этишни кўзда тутган эди. Собиқ СССРда бу тамойил амалда инкор этиб келинди. Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бўлиниши тамойили мавжуд шароитларнинг ўзига хослигини инобатга олиш, жаҳондаги илгор демократик мамлакатлар тажрибасидан ижодий фойдаланиш асосида амалга оширилмоқда. Шунга кўра ижроия ҳокимияти давлат ҳокимияти тизимининг бир тармоғи ҳисобланади. Ўзбекистонда ижроия ҳокимияти Олий Мажлис қабул қилган қонунлар ва қарорларни, Президент фармонларини, ҳукумат қарорлари ҳамда фармойишларини ижро этиш, шу жараёнда юзага келадиган фаолият ва муносабатларини бошқаришдан иборат. Бу иш билан ижроия ва бошқарув ҳокимияти тизимига кирувчи махсус марказий ва маҳаллий давлат идоралари шугулланади. ЎЗР Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси – И.Х. бошлиғидир. Бундан ташқари, ижроия ҳокимият органлари тизимига Вазирлар Маҳкамаси – ҳукумат, вазирликлар, давлат қўмиталари, вилоятлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, улар раҳбарлигидаги бўлимлар, бошқармалар, шунингдек, қорхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг маъмурияти ҳам кирди. И.Х. органлари жамоавий раҳбарлик ва яккабошчилик асосида ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш йўли билан тегишли соҳаларни бошқариш, ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, уларни амалга оширади. И.Х. идораларининг тизими, ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари Ўзбекистон Конституциясига биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

**ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК** – жамият ва давлат ижтимоий муассасалари барқарор фаолият юритиши ва барча соҳаларда ривожланишини таъминловчи ички вазият, миллий хавфсизлиكنинг асосий омилларидан бири. Турли фаолият соҳаларида

(сиёсий, иқтисодий, мудофаа, ахборот, ҳуқуқ ва бошқалар) И.Б. барча чоралар билан таъминланади.

**ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ОМИЛЛАР** – аҳолининг ўсиш суръати, туғилиш ва ўлим даражаси кўрсаткичлари, таълим, ҳуқуқий ва сиёсий маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларининг ривожланиш даражаси.

**ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ** – тарихан вужудга келган ва ўта муҳим вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган жамиятни ташкил этиш ва бошқариш шакллари (мас. оила, дин, таълим ва ҳ.к.). Уларнинг ҳар бири ўзига хос меъёрлар, вазифалар, фаолият андозалари, махсус муассасалар, назорат тизимини назарда тутди.

**ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК** – жамият аъзоларини сиёсий-ғоявий ҳукмронлик, ижтимоий-миллий камситиш, субъектларнинг сиёсий, ижтимоий ва миллий мустақиллигида ижтимоий-сиёсий таҳдидлар, ижтимоий-сиёсий алоқаларни чегараланишидан ҳимояланиш ҳолатини ифодалайди.

**ИЖТИМОЙЛАШУВ** – (лот. «socialis» – *ижтимоий*) – индивид томонидан шахснинг жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида фаолият юритишга имкон берадиган муайян билимлар, меъёрлар ва қадриятларни ўзлаштириш жараёни. И шахсга ҳам тизимий ижтимоий таъсир этишни (гарбия орқали), ҳам унинг шаклланишига таъсир этувчи стихияли жараёнларни камраб олади. Кенг қўлланишга қарамай, мазкур атаманинг ҳозиргача барча эътироф этган талқини тақлиф этилмаган.

**ИЖТИМОЙ АПАТИЯ** – ижтимоий пассивлиқнинг шаклларида бири, сиёсий фаолиятнинг ҳар қандай шаклида иштирок этишдан бош тортиш.

**ИЖТИМОЙ ГУРУҲ** – ягона манфаат, қизиқиш, касбкор ва фаолият йўналиши жиҳатидан бирлашган кишилар уюшмаси. Кишилар муайян гуруҳларда яшаб, бир-бири билан узвий боғлиқлик ҳолатида фаолият юритади. Битта гуруҳ аъзолари умумий меъёрларга амал қилиб, умумий мақсад сари ҳаракат қилади. Гуруҳларнинг вазифалари бир хил бўлмайди. Индивидлар одатда кўплаб гуруҳларда иштирок этади. Барча гуруҳлар ўз аъзоларига унинг меъёрларига итоат этиши учун босим ўтказида. Гуруҳлар доимий, вақтинчалик, тасодифий, эркин ва мажбурий, формал ва неформал турларга бўлинади.

**ИЖТИМОЙ ЖАРАЁН** – муайян ижтимоий ҳодисанинг вақт жиҳатидан кечиши жараёни. Одатда улар жуфт ижтимоий жараёнларга ажратилади: гуруҳнинг ахлитлиги ва низолар; ташкилотда кадрлар барқарорлиги ва оқувчанлиги; жамият ижтимоий бирхиллигининг кучайиши ва ижтимоий табақалашув; эмиграция ва иммиграция; бандлик ва ишсизлик ва ҳ.к.

**ИЖТИМОЙ ИНТЕГРАЦИЯ** – нисбатан мустақил, бир-бири билан сушт боғланган индивидлар, гуруҳлар, синфлар, ёки давлатларнинг умумий мақсадлар негизида ахлит тизимга бирлаштирилиши.

**ИЖТИМОЙ МЕЪЁРЛАР** – фаолият андозалари ва ҳаракат қоидалари. Уларнинг бажарилишига муайян мажбурулов ёки санкциялар орқали эришилади. Ижтимоий меъёрлар ижтимоий муносабатларни тартибга солиди ва бошқаради.

**ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР** – муайян тарихий ижтимоий шаклларида, маълум шарт-шароит ва вақт мобайнида кимшилар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар.

**ИЖТИМОЙ МУҲТОРИЯТ** – (ингл. «аитопорту», «social») – индивид, гуруҳ ёки ташкилот томонидан иқтисодий, сиёсий ва маданий фаолиятни эркин амалга ошириш имконияти.

**ИЖТИМОЙ МУҲИТ** – инсонни ўраб турган ва унинг шаклланиши, яшashi ва фаолияти юз берадиган моддий, маънавий ва ижтимоий шарт-шароит. Бу шароит инсоннинг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказида. И.М. икки турли бўлади. 1. Микромуҳит. Шахснинг шаклланиши ва ҳаёти кечаетган бевосита шарт-шароит микромуҳит ҳисобланади. Унга жамиятдаги оила, ўқув, меҳнат жамоалари қиради. Шахснинг шаклланиши ва фаолияти мана шу шароит таъсирида кечеди ва кўп жиҳатдан уларнинг йўналиши, даражаси ҳамда бошқа сифатлари шу муҳит билан белгиланади. Иккинчи



томондан, шахс микромухитда фаолият олиб борар экан, бу фаолияти туфайли микромухит ҳам ўзгариб боради. Шахс микромухитга фаол таъсир кўрсатади. Шахснинг микромухитга таъсир даражаси унинг қуввати – ақл-заковати, эҳтироси ва иродаси билан белгиланади; 2. Макромухит. Инсон ва у яшайтган микромухитдаги ҳаёти ва фаолияти юз берадиган ижтимоий-иқтисодий, моддий ҳамда маънавий тизимлар макромухитни ташкил қилади. Микромухит мана шу тизимлар таъсирида шаклланади. Иккинчи томондан микромухит фаолияти таъсирида макромухит ҳам ўзгаради. Фалсафа фанида ҳозирги кунгача амал қилаётган анъанага кўра, ижтимоий мухитни микро ва макромухитга бўлиш жамиятнинг таркибий тизимини ўрганиш учун етарли эмас. Микромухит ёки микромухитлар, макромухит таркибига бевосита эмас, балки оралик тизимлар воситасида бирикади. Масалан, онла микромухит сифатида бевосита жамиятга эмас, аввало, маҳалла, халқ, элат, миллат, мамлакат таркибига киради ва сўнгра улар жамиятнинг парчасига айланади. И.М. таҳлил қилишда қатор фалсафий тизимларда, хусусан, марксизмда моддий ва иқтисодий омилларга асосий эътибор қаратилган. Маданий ва маънавий омилларга етарли аҳамият берилмаган. Ўзбекистон мустақиллиги даврида шаклланаётган фалсафий тизимда И.М. моддий омилларнинг аҳамияти инкор этилмаган ҳолда маънавий салоҳиятга катта ўрин ажратилмоқда.

**ИЖТИМОЙ СИЁСАТ** – ижтимоий захираларнинг қайта тикланиши, кенг ишлаб чиқариши вужудга келтирувчи ва ижтимоий тизим барқарорлигини белгиловчи давлат ички фаолиятининг асосий йўналишларидан бири. И.С. энг муҳим вазифаларидан бири: 1) очлик, эпидемиялар, табиий фалокатлар, демографик портлаш етказган зарарни қоплашда давлат қафолатини бериш; 2) моддий восита ва ташкилий саъй-ҳаракатларни жамиятда эришилган муайян турмуш даражасини сақлаб қолиш ҳамда ижтимоий кескинликни пасайтиришга хизмат қиладиган йўналишда қайта тақсимлаш; 3) турмуш даражасини бошқариш (солиқлар, воситалар, хайрия ишларини рағбатлантириш, тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш) орқали жамият ижтимоий ҳаётида маълум мувозанатни қафолатлаш. Аммо бу ҳол айрим вазиятларда, мас. наркобизнесга қарши курашда кескин чоралар қўллашни истисно этмайди.

**ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ОМИЛЛАР** – ЎЗР субъектларининг иқтисодий ривожланиш даражасининг тенглашиши, миллий ва маданий вазифаларнинг ҳал этилиши, соғлиқни сақлаш вазифаси каби масалаларни камраб олган.

**ИЖТИМОЙ ТАБАҚАЛАШУВ** – тадрижий тараққиёт, оддийдан мураккаблик сари ривожланиш жараёнида ижтимоий яхлитлитнинг бир-бири билан боғлиқ унсурларга ажратилиши. И.Т. авваломбор меҳнат тақсими, турли касб, статус ва гуруҳлар пайдо бўлишида яққол намоён бўлади. *Қаранг: интеграция.*

**ИЖТИМОЙ ТАНГЛИК** – ижтимоий адолатнинг бузилиши, ҳокимиятнинг турли бўғинларидаги коррупция, ўтиш давридаги танг аҳволни оғирлаштириб, жиддий ижтимоий зиддиятларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолат. И.Т. асосий кўрсаткичи ҳокимиятга кучли таъсир ўтказиш ҳамда унинг ўз кучини қўллаш даражаси ҳисобланади. Бу куйидагиларни ўз ичига олади: митинг – намоёнларнинг тез-тез такрорланиши ва давомийлиги; ОАВда танкидий чиқишлар жадаллашуви қуролли босқинчиликка нисбатан яққа ва жамоа тартибда ўзини мудофаа қилиш; бошқа давлатларнинг ички ва ташқи ишларига аралашмаслик: инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш; ўз ҳудудда халқаро тинчликка ҳавф туғдирмасликни таъминловчи шароит белгилаш; бошқа давлатлар билан низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш; биринчи бўлиб куч ишлатмаслик ёки куч билан бошқа давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига ҳамда халқаро ҳуқуққа зид бўлган бошқача тарзда таъжовуз қилмаслик; ўз мажбуриятларини бузайтган давлат ёки БМТ томонидан огоҳлантирувчи ёки мажбурловчи чора қўлланилаётган давлатга ёрдам кўрсатмаслик; ўз халқаро мажбуриятларини виждонан бажариш каби ҳолатлардан иборат.

**ИЖТИМОЙ ТИЗИМ** – кишилар ва улар ўртасида вужудга келадиган муштакам алоқалар, ўзаро боғлиқлик ва муносабатлардан ташкил топган яхлит ижтимоий бирлик. Ижтимоий тизимлар кишиларнинг биргаликдаги фаолиятни негизида пайдо бўлади.

**ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК** – муайян тарихий давр мобайнида жамият, синфлар, ижтимоий гуруҳ олдида турган вазибаларнинг бажарилишига йўналтирилган кишилар фаолият шаклларининг мажмуи. Бу ўринда ижтимоий фаоллик субъекти сифатида шахс, жамоа, ижтимоий гуруҳ, табақа, синф ва умуман жамият намоён бўлиши мумкин

**ИЖТИМОЙ ФИКР** – жамиятда амалга ошайтган жараёнлар, турли вазиятлар, воқеалар ва хатти-ҳаракатларнинг жамият аъзолари онгидаги инъикоси ва унинг маъқулланши ёки маъқулланмаслиги И.Ф. юз берган жараёни баҳолашдир. И.Ф. тушунчаси биринчи бор антик дунё фалсафасида намоён бўлди. Унинг кўриниши – «ошкор фикр» Протагорга кўра, кўпчилиكنинг фикридир. Платоннинг таъкидлашича, «Ошкор фикр» аристократлар фикри. Ушбу йўналишлар, кейинчалик ижтимоий-фалсафий фикрда изланишларга сабаб бўлди. Биринчи йўналиш тарафдорлари И.Ф. шундай куч деб билдиларки, у халқнинг давлат ишларида фаол иштирок этишни таъминлайди. Иккинчи йўналиш тарафдорлари И.Ф. ҳукмрон доиранинг мулоҳазаси жамиятга таъсир этиб, унинг сиёсий ҳукмронлигини эркинлаштирадиган куч деб билдилар.

XVII–XVIII асрларда И.Ф. давлат институтларига тегишли бўлмаган жамоалар мулоҳаза-ларини билдириб, сиёсий муаммоларнинг ҳал қилинишига таъсир этиб келди. XIX аср ўрталарида и.ф. тушунчаси Г.Тард асарларида ўз аксини топди. Ҳозирги ижтимоий-фалсафий таълимотларда И.Ф. қуйидаги концепцияларда ўз ифодасини топган: Луман концепцияси (коммуникация назарияси нуқтани назари асосида таҳлил қилинган); Хабермас томонидан ишлаб чиқилган ахлоқийлаштириш метёри концепцияси; Нозль-Нойман концепцияси. И.Ф. экспрессив, назорат ва маслаҳат функцияларини бажаради, муайян ижтимоий масалалар бўйича маълум позицияда туради, маслаҳат беради, қарор қилади, муайян тасаввурларни, кадриятларни, мезонларни қўллаб-қувватлаш ёки рад этиш орқали индивидлар, жамоалар ва ижтимоий муассасаларнинг хатти-ҳаракатини бошқаради. Баён қилиш мазмунига кўра, И.Ф. ўзининг баҳо берувчи, таҳлил қилувчи ва конструктив хулосалари билан фарқланади, шу баённинг белгиларига кўра, ижобий ва салбий хулосалар билан ифодаланади. Субъект – элтувчи сифатида И.Ф.лар, умуман, у ёки бу ижтимоий жамоалар ҳамда уларнинг таркибий бўлақлари тарзида – улар томонидан айтилаётган хулосаларнинг мазмун ва белгисидан, яъни «тарафдор» ёки «қарши» эканлигидан, улар «кўпчиликни» ёки «озчиликни» ташкил қилишидан қатъи назар намоён бўлади. Шунга мувофиқ ҳолда И.Ф. ўз таркибига кўра, монистик яқдил ёки ўзаро мос келмайдиган қатор нуқтани назарлардан иборат, плюралистик бўлиши мумкин. И.Ф. шаклланиш ва амал қилиш жараёнлари стихийли кечishi мумкин, лекин кўпинча И.Ф. онг терапийи турлича бўлган (бир томондан, фан ва мафкура, иккинчи томондан, қундалик онг) даражаларда ҳозирги жамиятдаги кўп сонли ижтимоий муассасалар, сиёсий ташкилотлар, оммавий ахборот ҳамда ташвиқот воситалари таъсирига дуч келиши мумкин.

**ИЖТИМОЙ ХАВФ** – хатти-ҳаракатлар, жараёнлар, воқеалар натижасида шахс, жамият, давлат учун жамият тараққиётининг барқарорлиги ва хавфсизлигини бузишга қодир бўлган салбий оқибатларнинг юзага келиши.

**ИЖТИМОЙ ХАВФСИЗЛИК ТАҲДИДИ** – бузишга ва вайронгарчиликка (қурбонларга) сабаб бўлган ҳодиса, жараён ва ҳаракатлар. Кенг маънода халқнинг ёки тарихий танловга мувофиқ келувчи ижтимоий тизимнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, руҳий-маънавий муносабатларнинг умумлашган йиғиндиси; тор маънода – урушлар, конфронтацион низолар, ижтимоий-сиёсий экстремизм, мамлакат тарихий тараққиёт йўлини танлаш ва жамиятнинг истиқболдаги мақсадини аниқлашга тўсқинлик қилаётган таъйиқлар тушунилади. Глобал ижтимоий хавф-хатарлар, дунёнинг бой ва камбағал мамлакатларга бўлиниб кетиши, кўпчилик давлатларнинг қоқоқлиги, адолатсиз муноса-

батлар, худбинлик ва «элитар» давлатларнинг йирткичларча сиёсати ҳам шулар жумласидандир.

**ИЖТИМОИЙ ШАРТНОМА** – келишув воситасида турли субъектлар манфаатларининг таъминланишига хизмат қиладиган ижтимоий механизм.

**ИЖТИМОИЙ ЎЗГАРИШ** – социал субъектининг бир ҳолатдан иккинчисига ўтиши. Қуйидаги ўзгаришлар: 1) жамият ижтимоий тузилмасидани ўзгаришлар; 2) социал институтлар ва социал тузилмадаги ўзгаришлар; 3) жамиятда белгиланган фаоллият андозаларидаги ўзгаришлар ижтимоий ўзгаришлар қаторига киритилади.

**ИЖТИМОИЙ ҚАДРИЯТЛАР** – тор маънода, инсоният маданияти ва ижтимоий онг маҳсули бўлган ахлоқий ва эстетик талаблар.

**ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТ** – социологияда каттагина кишилар гуруҳи томонидан муайян социал ўзгариш киритиш ёки аксинча, бундай ўзгаришларга йўл қўймаслик борасидаги хатти-ҳаракатлар

**ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР** – инсоннинг (ёки маълум бир давлат фуқаросининг) конституциявий ҳуқуқлари йиғиндиси, бу ҳуқуқлар унга давлатдан маълум бир шариотда белгиланган ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқини беради. Одатда, инсоннинг ижтимоий ҳуқуқлари жумласига қуйидагилар киради: ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, турар жой ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи. Инсоннинг ижтимоий ҳуқуқлар барча давлатлар конституциясида бир хил белгиланмаган.

**ИЗОЛЯЦИЯ** – индивид ёки ижтимоий гуруҳларни ажратиш (жиноятчилар, бедаво касаллар ва ҳ.к.). И. жамиятнинг бошқа аъзолари билан алоқаларнинг чекланиши билан характерланади. И. кишилар руҳиятига салбий таъсир этиши мумкин. *Қаранг: Агрессия.*

**ИККИ ҲОКИМИЯТЧИЛИК** – муайян давлатда бир вақтнинг ўзида ҳокимият тепасида бир-бири билан курашаётган ва жамият ҳаётини тўлиқ назорат этмаётган қарама-қарши кучлар мавжуд бўлган сиёсий вазият.

**ИЛҒОР ДАВЛАТЛАР** – ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мутлақ кўрсаткич даражаси юқори, ўз манфаатларини иқтисодийнинг юксак малакали ишчи кучи салмоқли тармоқларида мужассамлаштирган ва шу билан бирга, илмий-техникавий жараёнлар жадал суръатларда кечишини таъмин этаётган давлатлар. И.Д. жаҳон тарихида янги воқелик бўлиб, капитализмнинг ичдан ва ўзаро муносабатларда такомиллашиши туфайли пайдо бўлган сифат жиҳатдан янги жамиятлардир. Уларни инсоният келажагининг нишонлари деб билиш мумкин. Бу давлатлар бор кучларини юқори сифатли ҳамда энг илғор фан, техника ва технология асосида яратилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтиради.

**ИЛМИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ** – ЎЗР Олий суди ва Олий хўжалик суди қошидаги илмий-маслаҳат кенгаши

**ИММИГРАНТЛАР** – (лот. *«immigrans»*) – кўчиб келувчи, жойлашувчи) – бирор давлат худудига умрбод ёки узоқ муддатга келиб жойлашувчи ўзаро давлат фуқаролари.

**ИММИГРАЦИЯ** – бир давлат фуқароларининг бошқа давлатга вақтинча ёки умрбод яшаш учун кўчиб ўтиши.

**ИММИГРАЦИЯ КВОТАСИ** – бирон-бир давлат худудига киритилиши мумкин бўлган йиммигрантлар сонининг чекланиши.

**ИММУНИТЕТ** – (ингл. *«immunity»*, лот. *«immunitas»*) – бирон-бир нарсадан озод қилиш) – ҳуқуқ соҳаларида кенг қўлланиладиган атама, белгиланган субъектларга нисбатан умумэтироф этган ҳуқуқий меъёрлар қўлланилмаслигини билдиради. Халқаро ҳуқуқда, хусусан «давлат иммунитети», «дипломатия иммунитети» тушунчалари мавжуд. Конституциявий ҳуқуқда давлатдаги айрим мансабдор шахслар дахлсизлиги, хусусан, парламент (депутатлик) иммунитети, президентлик иммунитети ва ҳакамлар иммунитети молиявий ҳуқуқда эса «солиқ иммунитети» тушунчаси мавжуд.

**ИМОМИЙЛАР** – шиаликдаги асосий оқимлардан бирининг тарафдорлари, Али авлодига тааллуқли 12 имомни тан олувчи муътадил шиалар. И. 11 имом Ҳасан ал-Асқарий вафоти (873 й.)дан кейин унинг ёш ўғли Муҳаммадини охириги, 12 имом деб тан оладилар. И. шиаларнинг кўп тарқалган қисмидир. И. таълимоти ҳозирги Эроннинг давлат дини ҳисобланади. И. Ироқда аҳолининг деярли ярмини ташкил этади. И. жамоалари ливан, Қувайт, Баҳрайн, Саудия Арабистони, Иордания, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда бор.

**ИМПЕРИЯ** – (лот. *ҳокимиятга эгаллик, худратли, кучли*) – 1) қадимги Римда – сайловлар, қонунарни қабул қилиш, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш, шунингдек, олий суддаги халқнинг олий давлат ҳокимияти; 2) қадимги рим магистр-ҳукмдорларининг, Рим республикасида эса – консуллар, преторлар, диктаторлар, протопреторлар, шаҳар ва преториан префектлар ҳамда цензорларнинг олий ваколатлари. Олий давлат ҳокимияти уларга Рим халқи томонидан сайловлар ёки махсус қонун билан берилган; 3) император ҳокимиятига тобе бўлган ҳудуд; 4) авлоддан-авлодга император мақомига эга бўлган шахс томонидан бошқариладиган давлат; 5) метрополия – колония, марказ – марказлаштирилган сиёсий тизим.

**ИМПИЧМЕНТ** (инг. *«impeachment»*) – айблаш, жиноий жавобгарликка тортиш) – бир қатор хорижчй мамлакатларда давлатнинг юқори мансабдор шахслари жиноятлари учун жавобгарлигини жорий қилиш унинг алоҳида тартиби. И. тартибида ишларни кўриш вақтида парламентнинг қуйи палатаси судга ошириш вазифасини ўтайди, айбловни шакллантиради ва уни тегишли мансабдор шахсга тақдим қилади.

**ИМПОРТ** – (инг. *«import»*) – муайян мамлакатда тегишли маҳсулотларга эҳтиёж бўлган товарларни чет элдан етказиб бериш; хориждан олиб кириладиган товарлар мажмуи.

**ИМТИЁЗЛИ АКЦИЯЛАР** – эгаларига дивидендларни, шунингдек агар акциядорлик жамияти тугатиладиган бўлса, қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар.

**ИНВЕСТИЦИЯ** – (лот. *жойламоқ*) – маблағни, маълум бойликни, қўшимча даромад олиш мақсадида ишлаб чиқариш ёки бошқа соҳага жойлаштириш, маблағ сарфлаш. Демак, «И.» ва «мблағ сарфлаш» тенг кучли сўзлардир. Тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлар турларига қўшиладиган барча моддий ҳамда номоддий бойликлар И. ҳисобланади. Бу бойликлар қуйидагича бўлади: пул воситалари, мақсадли банк омонатлари, ҳиссалар, акциялар, сугўрта ҳужжатлари ва бошқа имматли қоғозлар; кузатиш мумкин бўлган ва кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар, усуналар ва бошқа моддий бойликлар); муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқадиган мулкйи ва номулкий ҳуқуқлар, бошқа интел-лектуал ҳуқуқлар; бошқа бойликлар.

Ўзини-ўзи қоплашга кўра, у зурак, ўрта ва қисқа муддатли И.га бўлинади. Узоқ муддатли И., асосан, қимматбаҳо ва мураккаб лойиҳаларда амалга оширилади, улар узоқ вақт мобайнида ўз-ўзини қоплайди (10 ва ундан ортқ йиллар), қисқа муддатли И. бир йилгача бўлади. И. масалалари билан инвестицион сиёсат (фаолият) узлуксиз боғлиқдир. И. сиёсат давлатнинг моддий ва маънавий бойликларни такрор ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишига қаратилган фаолиятдир. Замоनावий И. сиёсати – иқтисодиётда тубдан ўзгариш тар, қишлоқ хўжалигини замонавийлаштиришни амалга ошириш, табиий бойликларни ўзлаштириш, минтакаларнинг иқтисодий ривожланишдаги номунаносибликни бартараф этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, фан ва техникани ривожлантириш, экология муаммоларини ҳал этишнинг асосий усулидир. Мустақил Ўзбекистонда инвестицион сиёсат республикага чет эл И. жалб этишга қаратилган.

**ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ** – банк турларидан бири. И.Б. бир неча операцияларни бажаради: давлат ва корхона топширигига кўра эмиссиянинг миқдорн, шартлари ва муддатларини белгилайди; қимматли қоғозлар турини ажратади, уларни режалаштиришни ҳамда иққоламчи муомаласини ташкил этади. Чиқарилган қимматли қоғозлар ҳарид қилинишини кафолатлайди, қимматли қоғозларни ўз ҳисобидан ҳарид қилади ва сотади

ёки бунинг учун банк синдикатларини тузади. И.Б. харидорларга акция ва облигациялар харзини беради, тижорат банклари хизматига ўқшаш турдош ишларни бажаради.

**ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ** – қимматли қоғозлар чиқариш, уния учинчи шахс фойдасига жойлаштириш кафолатини бериш, қимматли қоғозлар учун маблағ тўлаш, уларни ўз номидан ва ҳисобидан олиш ҳамда сотиш ишларини амалга оширувчи юридик шахс.

**ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ** – инвесторларнинг пул маблағларини сафарбар этиш мақсадида уларни жамғарма номидан қимматли қоғозларга, банк ҳисоби ва омонатларга қўйиш учун акциялар чиқариш ва сотиб олишни амалга оширувчи юридик шахс.

**ИНВЕТОРЛАР** – қимматли қоғозлар учун ўзининг ёки ўз жавобгарлиги остида бўлган сармоя (маблағ)ни киритган юридик ёки jisмоний шахс, давлат идораси, ЎЗР ҳукумати томонидан белгиланадиган ҳолатлар ва шароитида эса, ўз ваколатли органлари сиймосида хорижий юридик шахслар ва давлатлар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар.

**ИНДЕКСАЦИЯ** – инфляция шароитида пул маблағлари ва турли даромадларни сақлаш усули.

**ИНДЕССАМЕНТ** – (ингл. «blank emdorsement») – вексель қоғозининг (бланкасининг) орқа томонидаги бировга ўтказиш ёзуви, ушбу ҳужжат бўйича ўзга шахсга берилган ҳуқуқ хусусидаги ёзув. Мазкур ёзувчи ёзган шахс И. дейилади.

**ИНДИВИД** – (лот. «булимас»), оғкининг бирлигига эга бўлган ва ўзининг jisмоний ва руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни англаб етадиган мавжудод.

**ИНДИВИДУАЛЛИК** – бир мавжудоднинг бошқасидан (асосан руҳий жиҳатдан) фарқлайдиган хусусият.

**ИНДУСТРИАЛИЗМ** – йирик машина индустриясининг ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидан устунилигини асословчи концепция.

**ИНДУСТРИАЛШУВ** – 1) меҳнат тақсимоли, энергиянинг турли манбаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишда фан ва техника ютуқларидан фойдаланишга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш босқичи; 2) қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга асосланган жамиятдан саноат етакчи ўрин тутган жамиятга ўтиш И. ишлаб чиқариш ва аҳолининг концентратшуви; шаҳарлашув; жамиятнинг ижтимоий, касбий ва бошқа тузилмаларида ўзгаришлар рўй берганлиги; давлат ва саноат бюрократиясининг ривожланиши; самарадорлик ва рационал ёндашувга йўналтирилган кадриятлар тизимининг шаклланиши билан тафсиқланади.

**ИНЖИЛ** – (юнон. «biblos» – китоб) – нуданизм ва насронийликда муқаддас ёзувлар сифатида қадрланган қадимий мантлар мажмуи. Иудаизм ва насронийлик томонидан Библиянинг дастлабки ва ҳажм жиҳатдан энг катта қисми. Насронийларда у «Қўхна Аҳд», христианлар томонидан қўшилган ва фақат улар томонидан танолинадиган қисми «Янги Аҳд» деб аталади.

**ИНЖИНИРИНГ** – чет эл буюртмачиси билан шартнома бўйича лойиҳа олди муҳандислик қидирув ишлари, илмий изланишлар, техникавий топшириқлар тузиш, лойиҳа тақлифлари, иқтисодий, молиявий ва бошқа характердаги бир қатор ишларни амалга ошириш.

**ИНКАССА** – (ингл. «collition of payments») – банк операциясининг бир тури, турли ҳужжатлар орқали (вексел, чек ва бошқалар) миқозлар номидан ва улар ҳисобидан банкнинг оладиган пули. Банк муассасаларидан ташқарида юреб пул йиғиш ва пул тўлашга вакил қилинган мансабдор шахс инкассатор дейилади. Турли тўлов хизматлари асосида банкдан нақд пул олишга инкассация дейилади.

**ИНСОНПАРАВЛИК** – («инсон» – арабча; «парвар» – фўрс-тожикча; «лик» – ўзбекча – кишига гамхўрлик, гуманизм) – одамзоднинг қадри, унинг эркинлиги, қобилиятлари ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, инсоннинг бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилиш, инсоннинг барча тамойиллари юзага чиқишига шарт-шароитлар яратиш маъносини англатади.

**ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ** – 1) инсонпарварлик мулоҳазалари, меҳр-муҳаббат туйгулари, инсонларга ғамхўрликдан келиб чиқиб, амалга ошириладиган ҳолис ёрдам; 2) уруш, жоғролар вақтида тинч аҳолини ҳаётини ҳаётини эҳтиёж учун зарур истеъмол моллари билан таъминлаш. И.Ё. тинчликни сақлаш дастури доирасида, шунингдек, мустақил дастур асосида ўтказилиши ҳам мумкин.

**ИНСОН ЗАҲИРАЛАРИ** – аҳолининг ишга лаёқатли, умумий ишлаб чиқариш ёки ҳарбий хизматга, шунингдек, мажбурий равишда қуроли кучлар ёки ҳарбий тузилмаларга жалб этилиши мумкин бўлган қисми. И.З. миқдори ва сифати давлатнинг жанговар, ҳарбий, иқтисодий салоҳиятини белгилайди.

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ** – шахснинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари, табиий ва умуман ҳар қандай ҳуқуқнинг асосий тушунчаси. И.Х. фуқаролик ҳуқуқлари, сиёсий эркинликлар, иқтисодий, ижтимоий, социал ва маданий ҳуқуқларни, шунингдек, болалар, аёллар, кам сонли миллатлар ва бошқ. ҳуқуқларни камраб олади. Аини вақтда инсониятнинг умумлашган ҳуқуқлари масаласи муҳокама этилмоқда.

И.Х. тарихи кишининг уруғга мансублик орқали ўзлигини англаш билан боғлиқ. Оддий ҳуқуқ (ҳарбий демократия, жамоавий ўзини ўзи бошқариш) орқали вужудга келадиган анъана ва қадриятлар И.Х. субъекти бўлиши мумкин. Антик полич фуқаросининг ажралмас ҳуқуқлари рим ҳуқуқида ривожлантирилган И.Х. дастлабки юридик шаклидир. Ўрта асрларда, бир томондан, айрим табақа ва сулолалар вакиллари шахсий ҳуқуқларининг кенгайиши, иккинчи томондан, ҳуқуқнинг турли иерархияларининг пайдо бўлиши кузатилади. Томпэм улардан энг машҳур ҳисобланади: абадий қонун (*eex aeterna*) – сакрал ҳуқуқ (*ius divinum*) – табиий ҳуқуқ (*ius naturale*), шунингдек, фуқаролик қонун (*eex humana* или *ius humanum*), (*eex civilis*) (ёки) ижобий ҳуқуқ (*ius positivum*) сифатида نامоён бўладиган қишлоқ қонун.

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЕВРОПА КОМИССИЯСИ** – инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимояси ҳақидаги Европа конвенцияси Европа Кенгаши томонидан 1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган ва 1959 йилда мос равишда ташкил этилган Европа Кенгаши органи. Европа Кенгаши Бош Котиби номига ва манзилига жўнатишган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши ҳақидаги ҳар қандай шахс, ҳар қандай нодавлат ташкилот ёки алоҳида шахслар гуруҳи томонидан ёзилган шикоятларни кўриб чиқади ва уларни рад этиш ёки Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига бериш ҳақида қарорлар чиқаради. Европа Комиссияси Котибиятининг фаолияти Европа Кенгаши Бош Котиби томонидан таъминланади.

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА** – фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Халқаро пакт ва иштиракчи давлатларнинг Пакт низомини бажаришини назорат қилиш учун шу Пактга онд факультатив протоколга мувофиқ, 1976 йил сентябрда ташкил этилган. Қўмита 18 аъзодан иборат бўлиб, улар шахсан эксперт сифатида фаолият кўрсатувчи ва мазкур Пактнинг иштиракчи давлатлари фуқароларидир. Қўмитанинг барча қарорлари тавсия кўринишида бўлиб, бирон-бир давлатга расмий равишда мажбурият юкламайди. Қўмита ҳар йили БМТ Бош ассамблеясига ўз фаолияти ҳақида маъруза тақдим этади.

**ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ** – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни таъминлаш тизими. Ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатловчи ҳужжатларга ЎЗР қонуни, биринчи навбатда, Асосий Қонун конституция, белгиланган ҳуқуқларга амал қилинишини таъминловчи аниқ ҳаракатларни кўзда тутувчи халқаро шартномалар кирради.

**ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ** – ўз ичига ҳуқуқ меъёрини, суд ҳимоясини, ташкилий, иқтисодий ва бошқа ҳаракатларни олувчи, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг йўлларида бири фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишларидир. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилган тақдирда, улар

процессуал қонунчилик қондаларига кўра, уларга нисбатан қилинган ғайриқонуний ҳаракатлар устидан маъмурий ёки суд тартибда шикоят келтиришлари мумкин.

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ** – БМТ Уставига эълон қилинган Декларация. Декларация халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни тўла амалга ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш, ижтимоий тараққиётни ривожлантиришга кўмаклашиш каби широрларга асосланган. БМТ Бош Ассамблеясида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган. Шу декларацияга биноан ҳар бир инсон миллати, жинси, irqи, табақаси, динидан қатъи назар, унда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳеч қандай чекланишсиз фойдаланиши керак. Декларация кириш қисм ва 30 моддадан иборат. Мазкур декларацияга кўра, ҳар бир шахс касб тавлаш эркинлиги, меҳнат қилиш ва унга ҳақ олиш, меҳнат шароитларини яхшилашни талаб этиш, ишсизликка қарши курашиш, ногиронлик, қарилик пенсиялари олиш, дам олиш ва вақтинча нафақа олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга. Декларацияга биноан, меҳнатқашлар касаба уюшмалари ташкил этишлари ва улардан ўз манфаатларини химоя қилишда фойдаланишлари мумкин.

**ИНСПИРАЦИЯ** – *лот.*, яширинча таъсир этиш.

**ИНСТАНЦИЯ** – *юр.*, бир-бирга қуйи-юқори муносабатда бўлган суд босқичлари.

**ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМ** – 1. Сийёсий иқтисоддаги йўналишлардан бири (Т. Веблен, Дж. Митчел). Унга кўра, иқтисодий ҳаёт ва иқтисодий категориялар институционал характерга эга. И. асосий эътибор давлат, хусусий мулк, солиқ тизими, дин ва монополияларнинг иқтисодиётга таъсирини қаратади. 2. Мавжуд институтлар, мас. оила, динга мансублик.

**ИНСТИТУЦИОНАЛ СИЁСАТ** – давлат томонидан меҳнат, мулк, молия, ижтимоий ва бошқа соҳаларга доир институтларнинг янгисини шакллантириш, эскиларини бартарф этиш ёки ўзгартириш борасида амалга оширадиган чора-тадбирлари.

**ИНТЕГРАЦИЯ** – (*лот.*, *тула*, *бутун*, *бузилмаган*, *бутунлик*) – умумият, бирликка эришишга йўналтирилган жараён ёки фаолият натижаси. Герберт Спенсер (1820–1903 йй.) фалсафасидаги, сочилган, сезилмайдиган ҳолатнинг ички жараёнларини секинлашуви натижасида зичлашиши ва сезилмайдиган даражага ўтиши тушунилса, дезинтеграция – бунинг акси, яъни зич жойлашган нарсанинг ҳаракат тезлашиши натижасида сочилган ҳолатга ўтишидир. Спенсер «интеграция» сўзини кўпинча, «агрегация» тушунчаси билан тенг маънода қўллайди. Унинг таълимотига кўра, Куёш тизими, сайёралар, организм, миллат ривожини интеграция ва дезинтеграциянинг бирин-кетин ўрин алмашинувлари натижасидир.

И. миллий иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан янги шароитга эга бўлиши, мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиши жараёни. И. жараёни, ривожланиш даражасига боглик ҳолда, бешта поғонага ажратилади: 1) эркин савдо минтақаси; 2) божхона иттифоқи; 3) умумий бозор; 4) валютавий-иқтисодий иттифоқ; 5) сийёсий иттифоқ. Мазкур борада Европа иқтисодий ҳамкорлиги (ЕИХ) – Европа Иттифоқи намуна бўлиб хизмат қилади. Унинг интеграция соҳасидаги тажрибасини бошқа минтақаларда ҳам қўллаш мумкин.

Ҳозирги пайтда дунёдаги кўплай И. ассоциациялари ЕИХ тажрибасига амал қилган ҳолда И. беш поғонасига асосланиб, фаолият юритмоқдалар. Эндиликда фақат поғонали интеграция моделига асосланган эркин савдо минтақалари (Лотин Америкаси эркин савдо ассоциацияси) ёки божхона иттифоқлари (Гарбий Африка божхона иттифоқи ва Марказий Африка иқтисодий-божхона иттифоқи) билан бир қаторда иқтисодий иттифоқлар ҳам ташкил этила бошланди (ЭКОВАС, 1975 й.).

Гарбий Европада Европа Иттифоқи (ЕИ) XX аср 80-йиллари ўрталаридан бошлэб ягона бозор ташкил этишни мақсад қилиб қўйди. Маастрих шартномасини тузиб, валютавий-иқтисодий иттифоққа ўтишнинг тартибини белгилаб олди. 1989 йилда Шимолий Африкада, 1994 йилда Канада ва АҚШ ўртасида эркин савдо минтақаси ташкил

этилиб, унга Мексика қўшилиши натижасида Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси шаклланди. Осиё-Тинч океан минтақасида 1989 йилда Осиё-Тинч океан иқтисодий кооперацияси (ОТИК) тузилди. Ҳозир бу ассоциацияга Тинч океани ҳавзасининг 20 дан ортик мамлакатини аъзо бўлиб, 2020 йилга бориб, унинг доирасида эркин савдо минтақаси ташкил этиш тўғрисида келишилган. Ундан аввалроқ, 1992 йилда Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо бўлган олтинчи мамлакат 2008 йилгача эркин савдо ассоциациясининг ташкил қилиш тўғрисида шартнома тузганлар.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК** – (ном. «*intellect*» – ақл; «*intelligence property*») – интеллектуал мулк) – ақлий фаолият натижаси бўлмиш илмий кашфиёт, тадқиқот, илмий асарга, тақлифга, ЭҲМга тайёрланган дастурлар, «ноу-хау», тажриба натижалари ва бошқаларга бўлган муносабат. И.М. – инсон ижодий фаолиятининг моддий ёки ғоявий кўринишидаги натижалари ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мулкий ҳуқуқлар мажмуи. И.М. объектлари ва улар билан бошқа муносабатлар ЎзР Фуқаролик кодексининг 4 бўлимига киритилган моддалар, шунингдек махсус қонунлар билан тартибга солинади. Миллий ва халқаро уюшмалар, ташкилотлар ва И.М. соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида 1967 йили Стокгольм шаҳрида бўлган анжуманда Жаҳон И.М. ташкилоти (ЖИМТ) тузилганлиги ҳақида Конвенция қабул қилинди. 1970 йил 26 апрелдан бошлаб Конвенция кучга киритди. ЖИМТ қошида тузилган турли иқтисослашган иттифоқлар фаол иш олиб боради. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида И.М. соҳасидаги бир неча халқаро жамиятларга, иттифоқларга аъзо бўлди, ЖИМТ қабул қилган Конвенцияларга қўшилди.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ХАВОСИЗЛИК** – шахс, жамият ва давлатнинг интеллектуал ҳамда маданий кадриятлари, мероси ва интеллектуал мулкнинг ҳимояланганлик даражаси.

**ИНТЕРВЕНЦИЯ** – (ном. «*interventio*» – аралашмоқ) – бир давлатнинг ёхуд бир неча давлатларнинг БМТ белгиланган давлатнинг ҳудудий бутунлиги ёки мустақиллиги, қўшилмаслик ёхуд бошқа тамойилларни бузиб, бошқа давлат ички ишларига аралашуви. И. ҳарбий-иқтисодий, дипломатик турлари бор. Ҳарбий И., шунингдек агрессия сифатида ҳам кўрилади. Бундан ташқари, интервент давлатларнинг миқдоридан келиб чиқиб яқка ва жамоат И., бошқа давлат ҳудудига ҳарбий куч ишлатиб бостириб киришини назарда тутувчи очик ва ёпик И. фарқлаш мумкин. Халқаро ҳуқуқ И. барча шакл ва кўринишларини таққайлади.

**ИНТЕРВЬЮ** – махсус тайёрланган интервьюер томонидан одамлар билан бевосита мулоқот юритиш воситасида тадқиқот дастури бўйича назарда тутилган саволлар бериш орқали социологик маълумотлар тўплаш усули.

**ИНТЕРПЕЛЛЯЦИЯ** – депутатлар томонидан умумий сиёсат ёхуд муайян вазирлик, идоранинг фаолияти бўйича тушунтириш беришни назарда тутадиган бош вазир ёки вазирга йўланган сўров. Айрим ҳолларда жамиятда жиддий ташвиш уйғотаётган масала юзасидан ҳам И. киритилиши мумкин. Шунинг И. бўйича одатда умумий муҳокама белгиланади, сўнгра тегишли сиёсий амалиёт қўлланади: овоз бериш орқали муайян вазир берган тушунтириш қониқарли ёки қониқарсиз экани аниқланади. Айрим ҳолларда муҳокама тегишли вазир ёхуд ҳукуматнинг бутун таркибига ишончсизлик билдирилиши мумкин. И. маълумот олишнинг кучли «силлигина эмас, балки депутатлар томонидан бевосита назорат этишининг ғоят самарали усулидир.

**ИНТЕРПОЛ** – 1919 йилда оғир жиноятларга қарши биргаликда курашиш учун ташкил этилган жинорий полициянинг халқаро ташкилоти бўлиб, замонавий кўринишида у 1956 йилдан, яъни жиноятчиликка қарши полиция халқаро ташкилотининг янги устави қабул қилингандан беря фаолият кўрсатмоқда. 160га яқин давлат И. аъзоси ҳисобланади. И. мақсади қуйидагилар: 1) полиция органларининг барча миллий органлар билан кенг миқёсдаги ҳамкорлигини таъминлаш; 2) жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш муассасаларини ривожлантириш; 3) сиёсий, ҳарбий, диний ёки миллатчилик характеридаги бирон-бир фаолиятни амалга оширишга руҳсат бермаслик. И. доимий



ҳаракатдаги органи – Бош Котибиятдир. И. билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни таъминлаш учун ҳар бир давлат миллий марказий идора ташкил этади. Бош қароргоҳи Лионда жойлашган (Франция). Ўзбекистон 1993 йилдан буён И. аъзоси ҳисобланади ва ЎЗР Ички ишлар вазирлиги қошида И. бош бошқарма мақомига эга бўлган Миллий Марказий Идораси ташкил этилган.

**ИНТУИЦИЯ** – 1) Ишотсиз, ялгариги тажрибага таянган ҳолда ва мантиқий мулоҳаза юритмасдан ҳақиқатга эришиш қобилияти; 2) Зеҳн, сезгирлик.

**ИНФЛЯЦИЯ** – (лот. «inflatio» – *шилшиш, кўтарилиш*) – нарх-наво умумий даражасининг ошиши, реал товарлар тақинфларига нисбатан пул массаси ортиб, пулнинг қадри қиммати ва харид қобилиятининг пасайиб кетиши. Иқтисодда вужудга келадиган муаммолар пул босиб чиқаришни қўпайтириш орқали ҳал қилинса ёки қозғоқ пуллар ҳажми ўзгармаган ҳолда, товар ҳажми камайса, И. юз беради. И, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига сабаб бўлишдан ташқари, корхоналарни узоқ муддатли инвестициялар жорий этишга мажбур қилади, ишлаб чиқариш салоҳияти ва техникани янгилашга қаратилган интилишларни сўндиради, бу билан иқтисодийётнинг қайта ривожланишига тўсқинлик қилибгина қолмай, унинг келажақда ривожланишининг сусайишига олиб келади. И.нинг куйидаги турлари мавжуд: 1) Интеграцияланган И. иқтисодий омиллар таъсирида рўй беради; 2) Кредит И. – ҳалдан ташқари кредит экспансияси натижасида вужудга келади; 3) Ўрмаловчи И. – суёт суръатларда ривожланувчи И. (нархларнинг ўртача йиллик ўсиши 5–10 фоиздан ортмайди); 4) Чопагон И. нархларнинг юкори суръатда – йилга 10 фоиздан 50 фоизгача кўтарилиши; 5) Гипер И. (нархлар ойига 50 фоиздан кўп ўсади); 6) Маъмурий И. – нархларни бошқариш йўли билан ошириш натижасида юзага келади; 7) Ижтимоий И. – нархлар, жамиятнинг махсусот сифатига бўлган талабнинг ортиши, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга ҳаракат қилиш натижасида ўсади; 8) Иқтисодий тушқунликнинг, ишсизликнинг ортиши ва ишлаб чиқаришнинг қисқариши билан боғлиқ И.

**ИНФРАТУЗИЛМА** – (лот. «infra» – *қуйида, пастда, «structura» – тузилиш, жойлашу*) – ҳудуд, ташкилот, муассасанинг моддий, техникавий ва бошқа институционал воситалар билан таъминлангани даражаси.

**ИНКИЛОБ** – (лот. «revolutio» – *инкилоб*) – жамият ҳаётида ишлаб чиқариш усули, ва билимнинг турли соҳаларидаги туб ва сифатий ўзгариш Сакрашлар, туб ўзгариш билан яқунланадиган И. тадрижий тараққиёт жараёнида зиддиятларнинг кескинлашиб бориши оқибати юз беради. И. қисқа муддатли ёки каттагина тарихий даврни қамраб олиши мумкин. И. ижтимоий тараққиёт ёки янсон томонидан оламни англаш ҳосиласи сифатида пайдо бўлиб, инсон ёки ижтимоий гуруҳ онги ва иродасига бўйсинмайдиган қонуний жараён бўлиб, мавжуд зиддиятларни ҳал этишнинг бошқа усуллари иш бермагани шароитида юз беради. Яъни ижтимоий тараққиётнинг объектив талаб-эҳтиёжлари И. тарихий муқаррарлигини белгилаб берса-да, унинг галаба билан яқун топишини қафолагламайди.

Ижтимоий фанларда ижтимоий, сиёсий, онг, маданият, санъат, дунёқарашдаги И. бир қанча турларга ажратилади. Жамият тараққиётининг маълум даврида зиддиятларнинг кескинлашуви оқибатида юз берадиган ижтимоий ва сиёсий И. ижтимоий муносабатлардаги янгилик ва эскилик ўртасидаги курашнинг энг кескин шакли ҳисобланади. Ижтимоий И. объектив асослари ишлаб чиқариш усуллари билан белгиланади; шу билан бир қаторда И. жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ташқи омиллар (уруш, босқин, ҳуқурон доираларнинг халқаро майдондаги сиёсати) ҳамда муайян ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилмаслиги билан изоҳланади. Ижтимоий И. орасида сиёсий И. алоҳида ўрин тутади. Бу жараёнда жамият иқтисодий ижтимоий асослари ўзгармаган ҳолда ҳокимият шакли ўзгаради. Сиёсий ва ижтимоий И. бир-биридан қўлама, характерли, ҳаракатлантирувчи кучлари, мақсад ҳамда вазифалари жиҳатидан фарқланади. Бу ўринда ижтимоий ва сиёсий И. қуйидаги турга ажратиш мумкин: антиимпериалистик (миллий-

озодлик, антиколониал), буржуа, буржуа-демократик, халқ И., халқ демократик, социалистик.

**ИНКИЛОБ (АКСИЛИНКИЛОБ) ЭКСПОРТИ** – хориждаги ташаббускорлар томонидан инкилобий (аксилинкилобий) жараёни система таъминлашга қаратилган сазй-ҳаракатлар.

**ИНҚИРОЗ** – муайян тизим фаолиятидаги ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келадиган тўхташ, танаффус. Маълумки, ижтимоий тизим турли инқирозларга, жумладан, сиёсий инқирозларга (мас. муайян сиёсат, ҳокимият, ҳукумат, парламент, қонунчилик ва ижроня ҳомияти ўртасидаги муносабатлар ва ҳ.к.) дучор бўлади. И. қуйидаги учта хусусияти мавжуд: 1) унинг тўсатдан, қутилмаганда юз бериши; 2) тизимга юзаки ёки чуқур таъсир этиши. Бу ҳолатларнинг ҳар бири тадрижий тараққиёт эътаётган, ривожланаётган ёки қотиб қолган тизим (сиёсат, сиёсий институт бундан буён ривожлана олмаслиги, барча имкониятлардан фойдаланиб бўлгани, ташқи таъйиққа қаршилиқ кўрса-та олмаслигини англатади).

**ИПОТЕКА** – кўчирилмас мулк (асосан ер эвазига) банк миқозига бериладиган узоқ муддатли қарз .

**ИРСИЯТ** – жонли организм хоссаларини тўғридан-тўғри, ота-онадан авлодларга ўтказиш қобилияти. Бу қобилият биологик эволюция жараёнида пайдо бўлиб ривожланади. Организмларда И. ўзгаришлари ташқи муҳит таъсири натижасида юзага келади. Бундай ўзгаришлар мутациялар деб аталади. Зарарли мутациялар организмнинг ҳалок бўлишига олиб боради, фойдалилари эса табиий танланиш билан мустаҳкамланиб қолади. Мутация ва табиий танланиш – биологик эволюциянинг асосий омиллари ҳисобланади. Организмларнинг ҳозирги турлари ана шу биологик эволюциянинг натижасидир. Замонавий биологиянинг кашфиётига кўра, молекулалар етарли даражада барқарор бўлган, ўз-ўзини қайта ҳосил қиладиган ва оксиллар синтезини регуляция этадиган моддалар организмда, И. моддий омиллари бўлиши мумкин. И. моддий омилларининг аниқланиши, тирик вужудларнинг бу қобилиятини гайри-табиий сабаблари ҳақидаги идеалистик тасавурларни рад этмоқда. Замонавий генетика И. маълум мақсадга қаратилган ўзгаришнинг муайян йўллариини очишга яқинлашиб қолди. Бу кашфиёт тирик табиатни билиш ва ўзгаришда муҳим босқич бўлади.

**ИРҚ** – биологик-антропологик хусусиятлари (терисининг ранги, қалласининг шакли, кўзининг тқзилиши ва ҳ.к.) билан ажралиб турадиган тарихан шаклланган йирик одамлар мажмуи.

**ИРҚИЙ ДИСКРИМИНАЦИЯНИ БАРГАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎМИТА** – ирқий дискриминациянинг барча шакллариини баргараф этиш бўйича халқаро конвенцияга (1966 й.) мос равишда 1969 йилда ташкил этилган. Қўмита шахсан иштирок этувчи ва 4 йил муддатга конвенциянинг иштирокчи давлатлари томонидан ўз фуқаролари ичидан адолатли жўғрофик бўлинган ва цивилизациянинг турли шакл вакиллари, шунингдек, асосий ҳуқуқий тизим асосида сайланган 18 та экспертлардан ташкил топган.

**ИРҚИЙ КАМСИТИШ** – ирқ, тана ранги, уруғчилик, миллий ёки этник келиб чиқиш белгиларига асосланган, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ёки ижтимоий ҳаётнинг исталган бошқа соҳаларида тенг асосларда инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларни тан олиш, фойдаланиш ёки амалга оширишни йўқотиш ёки камситишни мақсад ёки натижа биладиган ҳар қандай тафовут, истисно, чеклаш ёки устулик.

**ИРҚИЙ КОНФЛИКТ** – турли ирқ вакиллари ўртасида ижтимоий тенгсизлик ёки ирқий тасавурлар туфайли пайдо бўлган низо.

**ИРҚЧИЛИК** – турли ирққа мансуб одамларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан тенг эмаслиги, ирқий фарқларининг жамият тарихи ва маданиятига таъсирининг устуворлигини тарғиб этувчи гайриилмий концепциялар. И. барча турлари кишиларнинг қуйи ва юқори табақага бўлиниши, фақат юқори табақадагилар тамадунларни вужудга келтирган ва ҳукмронлик қилишга ҳақли, қуйи табақадагилар эса юксак маданиятни

Ўзлаштиришга қодир бўлмаган ва шу боис эксплуатация объекти бўлиши лозимлигини асослашга интилади.

Ирқларнинг табиатан тантсизлиги ҳақидаги илк тасаввурлар қулдорлик жамиятида пайдо бўлган эди. XVI–XVIII асрларда, Европа мамлакатлари колонияларни зуравонлик билан босиб олган даврларда, ирқчилик кишиларни аёвсиз эксплуатация қилиш, ҳатто Жанубий ва Шимолий Америка хиндулари, африкаликлар, Жанубий Осиё, Австралия, Океания туб аҳолисани қириб юборилишини оқлаб келган.

Биринчи Жаҳон урушидан кейин Германиянинг реакция доиралари орасида «нордик афсона», яъни немис тилида гаплашадиган кишиларнинг барча ирқлардан устунлигини тарғиб этувчи концепция кенг тарқалган эди. Гобино ва Лапуж қарашларидан озиқланган бу концепция нацислар сиёсатини қўллаб-қувватлаган кўпгина олимлар томонидан ҳам тарғиб этилган (Х.Гюнтер ва бошқ.).

Гитлер диктатура даврида ирқчилик фашизмнинг расмий мафкурасига айланди.. Урушдан кейинги даврда ирқчилик тарафдорлари ақлий тестлардан фойдаланган ҳолда турли ирқий гуруҳларнинг руҳий жиҳатдан заифлигини асослашга интиломда (мас. америкалик психологлар Г.Гарретт, О.Шай, Н.Дженсон ва бошқ. Аслида тест натижалари унда иштирок этаётганларнинг қайси ирққа мансублиги билан эмас, уларнинг ижтимоий аҳоли, меҳнат ва турмуш шароитлари билан белгиланади. Антропология, этнография ва бошқа фанлар соҳасида ирқлар ва халқларга доир амалга оширилган тадқиқот натижалари ирқчиликнинг асоссизлигини тўлиқ исботлаб берди..

**ИСЛОМ ДИНИ** – (араб. «аслама» – *худода ўзини топшириш, итоат, бўйсунуш; шундан «муслим» – бўйсунувчи, итоаткор*) – дунёда энг кенг тарқалган уч диннинг, яъни жаҳон динларининг (буддавийлик, христианлик ва ислом) бири. Ер юзидagi 5,7 миллиардга яқин аҳолидан деярли бир миллиарддан орტიқроғи унга эътиқод қилади.

«Муслим» сўзининг кўпчилиги «муслимун» шаклида ёзилиб, Марказий Осиё халқларида «мусулмон», форсларда «мусалмон», Шарқий Европада ўтмишда «басурман» тарзида талаффуз қилинган. «Муҳаммад» исми эса «Магомет» тарзида ёзилиб, ўқилган, шундан бу дин тарафдорлари русчасига «магометане» деб ҳам аталади.

И.Д. Арабистон ярим ороли, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Шимолий Африка, Индонезия, қисман Марказий Африка ва Ҳиндистонда тарқалган. Шу билан бирга, бу динга эътиқод қилувчилар жаҳоннинг деярли барча қитъаларида мавжуд. АҚШдаги қора танлилар, Япония аҳолиси, Кавказ ва Кавказорти аҳолисининг бир қисми бу динга эътиқод этади.

И.Д. VI–VII асрларда Арабистон ярим оролида шаклланган ва емирилиб бораётган қабилачилик ҳамда уруғчилик муносабатлари ҳамда қабилавий ҳудудлар ўрнига эл–юртни бирлаштишга, жиқлаштишга хизмат қиладиган яққаҳудоликка бўлган ижтимоий талабни қондиришга хизмат қилган. Ислom динининг илк ва асосий тарғиботчиси Муҳаммаддир (570, Макка – 632, Мадина). Ўз тарғиботини у 609–610 йилларда Маккада бошлаган ва қаршиликка учрагач, 622 йилда Мадинага кўчган. Араб тилида «кўчиш» – «ҳижра» дейилади ва шундан ҳижрий йил ҳисоби бошланади. Муҳаммад Мадинада ўз тарафдорлари сонини тезда кенгайтириб, Макканя ҳам ўз қўлига олган ва шу билан араб мусулмон давлати юзага келган. Муҳаммаднинг вафотидан сўнг давлатни унинг ўринбосарлари ёки ноиблари (арабча «халифа») бошқарган ва бу давлат «халифалик» деб атала бошлаган.

И.Д. таълимотининг асослари Қуръонда, ҳадисларда ҳамда илоҳиёт адабиётида ва уларга қўшимча манба сифатида яратилган Суннада ўз ифодасини топган. «Дин асослари» деб ном олган беш амалий маросимчилик – калима келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш имкони бўлса, ҳаж қилиш мусулмон бўлишнинг шартларидир. VIII асрда бошланган ислом динини асослаш XII асрда ислом динининг қонуи-қоидалари мажмуи – шариатни яшлаб чиқиш билан тугалланди. И.Д., аввал бошиданок, инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишга даъват қилади. Қуръонда «илм» сўзидан чиққан «алима» (билмоқ) сўзи 750 мартаба учрайди. И.Д. тарихий тараққиётда тадрижийлик, яъни босқичма-босқич ривожланиш, эволюцион тараққиёт тарафдори.

Барча динларда бўлганидек, И.Д. ҳам турли йўналиш ва оқимлар мавжуд. Тарих араёнида улардан фақат учтаси сақланиб қолган – суннийлик, шиалик ва ибодийлик. Суннийлик энг катта йўналиш бўлиб, ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 90 фоизини қамраб олади. Шиаликнинг суннийликдан фарқи шундаки, мусулмонлар жамоасига «пайгамбар кўёви ва тўртинчи халифа Али ибн Абу Талиб авлодлари раҳбарлик қилиши керак», деган талабни эътиқод, маънаб даражасигагача қўтарган.

И.Д. кибрни қоралайди, қабилачилик хурофотларига кескин қарши чиқади, ирқий биродарлик ўрнига инсоний биродарлик жамоаси – «умма» тушунчасини киритди. Бу нарса инсониятнинг маънавий тақомилида муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Мустақил Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатида И.Д. қобиғида ифода этилган умуминсоний қадриятларга жиддий ўрин ажратади; И.Д. халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётининг шаклланишида, юртимизнинг жаҳон маданиятининг йирик масканига айланишида муҳим аҳамият касб этгани таъкидланмоқда.

**ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ** – Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб қилувчи, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатиладиган атама. Аслида «фундаментализм» сўзи XX аср бошида америкалик протестантларнинг бир гуруҳига берилган ном бўлса-да, охириги пайтларда жаҳон матбуотларида мутаасиб ислом жангариларини фундаменталистлар деб аташ одат тусига кирди. И.Ф. турли-туман йўналиш ва қайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари сиёсий жаҳада, инкилобий ва ҳатто террористик усуллар билан қонуний ҳоқимиятга қарши курашда ўзларини намоян этсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига қириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш билан шугулланади. И.Ф. учун умумий бўлган ғоялар – гўёки динсиз ёки «соф исломдан чекинган» давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш ва, ниҳоят, уларнинг таъбири билан айтганда, исломда «ширк» (бутпарастлик)ка барҳам беришдир. Азиз авлиёлар қабрларига эъзоз билдириш, масалан, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф тариқатлари асосчиларининг рухипокларини ҳурматлаш ҳам ислом фундаментализми талқинида бутпарастликка қиради. Транспорт ва коммуникация воситаларининг тараққиёти юз бераётган, халқаро алоқалар тобора эркинлашаётган ҳозирги даврда ислом фундаментализми вақиллари ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилоқдалар. Кейинги вақтларда рўй бераётган террористик ҳаракатлар бу ҳодисанинг нақадар хавфли эканлигини ва унга қарши бирлашган ҳолда курашиш лозим эканлигини яққол қўрсатмоқда.

**ИСЛОМ ЭКСТРЕМИЗМИ** – қадимги ислом ғоялари ва анъаналарини қайта тиклаш шиори остида терроризмни уюштирувчилар

**ИСЛОХОТ** – (араб. «ислоҳот» – яхшилаш, тузатиш) – ислоҳ қилиш, тубдан ўзгартириш, қайтадан қуриш, янгидан ташкил қилиш. И. сўзи ўзбек тилида қадимдан мавжуд бўлиб, айниқса, XX аср давомида кенг қўлланилди (масалан, ер-сув И., Ёзув И. ва бошқ.).

**ИСТЕЪЛИШМЕНТ** – 1) жамиятдаги мустаҳкам ўрин; 2) жамиятда нуфузли ўрин эгаллаган ва мавжуд тузумни сақлаб қолиш, фаолият юритишида муҳим роль ўйнайдиган қатлам (ижтимоий гуруҳ).

**ИСТИҚЛОЛ** – (араб. «истиқлол» – қўтарилиш, қаддини ростлаш, ўсиш, юқори жойга эришиш) – ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шароити. Ўзбекистон 1991 йилнинг 31 августига ўз И. қўлга қиритиб, жаҳон майдонига чиқиб, қаддини ростлади. И. тўлиқ амалга ошириб бўлгандан кейингина мустақилликка тўла эришиш мумкин. «Мустақиллик» тушунчаси ҳам И. сўздан келиб чиққан И. қўпинча сиёсий мустақиллик маъносига қўлланади. И. эришган қўпгина давлатлар ҳали иқтисодий жиҳатдан қарамликдан тамоман қутўла олмаган бўлиши мумкин. И. сўзи «мустақиллик» сўзига нисбатан бирламчидир. И. сўзи «бошқаларга тоб» бўлмай, ўз эрки билан яшаш, ўзини ўзи идора қилиш, эркинлик» маъносини билдиради.

**ИХТИЛОФЛИ МАНФААТЛАР** — томонлар манфаатларининг туташган ҳолати бўлиб, улар бир-бирини ўзаро рад этмайдиган манфаатлардир. У, асосан, турли манфаатларга эришиш учун йўналтирилган бўлиб, иккинчи томон фаолиятига таҳдид солмайди.

**ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ** — ички ва ташқи сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзаро таъсири муаммоси сиёсатшунослик фанининг аъъанавийлик, сиёсий идеализм, марксизм, неомарксизм ва неореализм, структурализм ва транснационализм каби турлари ўртасида баҳсга сабаб бўлиб келаётган мураккаб муаммолардан биридир. Қўнгина ҳолларда давлатларнинг жўғрофий жойлашуви ва геосиёсий вазияти ушбу давлатда ички ёки ташқи сиёсатнинг бирламчилиги ёки устуворлиги геосиёсий марказларда нисбатан кам сезилса, геосиёсий марказдан йироқ, аммо иқтисодий-ижтимоий соҳаларда муаммолар тўпланиб қолган мамлакатларда ташқи сиёсатнинг иккўяламчи экани кузатилиши мумкин.

**ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ (ИИВ)** — фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жамяят хавфсизлигини таъминлаш ва ички ишлар ҳамда ИИВ қўшинлари маҳкамаси фаолияти, ўз ваколатини давлат бошқаруви доирасида амалга оширувчи ҳокимият органи.

**ИЧКИ ИШЛАРГА АРАЛАШМАСЛИК** — халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, маълум бир давлат ёки давлатлар гуруҳи, қандай сабаб бўлишидан қатъи назар, бошқа бир мустақил давлатнинг ички ва ташқи ишларига аралашмасликларини билдиради. Ҳеч қайси давлат бошқа давлат тузилишини зўрлик билан ўзгартиришга қаратилган ҳарбий, кўпорувчилик, террорчилик фаолиятини ташқил этиш, қўллаб-қувватлаш ёки шуларга ўхшаш хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги лозим. Ҳар бир давлат бошқа бир давлатнинг ташқаридан қандай шаклда бўлмасин, аралашувисиз ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тизimini танлаш ҳуқуқига эгадир. Ҳуқуқларнинг ҳар томонлама бузилиши натижасида кўплаб одамлар қурбон бўлсалар, тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солинса, ўша давлатга нисбатан БМТ Хавфсизлик кенгашининг қарорига биноан, мажбурий чоралар қўлланиши аралашмаслик тамойилига хилоф ҳисобланмайди. Халқаро ҳамжамяят бундай давлатларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига путур етказувчи жанжалларни бартараф этишда четда тура олмайди.

И.И.А. тамойили ўз худуди доирасида амалга ошириладиган халқаро ҳуқуқий мажбуриятларнинг бузилишига асос бўла олмайди. Бу тамойил давлатнинг ички ҳуқуқлари ва вазибалари доирасига тааллуқли бўлган ҳамкорлик қондасига ҳам зид эмас: БМТ Низомида ички хусусиятга эга бўлган анчагина масалалар, масалан, ҳаёт даражасини кўтариш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш шароитида аҳолини иш билан тўла банд этиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, аτροφ-мухитни муҳофаза қилиш ва ҳ.к. бўйича давлатларнинг ҳамкорлик қилишлари кўзда тутилган.

И.И.А. тамойили давлатларнинг нафақат ички, балки ташқи ишларига ҳам тааллуқлидир. Давлатлар ўзларининг суверен тенгликларидан келиб чиқиб, бир-бирларининг ҳуқуқларини ўзаро ҳурмат қилишлари, ўз хоҳишларига кўра, халқаро ҳуқуқка асосан, бошқа давлатлар билан муносабатларини аниқлаш ва амалга оширишга мажбур-дирлар: шунингдек, улар бир-бирларининг халқаро ҳуқуқ субъектчилигини ҳам ҳурмат қилишлари лозим. Яъни ҳар бир мустақил давлат халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ёки бўлмаслик, халқаро шартномаларда қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳамда бетараф қолиш каби масалаларни ўзи мустақил ҳал қилади. Ҳеч бир давлат бошқа давлатнинг ташқи ишларини ўз хоҳишидан бошқачароқ амалга оширишга мажбур этиш ҳуқуқига эга эмас.

ЎзР суверен давлат ва халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан тан олинган меъёрларининг устуворлигига амал қилиб, ЎзР Конституциясининг IV бобида ташқи сиёсатнинг асосий тамойиллари, Ўзбекистоннинг бошқа давлатларнинг И.И.А. тамойилини ҳам мустаҳкамлаган. Бу талаб ва қондаларга тўла риоя қилинмоқда. Ўзбекистоннинг бошқа давлатларнинг И.И.А. тамойилига содиқлиги Президент И.А. Каримовнинг БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар

минбарларидан туриб, ушбу минтақадаги вазиятни юмшатиш тўғрисидаги қатор чиқишлариди ўз ифодасини топди.

**ИЧКИ СИЁСАТ** – давлат, унинг институт ва тузилмаларининг иқтисодий, демографик, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларга доир мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни сақлаб қолиш ёки ислох этишга йўналтирилган фаолияти мажмуи. И.С. амалга оширишда давлат турли воситалардан фойдаланади: мулк муносабатларини мустаҳкамлаш ва ислох этиш; солиқ воситалари ва имтиёзлари; иқтисодийнинг давлат секторидида иш жойларини ташкил этиш орқали бандликни бошқариш, ижтимоий тарбия, умумий ва махсус таълимни ташкил этиш; соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасида турли тadbирларни амалга ошириш; жиноят қидирув, суд ижтимоий таъминот тизимини ташкил қилиш ва х.к.

**ИЧКИ ХАВФСИЗЛИК** – давлатнинг миллий манфаатлари, қадриятлари ва ҳаёт тарзига давлат ҳудуди ва бошқарувида бўлган жараёнлар, ташкилотлар, шахс ва объектлар томонидан тугдирилайётган хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоялангани. Ташқи ва ички хавфсизликка таҳдидлар халқаро, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий (мудофаа), ахборот ва бошқа турларга бўлинади.

**ИЧКИ ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ** – муайян давлатнинг ички ҳаётида юз бераётган ва халқаро характерга эга бўлмаган қуроли тўқнашув.

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ҚУЧЛАР** – ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларининг йиғиндиси. Асосий И.Ч.К. моддий неъматлар яратувчи ишчилар ва меҳнат воситалари қиради.

**ИШОНЧ ЁРЛИГИ** – бирор шахснинг муайян мамлакатда элчи ёки дипломатик вакил сифатида тайинланганлигини тасдиқловчи расмий хат шаклидаги махсус ҳужжат. Ёрлик хорижий давлат бошлиғи номидан қабул қилувчи давлат бошлиғига йўланади. И.Ё. мазкур шахсга давлат манфаатларини ифодалаш топширилганлиги, унинг сўзлари ва ҳаракатларига ишониб лозимлиги таъкидланади. Давлат бошлиғи томонидан ишонч ёрлигининг қабул қилиниши тайинланган ва етиб келган хорижий мамлакат ёки халқаро ташкилот элчиси ёки дипломатик вакили мазкур давлатда аккредитация қилинган, яъни ўз вазифаларини бажаришга расман киришини билдиреди. Дипломатик вакиллар вазифаларининг тугаши давлат бошлиғига чақирув ёрлигини тақдим этиш билан расмийлаштирилади. ЎзРнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби 1992 йил 3 июлдаги «ЎЗР хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонун билан белгиланади. Мазкур қонун 1961 йилги «Дипломатик муносабатлар тўғрисида»ги Вена конвенциясига ва бошқа умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва қондаларга тўла мувофиқдир.

**ИШСИЗЛИК** – аҳолининг ишга яроқли қисмининг «ортиқча», меҳнат захира армиясига айланиши. И. йирик саноат ривожланган мамлакатларда иқтисодий ҳаётнинг ўта зарарли ҳодисаси ҳисобланади. Катта бозорлар учун махсулот ишлаб чиқарадиган йирик саноат корхоналари инқирозга юз тутиши мумкин. Оқибатда турли сабабларга қўра, муайян махсулотга талабнинг кескин тушиб кетиши, корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ҳажминининг қисқартирилиши ва йирик саноат марказларида тўпланиб қолган қўшлаб ишчиларнинг ишдан маҳрум бўлиб қолиш ҳоллари кузатилади.

**ИШ ТАШЛАШ** – ишчилар ёки хизматчилар томонидан корхона эгаси томонидан иқтисодий, ижтимоий сиёсий талабларини бажаришга мажбур қилиш учун оммавий иш ташлаши.

**ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК** – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш соҳасида юз берган, жумладан хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ жиноий жазога сазовор қалмишидир. Ноқонуний ўзлаштириш йўли билан қилинган ўғирлик, камомад, хизмат мавқеини суистеъмол этиш, савдо тартибини бузиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш ва х.к.

**ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР БЎЙИЧА ҚЎМИТА** – БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгаши қарорларига мувофиқ равишда 1985 йилда тузилган; иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Халқаро пактининг бажарилиши назоратини амалга оширади; 15 экспертдан ташкил топган.

**ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ** – иқтисодий ривожланиш даражаси аксарият ҳолларда бир хил бўлган миллий иқтисодиётлар ўртасида чуқур иқтисодий алоқалар ва меҳнат тақсимоти ривожланиши жараёнидир. У халқаро ҳамкорлик жараёнида юз берадиган мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқалари, уларнинг бозор алоқаларининггина қамраб олиш билан чекланмай, бу мамлакатлар моддий ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ҳар томонлама қамраб олиб, уларнинг такрор ишлаб чиқариш тизимлари ўртасида турли даражада ва шаклларда ўзаро алоқаларни тақозо қилади. И.И. умуий интеграциянинг энг муҳим қисми ва ҳал қилувчи йўналиши бўлиб, унинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд: 1) эркин савдо минтақаси; 2) боғжона иттифоқи; 3) умумий бозор; 4) тўлиқ иқтисодий иттифок. И.И. ўзига хос хусусияти унинг минтақавий характерга эга эканлигидадир; одатда унинг ривожланиши учун, биринчидан, сиёсий замин зарур, иккинчидан, иқтисодий ҳудуд жиҳатидан ўзаро яқин жойлашган мамлакатлар ўртасида амалга ошади.

Ҳозирги даврда дунёда ўнлаб мамлакатларнинг оддий бирлашмалари мавжуд. Масалан, интеграция жараёнлари Ғарбий Европа (Европа ҳамкорлиги), Жануби-шарқий Осиёда (АСЕАН), Шимолий Америкада (НАФТА) тез суръатларда ривожланмоқда. ЎЗР мустақилликдан сўнг, турли даражада интеграция жараёнларида фаол қатнашмоқда. Бунга мамлакатимизнинг минтақавий даражада – Марказий Осиё, субминтақавий даражада – МДХ, глобал даражада – Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига интеграция жараёнида иштирокини мисол сифатида келтириш мумкин. Энг катта истикболга эга интеграцион жараён – 1994 йили Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил этилган Марказий Осиё умумий бозорининг ривожланишидир. Ушбу шартномада минтақавий интеграцион алоқаларини кучайтириш бўйича қатор тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Улар қаторига ёнлиғи-энергетика мажмуини, транспорт ва ахборот тизимларини, минтақа сув ҳўжалик тизимини ривожлантиришнинг ягона дастурларини ишлаб чиқиш; умумминтақа эркин савдо ҳудуди ва боғжона иттифоқини ташкил этиш; банклараро ҳисоб-китобларнинг самарали минтақавий тизимини шакллантириш; бюджет сиёсати, пул-кредит, валюта муносабатларида мутаносибликка эришиш; минтақа доирасида давлатлар иқтисодий қонуңчилигини яқинлаштириш ва ҳуқуқий-меъёрий актлар мувофиқлигига эришиш; қўшма корҳона, молия-саноат гуруҳлари тузиш учун зарур шарт шартонлар яратиш; ишлаб чиқариш кооперациясининг турли хил давлатлараро шакллари амалга оширишни (корпорация, ассоциация, бирлашмалар ташкил этиш) киритиш кўзда тутилган ва бу режалар аста-секин амалга оширилмоқда.

**ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ** – (ингл. «crisis») – иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, иқтисодиёт ривожланиши жараёнида ишлаб чиқаришнинг бузилган пропорцияларининг қайта тикланиши. И.И. ишлаб чиқариш ҳажмининг мутлақ камайиши, капитал қўйилмаларнинг қисқариши, ишсизликнинг ортиши, пул-кредит, валюта-молия тизимидаги камчиликлар, пулнинг кадрсизланиши.

**ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ** – жамият аъзоларининг иқтисодий ҳаётдаги оммавий ижодий иштиққининг, уларнинг иқтисодий билимлари, ҳўжалик юрнтишдаги маҳорати ва малакаси, иқтисодий фикрлаши ва тафаккури ривожланилигининг сифат тавсифи. И.М. иқтисодий ҳаёт соҳасида кишилар томонидан эришилган натижаларни, жамият томонидан қўлга киритилган иқтисодий тажрибани нисбатан умумлашган ҳолда акс эттиради. У иқтисодий сиёсатнинг таъсирчанлигига, бошқарувнинг сифатига, ҳар бир ходим меҳнатининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади, иқтисодий қонуңлардан фойдаланишнинг тўлақонли эканлигини аңлатади.

**ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК** – муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий, маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган махсулотдан тушган миллий даромадга

**ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР БЎЙИЧА ҚЎМИТА** – БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгаши қарорларига мувофиқ равишда 1985 йилда тузилган; иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Халқаро пактнинг бажарилиши назоратини амалга оширади; 15 экспертдан ташкил топган.

**ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ** – иқтисодий ривожланиш даражаси аксарият ҳолларда бир хил бўлган миллий иқтисодиётлар ўртасида чуқур иқтисодий алоқалар ва меҳнат тақсимоли ривожланиши жараёнидир. У халқаро ҳамкорлик жараёнида юз берадиган мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқалари, уларнинг бозор алоқаларининггина қамраб олиш билан чекланмай, бу мамлакатлар моддий ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ҳар томонлама қамраб олиб, уларнинг такрор ишлаб чиқариш тизимлари ўртасида турли даражада ва шаклларда ўзаро алоқаларни тақозо қилади. И.И. умумий интеграциянинг энг муҳим қисми ва ҳал қилувчи йўналиши бўлиб, унинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд: 1) эркин савдо минтақаси; 2) божхона иттифоқи; 3) умумий бозор; 4) тўлиқ иқтисодий иттифоқ. И.И. ўзига хос хусусияти унинг минтақавий характерга эга эканлигидадир: одатда унинг ривожланиши учун, биринчидан, сиёсий замин зарур, иккинчидан, иқтисодий ҳудуд жиҳатидан ўзаро яқин жойлашган мамлакатлар ўртасида амалга ошади.

Ҳозирги даврда дунёда ўнлаб мамлакатларнинг оддий бирлашмалари мавжуд. Масалан, интеграция жараёнлари Ғарбий Европа (Европа ҳамкорлиги), Жануби-шарқий Осиёда (АСЕАН), Шимолий Америкада (НАФТА) тез суъратларда ривожланмоқда. ЎзР мустақилликдан сўнг, турли даражада интеграция жараёнларида фаол қатнашмоқда. Бунга мамлакатимизнинг минтақавий даражада – Марказий Осиё, субминтақавий даражада – МДХ, глобал даражада – Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотида интеграция жараёнида иштирокини мисол сифатида келтириш мумкин. Энг катта иштиқболга эга интеграцион жараён – 1994 йили Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил этилган Марказий Осиё умумий бозорининг ривожланишидир. Ушбу шартномада минтақавий интеграцион алоқаларини кучайтириш бўйича қатор тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Улар қаторига ёнилги-энергетика мажмуини, транспорт ва ахборот тизимларини, минтақа сув ҳўжалик тизимини ривожлантиришнинг ягона дастурларини ишлаб чиқиш; умумминтақа эркин савдо ҳудуди ва божхона иттифоқини ташкил этиш; банклараро ҳисоб-китобларнинг самарали минтақавий тизимини шакллантириш; бюджет сиёсати, пул-кредит, валюта муносабатларида мутаносибликка эришиш; минтақа доирасида давлатлар иқтисодий қонуinchилигини яқинлаштириш ва ҳуқуқий-меъёрвий актлар мувофиқлигига эришиш; қўшма корхона, молия-саноат гуруҳлари тузиш учун зарур шарт шартонлар яратиш; ишлаб чиқариш кооперациясининг турли хил давлатлараро шакллариини амалга оширишни (корпорация, ассоциация, бирлашмалар ташкил этиш) киритиш кўзда тутилган ва бу режалар аста-секин амалга оширилмоқда.

**ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ** – (ингл. «crisis») – иқтисодий ўсиш суъратларининг пасайиши, иқтисодиёт ривожланиши жараёнида ишлаб чиқаришнинг бузилган пропорцияларининг қайта тикланиши. И.И. ишлаб чиқариш ҳажмининг мутлақ камайиши, капитал қўйилмаларнинг қисқариши, ишсизликнинг ортиши, пул-кредит, валюта-молия тизимидаги камчиликлар, пулнинг қадрсизланиши.

**ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ** – жамият аъзоларининг иқтисодий ҳаётдаги оммавий ижодий иштиг қилиниг, уларнинг иқтисодий билимларни, ҳўжалик юритишдаги маҳорати ва малакаси, иқтисодий фикрлаши ва тафаккури ривожланганлигининг сифат тавсифи. И.М. иқтисодий ҳаёт соҳасида кишилар томонидан эришилган натижаларни, жамият томонидан қўлга киритилган иқтисодий тажрибани нисбатан умумлашган ҳолда акс эттиради. У иқтисодий сиёсатнинг таъсирчанлигига, бошқарувнинг сифатига, ҳар бир ходим меҳнатининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади, иқтисодий қонунлардан фойдаланишнинг тўлақонли эканлигини аңлатади.

**ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК** – муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий, маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган маҳсулотдан тушган миллий даромадга



ва уни тақсимлашга ягона эгаллик қилиши. Ўзбекистон мисолида И.М. умумжаҳон цивилизациясига, давлат ва жамият қурилишининг халқаро тажрибаларига, миллий анъаналарга, иқтисодий кадриятларга асосланган. И.М. таъминлашнинг асоси – мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги, унинг бир маромда мувозанатни сақлаган ҳолда ривожланишидир. Иқтисодий барқарорлаштириш – бозорни шакллантириш бўйича қонуналар билан белгиланган муқаррар жараён. У танглик ҳолатига барҳам беришга қаратилган. Бунда ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари даражаси ўртасидаги мувофиқликка иқтисодий қонуналар орқали эришилади. Бозорда талаб билан тақлиф ўртасида қулай мувозанат юзага келади. Жонин тажрибасида иқтисодий барқарорлаштиришнинг бир неча кўринишлари мавжуд: 1) монетар ёндашув бўлиб, у пулнинг кадрсизланиши даражасини пасайтириш туришга, пул ҳажмини кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланган. Бундай ёндашув чуқур иқтисодий қайта ўзгартиришларни таъминламайди, аксинча, ишлаб чиқаришнинг моддий ҳажмлари камайишига, инвестиция фаолияти тўхтаб қолишига олиб келади; 2) ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб, таркибий ўзгаришларни амалга оширади, иқтисодий номунасосибликларга барҳам беришга асосланиб ёндашади. Ўзбекистонда иқтисодий ён барқарорлаштиришнинг ўзига хос йўли танланди. Бу йўл қуйидагилардан иборат: макроиқтисодийда мувозанатни сақлаш; таркибий ўзгаришларни таъминлаш; ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида давлат таъсирини мувофиқлаштириш ва юксак меҳнат интизомини таъмин этиш; аҳолини иқтисодий кўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш; пулнинг кадрсизланишини тўхтатиб қолдиш чораларини кўриш; давлат бюджетни ва корхоналар молиявий аҳолини барқарорлаштириш имкониятини яратиш; тўлов баланси ва давлат валюта захиралари ҳолатини яхшилаш, сўмини айирбошлаш, сўм курсининг барқарорлигини таъминлаш. Ички имконият, салоҳият ва захираларимизнинг чексиз бой ва ранг-баранг эканлигини кўзда тутиб, давлатимиз И.М. йўлида муваффақиятли одимлаб бормоқда.

**ИҚТИСОДИЙ РАҚОБАТБАРДОШЛИК** – миллий иқтисодийнинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик доирасида ўз таъсир даражасини сақлаб тура олиш ва уни кучайтириш ҳамда шароитга мослашувчан бўлиш қобилиятини ифодалайди. Мамлакат у ёки бу соҳада рақобат имкониятларига эга бўлиши учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим: а) омилларга боғлиқ шароитлар (арзон нарҳда ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари, малакали ишчи кучи: капитал, инфраструктура, техника янгиликларининг татбиқ этилганлиги); б) тармоқ маҳсулотига ички талаб шароитлари; в) рақобатбардошлик шароитини яратувчи яқин тармоқларнинг мавжудлиги; г) фирмаларнинг сифати, уларнинг тармоқ ичида ва ички бозорда улар ўртасидаги рақобат хусусияти. Бу шарт-шароитларнинг ҳар бири мамлакатда мавжуд компаниялар амал қилувчи муҳитни яратди. Мамлакат муайян соҳада рақобатдош бўлиши учун юқоридаги шарт-шароитнинг тўртталаси биргаликда мавжуд бўлиши лозим. Бу шартларнинг битта ёки иккитасининг мавжуд бўлиши тармоқнинг қисқа муддатда ва асосан табиий ресурсларга боғлиқ тармоқларда рақобатбардош бўлиш имкониятини беради, ҳолос.

Мамлакат иқтисодий ён унда тезкор технологик ва бошқарув соҳасида инновациялар манбаи бўлган тармоқларнинг ривожланиши учун муҳит мавжуд ҳолларда рақобатбардош бўлаётган. Ҳар бир мамлакат унда мавжуд шарт-шароит ва миллий хусусиятларга боғлиқ тармоқларда рақобатбардош бўлади. Бу муҳит ўз-ўзидан такрор яратилиш ва такомиллаштириш хусусиятига эга. Чунки самарали иқтисодий ўсиш белгиси бўлган рақобатбардошлик ҳаёт даражасининг ўсиши учун шароит яратди.

Мустақил Ўзбекистон шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш массаласи нихоятда муҳим аҳамиятга эга. И.Р. ҳозирги замон илгор мамлакатлари қаторидан жой олишининг ҳал қилувчи шартидир. И.Р. эришолмаган ва уни таъмин этолмаган давлат ўтмишдагидек қарамлигича қолаверади. Чунки, унинг ички бозорини турли чет эл фирмалари эгаллаб олади, ташқи бозорга эса бундай давлат чиқолмайди. Зеро, унинг саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти қиммат ва сифатсиз бўлади. Лекин, юқорида айтилганидек,

иктисодийнинг барча соҳаларида И.Р. таъмин этиб бўлмайди. Аммо, бундай соҳаларни кенгайтириб бориш умумий вазифадир.

**ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК** – давлатнинг манфаати ва суверенитетини иқтисодий санкциялар, тўсиқлар орқали амалга ошириладиган дискриминация ва диктаторлардан ҳимояланганлиги. Бундан ташқари, давлатнинг иқтисодий манфаатлари гизминни қайта куриш даврида ва иқтисодий беқарор вазиятлар оқибатида вужудга келадиган хавф-хатардан ҳимояланиш ҳолати.

**ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ИЧКИ АСОСИ** – ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг юқори даражаси, миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлаш имкониятлари.

**ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ТАШҚИ АСОСИ** – ҳар бир давлатга мустақил равишда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини танлаш ва амалга оширишда имконият яратиб берувчи, уларни ташқи иқтисодий ҳамда сиёсий таъжирлардан ҳимоя этувчи шартнома ва институционал тузилмаларнинг халқаро шарт-шароитлар мажмуаси.

**ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ТАҲДИДИ** – мамлакат ҳўжалигининг смирлиши ва деградацияси, аҳоли аксарият қисми турмуш даражасининг пасайиши, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг бузилиши, дунё майдонида позициялар ва реал имконият-етариллик даражада мудофаани қўллаб-қувватлаш қобилиятининг йўқотилишига олиб боровчи ҳодиса, жараён ва ҳаракатлар. Мамлакат иқтисодий мустақиллигининг заифлашуви, унинг саноят ва технологик салоҳиятининг пасайиши, иқтисодий бошқаруving таназули, хорижлик ишлаб чиқарувчилар томонидан ички бозорнинг эгаллаб олинishi, гиперинфляция, ҳўжалик ҳаётидаги криминаллашув, иқтисодий дезинтеграция, мамлакат ташқи қарзининг ўсиши ва олтин захирасининг камайиши, капитал ва мутахассисларнинг чет элга кетиб қолиши, иқтисодий таъйиқ, бойкот ва бошқа давлатлар томонида эмбарго эълон қилиниши И.Х.Т. ҳисобланади.

**ИҚТИСОДИЙ ҲАМҚОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАШКИЛОТИ** – ИХТТ таъсис этиш ҳақидаги Париж Конвенцияси асосида, иқтисодий қашшоқ мамлакатларни ривожлантириш ва халқаро савдони манфаатдор қилиш учун тузилган. 1961 йил 30 сентябрдан бошлаб фаолият олиб боради. Бу Европа иқтисодий ҳамқорлиги (ОЕЭС)нинг, яъни 1948 йил Фарбий Европани иккинчи жаҳон урушидан кейин қайта тиклашни иқтисодий координациялаш учун тузилган ва «Маршалл режасига» кўра Америка ёрдамидан оптимал фойдаланиш учун тузилган ташкилотнинг давомчисиدير. 29 та аъзо давлатга ўз ичига олади. Улар орасида собиқ Европа иқтисодий ҳамқорлиги ташкилотининг 18 аъзоси бор: Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Исландия, Испания, Италия, Люксембург, Норвегия, Португалия, Туркия, Франция, ГФР, Швейцария ва Швещия. Қайд этилган мамлакатлардан ташқари асос соллинган пайтдан бошлаб АҚШ, Канада ҳамда Австралия (1971 й.), Венгрия (1966 й.), Полша, Мексика (1994 й.), Янгй Зеландия (1973й.), Корея Республикаси (1996 й.), Финляндия (1994 й.), Чехия Республикаси (1995й.), Япония аъзодир. Россия ушбу ташкилот билан ҳамқорлик ҳақида Декларация ва Имтиёзлар ва иммунитетлар ҳақидаги Битимни 1994 йилда имзолаган. Ташкилот Париж (Франция)да жойлашган.

**ИҚТИСОДИЙ ҲУДУП** – бирон-бир мамлакат территориал суверенитети туташиб турган, кирғокдан 200 мил кенгликда бўлган денгиз ҳудуди бўлиб, ушбу ҳудудда унга туташган давлат ўзининг белгиланган суверен ҳуқуқларини амалга оширади. БМТнинг 1982 йилдаги Денгиз ҳуқуқи конвенциясига мувофиқ И.Х. туташ бўлган давлат мазкур ҳудудда жойлашган ер ости, ер усти, сув сарҳади, сув остидаги жонли ва жонсиз табиий ресурсларни ўрганиши, таъжикот этиши ва муҳофаза этиш каби суверен ҳуқуққа эга. И.Х. – кирғок бўйи давлати ўз ҳуқуқларини амалга оширишда бошқа давлатлар ҳуқуқларини ҳам назарда тутиши керак Барча давлатлар Конвенцияга мувофиқ, келишилган қондаларга риоя қилган тақдирда И.Х. кемачилик ва учиш эркинлигидан фойдаланади, бунга ҳарбий кемалар қатнови, сув ости кабеллари ва трубопроводларни ётказиш, шуниингдек, халқаро

хуқук ва Конвенциянинг уйғунилашадиган бошқа қондалари нуқтаи назаридан қонуний ҳисобланадиган айни эркинликка мансуб денгиздан фойдаланиш турлари (кемалар, учтиш аппаратлари ва сув ости кабеллари, трубопроводлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлганлар) ҳам киритилади. Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатлар ва ноқулай географик ҳолатга эга бўлган давлатлар И.Х. жонли ресурсларини рухсат берилган овлашнинг тегишли қолдиқ қисмидан адолатли асосда фойдаланишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этишнинг шарти ва тартибини манфаатдор давлатлар тегишли битимлар воситасида белгилайди. Конвенция шунингдек балиқлар ва сут эмизувчиларнинг айрим турларини бошқариш ҳамда сақлашга оид қондаларни ҳам назарда тутади.

**ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАР** – иқтисодий соҳада инсон фаолиятини юридик жиҳатдан белгиловчи ҳуқуқлар мажмуи. И.И.Х. ва эркинликларга меҳнат қилиш ҳуқуқи, касб ва меҳнат шароитлар (яратиш) ҳуқуқи, хусусий мулкчилик ҳуқуқи, банкка қўйилган омонатни сир сақлаш ҳуқуқи, ишсизликдан муҳофаза ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар киради. ЎзР Конституцияси ва меҳнатга оид қонун ҳужжатлари ҳар бир шахсга ўзининг меҳнат қобилиятидан фойдаланишни кафолатлайди ва иқтисодий жиҳатдан ҳар қандай мажбур қилишни ҳамда меҳнат ҳақини тўлашда камситишни тақиқлайди, шу билан бирга, истеъмолчи ҳуқуқларининг устуворлигини, тенглик ва муқдорликнинг барча шакллари муҳофаза қилишни кафолатлайди. Ёлланб ишлаётганлар тўланадиган таътилдан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва тўланадиган таътилни давомийлиги қонун билан белгиланади. Ҳар бир одам қарганда, боқувчисини йўқотганда ва қонунда белгиланган бошқа ҳолатларда ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Пенсия, нафақа ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари расман белгиланган яшаш минимумидан кам бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир одам малакали тиббий хизмат олиш ҳақлидир. Ҳар бир одам таълим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Ҳар бир одамга эркин ижод қилиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техник тараққиётини таъминлашга ғамхўрлик қилади. И.И.Х. ва эркинликлар ЎзР Конституциясининг 36–37-моддаларида қайд қилинган.

## Ж

**КАДАСТР (ЕР КДАСТРИ)** – жон бошидан олинadиган солиқ тўловчилар руйхати; вақти-вақтида ёки узлуксиз қузатиш натижасида тегишли объект хусусида структура, тузилма маълумотлар тўплами.

**КАМБАҒАЛЛИК** – индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг энг зарур моддий эҳтиётлари қийматини ифода этадиган иқтисодий ҳолати. К. нисбий бўлиб, муайян жамиятдаги турмуш даражаси, ижтимоий бойлиқнинг тақсимоли, статуслар тизими ва бошқа омиллар билан белгиланади.

**КАМПАНИЯ** – маълум вақт оралиғида юзага келган муҳим вазифалар муносабати билан мавсумий тадбирлар, сайловлар амалга ошириладиган фаолият, иш.

**«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ** – Ўзбекистон ёшларнинг ихтиёрийлик асосида вужудга келган, ўзини-ўзи бошқарадиган нодавлат ноияжорат ташкилот. Ҳаракат 2001 йил 25 апрелда бўлиб ўтган Таъсис қурултойи қарори билан ташкил топган. Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади – Ўзбекистон ёшларини бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йилит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт шароит яратиб беришдан иборат.

Ҳаракатнинг олий органи камида беш йилда бир марта чақириладиган қурултой, раҳбар органи олти ойда камида бир марта чақириладиган Марказий Кенгаш, ижроия органи ҳар икки ойда камида бир марта чақириладиган Ижроия қўмита ҳисобланади.

Ҳаракатнинг юридик шахс мақомига эга бўлган 14 та (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) вилоят ва 209 та туман, шаҳар бўлимлари мавжуд бўлиб, уларнинг юқори органи икки ярим йилда камида бир марта чақириладиган тегишли конференциялардир.

Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирадиган Болалар ташкилоти тузилган. Болалар ташкилоти ҳаракат Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатиб, ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос ёндашув ва усулларидан фойдаланган ҳолда, болаларнинг қалби ва онгига ҳаракатнинг асосий мақсад-муддаоларини сингдиришга қаратган.

Ҳаракатнинг негизи – бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар мамлакатдаги барча ўқув муассасалари, меҳнат жамоалари, шунингдек, Қуrolли Кучлар, ҳуқуқ-тартибот органлари тизимларида ёшларнинг хоҳиш – иродасига асосан тузилади. Ҳар бир бошланғич ташкилотнинг бир йилда камида бир марта ўтказиладиган умумий ҳисобот йигилишида кўпчилик овоз билан сайланадиган етакчиси бўлади. Бугунги кунда ҳаракатнинг 20000га яқин бошланғич ташкилотлари ва уларда 4,5 миллиондан ортиқ аъзолари мавжуд.

ЎЗР К.Ё.И.Х. таъсисчилари йиғилиши қарори билан (33 та давлат ва жамоат ташкилотлари таъсисчи) ҳаракатнинг жамоатчилик асосидаги Маслаҳат Кенгаши институти (органчи) жорий этилган. Маслаҳат Кенгаши таркибига ёшлар тарбиячиси билан боғлиқ давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, сиёсий партия, ҳомий ташкилотлар ва етакчи олий ўқув юртлиари вакиллари киритилган. Ҳаракат тизимларининг барча йўналишдаги фаолиятини йўлга қўйишда илмий-услубий таъсиялар бериш, амалий ёрдам кўрсатиш, жойларда вужудга келаётган муаммо ва йўл қўйилаётган камчиликларни тезлик билан ечиш, баргараф қилишда кўмаклашиш масалалари Маслаҳат Кенгашининг мақсад-вазифалари этиб белгиланган. Маслаҳат Кенгашига унинг аъзолари орасидан сайланган раис раҳбарлик қилади.

Ҳаракатнинг молиявий манбалари: мамлакатимиздаги ва хорижий ҳомийлардан тушадиган маблағлар; ҳаракат ва унинг жойлардаги бўлимлари билан шартнома асосида ишлайдиган корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган маблағлар; ёшлар лойиҳаларини амалга ошириш учун қилинган мақсадли кредитлар; ҳаракатнинг матбуот нашрларидан тушадиган маблағлар.

**КАННАБИС** – каннабис ўсимлигининг гуллари ёки меваларидан (уруғи ва барглари билан ташқари) олинган сақич.

**КАНОН (ҚОНУН)** – бирон давр ёки йўналишга мансуб санъатда қатъий ўрнатилган қондалар мажмуи, меъёр, бадиий асарда композиция ва қолорит меъёри, шу турдаги тасвирларда нисбатлар тизими ёки иконографиясини белгилайди.

**КАНЦЛЕР** – бир қанча давлатларда олий мансабдаги шахс; Россияда 1917 йилгача олий фуқаролик даражаси.

**КАПИТАЛ** – кенг маънода ўз эгасига даромад келтириш хусусиятига эга бўлган жами восита ва маблағлар; янги қиймат келтирувчи, ўзини ўзи қўпайтирувчи қиймат. Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун кишилар томонинг асрилган ресурслар; тор маънода воситалари кўринишидаги ишлаб турган даромад манбаи.

**КАПИТУЛЯЦИЯ** – халқаро ҳуқуқда, урушаётган тарафлар ҳарбий кучлари г'зрилиги, қисман ёки тўлалигича ҳарбий ҳаракатлар ёхуд уруш ҳаракатларининг тўхталиши. К. мағлуб бўлган тараф гарнизонлар ва гуруҳларни қисман ёки тўлалигича топширади. К. барча ҳарбий техника ва ҳарбий мулк галаба қозонган тарафга топширилади, ҳарбий кучлар шахсий таркиби эса ғолиб томоннинг асирларига айланади. К. урушувчи тарафлар ўртасида уруш давом этишини расмий тўхтатмайди.

**КАРРОМНИЙЛАР** – плохиёт оқими. IX–XIII асрларда Бағдод халифалигининг марказий ва шарқий вилоятларида тарқалган. Асосчиси – Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Карром (806–869 йй.). Сейистонда тўғилган, Нишопур, Балх, Марв, Ҳирот каби шаҳарларда таълим олган. 5 йил Маккада истиқомат қилган. К. фикрича худо – бутун борлиқнинг бирламчи асоси, у муайян жисмга эга. Худо – барча нарсаларнинг яратувчиси, аммо

инсон ўз фаолиятининг натижаларига таъсир кўрсата олади. К. бирор инсонни мусулмон деб тан олиш учун у Аллоҳни тил билан эътироф этса kifoya, амал билан тасдиқлаши шарт эмас, деб ҳисоблайди. Мўғуллар истилосидан сўнг К. барҳам топди.

**КАСАБА УЮШМА** – ёлланма ишчиларнинг меҳнат жараёнидаги манфаатларининг уйғунлигига асосланган ҳамда ўз аъзолари меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашни мақсад қилган оммавий жамоат ташкилотр. К.У. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Буюк Британияда ўз касбий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий макомини сақлаб қолиш учун бирлашган юксак малакали ишчиларнинг уюшмалари сифатида пайдо бўлган. Дастлабки К.У. чекланган доирада фаолият юритган. XIX асрда улар Европа ва Американинг деярли барча ривожланган мамлакатларида вужудга келган. XIX асрнинг охирида ишлаб чиқариш тармоқ касаба уюшмалари пайдо бўлади, миллий касаба уюшмалари марказлари ташкил этилади (улардан дастлабкиси – 1868 йили ташкил этилган тред-юнионларнинг Британия конгресси). К.У. асосан моддий ишлаб чиқариш соҳасида пайдо бўлиб, жисмоний меҳнат ишчиларини ўз сафларига жалб этган. XX асрнинг бошларида К.У. халқаро федерациялари ташкил этилади. Осиё ва Африка мамлакатларида улар асосан Иккинчи Жаҳон урушидан кейин пайдо бўлади. Дастлабки босқичларда К.У. шаклланиш жараёни яшринча кечган, бундай ташкилотларда иштирок этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. К.У. фаолияти илк бор Буюк Британияда қонуний тус олган. XIX асрнинг 70–йилларида касаба уюшмалар ҳаракатида турли мафкуравий оқимлар: тред-юнионизм, анархо-синдикализм, христиан синдикализи ва социал-демократия билан боғлиқ бўлган оқимлар пайдо бўла бошлайди.

**КАССАЦИЯ** – қўнға қирмаган суд қарори еки ҳукми устидан юқори турувчи судга шикоят қилиш ва эътироз билдириш; ишда мавжуд ва қўшимча ҳужжатлар (материаллар) бўйича суд қарори ва ҳукмининг қонуний, асосланган бўлишини юқори томонидан текшириш. Бундай тартибда иш тўла равишда кўриб чиқилмайди; қуйи суд томонидан қонун бузилганлиги еки суд юритиш тартибига риоя қилмаганлиги сабабли қуйи суднинг қарори еки ҳукмини юқори суд погонаси томонидан қайта кўриб чиқилади, бекор қилинади.

**КАСТА** – кишиларнинг биқик эндогам ғуруҳи. К. ўзига хос ижтимоий вази­фаларни бажариш, меросий касб-хунарлар билан шугулланиш натижасида ажраладики, бу ҳол муайян этник, баъзан диний муштаракликка мансублик билан боғлиқ бўлиши мумкин. К. Баланд-паст табақалар ҳосил қилади, улар ўртасидаги муносабатларда қатъий чек­ла­нишлар мавжуд

«**КАТТА САККИЗЛИК**» (G-8) – 1974 йилда Франция Президенти Валери Жискард д'Эстен ташаббуси билан иқтисодий жиҳатдан ўта ривожланган етти мамлакат «еттилик» ғуруҳини тузган ва унинг тарқибига Буюк Британия, Германия (ГФР), Италия, Канада, АҚШ, Франция, Япония ва Россия кирган. Энг бой давлатлар раҳбарларининг даврий норасмий учрашувлари улар олдида пайдо бўладиган умумий муаммоларни муҳокама қилиш, фикр алмашув, қарор қабул қилишдир.

**КАТОЛИКЛИК, КАТОЛИКЛАР** **МАЗҲАБИ** – христианликдаги асосий оқим­ларидан бири. Католицизм диний таълимот ва черков ташкилоти сифатида 1054 йилда черковларнинг бўлинишдан кейин вужудга келди. Католик черкови қатъий марказлашган, тўна маркази – Ватикан, унинг бирдан-бир ёшлиғи – Рим папаси. Католицизм христиан­ликнинг асосий ақида ва маросимларини эътироф этади.

**КАФОЛАТ** – (араб. «кафолат» – масъулиятли ишонтириш) – ишонтириш, масъу­лиятни, жавобгарликни ўз устига олган ҳолда, таъминлаш; кафилик, гаран­тия. К. – инсо­ниятнинг, жамиятнинг демократия ва ҳуқуқий давлат томон ривожланиш жараёнида қўлга киритилган ютуқлардан бири.

**КВОРУМ** – мажлис, кенгаш ва шу кабиларнинг қарорлари қонуний бўлиши учун иштирокчиларнинг устав бўйича етарли ҳисобланадиган миқдори.

**КВОТА** – умумий ишда иштирок этувчиларнинг ҳар бирига тўғри келадиган ҳисса, қисм, пай; муайян давр учун товарларни ишлаб чиқариш, истеъмол, сотиш, экспорт,

импорт ва бошқа иқтисодий фаолият соҳаларида жорий қилинадиган миқдорий чеклашлар. Давлат органлари томонидан ўтказиладиган ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш тадбирлари тарзида муайян товарлар турлари экспорти ва импортига миқдорий чеклашлар қўталаш деб аталади.

**КЕЛИШУВ КОМИССИЯСИ** – Сенат томонидан қайтарилган қонун бўйича келишмовчиликни ҳал этиш учун Сенат ва Қонунчилик палатаси паритет асосларда ўз ташкил этади, Сенат ва унинг Кенгашини чақиради ҳамда унда раислик қилади.

**КИНОЛОГИЯ** – кўпгина Европа мамлакатларида ва АҚШ К. ташкилотлари иш олиб боради. Ўзбекистонда кинология масалаларини илмий ўрганиш рус офицерлар овчилик жамиятлари ва итчилик клублари ташкил этилган XX аср бошларига тўғри келади. 1927 йилда Ўзбекистон ов итлари шажара дафтари жорий қилинган ДОСААФ Ўзбекистон бўлими ҳузурда 1937 йилдан К. Кенгаши фаолият кўрсатди. 1992 йил май ойида Ўзбекистон К. федерацияси ташкил этилди. Ўзбекистонда республика давлат божхона қўмитасининг миллий К. маркази, Миллий хавфсизлик хизматининг наслчилик питомниги ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг наслчилик питомнигида К. назарий масалалари ўрганилади, итчиликка оид наслчилик ишлари, итларни амалий максалларда фойдаланишга тайёрлаш, янги ит золларини етиштириш, уларни синовдан ўтказиш, шажара ва наслчилик дафтарларини юритиш ишлари олиб борилади.

**КИЧИК ҚОРҶОНА** – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, жумладан, ишловчилар сони чекланган аралаш мулкчиликни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Ўзига тегишли мулкка эгалик ҳуқуқи билан тўла хўжалик юрисида ёки оператив бошқарувни амалга оширади, махсулот ишлаб чиқаради ва сотади, турли ишлар ва хизматларни бажаради.

**КЛИРИНГ** – товарлар, қимматбаҳо қозғалар, хизматлар учун, ўзаро мажбурият ва талабларни ҳисобга олган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб–китоблар қилиш тизими. Банклараро К. ва халқаро валюта К. мавжуд.

**КНЕССЕТ** – Исроил давлатининг бир палатали қонун чиқарувчи органи. 4 йил муддатга сайланадиган 120 депутатлардан иборат.

**КОАЛИЦИЯ, ИТТИФОҚ** – халқаро муносабатларнинг айрим масалаларида биргаликда иш кўриш ҳақида ўзаро ахдлаган давлатларнинг сиёсий ёки ҳарбий иттифоқи.

**КОДИФИКАЦИЯЛАШ** – ҳуқуқнинг муайян тармоқларига хос бўлимлари бўйича давлат қонунларини тизимлаштириш, муайян тизимга келтиришдан иборатдир.

**КОЛЛЕГИАЛ, БАМАСЛАҲАТ ТИЗИМ, КОЛЛЕГИАЛ ТИЗИМ** – маъмурий муассасаларга тегишли масалаларни бир неча шахслар иштирокида кўпчилик овоз билан ҳал этадиган ташкилот.

**КОЛЛЕКТИВ МУДОФАА** – давлатнинг коллектив хавфсизлик шакли. Ҳар бир давлатнинг керакли мудофаа потенциалини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлатлар коалициясининг ҳарбий соҳада биргаликда ирниниши, коалицион қўшинлар гуруҳларининг агрессиядан қуролли химоя қилиш бўйича биргаликдаги ҳаракат шакли ва усулини олдидан ишлаб чиқиш.

**КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК** – бирор давлат ёки маълум минтақада жойлашган давлатларнинг тинчлигига таҳдид солувчи омилларнинг олдини олишга, агрессия ҳаракатларини бартараф этишга қаратилган биргаликдаги чора-тадбирлар тизими. К.Х. тизими юридик жиҳатдан халқаро шартномалар орқали расмийлаштирилади. Ушбу шартномаларнинг мазмуни иштирок этаётган давлатлар томонидан белгиланади. К.Х. ўз қатнашчиларига учта асосий мажбурият юклайди: биринчидан, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид солмаслик; иккинчидан, ўртада пайдо бўлган низоларни фақат тинч йўл билан ҳал этиш; учинчидан, халқаро тинчликка зиён етказиши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш борасида фаол ўзаро алоқа. К.Х. тизимининг икки: универсал ва минтақавий турини ажратиб кўрсатиш мумкин. К.Х. дейилганда муайян ҳамжамиятнинг барча аъзолари ўзаро куч ишлатиш, аъзо давлатга ҳужум қилинганда унга ёрдам бериш тўғрисида келишиб оладилар. Назарий изланиш ва амалий ҳаракатлар орқали боши берк

ҳолатни бартараф этишнинг оқибатида шаклланган бўлиб, БМТ раҳнамолигида кенг қамровли К.Х. системасини яратишга қаратилган. Лекин бундай тизимни яратиш жиддий қийинчиликлар билан боғлиқ. Тадқиқот хулосаларини қуйидагича таснифлаш мумкин: муаммолар ахлоқий, институционал, юридик, тизимли ва вазиятга боғлиқ бўлган беш гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга ахлоқий шароитлар киради. Бу шароитлар конфликтда бўлган томонлар ўртасида куч ишлатмаслик тамойиллари, давлатлараро муносабатлар ҳолати сифатида дунёнинг бўлиnmаслиги ҳамда «учинчи томон» (бу вазифани алоҳида давлат, давлатлар гуруҳи ёки халқаро ташкилот бажариши мумкин)га тегишлидир. Иккинчи гуруҳга БМТ ва унинг институтлари фаолиятини халқаро хавфсизлик ташкилоти сифатида ҳамда унинг масалаларини самарали ҳал этидиган (керакли микдорда ва яхши жиҳатланган (қуролланган) қуролли кучлари, агрессорни жазолаш билан боғлиқ ёки тинчликпарвар операциялар йўли билан инқироз ҳолатларини ҳал этиш киради. Учинчи гуруҳ юридик шароитни бириктиради. БМТ Бош ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши барча давлатлар томонидан БМТ меъёр ва тамойилларининг бажарилиши, халқаро суд самарадорлиги, ниҳоят, жаҳон ҳамжамиятининг барча аъзолари томонидан БМТ устави ва меъёрларининг сўзсиз риоя қилиниши ҳақида гап борапти. Қулай халқаро муҳитга эга бўлиш зарурати тўртинчи гуруҳ шартларига дахлдордир. Қулай халқаро муҳит, дейилганда буюқтубни эгаллаш, буюқ давлатларни ҳеч бўлмаганча қисман бир-биринга реал қуролсизлантириш, ўзаро иқтисодий тобеликни ривожлантириш; халқаро муносабатлар нодавлат катнашчиларининг кизиқишларини инobatга олиш тушунилади. Шароитлар халқаро тизим барқарорлигини кафолатлаши зарур. Барқарорлик, биринчидан, асослантирувчи хавфсизлик ҳамжамияти барча аъзолари томонидан қўллаб-қувватланадиган универсал қадриятларнинг бўлишини назарда тутди. Иккинчидан, мазкур ҳамжамият доирасида ахлоқий қоидалар муносабати билан консенсусга эришиш, ҳар қандай давлатнинг бир-биринга муносабатида меъёрий сийёсат юритиши назарда тутилади. Вазиятга боғлиқ шароит, энг аввало, агрессор тўғрисидаги умумий қарашлар, хавфсизлик ҳамжамияти барча аъзоларининг умумманфааоти йўлида хавф-хатарга бориши, ҳар қандай потенциал агрессордан устун кела оладиган кучларга эга бўлиш каби омиллар киради.

**КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ** – минтакавий ёки умумбашарий даражада инсон маданияти ривожланиши ва яшаш учун (иқтисодий, ҳарбий, экологик ва бошқалар) турли хавфларни тўғатиш ва муқобиллаштириш йўлида бир неча давлат ёки бутун дунё ҳамкорлигида яратилган хавфсизлик тизими.

**КОЛЛЕКТИВ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ** – махв этиш воситаларидан қўшинларни, кемалар шахсий таркиби, аҳолини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган иншоотлар ва махсус мосламалар. Шунингдек, К.Х.В. техноген авариялар ва фалокатлар, табиий офатлар содир бўлганда яшириниш, дам олиш учун фойдаланилади. Ташқи ва ички жиҳозланишга қараб, улар ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ёки оддий бўлиб, тўлиқ (комплекс) ёки қисман ҳимоя билан таъминланиши мумкин. К.Х.В. фильтровентиляцияцион ҳамда бошқа турдаги қурилмалар билан жиҳозланган ҳарбий техника ва қурилмаларнинг ҳаракатдаги объектлари, фуқаролар мудофаасининг ҳимоя иншоотлари, герметиклашган тиббиёт палаталари ва вагончалари, фортификацион қурилмалар (окоплар, траншея, техник ва моддий воситалар учун омборлар, блиндажлар) киради.

**КСМҲНДАНТЛИК СОАТИ** – ҳарбий ёки қавқулодда ҳолатларда, одатда кечкурун ёки тунда жорий қилинадиган махсус тартиб ўрнатиладиган вақт. К.С. давомида маҳаллий аҳоли кўчада ёки жамоат жойларида шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан юриши шарт. К.С. давлат ҳокимияти ёки ҳарбий қўмондонлик томонидан жорий этилади ва бекор қилинади.

**КОМИЛ ИНСОН** – тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчалардан бири. Ҳар жиҳатдан етук киши. Ахлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлик ва Аллоҳни англашда тўлиқ билимга эга бўлган ва натижада Ҳаққа етишган инсон.

**КОМИССИЯ** – (франц. – айрим масала юзасидан тузилган муваққат ёки дошмий ташкилот) – 1) топширик; 2) комиссионернинг рағбатлангирлиши; 3) муайян вазифани муҳокама этиш ва бажариш учун ўйилган мажлис; 4) қатор маъмурий муассасалар номи.

**КОМИТЕТ, ҚўМИТА (САЙЛАНГАН ОРГАН)** – муайян ишнинг қайсидир қисмига бошқарадиган сайлаб олиннадиган коллегиял орган; ҳокимият томонидан белгиланган маслаҳатлашув мажлиси.

**КОММУНА** – (лот. «communis» – умумий) – мулк ёки меҳнатни умумлаштириш асосида тузилган кишилар жамоаси. 1) Ўрта асрларда Ғарбий Европада феодал ҳокимиятидан ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган шаҳар жамоаси; 2) Буюк Француз инқилоби даврида муниципал ўз-ўзини бошқариш (мас. Парижда); 3) Париж Коммунаси. 1871 йили Францияда инқиларнинг инқилоб орқали ўз ҳукмронлигини ўрнатиб борасида ҳаракати; 4) Қўйи маъмурий-худудий бирликни ташкил этган шаҳар ёки қишлоқ яшаш пункти.

**КОМПЕНСАЦИЯ** – 1) бадал, ҳақ, товон; 2) ўрнини тўлдириш, ҳақ, бадал, товон тўлаш.

**КОМПЕТЕНЦИЯ** – бирор кишининг яхши хабардор бўлган соҳаси ёки масала.

**КОМПЛЕКС** – уйғун бирлик, ташкил этган предмет, воқеа-ҳодиса, ҳаракат, белги мажмуи.

**КОМПРОМИСС** – манфаатлари ва нуқтан назари бири-бирига зид келган тарафларнинг муроаса асосида ўзаро келишувга келиши.

**КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ** – (лот. «computare» – ҳисоблаш; ингл. «computerization»; «computing») – 1) Замонавий илмий-техника инқилобининг унсури, меҳнат шарт-шароитлари ва характери, бошқарув ва таълим соҳасида сифат ўзгаришига олиб келадиган ҳамда инсон фаолиятининг барча соҳаларида компьютерларнинг кенг қўлланиши; 2) Компьютерлар ёрдамида бошқариш ва назарат этиш.

**КОНВЕНТ** – баъзи мамлакатларда сайлаб қўйиладиган алоҳида давлат орган.

**КОНВЕНЦИЯ** – бирор масала юзасидан давлатлар ўртасида тузиладиган шартнома.

**КОНВЕРГЕНЦИЯ** – (лот. *convergere* – яқинлашиш, қўшилиб кетиш) – мустикал ходисаларнинг баъзи бир белги ёки хоссалар жиҳатидан бир-бирига ўхшашлиги: 1) иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий қарашлари турли хил бўлган икки тизимнинг охир оқибатда бошқичма-бошқич бирлашуви; қарашлардаги яқинлашув; 2) устувор мувозанат ва ривожланиш йўлидаги яқинлашув. Мазкур назария 1950 йилларда дунёдаги икки тизим: социализм ва капитализм ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви ва унинг олдини олиш оқибатида вужудга келади. Мондиализмнинг «яраштирувчи» кўриниши сифатида машҳур бўлган бу назария XX аср 70 йилларида америкалик геосиёсатчи ва давлат арбоби З. Бжезинский бошчилигида «сўл» таҳлилчилар томонидан ишлаб чиқилган. Бу ғоя «совуқ уруш»нинг мафкуравий ва геосиёсий дуализмининг янги маданий-мафкуравий цивилизация турини яратиш орқали барҳам топтириш мумкинлигини тахмин қилган. К. назарияси асосида пайдо бўлиш мумкин бўлган дунё ҳукуматида Москвага Вашингтон билан ҳамкорликда сайёрамизни атлантик бошқариш имконияти берилишини кўзда тутган. Бундай вазиятда ер юзидаги халқлар геосиёсий босимни енгиши натижасида «совуқ уруш» тугаши ва умумий тив-тик даври бошланиши керак эди. Мондиал-тик марказлар Москвада ҳам ўз вакилларига эга эди. Уларнинг фаолияти, айниқса, ғарбий Европадаги сўл партиялар орасида муваффақиятли бўлиб, уларнинг қўпчилиги «еврокоммунизм» йўлига ўтган эди. Бу эса умумбашарий уйғунлашув учун асос ҳисобланарди. Ғарб ва Россиядаги айрим геосиёсатчилар фикрича, собиқ Иттифоқ даврида қайта куришни амалга оширган М.Горбачев ва унинг маслаҳатчилари таянган мафкуравий асос К. назарияси эди.

**КОНВЕРСИЯ** – саноатни ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришдан фуқаролар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни ва аксинча.

**КОНВЕРТИРЛАНИШ** – (алиштирмоқ, ҳар қанақасига айлантирмоқ) – валюта-нинг олтинга алмашинуви. Кенг маънода – бир турдаги валютанинг бошқа турдаги



валютага эркин алмашинуви. Оддий тилда – конвертация. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида эса акция ва облигацияларнинг бошқа хил облигация ва акцияларга эркин алмашинуви.

**КОНВЕРТИРЛАНДИГАН ВАЛЮТА** – миллий пул бирлигининг қонун билан белгиланган тартибда алмашинуви, давлатнинг аралашувисиз уни чет эл валютасига алмашинуви эҳтимоли ёки чет эл валютасининг миллий валютага алмашинуви. К. даражаси давлат ташкилотларининг валютани чеклаш бўйича қўллайдиган қаттиқ қўллигага тескари нисбатдадир.

**КОНВЕРТИРЛАНУВЧИ ОБЛИГАЦИЯЛАР** – сармоядорга унинг молиявий қўйилmalarининг хавфсизлигини ва барқарор даромад тушумини таъминлайди, компаниянинг ривожланиши билан бирга, уни иқтисодий хатардан сақлашга ҳаракат қилувчи сармоядорларга қўл келади. Ҳатто, бундай сармоядорлар, обрў-эътибор учун, конвертирланувчи облигацияларни оддий акцияларга алмаштиришга рози бўладилар. Қўпгана конвертирланувчи облигацияларда сармоядорларни конверсиялар бўйича рағбатлантириш учун конверсия баҳоси кўрсатилади.

**КОНВЕРТИРЛАНДИГАН ПРЕФАКЦИЯЛАР** – алоҳида имтиёзли қимматбаҳо қоғозлардир. Эркин конвертирланувчи валюта – миллий валютанинг эркин ва чекланмаган миқдорда бошқа хил валюталарга алмашинуви. Қисман конвертирланувчи валюта – миллий пул бирлигининг маълум бир чет эл валюталарига алмашинуви ва ундан баъзи бир тўлов воситалари сифатида фойдаланиши. Алмаштирилмайдиган (берк) валюта – бир мамлакат доирасида амал қиладиган ва бошқа чет эл валютасига алмаштирилмайдиган миллий пул бирлигидир.

**КОНГРЕСС** – АҚШнинг икки палатадан иборат қонун чиқарувчи органи. Қуйи палата – Вакиллар палатаси деб аталади, 435 депутатдан иборат, икки йил муддатга тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланади. Юқори палата – Сенат, штат вакилларидан (хар штатдан икки кишидан) олти йил муддатга сайланади. Сенатнинг учдан бир қисми ҳар икки йилда янгиланади. 1789 йилда ташкил топгани.

**КОНГРЕССЛАР, КОНФЕРЕНЦИЯЛАР** – 1) турли давлат вакилларининг иштирокида сиёсий масалалар ва келишмовчиликларни ҳал этиш учун ташкил қилинадиган халқаро анжуманлар. Конгресслар XVI асрлардан қақрилла бошлаган: Мюнстере ва Оснабрюкда (1644–1648 йй.), Ахенда (1668, 1748, 1818 йй.), Утрехтда (1712–1713 йй.), Губертсбургда (1763 йй.), Тешенда (1779 йй.), Парижда (1782, 1815, 1867 йй.), Раштатда (1797–1798 йй.), Эрфуртда (1808 йй.), Венада (1814–1815, 1819–1820 йй.), Карлсбадда (1819 йй.), Тропшауда (1820 йй.), Лайбахда (1821 йй.), Веронада (1822 йй.), Берлинда (1878 йй.). Конференциялардан: Лондон (1830 йй.), Константинополь (1876 йй.), Берлин (1884–1885 йй.), Брюссел (1880–1890 йй.), Берлин (1890 йй.) даги ларини эътироф этиш мумкин; Женева ва Брюсселдаги конференциялар халқаро уруш ҳуқуқини, Гаагадаги халқаро хусусий ҳуқуқни кодификациялаш учун қақирланган; 2) Олимларнинг, мас. тарихчилар, шарқшунослар, табиатшунослар ва бошқ. халқаро съездлари; 3) Айрим сиёсий ҳаракат, партияларнинг Халқаро съездлари.

**КОНДОМИНИУМ** – бир ҳудуднинг бир неча давлатлар томонидан биргаликда тасарруф қилиниши, бошқарилиши.

**КОНКУРС** – 1) энг яхши бадий ёки санъат асарига белгиланган мукофотни қўлга киритиш учун ўтказиладиган мусобақа; 2) *юр.д.*, а) бир неча кредиторларнинг қарздорга нисбатан пул талаблари; б) уларни қондиришнинг ўзига хос тартиби; в) қарздорликни қондириш ишини амалга оширадиган идоралар мажмуи (кредиторлар мажлиси ва улар томонидан сайланган конкурс бошқаруви).

**КОНОССАМЕНТ** – денгиз йўли билан юк ташиш ҳужжати, юкни қабул қилганлиги ҳақида капитаннинг имзоси, юк ташиш мажбуриятини олган томоннинг бу юкни манзилга етказиб, қонуний эгасига топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. К. товарни бошқариш мавқеига эга бўлган ҳужжат (қимматли қоғоз)дан иборат, уни эгалловчи товарни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. К. ташки савдода кўп қўлланилади. К. юк ташиш учун қабул қилингандан кейин у ташувчи томонидан юкни жуънатувчига тақдим этилади,

шунинг билан юк ташиш учун қабул қилинганлиги ва шартнома тузилганлиги исботланади. К. билан юкни ташувчи ва уни жўнатувчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда белгиланади. Юкни ташиш бўйича К. асосий шартлар белгиланмаган тақдирда, ушбу шартлар белгиланган бошқа ҳужжат (чартер)га ҳавола қилинади. К. турлари: 1) бировга аталган; 2) юкни қабул қилувчининг номи кўрсатилган жўнатувчи ёки олувчининг бўйруғи (ордерли).

**КОНСАЛТИНГ** – маслаҳат ва сифатли консултация берадиган хизмат.

**КОНСЕРВАТИЗМ** – 1) барча эскирган, йўқолиб кетган нарсаларга содиқлик; 2) ижтимоий ҳаёт, илм-фан ва санъатда юз бериши зарур бўлган тараққиётга қарши ҳаракат.

**КОНСОЛИДАЦИЯ** – кучларнинг бирлашиши, кучларни бирлаштириш давлат, ижтимоий гуруҳ ва ташкилотлар уриниши, ҳаракати имконияти ва қарашнинг қўшилиб кетиши, бирлашиши, бирикishi.

**КОНСОРЦИУМ** – бир неча банкирларнинг йирик молиявий операцияларни амалга ошириш учун тузган муваққат битими, монополистик бирлашма; аниқ икτισодий лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган корхоналарнинг муваққат бирлашмаси; кўп тарафлама қўшма корхона; молиявий операцияларни ҳамкорликда амалга ошириш учун тузилган банкларароо ёки саноат корхоналарини битим. К. ўзига хос хусусияти – мустақил юридик шерик бўлган ҳар бир иштирокчи корхона билан битим тузилишидадир.

**КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ** – сиёсатда ва давлат ҳуқуқида конституциявий монархияни ҳимоя қилувчи реакцион оқим.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧ** – демократик, ҳуқуқий давлат ва замонавий жамят қуришнинг ҳамда улар ривожланишининг зарурий шартларидан бири. Барча илгор давлатлар Конституцияларида фуқароларнинг бурчларига алоҳида ўрин ажратилган. Мустақил Ўзбекистон Ўз Конституциясида фуқаролар бурчларини белгилашда ўз тарихий хусусиятларига, илгор мамлакатлар тажрибасига суянади. К.Б. Ўзбекистон фуқароларининг Конституциясида белгилаб қўйилган, фуқаролар бажаришлари шарт бўлган мажбуриятларидир. Фуқароларнинг конституцион бурчлари қуйидагилардир: барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар; ЎзРнинг ҳар бир фуқароси Конституция ва қонуларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматиғни ҳурмат қилишга мажбурдир; фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар; маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир; фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар; фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар; ЎзРни ҳимоя қилиш - мамлакат ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир; фуқаролар, қонунда белгиланган тартибда, ҳарбий ва муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. 1992 йилдаги Ўзбекистон Конституциясининг 1978 йилги ва бошқа Конституциялардан, бурчлар масаласида, бир-мунча фарқлари бор. Масалан, 1978 йилдаги Конституцияда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари битта бобда берилган. Мустақил ЎзР Конституциясида фуқароларнинг бурчлари алоҳида бобда кўрсатилган.

**КОНСТИТУЦИЯ** – (лат. «*constitutio*» – тузилиш, тартиб) – давлатнинг асосий қонуни. К. – давлатдаги тартиб-қоидаларнинг ҳуқуқий асосидир. Исоният ўзининг кўп асрлик тарихий тажрибаси асосида давлатда К. бўлиши шарт эканлиги ҳақидаги ҳулосага келди. К. йўқ жамятда маълум даражада ижтимоий тартибсизлик, сукуқий тушунмовчилик, сиёсий бошбоқдоқлик ва талафотга кенгрок ўрин қолади. К. – мустақиллик, тенглик, демократия ва инсонпарварлик учун курашнинг мевасидир. Е. баъзи давлатларда оддийдан тайёрланиб, ёзилиб, муҳомадан сўнг қабул қилинади. Баъзи мамлакатларда эса К. турли даврларда қабул қилинган қонуларнинг мажмуасидан иборатдир. Расмий қабул қилинган К. йўқ давлатлар ҳам бор (масалан, Буюк Британия). Улар қонулар соҳасидаги анъаналарга суянадилар. К. давлатда тартиб ва қонд учун ҳуқуқий қуролдир.

У барча фукараларга тенглик, барча ижтимоий ташкилотларга уларнинг демократия ва ҳуқуқий давлат қондалари асосида фаолият кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериши керак. К. жамиятдаги ижтимоий синфлар ва табақалар ёки сиёсий партиялар ҳамда жамоатчилик ҳаракатларидан бирига ёки бир нечтасига имтиёз бериш мумкин эмас. К. мамлакатда ижтимоий тузум ва давлат тузилишининг ҳуқуқий асос ва қондаларини белгилайди, давлат органлари тизими, унда уларнинг ташкил этилиши ва фаолиятига тегишли умумий қондалар, сайлов тизими, фукараларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари акс этади. К. ўзгариш ва қўшимча киритиш тартиблари ҳар бир давлатда алоҳида белгиланган бўлади. К. давлатдаги барқарорлик ва изчилликнинг омилидир. Тарихда биринчи К. 1778 йилда АҚШда қабул қилинган ва ҳозиргача у кучда. (*Ўзбекистон Конституцияси тўғрисида қаранг: «ЎЗР К.»*)

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ МОНАРХИЯ** – давлат бошқарувининг шакли, унда аънанавий давлат бошлиғи, монарх ҳокимияти давлатнинг асосий қонуни Конституция билан чекланади (Буюк Британия, Япония, Скандинавия давлатлари).

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ** – қонунлар ва бошқа меъёрий актларнинг Конституцияга мос келиши нуқтан назаридан текшириш.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД** – ЎЗР К.С. қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. К.С. сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан К.С. раиси, раис ўринбосари ва ҳакамларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вақилидан иборат таркибда сайланади. К.С.нинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар. К.С.нинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас. К.С. ҳакамлари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. К.С. ҳакамлари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат ЎЗР К. бўйсунадилар. ЎЗР КС: 1) ЎЗР қонунларининг ва ЎЗР Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, ЎЗР Президенти фармонларининг, ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, ЎЗРнинг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг ЎЗР Конституциясига мослигини аниқлайди; 2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ЎЗР Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунилари ЎЗР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради; 3) ЎЗР Конституцияси ва қонунлари меъёрларига шарҳ беради; 4) ЎЗР Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади. К.С. қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас. К.С. ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ** – мамлакат конституция ва бошқа конституцион-ҳуқуқий меъёрлари билан белгиланадиган ва химоя этиладиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими.

**КОНСТИТУЦИЯГА ҚАРШИ АКЦИЯ** – давлат Конституциясига зид бўлган сиёсий ҳаракат; Конституцияни дискредитация қилишга йўналтирилган фаолият, ҳулқ, қадамлар ва ҳаракатлар, унинг радикал ўзгариш ёки бутунлай бекор қилинишига интилиш.

**КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ** – демократик, ҳуқуқий давлат ҳаёти ҳамда фаолиятининг асосий талаби ва муҳим қондаларидан бири. Еу таъмоийл Қадимги Юнонистон ва Римда маълум бўлган, айниқса, милоднинг XVI асридан бошлаб жамият ҳаётига сингдирила бошлаган. Ўзбекистон К. Ш боби шу масалага махсус бағишланган. Мазкур К. таъмоийлининг жорий этилиши шўро даврининг аччиқ сабоқлари билан ҳам боғлиқ, албатта. Чунки, ўша даврда синфий кураш сиёсатини кескинлаштириш, шахсга сизгиниш туфайли кўплаб давлат раҳбарлари, жамоат арбоблари, мутахассислар ва оддий фукаралар адолатсизлик қурбони бўлдилар, турли уйдирмалар, айблар билан шафқатсиз жавобгарликка тортилдилар. Ана шундай вазият тақорланмаслиги учун, демократияга кенг йўл очиш мақсадида К.К.У. таъмоийли ўрнатилди. У истибдодий давлат тизимига қарши адолатли, демократик, ҳуқуқий меъёрларни белгилайди. Кўчма маънода

К.К.У. деганда, жамиятда умуман ҳуқуқнинг ҳукмрон бўлиши, ҳаммининг суд ва қонун олдида тенглиги ҳам назарда тутилади.

**КОНСТРУКТИВЛИК** – бирор фаолият олиб боришда ҳаракатдаги субъект амалга ошираётган иш самарадорлиги.

**КОНСУЛ** – бирор давлатнинг бошқа бир давлат шахрига Ўз давлати ва Ўз мамлакати фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўйган расмий вакили.

**КОНТИНЕНТАЛ ШЕЛҶФ** – қирғоқ бўйи давлатнинг ҳудудий денгиз чегарасидан қуруқликдаги ҳудуднинг бутун табиий узунлиги давомида материк сувости чеккаси ташқи чегарасигача бориб етувчи ёки ҳудудий сувларнинг кенглиги ўлчанадиган бошланғич чизиклардан 200 денгиз мили масофасида жойлашган денгиз туби ва сувости районларнинг қаъри. Материк сувости чеккасининг ташқи чегараси бундай масофага чўзилмайди. Денгиз ҳуқуқига оид БМТ Конвенциясида (1982 й.) қирғоқ бўйи давлатларнинг К.Ш. табиий ресурсларини, яъни ҳам минерал, ҳам жонли ресурсларни қидириш ва ишлаб чиқишга оид суверен ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Бу ҳуқуқлар К.Ш. қопловчи сувлар ва улар устидаги ҳаво кенглигининг ҳуқуқий мақомига дахлдор эмас. Бундан ташқари сув бўйи давлатининг юрисдикцияси сунъий оролларнинг яратилишида, эксплуатацияси, улардан фойдаланиш, қурилмалар ва иншоотлар барпо этишда ҳамда К.Ш. денгиз илмий тадқиқотларини ўтказишга ҳам амал қилади. Сувбўйи давлати К.Ш. қазини ишларини олиб боришни Ўз хоҳишига қўра ҳал қилиш ёки тартибга солиш ёки иқтисодий мақсадларда сунъий қурилмалар яратиш юзасидан истисно тарздаги ҳуқуққа эга.

**КОНТРАКТ** – томонларнинг келишуви асосида тузилган шартнома, битим.

**КОНТРАЗВЕДКА** – чет эл разведкаси операцияларининг самарадорлигини пасайтириш мақсадида давлатнинг махсус органлари томонидан ўтказиладиган фаолият.

**КОНТРЕФОРМАЦИЯ** – (лат. «contra» – қарши, «reformatio» – ўзгартириш) – Жамиятда феодал муносабатлар ва католик черков ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун Реформацияга қарши йўналтирилган фалсафий-диний ҳаракат.

**КОНФЕДЕРАТИВ ДАВЛАТ** – умумий масалалар, жумладан, ўзаро муносабатлар, ташқи алоқалар, давлат ҳавфсизлиги ва бошқаларни ҳал қилишга қаратилган умумий қонуний маслаҳат органини тузувчи суверен давлатлар иттифоқи. У халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинмайди, фақат конфедерация аъзолари – суверен давлатлар тенг ҳуқуқли субъект ҳисобланади. К.Д. иттифоқининг шакли бўлиб, иттифоққа кирувчи давлатлар ўз суверенитетини тўлиқ сақлаб қолади. К.Д. ўзида халқаро-ҳуқуқий ҳамда давлат ташкилоти хусусиятларини мужассамлаштиради. Конфедерация турли даврларда бўлган, яъни, 1918 йилгача Австро-Венгрия, 1905 йилгача Швеция ва Норвегия, 1781 йилдан 1789 йилгача АҚШ, 1815 йилдан 1848 йилгача Швейцария, 1958 йилдан 1961 йилгача Миср ва Сурия ҳамда 1982 йилдан 1989 йилгача Гамбия ва Синегал давлатлари К. ташкил қилганлар. К.Д. тарихининг тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу давлат қурилиши шакли фақат иттифоқнинг батамом тугаши ёки давлат қурилишининг федерация шаклига ўтиши даври учун ҳосилдир. К.Д. давлат қурилиш шакли учун қуйидаги хусусиятлар характерлидир: 1) К.Д. тегишли шартнома асосида ташкил қилинади; 2) К.Д. субъектлари ундан эркин чиқиб ҳуқуққа эга; 3) К.Д. суверенитет унинг таркибига кирувчи давлатларга тегишлидир. К.Д. субъектларининг розилигисиз иттифоқ ҳоқомиятининг қарори ҳеч қандай кучга эга эмас; 4) К.Д. ихтиёридаги масалалар (уруш ва тинчлик, ташқи сиёсат, ягона армия тузиш) тор доирага эга; 5) К.Д. фақат шартномада алоҳида кўрсатилган масалаларини ечишга ваколатли бўлган давлат органларининг тузилади. Хусусан, суд органлари тузилмайди; 6) К.Д. парламенти субъектларнинг вакиллик органлари томонидан тузилади, улар депутатларидан ўзларига берилган кўрсатма ва йўриқномаларга қатъий риоя қилишни талаб қилади; 7) К.Д. доимий фаолият кўра-тадиган давлат органлари буйруқ бериш ваколатига эга эмас; 8) К.Д. субъектларига нуллификация ҳуқуқи берилмайди, яъни иттифоқ ҳоқомиятининг қарорларини қўллашдан бош тортиш ёки тан олмаслик; 9) К.Д. бюджети субъектларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан тузилади; 10) К.Д. субъектлари шахслар, товарлар, хизмат ва капиталларнинг ҳаракатини чекловчи

божхона ҳамда бошка турдаги чеклашларни белгилаш ҳуқуқига эга; 11) Ҳарбий тузилмалар К.Д. субъектлари томонидан йиғилади, бунда, асосан, уларнинг икки томонлама К.Д. органлари ва унинг субъектига бўйсуниб сакланиб қолади.

**КОНФЕДЕРАЦИЯ** – (лот. *«confederatio»* – бирлашиш, иттифоқ) – давлат тузилиши шаклларида бири бўлиб, уни таъсис этувчи давлатларнинг ўз мустақилликларини, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тўлиқ саклаб қолган ҳолда, муайян ҳарбий, ҳўжалик ёки сиёсий мақсадларни кўзлаб, ўз ҳаракатларини уйғунлаштириш учун махсус тузган бирлашмасидир. Мисол учун, Швейцария 23 кантон (округ)дан ташкил топган конфедерациядир. Ҳар бир кантон федерациянинг округ бирлиги ҳисобланади. К.нинг бошлиғи – Президент. Олий орган икки палатадан – Миллий Мажлис ва кантонлар кенгашидан иборат федерал мажлисдан ташкил топади. Австрия Габсбургларидан ўз мустақилликларини ҳимоя қилиб, кантонлар 1291 йил 1 августда «абადий иттифоқ» тузиб, Швейцария к.га пойдевор қурдилар. Вена конгресси 1814–1815 йилларда Швейцария чегараларини узил-кесил белгилаб, унинг «абადий даҳлсиз»лигига кафолат берди. 1848 йилги конституцияга биноан, Швейцария кантонларнинг заиф иттифоқидан ягона Иттифоқ давлатига айланди. К. тўғрисидаги муҳим ҳужжатлардан бири, бу – АҚШ тарихига оид «Мустақиллик декларацияси»дир. XVIII асрча ўзининг Америкадаги мустамлакаларини Англия давлати тарқоқ ва дарбадар ҳолда қуришни истар эди. 1775 йилнинг баҳорида Америка аҳолиси Англияга қарамликдан қутулиш учун очикдан-очик ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. 1776 йилнинг июнида Англияга қарам бўлиб келган 13 мустамлаканинг вакиллари Филадельфия шаҳрига тўпланишиб, «Қўшма Штатларнинг мустақиллик Декларацияси»ни ишлаб чиқдилар ва эълон қилдилар. Декларацияда эзилган халқ кўзғолон кўтаришга ҳақли, олий ҳокимият соҳиб халқдир («Халқ суверенитети»), халқ манфаатига жавоб берадиган қанақа ҳукумат кераклигини фақат халқнинг ўзи ҳал қилади, дейилган. Барча халқлар тенг ва ҳаётга, озодликка, бахтга интилиш халқнинг эзгу ҳуқуқидир, дейилган декларацияда. Бинобарян, ҳукумат ана шу ҳуқуқларни таъминлаш учун ўрнатилади, деб уқтирилади унда.

Декларацияда мустамлакаларнинг Буюк Британия кироли ва ҳукуматига сиёсий тобелитини тугатиш ҳақида баёнот эълон қилинди. Шу тариха, мустамлакалар инглиз ҳомийларини ҳайдаб чиқардилар, ўз муассаса ва ҳокимиятларини яратиб, ўзаро ихтиёрий хоҳиш ришталари билан боғланган мустақил давлат – штатларга айландилар. Штатларнинг 1781 йилда қабул қилган Конституцияси «конфедерация моддалари» деб аталди. Мазкур моддалар, аввало, Давлатлараро иттифоқни яратди. Ҳар бир штат ўз суверенитети, эркинлиги, мустақиллиги ва ҳар қандай ҳокимиятни, суд ишларини юритиш ҳуқуқини, ўзининг асл легислатурасини, яъни парламентини, ўз ҳукумати ва К.сини саклаб қолди. Ўз парламентлари томонидан вакил қилинган штат делегатлари Конгресснинг ҳар йили чақириб турналадиган сессиясига тўпланишарди. Сиёсий масалалар – уруш эълон қилиш, сулҳ, халқро шартномалар тузиш, пул зарб қилиш, бюджет масалалари кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Швейцария ва АҚШ мисолида кўриб турибмизки, конфедерациялар давлатлар тараққиётида юзага келган қийинчиликларни енгитиш ва ҳал этишга хизмат қиладилар, жамият тараққиётини тезлаштирадилар. Лекин улар фақат маълум шароитлардагина давр тақозоси билан шаклландилар ва аста-секин ривожланиш жараёнида федерацияга ёки унитар давлат тизимига айландилар.

**КОНФЕРЕНЦИЯ** – (лот. *«conferentia»*, *«confero»* – бир жойда тўпланиш) – бирон-бир давлат, ташкилот, гуруҳ ва вакилларнинг мажлисига, кенгашига, шунингдек айрим шахслар, олимларнинг маълум бир масалалар, муаммолар муҳокамасига тўпланиши.

**КОНФЛИКТ (ЗИДДИЯТ)** – субъектларнинг қарама-қарши манфаатлари, мақсадлари, қарашларининг тўқнаш келиши, жиддий зиддият, кескин баҳс. Индивидлар, ижтимоий уюшмаларга бириктирилган гуруҳлар, давлат ёки давлат бирлашмалари К. субъектлари бўлиши мумкин. К. антагонистик ва агонистик турлари мавжуд. Аноан-

тагонистик К. баргараф этиш имконияти бой берилганда, у антагонистик тус олиши мумкин ва аксинча. Ҳазаро мураса йўлларини излаш антогонистик К. кескинлигининг камайишига ҳамда мураса тактикасининг ривожланиши натижасида агонистик К. айланishiга олиб келади. Турли соҳаларда юз берадиган К., агар улар халқаро, миллат ва элатлараро, жамоалараро, диний, демографик, минтақавий бўлса, сиёсий маъно касб этиши мумкин. Харақтерига кўра К. қуролли ва қуролсиз бўлади. К. илмий соҳада мавжуд бўлган халқаро К. тадқиқ этишга бўлган ёндашувларнинг хилма-хиллиги «халқаро К.» тушунчаси, мазмунини турлича талқин қилинишидир. Бундан ташқари «халқаро К.» тушунчаси назарий тасаввур, халқаро сиёсий амалиётга муқобил бўлган муस्ताқил маънога эга ибора. К. типологияси уларнинг тавсифи каби ранг-баранг, бу таърифлар қайси қиррадан қараш ва таҳлил мақсадларига боғлиқдир.

Шахс, гуруҳлар ёки давлатлар ўртасидаги К., ўз навбатида, шахслараро, гуруҳлараро ёки давлатлараро ички ва ташқи алоқалар сифатида фарқланади. Худудий даъволар, дипломатик мунозаралар, иқтисодий қарама-қаршиликлар ташқи К. орасида энг кўп тарқалган низолақ сифатида ажратилади. Улар қуролли тўқнашув, уруш ёки «тинч» (қуролланмаган) дипломатик демарш шаклини олади, иқтисодий гуруҳдаги К. мавжуд меъёрларга янги ҳаёт бағишлайди ёки янги К. келтириб чиқаради. Меъёрларнинг яратилиши ёки такомиллашуви, ўз навбатида, жамиятга «янги нафас» беради, унинг барқарорлиги ва ҳаётлигини таъминлайди. Гуруҳлар ичидаги К. қарама-қарши гуруҳ кучларини нисбий баҳолаш механизми ёки кучларнинг ички мувозанатини ўзгартиришга имкон яратади. К. пайдо бўлиши тизим ичидаги мавжуд муносабатларни рад этишни аниқлатади. К. кучлари нисбатини аниқлаш натижасида кучларнинг янги мувозанати ўрнатилади ва ўзаро муносабатлар янги асосда давом этади. Бу ҳулосаларга таянган ҳолда Йел университети профессори Мартон Дойч ўз асарларида барча К. умумийлигини топишга, уларнинг табиатини ойдинлаштиришга уринган. Дойчнинг назарида, К. Потенциал, шахсий ва ижтимоий хусусиятга эга бўлади. У К. типологиясини келтириб, уларни конструктив ва деструктив К.ни ларга ажратади, шунингдек, уларнинг ривожига таъсир ўтказувчи омилларни тизимлаштиради. Бундан ташқари, М.Дойч рақобатлашув К. тенг эмас, чунки кейингисининг барча босқичлари ҳам мақсадларга мувофиқ эмаслигини қайд этади. Рақобатчилик асосида пайдо бўлган низоли харақатлар номутаносиблиги бир-бирига зид бўлган мақсадлардан келиб чиқади. Айни пайтда, К.ни мақсадларнинг очикдан-очик қарама-қаршилиги бўлмаган шароитларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, К.ни рақобатчилик мавжуд бўлган муҳитда кузатилиши мумкин. Уни ҳал этиш жараёни кўп жиҳатдан муҳит харақтерига боғлиқ.

**КОНФЛИКТОЛОГИЯ** – жамият ҳаётида тўқнашувлар келиб чиқишини умуий қонуниятлари, ривожланиш механизми, уларни бошқариш, баргараф этиш жараёни, олдини олиш усулларини ўрганувчи сиёсий фаннинг янги тармоғи. К. илмий йўналиш сифатида жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги тўқнашувлар суръатининг ўсиб бориши, XX асрдаги тараққидёт таназзулнинг кескинлашуви муносабати билан юзага келган. Замонавий К. сиёсий, ижтимоий ва харбий тўқнашувларни ўрганишга, куч ишлатилмайдиган технологиялар ёрдамида уларни бошқариш механизмиларини ишлаб чиқишга қатта эътибор берилади. К. давлат сиёсий ва жамоатчилик институтларида халқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий даражадаги тўқнашувларни олдиндан айтиш, таҳлил қилиш, ҳал этиш учун миллий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш бўйича қарорлар ишлаб чиқиш учун фойдаланилади.

**КОНФОРМИЗМ** – (лот. «*con*» – биргалиқда, «*forma*» – қўриниш, шакл) – ҳукмрон қараш ва нуқтан назарга мослашув, келишув; ҳукмрон тенденцияларнинг муайян қарашларга зид бўлишига қарамай, уларга қаршилик кўрсатмаслик.

**КОНФРОНТАЦИОН МАНФААТЛАР** – айрим манбаларда қарама-қарши манфаатлар деб юригиладиган тушунча. Бир-бирига зид, қарама-қарши, бир-бирини истисно этувчи манфаатларни ифода этади, антагонистик зиддиятлар ва қарши қурашишнинг манбаи ҳисобланади.

**КОНФРОНТАЦИЯ** – 1) манфаатлар тўқнашувни ёки душманга қарама-қарши қўйилиши; 2) давлатлар орасидаги ҳарбий тўқнашувга олиб келувчи зиддият.

**КОНФУЦИЙЧИЛИК** – мил.авв. бўлган асрларда қадимги Хитойда юзага келган энг муҳим фалсафий ва ахлоқий-сиёсий таълимотлардан бири. Конфуций (Кун Цзи, мил. 551–479 йй.) мазкур таълимотнинг асосчиси бўлиб, у ҳозирги Шаньдун вилояти ҳудудида Лу подшолиги даврида туғилди. Конфуцийлар бу вақтда камбағал-лашган эски зодагонлар оиласига мансуб эди. К. асосчисининг қарашлари унинг издошлари томонидан ёзилган «Лунь юй» («Сухбатлар ва мулоҳазалар») номли фалсафий китобда баён этилган. К. таълимотида «чжун» (подшоҳга садоқат), «и» (бурчга садоқат), «сяо» (ўғилларча эҳтиром) ва бошқа ғояларни ифода этувчи «жень» (инсонларварлик қарашлари тизими марказий ўринни эгаллайди. Унинг асосида ушбу ҳислатларни ўзига сингдирган, «цзюнь-цзи» (олижаноб кишилар) ҳақидаги таълимот туради. Кишиларни «цзюнь-цзи» (олижаноблар) ва «сяо-жень» (паст табақалар)га ажратяш шундан келиб чиққан. Унга кўра, бошқарув биринчилар томонидан амалга оширилиши, кейингилар эса фақат итоат этишлари зарур бўлган. Бошқа фалсафий таълимотлар каби К. ҳам биринчи галда, осойишталик ва хотиржамлик, тартиб ва гуллаб-яшнашни кўзлашга йўналтирилган. Конфуций ўтмишни, жумладан, Инь ва Чжоу бошқаруви даврини идеаллаштириш билан қадимги Хитой жамияти ҳаёти даври интилишларига хизмат қилиши зарур бўлган одатларга алоҳида эътибор беришга уринди. Уларнинг таълимотига кўра, одат аслзодалар билан паст табақаларнинг алоқалари асосдир, у халққа ҳаёт бахш этади. Бу орқали К. қадимийлик олдидан сизнишга ва боболарни ҳурмат қилишга чақирган.

К. фалсафасида осмон тартиб ва мукаммаллик тимсоли ҳисобланган. «Осмон иродаси» (тянь – мэнъ) назарияси, жумладан, «осмон фарзанди» таълимотига кўра, унга фақат барча зарур ҳимматга эга бўлган императоргина эга. К. издошларидан бири, ушбу таълимот тарафдорларидан бўлган Мэн Цзи Хитой тарихида биринчи бўлиб, ошқора тарзда ҳукмдорнинг шахс сифатидаги манфаатларига нисбатан мамлакат ва халқ манфаатларининг устуворлиги ҳамда ноинсоф подшоҳни ағдариб ташлашга халқнинг ҳуқуқи борлиги ҳақидаги ғояларни шакллантирди. У ижтимоий тенгсизликни «осмоннинг иродаси» мавжудлиги билан асослади. К. бошқа бир тарафдори – Сюнь Цзининг таълимотига кўра, «осмон» табиатнинг бир қисми бўлиб, у онга эга эмас. Инсон нарсаларнинг яшаш қонунлари («дао»)ни биллиб олгач, улардан ўз манфаатлари учун фойдаланиши лозим.

Қадимги Цинь империяси инкирозидан сўнг, Хань даврига келиб, Цянь империясининг расмий мафқураси бўлган легазмнинг К. билан қўшилиб кетиши, ортодоксал пайдо бўлиши ва шаклланишига олиб келди. К. г бошқа бир вақили – Чжу Ся, Сун (мил. XII–XIII асри) даврига келиб, янги К. шаклланиб ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. У янги К. ахлоқий-сиёсий асоси сифатида инсон табиати ҳақидаги назарияни ишлаб чиқди. Бу назарияга дуализм хос эди ва унга кўра, барча нарсаларнинг икки ибтидоси – «ян» (ахлоқ-одоб, қонуи) ва «ци» (заррачалар) мавжуд дейиларди. Ушбу ибтидоси, унинг таълимотига кўра, бориб-бориб бир ибтидога бирлашади. Ортодоксал К. сўнгги хитой империяси барҳам толгунга қадар, икки миңг йил давомида унинг расмий мафқураси сифатида ҳукмронлик қилди. К. таълимоти XIX аср охири XX аср бошларида ҳозирги Хитой фалсафаси шаклланишига ғоят катта таъсир кўрсатди.

**КОНЦЕПЦИЯ** – (қарашлар тизими, тушуниш) – Уруш концепцияси – урушга ижтимоий ҳодиса ва қуроли зўравонлик шакли сифатида қарайдиган назарий қарашлар тизими. У. К. унинг сабаблари, моҳияти, тури, мазмуни, ижтимоий-сиёсий характери ва халқлар, мамлакатлар, инсоният тарихидаги ўрни, шунингдек, уруш қонунлари, аҳолини, иқтисодиёт ва мамлакат ҳудудини урушга тайёрлаш усуллари, қуроли кураш олиб бориш ҳамда ташкил этиш тамойиллари асослаб берилди. У.К. мазмунига даврнинг ўзига хослиги, дунёдаги ҳарбий соҳанинг ривожланиш даражаси, давлатнинг геосиёсий жойлашуви, унинг ҳарбий таъриблари ва анъаналари, шунингдек, концепция муаллифлари-нинг ижтимоий ва маънавий қарашлари салмоқли таъсир кўрсатади.

**Тинчлик концепцияси** – жамиятнинг уруш ва қуроли тўқнашувларсиз ҳолати сифатида ҳамда ҳарбий зўравонликларни жамият ҳаётидан батамом истисно этиш имконияти ва йўлларини ўз ичига олган назарий қарашлар тизими. Т.К. тинчликнинг моҳияти, кенглик ва геосиёсий чегаралари, унинг ижтимоий-ҳуқуқий базаси, тинчликни таъминлаш йўли ва воситалари ақс этади. Т.К. ижтимоий ҳаракат ва сиёсий партияларнинг расмий позицияси сифатида қаралади, у сиёсий дастур характериға эға бўлади.

**Иқтисодий ҳаёфсизлик концепцияси** – давлатнинг иқтисодий ҳаёфсизлигини таъминлашға асосланган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, мамлакат иқтисодиётининг уруш вақтида фаолият юритишға тайёргарлигини таъминлаш, тажовузни қайтаритиш ва бартараф этишға қаратилган расмий қарашлар мажмуи.

**Кучлар мувозанати концепцияси** – давлатлараро муносабатлар тизими мувозанатининг ўзига хос шаклини ифода этувчи сиёсий концепция. Унинг моҳияти қуйидагилардан иборат: ҳамма давлатларнинг ҳарбий кучи бир-бириға таҳдид сола олмаслик даражасида бўлгандагина дунёда тинчлик ўрнатитиш мумкин. Агарда бирор давлат ривожланишда илгарилаб кетса, бошқа давлатлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, иттифок тузишлари ва шу йўли билан мувозанатни тиклаши мумкин.

**КОНЦЕРН** – илмий-техник ва ишлаб чиқариш вазифаларини марказлаштириш асосида ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган, шунингдек, инвестициявий, молиявий ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалға оширадиган, қорхоналарға хўжалик ҳисобида хизмат кўрсатишни ташкил этадиган қорхоналарнинг қўнгилли бирлашмаси. К. таркибига кирган қорхона ва ташкилотлар орасида ўзаро кооперациялашган тургун алоқалар мавжуд бўлиб, улар К. ривожини йўлида умумий молиявий ресурслардан, ягона илмий-техник имкониятлардан муштарак фойдаланилади. К., қондаға қўра, ишлаб чиқариш белгиларига қараб тузилади ва ягона хўжалик мажмуи саналади.

**КОНЦЕССИЯ** – (лат. «concessio» – *руҳсат бериш*) – чет эллик инвесторларға хўжалик фаолиятининг муайян тури билан шугулланиш учун давлат номидан бериладиган руҳсатнома бўлиб, бу фаолиятни амалға ошириш учун давлат табиат ресурсларини қидириш, олиш мақсадида ер ва ер ости участкаларини топширади. Чет эллик инвесторлар билан тузиладиган битим 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Концессиялар тўғрисида»ги қонун билан тартибға солинади.

**КООПЕРАТИВ** – мулкчиликнинг жамоа (ширкат) шаклиға асосланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятининг турли соҳаларида умумий мақсадға эришиш учун тузилган ва ташкилий жиҳатдан шакланган қўнгилли бирлашма (кооператив)лари, пайчилик ширкатлари. К. юридик шахс ҳуқуқиға эға бўлган, мустакил хўжалик юритувчи субъект. У жамоа мулки ҳуқуқидаги мулкка эғалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

**КООПЕРАЦИЯ** – биргаликда ва меҳнат тақсимоти асосида ишни ташкил этиш шакли.

**КОРПОРАТИВЛИК** – (лат. «corporatio» – *уюшма, иттифок*) – меҳнат ва капитал ўртасидаги муносабатлар давлат томонидан бошқарилиши, парламент эса корпоратив кенгаш мақомиға эға бўлиб қолиши ҳақидаги давлат қурилиши концепцияси.

**КОРПОРАЦИЯ** – мулкчиликнинг барча шаклларидаги қорхоналарнинг акциядорлик асосидаги қўнгилли бирлашмаси. К. таркибига кирган қорхоналар ишлаб чиқариш ва илмий-техника кооперация орқали ўзаро боғланади. Шу билан корпорация инвестициявий сармойанин жамланишиға ҳам ёрдам беради. Фаолиятнинг тижорийлиги, яъни фойда олишни мақсад қилиб қўйиши, чекланган жавобгарлик, марказий бошқарув, акциядорнинг акция сармойасининг ўзига тегишли қисми билан эркин тасарруф этиши ва бошқалар унинг асосий хусусиятидир.

**КОРРУПЦИЯ** – (лат. «corruptio» – *пораға сотилиш, таназзул*) – мансабдор шахснинг бойиш мақсадида ўз мансаби билан боғлиқ ҳуқуқларини сунистеъмол қилишдан иборат жинояти. Тарих нуқтаи назаридан олганда, К. энг қадимий жиноятлардан бири: қардақи давлат бўлса, давлат аппаратининг турли тармоқларида, жистдан юқоригача



тарқалган жиноят бўлган. Худудий жихатдан қараганда, К. бутун жаҳонга ёйилган, замон ва маконда тенг тарқалган жиноят шаклларидан биридир. Давлатлар ўтмишда ва ҳозирда ҳам К. қарши кураш олиб борадилар. Лекин, бу иллат батамом барҳам топгани йўқ. Бу масала хусусида БМТ ҳам шуғулланиб, махсус қарор қабул қилган у К. қўйидагича таърифлаган: 1) мансабдор шахслар томонидан давлат мулкни ўғирлаш, талон-тороқ қилиш ва ўзлаштириш; 2) ноқонуний фойда олиш учун ўз хизмат лавозимини суистеъ-мол қилиш; 3) ижтимоий бурч ва шахсий таъмағирлик, манфаатлар ўртасидаги зиддият.

К. – ижтимоий-криминологик ҳодиса бўлиб, товламачилик ёки реал жихатдан мулкни, хизмат кўрсатиш, имтиёз олиш учун шароит яратишда намоен бўлган, қонунда назарда тутилмаган ҳуқуқларни олиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланишда ифодалан-ган, давлат аппарати ва унга тенглаштирилган бошқармалар ходимларининг индивидуал фаолиятидир. К.нинг кенг тарқалганлиги ва уни тугатиш қийинлигини кўзда тутиб, «халқаро офат» деб аташ мумкин. Дунёда тинчлик, демократия, ҳуқуқий давлат ва жаҳмият қондалари кенг тарқалиб, халқаро ҳамкорлик такомиллашгани сари, давлатлар К. қарши кураш йўлларини топиш борасида иш олиб бормокдалар.

**КОРҲОНА** – юридик шахс ҳуқуқига эга булган, мулк ҳуқуқи ёки тўла хўжалик юритиш, кооператив бошқариш бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган ва хизмат кўрсатадиган, рақобат ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги шароитларида амалдаги қонуналарга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган муस्ताқил хўжалик юритувчи субъект.

**КОСМИК ФАЗОДАН ТИНЧЛИК МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШ ҚЎМИТА-СИ** – 1959 йилда ташкил этилган БМТ Бош Ассамблеясининг ёрдамчи органи. Космик фазодан тинчлик мақсадида фойдаланиш ва уни таъқиқ этишининг илмий-техник ва ҳуқуқий масалалари билан шуғулланади, шунингдек, космосни ўзлаштириш бўйича халқаро ҳамкорлигининг марказий координацион органи ролини ҳам бажаради. Қўмита таркибига дунёнинг барча минтақаларидан 53 давлат қиради. Ўз фаолияти давомида Қўмита халқаро космик ҳуқуқнинг асосий манбалари бўлиши 5 шартнома ишлаб чиққан.

**КОСМИК ФАЗО НАЗОРАТИ** – космик объектлар, космик фазодаги тизимлар, умуман, космик вазият ҳақида ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш мақсадида, шунингдек, у ҳақдаги талаб этилган ахборотни ўз вақтида олиш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуи. Космик фазо назорати космик объектларни кузатишни амалга оширувчи ва келаётган ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш бўйича ягона марказ томонидан бошқариладиган К.Ф.Н. тизимини ҳосил қилувчи барча техник воситалар билан таъминланади. К.Ф.Н. ер усти, денгиз, ҳаво ва космик базаларнинг радиолакацион, оптика-электрон ва радиотехник воситалар ёрдамида амалга оширилади. У мамлакат мудофаасига онд масалаларни ечишда ҳам кенг қўлланади.

**КРЕДИТ** – (лот. «*creditum*» – қайтариш шарти билан пул бериш шаклида бериладиган қарз) – бериш шартнома тузиш билан амалга оширилади. К. шартномаси бўйича бир тараф банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга фуқаро ёки юридик шахс (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. ЎЗР Фуқаролик кодексининг 744-моддасига биноан ва қонуи ҳужжатларига мувофиқ, кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотлари кредитлашни амалга оширишда К. шартномаси тўғрисидаги қондалар бундай тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланади. Ушбу модда қондалари диспозитив ҳарактерга эга. К. шартномаси муносабатларига нисбатан Фуқаролик кодекси 41 боб 2 параграфининг қондалари қўлланади.

**КСЕНОФОБИЯ** – ахлоқий маънода ўзга этник ва ирқий гуруҳларга нисбатан қўрқув (душманлик) хисси.

**КУБРО НАЖМИДДИН (1145–1221 йй.)** – Унинг мақсади одамларни ҳам жисмонан, ҳам ақлий тафаккур, ҳам руҳий-маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш бўлган. К.Н. тариқат ва футувватни бир-бирига қўшиб ахлоқий поклик, мардлик, ҳолатбарорлик ғояларини тарғиб этади. Илоҳни севиш билан бирга яхши инсонларни севишни ҳам тарғиб қилди, нафсни каттиқ мазаммат этиб, яъни қоралаб, улуг тақво пири, деган ном чиқарди. Билиш назариясида ақли ва важдий (ҳиссий-интуитив) билишни бирлаштирди, тасаввуфда «қушёрлик» (саҳв) маслагани танлаб, «бехуд» – девоналикни инкор этади. У инсонни «кичик олам» деб, унинг камолоти чексиз эканини таъкидлади. Тасаввуфда орифлик рутбасини (мартабасини) олдинга суриб, макоматнинг, яъни даражаларга ақратилишнинг ўнга босқичини жорий этган олимдир: турфа ранглар – моддий олам ўзгаришлари, рангсизлик – худо олами белгиси, дейди. У рисола ва фалсафий-тасаввуфий рубойлар ёзган. К.Н. асослаган «кубровия» тариқати, Осие ва Африкадаги мусулмон мамлакатларига кенг тарқалган.

**КУЧ** – 1) жисмоний таъсир қилиш, фаол ҳаракат қилиш учун жисмоний ёки руҳий имконият; 2) интилишнинг аниқ меъёри билан ажралиб турувчи бирор фаолиятни кўрсатиш қобилияти; 3) куч-қудрат, давлатнинг ўз мақсадига эришиш учун қўллайдиган сиёсат ва воситанинг асосий манбаларидан бири; 4) бирор характерли жиҳатга эга бўлган кишилар; 6) қонуний фаолият.

**КУЧ ИШЛАТИШ ТАҲДИДИ** – БМТ Низомига зид ҳолда, бирор давлатнинг худудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллиги бузилишига олиб келувчи ҳаракатлар. Бундай ҳатти-ҳаракатлар БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан баҳолалиши ва зарурат туғилганда, БМТ Низомига кўзда тутилган коллектив чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қилиши мумкин.

**КУЧ ИШЛАТМАСЛИК** – инкироз ва можароларни ҳал қилишда зўравонлик, ҳарбий куч қўлламаслик тамойили, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий меъёрлар мажмуаси. К.И. мулоқот, давлатлараро ишонч, мурося, музокара, келишув шартномалари ва битимлар тузишда, умумий ҳаракатлар дастурида устувор бўлиши зарур.

**КУЧ ИШЛАТМАСЛИК ҲАРАКАТИ** – фуқароларни ҳукуматга бўйсунмасликка йўналтирилган сиёсий фаолиятнинг бир кўриниши ҳамда можароли ва инкироз ҳолатларни ҳал қилишда бир-бирига нисбатан сабр-бардошли бўлишнинг ахлоқий меъёрларига таянган сазй-ҳаракат.

**«КУЧЛАР МУВОЗАНАТИ» КОНЦЕПЦИЯСИ** – давлатлааро муносабатлар тизимида муфозанатнинг ўзига хос шаклини белгилайди. Дипломатия тарихида «К.М.» ибораси Ўйғониш даврида пайдо бўлади. XVI–XVII асрда у – «мувозанат тамойили» тарихан шаклланган ўзаро муносабатлар ва кучлар мувозанатини сақлаб қолишга интилаётган европа мамлакатларининг дипломатия амалиётидан мустаҳкам ўрин олади. XIX асрда «К.М.» «Европа концернида» намоён бўлган устувор концепцияга айланади. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин халқаро муносабатлар доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли талқинотларда бу концепцияга алоҳида эътибор (айниқса, америка ва европалик олимлар томонидан) қаратила бошлайди. Шу билан бирга, маъмур иборанинг турли-туман маъно касб этиши ва унинг ноаниқлиги муайян қийинчиликларнинг келтириб чиқараяпти. Масалан, америкалик назариятчи Э.Хаас илмий адабиётда унинг бир-бирига зид саккизта талқини мавжудлиги таъкидлайди. Кўпчилик томонидан эътироф этилган талқинларнинг бирига кўра, бирорта ҳам мамлакат бошқасига куч билан таҳдиди қила олмаган тақдирдагина тинчлик ўрнатилиши мумкин, маълум мувозанатга эришилиши мумкин. Агарда қандайдир давлат илгарилаб кетадиган бўлса, бошқа мамлакатлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро иттифоқ тузиши ва кучлар мувозанатини тиклаши лозим. Бошқача айтганда, тинчлик – халқаро майдонда рақобатлашаётган актёрларнинг куч-қудратининг мувозанатга келтирилган ҳосиласидир.

**КУЧ МАРКАЗИ** – минтақавий ёки умумбашарий миқёсда кўпроқ таъсир ўтказувчи алоҳида давлат ёхуд давлатлар гуруҳи.

**КУЧЛАР НИСБАТИ** – реализм доирасидаги концепция бўлиб, давлат миллий ҳавфсизлик масалаларини ҳал этиш йўлларини таърифлаш билан изоҳланади. Мувозанатга келтирувчи тизим мамлакат миллий манфаатларини бошқа мамлакатлар манфаатлари билан қиёслаш орқали яратилади. Давлатлар ўртасидаги тинчлик ушбу тизим доирасида давлатлараро кучлар тақсимоти мувозанати сифатида тушунилади.

**«КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ САРИ» ТАМОЙИЛИ** – ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 28 январь кунини ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида қилган маърузасида ушбу тамойилнинг моҳиятини қуйидагича талқин қилиб берганлар: ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш; ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йигинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш; сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш.

**КЎППАРТИЯВИЙЛИК** – ҳозирги замон жамиятининг ажралмас белгиси, унинг демократлашуви даражасининг муҳим пойдевор кўрсаткичидир. К. ўзига хос белгиси – сиёсий хилма-хиллик, жамиятда бир неча сиёсий партиянинг мавжудлигидир. Сиёсий партиялар фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини парламент, давлат ҳокимияти, маҳаллий вакиллик идоралари, аҳолининг ўзини-ўзи бошқариш уюшмалари ва ҳ.к.лар орқали ифода этиш ҳамда рўёбга чиқариш мақсадида фаолият кўрсатувчи кишилар бирлашмаларидир.

**КЎП ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР** – иккитадан ортиқ шахслар иттифоқида тузиладиган шартномалар. К.Т.Ш. фуқаролар, юридик шахслар ва давлатлар иштирокида тузилиши мумкин. Иккитадан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъектларининг шартномада мустақил тараф сифатидаги иштироки этиши ҳам К.Т.Ш. дейилади. К.Т.Ш. субъектлар иштироки чекланган ва умумий ёки универсал шартномаларга асосланган бўлиши мумкин. К.Т.Ш. давлатларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, халқаро ҳуқуқда тинчлик ва ҳавфсизлик каби меъёрларнинг белгиланиши, кодификациялаштирилишида муҳим аҳамият касб этади. К.Т.Ш.: а) ҳамма давлатлар ёки кўпчилик давлатлар иштирокчилари бўлган халқаро ҳамжамият ва иштирокчилар манфаатларини ифодаловчи универсал; б) маълум бир минтақа манфаатларини ифодаловчи ва улар томонидан белгиланган масалаларни тартибга солувчи минтақавий шартномаларга; в) БМТ Устави 51-моддасида белгиланган, жамоа ўз-ўзини муҳофаза қилиш шартномаларига; г) давлатлар ўртасидаги белгиланган масалаларни тартибга солувчи шартномаларга бўлинади.

**КЎП ФУҚАРОЛИЛИК** – (инг. «multi-citizenshi») – шахснинг тегинли ҳужжатлар билан тасдиқланган икки ва ундан кўпроқ давлат фуқаролигига мансублиги. Кўп фуқаролик масаласи турли мамлакатлар конституциясида турлича ҳал этилади.

## Л

**ЛАНДАТАГ** – Лихтенштейн князлигининг 25 депутатдан иборат парламенти. 4 йил муддатга сайланадиган 15 та депутат – Оберланддан, 10 таси, Унтерланддан) қонун чиқарувчи органи.

**ЛЕГАЛЛАШТИРИШ** – (инг. «legalization» – расмий равишда ошкоралаштириш, қонунлаштириш, қонуний тан олиш) – қонун кучини бериш, легал (очиқ) ҳолатга ўтиш; бирорташкилот, корхона фаолиятига руҳсат бериш; ҳужжатлардаги ямзоларнинг ҳақиқий-лигини тасдиқлаш. Қондага биноан, Л. хорижда тузилган ёки ажнабий давлатда амалда бўлган тегинли ҳужжатларга нисбатан қўлланилади. Консулнинг ҳужжатлардаги устхати-ни гувоҳлантириш шаклида амалга оширилади.

**ЛЕГАЛЛИК (ОЧИҚЛИК)** – фаолиятнинг қонунийлаштирилиши, сиёсий ташкилот, институт фаолият юретишига расман руҳсат берилиши, ижтимоий тузум, сиёсий фаолият конституциявийлигининг зарурий шарт.

**ЛЕГАЛ (ҚОНУНИЙ) ОБРЎ-ЭЪТИБОР** – анъанавий ва харизматик обрў-эътибордан фарқли ўлароқ формал қонулар томонидан қўллаб-қувватланадиган обрў-нуфуз.

**ЛЕГАЛ ҲУҚМРОНЛИК** – М.Вебер талқинига кўра, рационал қонун, формал ва оқилона ҳуқуққа асосланганлигитим давлат тури.

**ЛЕГИТИМЛАШТИРИШ** – (лот. «legitimus» – қонуний) – индивид ёки гуруҳнинг ўз ҳатти-ҳаракатларини ижтимоий фойдали ва асосланган эътиб қўрсатишга уриниши. Л. на вертикал ва горизонтал турларга бўлинади. Вертикал Л. Поппиц фикрича, имтиёзга эга ва унга эга бўлмаганлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқлайдиган механизм ва далилларни ишлаб чиқиш жараёни, горизонтал Л. эса – ўз имтиёзини сақлаб қолиш учун бир-бирининг имтиёзга эга эканини тан олиш жараёни.

**ЛЕГИТИМЛИК** – бирор фаолият, фаолият юритувчи шахс, ҳодиса ёки далилни жамоатчилик томонидан тан олиниши. Бирор соҳанинг Л. унинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилгани, қонунийлигини аниглади. Давлат ҳокимиятининг Л. халқ ва давлат ҳокимияти муносабатларидаги ўйгунлиққа акс этади. Л. давлат ҳокимиятига нисбатан қўлланилганда маълум муддатда эришиладиган босқич эканлигини таъкидлаш зарур. Мамлакатдаги куч ишлатувчи органлар шахсий таркибининг ортиб бориши сиёсий ҳокимият Л. Пасайиб боришини билдиради. Ҳар қандай қонуний ҳокимиятнинг Л. таъкидлаш қийин, баъзан Л. бўлган ҳокимият қонуний бўлмаслиги ҳам мумкин.

**ЛИБЕРАЛ** – 1) эркин фикрловчи, ҳурфикр; баъзан ортисча кўнгил бўшлиққа мойил одам; 2) либерализмнинг издоши ва тарафдори.

**ЛИБЕРАЛИЗМ** – халқаро муносабатларни тадқиқ қилишда асосий мактаблардан бири. Инсоннинг ҳамкорликка, тинчликка интилиши; адолат ва ахлоққа асосланган тасавурларидан келиб чиқади.

**ЛИБЕРАЛЛАШУВ** – давлат бошқаруви, назоратнинг чекланиши ва жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштириш сиёсати.

**ЛИБЕРАЛ ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМ** – халқаро тадқиқотлардаги нелиберал ёндашув ёки замонавий дунёда глобал институтлар ташкил топишини ўрганишга эътибор қаратувчи тушунча.

**ЛИЗИНГ** – (ингл. «leasing») – асосий фондларни узоқ муддатга ижарага олиш. Янгиликларни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни молиявий таъминлашнинг янги усули. Л. корхоналарга бир йўла катта миқдорда пул сарф қилмасдан ускуна маҳсулотларни, ишлаб чиқариш ускуналарини олиш ва улардан фойдаланиш имконини беради. Л. икки кўринишда: молиявий ва тезкор бўлади. Молиявий Л. ижарага олинган фонднинг тўла қийматини ва иккиламчи фойдасини қоплашни назарда tutади. Тезкор Л. амортизация давридан кичика муддатга тизилган келишув ҳисобланади. ЎЗР Фуқаролик кодексининг 587 моддасига биноан, Л. шартномаси бўйича Л. берувчи (ижарага берувчи) бир тараф Л. олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг тошириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан Л. олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш. Л. – машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини ижара олиш. Л. ижарачининг шартнома муддати тугагандан сўнг, унинг асбоб-ускуналарини қолдиқ қиймат бўйича сотиб олиш мумкин.

**ЛОББИ** – (ингл. «lobby») – ёпиқ, сайр қиладиган майдон, йўлак) – 1553 йилда монас-тирдаги сайр қиладиган йўлакчани англатган. Бир асрдан кейин Англия парламентидаги сайр қилиш йўлагини ҳам шундай деб аташган. Икки асрдан кейин 1864 йили Л. ибораси конгрессда пул эвазига овозларни сотиб олишни билдирган. XX асрдан бошлаб бу ибора барча мамлакатларда қўллана бошлаган. Л. сиёсати 1) айрим сиёсий ва ижтимоий кучларнинг; 2) алоҳида маълакат ва минтақа; 3) умумий ижтимоий ёки глобал муаммоларни ҳал этиш стратегиясини белгилаб олишга қаратилиши мумкин.

**ЛОББИЗМ** – хусусий ва жамоат ташкилотлари: сиёсий партиялара, касба уюшмалари, корпорациялар ва ҳ.к. томонидан парламентнинг қарор қабул қилиш жараёнида таъсир этиш механизмини англаувчи сиёсий тизимнинг ўзига хос институти. Ў. биринчи галда бюджет ажратмалари, молиявий дотациялар ва башқ. таалуқдир. У дастлаб АҚШда вужудга келган ва бундай фаолият 1946 йилдан махсус федерал қонун билан тартибга солинади.

## М

**МАВЛАВИЙЛАР** – (*мавлавия – суфийлик тариқати*) – тахминан 1240 йилда Жалолоддин Румий Кўния шаҳрида (Кичик осие) асос солган. Румийни кўпинча «мавлоно» («жаноб») деб аташган. Шундан тариқат номи олинган. Тариқат фаолияти Эрон, сўнгра Туркия ҳудуди билан чекланган. М. тариқати Туркияда 1925 йилда яъни, Камол Отатурк декрети билан тарқалиб юборилиб, барча ерлари, кўчмас мулки ва банкдаги маблағи мусодара қилинган.

**МАДАНИЙ МЕРОС** – авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлоқий, илмий, тафаккурий, диний ва руҳий қарашлар, халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий бойликлар мажмуи. Ҳар бир давр ва авлод ўзига хос М.М. яратди. М.М. унга қараб давр ва авлодлар ҳақида ҳукм чиқарилади. М.М. кенг халқ оммаси ва айрим ижодкорлар мероси тарзида намоён бўлади. Мас., халқ маданияти ва ижодига оид бойликлар асрлар давомида йиғилиб, ҳар бир авлод томонидан қайта ишланиб, тўлдирилиб, оммавий кўриниш олади. М.М. Форобий, Хоразмий, Беруний каби алломалар қолдирган ижтимоий, илмий-тафаккурий мерос уларнинг иқтидори ва меҳнати маҳсулидир.

**МАДАНИЙ МОСЛАШИШ** – маданиятнинг унга хос жиҳатларни белгилайдиган атроф муҳитнинг муайян шарт-шароитига фаол мослашиш жараёни.

**МАДАНИЯТ** – (*лот. «cultura» - парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради, мумтоз лотин тилида маданият ерни парвариш қилиш, унга ишлов бериш маъносига қўлланилган*) – мил.авв. 45 йили Рим воизи, машҳур файласуф Цицерон М. атамасини ақлга ишлов бериш маъносига ишлатган. Унинг фикрча, деҳқон ерга ишлов бергани каби инсон ҳам сўз, ақлга ишлов бериб туриши зарур. Кейинчалик М. тушунчаси билимдон, маърифатли, юксак тарбияли инсонларни таърифлашда ҳам ишлатила бошланади. М. кўп қиррали ва чуқур мазмунга эга тушунча бўлиб, у жамият таракқиёти давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритилган барча моддий ва маънавий ютуқларнинг мажмуидир. Моддий М. деганда, инсон фаолияти туфайли яратилган «иккинчи табиат», яъни ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари, меҳнат кўникмаларини, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва ҳаёт учун хизмат қиладиган барча бойликларни назарда тутиш лозим. Маънавий М. қамрови кенг бўлиб, у ижтимоий онгнинг барча шакллари, яъни фалсафий, илмий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлар, маориф, таълим-тарбия мактаб, ўрта ва олий таълим, фан, М. муассасалари, оммавий ахборот воситалари, санъат, халқ маънавий ижодиётининг барча турларини қамраб олади. Моддий ва маънавий М. бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Инсон амалий фаолиятининг ҳар қандай турида, айни бир вақтнинг ўзида унинг ҳам ақлий, ҳам jisмоний меҳнати объектив равишда иштирок этади.

**МАЖБУРИЯТ** – (*мансабдор шахсларнинг, фуқароларнинг*) – мансабдор шахслар томонидан етказилган зарар учун; етказилган зара сул орқали ундириб олинади. Тадбиркорлар М. уларнинг ўзи ёки ишончли вакиллари томонидан ишчи-хизматчиларга етказган зарар учун (агарда бахтсиз ҳодиса тадбиркор ёки унинг ишончли вакилининг айби билан юз берган бўлса).

**МАЖЛИС** – Қозоғистон Республикасининг икки палатали парламенти. 5 йил муддатга сайланади. 1991 йилда ташкил топган. Қуйи палата – Мажлис (67 депутатдан), Юқори палата – Сенат (49 депутатдан) иборат.

**МАККИНДЕР ХЭЛФОРД ДЖОРДЖ** (Halford Mackinder, 1861–1947 йй.) – машхур геосиёсатчи. Жўғрофиядан олий маълумот олгач, 1887 йилдан Оксфорд университетига дарс берган. 1910 йилдан 1922 йилгача умумий палата аъзоси, 1919–1920 йилларда Британиянинг Жанубий Русиядаги мухтор вакили бўлган. М. ўз қарашлари билан халқаро муносабатлар йўналишига жиддий таъсир этган. Англия сиёсий ҳаётида, шунингдек, дунё сиёсий тарихини талқин этишда энг дадил ва инқилобий ҳамму яратган атоқли шахс сифатида тан олинади. У дунё сиёсий ва жўғрофий тарихини ўзига хос талқин қилиш билан Англиянинг халқаро масалалар бўйича стратегиясини ишлаб чиқишда ярим аср мобайнида фаол ҳамда муваффақиятли иштирок этади. Лекин танқидий руҳдаги олимлар геосиёсатнинг фан сифатидаги самараси ва кадр-қиммати тани олишмаган. 1904 йилда «Жўғрофий мажалла»да нашр этилган «Тарихнинг жўғрофий ўқи» маърузаси М. дастлабки ва энг ёрқин чиқиши бўлган эди. Унинг ушбу мақоласи мазкур фан тарихидаги энг асосий геосиёсий асар сифатида баҳоланиши мумкин, чунки унда «сиёсий жўғрофия» тараққиётининг барча йўналишлари умумлаштирилши билан бир қаторда мазкур фаннинг асосий қонуни ҳам ишлаб чиқилади. (Halford Mackinder «Geographical Pivot of History» in «Geographical Journal», 1904 й.; русча таржимаси «Элементы. Евразийское обозрение» журналада 1996 й. нашр этилган).

**МАМЛАКАТ** – «давлат» тушунчасига яқин, лекин маданий-тарихий, иқтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳага нисбатан кенгрок маънога эга бўлиб, халқнинг урф-одатлари, маданияти, тили каби тушунчаларни ўз ичига олади.

**МАМЛАКАТ АҲОЛИСИ** – маълум бир давлат ҳудудида яшовчи одамлар. Улар ўша мамлакат фуқаролари ҳамда чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар) ва икки фуқароликни олган (бипатрит) шахслардан иборат бўлади.

**МАМЛАКАТ МУДОФААСИ** – мамлакатга уюштирилиши мумкин бўлган ҳарбий агрессияни қайтаришга, миллий манфаатлар, хавфсизликка таҳдид солувчи қуролли низолар олдини олиш ва пайини қирқишга оид сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий, ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий каби умумдавлат тадбирлари тизими. М.М. қуйидагича таъминланади: стратегик (шу жумладан, ядровий) ўзини тийини; мамлакат мудофааси учун зарур ва етарли бўлган қуролли кучлар ва қурол-аслаҳалар, мудофаа-саноат комплекси, давлат имкониятлари; мамлакат аҳолисининг (жанговар) сафарбарлик тайёргарлиги; халқ маънавий-ахлоқий салоҳиятининг мустаҳкамлиги.

**МАНИФЕСТАЦИЯ** – бирдамлик ёки норозилик билдириш учун кўчаларда намоиш уюштириш.

**МАНСАБ** – хизмат иерархиясида муайян лавозим ва у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

**МАНСУРИЙЛАР** (ал-Мансурийа) – «ўта» шпаникадаги жамоа; Абу Мансур ал-Ижлий издошлари. Абу Мансур саводсиз бўлган. Аллоҳ ерга ўз «xabарчилари»ни юборишни тўхтатмаслигини тарғиб қилиб, Абу Мансур ўзини ерга қулаб тушган «осмоннинг бир парчаси» деб эълон қилган. Унинг даъвоси: Аллоҳ Мухаммад (С.А.В.)ни қуръон билан, уни эса қуръон шарҳи билан юборган.

**МАНФААТ** – индивид ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятининг асосий сабаби. М. фаолиятни келтириб чиқарибгина қолмай, унинг йўналиши, восита ва шакллари, максадлари ҳам белгилаб беради. М. шахс ва жамеъат ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши, аятқ файласуфлар – Демокрит, Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель) томонидан эътироф этилган. Ўрта Осиёлик буюк файласуфлар – Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқалар манфаат – сиёсат, ахлоқ ва ҳуқуқ негизда бўлишини эътироф этганлар.

**МАРКАЗ** – 1) Мамлакат сиёсий макони, минтақа, тамаддун, жаҳон ҳамжамияти миқёсида ҳокимият ва унинг атрибутлари: куч, ҳукмронлик, таъсир, макъе, сиёсатни шакллантириш, бошқарув ва назоратни амалга оширишни назарда тутати. М. давлат, вилоят, район ҳокимияти, халқаро ташкилотларни бошқариш маркази ва ҳ.к. бўлиниди. Оддий маънода М. пойтахт, маъмурий бошқарув тушунилади. Шунингдек, халқаро муно-

сабатларда етакчи давлатларнинг тутган ўрни нуқтаи назаридан «Куч М.» ёки «таъсир М.» тушунчалари ҳам қўлланади.

Сиёсий М. пайдо бўлиши тарихан ҳокимиятнинг марказлаштирилиши, унинг раҳбар идораларининг шакллантирилиши ва сиёсатда марказ-периферия муносабатларни тизими билан боғлиқдир; 2) парламентдаги мўътадил гуруҳнинг ҳамда муросага мойил сиёсий партия ва кучларнинг номи. У радикал ҳаракат ва қарорларга салбий муносабати билан ажралиб туради. У асосан ўрта табақа – ишчилар, турли соҳа мутахассислари, ўртача даромадга эга зиёлиларга таянади. Парламент М. алоҳида ўрин тутади: у – сиёсий кучларни мувозанатга келтирувчи марказдир. Кучли марказ – сиёсий барқарор ва заиф бўлиши ва турли блокларга бўлиниб кетиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, асосан мўътадил партиялардан иборат кучли ҳукмрон М. мавжуд бўлиши мумкин.

**МАРКАЗИЙ АМЕРИКА ДАВЛАТЛАРИ ТАШКИЛОТИ** – халқаро ташкилот, 1951 йил 14 октябрда Гватемала, Сальвадор, Гондурас, Никарагуа, Коста-Рика давлатлари ўртасида тузилган. Мақсади – Америка давлатларининг иқтисодий ва сиёсий интеграцияси, маданий ҳамкорлик. Олий органи – Давлат бошлиқларининг кенгаши асосий органи – Ташқи ишлар вазирлиги кенгаши. Доимий органи – Йжроня кенгаши. (Сан-Сальвадорда жойлашган.)

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (МОҲТБ)** – Марказий Осиё мамлакатларини иқтисодий ривожлантиришга ёрдам кўрсатувчи халқаро банк. 1994 йил 8 июлда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида «Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма келишувга асосан таъсис этилган. Олмаота шаҳаридаги Бош банк ҳамда Тошкент ва Бишкек шаҳарларидаги шўъба банклардан иборат.

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (МОҲ)** – давлатлараро минтақавий иқтисодий ташкилот. 1993 йил июль ойида ЎзР ўртасида 1994–2000 йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида битим имзоланди. М.О.Х.Т. ташкил этишнинг асосий мақсадлари: қатнашувчи мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика ресурсларидан ва сув хўжалиги объектларидан рационал фойдаланиш; транспорт тизимининг умумминтақавий инфратузилмасини барпо этиш.

**МАРКЕТИНГ** – (инглиз. «market» – бозор; «marketing» – бозор билан шугулланиш) – бозор қоидаларини билиш, мослаштириш ва унга таъсир этиш, товар ишлаб чиқарувчилар ва харидорларнинг ўзаро боғлиқлигига эришишга қаратилган хўжалик муносабатлари мажмуи.

**МАРОНИЙЛАР (АЛ-МАРУНИЙУН), (АЛ-МАВОРИНА)** – Шимоли-Ғарбий Сурия ва Шимолий Ливан аҳолиси орасидан V–VIII асрларда ажраб чиққан этноконфессиянал христиан-униат гуруҳи тарафдорлари. М. аксарияти кишлоқ хўжалиги, савдо, маиший хизмат, саноат тармоқларида банд. М. озгина қисми Ливандан ташқари доимий равишда Сурия, Кипр, Исроил, Иорданияда ҳам яшайди. М. уларнинг кўпчилиги муҳожирликда. Улар Ливанда конфессиянал тузумни сақлаб қолиш учун курашиб, этник можароларни келтириб чиқармоқда, М. уларни араб дунёсидан ажратиб олишган интиломда.

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ** – устав жамғармаси мавжуд бўлган ва пайларга бўлинган, микдори таъсисчилик ҳужжатларида белгиланган, мажбуриятлари бўйича фақат ўз мулки доирасида жавобгар бўлган жамият.

**МАТЕРИК** – ер қобиғининг бир қисми. Ҳозир қуйидаги материклар мавжуд: 1) Евроосиё; 2) Шимолий Америка (жумладан, Марказий Америка); 3) Жанубий Америка; 4) Африка; 5) Антарктида; 6) Австралия.

**МАФКУРА** – (араб. «мафкура» – нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятда муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи. М. ижтимоий борлиқнинг, яъни кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий-сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгида акс этиши инсон томонидан англашиб, яхлит тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг амалий фаолиятда назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидир.

**МАФКУРАВИЙ БЕҚАРОРЛИК** – кишилик жамиятига хос муайян хусусиятлардан бири бўлиб, у мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий ва муқим бўлмагани каби маъноларни англатади. Бу тушунча гоҳида ижтимоий ҳаётда мафкураларнинг алмашиб туриши жараёнини изоҳлаш учун ҳам қўлланилади. М.Б муайян бир ҳудудда давлат тизими ўзгарадиган, умуман, бирон-бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида юзага келади. Шу нуктага назардан олганда, М.Б.ни муайян тарихий шароитда юзага келадиган ғоявий ўзгарувчан ҳолат, деб ҳам аташ мумкин.

**МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ** – ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақаларни тортилганлигини, мафкуравий қураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида халқаро муносабатларнинг интеграциялашуви ва интенсификациялашуви билан характерланади. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, Интернет, космик телерадио алоқа тизимлари техник-технологик воситаларининг кучайиб кетиши билан ахборот алмашув, кинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда.

Мафкуравий глобаллашув жараёни бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш ва анъанада намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришилган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналмилаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мураккашлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажигига ҳаф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натيجида одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамоқда. Бу жараёнининг энг муҳим хусусиятларидан бири турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш мақсадининг ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан чирмашиб кетганидир. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган «санъат асарлари»нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ғоявий-мафкуравий таъйик ва таъжовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлиб қолмоқда. Ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилганда мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий қарашлардаги муайян фарқлардан қатъи назар, умуминсоний қадриятлар, тинчлик ғояларига содиқликнинг камол топишига шароит яратади, умуминсоний цивилизация тараққиётининг муҳим омилига айланади.

**МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ** – муайян шахс ёки ижтимоий гуруҳда ўзига хос, қатъий, барқарор, соғлом мафкуравий қарашнинг шаклланиши, маълум мафкура тамойилларини, улар томонидан ўз ижтимоий-сиёсий фаолияти ва яшаш тарзининг мезонларига айлантирилганлиги билан ифодаланади.

**МАФКУРАВИЙ МАРКАЗЛАР** – муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул ва воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюшмаси, ташкилот ёки муассасалар. Ўзининг характери, мақсадига қараб маълум партия, гуруҳ, кишилар уюшмаси ёки давлат мафкуравий марказ ядросини ташкил этиши мумкин.



М.М. ўз ҳаракат дастури, мафқурани тарғиб қилиш восита ва усулларига эга бўлиб, унда муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маънавий руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш, мафқуравий иммунитетни сақлаш кабилар муҳим ўрин тутати.

М.М. ўз фаолиятини яширин ва ошқора йўл билан амалга оширади. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, айрим М.М., мас., фашизм ўз мақсадини ошқора эълон қилиб, зўравонлик йўли билан сингдирган. Мафқурани яширин йўл билан тарғиб қилишда байрон қилувчи ғоя ўзининг сохта жозибаси, алдов ва мақр билан омма онгини заҳарлаб жамиятда ҳукмрон мавқени эгаллаб олишига алоҳида эътибор берилган.

Бугунги кунда уларга қарши соғлом мафқурани тарғиб қилишда таълим-тарбия даргоҳлари, илмий, маданий-мағрифий муассасалар, маҳалла, оила, турли жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари фаолияти муҳим ўрин тутати. Бу соҳада фан ва илмий муассасаларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар аҳолининг ижтимоий-руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мафқуравий тарбиянинг самарали йўлларини тадқиқ этиш, турли мафқуравий таҳдидлар ва хавф-хатарларнинг олдини олишнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шунингдек, жамоатчилик фикри, аҳоли турли қатламларининг руҳияти, интилишлари, қизиқишлари, қарашларини социологик тадқиқотлар, анкета сўров усуллари орқали ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш ҳам турли зарарли ғояларни тарқатадиган М.М.ларга қарши курашда муҳим воситалардан биридир.

**МАФҚУРАВИЙ МАҚСАД** – ижтимоий қатлам, сиёсий ғуруҳ, миллат, жамият манфаатлари, орзу-интилишлари ва ҳоҳиш-иродасини ифода этувчи тушунча. Мазмун-моҳиятига кўра, эғуу ниятларни ўзида акс эттирадиган, халқ томонидан эътироф этиладиган, қўллаб-қувватланадиган ижобий ва ғаразли ниятларни ифодалайдиган салбий, шаклига кўра ички ҳамда ташқи ёки геосиёсий мафқуравий мақсадларни фарқлаш лозим. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқурасининг асосий мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Халқ оммасини миллий ғоя атрофида бирлаштириш, кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан улугвор ишларга тайёрлаш ва сафарбар этишдан иборат. Пировард натижага эришишнинг йўллари, восита ва усуллари ҳам ушбу мақсаддан келиб чиқади. Ташқи ёки геосиёсий мафқуравий мақсадлар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра давлатнинг халқро майдондаги мавқенин мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, бундай мақсадлар ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган бўлса – ижобий, бошқа халқлар ва давлатларга мафқуравий тазйик ўтказишга қаратилган бўлса – салбий характер касб этади.

**МАФҚУРАВИЙ МУАММОЛАР** – ғоявий беқарорликка чек қўйиш, мафқуравий бўшлиқни тўлдириш, мафқуравий таҳдиднинг олдини олиш, мафқуравий иммунитет ҳосил қилиш билан боғлиқ масалалар мажмуи. Бундай муаммолар жамият ҳаётининг бир тарихий босқичидан иккинчисига ўтиш даврида жиддий аҳамият касб этади.

Дунёда ранг-баранг дунёқарашлар, турли миллий, диний, сиёсий оқимларнинг ўзига хос ғоялари мавжуд. Уларнинг баъзилари ўзаро уйғун ҳолда бир-бирларини тақозо этса, айримлари бир-бирига мутлақо зиддир. Ғоялар, мафқуралар кураши натижада дунёнинг айрим минтақаларида оммавий қирғинлар, фожеалар юз бераётган бўлса, бошқа ҳудудларда баъзи давлатларнинг юксак даражада ривожланаётганини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай давлат ёки мамлакатнинг тақдири кўп жиҳатдан мафқуравий муаммоларнинг қандэй ҳал қилинишига ҳам боғлиқ.

М.М. ичиди мафқуравий хавф, таҳдидни бартараф этиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда жиддий мафқуравий хавф сифатида диний экстремизм, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизликни тарғиб қилишга асосланган ғоявий қарашлар тизими ва амалиётини кўрсатиш мумкин. Бу хавф ва таҳдидларни бартараф этиш масаласи ҳам М.М. доирасига кириди. Жумладан, Ўзбекистон ҳам бугун муайян мафқуравий муаммоларни ҳал қилиш йўлида самарали ишларни олиб бормоқда. Бу, аввало, мустақид мафқура асоратларини бартараф этиш, миллий тараққиётга хизмат қиладиган, халқнинг дунёқарашига мос бўлган соғлом мафқурани шакллантириш билан боғлиқдир. Зеро Президентимиз уқтиргани каби: «...мафқура ҳар қандай жамият ҳаётида

зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ бўлса, ўша ерда бегона мафкура хукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан қўплаб мисоллар келтириш қийин эмас».

**МАФКУРАВИЙ ПЛЮРАЛИЗМ** – (лот. «*pluralis*» – хилма-хиллик, ранг-баранглик) – ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли катлам, партия, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайдиган тушунча. Мамлакатд илгор ғоялар, мафкуралар қанча қўп бўлса, тараққиётнинг самарали йўлини танлаб олиш учун имконият шунчалик кенг бўлади. Фикрий кураш мафкураларнинг маъно ва мазмун жиҳатидан бойишига, бир-бирини тўлдирishiга хизмат қилади. М.П. ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига, турли халқлар, элатлар, миллатлар ва сиёсий гуруҳларнинг манфаатларини умумий тарзда рўёбга чиқишига шароит яратади. У муқаррар суръатда қўшпартиявийлик тизимини тақозо этади. Сиёсий партиялар эса ўзлари мансуб бўлган қатламлар, сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари, интилишлари, орзу-умидларини умумлаштирган ҳолда ўз ҳаракат дастурлари орқали намоян қилади.

**МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОН** – одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдони. Одатда П. деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади. Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуролларининг узлуксиз такомиллашиб борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбараклардан ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб бориадиган қитъаларо баллистик ракеталаргача бўлган узок такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман махв этиш шарт эмас. Зеро, турли мафкуравий таъсирлар оқибатда онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъкул» йўналишга ўзгартирилган маҳаллий аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Бу эса шу жой аҳолисининг онги ва қалби ёт ва бегона ғоялар синаб кўриладиган майдонга айланганини билдиради.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги давр ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, М.П. ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган даврдир. Хусусан, мамлакатимиз ичида ўзларининг зарарли ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган, ёшларни чалғитиш, онгини захарлаш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган ваҳхобийлар, «ҳизбут таҳрир»чиларнинг ҳаракатларини айнан шундай баҳолаш мумкин. Бугунги кунда М.П. муайян гуруҳлар ва давлатлар ўзла-рининг ғаразли манфаатларини ифода этаётган турли тажовузкор ғояларни синовдан ўтказмоқдалар. Уларнинг ортида кишиларни, энг аввало, маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилиш, пировард-натияжада эса буткул қарам қилиб олиш мақсади ётади. Бу катта-катта ҳудудларни, айниқса, бой табиий ресурсларга эга бўлган минтакаларни эгаллаб олишнинг энг қулай ва камҳарж усулидир.

**МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА** – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. М.П. ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсирдан ҳалос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади. М.П. тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолда доимий ва собитқадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам М.П. ўрни катта. Зеро, у моҳиятан, ёт

ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади.

**МАФКУРАВИЙ СИЁСАТ** – муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига сингдириш, зарарли маънавий-мафкуравий таъсирлар, турли кўринишдаги таъжирларнинг олдини олишга қарагилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ фаолият мажмуи. М.С. мафкуравий вазифаларни амалга ошириш учун бўлган ҳаракат тарзида ҳам тушуниш мумкин. Бу вазифалар муайян мамлакат ёки халқнинг дунё ҳамжамиятида тугган ўрни, нуфузи, халқаро иқтисодий, сиёсий, дипломатик алоқалардаги мавқеи, тараққиёт даражаси каби бир қатор кўрсаткичлардан келиб чиқади. Мас., мустақил Ўзбекистон шароитида миллий истиқлол мафкура-сини яратиш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга. М.С. самарадорлиги унинг қандай воситалар, усуллар ва шаклларда юритилишига боғлиқ. Бу ўринда ижтимоий тараққиётдаги турли гуруҳлар, синфлар ва қатламлар манфаатларининг ҳисобга олинishi муҳим аҳамиятга эгадир. Мафкуравий таъсир ўтказиш йўллари омма учун қанчалik яқин, тушунарли ва табиий бўлса, ижтимоий-ғуманитар фаиллар ютуқларига таянган ҳолда ташкил этилса, М.С. шунчалик самарали бўлади.

**МАФКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ** – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи. М.Т. ёвуз кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузғунчиликнинг бир шаклидир. Улар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий кийинчиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бугунги кунда М.Т. деганда, аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишга ўзгартириш, бузғунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлар тушунилади. Бундай тажовуз фуқароларни қонуний ҳокимият органлари фаолиятига ҳалақит қилиш, зўравонлик ҳатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундаш ёки уларни Конституцияда кўзда тутилмаган бошқа тузилмалар билан алмаштиришга чакiriшда намоён бўлмоқда.

**МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ** – инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратган, бошқа гуруҳларни ҳам шу ғоялар таъсиринга тортишга, ўз тарафдорларни сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчилиكنинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, ғоявий тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади. Ўзбекистон шароитида М.Т. асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкура-сининг моҳиятини кенг жамғирчиликка тушунтириш ва, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир. М.Т. жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлири, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини такозо қилади. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни оляб борувчи асосий бўғиндир. Эсро, мафкуравий мақсадларни кишилар ва, айниқса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси асосан таълим тизими орқали амалга оширилади.

**МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК** – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузулар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча. М.Х.

таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, Ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган гоълар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади. М.Х. ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини ўтказиб туради. Бугунги кунда турли хил мафқура марказлари ва полигонларининг Ўзбекистонда янги жамият қуришга тўскинлик қилиш учун ғаразли ниятларига эришишда мамлакатимиз фуқароларидан «қурол» сифатида фойдаланишга нитилишларида М.Х. учун реал ташқи таҳдидлар мавжудлигини кўрамиз. Шунингдек, қўшни давлатлардаги терроризм, диний экстремизм ва мавжуд сиёсий беқарорлик ҳам мамлакатимиз мафқуравий хавфсизлигига ўз таъсирини ўтказди.

ЎЗР миллий хавфсизлигини таъминловчи ички омил – жамиятнинг сиёсий-иқтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳиятидир. Бундан ташқари, М.Х. халқимизнинг асрий аъёнлари, тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний кадриятларга асосланади. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маърифий муассасалар томондан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар тизими М.Х. таъминлашнинг зарурий шартидир. Мамлакатимиз М.Х. илмий асосланган иқтимоий сиёсатга, ҳуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий стулкиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга оширилаётган гоъвий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва шахс М.Х. таъминлаш давлат сиёсатининг тарқибий қисми ҳисобланади.

**МАФҚУРАВЙ БАҒРИКЕНГЛИК** – хилма-хил қараш, интилиш, ёндашувга эга бўлган ва турли мафқуравий позицияда турувчи кучларнинг жамият ва миллат манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилишсини, эзгу мақсадларни кўзлаб, ҳамжиҳат фаолият юритишсини ифодаловчи тушунча. 1995 йил 16 ноябрда Парижда ЮНЕСКО йиғирма саккизинчи сессиясида қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси» ер юзидagi барча мамлакатларда мафқуравий бағрикенгликни шакллантиришнинг умумназарий асосидир. «...Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, Ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш ва тўғри тушунишни аंगлатади, самияният, очик мулоқот, ҳурфикрлик, виждон ва эътиқод эркинлигини вужудга келтиришга чорлайди. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик – тинчликка эришишни мушарраф қилувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчи воситадир». М.Б. гоъси жамиятда асрлар давомида шаклланиб келган бунёдкор гоълар, эзгу ниятлар ва мақсадларнинг руёбга чиқиши учун замин тайёрлаб беради. Ҳозирги даврда М.Б. гоъси жамиятдаги барча қатлам, иқтимоий гуруҳ ва миллатларнинг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутати ва мамлакатда тинчлик, барқарорликни мустақкамлашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Ўзбекистон халқи дунёвий давлат, эркин фуқаролик жамияти курмоқда. Барпо этилаётган жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва кўччилик томонидан қўллаб-қувватланаётган бугунги кунда, эзгу мақсадларга йўналтирилган мафқура фаолияти учун бир хил шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилмоқда.

**МАФҚУРА ЯКҚОҲОЖИМЛИГИ** – муайян бир давлат, жамият ёки иқтимоий гуруҳ давлатларда ягона мафқуранинг тўла ҳукмронлигини унга хос тамойилларнинг ўзгармас ақидалар тарзида жамият ҳаётида ҳаъий ва мутлак тартибда ўрнатилишини ифодалайдиган тушунча. М.Я. моҳияти шундаки, бунда бирон-бир мафқуравий тизим жамиятдаги барча қатламлар манфаатларини ифода этувчи ягона илмий, энг адолатли мафқура деб эълон қилинади. Ўзининг моҳияти ёки бирон-бир жиҳати билан ундan фарқ қилувчи гоъ ва қарашлар, мафқураларга эса ёт ва душман мафқуралари сифатида қаралади. Оқибатда миллионлаб кишиларда мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, маҳдудлик, ўзга гоъларга ҳадиксирлаб қараш руҳияти шаклланади, жамиятнинг маънавий ривожига, илм-фан равнақига жиддий зарар етказилади.

Тарихда яккахукмронликка интилувчи мафқураларнинг энг кўп тарқалган шакли ақидапарастликдир. Бундай мафқуралар Осиё ва Европа давлатлари тарихида муайян

даврларда ҳукмронлик қилган. Ўрта асрларда Фарбадаги ақидапарастлик мафқураси (инквизиция) хурфикрлилик ривожига, жамият тараққиётига тўқинлик қилди. Юзлаб алломалар, ақл-заковат соҳиблари унинг қурбонига айланди. Бундай салбий анъана коммунистик мафқура ҳукмронлиги даврида ҳам давом эттирилди, кўплаб моддий ва маънавий йўқотишларга сабаб бўлди. Фарба юзага келган фан ва техниканинг янги ютуқлари кўр-кўрона инкор этилди, генетика ва кибернетика, политология, конфликтология, аксиология каби фанлар «реакцион» ва «сохта» деб эълон қилинди. Психология, социология, культурология, семиотика, бионика, информатика назарияси, эргономика каби фан соҳалари етарли даражада ривожлана олмади. Аксарият миллий кадриятлар, урф-одат, анъаналар эскилик сарқити деб эълон қилинди. Натжидада кўплаб маданият дурдоналари исзис йўқолиб кетди. XX асрнинг 30-йилларида Италия ва Германияда фашизм ҳам ана шундай ҳукмрон мафқура даражасини эгаллаган эди. Унинг оқибатида дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз қулфатлар ёғилди.

Миллий истиклол гоёси мамлакатимизда бирон-бир мафқуранинг мутлақлашуви, яққоқким ақидага айланишига йўл қўймайди. У фикрлар ранг-баранглигига асосланади, ижтимоий ҳаёт, сиёсий ташкилот, мафқураларнинг хилма-хиллигига таянган ҳолда, жамиятнинг самарали ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

**МАФҚУРАНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ** – демократик жамиятнинг табиий ҳолати. Шубҳасиз, муайян мафқура ни жамият аъзолари онгага мажбуран сингдириш ва унга риоя қилишни қатъий талаб қилиш – жамият ҳаётидаги жиддий хатолардан биридир. Маълумки, мафқура муайян бир ижтимоий гуруҳнинг, миллатнинг, халқнинг манфаатларини ўзида мужассамлаштирган қарашлар тизимидир. Бу тизим ўзининг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий қирраларига эга. Демак, мафқура ўз моҳияти ва вазифаси жиҳатидан ниҳоятда ранг-баранг бўлиши табиийдир. Худди жамият ҳаёти турли қатламлар, йўналишлар ва даражаларга эга бўлганидек, мафқура ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда, тарихий тараққиётнинг масъулиятли даврларида жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳлар, миллат ёки сиёсий йўналишларни ўзида мужассамлаштирувчи, кўпчиликка мақбул, умум томонидан маъқулланадиган, жамиятнинг асосий манфаатларини ўзида муштараклаштирадиган ягона мафқура ҳам бўлиши мумкин. Масалан, миллий озодлик кураши мафқураси, миллий мустақиллик мафқураси ва ҳ.к. Мафқура жамиятнинг, муайян ижтимоий синф ёки миллатнинг манфаатларини назарий асослаб, ижтимоий ҳаракатларга аниқлик киритади ва ижтимоий кучларни рўёбга чиқаришга сафарбар қилади. Мафқура инсон онги орқали унинг амалий хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатади.

**МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР** – ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ваколатларга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги бошқарув ва назоратни амалга оширувчи органлар.

**МАХСУС ОПЕРАЦИЯ** – оддий қуролли кучлардан фарқ қиладиган махсус тайинланган, ташкил этилган, тайёрланган ва жиҳозланган қуролли кучлар томонидан олиб бориладиган ҳарбий тадбир.

**МАХФИЙЛИК ГРИФИ** – маълумотлар махфийлиги даражасини белгиловчи, уни олиб боровчида сақланувчи ёки илова ҳужжатидаги реквизит – муомала ёки ҳужжат тарихидаги расмий белги. ЎзРда давлат сирини ҳисобланган маълумотлар махфийлигининг уч тури мавжуд. Уларга мос равишда махфийлик грифи маълумотлари белгиланган: «ўта махфий», «мутлақо махфий» ва «махфий». 1. Ўта махфий маълумотлар сирасига ҳарбий, ташки сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, жосулик-разведка, контрразведка ва тезкор қидирув фаолиятига алоқадор маълумотлар қиради. Уларни ошкор этиш миллий манфаатларга зиён етказиши мумкин. 2. Мутлақо махфий маълумотларга ҳарбий, ташки сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, жосулик-разведка, контрразведка ва тезкор қидирув фаолиятига оид вазирлик (идора) ва давлат иқтисодий соҳаларининг маълумотлари қиради. Буларни ошкор этиш муайян соҳаларга зарар етказиши мумкин. 3. Махфий

маълумотлар сирасига давлат сирини ҳисобланган ахборотлар киради. Уларни ошкор этиш қорхона, муассаса ёки ҳарбий, иқтисодий, илмий-техникавий, жосуслик-разведка, контр-разведка ва тезкор кидирув фаолиятига зарар етказиши мумкин.

**МАХФИЙ ОПЕРАЦИЯ** – айғоқчилик, контрайғоқчилик ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар орқали уларнинг яширинлиги ёки хуфиялигини таъминлаган ҳолда ўтказиладиган операция.

**МАХФИЙ ТАРТИБОТ** – маъмурий-ҳуқуқий, ташкилий, муҳандис-техник ва бошқа чора-тадбирлар ҳақида, шахсларнинг давлат сирларидан воқиф бўлишини чеклаш; махфий ишлар ўтказилиши; давлат ҳамда хизмат сирларини ташкил этувчи ҳужжат ва буюмлар билан ишлаш; давлат сирларини куриклаш ва қўлланишда ўрнатилган тартибни назорат қилиш тизимини ўз ичига олиб, давлат сирларини сақлашни таъминлаш борасида давлат ҳокимияти ва бошқариш органлар томонидан ўрнатилган меъёрий ҳужжатларининг ягона ва тўла тартиби.

**МАХФИЙ ҲУЖЖАТЛАР** – давлат органлари томонидан махфийлик грифи қўйилган ҳужжатлар.

**МАЪМУР** – (*лот. бошқарувчи*) – давлат бошқарувининг маълум қисмини бошқарадиган шахс.

**МАЪМУРИЙ ЖАЗО ВА УНДИРИБ ОЛИШ** – маъмурий ҳомиёт томонидан суд қарорисиз белгиланади. Ғарбий Европада бундай жазо чоралари камдан-кам ҳолларда қўлланади (мамлакат қамалда ёки фавқулодда вазият эълон қилинган бўлса).

**МАЪМУРИЙ ҲУДУД** – сиёсий чегаралар билан белгиланадиган ҳудудий бирлик (мас. район, вилоят, давлат).

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ** – давлат бошқаруви, ҳукумат ташкилотлари тузилиши ҳамда фаолият доираси ҳақида таълимот.

**МАЪМУРИЯТ** – 1) бошқарув ижроия ҳокимиятининг айрим идоралари; 2) бошқарувчи, ижрачи ва ҳ.к. сифатида бошқаларнинг мулкни тасарруф этиш; 3) савдо ҳуқуқи бўйича махсус муассаса; у қарздорнинг чигаллашган ишларини тартибга солиш учун кредиторларнинг талаби билан таъсис этилади.

**МАЪНАВИЙ БОЙЛИК** – ижод фаолиятининг натижаларига жисмоний ҳамда юридик шахснинг муносибати ва тегишли ҳуқуқлари. Бу техник ихтиролар, патентларга оид ҳуқуқлар, товар белгилари, фирма номлари, нашриёт ёки муаллифлик ва унга боғлиқ бўлган ҳуқуқлар (адабий, бадиий, мусиқий ва илмий асарлар, фильмлар, артистлар ижро фаолияти ва ҳ.к.)дир.

**МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДАГИ ТАҲДИД** – илмий салоҳиятнинг инқирозга учраши ва маданият таназзули, жамият интеллектуал таълим даражасининг пасайиши, маънавий кадрларнинг йўқолишига сабаб бўлувчи омиллар, шарт-шароит ёки ҳаракатлар.

**МАЪНАВИЯТ** – (*араб. «маънавият» – маънолар мажмуи*) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. М. «мафкура», «тафаккур» тушунчаларига яқин. Одамзот лайдо бўлибдики, у кўп минг йиллик тараққиёт жараёнида ўзини ўраган табиат, турли ҳодисалар, воқеалар, ҳаётнинг тажрибаларни кузатган, уларнинг сабаб ва қонуниятлари тўғрисида мушоҳада қилган, турли тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиб келган. М., инсоннинг умри давомида кучига куч қўшадиган, идрок ва ақл-заковатини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган восита. М. ва маънавий бойликлар, кадрлар давлат, халқ, миллат, жамият, айрим шахсларнинг бебаҳо хазинаси ҳамда тараққиёт манбаидир. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан умумий ва бебаҳо мулк сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Мустақиллик даври миллий истиқлол маънавиятини тиклаш, ривожлантириш, миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, ўз-ўзини англаш, миллий ҳис-туйғулар, гурур, ватанпарварликни камол топтириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқдир.

**МАЪРИФАТ** – (*араб. «билмоқ»*) – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний гоълар мажмуи асосида кишиларнинг онг – билимини, маданиятини оширишга

қаратилган фаолият. Суфийлар назарида, тариқатнинг давоми ва ҳосиласи таълим таълим таълим М. У фикрдан ўзиб кетадиган ва шубҳага заррача асос қолдирмайдиган илмдир. М. «илми ботиний» деб ҳам юритилган. Чунки, тасаввуф ахли дунёвий ва диний илмларни бирга қўшиб, уни «зохирий илмлар» деб атаганлар. Уларнинг уқтиришича, фақат зохирий илмлар билан Худони билиш қийин. Бироқ, бошқа бир нуқтаи назар ҳам бор: гарчи зохирий билимлар Ҳақ таоло асрорини англашга яроқсиз бўлса-да, лекин, Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланиши керак. «М. Ҳақ томонидан юборилади. Бу менинг фикрим эмас, балки илоҳий илҳомдир», деб ёзган Ибн ал-Арабий. Ўзбекистонда М. соҳасидаги ишлар ўз тарихига эга.

**МАЪРИФАТПАРВАРЛИК** – капиталистик муносабатлар шаклланиши даврида маданий-мафкуравий ва фалсафий оқимларнинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳолда юзага келган босқич.

М. миллий хусусиятлардан қатъи назар, хос бўлган умумийлик: демократизм, яъни кенг оммани маданият ва билим манбаларидан фойдаланиш учун шароит яратиб бериш, инсон тафаккурининг чексиз имкониятларига ишониш. М. тушунчаси илк бор Францияда шаклланиб, XVIII асрнинг бошларида ривож топа бошлади. Бу ҳодиса М.Вольтер, Ш.Монтескье, Ж.Мишле билан боғлиқдир. М., моҳиятан миллийдир, чунки унинг шаклланиши миллатнинг равиши билан боғлиқ. М. миллийликдан ташқарида бўла олмайди. Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида француз, инглиз, булгур, рус, татар, ҳдад, турк, ўзбек ва бошқа М. оқимлари вужудга келиб, уларнинг мазмуни М.ка хос ягона қонуний хусусиятларга эга бўлган ғоя билан суғорилган М., айна пайтда ижтимоий-сиёсий, миллий-руҳий жиҳатларига кўра, бир-биридан фарқланади.

М. турли тарихий шароит, ва муҳитда шаклланиши, худудий тарихий омиллар таъсирида маълум даражада ўзгариши мумкин. М. ғояси нафақат миллий, балки ўзининг худудий жиҳатларига кўра ҳам фарқланади. Бу, ўз навбатида, Узоқ, Яқин, Ўрта Шарк маърифатпарварлиги, шунингдек, америкача, Европача М. шаклланганлигидан далolat беради. Ҳар бир минтақанинг М. ғояси ўз хусусиятига эга. Шарк маърифатпарварлиги ижтимоий тараққиётда алоҳида босқични ташкил этиб, унинг моҳияти аънавий диннинг янги шароитга мослаштиришга қаратилган эди, яъни буни динни ислоҳ қилиш ҳаракати, деб аташ ҳам мумкин. Бироқ, минтақавий М. ҳаракати ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига, турли маънавий қадриятларга, Европа давлатларига қарамлиги даражасига, мавжуд диний тизим хусусиятига (ислом, буддизм, индуизм) қараб сезиларли фарқ қилади. Бинобарин, улар ҳар бир миллат М. заминиде шаклланди.

Шарк М. хусусияти – унинг антифеодал йўналиши, ислохотлар, гуманизм, миллий ўз-ўзини англаш, диний ақидапарастликка қарши кураш, таълим тарбия қабиларни ўзига қамраб олганлигидир. Улар бевосита, ғарб м.нинг тақрори сифатида ривожланган. Бу омиллар, ўз навбатида, М. бошқа турли шакллари ривожланишига ҳам асос бўлиб, уларнинг ривожини, маълум мамлакатнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти хусусиятлари билан боғлиқ равишда маълум чегарада таркиб топган. Бу ўрида «европоцентризм маърифатпарварлиги» ғоясига бир-мунча танқидий ёндашмоқ лозим (Дильтей, Касядери ва ҳ.к.).

М. маданий-тарихий тараққиёт жараёнидаги алоҳида муҳим босқич бўлиб, у мураккаб ва серкирра ҳодисадир. Чунки у ижтимоий тараққиётда ўттиш даврига тўғри келиб, бир-бирига ўзaro, турли йўналишда таъсир қилувчи, ижтимоий ва психологик таъйинлар билан боғлиқдир.

Аънавий эски ва янги маданиятлар ўртасидаги алоқадорлик вазифаси маърифатпарварлик ғоясининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий сабаби бўла олади. Бу ҳодисанинг «тўқнашувчанлик» хусусияти юқорида зикр этилган икки ёқлама маданий ўзаро таъсир тушунчаси моҳиятини янада чуқурлаштириш ва уни уйғунликда намоеён бўлишини таъминлаш билан боғлиқдир.

XIX асрнинг 70–80–йилларида Ўрта Осиёдаги М. Европа М. нафақат табиати, шакли, ҳаракатнинг тарихий тақдирига кўра, балки янги давр маданияти ва умуман, ижтимоий тараққиётта таъсири билан фарқ қилади. Агар Европа маърифатпарварлари

буржуа инкйлобига мафкуравий замин яратган бўлса (мас. Франция инкйлоби, кейинрок Англия вокеалари), Ўрта Осиё М. бундай мақсад вазифаларни мутлако режалаштирмаганлар, улар фаолиятининг асосини туб ислохотлар ташкил қилиб, очик маданиятни тарғиб қилганлар, яъни бунда тарихий меросдан, ворисийликка асосланиб, фойдаланиш, бошқа халқларнинг, айниқса, Европа мамлакатлари ютуқларига таянишни тарғиб қилганлар. Бунинг учун эса хорижий тилларни ўзлаштириш, ўрганиш (Бехбудий) учун ёшларни бошқа мамлакатларга йўллаш, уларнинг билим малакаларидан ислохотлар жараёнида фойдаланишни мақсад қилиб қўйган. Ўрта Осиё М. ғоясининг хусусияти шун-даки, мафкура, бу ерда бир неча йўналишга эга бўлган. М.нинг асосий йўналишлари: либерал-демократик (Ахмад Дониш, Муқимий, Фурқат ва х.к.) инкйлобий-демократик (Завкий, Ҳамза, С.Айний ва х.к.) либерал-буржуа (Бехбудий, Авлоний, Фитрат ва х.к.)дир.

**МАҲАЛЛА** – (араб. «маҳалла» – жой, ўрин, макон) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма. М. 1917 йилгача кенг иш олиб бориб, маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи, уюштирувчи ташкилий тузилма ҳисобланган. М. Ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаёти ва турмушини ташкил қилишда асрлар давомида тақомиллаштириб келган ҳаётий аъмолидир. Аммо, шўролар даврида М.лар расман тан олинмади. Бироқ аҳолининг норозилигига сабабчи бўлмаслик учун уларни тақиклай ҳам олмади, уни жамиятга бошқариш тизимига ҳам киритмади. М. моҳияти, фаолияти мазмуни ва шакллари билан шарқона фикрлаш, иш кўриш тарзи каби ўзига хос фазилатларни акс эттиради.

Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг билан М. муносабат тубдан ўзгарди. Конституция ва 1993 йил сентябрида қабул қилнган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга биноан, М. ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимиятнинг таркибига кирди. Демак, М. давлатимизнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисоб-китоб рақами – жамғармасига эга. Бу қонунга асосан ҳар бир М. ўз худудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини М. эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз худудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин. Ҳозирги пайтда М. кўмиталари, бозор иқтисоди қонуни асосида, ўз вазифа-ларини бажаришлари учун имкониятлар очиб берилган. Улар олди-сотди, тўй-маърака маросимлари ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, маҳалладага оилавий низоларни бартараф этиш, каби ишлари билан шуғулланади. Кўпчилик М. ўз масжиди, турли маъракалар учун керакли ашёлар мавжуд. Эндиликда ҳар бир маҳалла ўз марказини қуриб, шу ерда чойхона, нонвойхона, дўкон, турли ўйинлар масканига эга бўлмоқда.

М. кўмитаси ташаббускор жамият ташкилотидир. М. хўжалик ва маданий қурилиш тадбирларини амалга ошириш, унинг худудини ободонлаштириш, уй-жойлар ва худуддаги шаҳар хўжалигини сақлаш, озодалиқни таъминлаш, тартиб-қондани мустаҳкамлаш учун шароит мавжуд. М. мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда хорижликлар тинчлик ва барқарорлик сабаб ва манбаларини излар эканлар, М. омилига дуч келмоқдалар халқни, оммини юкори даражада уюштирадиган, бошқарадиган ва тарбиялайдиган ҳамда омма тарихий тажрибаси асосида яратилган ташкилий тизимнинг аҳамиятига юксак баҳо бермоқда. «М.» Республика хайрия жамғармаси ЎзР Президентининг 1992 йил 12 сентябрь Фармониға мувофиқ ташкил этилган. Жамғарма тарихий шаклланган миллий ва маънавий аъналар, қадриятларни тарғиб этиш, энг яхши миллий одатлар ва аъналарни оммавийлаштириш, М. орасида маданий-маърифий ишларни олиб боришда давлат кўмагини амалга ошириш, шунингдек, маҳаллаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳиждатдан мустаҳкамланишига хизмат қилиш мақсадида ташкил этилган. М. хайрия жамғармаси ўз ваколати доирасида республикадаги барча М. фуқаролари йигинлари билан ҳамкорлик қилади.



**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ** – Ўзбекистонда вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Маҳаллий ҳокимият органлари истиёрига қуйидагилар киреди: конунийликни, ҳуқуқий тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иктисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда ЎЗР Конституцияси ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Маҳаллий ҳокимият органлари ЎЗР қонунларини, ЎЗР Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширади, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашади. Юқори органларнинг ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

**МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ** – М.Ҳ.О. истиёрига қуйидагилар киреди: конунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иктисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда ЎЗР Конституциясига ва ЎЗР қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**МАҲАЛЛИЙЧИЛИК** – минтақавий, умумдавлат, умумфуқаролик манфаатларига ҳилоф равишда асосан маҳаллий, локал манфаатларни таъминлашга қаратилган фаолият.

**МДҲда ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ** – МДҲ Низоми (1993 й.) ва шу комиссия ҳақидаги Низомга кўра тузилган. Комиссия инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳақидаги Ҳамдўстлик давлатлари томонидан келган ёзма хабарлар ҳамда индивидуал арзномаларни кўриб чиқиш ва уни ҳал қилиш масалалари билан шуғулланади.

**МЕДЖЛИС** – Тожикистон Республикасининг бир палатали парламенти. 4 йил муддатга сайланади. 1991 йилда ташкил топган. М. Туркменистон Республикасининг 5 йил муддатга сайланадиган қонун чиқарувчи органи. 1991 йилда ташкил топган, 50 депутатдан иборат. М. Эрон Республикасининг бир палатали парламенти. 4 йил муддатга сайланади, 270 депутатдан иборат.

**МЕНЕЖЕР** – фирма, компания ёки банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.

**МЕНЕЖМЕНТ** – (*хўжалик ишлари билан шуғулланиш*) – самарали ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, молиявий ҳамда моддий захиралардан фойдаланиш шакллари, усул ва воситаларининг жами.

**МЕНТАЛИТЕТ** – (*ақл, ʻидрок*) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, рухий қуввати. Жамият, миллат ёки шахснинг М. уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний эътиқодларини ҳам қамраб олади.

Истибод даврида М. масалалари илмий нуқтан назардан талқин қилинмас эди. Чунки, ўша даврда маълум миллатни ўта илғор ва салоҳиятли, бошқа миллат ва элатларни эса қолоқ ва заиф қилиб кўрсатиш сиёсатига М. назарияси моҳиятан зид эди.

Жамиятнинг, миллат, маълум бир ташкилот ёки шахснинг М. ўрганиш ва аниқлаш эҳтиёткорликни ҳамда жиддий ёндашишни талаб қилади. М. фақат миллатнинг сони,

тарихан бой ёки қашшоқ, миллатнинг қарам, тобе ёки капиталистик формацияга мансуб ёки мансуб эмаслиги билангина аниқлашга уриниш жиддий ҳатоларга олиб келиши мумкин. У М. аниқлаш учун жуда кўп омиллар эътиборга олинганда, бошқа миллатлар билан қиёсланиши, ушбу миллат яшаб турган шарт-шароит, тарихий давр, унинг ўтмиши, миллатнинг руҳияти ва бошқа катор жиҳатлар ўрганилиши шарт. Бу масалаларга расмий кўрсаткичлар (қўшин сони, қурола аслаҳа миқдори ва сифати, давлат механизмнинг изга солинганлиги ва ҳ.к.) асосида ёндашиб, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда буюк давлатлар (Франция, АҚШ, СССР,) талай қийинчиликларга дуч келди, узок давом этган жанглардан сўнг ғалабага эриша олмай, Жапон, Вьетнам, Афғонистон ва бошқа ҳудудларни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Ўзбек миллати М. шаклланиш жараёни деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. Ўзбек халқи инсоният моддий ва маънавий маданиятини бебаҳо дурдоналар билан бойитди. Муस्ताқиллик Ўзбек халқи олдида ўз М. ўрганиш, уни тиклаш ва бойитиш имконини яратди. Асрлар давомида Ўзбек халқи муҳим савдо-сотиқ, илм-фан, меъморчилик-хунардманчилик марказлари, халқлари ва мамлакатларни бир-бири билан боғлаб турган йўллар чорраҳасида яшагани сабабли унинг М, ақли-фаросати ва зеҳни чарчланиб борган. Шу боисдан юртимиз юзлаб жаҳонга машҳур мутафаккирлар, олим уламолар чиққан. Муस्ताқиллик мафкурасининг асосий вазибаларидан бири ўзбек халқининг миллий М. тиклашдир.

**МЕРИТОКРАТИЯ** – (лот. «meritus» – муносиб, юнон. «kratos» – ҳокимият) – шахсий хизмат тамойилига таянган бошқарув шакли. Бошқарувнинг бундай шаклининг жорий этилиши жаҳият бошқарувиغا энг муносиб, билимли ва қобилиятли кишиларнинг келишига имкон беради.

**МЕРОС** – марҳумдан ворисларга қолган мулк мерос очилиш пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмаган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос таркибига киради (ЎЗР Фуқаролик кодекси, 1113-модда). М. қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар М. таркибига кирмайди: а) юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса; б) ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун тоvon ундириш ҳуқуқи; в) алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар; г) меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи; д) мулкний ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган мулкний ҳуқуқлар.

**МЕССИАНИЗМ** – 1) оламни қутқарувчиси ҳақида диний таълимот; 2) муайян тарихий вазиятда жаҳоннинг ривожланишини ижобий томонга ўзгартишга қодир бўлган бирон-бир халқ, давлат, ижтимоий гуруҳ, ташкилотнинг алоҳида ўрни ҳақидаги қарашлар.

**МЕТРОПОЛИЯ** – (юнон. «metropolis», «meter» – она «polis» – шаҳар) – колонияларга эга бўлган давлат.

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ** – меҳнат фаолиятида иштирок этиш учун давлатнинг жисмоний ва руҳий лаёқатга эга бўлган аҳолиси.

**МЕҲНАТ ЭРКИНЛИГИ** – ҳар бир шахснинг меҳнат лаёқатини эркин бошқариш, шахснинг фаолият тури ва касб танлаш эркинлиги.

**МИГРАЦИЯ** – 1) иқтисодий ва сиёсий беқарорлик туфайли турар жой, иш ўрнининг ўзгариши билан боғлиқ кўчиш, аҳолини кўчириш. М. қайтмайдиган, вақтинчалик, мавсумий, доимий ўзгариб турадиган турлари мавжуд; 2) ҳайвонларнинг кўчиб юриши.

**МИЛИТАРИЗМ** – давлатнинг ҳарбий қудратини ошириш ва фаолаштириш сиёсати. Қуролланиш пойгаси, ҳарбий бюджетни кўпайтириш, тажовузкор ҳарбий-сиёсий блоklar тузиш, ҳарбий ишлаб чиқариш комплексининг давлат иқтисодиёти ва сиёсатига таъсирини кучайтириш кабилар милитаризациянинг асосий омилларидир.

**МИЛЛАТ** – тил, маънавият, миллий ўзликни англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи, иқтисодий алоқалар билан боғланган, шунингдек, одатда ўз давлатига эга ҳамда мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи кишиларнинг ижтимоий барқарор бирлиги.

**МИЛЛАТЛАР ЛИГАСИ** – халқаро ташкилот. Биринчи жаҳон урушидан сўнг ташкил этилган; М.Л. статуси ҳамда 1920 йил 10 январдан кучга кирган. Ушбу ташкилотнинг, давлатлар ўртасида ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш ва жаҳонда тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун халқаро механизм яратиш бўйича биринчи амалий уриниш эди. М.Л. фаолияти Кенгаш ва йигин томонидан амалга оширилган. Бош қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган. М.Л. фаолияти қоникарли бўлмаганлиги учун 1946 йилда тарқатиб юборилган.

**МИЛЛАТЛАРАРО ТЎҚНАШУВ** – турли миллатларнинг қарама-қарши манфаатлари орасидаги зиддият. У, асосан, кўп миллатли давлатларда содир бўлади, баъзан ўзга давлатлар ўзларининг миллий манфаатлари учун шундай тўқнашувни юзага келтиради. Айрим ҳолларда М.Т. қуролли тўқнашув шаклида бўлиб ўтади.

**МИЛЛАТПАРАСТЛИК** – миллатларнинг тенглигини инкор этиб, ўз миллатини бошқа миллатлардан юқори қўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, унинг манфаатларини бошқа миллатлар манфаатларидан афзал қўриш, ўз миллатига ҳамду санолар ўқиш, ўз миллатини кўкларга кўтариб, унга ҳолисона баҳо беролмаслик, унинг камчиликлари ва тарихая ташкил топган нуқсонларини сезмаслик ва кўрмаслик.

**МИЛЛАТПАРВАРЛИК** – инсоният тараққиётида миллатларнинг ўрни ва аҳамиятини тўғри тушуниш, Ер юзидаги мавжуд миллатларнинг, тили, турмуш тарзи, ирки, урфодатлари, дини, маданиятининг ўзига хос томонларидан ҳаёти назар, ҳурмат қилиш, уларнинг озодлиги, тенглиги, гуллаб-яшнаши учун шароитлар яратиш тарафдори бўлиш.

**МИЛЛАТЧИЛИК** – капитализм даврида жаҳоннинг мустамлака ва метрополиялар, қолоқ ўлка ва илғор давлатлар, озод халқ ва мустақиллик исканжасидаги халқларга бўлиниб кетишига қарши курашувчи демократик, маърифатпарвар ҳамда инсонпарвар кучлардан фарқли ўлароқ, бу зиддиятларни ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим.

XVI–XIX асрлардаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт, халқлар тенгсизлиги, мустамлака давлатларнинг талон-торож қилиниши, уларнинг жисмоний ва руҳий эзилиши тобора ортиб, кучайиб бориши М. доимий ва кучли ижтимоий оқимга айланишига сабаб бўлди. Буржуазия ҳукмрон синф сифатида мустаҳкамланиб боргани сари, миллат-чилар зиддиятлар гирдобидан чиқиш йўлларини қидириб, ўз миллатини бошқа миллатлар ҳисобиغا қутқариш йўлини таллади. Шу боис М. асосан ички зиддиятли ва нотекис ижтимоий ҳаракат сифатида намоён бўлди.

Истибод даврида ҳукмрон бўлган мафкура М. қарши кураш ниқоби остида қўллаб тараққийпарвар, маърифатпарвар инсонларни жисмонан ва руҳан таъқиб этди. «Миллатчи» сўзи жамиятда энг салбий тушунчалардан бирига айлантирилди.

Миллатпарварлик ва М. ўртасидаги нозик ва серқирра боғлиқлик ҳамда ўзаро таъсир уларнинг моҳиятини, мазмун ва шаклини чуқур ўрганишни талаб қилади.

Мустақиллик шароитида миллатлар ва миллий муносабатлар назарияси, миллатлараро муносабатлар маданияти, миллатпарварлик ғоялари кенг ва чуқур ўрганилишга зарур шароитлар яратилмоқда

**МИЛЛЕ МЕДЖЛИС** – Озарбайжон Республикасининг 5 йил муддатга сайланган, 125 депутатдан иборат бир палатали парламенти. 1991 йилда ташкил топган.

**МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР** – миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган хусусиятлар, фаолият турлари, одат ва ҳислатларнинг авлоддан-авлодга ўтиш ҳамда мерос бўлиб қолиш тарзи. М.А. умуминсоний анъаналарнинг муайян даражасида намоён бўлишидир. У орқали ҳар бир миллат муайян даврдаги ўзига хос ҳаёт тарзи, маданияти, фан, адабиёт каби соҳалардаги эришилган ютуқларни бошқа даврда яшаётган авлодларга

етказди. М.А. миллатни бирлаштириш, авлодларни занжирдек ўзаро боғлаш, ҳамжиҳатлигини таъминлаш воситасидир.

**МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯ ВА СЕНАТ** – Покистон Ислом Республикасининг қонун чиқарувчи ҳокимияти.

**МИЛЛИЙ БИҚИҚЛИК** – ўз миллатини ўзга миллатлардан узоқлаштириш, унинг ўзига хослигини ҳимоя этишни тор маънода тушуниб, миллий худбинликни жорий қилиш, ўз миллатининг ўзга миллатлар билан эркин алоқада бўлишига путур етказиш. М.Б. иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқаларнинг моҳиятини тушунмаслик ва уни юзаки талқин этиш натижасидир. Ҳозирги замон тараққиёти шундайки, миллатлар, минтақалар, китъалар, мамлакатлар ва халқлар ўзаро турли муносабатга киришиб, ҳар томонлама ҳамкорлик қилмасдан ривожлана олмайдилар. Шундай ҳамкорлик ва бошқа мамлакатлар, халқларнинг энг яхши ютуқларини ўзлаштириш ҳар бир миллат гуллаб-яшнашининг зарурий шартидир. Барча илғор давлат ва миллатлар шу йўлдан бормоқда. Бундай ўзлаштириш ижодий равишда амалга оширилмоғи ва ўзлаштираётган миллатнинг ўзига хослиги, тили, маданияти ва анъаналарига путур етмаслиги керак. Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашини истайдиган ҳар бир фуқаро мамлакатимизнинг барча илғор давлатлар билан муносабатларининг ҳар томонлама кенгайиш ва чуқурлашишига, юртимизни биқиклик қобигидан узиқ-кесил қутулишига хизмат қилмоғи унинг муқаддас бурчидир.

**МИЛЛИЙ БОЙЛИК** – ҳам табиий, ҳам авлодлар меҳнати билан яратилган моддий ресурс ва бойликлар мажмуи.

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТА** – мамлакат ҳудудида барча товар ва хизматлар учун нарҳларни ифодалаш вазифасини ўтовчи ва қонуний ҳимояланган ягона тўлов воситаси. Ҳар бир мамлакатнинг ўз пул бирлиги мавжуд. Масалан, Ўзбекистонда – сўм, Қозоғистонда – тенге, Россияда – рубль, АҚШда эса доллар қонуний тўлов воситаси ҳисобланади. Қонун, пул бирлигининг мамлакат ҳудудида эркин айланишини таъминлаш мақсадида, унинг ягоналигини, барча тўловлар учун мажбурийлиги ва ўз номинали бўйича ишлатилишини ёқлайди. Шунинг айтиш лозимки, халқаро пулнинг мавжудлиги туфайли баъзи М.В. халқаро ҳисоб-китобларни олиб боришда ишлатилмоқда, улар «эркин алмашинувчи валюталар» деб аталади. Булар орасида энг оммавийлари АҚШ доллари, Буюк Британия фунт стерлинги ва Олмония маркаси ҳисобланади.

**МИЛЛИЙ ГУРУҲ** – типология нуқтан назаридан ўз давлати чегараларидан ташқарида истиқомат қилаётган кишилар. Ҳозирги вақтда – миллий-этник жиҳатдан кам сонли гуруҳлар тушунлади.

**МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ** – шўролар миллий сиёсатининг миллий-худудий автономиянинг турли шаклларини ташкил этиш борасидаги фаолиятининг йўналишларидан бири.

**МИЛЛИЙ ДАВЛАТ** – давлат конституцион-ҳуқуқий мақоми. У ушбу давлатнинг муайян миллатнинг ўз ўзини англаши ҳосиласи ва унинг манфаатлари ва иродасини ифода этишини автлатади.

**МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ** – халқнинг ўзгаларга тобе бўлмай, эркин ва озод яшаш, ўзини-ўзи идора этишга қаратилган, унинг истиқболини белгилайдиган орзу-умидлари, қарашлари, ғоялари мажмуи, жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири. М.И.М. – инсоният тарихидаги энг эзгу ва қадимий ғоялардандир. Чунки, жамият ўтмиши минг йиллар давомида, айни вақтда, бошқа халқларни тобе этиш, унинг худудларини босиб олиш, улар устидан ҳукмронлик ўрнатилган жараёнидан иборат бўлган. Шу сабабли тарих, айни вақтда, халқларнинг ўз озодлиги, тобеликдан қутулиши учун кураш тарихи бўлган. Мустамлакачилик сиёсати, турли империялар яратиш, барча китъаларда ўз ҳукмронлигини ўрнатил ва қолоқ ҳамда тобе халқлар моддий маънавий бойликларини талон-торож қилиш XVI асрдан то XX асрнинг ўрталаригача авжига чиққан. Дунёнинг ҳамма минтақасида, шу жумладан, Европада, Африка, Осиё, Жанубий ва Марказий Америкада ўнлаб халқларнинг миллий-озодлик, миллий истиқлол учун кураши натижасида XX асрнинг 50–60-йилларига келиб, дунёда мустамлакалар қолмади. Ўнлаб мустақил

давлатлар шаклланиб, БМТга аъзо мустақил давлатларнинг сони 1947–1997 йилларда икки баробардан ортиқ кўпайди. Натижада жаҳон миқёсида М.И. ғоялари енгилмас куч эканлигига ишонч пайдо бўлди. Миллий озодлик ҳаракатининг ғалабалари туфайли ҳукмрон синфлар ўз ижтимоий-моддий бойиш манбасини мустамлакалардан, ярим мустамлака мамлакатлардан ва ёлланма меҳнат соҳасидан илгор фан-техника ва технология ҳамда бозор муносабатлари оламига кўчирди шу асосда жамият фаровон-лигини тубдан ўзгартиришнинг чексиз манбасини юзага келтирди. Демак, ҳозирги илгор мамлакатлар икки омил – М.И.М. ғалабасининг ва бозор иқтисодиётига суянган янги фан, техника, технология ютуқларига кўчишнинг махсулидир.

**МИЛЛИЙ ЙИГИН** – Вьетнам Социалистик Республикасининг бир палатали қонуни чиқарувчи органи. 1945 йилда (1954 йилдаги қўшимчалар билан) ташкил топган. 5 йил муддатта сайланадиган 395 депутатдан иборат. Шунингдек, Корея Республикаси, Қувайт, Арманистон, Ироқ, Иордания Хошимийлар Қироллигининг қонуни чиқарувчи органи ҳам М.Й.

**МИЛЛИЙ ЙИГИН ВА СЕНАТ** – Франциянинг қонуни чиқарувчи органи. Икки палатадан иборат. Қуйи палата – Миллий Йигин мажаритар тизим асосида 5 йил муддатта сайланади, 577 депутатдан иборат. Юқори палата – Сенат 9 йилга сайланадиган 321 аъзодан иборат. Сенат таркибининг учдан бир қисми ҳар уч йилда янгиланади.

**МИЛЛИЙ КЕЛИШУВ** – жамиятнинг турли ижтимоий, сиёсий, миллий-этниқ кучлар ва гуруҳларнинг ўзаро муносабатларини мувозанатлашуви ҳамда уйғунлашуви жараёнидаги барқарор ҳолат.

**МИЛЛИЙ КЕНГАШ ВА ФЕДЕРАЛ КЕНГАШ** – Австрия Республикасининг икки палатали парламенти, 4 йил муддатта сайланади. Қуйи палата – М.К. 183 депутатдан иборат. Юқори палата – Ф.К. (63 депутатдан иборат, ландтаглар (ер парламенти) томонидан сайланади).

**МИЛЛИЙ КЕНГАШ ВА КНЯЗ** – Монако Князлигининг қонуни чиқарувчи органи. 5 йил муддатта сайланадиган 18 депутатдан иборат.

**МИЛЛИЙ КОМПАНИЯ** – ноишлаб чиқариш тармоқлари, ижодий жамоалар, транспорт, алоқа ва телекоммуникация қорхоналари ҳамда ташкилотларнинг пайчилик ёки акциядорлик асосидаги қўнғилли бирлашмаси.

**МИЛЛИЙ КОНГРЕСС** – Аргентина Республикасининг қонуни чиқарувчи органи. 257 киши Депутатлар палатаси ҳамда 72 киши Сенат аъзоларидан иборат. Ҳар иккиси йилда Депутатлар палатаси 50фоизга, Сенат 30 фоизга янгиланади. Бразилияда М.К. Депутатлар палатаси ва Конгрессдан иборат (Сенат 8 йилга сайланади ва ҳар 4 йилда унинг икки ёки учдан бир қисми янгиланади; Депутатлар палатаси 4 йилга сайланади). М.К. Чили, Перу, Боливия, Венесуэлла, Эквадор мамлакатларининг қонуни чиқарувчи органи ҳисобланади.

**МИЛЛИЙЛАШТИРИШ** – шахс хусусий мулкни давлат мулкига ўтказиш. Давлатнинг хусусий мулкни, жумладан, чет элликларга тегишли мулкни М. ҳуқуқи суверен давлатнинг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади. М.ни амалга ошириш шартлари халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид бўлмаслиги лозим.

**МИЛЛИЙЛИК** – тарихан ташкил топган барқарор ижтимоий-этниқ бирликларни, яъни миллатлар ва элатларни бошқа барқарор ижтимоий бирликлардан, масс., ижтимоий синфлардан фарқлашчи томонлар, хусусиятлар, маънавий, руҳий ва маданий қирралар ҳамда тафовутлар мажмуи.

**МИЛЛИЙ МАВҚЕНИ БЕЛГИЛАШ** – миллий сийosatнинг асосий тамойили, миллий муносабатларда халқпарварликнинг тўлақонли ифодаси.

**МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР** – Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган барча миллатлар, элатларнинг маданият, маънавият, миллий урф-одатлар ва анъаналар соҳасидаги ўзларига хос талаб ва эҳтиёжларини қондириш, шу тариха уларнинг Ўзбекистон миқёсида янада мустаҳкамроқ жипслаштиришга хизмат қилувчи ижтимоий-иқтиёрий ташкилотлар.

**МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МУХТОРИЯТ** – кўп миллатли давлатларда миллатларнинг ўзлигини сақлаб қолиш, ўзига хос маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадига хизмат қиладиган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзини ўзи бошқариши шаклларидан бири. Каерда яшашидан катъи назар, муайян этник гуруҳга мансуб кишиларни бирлаштиради.

**МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР** – миллатга, миллий давлатга моддий, маънавий, руҳий ва жисманий фойда, наф келтирувчи омиллар. Манфаат тушунчаси, мохиятан мураккаб бўлиб, шахсий, гуруҳий, қавм-қариндошчилик, маҳаллий, минтақавий, миллий ва умуминсоний шаклларда намоён бўлади.

**МИЛЛИЙ МАСАЛА** – кўп миллатли давлатда истиқомат қиладиган турли этник уюшмаларнинг биргаликда яшашидан келиб чиқадиган муаммолар. Турли мамлакатларда улар ўзига хос хусусият касб этади.

**МИЛЛИЙ МАҚСАДЛАР** – миллий қадриятлар асосида вужудга келган миллий манфаатларни амалга ошириш, уларни ҳимоя қилиш борасидаги шакланган устувор вазибалар. М.М. Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатини шакллантиришнинг умумий методологисини ишлаб чиқиш жараёнида миллий манфаатлар ва қадриятлар, уларни амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилиш жараёнида ўзаро боғлиқликда шаклланади. Бу эса Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлаш сиёсатини мустақкамлашга ёрдам беради. М.М. миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш юзасидан давлат, жамият, фуқаролар фаолиятининг асосини ташкил этувчи йўналишлар.

**МИЛЛИЙ МУЛК** – бир халққа тегишли бўлган, унинг барқарор турмуши ҳамда тараққиёти асосини ифодаловчи моддий ва маънавий ресурслар, бойлик ва қадриятлар мажмуи.

**МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР** – миллий-этник тараққиёт субъектлари, миллат, миллатга мансублик, миллий гуруҳлар ва давлат тузилиши ўртасидаги муносабат. М.М. асосий муаммоси – тенг ҳуқуқлик ва тобелик; иқтисодий ва маданий тараққиёт даражасидаги фарқ миллий ихтилоф, адоват, низоларда намоён бўлади.

**МИЛЛИЙ МУРОСА** – қаршилиқ кўрсатиш, қарши чиқиш, томонларнинг низо-ларни бартараф этиш, миллий келишув ва тинчликни ўрнатиш ҳамда жипслашув йўлидаги ижтимоий-сиёсий жараён.

**МИЛЛИЙ ОДАТ** – мамлакат аҳолиси учун одатий ҳисобланган стереотип усул ва ўзини тутиш услуби. М.О. одамлар учун маълум маънода қадрият бўлиб, уларга риоя этиш ҳаётий эҳтиёжга айланади.

**МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК** – мамлакатга давлат суверенитети бериш тўғрисидаги акт ёки ижтимоий-сиёсий жараён, ҳаракат.

**МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ** – чет эл ҳукмронлигини тугатиш, мустақил миллий давлат тузиш, мустамлакачилик зулмини йўқ қилиш, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга қаратилган оммавий ҳаракатлар. Миллий-озодлик ҳаракатларининг тарихий шакллари ва тадрижот босқичлари: 1) Элат ва халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатлари – XVI–XIX асрлар оралиғида Муқаддас Рим, Буюк Британия, Испания, Хитой, Мўғуллар империяси, Усмонийлар Туркияси, Россия салтанатларига қарши ўз озодлиги учун кураш жараёнида шакллана бошлаган; 2) Умуумхалқ, умуммиллий миллий-озодлик ҳаракати – миллий буржуазия шакланган, аммо ўз давлатчилигига эга бўлмаган поляк, фин, чех, словак, румин, хорват, булғор, серб ва бошқа халқларнинг Россия, Олмония, Австрия-Венгрия, Усмонийлар Туркиясига қарши ўз тақдирини ўзи белгилаш учун кураши. Бу кураш аксилфеодал, буржуа ва буржуа-демократик характерга эга бўлган; 3) Миллий-озодлик инкилоблари – буржуа тараққиётнинг текис бўлмаган тарзи, турли савия ва даврий фарқларини акс эттирган. Бу даврга келиб, ривожланган капиталистик давлатлар монополистик капитализм – империализм босқичига кириб, ўз миллий мустақилликларини кафолатлаб, «дунёни қайта тақсимлаш», мустамлакаларни тортиб олиш учун уруш чиқариш (Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари), «янги мустамлакачилик» йўлини тута бошлаган ва бунга жавобан бутун Шарқда миллий-озодлик

ҳаракати бошланган эди (Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Туркистон, араб мамлакатлари, Жанубий Америка).

Араб-мусулмон Шарқида миллий-озодлик ҳаракатининг ижтимоий-иқтисодий замини шаклланиб келатган буржуа муносабатлари бўлсада, мафкураси миллий буржуазиянинг заифлиги туфайли тараддудчи, иккиланувчи характер касб этган эди. Миллий-озодлик ҳаракати мафкураси назарий асосини ислом, шарият ақидалари ташкил этган бўлса-да, умумисломий қавм, умма, миллат бирлиги ўрнига, ҳозирги замон тушунчасидаги миллий-озодлик учун, ўз миллий давлатчилигини қуриш, ўз ички иқтисодий бозорини яратиш учун курашдаги миллий бирлик, бирдамлик олдинги қаторга чиқди.

Араб-мусулмон Шарқида миллий-озодлик ҳаракати ҳар бир мамлакатда ўз фидойи қаҳрамонлари, назариётчи раҳнаомлари – Жалолиддин ал-Афғоний, Гаспрати Исмонбек, Дукчи Эшон, М.Бехбудий, Ж.Хусайнзода, Мунавварқори, Саййид Аҳмадхон, Хитойда Сун Ят-Сен, Ҳиндистонда Маҳатма Ганди каби сиймоларни ештиптиди.

Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи чорагида миллий-озодлик ҳаракати мустахлак истибдодига, ўрта асрчиликка, феодал қолоқликка қарши, маърифат ва мутараққий йўлга чиқиб олиш, ислом ва шарият ислоҳи учун кураш асосида борди. Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракати олти шакл ва гоъвий йўналишда намойиш бўлди: 1) Курсавий, Домла Иқромча, Бехбудий, Мунаввар Қори етакчилик қилишган диний ислоҳчилик; 2) Пўлатхон, Исҳоқхон, Дукчи Эшон, Қурбонхон Додхон бошчилик қилган, Еттисув, Или кўзғолонлари; 3) Умуммиллий озодлик халқ кураши раҳбарлари: Омонгелди Имонов, Катта ва Кичик Эргаш, Шермухаммад, Холхўжа, Мадаминбек, Иброҳим Лақай; 4) Миллий давлат қуриш учун кураш («Туркистон мухторияти»), «Алаш ўрда», «Бухоро Халқ Жумҳурияти», «Хоразм Халқ Жумҳурияти»; 5) Фирқавий-сиёсий кураш («Жадишлар фирқаси», «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар», «Эрқ социалистик партияси», «Туркистон миллий бирлиги»); 6) Миллий мактаб, матбаа, газетачилик, миллий маданият учун кураш («Таржимон», «Туркистон», «Улуғ Туркистон», «Хуршид», «Ойна», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» жаридалари, «Ҷигатой гурунги» номли тил-адабиёт, нафис тасвирий санъат ва ижтимоий-фалсафий уюшма). Шу маънода, Туркистондаги XIX аср иккинчи ярми ва XX асрдаги миллий-озодлик ҳаракати ҳозирги Ўзбекистон ва баъзи Марказий Осиё давлатлари миллий мустақиллигининг гоъвий-маънавий замини бўлди.

Марказий Осиёдаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги М.О.Х. даври кам ўрғанилган даврлардан биридир. Утмишдаги истибдод тузуми ва ҳукмрон мафкура фақат Қозоғистондаги Омонгелди Имонов ва Ўзбекистондаги 1916 йил кўзғолонини М.О.Х. деб билар, бошқа йўналиш ҳаракатларини рад этар эди. Шу сабабли, XIX асрнинг охириги чорагидан бошлаб XX аср 30-йиллари ўрталаригача бўлган М.О.Х. тегишли ҳужжатлар манбалар таҳқиқ остида олиниб, махфий сақланар эди. 1865 йилдан 1991 йилгача бўлган 125 йиллик давр тўғрисида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**МИЛЛИЙ ОНГ** – миллатнинг мавжуд бўлиши, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ омил. У миллат шаклланиши, унинг тараққий этиши ва абадийлигини таъминлайди. М.О. миллатнинг тарихи, тақдирини ва истиқболи билан боғлиқ миллатнинг манфаатлари ва муаммоларини ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятига йўналиш берувчи гоъялар, фикрлар тизимидир. М.О. миллий манфаатларни ақс эттирувчи омил сифатида миллатнинг моддий ва маънавий бойликларини ишлаб чиқариш, ўзга миллатлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида шаклланиб боради.

**МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ** – Ирландия Республикасининг қонун чиқарувчи органи. Икки палатадан иборат. Қуйи палата – Вакиллар палатаси (дойл) 166 депутатдан иборат. Юқори палата – Сенат, 60 кишидан иборат. Президент қонун чиқарувчи орган таркибиди.

**МИЛЛИЙ ТАРТИБОТ** – бир давлат ҳудудига бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларига берилган имтиёз ҳамда енгилликлар, халқаро иқтисодий муносабатлар тартиботи. М.Т. алоҳида давлатлар қонунига мувофиқ ўрнатилиши ҳамда халқаро битимларда қайд этилган бўлиши мумкин.

**МИЛЛИЙ РУҲИЯТ** – миллатнинг ички ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслақлари ҳамда кайфиятлари билан боғлиқ мулоҳазалар мажмуи.

**МИЛЛИЙ СИЁСАТ** – миллий масаланинг ҳал этилишига йўналтирилган қонуний, мафкуравий, ташкилий чора-тадбирлар мажмуи.

**МИЛЛИЙ СУВЕРЕНИТЕТ** – халқро муносабатлар назарияси ва халқро ҳуқуқ-даги асосий тушунчалардан бири. М.С. давлатнинг ўзига тегишли бўлган ҳудудда тўлиқ ҳукмронлик қилиш ва ташки сиёсатни мустақил амалга оширишини назарда тутати.

«**МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ**» ПАРТИЯСИ (тўлиқ номи «Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси») – Ўзбекистондаги сиёсий партиялардан бири. 1995 йил июнида Таъсис қурултойида ташкил этилган. «М.Т.»П. ўз фаолиятида кўпроқ Ўзбекистон зиёлиларига суянади. Шу билан бирга, у барча ҳаммаслақлар учун очикдир. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, туманлари ва пойтахт Тошкентда ўз ташкилотга эга. «М.Т.»П. миллий истиқлол ва миллий тикланиш ғояларидан озикланади, ўзини шу улуг ва муқаддас ғояларнинг вориси деб билади. Шу улуг мақсадни амалга ошириш йўлида жамиятдаги бошқа сиёсий партиялардан фарқли ўлароқ, миллат, инсон ва Ватан манфаатларини муқаддас деб билган Ўзбекистон фуқароларини бирлаштиради. Мустақиллик асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ижодий тараққий этиришини асосий вазифаси деб билади, умуминсоний ва миллий қадриятларни узвий боғлаган ҳолда, Конституцияда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқлар асосида, ўз сиёсатини юритиши ва мамлакатда яшовчи миллат, элатларнинг конституциявий ҳуқуқларини, фуқаролик эркинликларини ҳурмат қилади.

Партия олий мақсад – миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш йўлида ўз ҳаракатининг асосий йўналишларини қуйидагича белгилайди: 1) Миллатнинг маънавий бирлиги; 2) Ватан (Туркистон) – ягона оила; 3) Кучли демократик давлат; 4) Миллий қадриятлар; 5) Илмий-техникавий тараққийёт ва умумжаҳоний интеграция; 6) Замон кишиси; 7) Миллий истиқбол. «М.Т.»П. шу етти йўналиш миллий тикланишнинг мазмун-моҳиятини белгилайди деб ҳисоблаб, ўзининг бутун амалий-ташкилий, сиёсий фаолиятини уларни рўёбга чиқаришга сарфламоқда. «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси – партиянинг марказий наشري. У ўз саҳифаларида юқоридаги етти йўналишга тегишли сермазмун ва ўтқир мақолаларни чоп этиб, ўз атрофидagi фаолларни кенгайтириб бормоқда. Натижада мамлакатимиз зиёлиларининг очик ва юксак минбарига айланган.

**МИЛЛИЙ ТИЛ** – кишиларнинг тарихан ташкил топган барқарор бирлиги – миллатнинг ёки элатнинг умумий тили, уларнинг фикр алмашиш ва мулоқот воситаси, ривожланиш омилли. Одатда, «М.Т.» ибораси миллатларнинг тилига нисбатан (мас. инглиз миллий тили, грузин миллий тили, ўзбек миллий тили ва х.к.) ва элатларнинг тилига нисбатан ҳам (масалан, чукча миллий тили, рушанлар миллий тили ва х.к.) ишлатилади. М.Т. миллат ёки элатнинг тарихан ташкил топиш жараёнида шаклланади. М.Т. миллат ёки элат билан биргаликда ўсиб, ўзгариб боради ва маълум вақт ўтгандан сўнг янги авлодларга бир неча аср аввалги миллий тил тушунарили бўлмай қолади. Ана шу босндан ҳар бир М.Т. энг қадимий, қадимий ва янги замон шакллари мавжуд бўлади. Масалан, Навоий асарларига тўла маънода тушуниш учун махсус лўғатдан фойдаланишга мажбур-миз. Ҳар бир муайян М.Т., одатда, ҳудудий шева ёки диалектлардан иборат. Шева-лардаги фарк – тафовутлар турли даражада бўлади: баъзида бу фарқлар жузъий тафовут-лардан иборат (мас. Марказий Осиё туркий миллатлари тилларида), баъзида эса турли шева-лар ёки диалектларда сўзлашувчилар бир-бирларини тушунмайдилар (мас. хитой тили ва олмон тилида сўзлашувчилар). Шу сабабли ҳар бир миллий давлат уммиллий ягона тилни яратати. Аммо, умуммиллий ягона тил қондаларини ҳамма ҳам тўла ўзлаштира олмайди. Натижада, жонли мулоқот тили шева билан умуммиллий ягона тилнинг қорш-масидан иборат бўлади. М.Т. вазиятга кўра, миллатларро ҳатто жаҳон ёки халқро тил вазифасини ҳам бажариши мумкин. Мас., ўзбек тили Ўзбекистонда истиқомат қилувчи туркийзабон фуқаролар учун миллатларро тил бўлиб хизмат қилмоқда.



**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК** – шахс, жамият ва давлатнинг муҳим манфаатлари, халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли ва мустақил иштирокини таъминлаш, суверен ва прогрессив ривожланиши, ички барқарорлигига таҳдид солаётган ташқи ва ички хавф-хатарлардан ҳимояланиши тизими англашилади. Бу таъриф М.Х.нинг минтақавий ва глобал хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини намоён этади. Ҳар бир давлат минтақавий ва халқаро муносабатлар тизимида иштарок этгани ҳолда, ўз навбатида, ички алоқалар тизимига ҳам эга бўлади. Шунинг учун М.Х. таъминлашда ички омиллар етакчи ўрин тутади. «Ички омиллар» тушунчасида эса сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик асосий аҳамият касб этади. Умуман олганда, М.Х. фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар, жамият ва давлат, миллий кадриятлар ва миллий ҳаёт тарзининг иқтисодий, сиёсий, экологик, ҳарбий, ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланишини билдиради. Шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги – М.Х. тизимининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. «М.Х.» тушунчаси Ўзбекистон қонунчилигига асосан, «ҳаёт, соғлиқ, ҳуқуқ, шахс эркинликлари, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш, жамият ва давлат хавфсизлиги»; «ядровий хавфсизлиги»; «радиацион хавфсизлиги»; «табiiий офат, фалокатлар ва антропоген ҳодисалардан шахс, жамият ва давлатнинг ҳимояланиш ҳолати» каби тушунчаларни ўз ичига қамраб олади.

**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИККА ИЧКИ ТАҲДИД** – муайян давлат ҳудудида жойлашган таҳдид. М.Х.И.Т. иқтисодий ва сиёсий тузилмаларнинг, жиноятчи гуруҳларнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши ҳаракатида намоён бўлади.

**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАШҚИ ТАҲДИД** – муайян давлат миллий чегараларидан ташқарида жойлашган таҳдидлар. М.Х.Т.Т чет эл разведка ва махсус хизматлари фаолияти; ахборот тарқатиш соҳасида давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик; иқтисодий тузилмалар рақобати; табiiий офат ва фалокатлар кирати. Агар хавф-хатар бошқа давлат ёки унинг фуқаролари томонидан бўлса, унинг қаерда жойлашинидан қатъи назар, улар М.Х.Т.Т. деб тан олинади.

**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МАҚСАДЛАРИ** – миллий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги фаолиятнинг асосланган йўналишлари. Улар фаолиятнинг турли соҳаларида миллий манфаатлар (сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ахборот, экологик ва бошқ.), уларни ҳимоя қилиш эҳтиёжи, ички ва ташқи хавфларга қарши ҳаракат, шунингдек, давлатнинг реал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳокимиятнинг олий органлари томонидан амалга оширилади. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш давлат миллий хавфсизлик сиёсатини муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шарти ҳисобланади.

**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ** – миллий хавфсизликка оид қарорлар тайёрлаш, қабул қилиш, улар асосида миллий хавфсизликка реал ва потенциал таҳдиднинг вужудга келиши ҳақида огоҳлантириш, унинг олдини олиш, пайини қирқаш ва унга қарши таъсир кўрсатиш мақсадида комплекс адекват чора-тадбирлар тайёрлаш, амалга оширишга йўналтирилган вазият ҳамда тизимий таҳлили.

**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ** – давлат органлари, ташкилотлар ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашга бевосита алоқадор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳуқуқининг давлат номидан ўрнатилган ва мустаҳкамланган аниқ муносабатлар тартиби.

**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ** – шахс, жамият, давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Конституцияси ва ҳуқуқ доирасида сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, ҳарбий ва бошқа характердаги чораларни амалга оширишда барча ихтисослашган органлар, кучлар, ресурслар ва воситалар йиғиндиси. Унинг асосий вазифаси миллий хавфсизликка хавф туғдирувчи ҳолатлар ҳақида маълумотлар олиш ва ўрганиш, хавфсизликка оид масалаларни ишлаб чиқиш, ижрочиларга етказиш, хавфни бартараф этиш ёки таъсирини пасайтиришдан иборат.

**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СТРАТЕГИЯСИ** – маълум бир давлат ёки жамиятнинг миллий манфаатларга таҳдид солаётган хавф-хатарга қарши ресурслари, куч ва имкониятларига таянган ҳолда олиб борилаётган фаолият. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепцияси миллий хавфсизликни таъминлаш

тизимнинг кучлари, идоралари, воситалари орқали амалга оширилади. Улар жумласига миллий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий-техникавий, ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашадиган – қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти идоралари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларни киритиш мумкин.

**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД** – миллий манфаатларни амалга оширишга тўсиқ бўладиган, шунингдек, миллий кадриятлар ва миллий турмуш тарзига зарар етказишга бевосита имконият яратувчи шарт-шароит ва омиллар йиғиндиси. М.Х.Т. шахс, жамят ва давлат манфаатларига тажовуз, деган маънони англатади. Хавфсизликка таҳдидларни турлари бўйича ажратиш уларнинг олдини олиш аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам беради ва миллий хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу борада хавфсизлик турлари қуйидаги мезонлар асосида аниқланади: хавф-хатар манбаининг келиб чиқиши; таҳдиднинг шаклланганлиги даражаси; инсон фаолиятидаги таҳдидларнинг хусусиятлари; таҳдидлар субъектив баҳосининг даражаси. М.Х.Т. ички ва ташқи таҳдидларни ўз ичига қамраб олади. Улар объектив ва субъектив сабабларга эга бўлиб, реал, потенциал ва сохта таҳдидларга бўлинади. Ҳаракат қўламини қўра, умумбашарий, минтақавий, субминтақавий, давлат ва маҳаллий характерга эга бўлиши мумкин.

**МИЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ** – ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи эканлигини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишига М.Ў.А. дейилади. М.Ў.А. миллат шаклланишининг нисбий юқори босқичининг мезонидир. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, кадриятларни шакллантириши ва ягона давлат асосида бирлашиши мумкин. Аммо унинг миллат сифатида ўз-ўзини англаши мураккаброқ жараён ҳисобланади. Чунки миллатнинг аксарият кўпчилигининг ягона моддий ва маънавий бойликларга эгаллиги ҳиссиётининг шаклланиши, ўзининг жузъий манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устувор қўя билиш ҳисси ҳудуд секкинлик билан намоён бўлади.

**МИЛЛИЙ ҲАРАКТЕР** – халқнинг ижтимоий-руҳий, этник урф-одатлари, анъаналари, удумлари ва ахлоқ меъёрларини мужассам этган хусусиятлар. М.Х. миллий хавфсизликни таъминлаш тизими самарадорлигини оширувчи омиллардан ҳисобланади.

**МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАР** – миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлар. М.Қ. миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Кадриятларни тушуниш ва уларга муносабат, ўз миллатига, юртига, элига, уларнинг аҳолисига тегашли кадриятларни жамлаш, авайлаш, уларнинг аҳамиятини асослаш, ўз юртининг миллий кадриятларини ўз онгининг таркибий қисмига айлантириш кишиларда ўзига ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлайди, ўз ватанининг истикболига катта умид билан қарашга ундайди. Ҳар бир миллатнинг ўз миллий кадриятига муносабати қанчалик эҳтиёткор ва фаол бўлса, шу миллатнинг жаҳон ҳамжамятидаги ўрни, обрўси, унга ажратиладиган эътибор, ҳурмат шу даражада баланд бўлади, унинг нуфузи шу даражада юксак бўлади.

**МИЛЛИЙ ҒОЯ** – шахснинг шаклланиши, давлат ва жамятнинг ўтмиши, бугуни ва тараққиёт истикболи ҳамда максадлари тўғрисидаги муҳим, илмий-назарий тушунчалар.

**МИЛЛИЙ ҒУРУР** – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий-маънавий меросдан ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан ўзга миллатлар олдидagi кадр-қиммати, обрў-эътибори билан фахрланиш ҳиссиётidir. М.Ғ., ўз миллатининг чинакам фидойиси бўлган ҳар бир инсонга хос бўлган ички руҳий туйғудир. Ўз мамлакатини севадиган ҳар бир инсон, унинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланади, унинг муаммоларига бефарқ қараб тура олмайди. М.Ғ. юксак инсон, ўз элига, миллатига жонкуяр бўлади, унинг муваффақиятларидан ич-ичидан фахр-

ланади, қувонади. М.Ғ. ҳар инсонда ўз миллатининг моддий-маънавий меросини ўзлаштириш, урф-одатларини, анъаналар, қадриятлари, тарихини мукамал билиш ва уни ўзга миллатлар билан қиёслаш натижасида шаклланади ҳамда унда ўз миллатига меҳр-мухаббатини ошириб боради. Ўз миллатининг маънавий мероси, қадриятлари, урф-одатлари, моддий ва маънавий бойликларни яратишдаги ютуқларининг ўзга миллат вакиллари томонидан эътироф этилиши, унинг бошқа миллатлар томонидан тақдорланмайдиган ўзига хос хусусиятларига юксак баҳо берилиши, ана шу миллат вакили бўлган инсонда ўз миллатидан фахрланиш туйғулари юксак даражада намоён бўлади.

**МИЛЛИЙ ҲАЛОКАТ** – муайян бир мамлакат ҳудудида юз берган ҳалокат. Ядро реакторларида, транспорт воситаларида, магистрал трубопроводлар тизимида, транспорт линиялари ва электр узатиш тармоқларида, йирик ишлаб чиқариш корхоналаридаги авария ҳолатлари, самолётларнинг хавфли иншоотлар устига қулаши, йирик тўғон ва дамбаларнинг вайрон бўлиши, ер силкиниши, бўрон, сув тошқини, ўрмон ёнғини, кўчклар шулар жумласидан.

**МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР** – миллатни хорижий босқинчилар зулмидан озод этиш ёки бир неча давлатлар тазйиқи остада бўлган миллатни бирлаштиришга қаратилган ҳаракатлар. Мас. ўтган асрнинг 20-йилларидаги юнонларнинг туркларга, италияликларнинг австрияликлар ва полякларга, болқон славянларининг турклар ва венгерларга қарши шунингдек, 1848 йилларда Германияни бирлаштиришда немисларни жипслаштириш ҳаракатлари шулар жумласидандир. Миллатни озод этиш ва бирлаштиришни кўзлаган ҳаракатларни бошқа миллатларни тобе қилиш мақсадидаги миллатчилик интилишларини фарқлаш зарур.

**МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ МУХТОРИЯТ** – халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашнинг шаклларида бири, миллий таркиби, иқтисодиёти, маданияти, анъана ва қадриятлари билан ажралиб турган ҳамда анчаггина аҳолини қамраб олган ҳудудларда ўзини-ўзи бошқаришнинг жорий этилиши. Асосан икки шаклда: сиёсий (республика) ҳамда маъмурий (автоном вилоят ва округ) шаклда бўлади.

**МИНТАҚА (ҳудуд)** – 1) табиий, ижтимоий-сиёсий, миллий-маданий ва иқтисодий яхлитлик касб этган давлат ҳудудининг бир қисми; 2) алоҳида сиёсий-жуғрофий мақомга эга ва бошқа ҳудудлардан фарқланадиган бир-бирига яқин жойлашган мамлакатлар гуруҳи.

**МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИК** – муайян ҳудудда ҳарбийлар аралашувисиз барча мунозарали масалаларни ҳал қилиш имкониятига эга ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланиб бораётган минтақа ҳолати.

**МИССИЯ** – бошқа давлатга бирор махсус вазифа ва топшириқ билан юборилган давлат вакили.

**МИТИНГ** – бирор сиёсий қарорга қарши ёки уни қўллаб-қувватлаш учун уюштирила диган оммавий йиғин.

**МОВАРОУНАҲР** – (араб. «Мовароуннаҳр» – дарё орти, яъни «Амударё ортидаги, унинг ўнг қирғовидаги ҳудуд») – Бу атама милонинг 670-йилларидан бошлаб, яъни араб ҳалифалиги ноиблари Марв шаҳрига келиб, Туркистонга, вақти-вақти билан, ўлжағанимат олиш учун, Пойканд, Бухоро, Қашқа, Сурхон воҳаларига юришлари даврдан қўлланила бошлаган; Қўтайба ибн Муслим қўмондонлигидаги араб ғўшнлари томонидан Туркистонни мунтазам босиб олишга киришилган 705–715 йилларда кенг истеъмолда бўлган. Араблар таъсирида М. атамаси ўрта асрларда Хўжанд, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ва атофларини, Қашқа ва Сурхон воҳасини ўз ичига олган, Сирдарё ва Амударё оралигидаги ҳудудни билдирган. Илмий, тарихий, жуғрофий асарлардан Оврупо тилларига ана шу юқорида чегараланган ҳудудни билдарувчи атама сифатида ўтган ва қўлланила бошлаган.

Ҳозирги даврда, мустақилликка эришишимиз муносабати билан, «Мовароуннаҳр» атамасига, тушунчасига бўлган муносабат ва қизиқиш тубдан ўзгармоқда. Ўзбекистоннинг тарихини тўла равишда тиклаш устидаги тадқиқотлар ислом динининг, араб тили-

нинг, фанининг ва дунёқарашининг Марказий Осиёга, унинг халқига таъсирини чуқур ўрганишни тақозо этмокда. VII–XIX асрлар давомида, яъни ўн икки асрни эгаллаган даврда араблар «Мовароуннаҳр» деб атаган худуд бу худуднинггина эмас, бутун инсониятнинг фахри бўлмиш алломалар, давлат арбоблари ва шоирларни жаҳон саҳнига чиқарган, уларнинг барчаси асосан ўша замон фанининг умумий тили бўлмиш араб тилида ижод қилганлар, Арабистон ва Яқин Шарқ шаҳарларида ўқиганлар, араб тилидаги асарлари сабабли Оврупода маълум бўлганлар, цивилизация занжиридан ўрин олганлар. Шу сабабли Мовароуннаҳр тарихи янада чуқурроқ ўрганилиши зарур. Бундай иш мустақил Ўзбекистонда бажарилмокда. Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингандан сўнг, пойтахтимиз Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирига (собик «Пролетарская» кўчаси) «Мовароуннаҳр» номи берилди.

«**МОВИЙ КАСКАЛАР**» – бир-бирига қарама-қарши низоли томонларни ажратишда иштирок этадиган тинчликпарвар кучлар; ушбу ибора БМТ қуролли кучларининг кийимининг рангидан келиб чиққан.

**МОДЕРНИЗАЦИЯ** – (англ. «*modernization*») – ўзгартириш, янгиланиш, замонавийлаштириш) – 1) Индустрлаштириш, саноатлаштириш даврида аграр, тарихий ва замонавий жамиятлар тараққиётининг янги босқичга кўтарилишини ифода этувчи ижтимоий жараён. У жамият ҳаётининг барча жабҳалари: иқтисодийёт, сиёсат, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳанинг М. қилинишини тақозо этади. М. француз олими Э.Дюркгейм ижтимоий дифференциялашув, немис социологи М.Вебер эса рационаллашув жараёни сифатида талқин этади; 2) Америка функціонализм мактаби вакиллари томонидан 1950–60-йилларда таклиф этилган ижтимоий тараққиёт модели. Унга кўра, модернизация жараёнининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи асосий омил – ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилаётган анъанавий қадриятлар ўрнига замонавий ёндашувларнинг вужудга келишидир. Ғарб илмий адабиётида жаҳондаги бир қанча ривожланган мамлакатлар мазкур ёндашувларга таяниб, М. босқичдан кейинги – пост-модернизациялашган жамиятга қадам қўйгани, унга хос хусусиятлар, муаммо ва зиддиятлар атрофлича тадқиқ ва таҳлил этилмокда. Ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида эса жамият ҳаётининг барча соҳаларини М. қилиш моделларига асосланган ҳолда, ўзига хос тараққиёт йўллари изланмокда ва амалиётга татбиқ қилинмокда.

**МОДЕРНИСТЛАР** – ўз қарашларини табиий фанлар тамойиллари асосида яратилган усуллар орқали асослаб берадиган халқаро муносабатлар тадқиқотчилари.

**МОЖАРО** – салбий ҳодиса, воқеа, тушунмовчиликлар туфайли келиб чиқадиган низоли ҳолат.

**МОЛИКИЙЛИК** – суннийликдаги диний-ҳуқуқий маъзаблардан бири. Молик ибн Анас асос солган. М. Мадинада пайдо бўлди, Арабистон ярим оролига кейин Миср, шимолий Африка ва Андалусияга тарқалди. М. тарафдорлари Мухаммад (с.а.в.) ҳаётликлари вақтида илк исломда шаклланган фикх меъёрларини тан олади, фикҳнинг асосий манбаи сифатида Куръон ва суннага таянади. Ҳозирги вақтда ҳам бу маъзаб қондаларининг Марокаш, Тунис, Жазоир ва Ливия никоҳ-ойла ва мулкка оид ҳуқуқига сезиларли таъсири бор. У Ливиянинг бир қатор киноят қонунари асосини ташкил этади.

**МОЛИЯ ҲУҚУҚИ** – давлат томонидан молиявий муносабатларни ташкил қилиш, тартибга солиш соҳасидаги муносабатлар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатини тартибга солувчи ҳуқуқ меъёрлари йиғиндисидир.

**МОНАРХИЯ** – (يونان. «*monarchia*») – яқка ҳокимиятчилик) – ҳокимият ҳукмдор-давлат бошлиғи қўлида бўлган ҳамда авлад авлодга бериладиган бошқарув шакли.

**МОНДИАЛИЗМ** – XX асрнинг асосий геосийасий қарама-қаршилиғи «совуқ уруш» да ўз аксини топган бўлиб, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги ёки сайёравий зиддият мувозанати янгича кўринишда давом этаётганини башорат қилган назария. Ушбу концепция Ғарбнинг «совуқ уруш»да эришган ғалабасидан анча илгари пайдо бўлган эди. Унга кўра, охиروقибатда тўлиқ сайёравий интеграциянинг рўй бериши муқаррардир. Бошқача айтганда,

давлатлар, халклар, миллат ва маданиятларнинг хилма-хиллиги босқичидан бир хил дунёга, яъни «One World»га ўтиши башорат қилинади.

**МОНИТОРИНГ** - (*текшириш туриши, назорат этиш*) – маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва таҳминлаш (прогноз) тушунилади. М. қуяндлик турмушнинг барча жабҳаларида қўлланилади (масалан, экология соҳасида, ташқи иқтисодий фаолиятда, молия-кредит соҳаларида ва х.к.). Кредит соҳасида қўлланиладиган М., яъни кредит М. мохияти берилган ссудани (қарзни) қоплаш ва унга фонз тўлаш жараёнининг бориш: устидан назорат қилишда намоён бўлади. Кредит мониторинги учун асос бўлиб кредит архиви хизмат қилади. Ушбу архивда барча зарур маълумотлар – молиявий ҳисобланган, гаров хусусидаги ҳужжатлар, миқдорнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш юзасидан қилинган ҳисоб-китоблар ва бошқа шу каби маълумотлар мавжуд бўлади.

**МОСЛАШИШ** – 1) ўз-ўзини бошқарадиган тизимларнинг ташқи муҳитнинг ўзгараётган шароитларига мослашуви; 2) Т.Парсонс назариясида – ташқи муҳит билан моддий боғлиқлик, ижтимоий тизимнинг мавжудлигини таъминлайдиган омил.

**МОСЛИК, МУНОСИБЛИК** – муайян мақсадларга мос кўрсаткичларнинг бир-бирига мос келиши.

**МОТУРИДИЙЛИК** – каломдаги оқим, Абу Мансур Мотуридий асос солган. IX аср охири X асрда Мовароуннаҳрда исмоилийлар ақидаларига қарши жавоб тарзида вужудга келган. Бу таълимот ривожланиб, XIII асрдан кейин Мовароуннаҳр ҳудудидан чиқиб, мусулмон Шарқи мамлакатларига ёйилди. Мотуридийлик ҳар бир инсоннинг тақдирини Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилганига қарамай, у ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгардир, деб билиди.

**МУАЛЛИФЛИК** – 1) ижодий фаолият билан шугулланувчи шахснинг ўз фаолияти маҳсулига нисбатан ўз муаллифлигини ҳамма томонидан тан олинishi талаб қилиш ҳуқуқи. муаллиф ижодий маҳсулотни ўз номи билан ёки бошқа таҳаллус ёки аноним ном билан эълон қилишга ҳақли; 2) фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий меъёрлар мажмуи. М. ҳуқуқи ижодий фаолият натижасига нисбатан, уларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек ифодаланishi усулидан қатъий назар, татбиқ этилади. Асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим. Муаллифлик ҳуқуқи эълон қилинган (ошкор қилган, чоп этилган) асарларга нисбатан ҳам, эълон қилинмаган асарларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. М. ҳуқуқи гоълар, концепциялар, тамойиллар, тизимлар, тақлиф қилинаётган счимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан татбиқ этилмайди. ЎзР Фуқаролик кодексининг 1041-моддасининг 7-қисмига мувофиқ муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бошқа бирон-бир расмий таъкидликка риоя этиш талаб қилинмайди.

**МУАЛЛИФЛИК МУЛКИ** – адабий, мусиқа ва бадий асарга мулкчилик ҳуқуқи. Маълум муддатлар билан чекланган ва бир шахсдан бошқасига ўтиши мумкин бўлган мулкий ҳуқуқ. Шу сабабли муаллифнинг розилигисиз бундай асарларни таржима қилиш ва қайта чоп этиш қонун билан тақиқланади.

**МУАССАСА** – 1) давлат, давлат аппарати зиммасига юклатилган функцияларнинг бир қисmini бажарувчи давлат бошқарув органи, давлат ҳокимияти органи; 2) хизмат кўрсатиш соҳасида маънавий, ахборот маҳсулотлари (фан, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат, молиявий муассасалар) ишлаб чиқаришда хўжалик ва ижтимоий-маданий фаолиятни амалга оширувчи ташкилот.

**МУВОФИҚЛАШТИРИШ** – (*лот. «со» – биргаликда ва «ordination» – тартибга солиш*) – 1. Ўзаро боғлиқлик, муштарақлик, мослаштириш; 2. Мақсадга эришиш воситалари ва ҳаракат ўйғунлигини мувофиқлаштириш; бошқарув функцияларидан бири; 3. Ижтимоий алоқадорлик шакли(гуруҳда, жамоада, ташкилотда). Бунда иштирокчилар тенг ҳолатда бўлиб, бўйсиниш ёки устуңлик муносабатлари мавжуд бўлмайди.

**МУДОФАА** – 1) душман ҳужумини тўхтатиш ёки қайтариш, эгаллаб турган ҳудудни (ҳудудлар, объектлар, акваториялар) сақлаб қолиш ва ўз қўшинларининг ҳужумга ўтиши учун шароит яратиш мақсадида қўлланади ган ҳарбий (жанговар) ҳаракат тури; 2)душманин чекнийтириш учун зарур бўлган чора-тадбир ва воситалар мажмуаси.

**МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ** – мамлакатнинг мудофаа соҳасидаги давлат бошқаруви ва сиёсатини амалга оширувчи ижроия ҳокимият органи. Қуролли Кучларни М.В. бошқаради. Миллий мудофаа манфаатларига тегишли республика таркибидаги ижрочи ҳокимият органи субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиради; қуролланиш ва ҳарбий техникани ривожлантириш, давлат дастури ва мудофаа буюртмалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади; мудофаа ҳаражатлари бўйича давлат бюджети лойиҳасига таклифлар киритади; Қуролли Кучлар учун илмий-тадқиқот ва конструкторлик тажриба ишларига буюртмалар беради, молиялаштиради, ҳарбий техника, қурол-аслаҳа, озик-овқат, кийим-кечак ва ҳом ашёлар сотиб олади, ишлаб чиқаради; Қуролли Кучларнинг сафарбарлик тайёргарлигини таъминлайди ҳамда олдиндан кўриб чиқилган ҳолат ва бошқа кўрсатмаларни амалга оширади.

**МУДОФАА-САНОАТ КОМПЛЕКСИ** – қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника ишлаб чиқарувчи давлат ва хусусий корхоналар (концернлар, трестлар, консорциумлар ва бошқалар), муассасалар, илмий ва ихтирочилик ташкилотлари мажмуи.

**МУДОФАА ХАВФСИЗЛИГИ** – давлат ва жамият фаолиятининг ҳарбий таҳдидлар олдини олишдаги тайёргарлик имкониятлари М.Х. ташкил этади.

**МУЖОҲИДЛАР** – ислом ғояларининг ғалабаси учун курашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, мусулмон давлатлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар иштирокчилари.

**МУЗОКАРА** – шахслараро ва халқаро низо ва муаммоларни ҳал этишнинг асосий усулларидан бири. Бошқа усуллардан унинг фарқи шундаки, масаланинг ҳал этилишига йўналтирилган қарор юқори ташкилотлар ёки суд идоралари томонидан эмас, тарафларнинг биргаликда иштироки орқали қабул қилинади.

**МУЛҚДОРЛАР СИНФИ** – бирон-бир турдаги мулкка (кўчмас мулк, ер майдони, кичик корхона, дўкон ва шу қабиларга) нисбатан тўлиқ ёки қимматбаҳо қоғозлар (акция, пай, сертификат ва х.к.) орқали қисман соҳиблик ҳуқуқини амалга ошираётган кишилар гуруҳи. М.С. - бозор иқтисодиётининг ва адолатли демократик жамиятнинг ижтимоий негизидир.

**МУЛҚЧИЛИКНИНГ АРАЛАШ ШАКЛИ** – эришилган битимга мувофиқ, мол-мулкнинг маълум бир қисми давлатга ва нодавлат юридик ёки жисмоний шахсларга тегишлидир.

**МУНИЦИПАЛИТЕТ** – баъзи мамлакатларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи.

**МУНОЗАРА** – томонлар ўртасида юзага келган низоли ҳолатлар ва бошқа масалаларни фақат тинч йўл билан ҳал қилиниш тури.

**МУНТАЗАМ ҚЎШИНЛАР** – донмий армия қўшинлари: қонун ва (ҳарбий) низо билан ўрнатилган комплекшлаш тартиби, ўқиш, тарбия ҳамда хизмат ўташ жойи.

**МУРЖИЪИЙЛАР** – илоҳиёт оқими тарафдорлари. VII–VIII асрларда пайдо бўлган. Ҳалифаликда умавийлар ҳокимиятига қарши кураш кучайган даврларда илоҳиётда гуноҳкор ва унинг тақдири масаласи муҳим ўрин олган. Катта гуноҳ қилганини дарҳол жазолаш тарафдорлари бўлган хорижийларга қарши М. уни кечиктиришни ёқлаб чиққан. Уларнинг номи шундан олинган.

**МУСТАМЛАКА ДАВЛАТ** – метрополиялар, яъни хорижий давлатлар ҳукми остида бўлган, сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этилган, махсус тартиб ва усул асосида идора қилинадиган давлатлар ва ҳудудлар. Мустамлакачилик буюк жуғрофий кашфиётлар даврлари(XV аср ўрт.–XVII аср ўрт.)данок бошланган эди. 1492 йили Америка кашф этилгандан сўнг испан босқинчилари Марказий Американи ва Жанубий Американинг каттагина қисмини қарам қилиб олдилар. Португалияликлар эса Ҳиндистонга денгиз орқали йўл очиб (1498 й.), Африканинг гарбий ва шарқий қирғоқларида

таянч пунктларини ташкил қилдилар. Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоқларда мустаҳкам ўрнашиб олдилар ва Жануби-Шарқий Осиёдаги мамлакат ороллари, Ғарбий яримшарда Бразилияни забт этдилар. Мустамлакалардан олиб кетилган жуда катта бойлик ҳисобидан Европа ва Шимолий Америкада «капитализм» ривож топди. Мустамлака борган сари метрополиеларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб, уларнинг саноат маҳсулотлари сотиладиган бозорларига, саноатнинг арзон ҳам ашё манбаига айлана борди. Мас., Ҳиндистонга ип-газлама экспорти 1814 йилдан 1835 йилга қадар 65 марта кўпайган. Буюк Британия йирик мустамлакачи давлатга айланди. Ҳатто, у ўз рақиблирига қарам худудларга ҳам кўз олайтирди. Франция, Испания, Португалия ва Голландия ҳисобига ўз мустамлакалари сонини оширди. Буюк Британия Ҳиндистон ҳамда Сянган (Гонконг)ни босиб олди, Форс қўлтиги ва Аланда таянч пунктларини ташкил қилди. Бошқа давлатлар ҳам мустамлакачилик экспансиясини олиб борди. Франция Жазир (1830–1848 йй.) ва Вьетнам (XIX асрнинг 50–80-йй.)ни қарам қилиб олди, Камбоджа (1863 й.) ва Лаос (1893 й.) устидан ўз протекторатини ўрнатди.

Рус чоризмининг мустамлакачилик экспансияси, асосан, Жанубий-Шарқ томонга қаратилди. Ўрта Осиё ҳамда Кавказ Россия мустамлакасига айлантилди. Россия қорхоналари учун юз минг тонналаб ҳам ашё маҳсулотлари ташиб кетила бошланди. Улар товар ҳолатига келтирилиб, ўрта Осиё, жумладан Туркистон аҳолисига 2–3 баробар ортиқ нарҳда сотиларди. Чоризм ўз мустамлака халқларини нафақат иқтисодий, балки маданий ҳамда маънавий қашшоқлаштириш усулини зўр бериб, узлуксиз амалга ошириб келди. Буюк давлатчилик сиёсатини жорий қилиш билан маҳаллий халқларга тазйик ўтказиб келди. XIX асрнинг I ярмида АҚШ ҳам мустамлакалар учун курашга киришади. 1876 йилга қадар босиб олиш авжга минди. Африка деярли мустамлакачилик қурбони бўлди. Хитой, Эрон, Туркия, Афғонистон, Сиам ва қатор Латин Америкаси мамлакатлари ярим мустамлакага айлантилди. 1914 йилда мустамлакалар ва қарам мамлакатлар Ер шарининг 68 фоиз ҳудудини ва 60 фоиз аҳолисини ташкил қилди. Мустамлакачиларга қарши шиддатли халқ ҳаракатлари тўхтовсиз давом этиб турган.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда ўтган яқинтеграциялашув ўн йилликлар мобайнида мустамлакачилик кескин ларзага юз тутди. Осиёда кўпгина давлатлар мустақилликни қўлга киритадилар. Мустамлакачилик таназзули Африка қитъасидан бошланиб, Ғарбий ярим шарга ўтди. 1956–1965 йилларда Африканинг 33 мамлакати озодликка эришди. Мустамлакачилик тузуми таназзули натижасида Буюк Британия, Франция, Голландия, Белгия мустамлакачилик империялари емирилди. Осиё ва Африканинг қатор мамлакатлари миллий мустақиллик ва эркин тараққийт йўлидан бормоқдалар.

**МУСТАМЛАКАЧИЛИК** – 1) мамлакатнинг қисмасиз, бўш ва чекка ерларининг ўзлаштирилиши (ички колонизация); 2) мамлакат ташқарисидаги аҳоли яшаш пунктларига асос солиш (ташқи колонизация); 3) маҳаллий аҳолини эксплуатация қилиш, ўзга юрт ёки мамлакатни босиб олиш; бирор мамлакат ёки ўлкани мустамлакага айлантириш.

**МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ (МДХ)** – бир бутун давлат, федерация ёки мамлакат эмас, ҳарбий блок ҳам эмас, давлатлар ҳамдўстлигининг янгича шакли. Унга кирувчи ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли субъектидир. МДХ 1991 йил 8 декабрда Минск шаҳрида, СССРнинг барҳам топиши муносабати билан шаклланди. Унинг вужудга келиши ҳақидаги ҳужжат-битимга дастлаб уч мустақил давлат – Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия раҳбарлари имзо чекдилар. Битимни имзолаган давлатларнинг ҳудудий бутунлигини тан олиш, ҳурмат қилиш ҳамда амалдаги чегаралар, уларнинг очиклиги ва фуқароларнинг ҳаракати эркинлиги эътироф этилди. МДХ аъзолари халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, ҳарбий ҳаражат ва қуролларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Ҳозиргача юздан ортиқ меъёрий ва тасвифий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, томонлар бир-бирларининг ядросиз зона ва бетараф давлат статусига эришиш учун олиб бориладиган ҳаракатларини ҳурматлайдилар.

МДХ аъзоларининг биргаликдаги фаолияти соҳасига куйидаги биргаликдаги тадбирлар киритилди: ташки сиёсий фаолиятларни мувофиқлаштириш, мудофаа сиёсати ва ташки чегарани муҳофаза қилиш; умумий иқтисодий муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш, Умумевропа ва Евроосиё бозорини шакллантириш; иқтисодий ислохот ўтказиш; божхона сиёсатини бирга олиб бориш; транспорт ва алоқа, шунингдек, энергетика тизимларини ривожлантириш; саломатлик, атроф муҳит ва экологик хавфсизлигини сақлаш; уюшган жиноятчиликка қарши кураш.

МДХ тарафдорларининг сони аста-секин ортиб борди. 1991 йил 21 декабрда собик СССРнинг уч славян ва Марказий Осиёдаги беш республикаси раҳбарлари Олмаотада учрашиб, Ҳамдўстлик ҳужжатларига жами 11 республика имзо чекди.

МДХ юқори Олий органи – «Давлат бошлиқлари Кенгаши», шунингдек, «Хукумат бошлиқлари Кенгаши», «Иқтисодий Кенгаш», «Мудофаа вазирлари Кенгаши», «Ташки ишлар вазирлари Кенгаши» ҳисобланади. Ижроия органи «Мувофиқлаштирувчи қўмита» дейилади. Унинг қошида доимий котибият ишлайди. Давлат бошлиқлари Кенгаши бир йилда камида икки марта ўтказилади. Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлиси МДХ аъзоси бўлган ҳар қандай давлат ташаббуси билан чақирилади. МДХ органларининг фаолияти МДХ Низоми билан тартибга солинади.

МДХ органлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш (харажатлари) аъзо давлатларнинг хизмат юзасидан бўлган иштироки тартиби бўйича тақсимланади ва МДХ органлари бюджети тўғрисидаги махсус битим асосида ўрнатилади.

МДХ асосий мақсадларини амалга ошириш учун Ҳамдўстлик давлатлари ўзаро муносабатларида куйидаги қондаларга риоя қиладилар: давлат суверенитетини ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш; тенг ҳуқуқчилик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик; иқтисодий куч ёки бoшқа таъйиқ услuбларини қўллашдан воз кeчиш; бахсли муаммоларни келиштирувчи воситалар ва халқро ҳуқуқнинг бошқа ҳамма эътироф қилган тамойил ва меъёрлари асосида ҳал қилиш. Шу билан бирга, 1993 йил 3–4 январда Тошкентда, ЎзР Президенти ташаббуси билан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашиб, бозор муносабатларига ўтиш даврида минтақа давлатларидаги сиёсат ва иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш мақсадида, Марказий Осиё Ҳамдўстлиги Иқтисодий ҳамкорлик Ташкилотини туздилар.

**МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ** – Иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги шартномага кўра 1993 йилда ташкил этилган. Товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучини эркин кўриб юришини, ўзаро келишилган эркин кўчиб юришини, ўзаро келишилган пул-кредит, бюджет, солиқ, нарх, ташки иқтисодий фаолият, божхона, валюта сиёсатини олиб бориш, умумий статистика базасига амал қилиш ва ҳ.к. назарда тутати. Штаб-квартираси Минск шаҳрида жойлашган.

**МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА БИТИМ** – Россия Федерацияси, Украина ва Белорус Республикаси давлат бошлиқлари томонидан 1991 йил 8 декабрда имзоланган. Унга кўра: СССР халқаро ҳуқуқ субъекти ва геосиёсий макон сифатида ўз фаолиятини тўхтатади. Битим имзолашни натижада янги ҳуқуқий ва сиёсий тузилма: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) таркиб топгани 1991 йил 21 декабрда Олма Ота декларациясида мустаҳкамланган. Натижада уч ташаббускор давлатлар сафига Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркменистон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон қўшилди. МДХ низоми 1993 йил 22 январда Минскда қабул қилинган. Кейинчалик унга Грузия Республикаси ва Украина қўшилди. МДХ мақсадлари сиёсий, иқтисодий, экологик, ижтимоий, маданий соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш; умумий иқтисодий маконни яратиш; умумтан олинган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва ЕХҲҚ ҳужжатлари доирасида шахснинг асосий эркинликларини таъминлаш; халқро тинчлик ва қуролисизланишни амалга оширишда барча давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, ҳамкорлик давлатлари ўртасидаги низоли масалаларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш. МДХ асосий органлари: давлатлар бошлиқлари Кенгаши, ҳукумат лар



бошликлари Кенгаши, ташки ишлар ва бошқарув Кенгаши, парламентлараро ассамблея, иқтисодий суд ва бошқ.

**МУСТАҚИЛЛИК** – шахс, жамият ва давлатнинг миллий бойликларини, миллий кадрият ҳамда миллий манфаатларни химоялаш орқали кафолатланган сиёсий, иқтисодий ва маънавий барқарор ҳолат. *ЎЗР мустақиллик сиёсий соҳада* – Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ва истиқболига мос келадиган ички ва ташқи сиёсатни узи истеганича, бирон-бир буюк давлатнинг таъсири доирасига тушиб қолмасдан, буйруқларга қулоқ солмасдан, уз халқи продаси асосида олиб бориш ва амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишдир. Ўзбекистоннинг Ўз Асосий Қонуни – Конституциясига, давлат байроқига, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимига, давлат рамзлари ва давлат мукофотларига эга эканлиги ҳам унинг сиёсий мустақиллигини билдиради. *Мустақиллик иқтисодий соҳада* – ҳуқуқий асосни яратди. Бу ҳақда 1991 йил 31 августда қабул қилинган «ЎЗР давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида шундай дейилган: «ЎЗР Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкдир». *Мустақиллик маънавий соҳада* – бу ўзлимизни англаш, миллий кадриятларни, урф-одатларимизни, маданиятимиз ва анъаналаримизни, дин ва эътиқодимизни, тилимиз ва маънавиятимизни қайта тиклаш ва ривожлантиришда эришилган ҳуқуқдан ҳам иборатдир. *Мустақиллик халқаро соҳада* – бу халқаро майдонда мустақил давлат сифатида тан олинishi. Мустақил ташқи сиёсат юритиш. Халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти. Халқаро ҳамжамиятнинг, халқаро ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси. Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб урин эгаллаш. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан дипломатик, иқтисодий, маданий ҳамкорлик тўғрисида шартнома ва битимлар тузиш. Ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан шартнома ва битимлар орқали боғланиш ва ҳамкорлик.

**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ** – жаҳон мамлакатларида сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий жиҳатдан барча масалаларни ташқаридан аралашувсиз, ўз тақдирини ўзи белгилаш, суверенитетни қўлга киритиш орқали ҳал қилиш ҳақ-ҳуқуқига эришилган ва расмий умумхалқ, умумдавлат байрами деб эълон қилинган кун.

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ** – ЎЗР мустақиллиги ҳақида бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд: улардан *биринчиси*, бу – 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Кенгашининг II сессиясида қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси»дир. Унда ўзбек халқининг давлат қурилиши тарихи, тажрибаси, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида давлат мустақиллиги эълон қилинди. Бу ҳужжатда давлат суверенитетининг асосий атрибутлари бирма-бир баён этилади. Мустақилликнинг *иккинчи* асосий ва энг муҳим ҳуқуқий ҳужжати – «ЎЗР давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти»дир. Бу ҳужжат 12-чақириқ ЎЗР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида 1991 йил 31 августда қабул қилинган. Ўзбекистон мустақиллигини кафолатловчи *учинчи* ҳуқуқий манба, бу «ЎЗР давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжатда республика бундан буён «ЎЗР» деб аталиб, 1 сентябрь «Мустақиллик кун», умуммиллий байрам ва дам олиш кунини деб эълон қилинди. М.Х.А. конституциявий ҳужжат – «ЎЗР давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуни бўлиб, барча тарихий ҳужжатлар орасида асосийсидир, дейиш мумкин. Чунки унда, Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларациясига ва ЎЗР Давлат Мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотига асосланиб, давлат мустақиллиги асослари, давлат суверенитети атрибутлари баён этилган. Мустақил ЎЗР суверенитетининг асосий ҳужжати, бу – ЎЗР Асосий қонуни – Конституциясидир. У ЎЗР Олий Кенгашининг 12-чақириқ II сессиясида, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган бўлиб, унинг биринчи боби давлат суверенитетига бағишланган. Бу ҳужжатлар фақат мустақилликнинггина эмас, балки ҳуқуқий давлат шаклланишининг юридик асосидир.

**МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ** – Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғурини: ўзининг ва ўз халқининг, Ватанининг қадр-қиммати, ор-номусини англаб, уни химоя қилиш; юксак гоғлар, янги фикрий кашфиётлар, яхши ниятлар билан

меҳнат қилиб, истеъдоди, бор имконияти, керак бўлса, жонини юрт истикболи, элига бахшида этши.

**МУТЛАҚ МОНАРХИЯ** – ҳукмдорнинг деярли чекланмаган ҳукмдорлигини таъминлайдиган ҳокимият шакли. Мутлақ ҳукмдор даврида ҳукумат ва ҳокимиятнинг бошқа идоралари давлат бошлиғи сифатида фақат унга бўйсунди, парламент эса кўп ҳолларда ташкил этилмаган ёки маслаҳат органи мақомга эга бўлади.

**МУҲОЖИР** – (инг. «*emigrant*») – эмигрант) – иқтисодий, сиёсий, диний ёки бошқа сабабларга кўра, ўз мамлакатидан чиқиб кетиб ўзга мамлакатда яшаётган фуқаро.

**МУҲОЛИФАТ** – (араб. «*муҳолафат*» – *келишмовчилик, тесқаршилиш, қарама-қаршилик, зиддият*) – расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси. М. 1) бирор сиёсатнинг (қараш, ғоя) бошқасига қарама-қарши қўйилиши; 2) ўзгача фикрга қарши чиқиш; 3) расмий сиёсат оқимига қарши муқобил дастур асосида фаолият юритадиган гуруҳ (сиёсий партия, жамоат ҳаракати). М. уч хил бўлиши мумкин: а) парламент доирасида; б) ундан ташқарида; в) сиёсий партиялар ичида. Ички партиявий М. муайян партия раҳбариятининг расмий сиёсатига қарши чиқувчи кишилар гуруҳидан иборат. Парламент М. ушбу олий конун чиқарувчи давлат органига сайланган, аммо унда озчиликни ташкил этувчи, ҳукумат таркибига қирмайдиган депутатлар ёки партиялар фракцияларидан таркиб топади. У ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг муҳим масалалари юзасидан давлат раҳбарияти ва ҳукуматининг йўлидан фарқ қилувчи йўлни тутиши мумкин. Амалий М., Конституция ва конунларга ҳилоф равишда иш тутувчи муҳолафатдан фарқли ўлароқ, миллий тараққиётнинг умумхалқ манфаатларига мос йўлни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, унинг рўёбга чиқарилишининг муқобил дастурларини илгари суради, бу ишда йўл қўйилган камчилик, хато ва нуқсонларни кидиради, топади ва танқид қилади. Бунда унинг конунчилик доирасида иш тутиши, оммавий ахборот воситалари ва парламент минбаридан (агар М. вақиллари депутат этиб сайланган бўлсалар) фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

**МУХТОРИЯТ, (ЎЗ-ЎЗИНИ МУСТАҚИЛ ИДОРА ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ)** – (юн. «*autonomia*») – ўз-ўзини бошқариш, мустақиллик) – ягона давлат доирасида сиёсий-миллий тузилманинг ўз-ўзини бошқариши. Одатда тили, турмуши ва иқтисодий ҳаётининг ўзига хос жиҳатларига эга бўлган халқлар биргалықда яшаётган ҳудудларга ташкил этилади.

**ДЕМОКРАТИК МУҲОЛИФАТНИНГ МАВЖУД БЎЛИШ ШАРТЛАРИ** – Конституция ва конун нормаларини ҳурмат қилиш керак; ташкилий жиҳатдан расмийлашган бўлиши керак; тегишли юридик мақомга эга бўлиши керак; давлат қурилишининг муқобил лойиҳаларига эга бўлиши лозим; ўз ҳаракатлари билан мамлакатдаги давлат ва ижтимоий тузумнинг қатъий, барқарор ҳолати учун масъул бўлиши лозим.

**МУҚОБИЛ** – ҳаракат йўналишлари, қарорларнинг бирини танлаш зарурати.

**МУҚОБИЛЛИК** – (араб. «*муқобала*», – бир-бирига қарама-қарши бўлган икки фикрдан, нарсадан бирини танлаш) – фақат икки имкониятдан бирини оддийгина танлаш эмас, балки бир-бирига зид бўлган имконияتلардан бирини танлаб олишни ҳам билдириши мумкин. М. бундан ташқари, бир-бирига зид икки йўл, имконият ва шу кабилардан – ё унисини, ё бунисини танлаш зарурияти, танлашга мажбур бўлмоқ деган мазмунни ҳам билдиради.

**МЭР** – (фран. «*maire*», лот. «*majors*» – *катта, оқсоқол*) – муниципалитет бошлиғи ёки айрим мамлакатларда муниципал бошқарувининг раҳбари.

**МЭРИЯ** – (фран. «*mairie*») – 1) муниципал бошқарув; 2) муниципал бошқарув жойлашган бино.

## Н

**НАВОИЙ НИЗОМИДДИН МИР АЛИШЕР (1441–1501 йй.)** – улуг шоир ва олим, буюк мутафаккир ва давлат арбоби, ўзбек адабий тили асосчиси, халқимизнинг

маънавий такомилни раванқига улкан ҳисса қўшган сиймо. А.Н. 1441 йил 9 февралда Темурийлар давлатининг пойтахти Ҳиротда таваллуд топган. Отаси Ғиёсиддин Муҳаммад замонасининг билимдон кишиларидан ва Темурийлар хонадонига яқин шахслардан бўлган. У ғўдаклигинидан шερъиятга ва илм олишга қизиқувчи фарзандига таълим-тарбия олиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилган. Алишер 4–5 ёшларида шахзода Хусайн билан бирга мактабда таълим олади. Болаликдаги таълимни изчил давом этмайди: Шохруҳ Мирзо (1409–1447 йй. ҳукмронлик қилган) вафотидан кейин мамлакатда тартибсизликлар бошланганлиги туфайли Ғиёсиддин 1449 йилда оиласи билан Ироққа кўчиб кетишга мажбур бўлади. Ироқ йўлида бўлажак шоир Амир Темур ва Темурийлар тарихига оид «Зафарнома» асарини яратган, бир неча Темурийларни тарбиялаган улуғ тарихчи олим ва суфий Шарафиддин Али Яздий билан учрашиб, унинг дуосини олади. Абулқосим Бобур Мирзо (1452–1459 йй. ҳукмронлик қилган) 1452 йилда Ҳирот тахтига ўтирганидан кейин Ғиёсиддин Муҳаммаднинг Сабзавор шаҳрига ҳоким этиб тайинлайди. Бироқ у орадан кўп ўтмай вафот этганидан кейин Абулқосим Бобур Мирзо Алишер ва Хусайнни Машҳад шаҳрига олиб кетади. Ўспирийн Алишер бу ерда адабиёт билан бирга мантик, риёзат, тарих ва фалсафа илмининг ҳам кунт билан ўргангани, илк газалларини биттади.

Навқирон Алишер Султон Абу Саъид Мирзо (1459–1469 йй. ҳукмронлик қилган) Темурийлар давлатини, яъни Хуросон ва Мовароуннахрни бирлаштирган давр (1460–1469 йй.) да анча муддат (1466–1469 йй.) Самарқандда яшайди, замонасининг етуқ олимларидан, шу жумладан, Фазлуллоҳ Абу Лайсдан таълим олади, Туркистоннинг турли шаҳарлари ва қишлоқлари турмуши, нақшбандия ва бошқа суфийлик тариқатлари вакиллари ҳаёти ва дунёқарашини билан яқиндан танишади. Бир неча йиллик сарсон-саргардонлик ва курашлардан сўнг Хуросон тахтини эгаллаган Султон Хусайн Бойқаро Мирзо (1469–1506 йй. ҳукмронлик қилган) Алишер Навоийни Ҳиротга қорлайди ва муҳрдор лавозимига тайинлайди. 1472 йилдан давлатдаги олий ижроия мансабни – вазирлик лавозимига тайинланган А.Н. ҳам баъзи хусуматчиларнинг гарази ва ҳасади, ҳам минтақадаги оғир сиёсий ва иқтисодий аҳволни бартараф этишни истаган ҳукмдорнинг юксак ишончи билан 1487 йилда Каспий денгизи ва туркман даштларига яқин Астрободга ҳокимлик вазифасига тайинланади. Астрободда ҳокимлик қилган кезларида (1487–1489 йй.) А.Н. худди 1469–1487 йилларда олий давлат лавозимларида фаолият кўрсатган давридаги сингари халқ турмушини яхшилаш учун бор кучини аямади, ободончилик ишларига бош-қош бўлди, ўз маблағидан раҳбарлар ва кўприклар, хонақоҳлар ва масжидлар, ва мадрасалар, ҳаммомлар ва шиғоҳоналар барпо эттирди, муҳтожларга хайр-эхсон улашди, олимлар ва шоирлар, муаррихлар ва мусаввирларга ҳомийлик қилди. Алишер Навоий бутун умрини Темурийлар давлатини мустаҳкамлашга, мустақиллигини ва худудий бутунлигини сақлашга, мамлакатда тинчлик ва бирдамлик ўрнатилишига бағишлади.

А.Н. оғир хасталиқдан сўнг 1501 йил 3 январь куни она шаҳри Ҳиротда вафот этди. Бутун мамлакатда мотам эълон қилинди. Жанозасини улуғ илоҳийтшунос ва адабиётшунос олим Хусайн Воиз Кошифий ўқиган. Замонасида кечган деярли барча сиёсий, ижтимоий, маърифий, маданий жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлган А.Н. улкан адабий, илмий ва маърифий мерос қолди. Сақланган қўлёзма манбаларига кўра ўзига кадар ва ўздан кейин яшаб ўтган исталган мумтоз туркий адабиёт вакилидан кўпроқ бадий мерос соҳибни бўлмиш даҳо шоир 30 дан ортқ асарлар яратган. Булар: «Ҳазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси»), жами олдинги икки девонини ҳам ўз ичига олган тўрт девондан иборат, 1469, 1491–1498 йй.) куллиёти; «Ҳамса» асари беш дostonдан «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишилар ҳайрати», 1483 й.), «Лайли ва Мажнун» (1484 й.), «Фарход ва Ширин» (1484 й.), «Саъбиян сайёр» (Етти сайёр, 1484 й.), «Сади Искандар-рий» («Искандар девори», 1485 й.) дostonларидан иборат «Вақфия» (йирик мулк соҳибни А.Н. ўз замондошларига мактубларини ва вақф ҳужжатларини қамрайди, 1482); «Назм ул-жавохир» («Ҳикматли сўзлар манзумаси», 1485 й.); «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайгамбарлар ва табиблар тарихи»; дин ва тиббиёт тарихидага буюк шахслар ҳаётидан тарихий

рисола, 1488 й.); «Сирож ул-муслимийн» («Мукулмонлар чироғи», 1488 й.); «Холоти Саййид Ҳасан Ардашер» (Саййид Ҳасан Ардашер ҳаётидан улҳалар, 1490 й.); «Маҷолис унафоис» (Нафис маҷлислар, тазкира, 1490 й.); «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови», 1492 й.); «Насойим ул-муҳаббат мин шаймоий ул-футувват» («Жавонмардлик боғларидан эсан муҳаббат еллари»; Шайх Фаридиддин Аттор (1148–1231 йй.) қаламига мансуб «Тазкират ул-авлиё» (Валийлар зикри, 1188) тазкираси, шунингдек, асосан устози ва дўсти Абдурахмон Жомий (1414–1498 йй.)нинг «Нафаҳот ул-унс минал-ҳадойики қудсия» («Шарафланган валийлар бўстонидан келган биродарлик насимлари»; Абдурахмон Жомий 1478–1482 йилларда яратган ушбу автобиографик асарда жами 662 валий ҳаёти ва қароматлари зикр этилган бўлса, Алишер Навоий уни тўла таржима қилди ва туркий валийлар ҳақидаги қимматли маълумотлар билан тўлдирди; 1496 й.) манокби; «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси», 1499 й.); «Лисон ут-тайр» («Қуш тили», 1499–1500 йй.); «Маҳбуб ул-қулуб» («Қўнғиллар суқюписи», 1500 йй.) каби асарларининг юзлаб қўлёмалари жаҳоннинг турли нуфузли қўлёзма фондларида ва кутубхоналарида сақланиб келмоқда ва бутун дунё адабиётшунослари томонидан тадқиқ этилмоқда.

А.Н. улкан мероси адабиёт ва адабиётшунослик, фалсафа, сиёсатшунослик, ахлоқшунослик, тилшунослик, тарих ва бошқа кўпгина соҳалардаги умумий ва жузъий муаммоларни қамраб олган. Мутафаккир шоир асарларида Борлик ва унинг моҳияти, нарсалар ва ҳодисаларни идрок қилиш, давлат, давлатчилик ва бошқарув усуллари, инсон ва унинг жамият ва оламдаги ўрни, етук ва адолатли жамият, ижтимоий бирдамлик қайфияти, қомил инсон, яхши хулқ-одоб ва мукамал таълим-тарбия ҳақида замонаси учун қимматли ва ўзидан кейинги даврлар учун барҳаёт, илғор умуминсоний гоёларни илгарй суради.

А.Н. ҳақиқатни билишга оид қарашларини мажозий ва рамзий тимсоллар, тушунчалар воситасида баён қилган. Унинг дунёқараши бутун ислом Шарқида кенг тарқалган «ваҳдат ул-вуҷуд» (борлик, яъни Яратувчи ва яратилганларнинг бирлиги) таълимотига асосланган. Инсон, А.Н. талқинида, мавжудотлар орасида аълоси, тиркелик гултожи. Хусусан, «Ҳамса» дostonларида мукамал давлат, адолатли ҳукмдор ва жамият, кишиларни бахт-саодатга элтувчи фозил ва одил шоҳ тимсолларини яратди, халқнинг орзуниятлари ва ўй-фикрларини батафсил баён этади. Бинобарин, «Ҳамса» дostonлари Шайх Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий «Ҳамса»лари қаторида Алишер Навоийгача ва ундан кейин яратилган худди шундай дostonлар ичида энг мукаммали деб тан олинган, жаҳон адабиётининг тенги йўқ асарлари сирасига қиради, ўзбек адабиёти, шунинг баробарида озарбайжон, турк, туркман, татар, қозоқ адабиётининг кейинги асарлардаги тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Ўзбекистонда А.Н. номи эъзозланади: мамлакатимиздаги худудий-маъмурий бирликлардан бири бўлган Навоий вилояти, шу вилоят маркази, илмий тадқиқот институти, олий ўқув юртлари, катта академик театр, бошқа муассасалар ва ташкилотларга улуг шоир номи берилган. Шу номда давлат мукофоти таъсис этилган. А.Н. ижодий мероси ва ҳаётдаги шахсий ибратлари ўзбек халқи маънавиятига теран таъсир кўрсатган ва кўрсатмоқда.

**НАВРЎ** – (форс. «янги кун» маъносини англатади) – Туркистон, Ўрта ва Яқин Шарқда яшовчи ўзбек, озарбойжон, тожиқ, хинд, форс ва бошқа халқларнинг қадимий анъанавий янги йил байрами. Шамсия ҳисобида йилнинг биринчи куни бўлиб, баҳорги тун ва куннинг тенглигига, яъни 21–22 мартга тўғри келади. Тарихий манбаларга қараганда Н.ни байрам қилиб ўтказиш Аҳамонийлар давридан (милоддан аввалги VI–V асрлар) бошланган. Кейинчалик, Н. ислом динининг айрим маросимларини ҳам ўтказиш одат тусига киритилган. Қадимда Н. байрами 6 кун давом этган, далаларга кўчатлар экилган, кўчалар тозаланиб, ҳашарлар уюштирилган. Н. атаб ёшлар янги қийимлар тикканлар, қарияларга сарупо тайёрланган. Байрам кунлари ҳар хил ширинликлар, сумалак, турли кўчатлардан сомсалар, чучвара каби таомлар пиширилган.

Н. кунларида турли оммавий ўйинлар, пойга мусобақалари, боғларда сайллар, май-донлар, концерт заллари ва театрларда санъаткорлар, шоирлар, ёзувчиларнинг чиқишлари бўлади, ота-оналардан, қариндош-уруғлардан хабар олинади, ёру биродарлар-ниқига меҳмонга борилади. Н. кунлари гина-қудратлар унутилиб, кишилар яхшиликка интиладилар, етим-сирларга ва ногиронларга ёрдам бериб, марҳумлар қабрини зиёрат қилиб, тартибга соладилар. Шўро даврида Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбойжонда Н., халқларнинг тарихий қадриятлари сифатида, давлат томонидан эътиборга олинмади, баъзи йиллари, ҳаттоки, таққиланди. Ўзбекистонда 1989 йиддан Н. кенг нишонлана бошланди. 1990 йилдан бошлаб, Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан, 21 март Н. миллий халқ байрами сифатида белгаланиб, дам олиш кунин деб эълон қилинди.

**НАВРЎЗ ЖАМҒАРМАСИ** – Наврўз жамғармаси 1992 йил 23 май Президент Фармони, 1992 йил 13 июл Вазирлар Маҳкамасининг 273-сонли қарори билан ташкил этилган. Н.Ж. республикада ночор оила ва фуқаролар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оилалар ва ногирон болаларга кўмак бериш, меҳр-оқибат, мурувват ва қадр-қиммат тўйгуларини камол топтириш ҳамда, халқ байрамлари ва шодиёналарини ташкил этиш, ўтказишга мақсадида ташкил этилган.

**НАЖМИДДИН КУБРО (1145–1221 йй.)** – Марказий Осиёнинг шайхул-машойхларидан бири, Кубровия тариқатининг асосчиси. Асл номи Аҳмад бин Муҳаммад ал-Хивақий ал-Хоразмий бўлиб, куняси «Абулжанноб» (тақводорлар отаси)дир. Шарият ва тариқат илмининг буюк донишманди бўлгани учун «Кубро» (улуғларнинг улуғи), «Нажмиддин» (диннинг юлдузи) деган лақабларни олган. Истеъдодли муридлар тарбиялашда маҳорат кўрсатгани сабабли уни «Шайхи валитарош» (валиларни воёга етказувчи) ҳам деганлар. Хива шаҳрида туғилган, шу ерда илм асосларини эгаллағач, Ҳамадон, Бағдод, Дизфул, Дамашқ, Табриз, Қоҳира, Нишопур, Тус шаҳарларига бориб, атоқли ҳадисшунос олимлардан, файласуфлардан илми калом, ҳикмати Урганади, тасаввуфга қизиқиб, тариқат одобидан таълим олади. 1185 йили уйланиб, Хоразмга қайтди ва Хоразмда катта хонақоҳ курдириб, муридлар тарбиялаш билан шуғулланади. Мўғуллар Хоразмга бостириб келганда, муридлари билан душманга қарши жангга кирази ва босқинчилар қўлида шахид бўлади. Қабри Қўҳна Урганчдадир. Унинг мақсади одамларни ҳам жисмонан, ҳам ақлий-тафаккурий, ҳам рухий-маънавий жаҳатдан етук қилиб тарбиялаш бўлган. Н.К. тариқат ва футувватни (жавонмардликни) бир-бирига қўшди, ахлоқий поклик, мардлик, ҳожатбарорлик гояларини тарғиб этди, Илоҳни севиш билан яхши инсонларни севишни бирига олиб қаради, нафсини қаттиқ мазаммат этиб, яъни қоралаб, улуг тақво пири сифатида ном чиқарди. Ифрон (билиш назарияси)да ақлий ва вайдий (хиссий-интуитив) билишни бирлаштирди, тасаввуфда «суперлиқ» (сахв) маслагини танлаб, «беҳуд» – девоналикни инкор этади. У инсонни «кичик олам» деб, унинг камолоти чексиз эканини таъкидлайди, тасаввуфда орифлик рутбасини (мартаба-сини) олдинга суриб, мақомотнинг, яъни даражаларга ажратилишнинг ўнга босқичини жорий этган, Кубро рангларнинг инсон руҳиятига таъсирини кашф этган олимдир: килма-кил ранглар – моддий олам ўзгаришлари, рангсизлик – Худо олами белгиси, дейди у. Н.К. рисоалар ва фалсафий-суфийёна рубоийлар ёзган.

Н.К. асослаган «Кубровия» тариқати Осиё ва Африкадаги мусулмон мамлакатларига тарқалиб, минглаб мухлисларга эга бўлган. Н.К. улуг руҳоний шайх, қароматли донишманд, файласуф ва Ватан учун жон фидо қилган буюк инсон сифатида бизга азиз ва фахр ҳам ибрат намунасидир. Н.К. таълимотига хулоса ясар экан, шўро даври фалсафаси уни «мистика, зоҳидлик ва таркидунёчиликни тарғиб қилиб, реакция роль ўйнаган» деб, ҳукмрон мафкурага хушомадгўйлик қилиб «қозир унинг таъсири деярли йўқолиб кетган» деб ёзди. Н.К. ҳаёти, ижоди ва асарлари тўғрисида биз унинг Ватанида тадқиқот олиб боролмасдик. Унинг тўғрисида В.Бартольд, Е.Бертельс, И.Петрушевский каби олимларнинг асарларидан ўқиб билардик. Ўзбекистонда Н.К. нуктаи назарлари ва таълимотини таҳлил этган олимлар бор эди (мас., И.М. Мўминов), лекин ҳукмрон мафкуранинг талаби билан буюк аждодимиз ҳақида сўз айтишимиз мумкин эмас эди.

Н.К. ҳаёти ва таълимоти ҳар томонлама таҳлил қилмоқ ва унинг Марказий Осиё маънавий ҳаёти ҳамда турмуш тарзининг ривожланишидаги аҳамиятини кўрсатмоқ учун ҳозирги пайтда барча имкониятлар яратилган. Табиийки, ҳар бир улғ инсон, ўзининг фавқуллоҳда чуқур фикрлари, ҳулосалари ва тадқиқотлари билан бир қаторда, маълум масалаларда хато ёки камчиликларга йўл қўяди. Н.К. ҳам истисно эмас эди. Аммо, шу билан бир қаторда унинг таълимоти инсон, ҳаёт ва мавжудликнинг моҳияти устида фикр юритишда фалсафа фанида янги саҳифа очганди. Унинг таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ҳамда Яқин Шарқ халқларининг миллий ўзига хослиги, турмуш тарзи ва фикр юритишдаги хусусиятлари ва миллий менталитетининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу таъсирни ўрганиш ва билиш миллий ўзланимизни англашда катта аҳамиятга эгадир.

**НАЗОРАТ** – турли ташкилотларнинг қонунчиликни таъминлашга қаратилган фаолият шаклларида бири: 1) текшириш ёки назорат қилиш мақсадида амалга оширилган доимий кузатув; 2) шу иш билан шуғулланувчи шахслар, яъни назоратчилар.

**НАМОЙИШ** – 1) намоёиш, митинг, банкет, петициялар тақдим этиш ва бошқ. орқали халқ ёки йиғилиш аҳли талабларининг ҳуқуқматга ва жамоатчиликка таъсир этиш мақсадида эълон қилиниши; 2) *диплом.*, бошқа давлатга таҳдид соладиган ҳаракатларни (мас. чегаралар яқинига қўшин жойлаштириш, элчининг қақдириб олиниши ва х.к.) содир этиш; 3) *Ҳарб.*, душман эътиборини асосий ҳарбий ҳаракат майдонидан чалғитиш, (мас., алдамчи хуруж, дарёдан кечиб ўтиш ва х.к.)

**НАРХЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛИШИ** – тадбиркорлар ва савдо ташкилотларига нархларни белгилашда тўлиқ эркинлик берилиши.

**НАҚШБАНД БАҲОВУДДИН** (Мухаммад ибн Мухаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорӣ. 1318–1389 йй.) – Ўрта Осиёда тасаввуф таълимотининг янги тарикатига асос солган донишманд. У 1318 йили Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Ҳиндийен қишлоғида туғилган. Сўнг бу қишлоқ Қасри Орифон деб атала бошланди. Шу ерда вафот этган У деҳқончилик ва хунарамдчилик билан кун кечирган, молу дунёга хирс қўймаган, бир умр тер тўқиб, ҳалол меҳнат билан Аллоҳни қалбига жо қилиб яшаган донишманддир.

Н. ёшлигиданок суфизм йўлига юрган, яъни «инсон ҳудода», «инсон худо билан», «инсон худо учун», «инсон ҳудода» деган ақидаларга асосланган ва тасаввуф деб аталмиш диний-фалсафий оқимга ўзини бағишлаган. У тасаввуф сирларини ўрганади, Куръони карим, тафсири, ҳадисларни пухта эгаллайди. Н. тарикати марказида ахлоқ ва ҳулқ-одоб қоидаларига изчил амал қилиш туради. У инсонларни ҳалол-пок бўлишга, ўз меҳнати билан кун кўришга, муҳтожларга ёрдам беришга, камтар ва софдил бўлишга даъват қилади. У исломни тозалаш, илк ҳолига қайтариш ғоясини олға сурган, инсонларни факрликка, камбағалликка ундайдди, лекин хайр-эхсон ҳисобига эмас, фақат ўз меҳнати билан яшашни ёқлайди. Мутасаввуф олимнинг «Дил ба ёру, даст бақор», яъни ёр (Аллоҳ) қалбингда, қўлинг иш билан банд бўлсан, деган шиори бутун мусулмон оламида шуҳрат қозонган. Нақшбандия аҳли сунна эътиқодига амал қилувчи тарикатдир. Бу тарикатдаги зотлар қўиндаги шартларга амал қилишлари шарт: тавба қилиш; Пайғамбар суннатларига тўлиқ амал қилиш; шариятга зид келувчи бидъатлардан қочин; диний масалаларда тақвони кучайтиришга амал қилиш; зулм ва ноҳақликларга йўл қўймаслик; қарзни ўз вақтида тўлаш; розилик сўраш, қазо намозларини ўқин; Аллоҳни ҳар дақиқада ёдлаш.

Нақшбандия тарикати шариат билан зохирни поклаш, тарикат билан ботиний покланишга алоҳида эътибор қаратади. Унга кирган ҳар бир киши яна ўн бир асосий тамойилга риоя қилиши талаб этилади: 1. Хуш дар дам – яъни, нафас олиб чиқаришда хушёр бўлиш, гафлатда қолмай, Аллоҳни эслаш лозим; 2. Назар бар қадам – яъни, камтар бўлиш ва шукур қилишни ўзида мужассам этиш; 3. Сафар дар ватан – сайри сулук мартабаларини босиб ўтишни ўзида мужассам этиш; 4. Хизмат дар анжуман – зохирани халқ билан, ботинан – Аллоҳ билан бирга бўлиш; 5. Ёд кард – Аллоҳни ёд этиб, мосуводан кўнгилни узин; 6. Бозгашт – Аллоҳим, мақсадим – сенсан, талаб-истагим сенинг розилигингдир, деган мақомда туриш; 7. Ниғоҳдошт – қалбдаги фикр ва хотираларни мулоҳаза қилиш; 8. Ёд дошт – ҳар дам Аллоҳдан хабардор бўлиш; 9. Вуқуфи замон – ҳар лаҳза ўз

холидан хабардор бўлиш, вақтдан унумли фойдаланиш; 10. Вукуфи адалий – муршид, шайх берган зикр вазифасининг саногига рию қилиш; 11. Вукуфи қалбий – қалбининг Аллоҳдан хабардор бўлиши. Нақшбандийликнинг асосий шиори – Муҳаммад пайгамбар ва саҳобалар яшагандек яшашга, яъни бировлар ҳисобита яшамай, пешона тери билан меҳнат қилиб, топилган неъматларнигина ҳалол деб ҳисоблаш. Б. ҳам шунга амал қилган. Инсонни комилликка олиб боровчи йўлларга ва маънавий софликка даъват этгани боис, мазкур тарикатнинг мавкиси, мартабаси, борган сари ортиб, юксалиб борган ва бутун дунёга кенг тарқалган.

Н. тасаввуфни кенг тарғиб қилиб, Арабистон, Эрон ва Марказий Осиёнинг кўп шаҳарларидан бўлган. У бу дунё ишларидан юз ўтгирмасликни, юксак иймон ва эътиқодга эга бўлишни, доимо дилида худони жо айлаб меҳнат қилишни, ҳаром-ҳарийш ишлардан ўзини тийишни тарғиб этади, ўғриллик, фирибгарлик, ёлғончилик, таъмағирлик, бойликка хирс қўйиш каби тубан иллатларни қоралайди, одамларни аҳиллик ва дўстликка, доимий мулоқотда бўлишга чақиради. Б.Н. ва унинг таълимоти Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий ва бадийий фикр тараққиётига асрлар давомида жиддий таъсир кўрсатиб келиб, мустақил Ўзбекистон ҳамда ўзбек миллатининг ўтмиши, фалсафий ва маънавий меросини ўрганишга ва миллий тикланишимизга хизмат қилмоқда.

**НЕФТНИ ЭКСПОРТ ҚИЛАДИГАН ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (ОПЕК)** – 1960 йил Богдод конференциясида Венесуэла ташаббуси билан тузилган. Таркибига 12 давлат кирган: Жазоир, Венесуэла, Габон, Индонезия, Эрон, Ироқ, Катар, Қувайт, Ливия, Нигерия, Бирлашган Араб Амириклари, Саудия Арабистони ва Эквадор. Ташкилотнинг асосий мақсади: аъзо мамлакатларнинг нефть сифатини координациялаш ва бирхиллаштириш; улар манфаатларини химоя қилишнинг энг самарали индивидуал ва коллектив воситаларини белгилаш; нефть ишлаб чиқарувчи давлатлар манфаатларига доимий эътибор бериш. Штаб-квартираси – Қувайтда жойлашган.

**НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ** – халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири, унга мувофиқ давлат орасидаги низолар халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остига қўймаслик учун тинч йўллар билан ҳал қилиниши лозим. Биринчи бўлиб мазкур тамойил 1928 йилги Париж пактида мустаҳкамланган эди (урушдан миллий сифат қуроли сифатида воз кечиш тўғрисида шартнома). Унда давлатлар орасидаги барча низо ва келишмовчиликларни фақат тинч йўл билан ҳал этиш лозимлиги эълон қилинган. Мазкур тамойилга рию қилиниши бир қатор муҳим халқаро ҳужжатлар билан қафолатланади: БМТ Устави, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг 1975 йилги Якуний ҳужжати ва бошқ. БМТ 1982 йилги Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги декларациясида низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг қуйидаги воситалари кўрсатилган: воситачилик, халқаро арбитраж, суд орқали ҳал қилиш, минтақавий органлар ва кенгашларга мурожаат қилиш, шунингдек, томонларнинг танловларига кўра бошқа воситалар. Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили ЎЗР ташки сифатининг Конституцияда мустаҳкамланган тамойилларидан биридир (17-модда).

**НИКОХ** – эркак ва аёлнинг онла тузиш ва алоқиди давоб эттириш мақсадида тузадиган доимий иттифоқ; у қонун билан ҳимояланади; эр ва хотиннинг бир-бирига ҳамда фарзандларига нисбатан муносабатларида муайян бурч, масъулият ва ҳуқуқларни тақозо этади (мас., мерос ҳуқуқи ва ҳ.к.)

**НОМЗОД** – давлат ёки жамоат муассасаларига сайланиш, бирор вазифага тайинланиш ҳамда бирор даража олиш учун кўрсатилган шахс.

**НОТА** – дипломатик ёзишмаларни акс эттирувчи ҳужжат. Халқаро амалиётда шахсий ва вербал Н. фарқлаш мумкин. Шахсий Н. ёзма шаклда бўлиб, унга имзо чекувчи шахс томонидан ёзилади. У нота юборилаётган шахсга мурожаатдан бошланади ва бу шахсга билдирилган ҳурмат билан тугалланади. Шахсий Н., Н. бланкасида ёзилади, юқори ўнг четда юборилаётган вақт ва жой, биринчи бетнинг пастки ўнг бурчагида, маъзилгоҳ Н. юборилаётган мансабдор шахс исми-шарифи тўлиқ келтирилади. Н. кенг тарқалган турларидан бири вербал Н. бўлиб, унда дипломатик фаолият мазмунини ташкил этувчи

турли масалалар ёритилади. Вербал Н., Н. бланкида бўсилади, ҳурмат билан бошланиб, Ҳурмат билан тугатилади, учинчи шахс томонидан тузилади, лекин имзоланмайди. Н. юқори чап тарафида руйхатдан ўтказилган чиқиш сони ва пастки чап бурчагида манзилгоҳ ёзилади. Н. тексти остида юборилган вақти, жойи кўрсатилади. Вербал Н. Ташқи ишлар вазирлиги ёки дипломатик вакилликнинг муҳри босилади. Ҳозирги даврда халқаро амалиётда ҳокимиятлар ўртасида бевосита Н. ёзишмалари кенг қўлланилмоқда.

«НОВ-ХАУ» – ишлаб чиқаришнинг техникавий, конструкторлик ва бошқа сирлари; маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлган техникавий, тижорат ва бошқа билимлар ҳамда ишлаб чиқариш тажрибаси (расмийлаштирилган, аммо патентланмаган бўлади).

## О

**ОАПЕК** – нефть экспорт қилувчи арабистон минтақаси давлатларининг уюшмаси. 1968 йилда нефтьнинг бой заҳириларига эга бўлган ва уни экспорт қилувчи араб давлатлари мафаатларини химоя қилиш, аъзо-давлатлар ўртасида нефть саноати соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Аъзо-давлатлар: Жазоир, Бахрейн, Ироқ, Қатар, Қувайт, Ливия, БАА, Сауд. Арабистони, Сурия, Тунис. Штаб-квартираси Қувайтда жойлашган.

**ОБЛИГАЦИЯЛАР (ЗАЁМ)** – қимматли қоғозлар; соҳибининг пул маблағлари ўтказганлигини тасдиқлайди ва белгиланган муддатда облигацияда кўрсатилган нархни қоплаш, шунингдек (агар О. шартларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса), тегишли фойзини тўлаш мажбуриятини тасдиқлайди. Мақсадли О. чиқаришнинг асосий шарти кўрсатилган мол-буям (хизмат)ларнинг бўлиши муқаррарлигидир. О. уларнинг эгаларига қорхонани бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини бермайди.

**ОДАТ** – мусулмонларда ёзилган ҳуқуқ – шариатдан фарқли ўларок оддий ҳуқуқ; бу кавказ тоғлик халқлари орасида ҳам кенг тарқалган.

**ОЗОДЛИК** – маъқур тушунчанинг сиёсий фанлардаги талқини унинг фалсафий ва диний талқинларидан келиб чиқади. Шу билан биргаликда, сиёсийшунослик унинг моҳиятини аниқлабгина қолмасдан, мазмунан бойитилишига ҳам хизмат қилади. О. масаласининг сиёсийшуносликдаги талқини ижтимоийлик ва миллий озодлик, озодлик ҳаракати ва мафқураси каби тушунчалар, умуман замонавий жамият ҳақидаги тасаввурлар, унинг ривожланиш тенденциялари, яқин ва узоқ муддатдаги истиқболли, ҳуллас сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этадиган ўзгаришлар тахлили орқали амалга оширилади. О. муаммолари ҳақида сўз кетганда, биринчи галда ижтимоий тузумни ва бошқарув шаклини танлаш, инсон ҳуқуқларининг химоясини таъминлаш ва унинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, давлат ҳокимияти идораларини шакллантириш, жамиятда инсонпарварлик ахлоқи меъёрларининг қарор топиши каби масалалар назарда тутилади.

**ОИЛА** – кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, насл қолдириш), иқтисодий (мулкий муносабатлар, уй-рўзгорни бошқариш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғуси ва бошқ.) муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги бўлиб, инсон яшаши учун қулай шароит яратиб бевурчи, унинг турли эҳтиёжларини қондирувчи макондир. Шунингдек, О. ҳаётнинг, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларни сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етиштишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. О. икки жинсга мансуб кишиларнинг – эркак ва аёлнинг ўзаро тенглиги, муҳаббати, бир-бирларини англаган ҳолда биргаликда яшаш, авлодларни мунтазам янгилаб турадиган, энг муҳими, уни: иқтисодий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан мукамаллаштириш йўлида ҳамкорликда қилинадиган ҳаракат ҳосиласидир. Унинг энг муҳим ижтимоий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1) О. репродуктив вазифаси – унда фарзандларнинг туғилиши, жамиятда аҳолининг янгилашиб туриши; 2) О. тарбиявий вазифаси – ёш авлодни жисмоний соғлом,



маънавий баркамол, ахлокий пок этиб тарбиялаш орқали ёшларни ижтимоийлаш-тириш, жамиятнинг маданий жиҳатдан узлуксизлигини таъминлаш; 3) О. ҳўжалигини юритиш вазифаси – яшаш жойига эга бўлиш, унинг шароитини яхшилаш, оила ҳўжалигини тебратиш; 4) О. иқтисодий вазифаси – оила аъзоларининг яшашлари учун зарур бўлган анжом ва асбоб билан таъминлаш, уларни кийим, озик-овқат, билим олиши ва ихтисосга эга бўлиши, ўз истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун иқтисодий шарт-шароит яратиш. Шунингдек, меҳнатга яроқсиз оила аъзоларини, вояга етмаган болалар, қариятларни моддий жиҳатдан таъминлаш; 5) О. ижтимоий вазифаси – оила аъзоларининг ҳулқ-атворини, ахлоқини назорат қилиш, шунингдек, эр-хотиннинг оила ва жамият олдидаги масъулияти, фарзандларнинг ота-оналар, ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги вази-фасини англаш; 6) О. аъзоларининг маънавиятини юксалтириш; 7) О. аъзоларининг оилада ўз мавқеларини эгаллашлари учун имконият яратиб бериш; 8) О. аъзоларининг дам олишларини ташкил этиш; 9) О. эмоционал вазифаси – оила аъзоларининг бир-бири билан меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳис-туйғуларини тарбиялаш; 10) О. жинсий тарбияга оид вазифаси – эр-хотиннинг жинсий эҳтиёжларини қондириш, ўғил ва қизларга, уларнинг жинсига қараб тарбия бериш, уларни ҳаётга тайёрлаб бориш. О. мана шу вазифаларни тўла бажаргандагина барқарор бўлади, такомиллашиб боради ва жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

**ОИЛА ҲУҚУҚИ** – аънавий ҳуқуқ соҳаларидан бири. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари О.Х. фани ва унга мос ўқув фанларидан иборат. О.Х. асосий манбаи 1998 йилда қабул қилинган Оила кодексидир. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзолари-нинг маъсулиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўқсинликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

**ОЛИГАРХИЯ** – (юнон. *«oligarchia», «oligos»* – кам сонли, *«arche»* – ҳокимият) – кам сонли кишиларнинг давлатдаги ёки молча оламидаги ҳокимияти (молча О.).

**ОЛИЙ МАЖЛИС** – ЎзР олий қонун чиқарувчи органи. Унинг тизими, тузилиши, вазифалари, иш ва фаолияти, қондаларини белгиллашда барча илғор давлатларнинг олий қонун чиқарувчи органи ташкил қилинишидаги тарихий тажрибаси ўрганилган ва инобатга олинган. О.М. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган ЎзРнинг Конституцияси асосида жорий этилган ва унга 1994 йил 25 декабрда дастлабки сайловлар ўтказилган. Бунга қадар унинг ваколатлари ЎзР Олий Кенгаши томонидан амалга оширилиб келинган. 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «ЎзР О.М. сайлов тўғрисидаги қонунга биноан О.М. тузилишига ўзгартириш киритилди. 2000 йил мамлакатда ўтказилган умум-халқ референдумига биноан ЎзР О.М. икки палатали – қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлиши қонун асосида мустаҳкамланган.

**ЎзР О.М. қонунчилик палатаси мутлақ ваколатлари:** 1) ЎзР О.М. қонунчи-лик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; 2) ЎзР Бош прокурорининг тақдимига биноан ЎзР О.М. қону-чилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; 3) Ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; Спёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи спёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

**ЎзР О.М. Сенатнинг мутлақ ваколатлари:** 1) ЎзР О.М. Сенати Раиси ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; 2) ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Конституциявий судини сайлаш; 3) ЎзР Прези-дентининг тақдимига биноан ЎзР Олий судини сайлаш; 4) ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Олий ҳўжалик судини сайлаш; 5) ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР

Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш; 6) ЎЗР Президентининг ЎЗР Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; 7) ЎЗР Президентининг ЎЗР Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; 8) ЎЗР Президентининг тақдимига биноан ЎЗР чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш; 9) ЎЗР Президентининг тақдимига биноан ЎЗР Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш; 10) ЎЗР Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш; 11) ЎЗР Бош прокурорининг тақдимига биноан ЎЗР О.М.Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; 12) ЎЗР Бош прокурорининг, ЎЗР Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, ЎЗР Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш; 13) ЎЗР фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; 14) Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш.

*ЎЗР О.М. Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари:*

1) ЎЗР Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; 2) ЎЗР конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; 3) ЎЗР референдумни ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш; 4) ЎЗР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; 5) ЎЗР қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш; 6) ЎЗР таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг ЎЗР таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш; 7) Бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш; 8) ЎЗР Вазирлар Маъжамасининг тақдимига биноан ЎЗРнинг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш; 9) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш; 10) ЎЗР маъмурий-худудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш; 11) Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш; 12) Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш; 13) ЎЗР Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; 14) ЎЗР Марказий сайлов комиссиясини тузиш; 15) ЎЗР Президентининг тақдимига биноан ЎЗР Бош вазири номзодини қўриб чиқиш ва тасдиқлаш; 16) ЎЗР О.М. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш; 17) ЎЗР ҳисоб палатасининг ҳисоботини қўриб чиқиш; 18) ЎЗР Президентининг ЎЗР ҳужум қилинганда ёки таъовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти тугилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш; 19) ЎЗР Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; 20) Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш; 21) Ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш. Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал ЎЗР О.М. Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда қўриб чиқилади.

**ОЛИЙ РАДА** – Украинанинг бир палатали парламенти. 4 йил муддатга сайланган ҳамда 450 та депутатдан иборат.

**ОЛИЙ СУД** – ЎЗР О.С. фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва ЎЗРнинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. ЎЗР О.С. Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар, шаҳарлар, туманлараро, туман

судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

**ОЛИЙ ХАЛҚ ЙИГИНИ** – Корея Халқ Демократик Республикасининг (Шимолий Корея) бир палатали конун чиқарувчи органи.

**ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ** – Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодий соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш О.Х.С. ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

**ОЛОМОН** – бир-бири билан жисмонан яқин бўлган, ягона мақсадга эга бўлмаган, руҳий ҳолат жиҳатидан муштарак бўлган кишиларнинг вақтинчалик тартибсиз уюшмаси Индивидуумларнинг оломон орасидаги ҳолати таъсирга берилувчанлик, тақлид қилиш, хиссий зўриқиш билан ажралиб туради. Ҳаракат характери жиҳатидан О. тасодийфий, экспрессив, конвенционал ва фаол гуруҳларга бўлинади.

**«ОЛТИН МЕРОС ЖАМҒАРМАСИ»** – О.М. халқаро хайрия жамғармаси Президент И.А.Каримов ташаббуси билан 1996 йил 27 сентябрда ташкил этилган. Жамғарма барча вилоятларда, аксарият туманларда ўз бўлимларига эга.

**Жамғарманинг мақсад ва вазифалари:** Ўзбекистонда яшайтган турли миллат ва элатлар ўтмиши ҳамда маданиятига оид қимматли тарихий маълумотлар ҳамда манбаларни, ашёларни излаш, авайлаб асраш, тарғиб этиш; Давлатчилигимиз тарихига оид ёдгорликлар, обидалар, зиёратгоҳларни рўйхатга олиш, таъмирлашда иштирок этиш; қадимий ашёлар, санъат асарларини тўплаб, музейлар ташкил этиш, жумладан, хусусий коллекционерлар билан ҳамкорликда уй музейлари яратиш; халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини, бой тарихини, маданияти ва санъатини мамлакатимизда ва чет элларда кенг тарғиб қилиш; миллий хунармандчиликнинг қадимий мактабларини тиклаш, хунар эгалари яратган гўзал санъат асарларини мамлакатимизда ва чет элларда намойён этиш; қадимий кўлэзма ва тошбосма асарларини, этнографияга оид ёдгорликлар, либослар, қадимий турмуш тарзини акс эттирган ашёларни йиғиш ва сақлаш, кўرғазмалар уюштириш; халқаро конференция, фольклор фестиваллари, семинарлар, танловлар, ким ошди савдолари, концертлар уюштириш; ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ва ҳ.к.

**ОЛТИН ЎРДА** – XIII асрнинг 40-йилларида Жучихоннинг ўғли, Чиягизхоннинг набираси Боту томонидан барпо этилган давлат. У XIV асрнинг охириларигача мавжуд бўлиб, сўнг майда хонликларга бўлиниб кетган. Дуной ва Фин бўғозидан Иртиш ва Обь дарёларигача, Қора, Каспий ва Орол денгизларидан Новгород ва Шимолий муз океани худудларигача бўлган. Улкан давлат пойтахти дастлаб Сарой-Боту (ҳозирги Астрахань атрофларида), сўнгра Сарай-Берке бўлган (ҳозирги Волгоград атрофида).

**ОМБУДСМАН** – (швед. «ombudsman» – кимнингдир қизиқиши, тарафларнинг вакили деган маънони билдиради) – ишончга лойиқ мустақил шахс, айрим фуқароларнинг ҳуқуқини химоя қилиш учун парламент томонидан ваколатли ҳисобланади, барча давлат органлари ва уларнинг вакиллари устидан кенгрок формада назорат этиш тушунлигида. Бу институт 1809 йил Швецияда илк конституцион нормалар юзага келиши ва ҳоқимият, бошқарув ва суд органларининг уларга риоя қилишлари устидан парламент назорати ўрнатиш зарурияти пайдо бўлганлиги туфайли юзага келган. Белгиланган лавозимнинг шу вақтга қадар дунёда ухшаши бўлмаган, зеро О. аввалбошда фуқароларни маъмурият жабр-зулмидан химоя қилиш функциясини утаган. О. ўрта асрлардаги швед тилида О. сузини, яъни куч-қудрат, обру-этибор деган маънони англатиб, шу иш билан шугулланувчи шахс, воситачи ёхуд бошқа одамлар вакили ҳисобланади. Ҳуқуқий маънода омбудсман ишончга лойиқ бетараф шахсни билдиради. У фуқаролар ҳуқуқини ҳамда барча давлат органлари ва уларнинг вакиллари устидан кенг назорат олиб бориш шаклидаги бевосита парламент назорати олиб боришга ваколатланган.

1919 йилдан бошлаб бундай органлар аста-секин бошқа мамлакатларда таъсис этилди ва ҳуқуқий назорат тизимига киритилди. Улар парламент ва суд назорати тарзида, шунингдек маъмурий органлар томонидан амалга оширила бордин. Бундай институтга эҳтиёж мавжуд бўлган, бошқа институтлар давлат бошқарувиغا нисбатан старли назорат вазифасини бажара олмаган ва демократик давлатда маъмурий узбошимчиликдан фуқароларни қўшимча химоя қилиш зарурати юзага келган пайтда пайдо булди. Омбудсман парламентнинг барча ижроия органлари устидан анъанавий назорат олиб боришига ёрдамлашади, уларни тулдиради ва кенгайтиради. Шу сабабдан жаҳоннинг аксар мамлакатлари узларидаги мавжуд назорат шаклларини яна бир шакл – О. модели билан бойит-моқдалар.

Ҳозирги вақтда дунёда юзга яқин О. мавжуд булиб, мазкур лавозимдаги шахслар баъзи мамлакатларда О., баъзиларида воситачи (медиатор), учинчи бир хилларида эса парламент вакили ва туртинчиларида, худди бизнинг Ўзбекистонимизда булганидек, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил деб юритилади. Хорижий мамлакатлар тарихи ва амалиёти бу институтнинг икки хил тури: парламент О. (Швеция, Буюк Британия ва бошқалар) ҳамда ижроия ҳокимити омбудсмани (АҚШ, Франция, Канада) борлигидан гувоҳлик беради. О. институтининг ваколатли ёки ижроия ҳокимияти органи эканлиги унинг ҳуқуқий базасига, лавозимга тайинланиш ва ишдан бушатилишига, унинг функцияси тахлилга қараб аниқланади.

О. бошқа давлат органларига (ижроия ҳокимият) нисбатан парламентнинг одатдаги функциясининг назоратини кенгайтиради ҳамда қўшимчалар киритади ва ёрдам беради. Шунинг учун дунёнинг кўп мамлакатларида назоратнинг амалдаги шаклларига қўшимча бўлиб, яна бир назорат шакли О. киритилди. Ҳозирги вақтда дунёнинг турли давлатларида юзга яқин Олар пайдо бўлган ва улар Скандинавия мамлакатларида омбудсман, Испания ва Колумбияда халқ химоячиси, Францияда воситачи (меднатр), Руминияда халқ адвокати, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили ҳисобланади. О. ҳар хил йўллар билан сайланиши ёки тайинланиши мумкин. Масалан, Испанияда 5 йил муддатга парламент томонидан сайланади, Францияда Министрлар Кенгаши томонидан декретга асосан тайинланади. Ўзбекистонда «ЎЗР Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида»ги қонуннинг (1997 йил 24 апрел) 3-моддасига асосан Вакил Олий Мажлис томонидан депутатлар орасидан Маълум муддатга (5 йилга) сайланади.

Кўпгина мамлакатларда ҳар бир фуқаро О.га бевосита мурожаат этиши мумкин. Агар мурожаат қилувчининг шикоятдаги фактлар тасдиқланса, О. томонидан мутасадди мансабдор шахсга йўл қўйилган хатоларни тузатиш имконияти берилади. Мансабдор шахс томонидан бу таклиф рад этилса, унда маъмурий органга ёки парламентга мурожаат этилади. О. нафақат фуқароларнинг мурожаатига кўра, балки ўз ташаббуси билан ҳам ҳаракат қилади. Францияда фуқаро воситачига тўғридан-тўғри чиқмай, балки ўз сенатори ёки депутатига мурожаат этади.

ЎЗР Парламент ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (О.) институти ЎЗР Президентни ташаббуси билан Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ташкил этилди ва 1995 йил 6 майда Олий Мажлис қарорига биноан унинг ҳузурида Вакилнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги вазифаларни намунали амалга оширишига кўмаклашиш учун фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш Комиссияси ташкил этилди. Вакил ва Комиссия фаолияти Олий Мажлиснинг 1995 йил 29 август Қарори билан тасдиқланган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги Низом билан тартибга солинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳақидаги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сузи», «Народное слово» газеталарида 1997 йил 14 февралда эълон қилинди. 1997 йилнинг 24 апрелида эса ЎЗР Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг ҳуқуқий ҳолатини, фаолият соҳаси ва тамойилларини, шунингдек, лавозимга сайланиш ва ишдан бушатилиш тартибини, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишдаги ваколатлари ҳамда

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради. ЎЗР Вакил ўз фаолиятида ЎЗР Конституцияси, қонунилари, бошқа қонун ҳужжатларига, ЎЗР халқаро шартномаларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган тамойиллари ва меъёрларига асосланади. Вакил ЎЗР Олий Мажлисининг депутаты бўлиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир. Вакил ЎЗР фуқароларига ҳамда ЎЗР ҳудудига яшаб турган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатларини бузган ташкилотлар ёки ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга. О. бирон қиши манфаатларининг вақили, турли хил маъмурий органлар, баъзи мамлакатларда эса, шунингдек, хусусий шахслар ва бирлашмаларнинг инсон ҳуқуқларига ривож этишини назорат қилиш учун махсус сайлаб (тайинлаб) қўйиладиган маъсабдор шахс. О.нинг алоҳида обрў-эътибори ва замонавийлиги унинг демократик хусусиятлари билан тавсифланади. ЎЗР О. фаолиятининг ҳуқуқий асослари «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари вақили (О.) тўғрисида»ги ЎЗР қонунида (1997 йил 24 апрель) белгилаб берилган.

О.ўз фаолиятини олиб боришда унинг фаолиятини тартибга солувчи Қонунгагина эмас, балки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам асосланади. Бундай ҳужжатлар қаторига қотибчат фаолияти тўғрисидаги Низом, Вакил қошидаги Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ривож этиш Комиссияси Регламенти, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вақили (О.) тўғрисидаги Низом қабилаб кяриб, булар Вакил фаолиятининг барча йўналишларини батафсил белгилаб беради.

Вакил ўз вазибаларини бажаришда 1994 йил 6 майдаги «Фуқаролар муурожаатлари тўғрисида»ги ЎЗР Қонуни, 1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги ЎЗР Қонуни, ЎЗР бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияларга амал қилади.

Ўзбекистонда О. фаолияти давлат ва фуқаро, жамият ва шахсга оид ижтимоий муносабатларнинг муҳим соҳасини уз ичига олади. Ҳозирги замон жамияти ҳаёти ва фаолиятининг Вакилга тааллуқли бўлмаган бирорта соҳаси йуқ, чунки инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари Вакилнинг асосий диққат объекти ҳисобланади.

Вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга: шикоятни кўриб чиқиш; аризаچи уз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шакллари курсатиш; шикоятни унинг моҳиятига қура ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки маъсабдор шахсга юбориш; аризаچини унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириш; шикоятни кўриб чиқишни сабабини албатта курсатган ҳолда рад этиш; —қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни қуриш.

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ (ОАВ)** — ахборотни оммавий аудиторияга етказиш воситалари (ноширлик, радио, телевидение, овоз ёзиш ва аудиовизуал воситалар, кино, оммавий ахборотнинг даврий тарқаладиган бошқа шакллари). ЎЗРнинг Конституциясида «ОАВ эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғри-чиғи учун белгиланган тартибда жавобгаг'ар. Цензурага йул қўйилмайди», деб белгилаган. Мустақиллик йилларида жамият ҳаётини демократлаштиришда ОАВ роляни янада ошириш мақсадида қатор қонунлар қабул қилинган.

**ОНА ВА БОЛА ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ** — низо чиққан тақдирда она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга муурожаат қилишга ҳақли. Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (улар ўрнини босувчи шахслар) қонунда назарда тутилган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади. Бола ота-она (улар ўрнини босувчи шахслар) томонидан қилинадиган суниестемолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу

жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқини сунистеъмом қилганда бола ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига ҳавф туғилганда, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола айни пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши лозим. Ана шундай маълумотларни олган васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли зарур чораларни кўришга мажбурдир.

**ОППОНЕНТ** – 1) мунозарадаги қарши томон; 2) ахборот ёки ҳисоботни илмий нуқтаи назардан баҳолаш топширилган шахс.

**ОРДЕН** – умумий мақсад атрофида бирлашган ва алоҳида ҳаёт тарзига эга бўлган кишилар тоифаси. Улар: а) монахларга доир, б) маънавий ва в) дунёвий рицарлик О. бўлинади. Кейинчалик бу ном рицарлик орденига мансубликни англатувчи ташқи белгиларга (юлдуз, крестлар, ленталар) ҳамда давлатлар томонидан кишиларни ҳарбий ва фуқаролнк хизмати учун тақдирлаш белгиларига кўчирилди.

**ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ОТБ)** – халқаро миқтақавий банк. Банкни тузиш ҳақидаги битим 15 та давлат ҳуқуматлари томонидан имзоланган бўлиб, 1966 йил 22 августда кучга кирган. ОТБ таркибига аъзо сифатида БМТ иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Осий-Тинч океани комиссиясига аъзо бўлган давлатларгина киритилиши мумкин. Ҳозирда банкка 61 мамлакат аъзо. Банк фаолиятининг асосий мақсади Осийдаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётига ва ташқи савдосига кўмаклашиш, молиявий, техник ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш. Штаб-квартираси – Манилада (Филиппин). Олий органи – Бошқарувчилар кенгаши. ЎзР 1995 йилда ОТБга аъзо бўлган.

**ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ АТЭС (ОТОИХ)** – 1996 йил Австралия ташаббуси билан Осий-Тинч океани ҳудуди мамлакатлари иқтисодининг ўсиб бораётган ўзаро алоқадорлигининг эътирофи рамзи сифатида ташкил этилган. Қонсенсус асосида қарорлар қабул қилишнинг маслаҳат мақоми ҳуқуқига эга. ОТОИХга қуйидаги 19 давлат аъзо ҳисобланади: Австралия, Бруней, Гонконг, Канада, Хитой, Кирабати, Малайзия, Маршалл ороллари, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвиня, Корея республикаси, Россия федерацияси (1997 йилдан), Сингапур, АҚШ, Таиланд, Тайвань, Филиппин, Чили. ОТОИХнинг асосий вазифаси – ҳудуддаги мамлакатларaro иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, барча аъзо давлатлар иқтисодий ўсишINI кўллаб-қувватлаш, очиқ, кўптомонлама халқаро савдо тизимини мустақкамлаш, Осий-Тинч океани ҳудудида Савдо ва янвестияларни либераллаштириш даражасини кўтариш, иқтисоднинг нодавлат секторини манфаатли бўлишига эришиш.

**ОФФШОР** – (ингл. «offshore» – қирғоқдан ташқари) – жаҳон молиявий марказларида, шунингдек, айрим банк операцияларига нисбатан қўлланиладиган атама. О. деб шундай марказларга айтиладики, бунда уларнинг фаолияти кредит ва бошқа (миллий ва чет эл) ташкилотлар, резидент бўлмаган (чет эл жисмоний ва юридик шахслар) ташкилотлар билан ушбу мамлакатда амалда бўлмаган чет эл валютасида амалга оширади. Бунда бу давлатда амалиётдан ўтказилган ташкилотлар (компания) учун ўлтирилиш солиқ тўлаш тизими ташкил этилади ва ҳатто солиқ тўловидан озод этилиши ҳам мумкин. О. марказида ўз фаолиятини юритувчи ташкилотлар молиявий ҳаракатларини амалга ошириш учун давлат ҳудудидан фойдаланадилар, лекин иқтисодиётининг бир қисми ҳисобланмайдилар. О. зоналарни ташкил этувчи мамлакатларнинг мақсади бу ерда жойлашувчи чет эл компанияларининг руйхатдан ўтиш йиғимларини йиғиш ва иш жойларини ташкил этиш ва х.к. О. зоналари ривожланиши учун чекланган ресурсларга эга бўлган унча катта бўлмаган давлатларда ташкил этилади. Ҳозирги вақтда оффшорлар Кипр, Вануату, Мальта, Либерия, Панама, Ирландия, Лихтенштейн, Багам ярим оролда ривожланган.

Шунингдек, «оффшор» атамаси халқаро ҳуқуқда солиқсиз зоналарда ҳаракат қилувчи компанияларга нисбатан ҳам қўлланади.

**ОШҚОРАЛИК** — давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятидаги очкилик; мамлакатнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этишда жамоатчилик фикрининг изчил ва фаол иштироки.

## II

**ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ** — (ингл. «public relations» — аҳоли билан муносабат) — давлат ва бошқа ташкилотларнинг идора ва муассасалар ўртасида ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ўрнатиш бораси амалга ошириладиган фаолияти. П.Р. тушунтирувчи материалларни тарқатиш, ахборот тақдим этиш, дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига хизмат қиладиган алоқалар орқали амалга оширилади.

**ПАНИСЛОМИЗМ** — бутун дунё мусулмонларининг ижтимоий, миллий ва қайси давлатга мансублигидан қатъи назар, маънавий-руҳий жиҳатдан бирлиги ҳамда маънавий етакчи ҳалиф ҳокимияти остида бирлашувини тарғиб этадиган диний-сиёсий мафкура. XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. П.нинг биринчи мафкурачиси — Жамол ид-Дин ал-Афғоний (1838—1897 йй.). П. дастлабки мақсади — мусулмон халқларнинг мустақил-лик ва британия колониализмидан қутулиш борасидаги курашини асослашдан иборат бўлган. П. исломга хос айрим хусусиятларга таянади. Хусусан, исломда аввалдан диндорнинг этник ва ирқий келиб чиқишининг аҳамияти йўқлиги эътироф этилган; давлатчилик диний уюшма сифатида талқин қилинган; назарий жиҳатдан руҳонийларнинг диндорлар ва Худо ўртасидаги воситачи экани инкор этилган. Исломга эътиқод қилинадиган мамлакатларнинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлари турли кучларнинг, жумладан, феодал-клерикал донраларнинг ўз аҳолини мустаҳкамлаш, феодал мустақиллигини сақлаб қолишда П. фойдаланишига замин яратган. П. келиб чиқадиган оқибатларнинг турфа хиллиги шу билан боғлиқдир.

**ПАНСЛАВИЗМ** — славян халқларининг этник асосда бирлашиб, долзарб муаммоларни ҳал этиш тенденциясини ифода этган ижтимоий-сиёсий оқим.

**ПАНСОВЕТИЗМ** — узоқ вақт давомида собиқ совет давлати доирасида яшаш натижасида ижтимоий-маданий ҳаётда зўрлик билан юзага келтирилган муайян ақолилик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқлиқни мутлақлаштиришга асосланган қарашлар тизими. Бундай қарашлар заминида ўз умрини яшаб бўлган собиқ совет мафкураси ғояларини қайтадан тирилтиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимизни йўқотишга қаъ. этилган интилишлар ётади.

**ПАНТЮРКИЗМ** — реакцияон шовинистик мафкура. Унга кўра, барча туркий тилли халқларнинг Туркия етакчилигида битта давлатга бирлашувини асослашга интиладиган концепция. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида айрим туркий тилли халқлар орасида вужудга келадиган буржуазиянинг интилишларининг ифодаси ҳамда ўзини бошқа халқларнинг кучлироқ буржуазиясидан ҳимоя қилиш мақсадида, мас. Россияда, бир томондан, чор ҳукуматининг сиёсатидан ҳимояланиш, бошқа томондан, ўз миллиятига мансуб меҳнаткашларнинг бошқа халқлар меҳнаткашлари билан ақинлашувига йўл қўймаслик мақсадида.

**ПАРИТЕТ** — турли мамлакатлар валюталарининг (тилла, кумуш) миқдор бирлиги бўйича ёки ҳарид кучи бўйича тенглиги.

**ПАРЛАМЕНТ** — (фран. «parlement» — сўзламоқ, сўзлаш) — расмий сўзлашув жойи маъносини англатади. П. биринчи бор XIII асрда Англияда давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатида вужудга келиб, XVII—XVIII асрларда бошқа мамлакатларга ёйилди. Мустақил Ўзбекистоннинг П. Олий Мажлис деб аталади. П. қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича, одават, кўппартиявийлик асосида белгиланган ёшга тулган фуқаролардан сайланади. П. давлат, сиёсат, ҳўжалик, ижтимоий-маданий қурилиш-

нинг энг муҳим масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқига эга. У ўз фаолиятида эркин муҳокама қилиш ва ошқора ҳал этиш, қонунчилик, фуқароларни давлат ва жамоат ишларига жалб қилиш, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олиш қондаларига асосланади. П. ваколатига мамлакат конституциясини қабул қилиш, унга ўзгаришлар, қўшимчалар киритиш, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш, стратегик давлат дастурини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти тизимининг ваколатларини аниқлаш, давлат таркибига янги ҳудудларни қабул қилиш ёки уларни давлат таркибидан чиқариш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш, бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, маъмурий-худоудий тузилиш масалаларини тартибга солиш, республика чегараларини ўзгартариш, давлат бюджетини қабул қилиш, унинг ижросини назорат этиш, юқори лавозимларга тайинлаш ва бошқа ваколатлар қиради. Ўзбекистон П. фаолияти унинг янги, инсонпарвар, демократик жамият қуриш манфаатлари йўлида хизмат қилаётганидан далолат бериб турибди. (Қаранг: «Олий Мажлис».)

**ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ** – Босния, Герцеговина, Сербия Республикасининг икки палатадан иборат бўлган қонун чиқарувчи органи. Халқлар палатаси 15 вакилдан, Вакиллар палатаси 42 депутатдан иборат.

**ПАРЛАМЕНТАРИЗМ** – нафақат қонунчилик соҳасида, балки қонунчиликни ва ижроия ҳуқумат сиёсати йўналишларини назорат этишга асосланган давлат бошқаруви. П. давлат раҳбари томонидан министрларни тайинлашда парламент палаталари воқуми билан ҳисоблашмайдиган конституцион бошқарува қарама-қаршидир.

**ПАРЛАМЕНТЕР** – (фран. «parlementaire», «parler» – гапирмоқ) – уруш ҳолатида бўлган икки томоннинг бири томонидан душман томон билан музокара олиб бориш мақсадида тайинланган, ваколатга эга бўлган расмий шахс. Халқаро ҳуқуқий-аънаваный меъёрларга мувофиқ П. ва унинг ёнидаги шахслар даҳлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. П. ажралиб туривчи белгиси – оқ байроқ. П. даҳлсизлигининг бузилиши ҳарбий жиноят ҳисобланади. П. душман томонидан қабул қилиниши ёки қайтариб юборилиши ҳам мумкин. У алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, унинг гуруҳига П. ҳамкорлик қилувчи шахс, трубочачи, горнчи, барабанчи, байроқ кўтарувчи ва таржимон ҳам кириши мумкин.

**ПАРЛАМЕНТ РЕСПУБЛИКАСИ** – давлатни бошқаришнинг парламентга тегишли бўлган республика шакли. Парламент ҳокимият олдидаги сиёсий жавобгарликни шакллантиради, давлат бошлиғи – президентни сайлайди. Президент, қондага кўра, ўз ваколатларини Бош вазир томонидан бошқариладиган ҳокимиятнинг тақлифи билан амалга оширади.

**ПАРЛАМЕНТ ПАРТИЯЛАРИ** – парламентга ўтказиладиган сайловларда иштирок этадиган сиёсий партиялар.

**ПАРТИЯ** – 1) ижтимоий ва сиёсий масалалар бўйича маслақдорлар гуруҳи; 2) ўйинда иштирок этаётганлар таркиби;

**ПАТРИАРХ** – (يونون. «асосчи») – православие черковида олий мансаб; митрополит ва епископлар собори томонидан сайланадиган черков етакчиси. Биринчи рус патриархи Иов 1589 йили Москвадаги соборда сайланган. Патриархлик 1721 йили Петр I томонидан бекор қилиниб, олий руҳонийлар коллегияси – Муқаддас Синод билан алмаштирилган. 1917–1918 йилларда П. қайта тикланган.

**ПЕРИФЕРИЯ** – неомарксизмг ривожланаётган мамлакатларни англатувчи атама. Улар «марказга тобе бўлиб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланмаган.

**ПЕССИМИЗМ** – тушқунлик кайфияти, умидсизлик, келакакка ишончнинг йўқлиги билан ифодаланган ҳолат.

**ПЛАТФОРМА** – бирор партия ёки ижтимоий гуруҳнинг сиёсий дастури.

**ПЛУТОКРАТИЯ** – 1) бойлар ҳокимияти; 2) бутун давлат ҳокимияти аҳолининг энг бой қатламларига тегишли бўлган сиёсий тузум.



**ПЛЮРАЛИЗМ** – сиёсий тизим модели, демократия шакли, концепция. У жамият-даги сиёсий жараёнлар турли манфаатлар кураши келишувин ҳамда сиёсий институт ва кучлар динамик мувозанатини назарда тутлади.

**ПОЙТАХТ** – давлатнинг бош шаҳри, давлат ҳокимиятининг олий органлари, марказий муассасалари joyлашган шаҳар.

**ПОЛИЦИЯ** – кенг маънода, давлатнинг аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолияти. Марказий ҳукумат идораларининг бундай фаолияти абсолютизм давридан бошлаб кучайиб келмоқда.

**ПОПУЛИЗМ** – аҳолига мурожаат этадиган тури-туман сиёсий оқим ва ҳаракатлар. П.нинг асосий ғоялари: халқнинг бошқарувда тўғридан-тўғри иштирок этиши – «бевосита демократия»; давлатнинг ваколатли институтларига ишончсизлик, бюрократия ва пора-хўрликни танқид қилиш ва х.к. Ижтимоий муаммоларнинг оддий йўллар билан ҳал этилишига ишонич П. ҳосдир.

**ПОТЕНЦИАЛ ТАҲДИДЛАР** – маълум шароитда амалга оширилиши мумкин бўлган оқибати оғир хавф-хатар.

**ПРЕЗИДЕНТ** – ЎзР Президенти: 1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, ЎзР Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир; 2) ЎзР суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради; 3) Мамлакат ичқарисид ва халқаро муносабатларда ЎзР номидан иш кўради; 4) Музокаралар олиб боради ҳамда ЎзР шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва удағи қабул қилинган мажбуриятларга риоя этилишини таъминлайди; 5) Ўз ҳузурда аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва қақрув ёрликларини қабул қилади; 6) ЎзР чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларнинг тайинлаш учун номзодларни ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади; 7) ЎзР Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади; 8) Ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик ЎзР Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади; 9) Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади; 10) ЎзР Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун ЎзР Бош вазири номзодини тақдим этади ва лавозимдан озод қилади; 11) ЎзР Бош вазирининг тақдимига биноан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади; 12) ЎзР Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимдан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни ЎзР Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади; 13) ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва ҳакамлари, Олий суд раиси ва ҳакамлари, Олий ҳўжалик суди раиси ва ҳакамлари, ЎзР Марказий банки бошқарувининг раиси, ЎзР Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади; 14) Вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, қарбий ва ҳўжалик судларининг ҳакамларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади; 15) Вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимдан озод этади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг тасдиғига киритади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимдан озод этишга ҳақли; 16) Республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳўжатларини тўхтатади, бекор қилади; 17) ЎзР қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун ЎзР Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли; 18) ЎзР ҳўжум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган

шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти тутилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида ЎЗР Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади; 19) Фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, ЎЗР бутун ҳудудда ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида ЎЗР Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қовун билан белгиланади; 20) ЎЗР Қуроли кучларининг Олий Бош қўмондонни ҳисобланади, Қуроли кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради; 21) ЎЗР орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, ЎЗР малакавий ва фахрий унвонларини беради; 22) ЎЗР фуқаролиғига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади; 23) Амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида ЎЗР Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва ЎЗРнинг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади; 24) ЎЗР Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни ЎЗР Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади; 25) Ушбу Конституция ва ЎЗР қонулларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади. П. ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

**ПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВИ** – 1) Давлат Конституциясида кўзда тутилган маълум маъмурий миятақавий тузилмасининг ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятининг тугатилиши ва давлат раҳбари – президент тайинланган вакил ёки унга ҳисоб берадиган шахслар томонидан бошқарилиши; 2) Давлат Конституциясида кўзда тутилган давлат раҳбари – президент зиммасига аънанавий демократик институтлар фаолиятини чеклаш бўйича фавқулодда ваколат берилиши. П.Б. одатда давлат миқёсида ёки унинг муайян ҳудуддаги сиёсий вазиятни барқарорлаштириш мақсадида киритилади. Айрим ҳолларда бундай бошқарув муайян сиёсий гуруҳлар ҳолатини мустақамлаш, бошқаларни эса сусайтириш мақсадида ҳам жорий этилиши мумкин. Шунингдек, бундай бошқарув сиёсий кучларнинг ошқоора карама-қаршилигини бартараф этиш, фуқаролик уруши хавфини олдини олиш, табиий, ҳарбий ва техноген фалокатлар оқибатларини тугатиш учун ҳам киритилиши мумкин.

**ПРЕЗИДЕНТЛИК РЕСПУБЛИКАСИ** – Конституцияга кўра, олий ҳокимият президентга берилишини назарда тутадиган бошқарувнинг республиканча шакли. Бунда президент умумхалқ сайловлари, парламент ёхуд қандайдир алоҳида институт, мас. Таъсис мажлиси, халқ депутатлари съезди ва ҳ.к. томонидан сайланиши мумкин. П.Р. анчагина сиёсий мустақилликка эга бўлади ( Конституцияда кўзда тутилган фавқулодда ҳолатлардан ташқари, чақириб олиниши, қайта сайланиши мумкин эмас; парламентни чақиритиш ва тарқатиб конституцион ҳуқуққа эга; қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи; ҳукуматни шакллантириш ва бош вазирни тайинлашда ҳал қилувчи овозга эга). АҚШ Конституциясига биноан, президент кабинет бошлиғи ҳисобланади ва уни шаллантиради; Француз Республикаси ва Россия Федерацияси конституцияларига кўра, умумий сайловлар натижаларига кўра парламентдаги вазият муҳолиф фойдасига ўзгарган тақдирда ҳам президентнинг ўз вазифаларини бажаришлари мумкин.

**ПРЕСС-РЕЛИЗ** – оммавий ахборот воситалари учун махсус бюллетень, тезликда чоп этилиши. Ҳукумат муассасалари, халқаро ташкилотлар штаб-квартиралари, пресс-бюролар томонидан тайёрланади.

**ПРЕФЕРЕНЦИЯ** – (лат. «*praeferentia*» – *имтиёз*) – муайян шахс, ташкилот ёки давлатга иқтисодий ва бошқа имтиёзлар берилган чора.

**ПРОКУРАТУРА** – ЎЗР ҳудудда қонулларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни ЎЗР Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. П. органларининг ягона марказлаштирилган тизимига ЎЗР Бош прокурори бошчилик қилади. Қоракалпоғистон Республикасининг прокурори ЎЗР Бош прокурори билан кели-

шилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади. Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари ЎзРнинг Бош прокурори томонидан тайинланади. ЎзР Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати – беш йил. ЎзР П. органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадilar. Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар. П. органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

**ПРОТЕКЦИОНИЗМ** – (фран. «*protectionnisme*», лат. «*protectio*» – ҳимоя) – миллий иқтисодиётни ташқи савдо-иқтисодий таъжовуздан ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсати

**ПРОТЕСТАНТИЗМ** – (лат. «*protestans*», «*protestantis*» – *норозилик билдирувчи, омма олдида исботловчи*) – христианликдаги (православие ва католиклик билан бирга) уч асосий йўналишдан бири. XVI асрда Европада католикларга қарши қаратилган реформация ҳаракати билан боғлиқ жуда кўп мустақил черковлар ва секталар пайдо бўлди. 1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютерчи-князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо 1529 йилда 2-Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилди. Бунга қарши империянинг бир қанча шахарлари аҳолиси ва 5 та князь «протест» (норозилик) билдиришди. «П.» термини шу сўздан келиб чиққан.

П. худонинг борлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах ҳақидаги, ваҳий ва бошқалар тўғрисидаги умумхристиан тасаввурларини эътироф этди. Шу билан бирга, протестантизм 3 та янги тамойилни – шахсий эътиқод билан наҳот топиш, динга ишонувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкинлиги ва Библиянинг олий нуфузи тўғрисидаги қарашларни илгари сурди.

П. руҳоний билан қавм ўртасидаги ақидавий фарқ тан олинмайди, черков иерархияси бекор қилинади, руҳоний қавмларнинг тавбасини қабул қилиш ва уларни гуноҳлардан фориғ этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, жамоага ҳисоб беради. Руҳонийларнинг она қуриши ман этилмади.

П. ўлганларга бағишлаб дуо ўқиш, азиз-авлиёлар шарафига турли-туман байрамлар ўтказиш, муқаддас марҳумларга ва иконаларга сизгиниш бекор этилиб, ибодат уйлари ортиқча ҳашамлар, иконалар, ҳайкаллардан ҳоли қилиниб, қўнғироклар олиб ташланди. П. черковни дунёвийлаштиргач, монастырлардан ва монахликдан ҳам воз кечди. П. ибодат ниҳоятда соддалаштирилди, ваъз, дуо ва ҳамду сано қуйлаш она тилида ўтказиладиган бўлди.

Библия – П. ягона манбаи деб эълон қилинди, бошқа муқаддас ривоятлар рад этилди. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни ўрганиш ва шарҳлаш «гуноҳ» ҳисобланмади, балки ҳар бир ҳудожўйнинг энг муҳим бурчи бўлиб қолди.

П. илк шакллари: лютерчилик, цвингличилик, кальвинизм, унитаризм ва социализм, анабаптизм ва менночилик, англиканликдир. Кейинроқ, «сунти П.» шакллари: баптистлар, методистлар, квакерлар, адвентистлар, Иегова шоҳидлари, мормонлар ёки «Охират авлиёлари», «Наҳот армияси», «Христиан фани», пятидесятниклар ва бошқа диний оқимлар пайдо бўлди. Бу оқимларнинг кўпчилиги «диний уйғониш», илк христианлик ва реформация идеяларига қайтиш шиори остида ташкил топди. Ҳозирги вақтда протестантизм дунёнинг барча қитъаларида тарқалган. Унинг маркази – АКШда, бу ерда баптист, адвентист, Иегова шоҳидлари ва бошқаларнинг қароргоҳлари жойлашган. 1948 йилдан Жаҳон черковлари кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

**ПРОТОКОЛ** – тегишли мансабдор шахслар (суд ёки маъмурий) томонидан муайян воқеанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳаллолатнома.

**ПУЛ** – вақтинча тузилган монопол бирлашма. Хўжалик мустақиллигини юзаки сакловчи. П. иштирокчилари ҳаражат ва фойдаларни олдидан келишилган қонун-қондалар орқали биргаликда бўлиб олишади.

## Р

**РАДИКАЛИЗМ** – 1) сиёсий жараёнларни сифат жиҳатидан ўзгартиришни кескин усули, мақсадга эришиш учун узил-кесил ва ўзаро келишув ҳаракатлар; 2) Р. мақсадга етиш учун сўнгги чораларга таянган ҳолда олиб бориладиган сиёсий ҳаракат, таназзул ҳолатидан чиқишда барча имкониятлардан бигтаси ягона имконият, деган маънони англатади.

**РАЗВЕДКА** – 1) махсус мақсад билан бирор мавзу, объектни ўрганиш, текшириш; 2) керакли маълумот, ахборот олиш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбир ва ҳаракатлар; 3) бошқа давлатлар иқтисодий ва сиёсий ҳаёти, ҳарбий имкониятларини махсус ўрганиб чикувчи ташкилот.

**РАКЕТА** – ҳарбий ҳаво кучлари томонидан қўлланадиган қурол. Р.нинг қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга (жумладан, китъалараро) учадиган турлари мавжуд.

**РАКЕТА ҲУЖУМИГА ҚАРШИ МУДОФАА** – кучлар ва воситалар, шунингдек, душмanning баллистик ракеталари ёки унинг каллақларини учуш траекториясида йўқ қилиш орқали ракета-ядро ҳужумини қайтаришга оид тадбирлар ва жанговар ҳаракатлар мажмуаси. РҲҚМ. таркибига қуйидагилар кириди: БР узоқдан пайқаш қурилмалари (воситалари), ерда ва коинотда жойлаштиришга мўлжалланган турли узоқликка учувчи ракетага қарши мажмуа, шунингдек, ҳисоблаш воситалари мажмуаси; ахборот узатиш воситалари. РҲҚМ тизими қуйидаги турларга бўлинади: худудий, яъни бутун мамлакатни мудофаа қилиш учун, йирик ҳудудларни мудофаа қилиш учун, объектлар – муҳим маъмурий, саноат ва ҳарбий объектларни мудофаа қилиш.

**РАКЕТА ҲУЖУМИДАН ОГОҲЛАНТИРИШ ТИЗИМИ (РҲОТ)** – барча космик аппаратлар (КА), ер усти воситалари ва радиотехник қурилмалар (РТҚ), радиолақация ускуналари, китъанинг бирор нуқтаси ёки денгиз, океандан учирилган баллистик ракета-ларини (БР) кидириш ракетанинг учуш ва тушиш жойини ҳамда вақтини аниқлаш билан шуғулланади. Бу ҳақда Олий Бош Қўмондон ёки мамлакат ҚҚ Бош штабига ахборот етказилади.

**РАРИТЕТ** – қимматбаҳо, ноёб буюм, нарса.

**РАТИФИКАЦИЯ** – (лат. «ratius» – тасдиқданган, «facere» – этмоқ) – 1) халқаро шартномада ахдлашувнинг давлат олий органларидан бири томонидан тасдиқланиш акти бўлиб, бу шартноманинг мажбурийлигига розиликни билдиради. Р. ҳуқуқига эга бўлган орган (органлар) давлатнинг конституциявий қонуни билан белгиланади. Р. Тўғрисидаги қарор фармон сифатида қабул қилинади. Бу фармон асосида ратификациялаш ёрлиги имзоланади. Икки томонлама шартнома имзоланади. Икки томонлама шартномани ратификациялаш ёрликлари шартнома имзоланган давлат пойтахтида, алмаштирилади. Агар шартнома кўп томонлама бўлса, ёрликлар саклаш учун депозитарий давлатга топширилади. Томонлар тасдиқлаши, қабул қилишни кўзда tutган шартномалар Р. Қилинмайди. Тасдиқлаш Р. фаркли ҳолда давлат органининг анча кенг доираси томонидан амалга оширилади; 2) федерация субъектлари томонидан референдум ёки махсус органларни чақириш йўли билан давлат парламенти томонидан қабул қилинган конституцияга тўлдиришлар ва тузатишлар киритиш. Р. ўтказиш тартиби Конституция билан белгиланади. Масалан, АҚШ Конституциясига тузатишлар киритиш АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинганидан сўнг қонуңчилик мажлислари ва махсус конвентлари томонидан штатлардан 3/4 қисми билан тасдиқланиши лозим. Австралияда парламент томонида Конституцияга тузатишлар киритиш лойиҳаси ишлаб чиқилганидан кейин,

штатлараро сайловчилар референдумида кўпчилик овозни олганидан сўнг тасдиқланади. ЎзР Конституциясининг 127-моддасига кўра ЎзР Конституциясига ўзгартиришлар ЎзР Олий Мажлиси жами депутатларнинг камда учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонулар билан киритилади.

**РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҒИ** – давлат олий органи томонидан икки томонлама халқаро шартномани тасдиқлаш акти, ҳужжат. Ратификация асосан давлат (ҳукумат) бошлиғи томонидан имзоланиб сақлашга, депонентлангирилишга (депозитарийга) топширилади. Икки томонлама шартнома тасдиқланганидан сўнг ўқиш иштирокчилари томонидан ёрлик алмашинади.

**РАТИФИКАЦИЯЛОВЧИ РЕФЕРЕНДУМ** – парламент томонидан ёки сайловчилар гуруҳи ёхуд ижро ҳокимияти томонидан қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва қонун лойиҳасининг қабул қилиниб, кучга киргунига қадар маълум бир вақиллик органининг аралашувисиз овозга қўйилиши.

**РАТЦЕЛЬ ФРИДРИХ (1844–1904 йй.)** – геосиёсатда немис «органистик мактаби»га асос солган олим. Геосиёсат тарихида немис олимларининг ўрни бекиёсдир. Чунки Германиянинг жўғрофий жойлашуви бу давлатнинг Европа, қолаверса, бутун Ғарб дунёсида етакчи нуқта-назарини таъминлаб берган. Кўпгина геосиёсатчиларнинг асарларида нафақат Европа, балки бутун Евроосиёнинг тақдирини айнан Германиянинг тутажақ йўли ва ташқи стратегиясига боғлиқ қилиб кўрсатилади. Ўз асарларида геосиёсат атамасини қўлламаган бўлса-да, Ф.Р. геосиёсатнинг «отаси» деб ҳисоблаш мумкин. У сиёсий жўғрофия ҳақида илмий асарлар ёзган, унинг 1897 йилда нашр қилинган асосий асари «Politisch Geographie» деб номланади. Карлсруедаги Политехника университетида ўқишнинг тамомлаган Р., шу ерда илм-фанда «экология» атамасини илк бор қўллаган профессор Эрнст Геккелга шогирд бўлади. Р. давлатни тирик жисм сифатида таърифлайди. У Истило қонунини ҳам яратган. Шимолий Американи яхши ўрганган. Унинг «Шимолий Америка шаҳарлари ва цивилизациялари ҳаритаси» (1874 й.) ҳамда «Шимолий Америка Қўшма Штатлари» (1878 й., 1880 й.) асарлари шу минтақага бағишлаган. Р. асарлари барча геосиёсий тадқиқотларга зарурий пойдевор ҳисобланади. Уларда геосиёсат фанининг барча асосий жиҳатлари ўз ифодасини топган. Швед олими Челлен ва немис олими Хаусхофер ўз асарларида Р. таълимотига таянганлар. Ратцель гоаяларини француз олими Видаль де ла Блаш, инглиз Х.Макиндер, америкалик А.Мэхэн ва рус евроосиёсатчилари П. Савицкий, Л.Гумилёвлар астойдил ўрганган ва ривожлантирган.

**РАҚОБАТ** – (лот. «concurrentia» – мусобақалашув; инг. «competition») – 1) Индияларнинг чекланган бойликларучун тортишуви, кураши; 2) Мезёрлар орқали бошқариладиган ижтимоий жараён. Унда индивидлар ёки ижтимоий гуруҳлар бир мақсадлар сари интилади; 3) Хусусий мулкчиликка асосланган товар ишлаб чиқаришга хос бўлган уларни сотиш энг қулай шароитлари учун кураш; 4) Биологияда – бир тур ёки бошқа-бошқа турларга мансуб мавжудоларнинг яшаш манбаи кўпайиш шароитлари учун кураши.

**РЕАБИЛИТАЦИЯ** – (лот. «rehabilitatio» – тиклаш) – ҳуқуқларни тиклаш.

**РЕГЛАМЕНТ** – 1) давлат органи, муассаса, ташкилотнинг фаолият тартибни белгилайдиган қондалар мажмуи; 2) иш юритиш, йиғин, конференция, съезд тартиби.

**РЕГРЕСС** – (инг. «gression» – таназзул) – ривожланишнинг ет-та кетиши, муассаса фаолиятининг сусайиши, маълум вазифаларни бажариш қобилиятининг йўқолиши олдинги шакл ва тузумга қайтиш, тараққиётга (прогресс) эид, тескари жараён.

**РЕЗИДЕНТ** – 1) миллий қонулар қатъий одат бўлган муайян давлатда қайд этилган ёки доимий яшайдиган юридик ва жисмоний шахс; 2) жосуслик соҳасида фаолият юритадиган бир давлат разведкасининг бошқа давлатдаги ноқонуний вақили; 3) элчи (дипломатик вақил).

**РЕЗИДЕНЦИЯ** – давлат бошлиғи, олий маъмурий ва бошқарув маҳкамаларида раҳбарлик қилувчи юқори мартабали шахс қароргоҳи. ЎзР Президенти қароргоҳи «Оқсарой» деб номланади.

**РЕЗОЛЮЦИЯ** – кенгаш, съезд, конференция ва шу каби нуфузли йиғилишларда қабул қилинган қарор.

**РЕЙТИНГ** – обрў; шахснинг ёки корхонанинг, уюшманинг иқтисодий, сиёсий манфаатдорлиги қайси даражада эканлигининг кўрсаткичи.

**РЕКЛАМА** – маҳсулот ва тақлиф этилаётган хизматлар ҳақида одамлар эътиборини жалб этадиган эълонлар. Р. Турли-туман воситалар қўлланади.

**РЕНЕГАТ** – хонин, мўрғад, ўз маслагидан қайтган одам.

**РЕНТИНГ** – машина, ускуна ва асбобларни киска муддатга – олти ойгача ижарага олиш (аммо, кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқига эга эмаслик шарти билан).

**РЕПРЕССИЯ** – бостириш, олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган жазолаш тури бўлиб, оммавий қамаш, сургунлар тарзида амалга оширилади.

**РЕСПУБЛИКА** – (лот. «res» – *ши ва «publica» – ижтимоий; умумхалқ иши*) – давлатни бошқаришнинг асосий шаклларида бири. Бошқаришнинг республика шакли ўрнатилган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг олий органлари муайян муддатга сайланади. Тарихда Р.нинг ҳар хил турлари мавжуд бўлган. Қадимги Юнонистон ва ўрта асрлар давридаёқ, айрим давлатлар бошқариш шаклига кўра, аристократик ёки демократик республика шаклида бўлган. Қадимги даврда – Спарта ва Рим, ўрта асрларда – Генуя, Венеция, Флоренция, Буюк Новгород ва Псков шаҳар-давлатлари аристократик республика шаклида бўлган. Демократик р. Қадимги Греция – Афинада ўрнатилган бўлиб, фуқаролар учун умумий сайлов ҳуқуқи жорий қилинганлиги, ҳар йили қонунларнинг қайтадан тасдиқланганлиги ва мансабдор шахсларнинг қайтадан сайланганлиги, олий ҳокимият органи – Халқ мажлиси эканлиги билан характерланади.

Р. турли шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлар қадимги давр мутафаккирлари Демокрит, Платон, Аристотель, Цицерон ва Полибий, ўрта асрларда эса Фома Аквинский, Марселий Падуанский, Форобий, янги даврда Николо Макиавелли, Жан Боден, Гуго Гроций, Бенедикт Спиноза, Томас Гоббс, Джон Локк, Шарл Луи Монтескье, Жан Жак Руссо, Томас Джефферсон, Вилгельм Фридрих Егель асарларида учрайди. XIX–XX асрларга келиб, республика давлатни бошқаришнинг энг кенг тарқалган шаклига айланди. Ҳозирги даврда республиканинг учта асосий тури мавжуд: президентлик Р., парламентар Р., аралаш Р.

Президентлик Р. Америка Қўшма Штатлари, Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Гватемала, Замбия, Кения, Колумбия, Мексика, Парагвай, Перу, Сальвадор каби мамлакатлар учун хос давлат бошқаруви шаклидир. Унинг ўзига хос хусусиятлари: унчалик ривожланмаган еки ривожланмаган кўппартиявийлик тизимининг таркиб топганлиги; президент бир вақтнинг ўзида давлат ва ҳукумат бошлиғи эканлиги; президентнинг бевосита халқ ёки махсус ташкил этилган коллегиял орган томонидан сайланиши; президентнинг парламентдан мустақиллиги; бош вазир лавозимининг йўқлиги; ҳукуматнинг президент томонидан тузилиши.

Парламентар Р. кўппартиявийлик тизим ривожланган бўлиб, мамлакат аҳолиси давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи органи – парламент депутатларини маълум бир муддатга сайлайди; парламент сайловларида ғалаба қозонган партия раҳбарлари ҳукуматни тuzадилар, агар ҳеч бир партия вакиллари парламентда кўпчилик ўринларни эълалмас, коалицион (аралаш) ҳукумат ташкил қилинади; давлат бошлиғи – президент парламент томонидан сайланади; ҳукумат бошлиғи бош вазир бўлиб, реал ҳокимият унинг қўлида тўпланади, ҳукумат парламент олдида жавоб беради; ҳукумат таркибини парламент белгилайди, унинг қабул қиладиган қарорларига ўз таъсирини кўрсатади, бутун ҳукуматни ёки унинг айрим аъзоларини истеъфога жўнатади.

Парламентар Р. бошқариш, қонун чиқариш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда президент эмас, балки бош вазир ҳал қилувчи роль ўйнайди. Давлатни бошқаришнинг парламентар республика шакли ҳозирги даврда Олмония Федератив Республикаси, Италия, Ҳиндистон, Австрия, Албания, Бангладеш, Исроил, Польша, Руминия, Туркия каби мамлакатларда ўрнатилган.

Аралаш Р. президентлик ва парламентар Р. асосий хусусиятлари биргаликда ўз аксини топади. Унинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, президент билан ҳукумат ўртасида тўғридан-тўғри юридик алоқа заифдир. Президент бевосита халқ томонидан маълум муддатга сайланади. У бевосита ҳукуматга раҳбарлик қилмайди. Ҳукуматни бош вазир бошқаради. Парламент билан ҳукумат ўртасида келиштириб бўлмайдиган низо келиб чиққанда, президент конституцияга биноан, парламентни ёки унинг қўйи палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Қонун билан белгиланган муддат ўтгандан сўнг, халқ томонидан сайланган ҳокимият органларининг ваколати тугатилади ва уларга қайтадан сайлов ўтказилади. Аралаш Р. шакли ҳозирги даврда Франция ва Россия Федерацияси учун хосдир.

**РЕСПУБЛИКА ЙИГИНИ** – Португалия Республикасининг бир палатали парламенти. 4 йил муддатга сайланадиган 230 депутатдан иборат.

**РЕСУРС** – зарурат тугилганда фойдаланиш мумкин бўлган бойлик, имконият, турмуш шароитининг янада яхшиланиши учун нарсаларнинг мавжуд захираси.

**РЕФЕРЕНДУМ** – (лот. «referendum» – эълон қилиниши лозим бўлган хабар) – жамиятнинг демократик бошқариш жараёнида қўлланила-диган тадбирлардан бири, баъзи муҳим масалаларни умумхалқ овозига, умумхалқ сўровига, халқ муҳокамасига қўйиб ҳал этиш. Р. давлатнинг олий органи ўтказилади. Р. – жамиятнинг демократик асосда бошқаришни таъмин этишга эришиш учун олиб борилган кўп асрлик курашда эришилган ютуқлардан бири. Р. Вақти-вақти билан барча демократик ҳуқуқий давлатларда ўтказилиб туради (масалан, 1953 йилда Данияда, сўнгра Францияда, Швейцария ва Испанияда, 1975 йилда Италияда ва х.к.). Собиқ СССР, коммунистик партия ва шўро давлати халқ манфаатларини тўла равишда ўзида мужассамлаштиради, деб Р. социалистик жамиятда керакисиз тадбирдек қараларган ва шу бонсдан ўтказилмаган. Фақат КПСС инқирозга учраши арафасида, маълум сиёсий кучлар Совет Иттифоқини саклаб қолишнинг охириги чораси сифатида, шошилинч тарзда, 1990 йилда Р. тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинишига эришилди.

ЎЗР Р. ўтказиш тартиби 1992 йил Конституцияси, ЎЗР Р. тўғрисидаги Қонун, 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган ва давлат вакиллик органларига сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонунларда аниқ белгиланган. Р. ўтказиш икки хил бўлади: а) мажбурий Р. – бунда лойиҳа албатта сайлов корпуси томонидан тасдиқланади; б) факультатив, ихтиёрий, мажбур бўлмаган Р. – бунда Р. ўтказиш ташаббуси сайлов корпуси ёки олий ҳокимият томонидан тақдим этилади.

Р. шакллари уч хил бўлади: 1) умуммиллий Р. – бутун давлат миқёсида ўтказилади; 2) маҳаллий Р. – федератив давлат субъектларида ўтказилади; 3) маъмурий-ҳудудий Р. эса ҳудудий бирликларда ўтказилади. Р. қабул қилинган қарорлар олий кучга эга ва фақат Р. йўли билангина ўзгартирилиши мумкин. Р. яқунлари республика аҳолисига оммавий ахборот воситалари орқали, овоз бериш тамом бўлгандан сўнг, ўн кундан кечиктирмай маълум қилиниши шарт.

**РЕФОРМАЦИЯ** – XVI асрда Ғарбий Европада католик черковига ва папа ҳокимиятига қарши олиб борилган диний шаклдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат.

**РИВОЖЛАНИШ** – ушбу тушунча табиатшунослик фанларининг хусусан, биология, геологиянинг кейинроқ космологиянинг вужудга келиши муносабати билан шаклланди ва фалсафий тафаккурга кириб келди. Янги давр фалсафасига Р. ғояси дастлаб, олмон файласуфи Г.В.Лейбницнинг табиатнинг аста-секин (тадрижий) ривож топиши таълимоти муносабати билан кириб келган эди. Мазкур таълимотда Лейбниц «эволюция» (лот. – «очилиш», «эзилиш»; олм. – «ривожланиш») тушунчаларини тирик табиатга нисбатан ишлатган эди. Кант фалсафасида эса улар, универсал фалсафий тушунчалар сифатида бутун табиатга нисбатан ишлатила бошланди. Кейинчалик Кант «эволюция» тушунчасини жамиятга нисбатан ҳам ишлатди. XVIII асрнинг охирига келиб, р. тушунчаси барқарор маъно касб этди. Р. ҳақидаги теран фалсафий ғоялар олмон мумтоз фалсафасида хусусан, Кант, Гегель таълимотларида баён этилган деб ҳисоблаб келинган эди. Вахоланки,

Гегелнинг тан олишига кўра, унинг Р. ҳақидаги диалектик гоъларининг шаклланишига, сўфизм таълимотининг таникли намоъядаси – Ж.Румий асарлари кучли таъсир кўрсатган. Ҳозирги даврда р. тушунчаси, ўзгариш тушунчаси ёрдамда таърифланади. Шунга кўра, Р. – ортга қайтмайдиган, муайян йўналш бўйича қонуниятли равишда содир бўладиган ўзгаришдир. Ана шу уч жиҳатнинг биргаликда мавжуд бўлиши, Р. тушунчасини аниқ таърифланишига хизмат қилади. Агар шу жиҳатлардан биронтаси қатнашмаса, бундай ўзгариш Р. деб ҳисобланмайди. Масалан, агар йўналганлик табиати бўлмаса, у ҳолда ўзгаришларнинг бир ерга тўпланиши, йиғилиши ва умумий ўзгаришга етиб бориши мумкин эмас. Агар ўзгаришда қонуниятлилик бўлмаса, у ҳолда бу Р. эмас, портлаш бўлиши муқаррар. Агар ўзгаришларда ортга қайтиш содир бўлса, бу ўзгариш эмас, балки функционалликни (ўзгармас тизимнинг ҳолатларидаги даврийликни) ифодаловчи ходиса бўлади. Р. натижасида объектда янги сифат ҳолати вужудга келади. Ривожланш ўз мазмунига кўра, икки жиҳатни қамраб олади. Булар эволюция ва революциядир.

**РИМ КЛУБИ** – халқаро нодавлат футурологик ташкилот бўлиб, 1968 йилда йирик бизнесмен ва инсонпарвар, «Оливетти» ширкатининг вице-президенти Аурелли Печчен томонидан ташкил этилган. Бу ташкилотнинг туғилишини, 1960 й. бошланган инсониятнинг учинчи минг йиллик бўсағасидаги истиқболларига бағишланган футурологик шовқин-сурон билан боғ'аш мумкин. Осиё ва Америка мамлакатлари ишбилармон доираларининг ижтимоий аربоблари ва вакилларининг 100га яқин олимларини бирлаштиради ҳамда Африканинг баъзи бир ривожланаётган мамлакатларининг клубда фақат алоҳида шахслар сифатида иштирок этишини таъминлайди. Р.К. асосий шаклиридан бири – инсониятнинг ривожда глобал муаммоларни истиқболлар бўйича йирик қамровли ҳал қилиш (глобал табиат минтақасини сақлаш, Ер сайёрасида жамият ривожини ва одамлар фаровонлигининг бардамлигини, бутун ривожланаётган цивилизацияни куриш ва бошқалар) ҳамда шу минтақада халқаро конференциялар ва маслаҳатлар ўтказиш.

Бу соҳадаги дастлабки изланишларга асос солган тизимли динамика услуги негизида жаҳон ривожланишининг моделини ишлаб чиққан олим Д.Форрестердир. Олимнинг услуги асосида унинг ёрдамчиси Д.Медоуз, бир гуруҳ тадқиқотчилар билан жаҳон ривожланиши моделининг такомиллашган вариантини ишлаб чиқади. Умумбашарий ривожланиш жараёни, имитациявий ҳисобланиши натижалари Р.К. маърузасида келтирилган ва унга оид «Ўсиш чегаралари» деб номланган китоб нашр этилган. Китобнинг асосий хулосаси шундан иборатки, жаҳон ривожланишининг қандай тарзда юз беришидан қатъи назар, ҳом ашё, озик-овқат танқислигидан, ерларнинг қувватсизланишидан, атроф-муҳитнинг ифлосланишидан инсоният тараққиёти имкониятлари чегараланиб бораверади. Р.К. бундай хулосаси жамоатчилик орасида катта баҳсга сабаб бўлди. Форрестер ва Медоузнинг бундай пессимистик хулосасига Р.К. иккинчи маърузаси сифатида эълон қилинган, М.Месарович ва Э.Пестелнинг «Инсоният танлов олдидан» деб номланган лойиҳасида қаттиқ эътироз билдирилди ҳамда бунга оид янги парадигма, яъни органик ўсиш ва ривожланиш гоъси таклиф этилди. Бу парадигмани таклиф қилган муаллифлар ўзлари ишлаб чиққан андазалар тизимини қўллаш имкониятини ривожланиш стратегиясини танлаш мисолида кўрсатишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бу ҳозирги замоннинг асосий муаммосини ҳал қилишга, яъни ривожланган ва ривожланиб келаётган мамлакатлар ўртасидаги «чуқ»; пашиб бораётган жарликнинг олдини олиш имконини беради.

**РИМ ПАПАСИ** – Ватикан давлат-шаҳарининг олий қонун чиқарувчи, ижроя этувчи ва суд ҳокимияти ҳисобланади. Кардиналлар коллегияси (қонглав) томонидан умрбод сайланади.

**РОТАЦИЯ** – мансабдор шахсларнинг навбатма-навбат алмашуви тамойили.

**РУҲОНИЙЛАР, ДИНДОРЛАР** – диний урф-одат ва маросимларни бажарадиган ҳамда алоҳида корпорацияларни ташкил этган руҳонийлар.

**РЭКЕТ** – (ингл. «rocket» – шовқин-сурон) – шафқатсиз зўравонлик, гаровга олиш билан шугулланадиган ташкиллаштирилган жиноий гуруҳлар.



**СОБОР** – Хорватия Республикасининг конун чиқарувчи органи. Тўрт йилга сайланадиган икки палатадан иборат: Вакиллар палатаси (127 депутат), Жамоалар палатаси (68 депутат).

**САЙЛОВ** – кимндир ёки нимандир афзал билиш.

**САЙЛОВ ТИЗИМИ** – ҳокимиятнинг муайян тузилмасини таъминлаш усули ва қонун-қондалари, давлатнинг ваколатли, қонунчилик, суд ва ижроия ҳокимиятнинг жамиятнинг иштирок этиши, қонун бўйича сайловларни легитим деб ҳисоблаш учун амалдорлик бўлган аҳолининг ўз фикри ва иродасини ифода қилиши. Сайловларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва жамият томонидан унинг натижаларининг тан олинishi фақатгина маълум шартларда турган муаммоларни тинч сиёсий йўллар орқали ҳал эта – бундай жамият олдига турган муаммоларни президент, парламент, ўзини ўзи бошқаришдан далолат беради. Сайловлар умумийлик кенгайларига сайловлар ҳамда айрим айрим маҳаллий органлари, вилоят қонунчилик кенгайларига сайловлар ҳамда айрим айрим маҳаллий мансабдор шахсларни (ҳакамлар, шерифлар ва ҳ.к.) сайлаш кабиларга бўлинади. С.Т. асосан уч турга бўлинади: мажоритар, пропорционал, камчилик вакилчилиги.

**САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** – 1) давлат органларига сайловлар тартибининг белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар мажмуи; 2) фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи.

**САММИТ** – 1) давлат бошликларининг учрашуви, келишуви; 2) олий даражада икки ёки бир неча давлат делегацияларининг учрашуви, келишуви.

**САФАРБАРЛИК** – 1) бирор мақсад учун куч ва воситаларни тўплаш; 2) Куролли қўроқларни фуқаро-мудофааси, иқтисодийёт (саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва хўжалиқнинг бошқа тармоқларида) ҳамда мамлакатнинг давлат институтларининг (умумий сафарбарлиги) ёки уларнинг маълум қисмининг ҳарбий ҳолатта ўтказишга оид чора-тадбирлар; 3) миллий ресурсларни тўплаш ҳамда ташкил этиш воситасида уруш ёки бошқа фақулдада вазиятларга тайёрланиш.

**САФСАТА (ДЕМАГОГИЯ)** – фактларни атайлаб бузиб кўрсатиш, ёлгон – яшиқ ваъдалар бериш ва тилғламалик қилиш йули билан алдаш; гаврали, қўпгина сиёсий мақсадларни яширган ҳолда баландпарвоз мухокама юритиш.

**СЕЙМ** – Латвия Республикасининг бир палатали парламенти. Тўрт йил муддатта сайланадиган 141 депутатдан иборат. Эстония Республикасида С. 5 йил муддатта сайланадиган 101 депутатдан иборат.

**СЕКТА** – (лат. «secta» – таълимот, йўналиш, мактаб) – расмий черков ёки конфессиядан ажралиб чиққан диний гуруҳ, жамоа. С. орасида очик, оммавий, яширин, жумладан, буддизмдаги тантристлар, ислондаги суфийлар, насронийликдаги масонлар каби турлар бўлинади. С.нинг шаклланишини диний жараён бўлмай, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ақс эттиради. С. политология нуқтаи назаридан – ўз манфаатлари доирасида челаниб қолган, халқ оmmasи ёки партиядан узилиб, ўз манфаатларининг жамият ёки партия манфаатларига қарши қўйган кишиларнинг тор гуруҳи. Политологияда мазкур ибора мажозий маънода қўлланади.

**СЕКТАНТЛИКДА АЙБЛАШ** – сиёсий курашда рақибни сиёсий дастурнинг чеклангани, ташкилий заифлик ва ҳ.к. айблашда кенг қўлланадиган усул. Тарихнинг гувоҳлик беришича, сиёсий рақиблари томонидан сектантлик сифатида айбланган сиёсий арбоблар ва оқимлар ижтимоий базасини кенгайтириб, белгиланган мақсадлари эришган (яқинчилар, большевиклар ва ҳ.к.). Шу билан бирга ҳар йирик сиёсий ҳаракат унинг мақсад ҳамда вазифаларини тор маънода талқин этадиган гуруҳларни ҳам қамраб олади. Охир-оқибатда ана шундай гуруҳлар умумий ҳаракатдан ажралиб чиқиб ёхуд ўзининг дастурий мақсадалига мос ижтимоий-сиёсий платформага ўтиб олади; айрим ҳолларда улар асл мақсадлари ва ўз гуруҳининг сиёсий кураш усуллари сир туташга интилади.

**СЕМИТИЗМГА ҚАРШИЛИК** – аҳудийларга нисбатан душманона муносабат кўриниши; асосан ўнг радикал миллатчилик мафкура ва ҳаракатларга хосдир. Бундай ҳаракатлар айниқса, фашистлар тарғботи ва сиёсатида яққол намоён бўлади. Улар,

«худийларнинг бутун жаҳон инкилоби» афсласига таяниб, ўзининг жаҳонга ҳукмронлик қилиш сиёсатини хас-пўшлашга интилади. Фашизм яқсон этилиши билан С.Қ. гоялари ва унга хизмат қилган кучлар бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Буёдан гоялар АҚШда («негрлар»), Францияда (Ле Пен), араб экстремистлари фаолиятида намоён бўлмоқда.

**СЕНАТ** – ЎзР Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата) худудий вакиллик палатаси ҳисобланади. Сенат ўзининг наشرларига. У фавуқолда вазиат шароитида тарқатиб юборилиши мумкин эмас. Қўмита аъзоллигига сайланмаган сенатор, унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиши мумкин. Сенат ва Қонунчилик палатаси аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган қўшма йиғилиш қарорлари қабул қилинган ҳисобланади. Қўшма мажлис ошқора ўтказилади.

**СЕНАТ АППАРАТИ** – Сенат, унинг органлари ва сенаторлар фаолиятини ташкилий, информацион, моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади. С.А. юридик шахс ҳисобланади. Сенатда худудий махсублик, сиёсий ёки бошқа асосда гуруҳларлар ташкил этишга йўл қўйилмайди. Сенат аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан маъқулланган қонун имзолаш учун президентга тақдим этилади. Сенат тарқатилган ҳолатда унинг янги таркибини сайлаш уч ой мобайнида амалга оширилши керак. Сенат Кенгаши таркибига Сенат раиси, унинг ўринбосарлари ва қўмита раислари қиради. ЎзР Президентининг ёхуд Сенат аъзоларининг учдан бир қисмининг тақлифи билан Сенатнинг навбатдан ташқари мажлиси чақирилиши мумкин.

**СЕНАТНИНГ МУТЛАҚ ВАКОЛАТЛАРИ** – С.М.В. қўйидагилар қиради: 1) Сенат раиси, унинг ўринбосарлари, қўмита раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; 2) ЎзР Президентининг тавсияси билан ЎзР Конституцион судининг раисини сайлаш; 3) ЎзР Президентининг тавсияси билан ЎзР Олий судининг раисини сайлаш; 4) ЎзР Президентининг тавсияси билан ЎзР Олий ҳўжалик судининг раисини сайлаш; 5) ЎзР Президентининг тавсияси билан ЎзР Табиати муҳафаза қилиш давлат қўмитаси раисини сайлаш ва лавозимдан озод этиш; 6) ЎзР Президентининг ЎзР Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисида фармонларини тасдиқлаш; 7) ЎзР Президентининг ЎзР Миллий Хавфсизлик Хизмати раисини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисида фармонларини тасдиқлаш; 8) ЎзР Президентининг тавсияси билан ЎзР хоржий мамлакатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш; 9) ЎзР Президентининг тавсияси билан ЎзР Марказий банки раисини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш; 10) ЎзР Президентининг тавсияси билан авф тўғрисидаги актни қабул қилиш; 11) ЎзР Бош прокурори тавсияси билан Сенат аъзосини даҳлсизликдан маҳрум этиш; 12) ЎзР Бош прокурори, Табиати муҳафаза этиш давлат қўмитаси раиси, ЎзР Марказий банки раисининг ҳисоботларини тинглаш; 13) Сенат ички фаолиятини ташкил этиш ва Регламентни қабул қилиш билан боғлиқ ҳамда бошқа масалалар юзасида қарорлар қабул қилади; 14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид масалалар юзасида тегшли қарорлар қабул қилиши мумкин.

ЎзР Президентининг тавсияси билан Сенат томонидан мансабдор шахсларни сайлаш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

**СЕПАРАТИЗМ** – (лот. «separatismus» – айирмачилик) – сиёсий йўналиш муайян мамлакат худудининг бир қисмига ажратиб (бўлиш) олишга қаратилган ҳарг. ат. Амалда автономия, кичик миллатлар, вилоят ва аҳолининг алоҳида гуруҳлари интилишида намоён бўлади.

**СЕРТИФИКАТ** – муайян фаолият жараёнини тасдиқлайдиган ҳужжат.

**СИЁСАТ** – давлат ишида иштирок этиш, давлат фаолияти шакллари, вазифалари, мазмунини белгилаш, синфлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг ҳокимиятта дир муносабатлари соҳасидир. *Кенг маънода С.* – ижтимоий ҳаётнинг объектив манзарасини ифодалайди. У жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларида содир бўлаётган барча ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни қамраб олади. *Тор маънода С.* – давлат ҳокимияти идоралари, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамоат

ташкilotларининг мамлакат ичкарисидаги фаолияти ва улар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги масалаларни қамраб олади. С. жамиятнинг ижтимоий муаммоларига чуқур кириб боровчи, таъсир ўтказувчи ва уларни ҳал этувчи соҳадир. Бу соҳада барча ижтимоий гуруҳлар, қатламлар учун белгилувчи аҳамиятга эга бўлган, тўғри йўлни кўрсатиб берадиган қарорлар ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

**СИЁСАТНИ МАФКУРАЛАШТИРИШ** – сиёсий назария, сиёсий амалиёт ва сиёсий онгни бир ёки бир неча йўналишдаги мафкуравий концепцияларга бўйсиндирилиши. Бу ҳол одатда жамият ҳаётининг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа соҳаларининг мафкуравийлашуви билан боғлиқдир. Бу жараён турлича либерал-демократик, тараққий этгандан тортиб, ўта радикал сўл ёки ёнг тенденцияларга хос мазмун касб этиши мумкин. Сиёсатнинг ўта мафкуравийлашуви авторитаризмнинг асосий белгисидир.

**СИЁСИЙ АПАТИЯ** – индивиднинг сиёсат ва сиёсий фаолиятга пассив муносабати.

**СИЁСИЙ БАҲҚАРОРЛИК** – турли сиёсий субъектлар ўртасида алоқалар тизими ҳолати, шу тизимнинг яхлитлиги ва унга қўйилган вазифаларни амалга ошириш қобилияти. С.Б. ички, ҳудудий ва халқаро турлари мавжуд.

**СИЁСИЙ БАШОРАТ ҚИЛИШ** – (юнон. «prognosis» – башорат қилиш) – сиёсий вазият истиқболларининг илмий жиҳатдан ўрганилиши.

**СИЁСИЙ ВАЗИЯТ** – сиёсатдаги муҳим воқеа (инқилобий ёки инқилобга яқин С.В.) арафасида жамият ва унинг сиёсий ҳаётидаги вазият. С.В. таҳлил этиш – сиёсий назария ва амалиётнинг муҳим вазифаларидандир. Унинг вазифаси – вужудга келмаётган С.В. характери ва унинг хавфлилик даражасини англаш, вақтинчалик, ўткинчи С.В. хатарли С.В. фарқлаш, сиёсий таваккалчилик даражаси, сиёсий жараён йўналиши ҳамда С.В. бартараф этиш воситаларининг белгилаш ва ҳ.к.

**СИЁСИЙ БАҒРИКЕНГЛИК** – (лот. «tolerantia» – чидам, сабр-тоқат) – ҳокимият тепасига бўлган ва гуруҳи доирасида ўзгача фикрларга йўл қўйиш мумкин деб ҳисоблаган сиёсий кучлар нуктаи назари. С.Б. Конституция доирасида муҳолифлар фаолият юртишига имкон бериш, алоҳида шахс ҳаётида эса сиёсий муҳолифлар фикрига қўлоқ тутиш, далиллар воситасида уларни фикрдан қайтаришга уринишда, муайян масалаларда муҳолифчиларнинг ҳақлигини тан олишда намоён бўлади.

**СИЁСИЙ ЖЎҒРОФИЯ** – 1) мамлакат ичкарисидаги ҳамда алоҳида давлат ёки уларнинг гуруҳидаги ҳудудий вазият ва кучлар мувозанатини ўрнатувчи фан; 2) Ф.Ратцельга кўра, С.Ж. ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг макондаги ўзаро боғланиш ва алоқалари ҳақидаги таълимот.

**СИЁСИЙ ЖАРАЁН** – 1) макон ва замонда тадрижий ривожланиб борадиган жамият сиёсий тизими фаолияти шакли («замонавий ижтимоий жараён»); 2) ҳуқуқий, иқтисодий, мафкуравий жараёнлар қаторида турадиган ҳодиса; 3) муайян кўламадаги жараённинг натижаси (мас., қандайдир партиянинг ташкил этилиши, сайловлани ўтказиш ва ҳ.к.).

**СИЁСИЙ ОБРЎ-ЭЪТИБОР** – сиёсат субъектининг ҳокимиятнинг тасарруф этиш ҳуқуқининг жамоа томонидан эътироф этилиши, сиёсий етакчига хос энг муҳим сифатлардан бири. С.О. фуқароларнинг сиёсатчига оқланган ишончи тимсолидир. Унинг даражаси сийсатчининг шахснинг фазилатлари, ўз имкониятларини рўёғ а чиқариш қобилияти, фаолиятидаги иш ва сўзнинг бирлиги билан белгиланади. Сиёсат субъекти, С.О. таянган ҳолда жамият, социум ва атрофдагиларга самарали таъсир этиши мумкин.

**СИЁСИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ** – шахснинг сиёсий жараёнга киришуви. Шахснинг сиёсий тизим билан ўзаро алоқалари икки турдаги жараёнлар кўзга ташланади. Бир томондан, тизим индивидларни ўқитиб, сиёсий жараёнга жалб этади. Бунда С.И. сиёсий кадрият ва тизим мақсадлари ҳимоя қилувчи, сиёсатда авлодла алмашивувини таъминлаш вазифасини ўтайди. Бошқа томондан, сиёсий тизим талаблари шахсга қўрилиш туфайли унинг сиёсий онги, ҳаракати шакллантирилади. Шу тарққа, шахс-фуқаронинг шаклланиши рўй беради.

**СИЁСІЙ ИНСТИТУТЛАР** – жамиятнинг қарор топган давлат ташкилоти муас-  
сасалари ва ундаги лавозимлар таркиби. Улар муайян сиёсий фаолиятни амалга ошира-  
дилар.

**СИЁСІЙ ИНТЕГРАЦИЯ** – муайян давлат ёки давлатлараро уюшма доирасида  
ижтимоий ва давлат тузилмаларининг бирлашиши, қўшилиши. Давлатлараро С.И.  
ҳокимият янги институтларини шакллантириш ва уларга миллий сиёсий органлар  
ҳуқуқларини бериш орқали амалга оширилади. С.И. ижтимоий ҳаётнинг интернацио-  
наллашуви, илмий-техника инкилобининг жадаллашуви, давлат ва халқларнинг бир-бири  
билан алоқалари ривожланиши негизида юз беради. Дунёнинг айрим минтақаларида, мас.  
Ғарбий Европада иқтисодий, ижтимоий, сиёсий интеграциялашув шундан босиқичга  
кўтариладик, уни трансмиллий институтлар орқали бошқаришга зарурат туғилади.  
Интерграциялашув жараёнида жалб этилган давлатлар ҳокимият ваколатларининг бир  
қисмини бундай институтларга ўрқазади.

**СИЁСІЙ ИНҚИРОЗ** – сиёсий вазиятнинг жиддий кескинлашуви ва ижтимоий-  
иқтисодий ҳолатдаги беқарорлик. Мазкур ҳолат мамлакатда уруш бошланганда, бошқа  
давлат тажовуз қилганда, сайловлар ноқонуний деб тан олинганда ва муҳолифатнинг  
расмий ҳуқуқматга нисбатан ултиматум қўйган пайтларда содир бўлади.

**СИЁСІЙ КОНСЕРВАТИЗМ** – жамиятда юзага келган сиёсий, ҳуқуқий тузил-  
маларни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган сиёсий фаолият.

**СИЁСІЙ ЕТАКЧИ** – шахсиятнинг таъсири билан ижтимоий-сиёсий жараёнлар,  
жамоа, гуруҳ, жамият, давлат ҳамда халқаро муносабатларга сезаларли таъсир этадиган  
жамоат ташкилоти ёки ижтимоий гуруҳнинг обрўли вакили. С.Е. – кишиларнинг ижти-  
моий-сиёсий ва психологик алоқалари тизими билан белгиланадиган сиёсий фаолияти ва  
хатти-ҳаракатига шахсий таъсир этиш қобилияти. Бу ўринда сиёсий етакчилик алоҳида  
аҳамият касб этади. Унинг асосий хусусияти – ҳокимият институти билан боғлиқлигидир.  
С.Е. хос хусусиятлар қўйидагиларда намоён бўлади: ўзининг сиёсий дастури, унинг ўзи  
ишлаб чиққан ёки унинг номидан илгари суринлаётган янги стратегия ва тактика; муайян  
ижтимоий (этник) гуруҳ манфаатларини ҳимоя қила олиш; дастурни татбиқ этиш ва ўз  
тарафдорларини бирлаштиришга қаратилган фаолиятда намоён бўладиган феъл-атвор  
(интилувчанлик, ирода ва ҳ.к.); юксак сиёсий маданият; муайян гуруҳ доирасида қабул  
қилинган ахлоқ меъёрларига мос раҳбарлик иши; обрў-эътибор, одамларни ўзига  
огдариб олиш ва уларга таъсир эта олиш қобилияти, нотикик санъати ва бошқ.; С.Е.  
шахсияти ва келиб чиқиши ҳамда ушбу мавқега қандай қилиб эришгани, унинг раҳбарлик  
давридаги шарт-шароит каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади

**СИЁСІЙ МАДАНИЯТ** – умумий маданиятнинг муҳим тури, жамият аъзолари,  
миллат, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ҳамда ҳар бир фуқаронинг давлатнинг ички ва  
ташқи сиёсатини тушуна билиш қобилияти, тахлил қила олиш даражаси ва сиёсий  
вазиятга қараб, мустақил равишда ўз хатти-ҳаракатларини белгилаш ҳамда уларни амалга  
ошириш маданияти. Олдиндан кўра билиш истеъдоди, ҳаракат йўналишини ўзгартириш,  
назарий ва амалий йўналишларни аниқлай олиш, тарафдорлар топиш, ижтимоий жараён-  
ларнинг тезлигига таъсир ўтказиш С.М. муҳим жиҳатлари саналади.

**СИЁСІЙ МАНФААТЛАР** – сиёсат субъектлари томонидан (индивидлар, гуруҳ-  
лар, эбақалар, синфлар, миллатлар ва бошқ.) : аминат сиёсий ҳаётида иштирок этиш  
имкониятлари ва мотивларини англаши; бу субъектларнинг ўз ҳолатини яхшилаш, сиёсий  
мавқеини ошириш мақсадида сиёсий бошқарув фаолиятига интилиши. С.М. – сиёсат  
субъекти фаолияти ва хатти-ҳаракатининг етакчи омилдир. Бу ўринда турли сиёсий  
хатти-ҳаракатлар ортида сиёсат субъектининг асл мақсадларини аниқлай олиш муҳимдир.

**СИЁСІЙ МАФҚУРА** – муайян ижтимоий гуруҳ ва табақа миллий бирликларнинг  
манфаатлари нуқтаи назаридан сиёсий воқеликни англашга йўналтирилган оғоялар,  
қарашлар ва тасаввурлар тизими. «Мафкура» ибораси XVII–XVIII асрларда Францияда  
пайдо бўлган. У «оғояларнинг табиий шаклланиш жараёнини» ўрганадиган фанни англа-  
ган. Кейинчалик бу ибора сиёсий назарияларнинг тафсифлашда қўллана бошлаган. С.М.

тараккийпарвар, либерал, халқона, радикал, инкилобий, инкилобий-демократик, консерватив, реакцион, националистик, диний ва бошқа турларга ажратиш мумкин. Мафкура ижтимоий хатти-харакатни бошқаришнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади. Кейинги вақтда диний мафкуранинг аҳамияти ортиб бормоқда.

С.М. кўйндаги вазифаларни бажаради: оммавий сиёсий оғитта таъсир этиш ва унинг учун сиёсий ҳаётда мезонлар тизимини шакллантириш; ижтимоий-сиёсий ташкилот ва гуруҳларнинг манфаатлари ҳаракат дастури ҳамда фаолиятнинг назарий асосларини белгилаш; тақлиф этилаётган сиёсий йўналиш мафкурасининг ижобий имиджини шакллантириш; сиёсат субъектларини сиёсий фаолият ва хатти-харакатга ундаш.

**СИЁСИЙ МАҚСАДЛАР** – сиёсий соҳада эришилиши лозим бўлган фаолиятнинг якуний натижалари. Ушбу мақсадлар давлатнинг олий сиёсий раҳбарияти томонидан белгиланади.

**СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР** – сиёсат субъектлари ва ҳокимиятнинг бирлашши ёки ажралаши, гоаялар, қарашлар, захиралар билан алмашини (таъсир, ахборот, билим ва х.к.) алмашинуви жараёнидаги уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқалари. С.М. ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар сингари жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади: улар жамият ташкилотининг шакли, эксплуататорлик муносабатлари, ҳукмронлик ва тобелик муносабатлари, ўзаро алоқадорлик ва сиёсий бирлик муносабатларини белгилаб беради. Унинг мазмуни давлат ва жамият, ҳокимият ва халқ, синф, гуруҳ ҳамда табақалар муносабатлари, гуруҳлар ичида, гуруҳлараро ва шахслараро мулоқотда ижтимоий жараён ривожини, унинг демократлашуви, сиёсий эркинликлар, шунингдек, одамларнинг моддий имкониятлари, айниқса, жамият сиёсий маданияти ва унинг характери билан белгиланади.

**СИЁСИЙ МУХТОРИЯТ** – (юнон. «ўз-ўзини бошқариш») – давлат конституциясига биноан унинг айрим вазифаларини бажариш ҳуқуқи.

**СИЁСИЙ ПАРТИЯ** – (лот. «*partis*» – қисм, гуруҳ; эски ўзб. араб. «*фирқа*» – гуруҳ, тўда) – умумий гоая ва манфаат, ижтимоий-сиёсий мақсадлар асосида одамларни ихтиёрий равишда уюштирувчи тургун ташкилот, фуқаровий жамият билан давлатни бир-бирига боғловчи энг муҳим воситалардан бири, ҳозирги замон ҳуқуқий демократик давлат ҳаётининг зарурий омилларидан бири.

**СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ** – сиёсий партия сиёсатини ўтказиш мақсадида парламентда, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида ва шаронт талаб қилган бошқа сайланган ташкилотларда шу партия вакилларидан иборат депутатлар гуруҳи. С.П.Ф. барча демократик давлатларда мавжуд бўлиб, мамлакат ҳаётига, парламент ва жойлардаги турли органлар ҳаётига жиддий таъсир кўрсатадилар. ЎЗР «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ сиёсий партияларнинг Олий Мажлисидаги фракциялари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ўз партиялари сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва давлат ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик идораларида ҳам шу мақсад ва ҳудди шу тартибда сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар гуруҳлари тузилади. Олий Мажлисидаги ҳар бир сиёсий партиянинг фракцияси кўйндаги ҳуқуқларга эга: сессия кун тартибини шакллантиришда иштирок этиш; сессия кун тартибдаги ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция вакилининг сўз олишини кўфотлаш; Олий Мажлис Раиси ҳамда ЎЗР: ўкумати, вазирлар, давлатнинг бошқа идоралари раҳбарларига тегишли сўров билан мурожаат этиш; Олий Мажлис раҳбарлари, қўмита ва комиссиялари раислари номзодлари бўйича тақлифлар киритиш; сессиялар муҳокама этаётган масалалар бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш ва х.к. С.П.Ф. раҳбари Олий Мажлис Кенгаши таркибига киради.

**СИЁСИЙ РЕСУРСЛАР** – сиёсий мақсадларга этиш ҳамда сиёсий масалаларни ҳал этиш учун қўлланиши мумкин бўлган реал ва потенциал воситалар, имкониятлар.

**СИЁСИЙ САФАРБАРЛИК** – (лот. «*tobilis*» – ҳаракатчан, тезкор) – партия, уларнинг коалициялари ва ижтимоий ҳаракатларнинг муайян сиёсий тadbирларга тайёрланиш имконини берадиган тadbирлар мажмуи. Улар, жумладан: 1) режалашт-

риллаётган тад-бирлар мазмунини тушунтириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари; 2) бўлажак тадбир иштирокчилари ўртасида ахборот тизимини шакллантириш; 3) тадбир муҳолифларининг режа ва ҳаракатлари тўғрисида ўз вақтида тегишли маълумот олиш; 4) бўлажак тадбир иштирокчиларини барча зарур нарсалар (озик-овқат, транспорт, ва х.к.) билан таъминлаш; 5) тадбир ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши эришиш.

**СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ** – 1) сиёсий воситалар ёрдамида умумий ижтимоий мақсадларга эришишга интиллаётган тулри компонентларнинг бир-бири билан боғланган барқарор тизим; 2) кишиларнинг муайян сиёсий мақсадларга эришиш учун бирлашмаси.

**СИЁСИЙ ТЎҚНАШУВ** – ижтимоий гуруҳ ва уюшмалар қарама-қарши манфаатларининг тўқнаш келиши. С.Т. фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши, ҳаёт даражасининг пасайиши натижасида юзага келади. С.Т. ўз субъекти, камрови, пайдо бўлиш шакллари, кескинлик даражаси ва уни бартараф этиш усуллар билан фарқланади. С.Т. қарши курашаётган томонларнинг хоҳиши билан тўхтатилиши ҳам мумкин, шунингдек, куч ишлатиш йўли давлатнинг ички инстинктлари ва халқаро ҳуқуқий инстинктлар ёрдами билан куч ишлатмасдан ёки норасмий воситалар билан ҳам бартараф этилиши мумкин. С.Т.ни башорат қилиш, тахлил қилиш, ўз вақтида олдини олиш ва бартараф этиш давлат миқлиий ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

**СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТ** – 1) сиёсий институт ва сиёсий фаолият тамойиллари, шунингдек, индивидлар томонидан муайян жамиятга хос идеаллар, мисъерлар ҳамда қадриятларни сингдириб олиш жараёни; 2) бўлажак сиёсий фаолият характери билан ҳаётини белгилайдиган ҳатти-ҳаракат тамойи ва моделларни узулуксиз шакллантирилиши. Сиёсий таълим характери ва мазмуни жамиятда шаклланган сиёсий маданият ва мавжуд сиёсий институтлар тизими билан белгиланади.

**СИЁСИЙ ТИЛ** – сиёсатнинг асосий воситаларидан бири; унинг ёрдамида сиёсий ахборот икки шакл – вербал (сўзлар, одатдаги тил воситасида) ҳамда тимсоёллар (махсус белгилар, эмблемалар, маросимлар ва х.к.) орқали шакллантирилади, фаолияти таъминланади ва етказиб берилади. Бундан ташқари, С.Т. сиёсий муассасаларга оид махсус профессионал (йўриқнома, музокара, фармойиш, ёзишма ва бошқ.) ҳамда барча тушунарли сиёсий нутқ: ахборот, маъруза, маълумот, митинг, парламент иши ва х.к. каби шаклларга бўлинади.

**СИЁСИЙ ТЎҚНАШУВ** – ҳокимият учун курашиш, миқлиий бойликларга эга бўлиш, ўз сиёсий макомини кўтариш учун манфаатлар, мақсадлар ва стратегиялар орасидаги бевосита ёки билвосита тўқнашув. С.Т. илдизлари сиёсатнинг моҳиятига, жиноятнинг сиёсий тизими ва унинг ядроси давлатга бориб такалади. Унинг кўп учрайдиган умумий шартлари: сиёсий манфаатлар, мақсадлар ва қутилган натижаларнинг номувофиқлиги, шахс, ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши. С.Т. ўта вайрон этувчи тури – инқилоб, уруш ҳамда субъектлар кучининг тўқнаш келиши. С.Т. бартараф этиш шакли ва усули нафақат ташқи омилларга, балки жанжаллашаётган тарафларнинг ўзига ҳам боғлиқдир. Унинг олдини олиш ёки куч ишлатмасдан бартараф этишда қонун чиқарувчи, ижро этувчи суд ҳокимияти органларининг сиёсий иродаси ва ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти муҳим роль ўйнайди.

**СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ** – индивид ёки сиёсий гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тартиб ва институтларнинг такомиллаштириш борасидаги интилишлари. С.Ф. кенг маънода, жамиятни инқилобий ўзгартириш, ислох этиш, ирқий ва салбий ижтимоий тасавурларни ўзгартириш, сиёсий ва диний эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолиятда намоён бўлади. Индивидуал даражада С.Ф. – алоҳида шахснинг сиёсий жараёнлар, ўз сиёсий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган фаолиятининг мажмуидир.

**СИЁСИЙ ҲАВФ** – шахс, жамият, давлатнинг мавжудлиги ва тараққиётига ҳавф солаётган реал ҳолат, жараён, ҳаракат. С.Ҳ. қуйидагича намоён бўлиши мумкин: сиёсатдаги гегемонизм, душманлик, валонтеризм ва экстремизм; давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар.

**СИЁСИЙ ХАВФСИЗЛИК** – хавфсизликни таъминлашда миллат имкониятлари, унинг давлат идоралари томонидан мустақил равишда давлат тизими муаммоларининг ҳал этилиши, шахс ва жамият манфаатлари борасида мустақил ташқи ва ички сиёсат юритиш. Яъни, С. Х. сиёсий суверенитет мустаҳкамлиги, жамиятнинг сиёсий барқарорлигидир. Бу сиёсий барқарорликка давлат томонидан фуқаро ва шахслар манфаатлари асосида турли ижтимоий гуруҳлар манфаатлари мувозанатини таъминлаш, сиёсий тизимни шакллантириш орқали эришилади. Халқаро муносабатлар тизимида сиёсий суверенитет ва жамиятнинг сиёсий барқарорлигига эришмай туриб, давлатнинг сиёсий хавфсизлигини таъминлаб бўлмайди.

**СИЁСИЙ ХАВФСИЗЛИК ТАХДИДИ** – жамиятнинг туб манфаатларига жавоб берувчи давлат сиёсатини издан чиқаришга; халқнинг тарихий хоҳиш-иродасини мужассамлаштирган сиёсий тизимнинг емирилиши; демократия, айниқса, халқ ҳокимиятининг торайиши; сиёсий барқарорлик, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлиши, фуқаролик жамиятининг издан чиқишига олиб борувчи ҳолатлар, жараёнлар ва ҳаракатлар. С.Х. куйидагилар зарар етказиши мумкин: ишлаб чиқаришнинг пасайиши, халқ турмуш даражасининг кескин ёмонлашуви, сиёсатчиларнинг масъулиятсизлиги, сиёсий ўнгиришлар, фитналар, кўзғолонлар, сепаратизм, сиёсий курашда тазйик (айниқса, ҳарбий) ишлатиш, муҳолифатни сиқувга олиш, давлат сиёсатининг шаклланиши ва уни назорат этишда жамиятнинг иштирокига оид механизмларнинг чекланганлиги, халқнинг ҳокимиятдан ва ҳокимиятнинг халқдан бегоналашуви, сиёсий тизимда хатолардан огоҳлантирувчи механизмларнинг йўқлиги ва сиёсатдаги ахлоқсизлик ва қонунсизлик.

**СИЁСИЙ ЭКСТРЕМИЗМ** – кескин сиёсий ёндашув бўлиб, қонуний плорализм имкониятининг чекланиши, ғояларнинг эркин тарқалиши ва алмашинувига қарши бўлган давлат мафқураси сифатида ягона мафқуранинг ўрнатилиши; одамларни табақаларга, мулкий, ирқий, миллий ёки диний белгиларига кўра бўлиш; инсон ҳуқуқларини олий қадрият эканини рад этишга йўналтирилган ғоялар, оқинлар, доктриналарга таянган фаолият.

**СИЁСИЙ ҚАДРИЯТЛАР** – сиёсат субъектлари (индивидлар, гуруҳлар, миллатлар ва х.к.) томонидан уларнинг сиёсий тажрибасида мустаҳкамланган сиёсий ҳаёт ҳодиса, жараён ва мезърларининг муҳимлигини тан олинishi. С.Қ. сиёсат субъектларининг фаолиятини йўналтиради, бошқаради, жамиятнинг ҳолати, эҳтиёжлари ҳамда ривожланиш истакболларини ақс эттиради. Асосий С.Қ. қаторига инсон ҳуқуқлари, жамият сиёсий тузулиши ва ривожланиши характери, тамойиллари ва шакллари, сиёсий институтлар, ғоялар, кишиларнинг сиёсатда иштироки, улар манфаатларининг ифода ва татбиқ этилиши. С.Қ. умуминсоний, умуммиллий бўлиши билан бирга, турли синф, гуруҳ ва индивидлар манфаатларини ақс этириши мумкин. С.Қ. инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик; ғайриқонуний, зўравонликка асосланган радикал (экстремистик), ва бошқа шаклларда намоён бўлади. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади.

**СИЁСИЙ ҲУҚУҚ** – ЎЗР фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёхуд вакиллари орқали иштирок этиши мумкин. Бундай иштирок ўз-ўзини бошқариш, референдум ва давлат органларини демократик тарзда сайлаш орқали амалга оширилади. Фуқаролар ижтимоий фаоллиги митинг, мажлис, намозчилар воситаси ифода этилиши мумкин. Ҳокимият органлари бундай тadbирларни вақат хавфсизлик нуқтани назаридан тўхтатиши ёки ман этиши мумкин. Фуқаролар касба уюшмалари, партияларга бирлашиши, оммавий ҳаракатларда иштирок этишга ҳақлидир. Сиёсий партия, ижтимоий бирлашма ва оммавий ҳаракатларда камчиликни ташкил этганларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини камситишга ҳаққи йўқ. Ҳар бир одам ўзи бошқа кишилар билан биргаликда давлат идораларига ариза, тақлиф ҳамда арзлар билан мурожаат этиши мумкин. Улар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб килиниши шарт.

**СИЁСІЙ ҲОКИМИЯТ** – бу сиёсий субъектларнинг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йўллар, усуллар ва воситалар ёрдамида амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос алоҳида шаклидир.

**СИНДИКАТ** – бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар бирлашмаси. Маҳсулотни ягона савдо тармоғи орқали биргалашиб сотишни ташкил этиш мақалларида тузилади. С. таъсис этган умумий савдо ширкати С. ҳар бир аъзоси билан савдо-сотик тўғрисида шартнома тузади; инвестиция дилерлар гуруҳи инвесторлар ўртасида тарқатиш учун қимматли қоғозларнинг навбатдаги янги эмиссиясини сотиб олишга розилик билдирганларидан кейин с. тузилган ҳисобланади.

**СИМПОЗИУМ** – бирор илмий масала бўйича илмий анжуман (асосан, халқаро).

**СИОНИЗМ** – 1) Яхудий халқи маънафатларини ифодалайдиган ва химоялайдиган ғоявий, илмий ва сиёсий ҳаракат. С. Бутунжаҳон Сионистик Ташкилоти (БСТ) томонидан бошқарилади. БСТ 1897 йилда ташкил этилган бўлиб, қароргоҳи Исроил ва АҚШда жойлашган. Дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатида фаолият юритади; 2) Қуддусдаги Сион тепалиғи номидан олинган – яхудийларни Фаластинга қелишини рағбатлантириш ва у ерда яхудийлар давлатини тузиш орқали яхудийларнинг ўз-ўзини англашнинг тиклашга қаратилган мафкура. XIX аср охирида вужудга келган бўлиб, 1948 йилдан кейин Исроилни дунё микёсида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Социалистик ва либерал оқимлардан тортиб, то шовинистик руҳда бўлган бир қанча оқимларни ўз ичига олади. Етақчиси – Бутун жаҳон сионистлар ташкилоти.

**СПИКЕР** – (ингл. – «оратор») – айрим давлатларда парламент раиси (АҚШ, Англия ва бошқ.), Россия Давлат думаси Федерал Мажлиси раиси.

**СТАГНАЦИЯ** – жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётдаги турғунлик ҳолати.

**СТАТУС, МАҚОМ, ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТ** – 1) ташкилот ёки муассаса низоми, мақоми; 2) давлат белгиси, атрибути, рамзи. С. – маълум вазият, ҳолат, шахснинг юридик мақоми, давлат органи, жамоат ва халқаро ташкилотни аниқлайдиган барча қонун ва мажбуриятлар.

**СТАТУС КВО** – вазият, ҳолат, мақомнинг ўзгармаслигини ифодаловчи атама. Сиёсий, ҳуқуқий ёки бошқа ҳолатларнинг ўзгармаслиги.

**СТРАТЕГИЯ** – йирик миқёсдаги тизим ривожини белгилаб берадиган тамойил, узоқ муддатли мақсадларнинг амалга ошириш қонун-қоидалари, режалари, маълум фаолият доирасида амалга ошириладиган тактик саъй-ҳаракатлар кетма-кетлиги.

**СУВЕРЕНИТЕТ** – (фран. *олий ҳокимият*) – куйидаги маъноларда ишлатилади: 1) Давлат С. – ҳозирги давлатшунослик фанида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатдаги тўла мустақиллиги сифатида талқин қилинади. Давлат С. ҳақидаги ғояни XVI асрда Францияда яшаб ижод этган мутафаккир Жан Боден илгари сурган. Унинг фикрича, С. давлатнинг энг муҳим белгисидир. Суверен бўлмаган давлат, давлат эмас. Давлат С. деганда, Ж. Боден абадий, мутлақ, бўлинмас олий ҳокимиятни назарда тутди. Мутафаккирнинг таъкидлашча, давлат С. асосий белгилари куйидагилар: а) давлатнинг барча органлари ва фуқароларига қаратилган қонунларни қабул қилиш; б) уруш ва тинчлик масаласини хал қилиш; в) охириги инстанцияда суд ҳокимиятини амалга ошириш; г) мансабдор шахсларни тайинлаш; д) афв этиш – жиноят содир қилган шахсни жазодан озод қилиш.

Давлат С. ҳақидаги ғоя кейинги даврларда янада ривожлантирилди, мазмунан бойитилди. У БМТ Низоми ва бир қатор мамлакатларнинг конституциясида ўз аксини топди. БМТ Низомининг 2-моддасида ташкилот аъзолари бўлган давлатларнинг суверен тенглиги тамойили белгиланган. Суверенлик тамойили барча мустақил давлатлар конституцияларида эътироф этилган. Мас., Мадагаскар Демократик Республикаси 1975 йилдаги Конституциясининг 1-моддасида «суверен ва бўлинмас республика», Бенин Халқ Республикасининг 1977 йилдаги Конституцияси 1-моддасида унинг «инкилобий, унитар, мустақил, суверен ва дунёвий давлат» эканлиги қайд қилинган.



ЎЗР Конституциясида давлат С. масаласига алоҳида боб ажратилган бўлиб, унинг 1-моддасида «Ўзбекистон – суверен демократик республика» дейилган. Халқ С. – халқнинг тўла ҳукмронлиги, халқ ҳокимияти, халқ бошқаруви маъноларини англатади.

Халқ С. ҳақидаги гоёни биринчилардан бўлиб, XIV асрда европалик мутафаккир Марсилий Падуаанский илгари сурган эди. Унинг таъкидлашича, халқ қонуларни қабул қилиши, ҳокимиятни тайинлаши, вакиллик органи – Катта кенгашга сайловлар ўтказиш тартибини белгилаши, юқори мансабдаги руҳонийларни сайлаши лозим. Кейинчалик халқ суверенитети гоёси немис юристи Иоганн Альтзунд (1557–1638 йй.)нинг «Сиёсат» номли асариди, XVII асрда инглиз буржуа инқилоби даврида левеллерлар партияси томонидан ишлаб чиқилган «Англиянинг асосий қонунари ва эркинлиги» ҳужжатида ривожлантирилди. XVIII асрда яшаб ўтган франциялик мутафаккир Жан Жак Руссо ўзининг «Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқнинг тамойиллари» номли асариди халқ С. назариясини ишлаб чиқади. Мазкур назарияга биноан ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқдир, барча қонулар халқ томонидан қабул қилиниши ва халқнинг умумий иродасини ифодалашни, ҳуқуқат халқ томонидан маълум муддатга сайланиши ва халқ назорати остида ўз фаолиятини амалга ошириши лозим.

Ҳозирги даврда халқ суверенитети гоёси кўпчилик давлатларнинг конституциясида ўз аксини топган. Жумладан, Франция Респуб-чикаси Конституциясининг 3-моддасида «Миллий С. халқники бўлиб, халқ уни ўз вакил-лари ва референдум орқали амалга оширади»; Италия Республикаси Конституциясининг 1-моддасида «С. халқга тегишли бўлиб, халқ уни Конституцияда белгиланган шакл ва доирада амалга оширади» дейилган; худди шу гоё бошқа сўзлар билан ЎЗР Конституциясида ҳам ўз аксини топган; ЎЗР Конституциясининг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. ЎЗР давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва ЎЗР Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонулар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади», дейилган.

«С.», «суверен» сўзлари билан «мустақиллик», «мустақил» сўзларини синонимлар, яъни товуш таркиби, талаффузи жиҳатидан бошқа-бошқа, лекин англатган маънолари бир, ўхшаш ёки жуда яқин сўзлар деб қараш мумкин. Халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ фани ривожланиши жараёнида ўзбек тилига лотин тилидан француз тили орқали «С.», «суверен» сўзлари кириб келди. Лекин улардан кўп асрлар аввал бизнинг тилимизга араб тилидан «мустақил», «мустақилият» сўзлари ўтган эди. Энди иккала тилдан кирган бу сўзлар бизнинг умумий мақсадимизга – Ўзбекистонни ҳозирги замон илгор давлатлари қаторига олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

«С.» ва «мустақиллик» сўзларининг тенг маънодошлиги «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да ўз ифодасини топган. Лугатда «С.» сўзи «давлатнинг ички ва ташқи ишларини олиб боришда тўла мустақиллиги» деб таърифланган «Мустақиллик» сўзи эса «ўз ихтиёри билан, тобе ва қарам бўлмасдан, ўзганинг ёрдамисиз ёки раҳбарлигисиз иш қила билиш» деб таърифланган. Демак, икки тилдаги бу сўзларнинг маъноси бир эканлиги, шубҳасиз. Лекин амалиётда, кундалик ҳаётда «мустақиллик», «мустақил» сўзлари кўпроқ ишлатилмоқда. Бу тушунарли, чунки лотин ва қадимги юнон тилидан ҳозирги замон Оврупо тиллари орқали ўзбек тилига кириб келган сўзларнинг кўпи истибодод тузуми тарғиботи ва ташвиқоти таъсирида маъно жиҳати н сийқалашиб, ўзининг аввалги жозиба чини йўқотган

**СУД ҲОКИМИЯТИ** – давлат фаолиятини, унинг вазифа ва мақсадларини амалга оширишда ҳокимиятларнинг бўлиниши қондаси асосида таркиб топувчи ҳамда алоҳида давлат муассасалари орқали ўз вазифаларини бажарувчи тизим. С.Х. алоҳида тизим сифатида ташкил топиши ва унинг қонун чиқарувчи ҳокимият ва ижрочи ҳокимият билан муносабатлар қондаларининг шаклланиши узоқ тарихга эга бўлиб, демократик ҳуқуқий жамият қуриш учун қурашнинг жиддий ғалабаси саналади. Давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органларнинг фаолиятларини тақсимлаш ва бир-биридан ажратиш ҳақидаги қарашлар умумий тарзда илк бор антиқ давр намояндлари Платон, Аристотель, Полибий

ва бошқалар томонидан илгари сурилади. Жон Локк ва Шарль Луи Монтескье давлат ҳокимиятини бўлиш ғоясининг мумтоз назарийчилари ҳисобланадилар. Бу борда, айниқса, француз маърифатпарвари ва ҳуқуқшуноси Ш.Монтескье (1689–1755)нинг илмий қарашлари давлат ва ҳуқуқ назариясининг ривожига катта ҳисса қўшди. У ҳокимиятни учга – қонуи чиқарувчи ҳокимият, ижроия ҳокимияти ва С.Х. бўлиниши лозимлигини биринчи бўлиб эътироф этди. Мазкур назариянинг аҳамиятли томони шундаки, у ҳокимиятларни ўзаро тенг тарзда алоҳида амалга ошириш, давлат вазифаларини бажаришда уларнинг ҳар бири ҳуқуқий воситалар ёрдамида бир-бири билан муносабатда бўлиш ҳамда олий ҳокимиятни бир ташкилот томонидан яқка равишда эгаллаб олинishiни бартараф этиш учун замин яратди.

ЎЗР сиёсий мустақилликка эришганидан сўнг таъналар давлат қурилишининг ўзига хос хусусиятларидан бири – демократияга асосланган фуқаровий жамият барпо этишдир. Бунинг негизи, сўзсиз, давлат ҳокимиятининг бўлиниши ва уларнинг катъий чегараланиши тамойилига асосланади. ЎЗР Конституцияси ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатларини, шаклланиш механизмлари ва уларнинг алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатишларини мустаҳкамлаган. Энг юқсак С.Х. – Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилади. С.Х. ЎЗР давлатчилик тарихида илк бор факат мустақиллик туфайли алоҳида ҳокимият шаклида эътироф этилди. ЎЗР Конституциянинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонуи чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши кўрсатилган. Суд ҳокимияти тизимини ЎЗР Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Олий суди, Қорақалпоғистон ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар суди, туман ва шаҳар судлари ҳамда ҳўжалик судлари ташкил этади. Бу судларнинг барча аъзолари ва ҳакамлар беш йил муддатга сайланадилар.

Ҳакамларнинг мустақиллиги, уларнинг дахлсизлигининг кафолатланиши ва улар қабул қилган қарорларнинг барча ҳудудларда бажарилишининг мажбурий эканлиги С.Х. чинакамига амалга оширишда муҳим омиллар ҳисобланади. Ўзбекистон С.Х. тизими ҳозирги замон ҳуқуқшунослик фанининг энг асосли тавсиялари ва илгор демократик ҳуқуқий давлатларнинг тажрибасида ижодий ўрганиш натижасида юзага келди ва янада такомиллаштирилмоқда.

**СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИ** – Ҳакамлар мустақил ҳамда қонунгагина бўйсунди. Ҳакамлар фаолиятига аралашини қонундан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Ҳеч қимнинг азоб-уқубатга дучор этилиши, шаъни ва ғурурининг камситилишига йўл қўйилмайди. Айбланувчининг айби қонунда белгиланган тартибда исбот этилмангунга қадар, айбсиз ҳисобланади.

**СУХРАВАРДИЙЛИК** – суҳравардия – суфийлик тарикати. XII аср охири XIII аср бошида Ироқда, Икки дарё оралиги ҳудудида, зоҳидлик мактаби доирасида таркиб топган. Аслида С. яратган кишиларнинг аксарияти араблардан эмасди. Анъанага биноан С. мусулмон зоҳидлик тарихида тузилган дастлабки биродарлик ташкилотидир.

**СУҒУРТА** – жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини суғўртавий муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий офат, бахтсиз ҳодиса ва бошқа фавқуллода ҳолатлар натижасида улар кўрган зарарни суғўрта қилинувчилардан тушган бадаллар ҳисобига шаклланади. Ҳан суғўрта жамғармаси ҳисобидан тўла ва қисман қоплаш усулларидан бири.

**СЎФИЙЛИК** – (араб. «суф» – жун) – ислом дини пайдо бўлгандан сўнг унинг доирасида Қуръон ва Ҳадисга мос равишда VIII асрнинг ўрталарида шаклланган таълимот пайдо бўлган. С. мусулмон мамлакатларидаги халқларнинг диний йўналишдаги ижтимоий-фалсафий, маданий-маънавий ҳаётида кенг тарқалган мураккаб ҳамда ички зиддиятларга тўла ғоявий оқим.

Суфий сўзи арабча, «суф» сўзидан олинган бўлиб, унинг лугавий маъноси – жундан тўқилган оддий ва дағал матодир. Сўфийлар одатда шундай жун матодан кийим кийганлар. Чин сўфийлар ўзликдан ва фаний дунёдан кечган зотлар бўлиб, бундай ҳолат

уларни бу дунё ташвишларидан озод этарди. Уларни халқ азизавлиё, назарли кишилар сифатида алоҳида эъзозлаган. Уларнинг сўзи ва ҳаракати, ҳислати ва ахлоқи ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилган. Сўфий ва дарвишлар, ҳақиқатан ҳам катта нуфуз ва обрўга эга бўлганлар. Фақат шайхларнигина эмас, қаландарларни, «девоналар»ни, оддий дарвешларни ҳам одамлар хурмат қилганлар. С. ва дарвешлик ҳаракати бирданига юзага келган ҳаракат бўлмай, ҳақ тадрижий тарихга эга. Сўфийшунослар бу диний оким тарихини дастлаб, икки даврга ажратадилар: биринчиси – зоҳидлик даври, иккинчиси – орифлик ва ошилик даври. Улар сўфийларнинг ўзини ҳам ориф сўфийлар, зоҳид сўфийлар, фанр сўфийлар, файласуф сўфийларга ажратадилар.

XIII–XIV асрлар С. тарихида маҳсулдор давр бўлди. Бу даврга келиб, С, ҳам назарий, ҳам амалий ҳаракатчилик нуктан назаридан ўзининг юксак чўққисига кўтарилган эди. Яхёе Сухравардий, Нажмиддин Кубро сингари мутафаккир шайхлар, Фариддин Аттор, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий каби сўфий шоирлар, С. илми доирасини кенгайтирдилар, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитдилар. С. Шарққа хос кишининг тафаккур тарзи ва ахлокий меъёрини белгилайдиган ҳодисага айланиб қолди. Унга кўра, ўзининг бутун фикри-зикрини Аллоҳ таолонинг висолига етишишга бағишлаган, ўз кучи ва пешона тери, ҳақол меҳнати билан кун кечирадиган, бунинг учун хормай-толмай меҳнат қилувчи, ҳар томонлама камолотга эришган инсонларгина ахли тасаввуф деб аталиши мумкин. Абдулҳолик Гийдувоний ҳам С.нинг йирик вакилларидан бўлган.

Шўролар даврида С., ҳар жиҳатдан фалсафа фанининг эътиборидан четга сурилди, қораланди, шу сабабли унинг асл моҳияти очилмай қолди. С. Шарқ мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб бориб, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта таъсир кўрсатди. Инсоният яратган маънавий маданиятни бир бутун тизим десак, с. шу тизимнинг муҳим узвий бўлагидир.

**СЎЗ ЭРКИНЛИГИ** – фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи, оммавий ахборот воситаларида, митинг ҳамда йиғилишларда ўз фикрини, нуктан назарини очиқ ифодалаш имкониятининг таъминланиши. С.Э. халқро андозаларга асославди. С.Э. қўланиши муҳим мажбуриятларга эга ва сонун билан мустаҳкамланган бўлиб, қатор чекланишлар ҳам назарда тутилган. Гап ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрўига путур етказмаслик, давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, аҳолининг соғлиғига путур етказмаслик, унинг урф-одатларини хурмат қилиш ҳақида бормоқда. Ижтимоий, иркий, миаллий ва диний нафрат, душманликни келтириб чиқарадиган тарғибот-ташвиқотларга йўл қўйилмайди.

## Т

**ТАДБИРКОРЛИК** – кенг маънода шахсий ва ижтимоий манфаатни қондиришга асосланган ақлий фаолият тури. У субъект ўз олдига қўйган мақсадга эришишга йўналтирилган бўлиб, бу мақсадга унинг бевосита қатнашуви ва хусусий оқияллари (мулки, жисмоний ва ақлий қобилияти, билими, тажрибаси, ижтимоий муҳитдаги ўрни, бу ўринга боғлиқ имтиёзли ҳуқуқлари ва ҳ.к.)дан фойдаланиш йўли билан эришядади. Тор маънода Т. фаолият иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини – уй ҳўжалигини бошқаришдан тортиб ишлаб чиқаришгача, товарлар сотиш ва хизмат кўрсатиш турларигача қамраб олади. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш, технологияни жорий қилиш, бозорларга кириб бориш, истеъмолчиларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришга ресурсларни, молиялаштиришнинг усулларини жорий қилиш, кооперация ва халқро алоқаларни шакллантириш шулар жумласидандир. Товар ҳўжалигига хос бўлган бекарорлик, ҳавф-хатар тадбиркорлик фаолиятининг муҳим хусусиятидир.

Т. ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг қўидаги турлари мавжуд: хусусий Т., юридик шахс бўлмаган Т. фаолияти; кичик бизнес (кичик корхоналар); ҳўжалик ва ижтимоий

бирлашмалар Т.; фермер (деҳкон) хўжалиги асосидаги Т.; ижара ва жамоа хўжаликларидagi Т.; чет эллик шериклар билан қўшма.

**ТАЖОВУЗ** – (лот. «*aggressio*» – *тажовуз*) – муайян давлатнинг бошқасининг сиёсий мустақиллиги ва худудий яхлитлигига тўғридан-тўғри ёки билвосита амалга оширган тажовуз. Т. энг хатарли шакли – қўролли боқсинчиликдир. Т. шунингдек, икти-содий, психологик, мафкуравий ва бошқа шакллarda намoён бўлиши мумкин. Т. дуч келган ҳамда ўзини-ўзи ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширган хатти-ҳаракатлари тажовузкорона деб ҳисобланмайди. Улар қонунийдир ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ жавоб беради. Т. давлатларнинг ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида тинчлик ва халқлар хавфсизлигига зид бўлиб, жамият тараққиётига тўсқинлик қилади. Шу маънода, Т. олдини олиш барча тараққийпарвар кучлар, бутун халқаро ҳамжамиятнинг бурчи ҳисобланади.

**ТАРАҚҚИЁТ** – (лот. «*progress*» – *олга қараб ҳаракатланиш, муваффақият*) – тараққиётнинг олга борувчи шакли бўлиб, бунн қўйндан юқорнига, унча мукамал бўлмаганликдан мукамалликка ўтиш содир бўлади. Т. турли тизимларга яхлит равишда ҳамда унинг қисмлари ва унсурларига айрим равишда хос бўлади. Т. тушунчасига регресс кескин қарама-қарши туради ва кейингиси биринчисининг акси ўларoқ илгариланиш ҳаракатининг барҳам топишини ифода қилади. Т. типологиясига бағишланган ишларда илм-фан ютуқларига асосланиб, табнатда энг кўп учрайдиган прогрессив ўзгаришларни таснифлашга ҳаракат қилинади. Шунга биноан, тараққиёт хилларининг ўзаро боғлиқлигининг икки хил таснифи мавжуд. Бири материя ташкил этилишининг тобора юқорироқ даражасининг вужудга келишига асосланган бўлса, иккинчиси шу даража дoнрасида моддий тизим ташкил этилишининг ортиншига асосланади. Биринчиси, даражаларо кенг миқёсда тасниф бўлса, иккинчиси эса даражага оид, формациявий таснифдир. Биринчисининг мазмуни иккинчисига оид, хусусий ҳоллар – материянинг ядровий, атомли, химиявий, планетар, геологик, биологик ва ижтимоий ташкил этили-шининг амалга оширишдан ҳосил бўлади.

Т. ҳақида ғоялар қадим даврлардан бери мавжуд бўлиб, фалсафада асосан, бутун дунёда инсоният фаолиятида прогрессив ўзгаришлар содир бўлиши ҳақидаги масала тарзда илгари сурилди. Т. (ёки регресс) мезонларни аниқлаш масаласида фалсафа тарихида яқдиллик бўлмаган ва у ҳозир ҳам йўқ. Мас., қадимги юнон файласуфлари – Гесиод, Сенека, нуктан назаридан тарих ҳолатлари прогрессив, бошқа юнон файласуфлари Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель) ғояларида эса улар циклар даврий алмашинуви тарзида намoён бўлса, Ф.Бэкон, Р.Декарт, А.Трюго, Ж.Кандорсе каби маърифатпарварлар ҳамда марксистлар нуктан назарига кўра, жамиятдаги ўзгаришлар, умуман олганда, дoнм олга қараб амалга оширилган прогрессив ўзгаришлар тарзида содир бўлади. Юқоридагилар билан деярли, айни бир вақтда яшаган италиялик файласуфлар – Ж.Б.Вико, Ж.Ж.Руссолар эса тарихий тараққиётни ҳамини олга қараб ҳаракатланадиган олдий жараён эмас, балки зиддиятли жараён эканини кўрсатишга интилаганлар. XIX аср «романтик тарихчилар» назарида ҳар бир тарихий давр ўз индивидуаллигига эга бўлиб, бу даврни бошқасига ўхшаши асло шарт эмас. Бу фикрларни тарихий романтиклар, асосан, тарихий ўтмишга нисбатан айтган эдилар. Олмон мумтоз файласуфи Гегель, ўтмишга эътиборсиз қараган маърифатпарвар ҳақида тарихчиларни, ёлгон тарихшуносликни танқид қилиб, борлиқнинг Худо томонидан оқил идора этилишининг (теодиция) уйғун тараққиёти ғоясини илгари сурган. Шундай ғояларни ундан олдин Г.Лейбниц ҳам баён этган.

Қадимги донишмандлар ғояларини янгича нуктан назардан такрорлаган файласуфлар XX аср фалсафасида ҳам бор. Масалан, Ғарб ва Шарқнинг чуқур билимдонни ҳисобланган, дунё фалсафаси ва динларни теран ўрганишга ўзини бахш этган ва ислом сўфий донишмандлигининг изчил намoёнчасига айланиб, Қоҳирага кўчиб бориб, сўфийлик даражасига эришган француз традиционалисти Ренеженон (1888–1951 йй.) борлиқни прогрессив эмас, балки регрессив йўналишларда ўзгаришларига дуч келганини, ўзининг «Борлиқнинг қотиб бориши» деган концепциясида баён этди. Айнан шундай ғояни

машхур ҳинд файласуфи Ауробиндо Гхош ҳам илгари сурди. Ушбу ғояларни бошқа файласуфлар ва олимлар хусусан, Н.Рерих, Е.Блаватская, А.А.Горовский ва бошқ. ҳам тан олдилар.

**ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»** – Ўзбекистонда иқтисодийётни ислоҳ этиш тамойиллари: 1) Иқтисодийётни мафкурадан батамом холи қилиш. Иқтисодийёт сиёсатдан устун турмоғи, уни ячки мазмунини ташкил қилмоғи лозим; 2) Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини қўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодийётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлати-мизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак; 3) Янгилашиш ва тараққиёт жараёни қонуналарга асосланмоғи зарур. Иқтисодий ўзгаришлар синалган, амалий кучга эга бўлган қонунга таянгандагина бу ўзгаришлар сезиларли натижа бериши, муқаррар бўлиши мумкин; 4) Демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолини мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳамоялаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий ббарқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодийёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин; 5) Иқтисодий ислохотлар, бозор муносабатларини шакллантириш, пухта ўйлаб босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

**ТАРИХИЙ ХОТИРА** – миллий гуруҳ ва ифтихор ҳиссиянинг заминларидан бири. Миллат ва элатлар аста-секин, тарихан ташкил топадилар. Бу жараён, вазиятга қараб, бир неча ўн йилдан бошлаб бир неча асргача чўзилиши мумкин. Ана шундай узоқ давр уларга ўзларини англаш, тилини, маданиятини, урф-одатларини, маънавият, маърифат, анъаналар, урф-одатлар ва расм-русумларни ўзаро боғланган тизим ҳолига келтириш учун керак. Демак, миллатнинг шаклланиши, айни вақтда миллат томонидан ўз ўтмиши, тарихи, аجدодларининг меҳнати, қаҳрамонлиги, миллий маънавият ва маданиятининг барча йўналишлари, тармоқлари, хилма-хиллиги ҳамда ўзига хослигини ўрганишдир, уларга ишлов бериб, шу жараёнда такомиллашшидир. Т.Х. миллатнинг, халқнинг ўз ўтмишини билиши, бу ўтмишни тахлил қилиш, ундаги бўлиб ўтган воқеалар ва ҳодисаларнинг асл моҳияти ва тарихдаги ўрнини асослаб беришни талаб қилади. Ўз ўтмишини билмаган миллат миллий гуруҳ ҳиссини яқин билмайди, бошқа миллатлар, ва айниқса, ҳозирги замоннинг йирик миллатлари тили, адабиёти, маданиятига сажда қилади, шу тариқа ўзини камситади.

**ТАРТИБОТ** – 1) давлат қурилиши, бошқарув шакли (мас., монархия); 2) иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни барча восита ва усуллар орқали рўёбга чиқариш; 3) фаолият, иш ёки бирор нарса мавжудлигининг шарт-шаронти; 4) иш, ҳаракатлар тартиби.

**ТАРҒИБОТ** – (ном. «*agitatio*» – ҳаракатга келтириш) – аҳоли кенг оmmasи ёки сиёсий гуруҳларни сиёсий фаолиятини ошириш мақсадида амалга оширилаётган тарғибот. Бунинг учун оғзаки, ёзма, аудиовизуал воситалар қўлланади; сиёсий курашнинг кенг қўлланадиган усули ҳисобланади.

**ТАШВИҚОТ** – (ном. «*propaganda*» – тарқатиш) – оғзаки ёки оmmавий ахборот воситалари орқали турли ғо'ларни ижтимоий онгга тарқатишга оид ғво'ят.

**ТАШҚИ АЛОҚАЛАР** – мамлакатнинг давлат органлари, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг чет давлатлар, уларнинг юридик шахслари, фуқаролари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатишга ва уни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси. ЎЗР ташқи иқтисодий фаолияти деганда, ЎЗР давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатлари тушунилади.

**ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ (ТИВ)** – мамлакатнинг хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларида давлат сиёсатини амалга оширувчи ижроия

хокимият органи. Миллий хавфсизлик, суверенитет, худудий яхлитлик ва мамлакатнинг халқаро доирадаги таъқи манфаатларини дипломатик воситалар орқали ҳимоя қилишни таъминлайди.

**ТАШҚИ СИЁСАТ** – дунё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва амалга оширишга доир устувор тамойил ва саяё-ҳаракатлар.

**ТАШҚИ ХАВФСИЗЛИК** – бир давлатнинг миллий манфаати ва қадриятларига, ҳаёт тарзига ташқаридан бўладиган хавф-хатардан ҳимояланиш тизими. Т.Х. бузилиши нафақат ҳарбий куч ишлатиш йўли билан, балки ушбу давлат худуди орқали ноқонуний равишда хом ашё, маҳсулот, валюта, санъат асарларини олиб ўтиш ҳамда олиб кириш, кўпорувчилик ва бузғунчилик ахборотларини тарқатиш билан ҳам амалга оширилади. Давлатни ташқи хавфдан ҳимоялаш зарур ва керакли мудофеа потенциални қўллаб-қувватлаш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, мудофеа, экологик ва бошқа барча соҳаларда барқарор халқаро муносабатлар тизимини шакллантириш орқали амалга оширилади.

**ТАҲДИД** – 1) қонун билан муҳофаза қилинадиган мулк, қадрият ва манфаатларга таъвоуз қилиш; 2) шахс, жамият ёки давлатга етказилган моддий ёки бошқа зарар. Т. турли субъектларнинг қарама-қаршиликдан келиб чиқадиغان кескинликнинг янада юқори даражаси. Ўз вақтида, миллий хавфсизликни таъминлаш тизими томонидан таҳдидларни вақтида пайкаш ва аниқлаш шахс, жамият ва давлатнинг муҳим манфаатларини амалий жиҳатдан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

**ТАҲЛИЛ** – объект ва унсурларни (ҳаёлий ва реал) бўлак ва қисмларга бўлиб таҳлил этиш.

**ТЕЗ ЖАВОБ ҚАЙТАРИШ КУЧЛАРИ** – миллий манфаатларга хавф пайдо бўлганда фойдаланиладиган тезкор кучлар. Маҳаллий низоларда тинчликпарварлик операцияларини ўтказиш учун НАТО давлатлари томонидан кенг қўлланади. Асосий талаблари: ҳаракатчанлик, ҳарбий тайёргарликнинг юқори даражаси, ўт очадиган қатта кучга эга бўлиш, чекланган вақт давомида узок вилоятларда автоном ҳаракатланиш қобилияти. Бу кучларнинг негизини ҳаво десант қўшинлари, автомобилъ, пйёда қисмлар ташкил қилади.

**ТЕЛЛУРОКРАТИЯ ВА ТАЛАССОКРАТИЯ** – геосиёсатда ер юзасининг жугрофий тузилиши ҳамда цивилизацияларнинг тарихий типларга бўлинишини ифодалайдиган тушунчалар. Бунда «теллуократия» (журуклик кучи) ва «талассократия» (денгиз кучи) бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Бундай қарама-қаршиликнинг моҳияти тарихда савдо цивилизацияси (Карфаген, Афина) билан ҳарбий-авторитар цивилизациянинг (Рим, Спарта) ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Бошқача айтганда, бу «демократия» ва «идеократия» ўртасидаги дуализмдир.

**ТЕНДЕНЦИЯ** – (нем. *«йўналмоқ, интишмоқ»*) – муайян жараён, ҳодиса, фикр ва назариянинг йўналиши. Т. ҳаётнинг барча соҳаларида: сиёсат, маданият, иқтисодиёт, ижтимоий фикр жабҳасида намоён бўлиши мумкин.

**ТЕНГЛИК** – одамларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг миллати, дини, жинси, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, бир хиллигини таъминлайдиган сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари, тенг имкониятлар.

**ТЕНГ ФУҚАРОЛИК** – айрим мамлакатларда фуқаролик қандай мезонлар асосида олинганидан қатъи назар, фуқарола-чинг тенг ҳуқуқ, эркинликлар ва мажбуриятларга эгаллиги тамойили.

**ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК** – фуқароларнинг давлат, қонун, суд олдида расмий тан олинган тенглиги; демократиянинг асосий элементларидан бири.

**«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»** – XIV–XV асрларга оид, Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятидан маълумот берувчи қимматли манба, қачон ва ким томонидан ёзилганлиги асарда кўрсатилган эмас. «Т.Т.» барча чокалар Амир Темур номидан ҳикоя қилинади. Асли эски ўзбек тилида ёзилган, форс, француз, инглиз, урду, рус ва ҳозирги ўзбек тилига ўгирилган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда салтанатини қўлга киритиш учун олиб борган урушлари ва бу

борада ўз яқинлари билан ўтказган кенгашлари, амирлар билан олиб борган музокаралари ҳақидаги тафсилотлар диққатни жалб қилади. Буюк соҳибқироннинг кучли марказлашган давлат тузиш ва қўшни мамлакатларнинг ўз тасарруфига ўтказиш борасидаги фаолияти ҳақида муфассал сўз юритилади. Хусусан, Мовароуннаҳраггина эмас, балки қадимий Русияга ҳам хавф солиб турган Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга Амир Темурнинг жиддий зарба бериши Русиянинг мўгул истилосидан қутулишини енгиллаштирган диққатга сазовордир.

«Т.Т.» иккинчи қисмида Амир Темурнинг давлатни бошқариш, мамлакатни идора қилиш услуби ҳақидаги йўл-йўриқлари, қонун-қондалари, панд-насихатлари ўрин олган. Жумладан, салтанатни бошқаришда Амир Темур ислом дини ва шариат талабларига, адолат, инсоф ва ҳақиқатга таянади, турли табақа ва тоифага мансуб кишиларни тенг кўриб, қилган хизматига қараб, уларни ҳурмат қилади, мамлакатни бошқаришда энг аввало олим-фузалар, саййидлар, шайхлар ва орифларга таянади. «Т.Т.» дўстлик, вафодорлик, иймон ва эътиқод, касб-ҳунар ва бошқа инсоний фазилатларга риоя қилиш тўғрисида фикр юритилади, фуқароларнинг шариат қонуни-қондаларига бўйсунуш лозимлиги айтиб ўтилади, қозиларнинг қонунларга тўла амал қилиш, тартиббузарларни аямай жазолаш, сипоҳлар ҳамда аскарларни сақлаш ва уларга озиқ-овқат, маош тўлаш қондаси, вазирлар ва уларнинг вазифалари, амирлар, сипоҳлар ва бошқаларни тақдирлаш тартиблари, уларнинг бир-бирларига муомаласи ва турли бошқа масалалар бўйича муфассал маълумот берилади.

**ТЕРМИЗИЙ** – (тўлиқ исми-шарифи Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Шаддод ал-Буғий ат-Термизий, таваллуд йили номаълум – 883 й. ёки 892–893 йилларда вафот этган) – мусулмон оламида машҳур йирик муҳаддислардан ҳамда Курьонн карим тафсиричлари орасида энг етуқларидан бири. Бу инсонин Абу Абдуллоҳ ал-Ҳаким ат-Термизий (X асрнинг биринчи чорагида вафот этган) ва бошқа Термизийлар билан чалкаштирмаслик лозим. Ат-Термизий Ёшлтидан мукаммал олий мусулмон таълимини олган. Ҳадислар тўплаш мақсадида Хуросон, Ироқ, Қижоз диёрларида саёхат ва зиёратда бўлган, яшаган, ўша даврнинг маълум ва машҳур олимлари раҳбарлигида таҳсил олган, мустақил ижод қилган. Унинг дунё таъ олган асарлари кўп. Хусусан, «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ», «Аш-шамоял ан-Набавия» машҳурдир. Ат-Термизий зухд (тоат-ибодат), қуна (исм-лақаб), шунингдек, шариат, тарих, тафсир ва тасаввуф илмлари билан шугулланган.

Пайғамбар ҳадисларини тўплаш ва ўрганишда Абу Исо ат-Термизий икки йўлдан борган: биринчидан, ҳадислар иснодлари (нисбат бериш занжири)нинг боғланишига танқидий ёндашган. Иккинчидан, ҳар бир ҳадис атрафидаги маънавлараро нуқтаи назарлар қурашига эътибор қилган, ҳолисона тахлил ва талқин қилган. Бу ишда у машҳур имомлар изидан бориб, исломга мақсадга мослашиш тамойилларини киритган, мусулмон Шарқидаги ҳурфикрлик, илмий-фалсафий, диний-ахлоқий тафаккурнинг кенг қамровлигини, умуман, исломнинг замон шарт-шароитларига ўта мослашувчанлик қобилиятини шакллантирганлардан бири. У шариатда инсонпарварлик майлларининг кучайишида катта роль ўйнаган.

**ТЕРРОРЧИЛИК** – (лот. «terror» – қўрқув, даҳшат) – маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган тавонлик усули. Қўрқитиш ва даҳшатга с тин орқали ўз ҳукмини ўтказишга урини террорчиликка хосдир. 1937 йилда Женевада терроризмнинг олдини олиш ва йўқ қилиш тўғрисида Конвенция қабул қилинган. Унда жазолашга тортилиши зарур бўлган барча жиноий хатти-ҳаракатларни санаб ўтиш билан «Т.» тушунчасига таъриф берилган. Хусусан, унга давлат раҳбари ва арбоблари ҳаётига сунқасд қилиш, қўпчиликка хавф туғдирадиган қўпуровчилик ҳаракатларини амалга ошириш, террористик ҳаракатларга тайёрланиш ва унга ундаш, уни моддий томондан таъминлаш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш, олиб кириш, бошқага бериш ва онгли равишда қасдан фойдаланиш кирази. Аъзо давлатлар ўртасидаги жиноятчини ушлаб бериш тегишли шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Агар икки давлат ўртасида бундай шартнома мавжуд бўлмаса, жиноятчини ушлаб бериш учун Конвенция қоидалари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳ, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, кўпоровчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай «байроқ» остида амалга оширилмасин, мохиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.

Иқтисодий манфаатларни кўзловчи ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган террорчилик кенг тарқалган. Унда рақиблиқнинг ёки уларнинг яқинларини жисмоний йўқотиш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажовуз билан кўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, бойликларини ўзлаштириб олиш йўлларидан фойдаланилади.

Кейинги йилларда интеллектуал ва оммавий ахборот соҳаларида террорчилик элементларидан фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил тарқатётган ахборотларидаги ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, телеэкранлар орқали доимий намоён этиладиган жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган, бузғунчи ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган «вируслар»ни тарқатиш бунга мисол бўла олади.

Ўзларининг ёвуз ниятларига эришиш учун ҳокимиятни қўлга киритишни кўзловчи кучларнинг зўравонлиги ва кўпоровчилиги сиёсий террорга мисол бўлади. Сиёсий Т. нафақат жиноятчи гуруҳлар, ҳатто баъзи реакцион агрессив руҳдаги расмий сиёсий доиралар ва кучлар томонидан уюштирилиши ва қўлланиши ҳам мумкин.

Чоризм империясининг колониял ва шовинистик сиёсати, совет империясининг ғоявий қатағонлари халқимизга қарши ўзига хос террор эди. Бугунги кунда ҳам мустақил ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизга нисбатан ғаразли ният билан қаровчи «ёвуз» кучлар террорчилик йўли билан тараққиёт йўлимиздан қалғитишга, бизни қарамликка, асоратга солишга уринмоқда. Улар ватанфуруш ҳоинлардан ҳам, террорче-ликни «қасб» қилиб олган, «бюротма» бўйича кўпоровчилик ва босқинчилик билан шўтулланивчи ёлланма халқаро террорчи, жиноятчи гуруҳлардан ҳам фойдаланмоқда. Т. қандай байроқ кўтариб чиқмасин, қандай шнорлар билан никобланмасин, унинг реакцион, жинояткорона мохиятини фарқлаб олиш, ёвуз ниятини очиқ ташлаш онгли, ҳуқуқдорли инсоннинг, ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг бурчидир.

**ТЕРРОРЧИ** – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс.

**ТЕРРОРЧИЛИК ГУРУҲИ** – олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гуруҳи.

**ТЕРРОРЧИЛИК ТАШКИЛОТИ** – икки ёки ундан орტიқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор биравуви.

**ТЕРРОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИ** – террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга ошириш, террорчилик ҳаракатига ундаш, террорчилик ташкилотини тузиш, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни моллаштириш, моддий-техника жиҳатидан таъминлашга; ҳибрат бўлган фаолият.

**ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ** – гаровда ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакиллариининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиш қурилмаларини, радио-актив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа захарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан кўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказиладиганда ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига,



соғлигига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарар етказиш ёки хавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, ЎЗР қонун ҳужжатларида ва халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларида белги-ланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш.

**ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ ОПЕРАЦИЯ** – террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш, шунингдек, жисмоний шахсларнинг хавфсиз-лигини таъминлаш ҳамда террорчиларни зарарсизлантиришга қаратилган, келишилган ва ўзаро боғлиқ махсус тадбирлар мажмуи.

**ТЕХНОГЕН ТАҲДИД** – инсон ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси, шунинг-дек, корхоналарда содир бўладиган аварияларнинг аҳоли ва атроф-муҳитга салбий таъси-ри.

**ТЕХНОКРАТИЯ** – ижтимоий фикрдаги жамиятнинг тўлалигича илмий-техника инқилоби тамойиллари асосида техниклар, муҳандислар ва олимлар томонидан бошқа-рилиши мумкинлигини тарғиб этувчи йўналиш. Т. кўра, корхоналар ва умуман жамиятни бошқариш тадбиркор ва сиёсатчилардан айнан шу тонфа қўлига ўтиши лозим.

**ТИЙНАТ** – ўзбек тилига «менталитет» сўзидан кириб келган ушбу тушунча, аввало, одамларнинг ижтимоий ва сиёсий руҳияти хусусиятлари, ўзлигини англаш ва сиёсий онгини умумлашган ҳолда белгилаш учун ишлатилади. Т. шахс ёки ижтимоий гуруҳ, бошқача айтганда, миллат ёки элатнинг фикрлаш тарзи. Унга кўра, одамлар атрофдаги ижтимоий-сиёсий воқеликни, озми-кўпми, бир хил қабул қилади, миллий турмуш тарзи ва меъёрларига мувофиқ ҳаракат қилади ва баҳолайди. Ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-руҳий омилларнинг шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таъсирини баҳо-лашда, можароларни ҳал қилишда ёки музокара олиб боришда шахснинг, ижтимоий гуруҳларнинг тийнатини эътиборга олиш зарур.

**ТИНЧ МАҚСАДЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЯДРОВИЙ ПОРТЛАШЛАР** – халқ хўжалиги вазибаларини ҳал қилиш мақсадида ўтказиладиган ядровий портлашлар. Бундай портлашлар нафақат атроф-муҳит ва ер ости сувларининг радиоактив ифлос-ланиши билан боғлиқ бўлган жиддий экологик муаммоларни келтириб чиқариши, балки ҳар бир портлаш литосфера, гидросфера ҳамда ҳаво қатламидagi жараёнлар табиий ҳара-катининг бузилиши, табиат мувозанатининг издан чиқаришига сабаб бўлади.

**ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК** – 1) шахснинг жамиятда дўстона муносабатларини ўр-наттишга йўналтирилган ижтимоий-психологик нуқтан назари. Шахснинг Т. фаолияти нафақат умумдемократик, балки тор касбий тус олиши бўлиши мумкин бўлган фуқаролик ҳаракатларида тўлиқ намоён бўлади («Олимлар тинчлик учун» Пагуош ҳаракати, «Врач-лар тинчлик учун», «Генераллар тинчлик учун» ва х.к.). Тинчлик ҳақидаги фан тарихида Т.нинг ғоявий шакли пацифизм мафқурасида ёрқин намоён бўлган. 2) Алоҳида индивидлар эмас, давлатлар ва мамлакатлар етакчи бўлган ташқи сиёсий фаолият соҳасида Т. муайян давлатлар вакиллари – давлат арбобларининг тинчликни сақлаш борасидаги ташаббус-ларида ифодаланади.

**ТОЛЕРАНТЛИК** – (лот. *чидам*) – ўзгаларнинг турмуш тарзи, ҳуқ-қ-атвори, одат-лари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан чидамлилик, бағрикенглик.

**ТОТАЛИТАРИЗМ** – (лат. *«totallitare»* – яхлит, тўлиқ) – жамият ҳаётининг оғир вазиятда тарихий зарурият туфайли бир шахс, ижтимоий синф ёки гуруҳнинг (масалаи, ҳарбийлар гуруҳи) яққаоқимлигига сўзсиз бўйсунтишга асосланган, вақтинча ва ўткинчи сиёсий тартиб, давлатни бошқариш шаклиларидан бири. Тоталитар давлат бошқарув шакли жорий қилинган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлатнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилади, ошқора ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти устидан қаттиқ назорат олиб борилади, демократик ташкилотлар фаолияти чеклаб қўйилади. Т. давлат бошқаруви тепасига келган кучларнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти ёки йўлбошчи шахснинг қайси вазибаларни ўртага ташлашига қараб, жамиятни тесқаричлик томон

тортиши ёки аксинча, мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқишнинг йўналишларидан бири бўлиши мумкин.

**ТУРКИСТОН** – Қадимги туркий, паҳлавий, хитой, хинд, араб, яҳудий, гуржи, арман, қароим, юнон, лотин, славян тилидаги ва бошқа ёзма манбаларда Ўзбекистон шу ном билан аталган. Туркистон халқи тарихий хотирасида (Ғабарий, Байхакий, Наршахий, Ҳондамир, Улуғбек, Абулғозий, Бағний, Ибрат, Бартольд, Тўғон, Олтуғхон Тўра, Т.Рискулов, Соғуний ва бошқалар) ҳам, оғзаки ижодида (Маликаи Айёр, Гўрўғли, Алпомиш каби дoston, эртак ва афсоналарда) ҳам ана шу муқаддас номни асраб-авайлаб келган.

Т. – «туркий халқлар яшайдиган ўлка, юрт, жой», муқаддас ўчоқ, қадимги туркий битиклардаги «Турк будун» мазмунини ифодалайди. Туркистон тарихий-анъанавий жиҳатдан кенг маънода қуйидаги қисмлардан иборат: а) Марказий Т. (ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, қисман Тожикистон); б) Шарқий Т. (Ички Мўғулистон, Хитойнинг Синцзян-Уйғур Мухтор вилояти, Қорақурум); в) Жанубий Т. (Тоғли Бадахшон, Қўқусув, Шимолий Ҳиндистон – Жамму-Кашмир вилоятлари, Шарқий-шимолий Афғонистон); г) Ғарбий Туркистон (Эроннинг шимоли, Кавказ, Хазар-Каспий хавзаси); д) Шимолий Т. (Шимолий Қозоғистон, Эдил – Булғор (Волга) бўйи, Жанубий Ўрол тоғларигача чўзилиб кетган Турон пасттекслиги, Об, Энасой (Енисей), Элуна (Лена) оралиғи, Сабар (Сибир).

Тор маънода «Т.» деб, асосан, Марказий Т. тушунилади. Ўзбекистон, ўз стратегик ўрни, иқтисодий-технологик ва маданий салоҳияти, иқтисодии жиҳатидан, Чингиз Айтматов иборасига кўра, Т. ворисидир. Муस्ताқилликка эришилган йиллардан эътиборан «Т.» атамаси тарихий-сиёсий, маданий-этниқ атома сифатида қайтадан муомалага киритилди. У жуғрофий-техникавий ном сифатида эмас, балки ижтимоий-этниқ ва тарихий-маданий маънода тенг қўлланила бошлади. Тарих азалидан то ҳозирги кунгача Т. ўрни, мавқеи ва аҳамияти унинг бирлигидадир. Шунинг учун ҳам Т. келажаги тўқ-фаровон ва саодатли дейиш мумкин. Ўзбекистон Т. ўзагидир.

**ТУРКИЯНИНГ БУЮҚ МИЛЛИЙ ЙИГИНИ** – Туркиянинг бир палатали парламенти. 5 йил муддатга сайланадиган 550 та депутатдан иборат.

**ТЎНТАРИШ** – бир гуруҳ исёнчилар ташаббуси билан давлат тўнтаришини амалга оширишга уриниш.

**«ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ»** – жамиятдаги оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ), яъни рўзнамалар, ойномалар, радио, телевидение ва оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа воситаларининг жамият аъзоларига таъсир кучига айтилади. Ҳокимиятнинг учта асосий тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд тизими ҳокимиятларидан фарқли ўларок, Т.Х. улар каби, милиция, прокуратура, миллий давлат хавфсизлик хизматига ўхшаш, ўз фикри-қарорини мажбуран амалга оширадиган органларга эга эмас. Шу жиҳатдан Т.Х. тўғри маънода эмас, балки кўча маънодаги ҳокимиятдир. Аммо Т.Х., худди ҳақиқий ҳокимият каби, жамиятнинг турли соҳалари фаолиятини таҳлил этади, назорат қилади, уларни бошқариш ва ташкилий томонларини ўрганади, бу борадаги камчиликлар ва хатоларга омманинг, ҳокимият тармоқларининг диққатини жалб этиб, жамият тараққиётини тезлатишга, долзарб масалларнинг ўз вақтида ва самарали ҳал этилишига кўмаклашади, мамлакат раҳбариятига ички ва ташқи сиёсат, иқтисод ва маданий-маънавий соҳасида тўғри қарорлар қабул қилиш учун замин тайёрлаб, халқ оммаси фикри ва ҳаракатларига ижобий йўналиш беради. Шу йўл билан аҳоли ОАВ орқали давлатни бошқаришда қатнашади ва ундан қўшимча восита сифатида фойдаланади. Айни вақтда, ҳокимият ҳам ОАВ ўз сиёсатини тушунтириш, кенг оммага етказиш, уни янги бунёдкорлик фаолиятига сафарбар қилиш учун фойдаланади.

Т.Х. кенг омма билан ва халқни ҳокимият билан боғлашнинг самарали воситасидир, ҳокимият ва омма хатти-ҳаракатларида нотўғри, ноўрин чора-тадбирларнинг олдини олиш йўлларида биридир. Жамиятдаги тескари кучлар ва гуруҳлар Т.Х. Узларининг қора ниятлари йўлида фойдаланишлари мумкин, тараққиётпарварлик тарафдорлари учун эса у халқни, оммани сафарбар этишнинг қуроли ва минбаридир.

Ўзбекистонда замонавий Т.Х. ҳар томонлама фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилган, ОАВ бир неча тилда, турли шаклларда юритилади. Муस्ताкил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидан, бошқа мамлакатлардан телевидение, уларнинг газеталари, журналлари, радиоси орқали турли ахборот олинади.

## У

**УЙҒОНИШ ДАВРИ (РЕНЕССАНС)** – XV–XVI асрларда Ғарбий Европада маданият ва санъатнинг юксак тараққий этган даври. У. мумтоз шакллари Шимолий ва Ўрта Италия шаҳарларида ривожланган. Бу давржаҳон савдо алоқаларининг, феодаллар ҳукмронлигидан қутулган шаҳар-комуналар сановатининг жадал ривожланиши, адабиёт, санъат ҳамда фалсафага қизиқиш бекиёс даражада ортгани билан характерланади.

**УЗУРПАЦИЯ** – давлат конституциясига хилоф равишда ҳокимиятни қўлга олиш ёки куч билан ушлаб туриш. Демократик давлатларнинг барчасида У. оғир давлат жинояти ҳисобланади.

**УЛУҒБЕК МИРЗО ВА УНИНГ АКАДЕМИЯСИ** – Амир Темурнинг набираси, Шохрухмироннинг ўғли Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394–1449 йй.) дунёда давлат арбоби ва олим сифатида маълум ва машҳур. У М. 17 ёшидан бошлаб то вафот этгунича, 39 йил Мовароуннахрга ҳокимлик қилади. Лекин тарихда у буюк табиатшунос олим, мунажжим ва математик сифатида донг таратган, ўша даврларда тенги бўлмаган Самарқанд астро-номия обсерваториясини яратган, ўз замонасининг йирик академиясини ташкил қилган, «Зийжи Кўрағоний» китобини ёзиб қолдирган. Шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам ижод қилган. Масалан, «Тўрт улус тарихи» асарини ёзган. Бир қанча мадраса ва маърифат масканларини қурдирган. Илмий бўлиш, илмий ҳақиқатни ечиш инсон учун олий фазилат эканлигини алоҳида таъкидлаган.

У.М. фанда кузатиш усулига ва илмий асбобларнинг ролига катта эътибор беради, илмий тадқиқотда математик воситалар ва мантиқий усуллар ўрнини алоҳида қайд этади. Унинг илмий фаолиятининг муҳим фазилатларидан бири – тадқиқотни мавҳум мулоҳазалардан эмас, балки жонли мушоҳададан бошлаганлигидадир; шу асосда мавҳум умумлашмалар чуқур абстракцияларга ўтади. У.М. жадваллари баён этилган «Зийжи» асари-да жаҳонда ҳар хил халқлар йил ҳисобларидаги эралар ва уларнинг ўзаро муносабатлари, вақтни аниқлаш, экватор, эклиптика, азимут, кенглама, узунлама, умуман, самовий jismlарнинг координатлари ва ҳаракат хусусиятлари, Кўёш ва Ой тутилишлари, самовий jismlар ҳаракатлари тенгламалари, ҳаракат жадваллари, юлдузлар ва сайёралар нурлари каби масалалар тарихда қандай бўлган, табиий jismlар ҳаракатининг қонуниятлари қандай деган саволларга жавоб берган. У.М. астрономияси геоцентризмга асосланган бўлса-да, унинг астрономияга тегишли математик мулоҳазалари эскирмайди ва хануз илмнинг ривожига хизмат қилмоқда.

У.М. илмий меросини ўрганишга биринчи бўлиб Оврупо олимлари алоҳида аҳамият беришди. Поляк, инглиз, француз астрономлари, кейинчалик, немис шарқшунослари ва Оврупонинг бошқа йирик олимлари унинг асарларини атрофлича ўргандилар ва нашр эттирдилар. У.М. ўз замонининг энг етуқ олти астроном олимларининг биринчиси деб тан олинган. Бизнинг асримизда қатор олимлар У.М. илмий ижодини ўргандилар, илмий таҳлил қилиб бердилар.

У.М.академиясида бир қатор йирик олимлар хизмат қилганлар: Ғиёсийдин ал-Кошйи, Қозизода Румий, Али Қушчи ва бошқалар. Мазкур академияда истаган тригонометрик функцияларни бир даражанинг синуси ёрдамида аниқлаш – итарацион алгоритм кашф этилди; «Пш» сонининг энг аниқ қиммати топилиди ва ҳ.к.

У.М. Аллохнинг қудратига ишонган. У.М., ижтимоий тўқнашувлар сабабли, жохил фитначилар томонидан ўлдирилган. У.М. ўз ватанига 40 йилча хизмат қилди, ўз юртини ҳамда жаҳон фанини ривожлантирди. Шунинг учун ҳам, ЮНЕСКО У.М. таваллудининг 600 йиллигини жаҳон миқёсида нишонлади. Ҳақимизнинг У.М. У.М. бўлган ихлоси

нихоятда баланд. Тошкент Давлат университети, Тошкент астрономия институти, Китобдаги халқаро кенглик станцияси, Самарқанд архитектура-қурилиш институти ва бир канча мактаблар, шаҳарчалар, Тошкентда метро станцияси ва кўчалар унинг номида. Мустақил Ўзбекистон-тонимиз тарихида у мустақкам ўринини эгаллаган.

**УЛЬТИМАТУМ** – (лот. *ultimus* – сўнгуи) – 1) сиёсатда: чора қўллашни назарда тутадиган катъий талаб; 2) халқаро ҳуқуқда: муайян давлатнинг белгиланган муддатга тегишли тавсияларни шубҳасиз бажариш ҳақидаги талаби. Унинг бажарилмаслиги дипломатик алоқаларни тўхтатиш, ҳарбий куч ва бошқа чораларни (иктисодий, ҳудудий блокада ва х.к.) сабаб бўлиши мумкин.

**УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛИ** – барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатига мос келувчи моддий ва маданий ҳодисалар, мезонлар, қадриятларнинг устувор бўлишига таъинган гоълар асосидаги фаолият мажмуи. Ҳар бир одам жинси, ирки, миллати, ёши, касби, эътиқодидан катъи назар, авваламбор, башар фарзанди, инсондир. Шу умумий моҳият барча одамлар, миллатлар учун бирдай аҳамиятли ва қадрият бўлган предмет, ҳодиса, жараён, муносабатларни фарқлашга имкон беради. Умуминсоний қадриятлар инсоният тарихининг яхлитлигини ифодалайди, у даврлар ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан бир қаторда тақомиллашиб, ривожланиб, тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи ва камол топтирувчи кучга айланиб боради. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат, эркинлик ва озодлик, барқарорлик ва фаровонлик, эзгулик ва тараққиётга бўлган интилиш умуминсоний қадриятларнинг муҳим жиҳатидир.

**УМУМИНСОНИЙ ҒОЯЛАР** – ўз моҳияти ва миқёсига кўра башариятнинг онги ва қалбини эгаллаган, дунёдаги барча одамлар ва ҳар бир халқ учун энг юксак аҳамиятга эга бўлган, бутун инсониятнинг эзгу мақсадларига хизмат қиладиган гоълар. Ҳозирги замонда демократия ва гуманизм, тинчлик ва барқарорлик, мустақиллик ва озодлик, қонуннинг устуворлиги ва инсон эркинликлари каби қадриятлар умуминсоний аҳамиятга эга. Шунингдек, яхшилик, адолат, миллатларнинг тенг ҳуқуқчилиги, виждон эркинлиги, табиатни асраш ва шу қабилар умуминсоний гоъларга мисол бўла олади. Жамият ривожида улар хилма-хил тарзда, турли-туман шаклларда намоён бўлиб, инсон ҳаётининг маънавий мезони бўлиб хизмат қилади.

**УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР** – бутун инсониятнинг тажрибасини ифодаловчи ва маълум фарқ бўлишидан катъи назар, барча одамлар учун муштарак бўлган дунёқараш ёки ахлокий меъёрлар.

**УМУМХИТОЙ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ЙИГИНИ** – Хитой Халқ Республикасининг қонун чиқарувчи органи. 1982 йилдан бошлаб замонавий шаклда иш юритади.

**УНИВЕРСАЛ ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК** – Бирлашган Миллатлар Ташкилати доирасида ялпи хавфсизликни таъминлашнинг умумий чора-тадбирлари.

**УНИТАР ДАВЛАТ** – ташкил қилувчи қисмлари давлат мақомига эга бўлмайдиган давлат. Бундай давлатда ягона конституция, ягона фуқаролик, ягона олий қонун чиқарувчи, ягона бошқарув ва суд органлари мавжуд бўлади. У.Д. у ёки бу қисмида фаолият кўрсатаётган давлат органлари маҳаллий давлат органлари ҳисобланади. У.Д. давлат мажмуи: ий-ҳудудий бирликларининг чегаралари марказий органлар томонидан қабул қилинган қонунлар асосида ўзгартирилади ва бунинг учун маҳаллий давлат органлари ёки аҳолининг розилиги талаб қилинмайди. Давлат органлари ўз фаолиятларини марказдан тайинланадиган махсус вакил (губернатор, комиссар, ҳоким ва х.к.) назорати остида амалга оширадилар.

Давлатнинг унитар ёки ноунитар шаклда ташкил қилиниши мавжуд тарихий, миллий, жутрофий, ҳудудий ва бошқа қатор омилларга боғлиқ. Баъзи вазиятларда унитар давлат жамиятни бошқаришнинг энг қулай ва самарали шакли бўлиши, бошқа вазиятларда эса унитар бўлмаган, яъни, масалан, федератив шакл давлатни бошқаришнинг энг самарали шакли бўлиши мумкин. Мустақил Ўзбекистон ўзининг давлат шаклини аниқ-

лашда республикамиздаги шароитлар, тарихий тажриба ва анъаналарни, миллий менталитетни, яъни халқимизнинг фикр юритиш, жамият ҳаётини англаш ва талқин қилиш соҳасидаги тажрибасини ва бошқа барча омилларни, ўзга давлатларнинг давлатни бошқариш борасидаги ютуқлари, ижобий томонларини ўрганиш ва уларни инобатга олган ҳолда иш кўрди, бозор иқтисодига ўтиш шароитларида давлатни бошқаришнинг энг муқаммал шаклини танлай билди: барча вазирлар ва ҳокимларнинг Президент томонидан белгиланиши ва ишини уddaлай олмаса, Президент томонидан бўшатилиши раҳбарликнинг самарали ва натижалли бўлишини таъмин этмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон давлати таркибига киради. Бундай ҳолат Ўзбекистоннинг ва Қорақалпоғистоннинг умумий муштарак манфаатларига монандир. Демак, ҳозирги Ўзбекистоннинг мавжуд шароитларига унитаризм қондалари жавоб беради. Аммо, баъзи масалаларда унитар бўлмаган давлатга хос томонлари ҳам бор.

**УНИТАРИЗМ** – федератив бирликларнинг (штатлар, ҳудудлар ва шу қабилар) давлат таркибида мавжудлиги. Кўзда тутилмаган давлат қурилишининг шакли. Унитар давлат таркибида алоҳида мухтор миллий тузилма, жумладан, давлатчилик белгиларига эга субъектлар бўлиши мумкин (Мас., ЎзР таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг мавжудлиги).

**УРБАНИЗАЦИЯ** – шаҳарлашув, жамият ҳаётида шаҳарларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий ролининг ошиб боришини белгилайдиган тарихий жараён.

**УРУҒ-АЙМОҚ (КЛАН)** – 1) хўжалик ва ижтимоий алоқалари билан узвий боғланган уруғ ёки уларнинг гуруҳи; 2) умумий аجدоднинг номи билан аталадиган она ёки ота томондан келиб чиққан қондошлик гуруҳи;

**УРУШ ВАЗИЯТИ** – давлатлар ўртасида уруш эълон қилингандан ёки Ҳарбий ҳаракатларнинг бошланишидан эътиборан, то уруш тугагунга қадар бир-бирига бўлган муносабати. Томонлар Қуrolли кучларни ишга солиши ҳамда дипломатик савдо, молна ва бошқа алоқаларни тўхтатиб, душманининг давлат мулкани мусодара қилиши (дипломатик ваколатхоналар буздан мустасно), савдо кемаларини реквизиция, қуrolсизланттириш ва бошқа ҳолатлар юзага келиши мумкин. Амалиётда ҳар доим ҳам бажарилавермасда У.В. киришнинг асосий ҳуқуқий шакли уни расман эълон қилиниши ҳисобланади. Бу жараён тинчлик битимини тузиш орқали тўхтатилади.

**УРФ-ОДАТ ВА РАСМ-РУСУМЛАР** – кишилар турмушига сингиб кетган, доим тақрорланиб турадиган хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳулқ-ятвор қондалари ва кўникмалар (мас., меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш, ёрдамга мухтожларга ҳашарга бориш ва шу қабилар).

**УЮШМАЛАР** – ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, манфаатларини ҳимоя қилиш ва ягона илмий-техник сиёсати таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг кўнгилли жамоат бирлашмалари.

## Ф

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ** – одамлар нобуд бўлиши, улар саломатлигига ёки табиий муҳитга зарар етиши, катта миқдордаги моддий талофатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган (келтириб чиқарган) авария, хавфли табиий офат, талофатлар (шунингдек, душман томонидан қирувчи воситаларни қўллаш) оқибатида вужудга келган маълум ҳудуддаги ҳолат. Таъсир этувчи омиллар тарқалиш зонаси кўламига боғлиқ ҳолда Ф.В. қуйидагиларга бўлинади: локал (ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳага мўлжалланган объект ҳудуди доирасида), маҳаллий (аҳоли пункти, шаҳар, туман доирасида), терри-

ториал (худудий, ЎзР субъекти худуди доирасида), регионал (ЎзР иккита субъекти худуди доирасида) ва трансчегаравий (Ф.В. таъсир этувчи омиллари). ЎзР чегараларидан ташқарига чиқиши ёки хорижда содир бўлган Ф.В. ЎзР худудига тааллуки бўлиши мумкин).

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ** – ижрочи ҳокимият органи, фуқаро мудофааси, аҳоли ва худудни табиий ҳамда техноген хусусиятга эга бўлган фавқулодда ҳолатлардан химоя қилишга оид масалаларни ечиш учун махсус ваколатга эга орган. У ягона давлат сиёсатини олиб боради, фуқаро мудофааси, фавқулодда вазиятдан огоҳ қилиш ва уни тўхтатишда давлат бошқарувини қўлга олади. Ижрочи ҳокимият аҳоли ва худудни фавқулодда вазиятлардан химоя қилишга масъул орган фаолиятини мувофиқлаштиради.

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ** – одамлар ҳаёти ва саломатлигига хавф солувчи таҳдиднинг олдини олиш ёки маълум даражада камайтиришга, уларнинг шахсий мулки йўқолиши ва фавқулодда вазиятда аҳоли ҳаётини таъминотининг бузилишига, шунингдек, одамларни кидириш ва қутқаришни ташкил этишга, талофат кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва жабрланган аҳолига яшаш шароитини яратишга йўналтирилган ташкилий, инженер-техник ва махсус тадбирлар мажмуи.

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ТАҲДИДИ** – аҳолига, унинг мол-мулкига, давлат мулки ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига ҳамда фавқулодда вазият худудидagi табиий муҳитга зарар етказиш учун бевосита имкон яратувчи ҳолат.

**ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ** – давлатдаги алоҳида ҳуқуқий ҳолат. Ривожланган мамлакатлар конституциясига кўра, ҳарбий таъовуз, давлат тўнғариши, сиёсий инқирозлар, табиий офатлар, эпидемиялар, техноген фалокатлар юз берган ҳолларда Ф.Х. бутун мамлакат ёки унинг айрим худудларида киритилиши мумкин. Ф.Х. – мамлакатда ёки алоҳида худудда жорий қилинган, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатларининг ўзгариши, жамоатчилик бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинлик ва мажбуриятга рига дахлдор ўзгаришларни кўзда тутувчи жамият ҳаётининг махсус ҳуқуқий тартиботи. Ф.Х. – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётини манфаатларига бевосита хавф тўғдирувчи омилар пайдо бўлишидан келиб чиққан вақтинчалик чора. Ф.Х. жорий қилишдан кўзланган мақсад – фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, конституциявий тузумни химоя қилиш, ушбу омиллари қисқартириш ҳамда бартараф қилиш билан қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботини қайта тиклаш, уларнинг зарарли оқибатларига чек қўйиш ва нейтраллаштиришдир. Ф.Х. мажбурий чора ҳисобланади. Уни жорий қилиш учун қуйидагилар асос бўлади: конституцион тузумни куч ишлатиш йўли билан ўзгартришга уриниш, оммавий тартибсизликлар, тазйиқ, миллатлараро низолар алоҳида жойларни блокада қилиш, фуқаролар ҳаёти ва хавфсизлигига ёки давлат муассасалари меъёр фаолият юритишига таҳдид солувчи табиий офатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, аҳолининг ҳаёти ва саломатлигини хавф остига қўювчи авария-қутқарув ва қайта тиклаш ишларининг ўтказилишини талаб этувчи катта авариялар. Ф.Х. ЎзР Президенти фармони билан жорий қилинади.

**ФАЛСАФА** – (юнон. «*phileo*» – *севаман*, «*sophia*» – *доншиманглик*) – энг умумий билимлар тизими, оламни билишнинг махсус шакли. «Ф.» атамасини илк бор Пифагор қўллаган, лекин Ф. н арий билимнинг алоҳида соҳаси сифати ўрганган биринчи файласуф олим Афлотун (Платон) эди.

**ФАЛСИФИКАЦИЯ** – (лот. «*falsifico*» – *сохталаштириш*) – кенг маънода – муайян воқеа-ҳодиса, фактларни онгли равишда бузиб кўрсатиш, сохталаштириш. Жиноят ҳуқуқида – ғаразли мақсадларда махсулот (буюм, пул бирлиги, пластик карточка ва ҳ.к.) кўриниши ёки шаклини бузиш, сохталаштириш.

**ФАОЛЛИК** – кенг маънода, инсон фаолиятининг асосини ташкил этадиган фаолият.

**ФАОЛИЯТ** – инсон жамияти мавжудлигининг шакли, борлиги, ташки дунёни, инсоннинг ўзини мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартришга қаратилган инсоннинг энг

муҳим хоссаларидан бири ҳисобланади. Ф. онгли хусусиятга эга бўлиб, у ўзида мақсад, воситалар, натижа ва жараёни камраб олади. Фалсафада Ф. тамойили антик давр мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у ўзига хос шаклда намоён бўлган. Уйғон-шиш даври файласуфлари Ф. ва унинг амал қилиш жараёнида қўлга киритилган эркинликни инсоннинг моҳиятини билиш билан боғлайдилар. Ф. тамойилининг илк шакллардан бири олмон классик фалсафасида кўрсатиб ўтилган. Бу ерда Ф. унинг амалга оширувчиси жиҳатидан, ижтимоий, гуруҳий ва шахсий кўринишларда намоён бўлишига эътибор берилган. Ўзгаришларнинг амалга оширилиши хусусиятига кўра, фаолиятнинг репродуктив (қайта ишлаб чиқарувчи) ва продуктив (янгини яратувчи) турлари ажралиб туради. Ф. манбаи унинг ўзидан келиб чиқади. Бу ўз-ўзидан амалга ошувчи жараёндир. Лекин у ўзига етарли даражада таъсир кўрсатувчи муайян табиий ва ижтимоий шарт-шароитлар тизимида амалга ошади. Одамларнинг эҳтиёжларига боғлиқ равишда фаолият, анъанавий тарзда қуйидагаларга бўлинади: 1) моддий Ф. (ташқи табиатни ўзгартириш орқали одамнинг бирламчи эҳтиёжлари – озиқ-овқат, кийим, меҳнат қуролларига бўлган эҳтиёжини қондириш); 2) ижтимоий-сиёсий Ф. (ижтимоий муносабатларга таъсир этганининг турли шакллари, ижтимоий ҳаётни ташкил этиш); 3) маънавий Ф. (фан, санъат, дин ва ҳ.к. соҳасидаги фаолият).

**ФАРМОН** – давлат раҳбари, ЎзР эса Президент, чиқарадиган энг муҳим ҳужжатлар номи. Ф. мазкур давлат Конституцияси ва қонунларига, ЎзР Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳамда ЎзР қонунларига зид бўлмаслиги керак.

**ФЕДЕРАЛ ЙИГИН** – Швейцариянинг икки палатали қонун чиқарувчи органи. 4 йил муддатга сайланадиган Миллий Кенгаш (200 депутат) ҳамда Контонлар Кенгашидан (46 депутат) иборат. 1874 йилда Конституция қабул қилинганидан кейин ташкил топган. 1943 йилда реорганизация қилинганидан сўнг замонавий кўринишда фаолият юритади.

**ФЕДЕРАЦИЯ** – (лат. *«federare»* – *иттифоқ бўлиб мустақамлаш*) – давлат тузилиши шаклларида бири. Федератив давлатлар мураккаб тузилишига эга давлатлар деб ҳам юритилади. Бунинг бонси шундаки, федератив давлат, одатда, давлатларнинг ўз сиёсий мустақиллигини ихтиёрий равишда ва муайян доирада чеклаш йўли билан ягона иттифоққа бирлашуви натижасида юзага келади.

Ф. хос белгилар: 1) Ф. худуди, унинг субъектлари, яъни тарқибий қисмлари баъзи давлатларда – штатлардан (АҚШ, Мексика, Бразилия, Венесуэла, Ҳиндистон, Австралия, Малайзия), баъзиларида – Кантон ва ярим Кантонлардан (Швейцарияда), баъзиларида – Провинциялардан (Аргентина, Канада) ёки ерлардан (Олмония ва Австрия ва ҳ.к.) иборат бўлади; 2) Ф. субъектлари, одатда, федератив давлат конституциясига зид эмас, ўз конституциясини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади, лекин баъзи бир федератив давлатларда (мас., Канаданинг провинциялари, Венесуэланинг штатлари, шунингдек, Ҳиндистоннинг кўпгина штатлари) бундай субъектлар ўзларининг мустақил конституцияларига эга эмас; 3) Ф. ва унинг субъектлари ваколатлари ўртасидаги чегара иттифоқ Конституциясида белгиланади.

Барча федератив давлатларда икки поғонали давлат ҳокимияти, бошқаруви ва суд органлари мавжуд. Биринчи поғона – Ф. Олий қонун чиқарувчи, иккинчи ва суд ҳокимиятлари. Иккинчи поғона эса ҳар бир Ф. субъектнинг олий қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятидан иборат. Уларнинг ваколатлари Конституция билан белгиланади. Ваколатларни чегаралаш усуллари турли хилдир. Мас., бир қатор давлатларда, жумладан, АҚШ, Швейцария, Канада, Бразилия, Аргентина, Венесуэла ва Мексиканинг федерал конституциясида икки турдаги ваколат доираси белгиланган: а) федерал ҳокимиятнинг мутлақ ваколат доирасига кирган масалалар (мудофаа, пул чиқариш, ташқи алоқа); б) Ф. субъектларининг мутлақ ваколатига кирган масалалар (штат олий қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд органларини тузиш, штатларнинг ўз қонунларини қабул қилиш, бюджет масалалари). Баъзи бир давлатларда (мас., Ҳиндистон ва Малайзия) юқоридagi икки ваколат доираси учинчи ваколат доираси – рақобатлашувчи ваколат доираси билан

тўлдирилади. Унга кўра, баъзи масалалар, бир вақтнинг ўзида, ҳам Ф. ваколатига, ҳам Ф. субъекти ваколатига киртилган. Бу ваколат доираси турнга биноан, агарда бир масалани федерал конунчилик билан Ф. субъекти конунчилиги турлича тартибга соладиган бўлса, федерал конунчилик амал қилади, яъни умумфедератив конунчиликка имтиёз берилади; 4) Ҳар бир Ф. субъекти ўзининг ҳуқуқ ва суд тизимига эга бўлади. Масалан, 50 штатдан ташкил топган АҚШда ҳар бир штат бир-биридан фарқ қилувчи ҳуқуқ тизими ва ўз суд тизимига эга; 5) Кўпгина федератив давлатларда умумдавлат фуқаролиги ва айни вақтда, Ф. субъектларининг ўз фуқаролиги ҳам мавжуд бўлади. Лекин бу хусусият ҳамма федератив давлатлар учун ҳос эмас. Мас., Канада, Венесуэла, Ҳиндистон ва Малайзияда фақатгина федерал фуқаролик белгилаб қўйилган; 6) Ф. субъектлари одатда ўз манфаатларини химоя қилиш мақсадида федерал парламентда махсус палатага эгалар (мас., АҚШ Конгрессининг юқори палатасида Сенат, Олмония парламентида – Бундестаг, Ҳиндистон парламентида – Штатлар кенгаши, Мексика Конгрессида – Сенат ва ҳ.к. шу вазифани бажарадилар). Лекин улар унитар давлатлардаги парламентларнинг юқори палатасидан жуда кам фарқ қиладилар. Чунки, одатда, Ф. субъектлари миллий давлат тузилмалари сифатида қаралмайди ва улар махсус манфаатларга эга эмас. Умуман олганда, Ф. давлат тузилиши шакли сифатида тарихда ижобий роль ўйнаган ва ўйнамоқда. Аммо, шу билан бир қаторда Ф. тузиш ниқоби остида Ф. қирувчи энг катта республиканинг имтиёзли ҳолатини таъминлаш ёки федерациядан ҳукмрон сиёсий партиянинг ўз манфаатларини амалга ошириш воситаси ёхуд қуроли сифатида фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бунинг яққол намунасини собиқ СССР мисолида кўриш мумкин эди. СССР федератив давлат эканлиги, унга қирувчи барча республикаларнинг ҳар томонлама тенг ҳуқуқли эканлиги ҳар бир жиҳатдан тарғиб ва ташвиқ этилди. Аслида эса кўпмиллатли совет федератив давлати иттифоқдош республикаларни Марказнинг стратегик мақсад ва режаларига бўйсундиришнинг қуроли ва воситаси эди. Стратегик мақсад – иттифоқдош республикалардан жаҳон социализмининг кенгайтириш учун олиб бориладиган курашларда моддий манба сифатида фойдаланиш эди. Шу боисдан иттифоқдош республикалар оддий мустамаलाкалардан фарқ қилмас эдилар. Республикаларда яратилган саноат марказлари, кишлоқ хўжалик майдонлари Марказнинг стратегик манфаатларини қондиришга мўлжаллаб яратилганди. Маънавият соҳасида эса сиёсат ягона социалистик маданиятни шакллантиришга қаратилган, миллий тилларни аста-секин ҳаётнинг муҳим соҳаларидан сикиб чиқаришга йўналтирилган эди. Ана шу ўтмиш сабогини назарда тутиб, СССР парчаланиб кетгандан сўнг, мустақил Ўзбекистон унинг ҳудудида ҳар қандай Ф. тузиш режаларига салбий муносабатда бўлди ва бундай гоёларни қўллаб-қувватламади. Мустақил Ўзбекистон ҳақиқий тенглик асосидаги ҳамкорлик тарафдори.

**ФЕМИНИЗМ** – (фран. *«feministe»* – аёл) – аёлларни камситишлардан ҳалос этишни тарғиб этувчи, улар маъкини жамиятдаги ижтимоий воқеалар ҳосиласи сифатида ўрганувчи оқим. Ф. Франция буржуа революцияси даврида вужудга келиб, хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши учун кураши, шунингдек, ижтимоий-сиёсий курашда иштирок этишини тарғиб этади.

**ФЕНОМЕН** – (يون. *«phainomenon»* – юз берувчи) – ноёб, жуда кам учрайдиган ҳолат ёки ягона бўлган буюк инсон. —

**ФЕОДАЛИЗМ** – «Феодализм» ибораси XVIII аср охиридаги француз инкилоби арафасида пайдо бўлиб, эски тузумни(мутлақ монархия, дворянлар ҳукмронлиги ва ҳ.к.) англатган. Замонавий тарих фанида «Ф.» тобе деҳқонларни эксплуатация қилинган ҳамда ҳокимият феодаллар қўлида бўлган ижтимоий тизим сифатида талкин қилинади.

**ФИДОЙИЛАР** – ўрта асрларда Эрон, Сурия, Ливандаги яширин ҳашишопийлар ташкилотининг аъзолари. Кейинги даврларда мусулмон мамлакатларидаги қуролланган озодлик кураши қатнашчиларига нисбатан ҳам кўпинча Ф. атамаси ишлатилга бошланди. Мас., Эронда XX асрнинг 70-йиллар бошидан фаолашган ёш зиёлилар ва талабаларни



бирлаштирган «Халқ Ф.» ташкилоти инкилоб даврида кучайди, лекин инкилоб ғалаба-сидан сўнг у таъқиб остига олинди.

**ФИТНА, ТЎНТАРИШ** – бир тўда исёнчилар томонидан амалга оширилган давлат тўнтарыши.

**ФИТРАТ АБДУРАУФ АБДУРАХИМ ЎҒЛИ** – Ф. 1886 йилда Бухоро шахрида туғилган. Ф. унинг адабий таҳаллуси бўлиб, «туғма табиат», «туғма истеъдод», «порламок» маъноларини англатади. Унинг отаси савдогарчилик билан шуғулланган диндор, ўқимишлар шахс бўлган, онаси Мустаф биби нозик таъб, саводли аёл бўлиб, асосан, фарзандлар таълим-тарбияси билан шуғулланган. Ф. дунёқарашининг шаклланишида, унинг бадият оламига яқинлашувида онасининг ўрни катта бўлган.

Ф. дастлаб эски мактаб ва Мир Араб мадрасасида таълим олиб, 1909 йили, «Жамияти хайрия»нинг кўмагида, Россия шахарлари орқали Истанбулга ўқишга боради. У ерда Истанбул дорилфунунининг ваъхонлик куллиётида таҳсил олади. Истанбулда ташкил этилган «Бухоро таълими маориф жамияти»нинг фаол иштирокчиларидан бирига айланади. Шу билан бирга, турк инкилобчи ёшлари ҳаракатига ҳам иштирок этиб, бу фаолиятини кейинроқ, ўз ватанида, ёш бухороликлар жамиятининг инкилобий курашида давом эттиради.

Ф. 17 ёшдан бошлаб жиддий илмий-ижодий иш билан шуғулланади. Унинг илмий меросини 260 босма табоқдан зиёд асарлари ташкил этади. Бу асарлар адабиёт-шунослик, тилшунослик, тарих, фалсафа, диншунослик, шарқшунослик, этика, эстетика, мусиқа, шахмат, мелиорация, геодезия каби билим соҳаларига бағишланган бўлиб, улар Ф.нинг қомусий тафаккур эгаси бўлганлигидан дарак беради. Унинг дастлаб яратилган «Мунозара» (1909 й.), «Ҳинд сайёҳи» (1911 й.), «Раҳбари нажот» (1915 й.) асарлари нафақат бадий ва диний, балки ижтимоий-фалсафий, маърифий ва ахлоқий маззудаги асарлар эди. Уларнинг асосида жадидчилик ғоялари ётар эди. Бу асарларда халқнинг қадриятлари ҳақида қайғуриш, тугтун ва тургун миллатнинг истикболини ёритиш ҳақидаги ғоялар асосий ўрин эгаллайди.

Ф. кейинроқ ёзилган «Шарқ сиёсати» (1919 й.), «Шарқда инглизлар», «Туркистонда руслар» публицистик мақолаларида истило сиёсатининг сабаб ва оқибатларини чуқур назарий мушоҳада этиб, бу сиёсатнинг турли халқлар ва миллатлар ҳаётидаги таъсири, салбий оқибатларини равшан кўра олган, унга баҳо бера олган йирик арбоб сифатида фикр юртади.

Ф. Петроград дорилфунунининг Шарқ факультетида маърузалар ўқиб юрган кезлари, ўзбек олимларидан биринчи бўлиб, профессор увонига сазовор бўлган. У Британия энциклопедияси саҳифасида ўзбек файласуф олми сифатида қайд этилган адибдир. Ф. ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш ва тарғиб этишда, ўзбек мумтоз мусиқаси ва санъатини ўрганиш, «Шашмақом»ни ногага туширишда жонбозлик кўрсатган. Унинг ҳар бир асари миллий меросни қайта тиклаш ва миллий маданиятни ривожлантиришга қаратилган, миллий истиклол ва мустақил тараққиёт концепцияларини баён этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўз илмий ва амалий фаолиятида кенг ва серқирра ижод этган олим ва миллатпарвар Ф. 1937 йилда машъум қатагон сиёсатининг қурбони бўлди. Болшевикларнинг Россияда социалистик инкилоб ғалаба қозонган тақдирда мамлакатда миллий масалани оқилона ва одилона ҳал қила: «3, деб тузган дастурлари аслида эзилган в: ҳар жиҳатдан камситиб келинган халқларни социализм тузоғига тушириш режаси эканлигини Ф. Чўлпон, А. Қодирий ва ўнлаб, юзлаб бошқа ёш зиёлилар ҳамда мутафаккирлар тушуниб, англаб улгурмадилар. Уларнинг фожиаси ва истибод тузумининг янада мустақамланиши ўсиб келаётган ўзбек зиёлиларининг кўпчилигини, очик ва эркин ижодий ҳаётдан ўзини четга олишга, оғир, шифқатсиз вазиятларга мослашишга, ҳаёлида бир фикр, сўзлаганда бошқа фикр айтишга мажбур этди.

**ФОЛЬКЕТИНГ** – Дания Қироллигининг бир палатали парламенти. 4 йил муддатга сайланадиган 179 депутатдан иборат.

**ФОНД БИРЖАЛАРИ (БИРЖАЛАРНИНГ ФОНДЛИ БЎЛИМЛАРИ)** – кимматли қозғалар савдосини ташкил этувчи муассасалар: уларнинг фаолияти қонунчилик билан тартибга солинади.

**ФОРОБИЙ АБУ НАСР** – (тўлиқ исми-шарифи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тарҳон ал-Форобий) – (ҳозирги Шимкент вилоятининг Фороб деган жойида 873 йилда таваллуд топиб, 950 йилда Дамашқда вафот этган) – файласуф, мутафаккир, қомусий олим. Фороб, Тошкент, Бухоро ва Самарқандда ўқиган. Бағдодда яшаб, юнон олимларининг асарларини ўрганган, 70 дан ортик тилни билган. 940 йилдан то умрининг охиригача Дамашқда ғарибона яшаб, фақат илм-фан билан шугулланган. Фан оламида унинг 160 дан ортик асари маълум. Замондошлари уни «Шарқ Арастуси», «ал-муаллим ас-Соний» (иккинчи муаллим, Арастудан кейин), деб номлаганлар. Афлотун, Арасту (Аристотел), Ҳқлидис (Евклид), Ботилумус (Птолемей) асарларига ёзган шарҳлари, фалсафа ва математика оид рисолалари Шарқу Ғарбда машҳур бўлган. Форобий ўз асарларида ўша давр фанининг барча соҳаларини қамраб олган. «Қалом фил жавҳар» (Субстанция ҳақида сўз), «Қитоб ал-Бурҳон» (Исбот китоби), «Ихсо ал-улум» (Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи), «Қитоб ул-мусика ал-қабир» (Музыка ҳақида қатта китоб), «Рисола фи аъзо ал-Инсония» (Инсон аъзолари ҳақида рисола) ва бошқа асарлари фан оламида кенг маълум ва машҳур.

Ф. адолатли жамият, оламнинг абадийлиги ҳақидаги гоялари Оврүпонинг Уйғониш даврига таъсир кўрсатган. Унинг гоялари, умуман, Марказий Осиёдаги Уйғониш даврининг илк назарий асосларидан бўлиб, бу минтақада Уйғониш даври Оврүпога нисбатан бир неча аср аввалроқ бошланишига тўртки берган. Форобийнинг Оврүпо ва, умуман, жаҳон фалсафасига таъсири ҳали ўз тадқиқотчиларини қутмоқда. Ф., Марказий Осиё Уйғониш даври фалсафаси, ижтимоиёти ва тафаккурини бошлаб берган мутафаккир сифатида ҳам теран ўрганилишига сазовор. Мустиқиллик шаронтида унинг фикрлари янада аҳамиятли, чунки унинг адолатли жамият ҳақидаги фикр ва орзулари эндиликда амалга ошмоқда.

**ФРАКЦИЯ** – (лот. *парчаланиш*) – сиёсий партиянинг парламентдаги гуруҳи.

**ФУНДАМЕНТАЛИЗМ** – ушбу атама расмий равишда илк бор 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штати протестантлари тузган «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси» томонидан қўлланилган.

**ФУҚАРО** – ҳуқуқий асосда муайян давлатга мансуб бўлган шахс. 1) Ф. тегишли ҳуқуқ ва муомала лаёқатиغا эга, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, бурчлари ЎзР Конституциясида белгиланган. Муайян давлат Ф. ҳуқуқий ҳолати ушбу давлат ҳудудида яшаб турган бошқа давлат Ф. ва Ф. бўлмаган шахслардан фарқ қилади. Мас., сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар фақат ушбу давлат Ф. тегишлидир. 2) Ф. ҳуқуқига биноан Ф. Муносабатларида иштирок этувчи фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг бир тури бўлиб ҳисобланади. Барча фуқароларнинг Ф. ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиши лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади. Ф. ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Ф. мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари, тадбиркорлик, дехон (фермер) хўжалиги ҳамда қонунда таъқиқланмаган бошқа фаолиятлар билан шугулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарни тўлашни талаб қилишлари; машғулот тури ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари, шунингдек, бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ** – ЎзР Конституциясининг 105-моддаси ва «Фуқароларнинг Ў.Ў.Б.О.тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига биноан, шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда

ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари Ў.Ў.Б.О. бўлиб, улар 2,5 йил муддатга маҳалла раиси (оксокол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ў.Ў.Б.О. жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашадилар, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тadbирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ҳамда ЎзР қонунлари, Президент фармонлари, ҳукуматнинг, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда фуқароларни бирлаштирадилар. Ў.Ў.Б.О. ҳудудий тамойил бўйича тузилади.

Ў.Ў.Б.О. иш олиб борадиган ҳудудларни, фуқароларнинг таклифига кўра, туман, шаҳар ҳокими белгилайди, ушбу қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ў.Ў.Б.О. сайлаш тартиби, уларнинг фаолият кўрсатишини таъкил этиш ҳамда ваколат кўлами ушбу қонун ва ЎзР бошқа қонун кучига эга ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади. Фуқароларнинг Ў.Ў.Б.О. Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги ҳаёти тинчлик, осойишталик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида кечишини таъмин этишда катта ўрин тутмоқда. Мустақиллик даврида тузилган Ў.Ў.Б.О. тизимини МДХ миқёсида энг самарали деб билиш мумкин. Бу муваффақиятнинг сабаби шундан иборатки, давлат раҳбарияти халқ бағрида, унинг тарихий тажрибаси асосида тузилган, аммо шўролар даврида эътибордан четда бўлган маҳаллаларни тиклаш билан бирга уларга кенг имконият яратиб берди, яъни ҳокимият ҳақиқатда ҳам халқ ихтиёрига ўтди. Ўзбек халқи эса доим уруш, жанжал, зиддиятларни кескинлаштиришни маъқул кўрмаган, Ўзаро муносабатларни бамаслаҳат, мунозарара, мусохаба ва мубоҳаса йўли билан ҳал этишга интилган. Фуқароларнинг Ў.Ў.Б.О. намунали ишлаётган маҳаллалар, туманлар ва ҳудудлардаги юқорида эътироф этиб ўтилган ижобий жиҳатлар аҳолининг тинч ва осойишта, озода ва покиза, экология талаб ва қоидаларига тўла риоя этиб яшашга имкон яратмоқда. (Яна қаранг: «Маҳалла».)

**ФУҚАРОСИЗЛИК** – фуқароликка эга бўлмаган шахс мақоми. Бундай ҳолат шахснинг бир давлат фуқаролигидан чиқиб (ёки чиқарилиб), иккинчи давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳолларда вужудга келади. Фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзи истиқомат қилаётган мамлакат қонунларга амал қилиши ва бошқа давлатлар ёрдамига даъво қилмаслиги керак.

**ФУҚАРОЛИК** – шахснинг муайян давлат қарамоғида бўлиши, шу давлатта, мамлакат ичиди ҳам, унинг ташқарисиди ҳам мансуб эканлиги, шу мансубликнинг ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида тасдиқланганлиги. Ф. тушунчаси қадимий Юнонистон ва Римда мавжуд бўлса-да, асосан, феодализм инкирозга учраб, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт демократия ва бозор муносабатлари заминига ўта бошлаганда, ҳозирги шаклда пайдо бўла бошлади ва илк бор «шаҳарли», яъни қолоқ қишлоқдан, мустабид феодал муносабатлардан озод деган маънони билдирган. Мустақиллик эълон қилингандан сўнг, ўзбек тилида ўтмишдаги «гражданлик» сўзи ўрнига «Ф.» деган атама қабул қилинди.

Ф. тушунчаси жамиятнинг ҳозирги давр демократик, ҳуқуқий давлат томон ривожланишида катта йўлни босиб ўтди. У – жамиятнинг демократик ривожланишида қўлга киритилган улкан ютуқлардан бири. Ф. жамият тараққиётидаги ижобий томони шундан иборатки, маънавиятда истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг муайян, аниқ санаб ўтилган ҳуқуқлари, жамиятдаги ўрни мамлакат конституциясида, махсус қарор ёки қонунида ёзиб қўйилган ва уларга риоя қилиш, уларни бажариш барча фуқаролардан талаб қилинади. Яъни жамиятда бошбошдоқлик, ўзбошимчилик, зўравонлик, қонунсизликка ўрин қолмайди. Чўнки, бундай ятти-ҳаракатлар фуқаролик ҳақидаги қонунга зилофдир.

Ф. деганда, инсон манфаатларининг ҳуқуқий ёки сиёсий-ҳуқуқий томондан ушбу давлат ичиди ва унинг ташқарисиди ҳимояланиши тушунилади. ЎзР Конституцияси, Ф. тўғрисидаги қонун, бошқа амалдаги қонулар, чет эл давлатлари билан тузилган шартномалар ва битимларда бу қоидалар эътироф этилди, қонуний жиҳатдан мустаҳкамланди.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунча. Ф.Ж. ижтимоий-сиёсий соҳаси қўламини ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам мансубдир. Бугунги кунда Ф.Ж. ташкилотлари ҳақида хилма-хил қарашлар мавжуд. Улар сўнгги йилларда давлат сектори ва хусусий тижорат сектори билан бир қаторда, ижтимоий ва иқтисодий фаолиятнинг тамоман янги бир қисми сифатида шаклланди.

Сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, кооперативлар, ишбилармонлар уюшмалари, клублар ва бошқалар фуқаролик жамиятининг ядросини ташкил этади. Ҳукумат таркибига кирмайдиган минглаб ихтиёрий гуруҳлар нодавлат ташкилотлар деб номланса, Ф.Ж. ташкилотлари маҳаллий фуқароларнинг минглаб турли гуруҳларини – клублар, жамоат уюшмалари, фуқаролар ҳаракатлари, хизмат кўрсатиш марказлари, жамғармалар манфаатларини ҳимоя қилиш тармоқларини ташкил этишларида кўринади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий тараққиёт муаммоларини ҳал этиш йўлида тармоқлар ташкил этиш, молиялаштириш, хизмат кўрсатиш ва ҳимоя қилиш масалалари устида маълум фуқаролар гуруҳлари номидан фаолият юритувчи минглаб қўшимча нодавлат, потижорат ташкилотларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Демак, Ф.Ж. ташкилотлари ўзининг таркибига давлат ва тижорат секторларидан ташқаридаги «учинчи секторга» тегишли бўлган барча ташкилотларни қамраб олади. Шундай қилиб, кишилар ўз турмуш тарзларини яхшилаш мақсадида ташкил этган барча турлардаги анъанавий уюшмалар, жумтадан, спорт мусобақалари, регионал ва маданий уюшмалар Ф.Ж. ташкилотлари таркибига киради. Ўзбекистонда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси амалиётга тадбиқ этилмоқда. Президент И.Каримов таъкидлаганидек: «Ф.Ж. мавжуд бўлмаган жойда сиёсий келишувнинг ҳам бўлмаслиги ўз-ўзидан аёндыр». Зеро, кучли давлатдан кучли Ф.Ж. ўтиш дегани давлатнинг кучлилиги йўқолади, дегани эмас. Ф.Ж. қанчалик тараққий топган бўлса, давлатдаги бирдамлик, барқарорлик ва уйғунлик шунчалик мустаҳкам бўлади.

**ФУҚАРОЛИК ТАШАББУСИ** – фуқароларнинг ўзаро ёрдам ёхуд ҳокимиятнинг иқтисодий ёки сиёсий соҳадаги камситувчи қарорларидан ҳимояланиш учун жамоавий тарзда ўзини-ўзи бошқариш, мақсадлари ва вақт нуктаи назаридан чекланган фаолияти. Ф.Т. турар жой, таълим, тарбия, маданият, транспорт ва ҳ.к. масалалар билан шугулланидиган ташаббускор гуруҳлар фаолиятида намоён бўлади. Улар шахсий алоқа, эркинлик ва ихтиёрликка асосланган. Ф.Т. ижтимоий ёки партиявий белгиларга кўра табақаланиш кўзда тутилмаган. Уларнинг таркиби турлича, аммо асосан ўрта табақа вакилларидан иборат. Ф.Т. доирасига жалб этилган гуруҳлар ва фуқаролар миқдари ўзгарувчан. Маълумотларга кўра, Ф.Т. илк бор пайдо бўлган Германияда ўтган асрнинг 60-йилларида бир неча минг шундай гуруҳлар фаолият юритган экан.

## Х

**ХАВФ** – шахсга, жамият ва давлатга мулкӣй, jisмоний ёки маънавий зарар етказишининг тўла имконияти бўлиб, миллат хавфсизлигининг асосий тушунчаларидан бири.

**ХАВФСИЗЛИК** – 1) ўзига нисбатан тажовузуларга қарши чиқиш. хавф-хатар ва дўқ-пўнисалардан ҳимояланганлик ҳолати; 2) объект мавжудлигининг барқарорлик ҳолати ва унда тинчликни таъминлашга бўлган ҳаракатлар мажмуи; 3) хавф омиллини келтириб чиқарувчи ҳар қандай ҳаракат учун сарфланадиган ҳаражатларни чегаралаш билан боғлиқ бўлган тушунча. Х. тушунчаси объектив ҳолатда аниқ харақатерга эга «табиат – инсон – жамият» тизими билан яқин алоқадаги ижтимоий воқелик ҳисобланади. Х. категорияси мутлақ эмас, балки ўз манъқий моҳиятини аниқ объектлар ёки инсон фаолияти доираси билан бўлган мулоқотда ифодалайди. Шунинг учун, амалий эҳтиёж-ларда умумий қилиб, «ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. «Х.» тушун-

часи «Миллий манфаатлар» категорияси билан чамбарчас боғлиқ. Миллий Х. давлат ва миллатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлашга қаратилган стратегиядир.

**ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ (SECURITY COUNCIL OF THE UN)** – БМТ дунёда тинчликни сақлаб туриш, хавфсизликни таъминлаш масаласида асосий маъсулиятни зиммасига олган ҳамда тинчликка таҳдид туғилган пайтда истаган вақтда чиқарилиши мумкин бўлган орган. Х.К. 15 аъзодан иборат, улардан бештаси (Хитой, Россия Федерацияси, Буюк Британия, АҚШ ва Франция) унинг доимий аъзоси ҳисобланади. Х.К. қолган 10 аъси Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланади. Х.К. аъзоларидан тўққизтаси овоз берган тақдирда унинг қарори қабул қилинган ҳисобланади. Х.К. қарорлари барча аъзо давлатлар учун мажбурийдир.

**ХАВФСИЗЛИК ТАРТИБОТИ** – хавфсизликни таъминлаш мақсадида зарур бўлган меъёр ва усуллارни қабул қилиш ҳамда унинг амалга оширилиши; махфийлик тартиби; руҳсатнома билан ўтказиш, ҳудудларни, зоналар, бинолар, иморатлар, ташкилотлар, иншоотлар ва коммуникация тартибини асраш, ходимлар оила аъзоларини химоялаш тартиби, ташкилотнинг ташқи ва ички таҳдидларга қарши йўналтирилган меъёрлар тизими.

**ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТНИНГ ИЧКИ ҲУҚУҚИЙ АКТЛАРИ** – қонунчилик ва бошқа меъерий актлар йиғиндиси; фуқаролар, жамият ва давлатнинг, хавфсизликнинг барча объект ва субъектлари фаолияти мажмуаси. (мас., ЎЗР Конституцияси, ЎЗР «Хавфсизлик тўғрисида»ги, «Мудофаа ҳақида»ги, «Хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги, «Ёнгин тўғрисида»ги, «ЎЗР давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги, «Техник ва табиий характердаги фавқулодда ҳодисалардан аҳоли ва ҳудудни химоя қилиш тўғрисида»ги, «ЎЗР ташқи сиёсати концепциясининг ҳолатлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари ва ЎЗР Президентининг фармонлари).

**ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲАРАКАТЛАР** – мамлакатлар ўртасидаги тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлаш, мустаҳкамлаш мақсадида умум тан олинган юридик тамойил ҳамда меъёрларни ўзида акс эттирувчи халқаро ҳуқуқий ҳаракатлар. Бу ҳаракатлар – универсал тарздаги ҳаракатлар (БМТ Низоми, халқаро шартномалар, конвенция ва битимлар); худудий халқаро ҳуқуқий ҳаракатлар (ЕХҲТ Якунловчи ҳужжати (1975 й.) ва бошқа ҳужжатлари); минтақалараро халқаро ҳуқуқий ҳаракатлар (МДХ ҳужжатлари); икки томонлама шартнома ва битимлар; ҳукуматлараро халқаро ташкилотлар ва халқаро суд органларининг қарорларидан иборат.

**ХАВФСИЗЛИК ТАҲДИДИ** – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларига хавф-хатар солувчи омил ва шарт-шароитлар йиғиндиси. Х.Т. объектив характерга эга бўлиб, у ижтимоий ривожланиш жараёнида индивидлар, табақалар жамият ва давлатларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган қарама-қаршилик натижасида юзага келади. Қарама-қаршиликлар маълум хавфсизлик объектларининг ўзаро муносабатларида амалга оширилайтган шароитдан келиб чиққан ҳолда, турли соҳаларда юз беради.

**ХАВФСИЗЛИК ТУРЛАРИ** – хавфсизлик субъектлари алоқаларида уларнинг ўзаро манфаатлари, шу жумладан, қарама-қарши манфаатлари; халқаро хавфсизлик муаммоларига дунё ҳамжамятининг муносабати ва субъектларининг геосиёсий ҳолати каби масалалар ётади. Шундан келиб чиқиб, хавфсизликни ташқи ва ички категорияларга бўлиш мумкин.

**ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ** – давлатни яширин ҳамда ошқора хавф ва таҳдидлардан (ички ва ташқи) химоялашни таъминлаш мақсадида давлат миқёсида амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи.

**ХАКЕР** – информатика соҳасида турли ноқонуний ҳаракатлар содир этувчи шахс: бегона компьютер тармоқларига руҳсатсиз кириш, улардан ахборот олиш, дастурий маҳсулотлар химоясини ноқонуний йўл билан олиб ташлаш, нусха кўчириш, компьютер «вирус»ларини яратиш ва тарқатиш билан шугулланувчи шахс.

**ХАЗИНА МАЖБУРИЯТИ** – қимматли қогозлар тури, даввогарнинг бюджетта пул маблағга ўтказилганлигини тасдиқлайди ва мазкур қимматли қогозга эгалик даврида унга белгиланган миқдордаги фойданлиши ҳуқуқини беради.

**ХАЛҚ** – халқ халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида биринчи марта 1945 йили БМТ Уставида «халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш» тамойилининг мустақамлангани натижасида тан олинган. Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқда халқлар ҳуқуқи турли конвенция ва декларацияларда ўз аксини топган. Шу билан бирга, халқаро ҳам-жамият томонидан умумий тан олинган ягона «халқ» тушунчаси ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган, фақат халқаро ҳуқуқда эмас, балки этнографик адабиётларда ҳам «халқ» тушунчаси тўғрисидаги мунозаралар XIX асрдан буён давом этиб келмоқда. Халқга берилган кўпгина тавсифлардан келиб чиқиб (халқаро ҳуқуқ доктринасида 100 дан ортиқ тавсифлар mavjud), шундай таъриф бериш мумкин: халқ маълум бир ҳудудда тарихан келиб чиққан, бошқа жамоадан ўз тили, руҳий ҳолати ва маданияти, шунингдек, умумий онги ва номланishi билан фарқ қилади.

**ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ** – Х.А.Т.Ж. 1996 йил 14 мартда Вазирлар Маҳкамасининг 100-сонли қарорига биноан ташкил топди ва унинг Устави ЎзР Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтди. Жамғарманинг вазифалари ва фаолият йўналишлари: йирик давлат арбоби ва атоқли саркарда А.Т. ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий фаолиятини чуқур ўрганишга кўмаклашиш; хорижий мамлакатлардаги илмий ва ижодий марказлар билан ҳамкорликда А.Т. ҳаёти ва фаолиятига оид бўлган илмий изланишлар, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини ўрганиш борасидаги ишларни уйғулаштириш, халқаро учрашувлар, семинарлар ва илмий-амалий конференциялар ҳамда халқаро семинарлар ўтказиш; Республикадаги ва хорижий мамлакатлардаги те мурийлар даврига оид маъмурий ёдгорликларни топиш ва таъмирлашда иштирок этиш; хорижий мамлакатларга кутубхоналари, музейлари ва жамғармаларидан А.Т. ва унинг авлодлари меросини топиш юзасидан илмий-қидирув ишларини олиб бориш; Хорижий мамлакатларда А.Т. ҳақида чоп этилган китобларни ўзбек тилига таржима қилиб нашр этиш; Шарқшунос ва тарихчи олимлар ўртасида халқаро ҳамкорлик ўрнатиш ва уни ривожлантиришга кўмаклашиш; Хорижий мамлакатлардаги А.Т. ва те мурийлар даври тарихига оид сақланаётган қадимий қўлёзма асарларини ўрганиш ва оммалаштириш; А.Т. ҳақида ҳужжатли, бадиий ва телефильмлар яратишга ёрдам бериш; Ёш авлоднинг маънавий-маданий камол топишига, унда мустақил ЎзР истиқболдан фахрланиш ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

**ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ ПОЛИЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ (ИНТЕРПОЛ)** – 1919 йилда оғир жиноятларга қарши биргаликда курашиш учун ташкил этилган жиний полициянинг халқаро ташкилоти бўлиб, замонавий кўринишда у 1956 йилдан, яъни жиноятчиликка қарши полиция халқаро ташкилотининг янги устави қабул қилингандан бери фаолият кўрсатишда. 160га яқин давлат И. аъзоси ҳисобланади. И. мақсади деб қуйидагилар эълон қилинган: 1) полиция органларининг барча миллий органлар билан кенг миқёсдаги ҳамкорлигини таъминлаш; 2) жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш муассасаларини ривожлантириш; 3) сиёсий, ҳарбий, диний ёки миллатчилик характеридаги бирон-бир фаолиятни амалга оширишга руҳсат бермаслик. И. доимий ҳаётдаги органи Бош Котибиятдир. И. бил ч тўғридан-тўғри ҳамкорликни таъминлаш учун, ҳар бир давлат Миллий марказий идора ташкил этади. Штаб квартираси – Лионда жойлашган (Франция). Ўзбекистон 1993 йилдан буён И. аъзоси ҳисобланади ва ЎзР Ички Ишлар Вазирлиги қошида И. бош бошқарма мақомига эга бўлган Миллий Марказий Идораси ташкил этилган.

**ХАЛҚ ЙИҒИНИ** – Албания Республикасининг 4 йил муддатга сайланадиган, 140 депутатдан иборат бўлган қонун чиқарувчи орган. Белоруссияда 1991 йилда ташкил топган икки палатали парламент; Болгарияда – 4 йил муддатга сайланадиган, 240 депутатлардан иборат бўлган бир палатали парламент, 1879 йилда ташкил топган. Замонавий кўринишда 1990 йилдан бошлаб ташкил топган. Польша Республикасининг икки пала-

тли парламенти. Қуйи палата – 460 депутатдан, юқори палата – 100 та сенатордан иборат. 1952 йилда ташкил топган. Замонавий кўринишда 1994 йилдан фаолият юрताди.

**ХАЛҚАРО НИЗОЛАР** – халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида расмий келишмовчилик ҳисобланади халқаро низолар икки томонлама ёки кўп томонлама бўлади. Бундай низолар аниқ давлатлар ва бошқа давлатлар фаолиятининг турли хил тармоғида у ёки бу халқаро шартномаларни қўллаш, тузиш, тушунтириш жараёнидаги муносабатларда вужудга келади. Ҳар қандай давлатлараро келишмовчиликлар Х.Н. ҳисобланмайди. Х.Н. мавжудлиги фактини тан олиш бу низоли бартараф этиш мажбуриятини келтириб чиқаради. Халқаро амалиётда тез-тез учраб турадиган ҳолатларда, бир тараф иккинчи тарафга ён босишни хоҳламайди, натижада Х.Н. вужудга келади, айрим давлатлар Х.Н. фактининг вужудга келганлигини тан олмайди. Бундай ҳолатларда давлат ўзининг тугган ўрни, навқен тушишини хоҳламаганлиги туфайли зарурат сифатида шу ҳолатни сақлайди. Чунки бундай тараф ўзининг тугган ўрнини мутлақ нисосиз деб ҳисоблаб, ушбу ҳолатни кўриб чиқмайди. Х.Н. тинчлик йўли билан кўриб чиқиш принципи асосида тинчлик воситалари ёрдамида ҳал қилинади.

**ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҚЎМИТАСИ (ХОҚ)** – олимпиада ҳаракатининг олий раҳбар органи; ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро спорт ташкилоти. 1894 йилда П.Де Куберген ташаббуси билан Олимпиада ўйинлари ўтказишни бошқариб туриш, бу ўйинларнинг ижтимоий аҳамияти ва обрўсини кўтариш, ҳаваскорлик спортини ривожлантириш ва барча мамлакатлар спортчилари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўмаклашиш мақсадида тузилган. Х.О.Қ. қароргоҳи – Лозанна (Швейцария) шаҳрида жойлашган.

**ХАЛҚАРО РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ** – Х.Р.Т.Б. тузиш ҳақидаги келишув 1944 йилда Бреттанвуд конференциясида ишлаб чиқилган эди. Банк 1946 йилда ўз операцияларини халқаро капитал оқимини ишлаб чиқиш мақсадлари ва Иккинчи жаҳон урушида вайрон бўлган мамлакатларни тиклашга имкон яраттиқдан иборат асосий мақсад билан бошланган эди. Банк ўз кредит операцияларининг тўқсон фойзини жаҳон бозорлари капиталдан молиялаштиради. Унинг 51 йиллик фаолияти давомида акцио-нерлар томонидан банкка ямаи 11 миллиард доллар маблағ кўйилди, ammo ушбу капитал 280 миллиардан ортиқ кредит бериш имконини яратди. Банкнинг бош қароргоҳи Вашингтонда жойлашган.

**ХАЛҚАРО СУД** – БМТ асосий судлов органи. 1945 йил ташкил топган. Давлатлар ўртасидаги юридик низоларни уларнинг розилиги билан ҳал қилади ва ҳуқуқий масалалар бўйича тавсиявий хулосалар беради. 15 нафар ҳақамлардан иборат, улар БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан 9 йилга сайланади. БМТ Уставининг ажралмас қисми ҳисобланадиган Статут асосида иш олиб боради. Халқаро суд Гаага шаҳрида жойлашган.

**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР** – ҳукуматлараро ва ноҳукумат доимий бирлашган ташкилотлар халқаро битимлари асосида тузилади. Х.Т. давлатлар ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолда, халқаро муаммоларни ҳал қилишга, ҳамда аниқлашга хизмат қилади. Х.Т. пайдо бўлиш жараёни, асосан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди. Бунга мисол қилиб БМТ ташкил этилишини келтириш мумкин. Х.Т. ўз мазмунига кўра би. қатор алоҳида хусусиятларга эгадир, бу институт халқаро муносабатларнинг муҳим соҳаларидан ташкил топган. Х.Т. фаолияти ҳар томонлама музокараларда қатнашиш ҳуқуқидан мукаммал фойдаланиш ва муаммоларни ечишда муҳим қарорлар қабул қилишдан иборат. Х.Т. ҳукуматлараро ва ноҳукумат Х.Т. халқаро ва минтақавий ташкилотлардан фарқ қилади.

**ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ** – айбсиз кишиларнинг ҳалок бўлиши, давлатларнинг дипломатик фаолиятини ва халқаро муносабатларни, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги транспорт алоқаларини издан чиқарувчи ўта хавfli хатти-ҳаракатлар.

**ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ХТТБ)** – БМТ Жаҳон банки гуруҳига кирувчи. ихтисослашган муассасаси. Халқаро валюта фонди билан бир

вақтда, БМТ 1944 йилда Бреттон-Вудс (АҚШ)да ўтказилган халқаро валюта-молна конферецияси қарорига кўра ташкил этилган бўлиб, 1946 йилдан ўз фаолиятини бошлаган. Аъзо давлатлар сони – 181 та (1999 йил). Унга факат давлатларгина аъзо бўлиши мумкин. Штаб-квартираси – Вашингтонда жойлашган.

**ХАЛҚАРО УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК** – бутун дунё бўйлаб бир-бири билан ўзаро алоқа бўлган уюшган жиноятчилик синдикатларини англатувчи тушунча.

**ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК** – халқаро муносабатлардаги барқарорликнинг кафолатлиниши, дунё ҳамжамиятининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳалардаги адоват, ҳарбий низо ва урушлар олдини олиш шароитларининг шаклланган ҳолати. Миллий хавфсизликнинг химояланиш даражаси тўғридан-тўғри халқаро хавфсизлик билан боғлиқ. Х.Х. миллий ва минтақавий хавфсизликни ўзига мужассам қилган. Х.Х. миллий хавфсизликдан фарқи равишда, давлат хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги билан мураккаб боғлиқлигини эътироф этади. Х.Х. ижтимоий-иқтисодий соҳаларда таъминлаш – жаҳон хўжалигининг барқарор ривожланиши ва хўжалик алоқаларини кенгайтириш ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги халқаро бирдамликнинг ўсиб бориши ҳозирги замон глобал (уруш ва тинчлик, экологик, демографик, илмий-техник) муаммоларнинг ҳал қилинишига кўмак беради ва бирлаштиради. Х.Х. сиёсий соҳаларда таъминлашда – ҳозирги дунёнинг нисбатан бىрламчилиги ва давлатлараро ўсиб бориши, ривожланаётган глобаллашув жараёни; дунё ҳамжамиятидаги кўпгина давлатларнинг тинчликпарварлик сиёсати; халқаро, минтақавий ва миллий демократик ташкилотларнинг фаолияти; «совуқ уруш»нинг тугаши каби асосий омиллар ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳарбий соҳада сўнгги пайтда кўлаш ўзгаришлар содир бўлмоқда: қурол-ярроғларнинг тўпланиб қолиши; ҳарбий техниканинг энг замонавий ҳолатга келиши; тўпланиб қолган ҳарбий қуроолларнинг инсоният ҳаётига солаётган хавфи ва таҳдид ҳарбий ҳукмронликнинг самарасизлигини исботлаб берди. Давлатларнинг ҳарбий-стратегик имкониятлари даражасининг ўсиши миллий хавфсизликни таъминланиш даражасининг пасайишига олиб келади. Бундай шароитда, ядровий уруш жараёнида сиёсий мақсадга мутавоқ эришиб бўлмаслиги исботланди. Бугунги кунга келиб, Х.Х. масаласи умумий манфаатга айланди. Х.Х. тизими-ни вужудга келтириш муҳимлиги борасида ижтимоий соҳада қуйидагилар эътироф этилади: инсонларнинг замонавий, сиёсий онгида умуминсоний манфаатларни бошқа манфаат ва мақсадлардан устуворлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш; халқлар орасида ҳарбийлаштиришга қарши бўлган ғояларни ривожлантириш; ядровий урушга йўл қўймаслик, ижтимоий соҳани кенг ривожлантириш; тинчлик йўлида халқларни бирлаштириш ҳамда хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва бошқалар. Экологик соҳада халқаро хавфсизликни таъминлаш хавф-хатарларнинг ўсиб бориши билан боғлиқ: ер қатламининг заҳарланиши, транспорт ва саноат чиқиндиларининг ер атмосферасини ифлослантириши, табиий бойликларни талон-тарож қилиш, улардан окилона фойдаланмаслик ва бошқалар. Х.Х. тизимига бугунги кунда ядро хавфи, ҳарбий-техник тараққиёт, минтақавий ва халқаро ҳарбий можаролар таҳдид солмоқда. Бугунги кунда халқаро хавфсизликнинг замонавий концепцияси яқин хусусиятга эга бўлиб, ноҳарбий, яъни, сиёсий омилларни қўллашга асосланган. Халқаро муносабатлардаги зиддиятли, можароли вазиятларда куч ишлатишдан чекиниш, ҳарбий қурооллардан воз кечган ҳолда, тинчлик, дипломатик йўллардан фойдала иш давр тақозосига айланди.

**ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ** – халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ташкил қилинган орган, куч ва механизмлар орқали икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар хавфсизлигини таъминлаш яқинлиги.

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ** – мустақил ҳуқуқ тизими, давлатлараро муносабатлари, Х.Х. тизимидаги барча субъектлар ўртасидаги муносабатлари тартибга солувчи шартномалар, одат меъёрлари ва тамойиллардан иборат. Х.Х. мустақил фан соҳаси сифатида юридик фаннинг бирон-бир тармоқ тизимига киритилмайди ва ўзида тармоқ ҳуқуқига хос меъёрларни ақс эттирмайди. Утган асрнинг 20-йилларидан бошлаб кўпгина давлатлар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қондалари устунлигини тан олдилар. Бошқа мамлакатлар



миллий ҳуқуқ тизими Х.Х. меъёрлари билан боғлиқ. Х.Х. манбалари – халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқий одатлардан иборат, кўшимча манбалар – халқаро ташкилотлар актлари, халқаро суд ва арбитраж органлари қарорлари, халқаро ҳуқуқий доктриналар. Х.Х. давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорликни тартибга солиш билан бирга, қуролини эътиборга оlishларни бошқаришни ҳам назарда тутди. Х.Х. дипломатик ва консуллик ҳуқуқи, ҳарбий, ижтимоий, экологик, иқтисодий, маданий, илмий-тадқиқот, жинсий доирадаги масалаларни ҳам бошқариб боради. Бунга мувофиқ ҳолда миллий ҳуқуқ тизими каби Х.Х. ҳам соҳаларга бўлинади: халқаро денгиз ҳуқуқи, халқаро ҳаво ҳуқуқи, халқаро космик ҳуқуқ, халқаро иқтисодий ҳуқуқ ва ҳоказо. Ҳуқуқ соҳасида халқаро хусусий ҳуқуқ тубдан фарқ қилади. Халқаро хусусий ҳуқуқ негизини миллий ҳуқуқ ташкил этади. Иқсала тизим ҳам халқаро кўринишдаги муносабатларни тартибга солиди, халқаро хусусий ҳуқуқ Х.Х. умумэътироф этилган меъёрларига эътибор бўлмашлиги керак.

**ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК** – «Х.Х.» тушунчаси яқин ёки бир неча актёрларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнини англатади. Унда қуролини ҳужумдан фойдаланиш истисно этилиб, ҳамкорликда умумий манфаатларни амалга ошириш йўллари қидирилади. Одатий тушунчага қарамай, ҳамкорлик – можаро йўқ дегани эмас, балки унинг охириги, инкирозли шаклларида «ҳалос бўлиш»дир. Анъанавий Х.Х. муносабатлари икки томонлама ва кўп томонлама дипломатия, сиёсий йўналишларни ўзаро мувофиқлаштириш (жумладан, можароларни ҳамкорликда тартибга солиш, умумий хавфсизликни таъминлаш ёки барча иштирокчи томонлар учун манфаатли бўлган бошқа масалаларни ҳал қилиш) ни кўзда тутувчи турли иттифоқлар ва шартномалар тузишни ўз ичига олади. Давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа актёрлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш глобал ҳамда минтақавий аҳамиятга молик давлатлараро ва нодавлат ташкилотларнинг бутун тизимини вужудга келтиради. Бугунги кунга келиб, ҳамкорлик, нафақат савдо-сотиқ божхона соҳаси, чегара тартиботи ёки ҳарбий-сиёсий иттифоқларни, балки экологик давлатлар, кинотни ўзлаштириш, умумий захиралардан ҳамкорликда фойдаланиш, коммуникация тармоқларини ривожлантириш, қуролланишни назорат қилиш ва ҳ.к. соҳаларга тегишли вазифаларни ҳам қамраб олади.

**ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯСИ** – Куба Республикасининг қонун чиқарувчи органи.

**ХАРИЗМА** – (юнон. «*charisma*» – яратган ишониқ) – шахсни умумий оммадан ажратиб турувчи шахс хусусиятлари мажмуи; раҳбар шахс хусусияти ёки уни ўз тарафдорларини жалб қилиш қобилиятига асосланган таъсири, бирор шахснинг бошқарилиш нисбатан мисли кўрилмаган даражада устун хусусиятларга эгаллиги. «Х.» тушунчаси илк бор италиялик руҳоний С.Паул томонидан мўъжизавий қобилиятга эга бўлган насронийлар пайгамбари Исога нисбатан ишлатилган. Аммо илмий тушунча сифатида «Х.», асосан, немис социологи Вебер томонидан чуқур тадқиқ қилиниб, «ҳўсон» дея номланган. Вебернинг назарида, ҳокимиятга иттиқат этиш одат, индивиднинг етакчи билан ҳиссий алоқаси, моддий манфаат ёки мафкуравий жиҳатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ, улар ҳокимият барқарорлигини таъмин эта олмайди. Бунинг учун ўзига хос бирлаштирувчи тамойил бўлиши лозим. Вебернинг фикрича, бу ҳокимиятнинг «қонунийлигига ишонч»да намоён бўлади. Х. меъёр ёки қонун-қоидалар билан бевоҳида боғланмаган. Бу у л харизматик ҳокимиятнинг алоҳида хусусиятларига ишонч билан изоҳланади. Мас., бекиёс ҳарбий жасорат, башорат қилиш қобилияти, ғайритабиий қобилиятлар ва бошқ. унинг ҳокимияти намоён бўлади. Шу тариқа, М.Вебер тадқиқида харизматик етакчилик: 1) шахсий характерга эгаллиги; 2) ҳиссий асосга қурилиши; 3) новаторлик ёки инкилобий аҳамият касб этиши; 4) қисқа муддатда намоён бўлиши билан ажралиб туради.

**ХАРИЗМАТИК ҲУКМРОНЛИК (Charismatic authority)** – М.Вебер фикрича, буюк шахс обрў-эътибори ва унга шахсий содиқликка асосланган қонуний ҳукмронлик шакли.

**ҲОЛДИНГ КОМПАНИЯЛАРИ** – корпорация шаклларидан бири. Бошқа фирмаларни назорат қилиш ва бошқариш мақсадида акция назорат пакетлари билан таъминланган компаниялар. Х.К. таркибига кирувчи акциядорлар жамиятлари «акцияларнинг назорат пакети» компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акциядорлик жамиятлари фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш ва дивидендлар кўринишида фойда олишдир. Ҳўжалик бирлашмасининг бундай шакли ягона тармоқ ва илмий-техникавий сиёсат олиб юргизиш, умумий манфаатларга бўйсуниниши назорат қилиш учун қўлланилади.

**ҲОМИЙ** – (инг. «sponsor», лат. «spondeo» – кафолатлашман) – Ҳ. иқтисодий лойиҳа, тадбир ёки ишнинг кўрилишини молиялаштирадиган жисмоний ёхуд юридик шахс.

**ХРИСТИАНЛИК** – жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. Европа, Америка мамлакатларида, Австралида, фаол миссионерлик ҳаракати натижасида Африка, Яқин Шарқда ва Узоқ Шарқнинг бир неча минтақаларида кенг ёйилган. Х. черкови маълумотларига кўра, жаҳонда бу динга 1 миллиарддан ортиқ киши эътиқод қилади. Х. асосий ғояси худо-одам – Иисус Христос ҳақидаги афсоналар билан боғлиқ. Унинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва тақиқлари Библия ва бошқа муқаддас китобларда ўз ифодасини топган. XVI асрда Реформация натижасида Европадаги қатор черковлар католицизмдан ажралиб чиқиб, Х. учинчи асосий оқими – протестантизм юзага келди.

**ХУСУСИЙ МУЛК** – айрим кишиларга тегишли, фуқаро фойда олиш мақсадида фойдаланадиган мулк тури. Мулкдан фойдаланиб, даромад олиш мақсадида ишлаб чиқариш, фуқаронинг ўз меҳнати билан ёки бошқа бировларни ёллаш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига биноан, хусусий мулкчилик мулкни ўзлаштириш, ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир. Бу модданинг 1-бандига мувофиқ, Х.М. ифодаловчи асосий хусусият унинг шахсга яқка тартибда тегишли эканлигидадир. Х.М. даромад олиш, шунингдек, истеъмол қилиш мақсадида ўзлаштирилади. Ана шу даромаддан олинган мулкка нисбатан мулкдор, қонунга кўра, ўз ихтиёри билан эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф қилади.

Х.М. оммавий мулкдан фарқли ўлароқ, яқка тартибдаги ва алоҳида субъектларга тегишли мулк шаклларидан иборат. Унинг субъектлари сифатида фақат фуқароларгина эмас, балки ҳўжаликлар, жамоалар, ширкатлар, ижара ва жамоа қорхоналари, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа ижтимоий жамғармалар фаолият кўрсатадилар. Х.М. бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Барча шахслар, уларнинг қим ва қандай лавозимда бўлишларидан қатъи назар, мулкдорнинг ҳуқуқини ҳурмат қилишлари, унга асоссиз ҳеч қандай путур етказмасликлари лозим. Мулкдор ўз мулкидан фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда ва қонунда белгиланган тартибдагина маҳрум этилиши мумкин.

Х.М., биринчи гада, фуқароларга тегишли мол-мулкдан иборат. Чунки аксари ҳўжалик, жамоа ва ширкатлар, ижара ва жамоа қорхоналарининг мулклари фуқаролар мулкидан ташкил топади ва ушбу маънода фуқароларнинг улуши, ҳиссаси кўзда тутилган бўлиши мумкин. Фуқароларнинг қорхоналарда ёки яқка ҳўжаликда ёлланиб ишлашдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан олган даромадлари, кредит муассасалари берган маблағларидан, акциялар, бошқа қимматли қоғозлардан келган даромадлари, мерос бўйича ва амалдаги қонун ҳужжатларида ман этилмаган ўзга асосларга мувофиқ мол-мулкка эга бўлишлари ҳисобига ҳосил этилади ҳамда кўпайиб боради. Фуқароларнинг Х.М. бўлиб уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли, боғ ҳовли уйлари, ўтқазилган дарахтлар, чорва моллари, паррандалар, шахсий фойдаланиш буюмлари, пул маблағлари, қорхоналар, транспорт воситалари ва бошқа мулк турлари хизмат қилади. Х.М. деб ҳисобланиши мумкин бўлмаган мол-мулклар қаторига қурол-яроғлар ва қатор бошқа нарсалар қиради.

Х.М. кенг ёйиш, фуқароларда мулкчилик туйғусини шакллантириш ва мустаҳкамлаш – Ўзбекистоннинг хозирги даврдаги долзарб вазифаларидан бири. Истибод тузуми етмиш йилдан ортқ давр давомида кишиларимизнинг онгидан хусусий мулк тушунчасини таг-туғи билан сиқиб чиқариш мақсадида изчиллик билан иш олиб борди. Х.М. жамият умумий мулкига айлантйрилиши охир-оқибатда мулкнинг эгасиз қолишига, жиддий равишда талон-торож этилишига олиб келди.

Х.М. кўпайтиришга интилиш ҳар бир кпшининг табиий ҳолатидир. Х.М. ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи ички куч ва чексиз манбадир. Шу боисдан Х.М. турли шаклларда ривож топишига кенг йўл очиб қўйилган мамлакатлар қаторидан замона-мизнинг илғор давлатлари етишиб чиқиши табиийдир ва мантққан асослидир. Собик СССР Х.М. қондалари асосида иш олиб борган томорқаларда, ер участкаларида, шахсий боғчаларда гектарбай ҳосил жамоа ва давлат хўжаликларидагига нисбатан 10-12 баробар юкори бўлган. Х.М. инкор этиш шўро тузуми барбод бўлишининг асосий сабабларидан биридир.

«ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ» – қонунлар, ҳуқуқий метъёрлар, хўжалик ҳаётининг расмий қондаларини четлаб ўтиши, яъни ҳуқуқий майдон доирасидан ташқарида юз берадиган иқтисодий муносабаталарнинг маълум типидир.

**ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА ШИРКАТЛАРИ** – юридик шахслараро, юридик ва жисмоний шахслараро, шунингдек, жисмоний шахсларнинг ўзаро, уларнинг хўжалик ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадларида ўз жамғармалари ва мулкларини бирлаштириш асосида, ихтиёрий равишдаги шартномага бйюан тузилган корхонаси.

**ХЎЖАЛИК СУДИ** – ўз ваколати доирасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари (иқтисодий низолар)дан ёки бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларда келиб чиқувчи низоларни ҳал этади.

**ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ** – таъсисчилар фақат мулкй бадаллари билан эмас, балки шахсий фаолияти билан ҳам иштирок этадиган шахслар бирлашмаси.

## Ц

**ЦЕНЗ** – маълум сиёсий, конституциявий ҳуқуқлар ва сайлов қонунларини амалга оширишда иштирок этишга руҳсат бериш ёки чеклаш шартлари.

**ЦЕНЗУРА** – юкори инстанциялар томонидан исталмаган ёки зарарли деб тан олинган гоа ва маълумотларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ёхуд уларни қисқартириш мақсадида расмий ҳокимиятлар томонидан оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши ва тарқатилиши, пьесалар, кино асарлари, радио ва телекўрсатувлар, баъзан шахсий ёзишмаларнинг назорат қилиниши. Ц. олдин ва кейин амалга ошириладиган тури мавжуд. Олдиндан амалга оширилладиган Ц. китобларни нашрдан чиқариш, сахна асарлари намойиш этишдан олдин руҳсат олиш зарурати тушунилади. Кейин амалга ошириладиган Ц. чоп этилган, нашрдан чиққан ва баҳолаш ҳамда белгиланган талабни бузган шахсга нисбатан чора кўришдан иборат. Замонавий демократик давлатларнинг барчасида натижа-си жазоланадиган цензура мавжуд, яъни оммавий ахборот воситалари да давлат структурасига қарши иш қилгани ёки уйдирма маълумотлар тарқатгани учун муайян шахсни жавобгарликка тортиш (жарима солиш, мол-мулкнинг мусодара қилиш ва нашрларни ман қилиш, тиражни тўхтатиш ва бошқалар) қондалари белгиланган.

**ЦИВИЛИЗАЦИЯ** – (лот. *фуқаро жамияти, ҳарбийларсиз ва черковларсиз ҳаёт*) – жамият эришган, унинг фақат инсонга хос сунъий оламни моддий ва маънавий жиҳатдан такомиллаштиришдаги муваффақиятлари кўрсаткичи. Инсоният жамиятининг ҳайвонот оламидан асосий фарқи шундан иборатки, инсон ўз меҳнат фаолияти, ақли ва заковати билан яратилган сунъий дунёда яшайди. Табиатда таёёр ҳолда уй, нон, снгал машина, китоб ва шу каби нарсалар учрамайди. Уларни табиат яратмайди. Уларни одам ўз меҳнати

ва ақл-заковати кучи билан юзага келтиради. Жамиятнинг тараққиёт даражаси ана шу сунъий нарсаларнинг сони ва сифати билан белгиланади. Мас., фақат XX аср давомида илғор давлатлар автомобиль, телефон, самолёт, телеграф, телевидение, автомат машиналар, компьютер тизимлари, интернет, уяли телефон, сунъий чарм, вертолёт, совутгич, чангютар ва юзлаб, минглаб бошка мосламаларни ўйлаб топдиларки, натижада одамлар яшайдиган сунъий дунё чегаралари янада кенгайди. Жамиятнинг Ц. даражаси, юқорида санаб ўтилган фан-техника ютуқлари билан чекланмайди. Бу даража яна жамиятда маданият, инсонпарварлик, ижтимоий адолат гоъларининг ҳаётга сингдирилиши билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам инсоният тарихи фан-техника тараққиёти учун курашданганга иборат бўлмай, айна вақтда жамиятда инсонийлик, ижтимоий адолатга етишиш учун кураш йўли ҳамдир.

Ц. узок тарихга эга. Биринчи Ц. – маърифат масканлари, ўчоқларининг узок ўтмишда инсон учун энг қулай жойларда шаклланишидан бошланган. Узок ўтмишда ишлаб чиқариш кучлари заиф бўлган даврларда, кишилар табиий, географик шароитларга мослашиб, қулай дарёлар, денгизлар соҳилида шаҳарлар, ишлов берилган далалар яратганлар. Шу боис биринчи Ц. ўчоқлари Нил дарёси бўйлаб, Ўрта денгиз соҳилларида, Хиндистонда, Хитойда, Амударё, Сирдарё оралиги ва уларнинг атрофларида юзага келган. Ц. ўчоқларининг сони ва сифати асрлар оша кўпайиб бориб, XV–XVI асрлардан бошлаб, ягона жаҳон Ц. юзага кела бошлади. Ҳозирги даврда ягона умумжаҳон Ц. юзага келди. Чунки бутун дунё бўйлаб саноат ва қишлоқ хўжалик марказлари, шаҳарлар, минглаб қишлоқлар, чексиз темир йўллар, ҳаво, денгиз йўллари Ер қуррасининг барча қисмларини ўзаро боғлаб, бир бутун жаҳон Ц. шакллантирди. Аммо афсуски, илғор, ривожланган мамлакатлар билан бир каторда қоқ, оч-яланғоч, иқтисоди кам ривожланган мамлакатлар ҳам мавжуд.

Мутахассислар асослаган ҳулосага кўра, инсоният ўрта ҳисоб билан беш миллион йиллик тарихга эга. Шу тарих уч погонадан иборат ёввойилик, ваҳшийлик ва Ц. даврларидан иборат. Ц. кишилар ёзувни ўйлаб топшидан бошланади. Биринчи ёзув манбалари беш-олти минг йиллик тарихга эга. Ёзув, яъни инсон яратган фикр, мулоҳаза ва ҳулосаларни ёзиб, келаси авлодларга узатиш имконияти, жамият тараққиётини бениҳоя тезлаштиради. Демак, Ц. инсоният тарихининг бор-йўғи 0,1 фонзини ташкил қилади. Бинобарин, у ўта нозик ва бизнинг диққат-эътиборимизга муҳтож.

Ц. масаласи фанда энг сунд ишланган соҳалардан биридир. Чунки биринчидан, яқин ўтмишгача ҳукмрон бўлган мафкура бу масалага синфий нуқтан назардан ёндашиб, Ц. «социалистик Ц.» ва «буржуа Ц.» бўлди, шу асосда минглаб маданият ва фан намояндаларини қатагон қилинди. Иккинчидан, Ц. тарихини ўрганиш яқин ўтмишдаги ҳукмрон мафкуранинг мияллий сийсатига зид эди. Чунки кўп халқларнинг шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам кўп минг йиллик Ц. эга эканлиги ва шу боисдан фақат бир улуг миллатни ҳар томонлама мактаб, кўкка кўтариш нотўғри эканлигини фош қилар эди.

Ўзбекистон қадимий Ўрта Осиё Ц. ўзаги ва марказидир. Мустақил Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатларидан бирига айлантириш учун унинг мавқеини кўтариш, Ц. янада бойитиш жамиятшунос олимларимиз олдида турган масъулиятли бурч ҳисобланади.

«ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТЎҚНАШУВИ» – амэрикалик олим С.Хантингтон томонидан яратилган муҳим геосийсий асар. Геосийсат нуқтан назаридан Хантингтоннинг маданият ва цивилизацияон фарқларга геосийсий омилар сифатида баҳо бериши унинг «органицист» фалсафага бориб такаладиган классик геосийсат мактабига алоқадорлигини кўрсатади. Ушбу фалсафага ҳос хусусиятлардан бири, ижтимоий тизим ва давлатлар механик ёки гоъвий тузилмалар сифатида эмас, балки «оаёт шакллари» сифатида қаралади. Хантингтон Ғарбнинг эҳтимоли қатта бўлган душманлари сифатида Хитой ва ислом давлатларини (Эрон, Ироқ, Ливия ва х.к.) кўрсатади. Бунда Мэй ва Кирк доктриналарининг тўғридан-тўғри таъсири кўришиб турибди. Бу геосийсатчилар гинландга – геосийсий тегвшли бўлган ислом ва «конфуцийлик» цивилизациялари мавжуд «кирғоқ

зоналари» давлатларининг йўналишини «heartland»нинг позициясидан кўра муҳимроқ деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун неоатлантизмнинг бошқа вакилларидан, хусусан, Пол Вольфовицдан фарқли ўлароқ, Хантингтон Россия-Евроосиё, heartland ёки қандайдир янги Евроосиё континентал тузилмасининг геосиёсий қайта тикланишини асосий таҳдид, деб ҳисобламайди. 1992 йил март ойида америкалик Пол Вольфовиц (хавфсизлик ишлари бўйича маслаҳатчи) АҚШ ҳукуматига мактуб йўллади. Бунда Европа ва Оснё қитъаларида АҚШга қарши тура оладиган стратегик куч пайдо бўлишига йўл қўймаслик ҳақида ёзиб, бундай куч Россия бўлиши ва унга қарши Болтиқбўйи давлатларидан «санитар кордон»ни яратиш лозимлигини тушунтиради. Бу вазиятда америкалик стратег Вольфовиц Спикмендан кўра, Макиндерга яқин туриши кўриниб турибди, айна шу нарса унинг фикрларини Хантингтоннинг назариясидан фарқлаб туради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, потенциал рақибни аниқлашдан қатъи назар, барча неоатлантистларнинг фикри бир бўлиб қолаверади: «совуқ уруш»даги галаба Фарбга бошқа геосиёсий тузилмалардан (ҳозирги ёки келажақдаги) келадиган таҳдидни бекор қилмайди. Демак, «дунёнинг ягона»-лиги ҳақида гапиришга ҳали эрта, чунки теллуократия ва талассократиянинг сайёравий қарама-қаршилиги ХХI асрда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолаверади. Рўй берадиган барча геосиёсий жараёнлар ана шу дуализм атрофида давом этаверади.

## Ч

**ЧЕГАРА БИЛМАС ШИФОКОРЛАР** – Ушбу Ҳукуматларо қаттиқликта 1971 йилда қатор шифокорларнинг Халқаро қизил ҳоч МКК аъзоларининг ҳар икки томон – Босарар бўғозида бўлган уруш қатнашчилари (1967–1970 йй.) инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига бефарқлик сифатига норозиликлари оқибатида асос солинган. Бу ташкилот бетарафлик тамойилини рад этиб, уни гуманитар аралашув тамойилига кўра алмаштиришга, инсон ҳуқуқи бузилишларини ошқора қоралашга, улар ҳақида кенг халқ жамоатчилигига ахборот беришга қақирдилар.

**ЧЕГАРАДАГИ ТЎҚНАШУВ** – халқаро ҳаракатдаги қуролли тўқнашув тури бўлиб, бир давлат позициясини иккинчи давлат ҳисобидан яхшиланшига олиб келувчи давлат чегараларини қайта кўриб чиқиш, янги ҳудудий тартиб ўрнатиш учун ёки аксинча, давлат ҳудудининг дахлсизлиги учун кураш.

**ЧЕГАРА ДЕЛИМИТАЦИЯСИ (ЧЕГАРАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ)** – келиб чиқинининг аниқ тасвири ва бошқа давлат билан тузилган келишувга мувофиқ ҳолда ҳаритага туширилган давлат чегаралари ҳолатини аниқлаш ва жўнатиш. Давлат чегараси чизигини шартномавий асосда белгилаш, ҳарита бўйича кенг масштабли аҳоли яшайдиган объектлар гидрографияси ва улар акс эттирилган рельефлар батафсил тасвирлаш билан амалга оширилади. Ҳарита асосида чегара чизигини томонлар муфассал тасвирланган ҳолда шартномавий делимитация қилиб ўтказиш, кўзда тутилади. Давлат чегараси чизиги белгиланган ҳарита, одатда, аҳдлашадиган тарафлар томонидан имзоланади ёки ваколатли бўлган шахслар насабининг бош ҳарфлари билан бирламчи имзоланади, гербли муҳр билан мустаҳкамланади ва чегаралар делимитацияси тўғрисидаги шартноманинг асосий қисми ҳисобланади. Чегарани тавсифлаш чегара тўғрисидаги шартноманинг бирин-бир моддаси шартномада киритилади ёки унинг иловаси ҳисобланади. Ч.Д., одатда, ратификация қилинади. ратификация эса ратификация ёрликлари давлатлар ўртасида алмаштирилсагина кучга киради. Ч.Д. тўғрисидаги шартнома тарафларнинг чегарани демаркациялаши тўғрисидаги мажбуриятни ўз ичига олади, чунки томонлар маълум бир вақтда аралаш гуруҳлардан ташкил этилади. Одатда, давлат чегараси тўғрисидаги шартномалар муддатсиз бўлади. Айрим ҳолларда, давлатга денгиз кенгликлари қўшилиб кетган бўлса, унда улар мустақил равишда ўзининг денгиз чегараларини белгилаши мумкин. Бундай чегаралар давлатлар ўртасида халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосан белгиланади. Денгиз чегараси сув сатҳидаги тўлиқ йўналиши киркоққа қараб аниқланади. Айрим ҳолларда,

давлатларнинг ҳудудий ёки ички сувлари бир-бирига тегиб турган бўлса, унда уларнинг делимитацияси шартнома асосида амалга оширилади.

**ЧЕГАРА ДЕМАРКАЦИЯСИ** – чегара делимитацияси шартномага асосан давлат чегарасидаги жойининг чизигини унга илова қилинган ҳарита ва тавсиф бўйича аниқлаб белгилашдир. Чегарадош тарафлар давлатлари томонидан махсус тузилган аралаш гуруҳ жойларда чегара чизигини аниқлаш бўйича ишларни амалга оширади. Айрим ҳолларда, бундай функция тинчлик асосидаги шартномалар бўйича ташкил этилган махсус халқаро органлар орқали амалга оширилади. Аралаш гуруҳ жойлардаги чегара чизигининг тўла ҳолатини аниқлаб, чегара делимитацияси ҳақида тасвирили баённома тузади, ҳаритада унинг барча ҳолатлари, шунингдек, баённомада ҳар бир чегара белгиси ва ҳар бир белгининг чизмаси белгиланган бўлади.

Қ.Д. ишлари давомида агарда олдин тузилган шартномада белгиланган ва унга илова қилинган ҳаритада акс эттирилган бўлса аралаш комиссия чегара чизиги ўтиши юзасидан айрим аниқликлар киритиши мумкин, Бундай аниқликлар қондага кўра аҳоли яшайдиган пунктлар олдида, дарёларда ва тоғ ёнбағирларида амалга оширилади. Демаркацион ҳужжатлар аралаш гуруҳлар имзолагандан сўнг ҳар бир давлатларнинг амалдаги қонунчилиги асосида ҳар икки томон тасдиқлагандан кейин, бир-бирига тасдиқлаганлиги ҳақида хабар қилади, ҳужжатлар уларни алмаштириш жараёнида қучга киради.

**ЧЕГАРАЛАР ДАҲЛСИЗЛИГИ** – давлат мустақиллиги амал қилувчи ҳудуд давлат чегараси билан белгилангани ва унга тажовуз қилиш тақиқланганлигини билдирувчи халқаро ҳуқуқ тамойили. Чегараларни бузиш давлат мустақиллигига хиёнат қилишни билдиради. Давлат чегараларини мажбуран ўзгартириш халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган аннексиядир. ЎзР Конституциясининг 17-моддасида қайд қилинган чегараларнинг даҳлсизлиги мамлакатимиз ташқи сийosatининг асосий тамойилидир.

**ЧЕГАРА РЕДЕМАРКАЦИЯСИ** – икки томонлама текширув ва зарур ҳолларда давлат чегарасини қайта белгиланган чизигини муайян ҳудудларда тиклаш, чегарадош давлатлар ўртасидаги битимга кўра, бузилган чегара белгиларини алмаштириш ёки янгиларини ўрнатиш.

**ЧЕК** – банкдаги ҳисоб варақа эгасининг (чек берувчи) муайян суммадаги пулни бирор шахс (чекни тақдим қилувчи) га тўлаш тўғрисида банкка ёки кредит муассасасига йўллаган ёзма буйрути, фармойиши; пул ҳужжати, қимматли қоғоз тури. Чек ёзиладиган қоғоз белгиланган тартибда расмийлаштирилган банкка тарзида махсус дафтарча ҳолида чиқарилади; чакана савдода кассанинг ҳаридордан пулни қабул қилиб олгани тўғрисидаги паттаси. Тўлов ўтказилган ва ҳаридни олиш мумкинлигини тасдиқлайди ва тўлов ўтказилган доирасида амал қилади.

**ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ** – тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар қўшадиغان барча турдаги мулкӣй, молиявий ва интеллектуал бойликлар. Бундай бойликлар: пул маблағлари, аниқ мақсадли банк омонатлари, улушлар, акциялар, сугўрта полислари ва бошқа қимматли қоғозлардан; кўчувчи ва кўчмас мол-мулкдан (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликлар); муаллифлик ҳуқуқларидан келиб чиқадиган мулкӣй ва мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлар ва бошқа интеллектуал бойликлардан; ЎзР, мамлакат юридик шахслари ва фуқаролари эгаллик қиладиган ердан, мол-мулк ҳамда табиий бойликлардан фойдаланишга чет эллик инвесторлар сотиб олган ижара ҳуқуқларидан; ўзга бойликлардан иборат бўлиши мумкин.

**ЧУЛПОН АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН УҒЛИ (1897–1938 йй.)** – XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намояндalarидан бири. 1897 йилда Андижонда туғилган. Унинг отаси Сулаймонкул Мулла Муҳаммад Юнус ўғли базозлик (яъни газлама сотувчи) билан шуғулланганига қарамай, ўз даврининг нозиктаб кishиларидан бўлган, «Расво» таҳаллуси билан ҳажвий шеърлар ҳам ёзган. Шоирнинг бувиси «отли ва бой тил» соҳибаси бўлган.

Ч. мадраса ва рус-тузем мактабида таҳсил кўриб, бир томондан, аънавий шарқона билимлардан, иккинчи томондан, оврупоча таҳсил ва тарбиядан баҳраманд бўлган. У 1914 йили, Тошкентга кўчиб келганида, «Саддон Туркистон» газетаси, «Шўро» (Оренбург) ва «Ойна» (Самарқанд) журналлари ҳамда «Таржумон» (Богчасарой) ва «Вақт» (Уфа) газеталарида босилган хабар, мақола, шеър ва ҳикояларнинг муаллифи сифатида танилган эди. Шунинг учун ҳам худди шу йили андижонлик бу ёш истеъдодли шоир билан учрашган Фитрат унга Ч. (яъни ёруғ тонг юлдузи) таҳаллусини тақлиф этади. Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидов бошлиқ жадидлар билан яқин алоқа ўрнатиб, улар ташкил этган «Турон» жамиятининг фаолиятида иштирок этади, жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бирига айланади.

Ч. 1917 йил февраль инкилобининг катта умидлар билан кутиб олган, Туркистон мухторияти ҳукуматининг вужудга келишида фаол иштирок этган ва бу ҳукуматнинг «Озод турк байрами» деб номланган мадҳиясини яратган.

Туркистон мухторияти болшевиклар томонидан тор-мор этилиб, Ўзбек диёрида шўролар ҳукмронлиги бошланган йилларда, Ч. мустабид тузумнинг реакцион моҳиятини фош этувчи оташин шеърларини ёзди. 20-йилларнинг ўрталарида унга «миллатчи» деган тамга ёпиштирилади; у 1924–1927 йилларда Москвада театр санъати билан шуғулланиб, бугунги профессионал ўзбек театрининг том маънодаги асосчиларидан бири ҳисобланади.

Ч. 1931–1934 йй. катагон тўлқинидан қочиб, Москвада яшади ва таржимонлик фаолияти билан шуғулланиб, В.Шекспир, А.С.Пушкин, А.П.Чехов, Л.Андреев, М.Г.Горькийнинг қатор асарларини ўзбек тилига ўтирди. Унинг таржимон сифатида олиб борган самарали фаолияти ўзбек таржима мактабининг шаклланиши ва камол топишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Чулпон ўзбек тилининг етук адабий тил даражасига эришиши ва бойишига катта ҳисса қўшди. Унинг қаламига мансуб асарлар ўша давр ўзбек шеърини, насри ва драматургиясининг янги тараққиёт босқичига қўтарилишида муҳим омили бўлди. У миллий театр танқидчилигига асос солди, ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг шаклланишига муайян таъсир ўтказди.

### III

**ШАЙТОНЧИЛАР** – XIX асрда насронийликнинг ҳукмронлигига қарши вужудга келган дунёқараш. Ш.лар Библиядаги Сатага тинсолнинг куч-қудрат ва эркинлик тинсоли сифатида талқин этади. Томас Хардингнинг Мартин Лютер таълимоти тафсиқланган «Англичан черкови асосларининг инқори» (1565 й.) асари «Ш.» ибораси ялб бос қўлланган китоб саналади. «Ш.» ибораси Хардинг томонидан азалий насронийликка қарши тинсол сифатида талқин этилади. Манший ҳаётда ва оммавий талқинда Ш. ёвузликка «зулмат кучларига» эътиқодни ёқлаб чиқадиган дин сифатида тассавур этилади. Адабиётда Ш. мисол сифатида Чарльз Мэнсон (Charles Manson) қарашлари ёки оммавий ахборот воситаларида муайян маросимлар асосида амалга оширилган қотилликлар ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Аслида эса бундай қотилликлар Ш. у қадар алоқаси бўлмаган руҳий хаста кишилар томонидан амалга оширилади. Ш. Насронийликда Парвардигорнинг рақиб ва тубалликка юз тутган фаришта ҳамда насроний алоққа зид ёвузлик тинсоли деб талқин этилади. Насронийликдан узоклашув, черков таъсирининг пасайиши ҳамда либерал гояларнинг тарқалиши Ш. секталарининг пайдо бўлишига олиб келади. Улар орасида 1966 йилда «Сатана Библияси» асарининг муаллифи А.Ш.Лавей томонидан ташкил этилган ва АҚШда расман қайд этилган Ш. Черкови алоҳида ажралиб туради.

**ШАНТАЖ** – муайян фойда олиш мақсадида қўрқитиш, товламачилик йўли билан шармандали, компромат (ҳақиқий ёки ёлгон) маълумотларни овоза қилиш билан қўрқитиш. ЎЗР жиноят ҳуқуқига кўра, Ш. алоҳида жиноят эмас, балки бошқа жиноятларни амалга ошириш воситасидир.

**ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ШХТ)** – минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 мамлакат – Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари учрашувида тузилган (2001 йил 15 июнь). Ташкилот структураси ҳукумат бошлиқлари (Бош вазирлар) кенгаши, Ташқи ишлар вазирлиги кенгаши, Тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари кенгаши, Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши ва доимий ишловчи Котибият (Пекин шаҳрида жойлашган) ҳамда Минтақавий акситеррор тузилмаси (МАТТ, Тошкент шаҳрида жойлашган)дан иборат.

**ШАРИАТ** – (араб. *тўғри йўл*) – Ислом ҳуқуқ тизими. Қуръон асосида тузилган диний-ҳуқуқий меъёрларнинг давлат, мерос, жиноий, никоҳ ва оила ҳуқуқи билан уйғунлиги. Илк Исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш Қуръон асосида олиб борилган. Ш. ҳуқуқий тизим сифатида XI–XII асрларда тўта шаклланган. Ш. ҳозир ҳам дунёнинг энг йирик ҳуқуқий тизимларидан бири бўлиб қолмоқда.

**ШАРТНОМА** – икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувни шартнома дейлади. Ш. тарафларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигидан, муносабатларда иштирок қилиш учун ўз хоши ва мақсадларини эркин равишда расмий ифода этишларидан дарак беради. Ш. одатдагидек фақат битимнинг бир тури сифатида қарамасдан, балки фуқаролар, юридик шахслар, давлатлар иштирокида тузиладиган ва ижтимоий-иқтисодий, маданий муносабатларни тартибга соладиган юридик ҳужжат сифатида қарашни талаб қилади. Ш. атамаси шартнома асосида вужудга келган фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг мавжудлигидан ва ёзма шаклида тузилган, шартноманинг мазмунини ифода этган ҳужжат эканлигидан дарак беради. Ш. контракт маъносини беради.

**ШАХС** – инсонни жамият ёки жамоа аъзоси сифатида тасвирловчи, мустаҳкам ижтимоий аҳамият касб этган тизим. Ш. ўзига хос мустақил онг, ирода ва характерга эга бўлган индивиднинг ва бирламчи инсон мавжудоти нинг мустақил фаолияти. Индивиднинг ижтимоий ҳаёт жараёнидаги фаолияти унга шахс таърифини беради. Ш. хавфсизлиги ҳуқуқий, маънавий, ахлоқий меъёрларнинг шаклланиши, жамоат ташкилот ва институтларини ташкил топиши билан амалга оширилади.

**ШАХСГА СИҒИНИШ** – сиёсий ёки диний ҳокимият иерархиясида юқори мансабни эгаллаган шахсни ҳаддан ташқари улуглаш, гоҳида илоҳийлаштириш; йўлбошчиликнинг роли ва вазибаларини юксак даражага кўтариб баҳолаш.

**ШАХСИЙ АВТОНОМИЯ (Personal autonomy)** – индивид томонидан ўз тамойиллари, меъёрлари, тафаккур тарзи ва фаолият йўналишини танлаш имконияти.

**ШАХС ЭРКИНЛИГИ** – бирор кишининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ чеклаш ва таъқибларнинг амалдаги қонулар доирасида муҳофаза қилиниши (хоҳлаган динига эътиқод қилиш ҳуқуқи, шахснинг дахлсизлиги, ўзаро хат ёзиш, телефон ва телеграф хабарлари сира, виждон эркинлиги, сўз эркинлиги, маълумот олиш эркинлиги, овоз бериш эркинлиги, давлат мансабларида бўлиш каби ҳуқуқлар).

**«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ** – 1999 йил 22 июл ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 35–сонли «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш» тўғрисидаги қарори асосида ташкил этилган. Мустамақачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссиясининг қатагон қурбонлари бўлган Ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш хотирасини абадийлаштириш юзасидан тақлиф ва тавсифлари маъқуллансин.

Жамғарманинг асосий вазибалари: Мустамақачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш иши бўйича жамоатчилик комиссияси ишнини ташкил этиш; қатагон этилган фидоий ватандошларимизни номма-ном аниқлаш; Шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жыллик «Қатагон қурбонлари» хотира китобини яратиш мақсадида комиссия зиммасига юкланган вазибаларнинг бажарилишига ёрдам бериш.



**ШЕНГЕН ШАРТНОМАСИ** – (1985 йил 14 июнь, 1990 йил 19 июнь, 1996 йил 25 март) – бу шартномага биноан унга имзо чеккан давлатлар ўртасида капитал, товар ва фуқароларнинг эркин ҳаракатлиниши ўрнатилди. Яъни, факт жиҳатдан давлатларaro чегаралар бекор қилинади. Мазкур давлатларнинг ягона умумий таъқиқ чегарасигина мустасно. Битим Люксембургда етти давлат – Европа Иттифоқи аъзолари: Бельгия, Германия, Испания, Люксембург, Нидерландлар, Португалия ва Франция ўртасида имзоланган. 1997 йилдан бошлаб мазкур битимга Австрия ва Италия қўшилди. Гарчи Греция битимни имзолаган бўлса ҳам амалда қўллама сифатининг боиси шароитнинг яратилмаганлигидир. Скандинавия мамлакатлари – Дания, Исландия, Норвегия, Финляндия, Швеция Ш.Ш. қўшилиш истагини билдирди.

**ШЕРИКЛИК** – турли субъектлар орасида маълум масалада ягона позицияни ишлаб чиқишдан иборат ўзаро муносабат тури, шунингдек, қисқа муддатли, айни вақтда белгиланган ушбу субъектлар манфаатларини ифодаловчи, сиёсий дастурларнинг муҳим масалаларда мос келишига асосланган узоқ муддатли ўзаро ҳаракатларни ташкиллаштириш. Ш.нинг ҳар бири томонидан улар фаолиятининг асосий аспектларида нисбий мустақилликнинг сақланиб қолиши шерикликнинг спецификаси ҳисобланади.

**ШИМОЛИЙ АНТЛАНТИКА ШАРТНОМАСИ (НАТО)** – АҚШ ташаббуси билан 1949 йил 4 апрелда таъсис этилган ҳарбий сиёсий ташкилот. Антланктик пакт асосида 12 давлат имзолаган: АҚШ, Канада, Бельгия, Буюк Британия, Дания, Исландия, Италия, Люксембург, Норвегия, Нидерландия, Португалия ва Франция; 1952 йилда НАТОга Греция ва Туркияга 1955 йилда ГФР, 1982 йилда Испания аъзоликка қабул қилинганлар. Асосий (бош) мақсади: Ғарб давлатларининг коллектив хавфсизлигини таъминлаш ва Совет Иттифоқи томонидан бўладиган хавф хатарга қарама-қарши туриш. Бош қароргоҳи Брюссельда жойлашган.

**ШИМОЛИЙ МУЗ ОКЕАНИ** – Ер шарининг майдони жиҳати бўйича энг кичик океан. Евроосиё ва Шимолий Америка ўртасида жойлашган. Майдони – 14,75 млн. км<sup>2</sup>, ўртача чуқурлиги – 1220 м., энг чуқурлиги – 5527 м. (Гренландия денгизи). Ш.М.О.га йирик дарёлар – Шимолий Двина, Печора, Обь, Енисей, Лена, Колим, Хатанга, Индигирка, Макензи қуйилади. Товарларни олиб ўтиш асосан Шим. Денгиз (Россия) ва Ғарбий (АҚШ, Канада) йўли орқали амалга оширилади. Муҳим портлари: Мурманск, Беломорск, Архангелск, Тикси, Диксон (Россия), Тромсе, Тронхейм (Норвегия), Черчил (Канада).

**ШИОР** – гоғлар, топшириқ ва талаблар маъносини қисқа шаклда англатадиган чакриқ.

**ШОВИНИЗМ (БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК Ш.)** – (фран. «*chauvinisme*») – бошқа халқларни таъқиб қилиш, хўралидан иборат бўлган реакция сиёсати) – Наполеон I босқинчилик сиёсатининг мухлиси, француз ҳарбий қўмондонларидан бири бўлган Н.Шовен (Chauvin) номидан олинган бўлиб, бошқа миллатларни менсимасликни, ўз миллатининг уларга нисбатан устуңлигини асослашга қаратилган гоғвий-назарий қарашлар тизими. Ш. кўп сонли халқларнинг кўп миллатли доирасида, шунингдек, уни ўраб турган жўгрофий-сиёсий маконда ҳам ўз мутлак ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади. Ш. – миллатчиликнинг ўзинга хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устуңлигини асослашга қаратилган гоғвий-назарий қарашлар тизими ва амаллари. Моҳиятан Ш. миллатчиликнинг ўзини асос шакли бўлиб, бошқа миллатларнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, бутунги кундаги мавқеи, маънавий-маданий ҳаётининг ўзинга хос томонларини менсимасликка интилишида яққол кўринади. Ш. кўп сонли халқларнинг кўп миллатли давлат доирасида, шунингдек, уни ўраб турган жўгрофий-сиёсий маконда ўзининг мутлак ҳукмронлигини ўрнатишга уринишида ҳам намоён бўлиши мумкин. Бугунги кунда Ш. гоғлари билан қуролланган, турли мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий куч ва ҳаракатларнинг асл мақсади ёшларимизнинг қалби ва онгини эгаллашдан иборат.

**ШОК** – кескин ривожланувчи, ҳаётга таҳдид солувчи патологик жараён.

**ШОК ТЕРАПИЯСИ** (иктисодиётда) – иктисодиётни соғломлаштиришга йўналтирилган катор салбий оқибатларни (нархларнинг ўсиши, инфляция, бандликнинг пасайиши ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар) ўз ичига олувчи радикал чора-тадбирлар мажмуаси.

**ШТАТ** – ижтимоий-сиёсий маънода баъзи мамлакатларда (АҚШ, Мексика) штатлар ўз конституциясига эга. Ш. тепасида сайланилган ёки тайинланадиган губернатор туради. Унинг ваколати баъзи жиҳатдан давлат бошлиғи ваколатига ўхшашдир. Ш.нинг қонун чиқарувчи органлари, одатда, икки палатали бўлади. Бироқ Ш. мустақил давлат эмас. Ш. -- 1) катор федератив давлатларда ўз-ўзини бошқарувчи маъмурий-худудий birlik; 2) юридик маънода муайян муассаса, ташкилот ходимларининг доимий таркиби; 3) ходимларнинг миқдорий таркиби, уларнинг вазифалари, муассасанинг структуравий бўлиналари тўғрисидаги жадвал, низом.

## Э

**ЭВАКУАЦИЯ** – (лот. «evacuatio» ёки «evacuare» – *йўқ қилиш, кўчириш*) – 1) душман ҳужуми хавфи ёки табиий офат остида қолган, шунингдек, табиий офат, оммавий қиргин курули таъсири мавжуд (жабрланган аҳолига ёрдам кўрсатиш тартибида) жойдан ёки мазкур худудда йирик давлат қурилиши бошланган ҳолатда (канал қазич, гидростанциялар барпо этиш) аҳолини, қорхоналарни, муассаса, мулк, халқ хўжалиғи бойлиқларини бошқа жойга олиб чиқиш, кўчириш. Тинчлик вақтида аҳолини режалл асосда Э. қилишда уларга йўқотилган мулк ва зарар ундириб берилади; 2) ярадорлар, касаллар, ҳарбий асирлар, ҳарбий мулк ва бошқаларни ҳарбий ҳаракатлар майдонидан режаллаштирилган ҳолда олиб чиқиш, фронт ортига жўнатиш; 3) тузилган келишув, шартномага мувофиқ ҳолда қўшинни улар эгаллаган худуддан олиб чиқиш; 4) Э. жойи, эвакуация қилинганларни эвакуация учун мўлжалланган жойга етиб келиш вақти.

**ЭВОЛЮЦИЯ** – ривожланиш, ўзгариш жараёни.

**ЭГИДА** – (يونون. «aigis» ёки «aigidos» – *қалқон*) – кўчма маънода химоя, раҳнамолик, раҳбарлик маъноларини англатади. Бирор тадбир ёки ҳаракат олиб борилишидаги ҳомий ташкилотнинг фаолият мазмуни. Мас., БМТ бошчилигида амалга оширилган ҳаракатлар.

**ЭКОЛОГИК ИНКИРОЗ** – атроф-муҳитнинг табиий ресурсларидан (сув, ҳаво, tupроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ваҳийларча фойдаланиш ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида юзага келган, инсониятнинг мавжудлигига хавф солувчи мушкул аҳвол.

**ЭКОЛОГИК СИЁСАТ** – инсоннинг ҳаётий фаолияти ва экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиий захиралардаги оқилона фойдаланиш, соқносоҳани сақлаб қолиш ва ривожлантириш сиёсати.

**ЭКОЛОГИК ТАҲДИД** – инсон фаолияти ва табиий талофатлар натижасида экотизим барқарорлиғи ҳамда ишончлилиғи бузилишининг бевосита имконияти.

**ЭКОЛОГИК ХАВФ** – инсон фаолияти, техноген омилларнинг таъсири, табиий ва антропоген авария, кулфатлар, ҳарбий низо ҳамда бошқалар натижасида табиий атроф-муҳит учун салбий оқибатларнинг юзага келиш имконияти.

**ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК** – биосфера ва табиий муҳитнинг экологик параметрлари, атмосфера ҳолати, гидросфера, литосфера, космосфера, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг бузилиши, таҳдидларни, инсон ҳаёти умумфаолиятдан қайта тиклаш имкониятлари бўлмаган табиий бойлиқларнинг йўқолиб бориш хавф-хатарларининг олдини олишга қаратилган хавфсизлик тури. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу хавфсизлик тури алоҳида давлатлар ҳаракатлари билан амалга ошмайди, бу жараён бутун жаҳон ҳамжамияти фаоллигини талаб этади. Э.Х. бошқа хавфсизлик турлари, жумладан, миллий хавфсизликдан фарқи – унинг бутун башариятга тегишлилиги билан изоҳланади. Э.Х. эътиборсиз бўлган муносабат, охир оқибатда биосфера учун тузатиб бўлмайдиган

вазирати келтириб чиқаради. Бу эса ҳар бир давлатнинг тинч, осойишта ривожланиши, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарор тараққиётига жиддий таҳдид солади.

**ЭКОЛОГИК ҲАЛОКАТ** – маълум минтақа миқёсида атроф-муҳитда кучли нуқулай ўзгаришларга, оғир иқтисодий оқибатларга, аҳоли ва тирик мавжудотларнинг оммавий қирилишига олиб келувчи табиий ёки антропоген характердаги табиат аномалияси. Табиий характердаги табиат аномалиясига узок вақт давом этган қурғоқчилик, жониворларнинг оммавий қирилиши ва бошқалар, антропогенга эса атом электр станцияларидаги авария, танкер ҳалокати кабиларни киритиш мумкин. Орол муаммоси ҳам экологик ҳалокатнинг бир туридир.

**ЭКОЛОГИЯ** – инсонлар жамиятининг атроф муҳит билан ўзаро боғлиқлиги ва ва бу жараёнда улар ўртасида мувозанатни таъминлаш ҳақидаги фанлар мажмуи.

**«ЭКОСАН»** – **ЭКОЛОГИЯ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ** – (2004 йил августга қадар Экология ва Соғлиқни Сақлаш Халқаро Фонди деб аталган) – 1992 йилда таъсис Мажлисида ташкил этилган нодавлат, нотижорат ташкилот ҳисобланади. «Э.» ташкилотининг асоси сиёсат, илм-фан, маданият ва ишлаб чиқариш соҳаларининг асосий мезони сифатида экология ва соғлиқни сақлашнинг ўзаро алоқадорлиги; Марказий Осиёда минтақа биосферасининг яхлитлиги ва бўлин-маслиги тамойилларига асосланган экологик-иқтисодий тизим барпо этиш; халқаро ҳамкорликнинг асосий устуворликлари сифатида экология ва соғлиқни сақлаш каби омилларга боғлиқ. «Э.» ташкилотининг асосий мақсади долзарб экологик муаммоларни ҳар тарафлама тадқиқ этиш ва бу тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаш, илмий концепциялар яратишда давлатлар, нодавлат тузилмалари, халқаро ташкилотлар, олимлар, мутахассисларнинг имкониятларини бирлаштириш, Марказий Осиёда илмий асосланган экологик сиёсатни шакллантиришда иштирок этиш, экологик ижтимоий тафаккур ва маданиятни шакллантиришдан иборатдир.

«Э.» ташкилоти атроф-муҳитни химоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, экологик, санитар-гигиеник билимларни ошириш, касалликларни олдини олиш ва ҳақозо йўналишларда фаолият олиб боради.

**ЭКСПАНСИЯ** – (лот. *«expansio»* – кенгайтириш, ёйиш, тарқатиш) – кучли давлатларнинг дипломатик иқтисодий ва ҳарбий усуллар билан ўз таъсир доирасини бошқа мамлакатларга ёйишга қаратилган сиёсати. 1) Иқтисодий усуллар, мас., капитални олиб чиқиб кетиш, ноиқтисодий усуллар – янги ҳудудларни қурол ишлатиш йўли билан қўлга киритиш, сиёсий, дипломатик, диний ва х.к. билан ҳам амалга ошириладиган турли бирлашмалар, гуруҳлар, давлатлар ҳукмронлигининг, таъсир доирасининг кенгайтиши, тарқалиши; 2) бирор нарсанинг дастлабки чегарасидан чиқиб кетиши, кенгайтиши, тарқалиши.

**ЭКСТРАДИКЦИЈА** – маълум давлат томонидан унинг ҳудудидаги жиноятчини бошқа давлатга ушбу давлатнинг талабига биноан жиноий жавобгарликка тортиш ёки қонуний қўлга кирган суд ҳукмининг бажарилишини таъминлаш учун тутиб бериш. Ҳозир конституциялар, қонда тарикасида, ўз фуқаросини хорижий давлатга беришни сўзсиз ман қилади (мас., ЎзР Конституциясининг 22-моддаси), хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни беришга, халқаро шартномаларда кўрсатилганидек, фақат тегишли давлатларни боғловчи халқаро шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**ЭКСТРЕМИЗМ** – (лот. *«extremus»* – ашаддий) – сиёсатда ашаддий қараш ва чораларга мойиллик. Э.ни вужудга келтирадиган омиллар кўп ва хилма-хил. Улар орасида бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида юз берадиган ижтимоий тузулмаларнинг бузилиши, аҳоли катта гуруҳларининг қашшоқлашуви, иқтисодий ва ижтимоий танглик каби омилларни кўрсатиш мумкин. Бу омиллар аҳоли турмуш шароитларининг ёмонлашувига олиб келади. Давлат ҳокимиятининг заифлашуви, давлат органларининг обрўсизланиши, ижро интизомининг пасайиб кетиши, қадриятлар тизимининг емирилиши, ақсил ижтимоий кайфият ва ҳаракатларнинг ўсиб бориши ҳам Э. вужудга келтирадиган сабаблардан ҳисобланади.

Э. аҳолининг сиёсий ва ижтимоий кайфиятидан мавжуд ижтимоий тузулмаларни вайрон қилиш мақсадида фойдаланади. Экстремистик ташкилотлар Конституция ва бошқа қонуний ҳужжатларга зид тарзда фаолият юритади. Шунинг учун, айтиш мумкинки, экстремизм – ҳуқуқий ниғилизмнинг бир кўриниши.

XX асрнинг 80–90 йилларида сиёсий Э. намоён бўлиш кўлами кенгайди. Шу даврда одамларни гаровга олиш, сиёсий қотилликлар, сиёсий партиялар аъзоларига қуроли ҳужумлар қилиш, анархистик, шовинистик ва неофашист гуруҳларнинг фаоллашуви кузатилди.

Э. сиёсий, психологик, маънавий ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин. Сиёсий экстремизмнинг ашаддий кўриниши – терроризмдир. Э. одамларга қийинчиликларни тезда бартараф қилиш, тартибни кафолатлаш, ижтимоий таъминотни яхшилаш сингари ваъдалар беради.

Сиёсий Э. «сўл» ва «ўнг» кўринишларга эга. Сўл Э. марксизм-ленинизм, сўл радикализм, анархизм ва шу сингари мафқуралар байроғи остида ҳаракат қилади. Сўл Э. мисол тариқасида Италиядаги «Қизил бригадалар», Кампучиядаги полпотчиларларни келтириш мумкин. «Ўнг Э.» аксилкоммунизм, авторитаризм миллатчилик ва шовинизм руҳида ҳара-кат қилади. Ўнг экстремистлар бир қатор халқро ташкилотлар – Европа ишчи партияси, Европа ўнг кучлари, Франциядаги «Миллий фронт» кабиларга бирлашган. «Ўнг Э.» ҳамда «сўл Э.» олиб бораётган фаолият вакиллик демократияси манфа-атларига зиддир. Шунинг учун ҳам Ғарб сиёсатшунослигида «Ягона Э.», «Икки Э.» ва «Уч Э.» концепциялари мавжуд. «Ягона Э.» концепцияси коммунистик ва фашистик диктатура-ларнинг мавжудлигидан келиб чиқади. «Уч Э.» концепциясига кўра, фашизм – центрист-лар Э., коммунизм – сўллар экстремизми, голлизм эса ўнгллар Э. Португалиядаги Салазар тартиботи ва бошқалар ўнгллар тартиботи ҳисобланади.

Диний асосларда вужудга келган Э. гуруҳ ва оқимлар Ғарбда ҳам Шарқда ҳам мавжуд. Ўрта Осиё мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда «Ҳизбут-таҳрир», акромия, нурчилар сингари диний-экстремистик оқимлар вакиллари қонунга зид ҳолда фаолият олиб боришга уринмоқда.

**ЭЛАТ-ЭТНОС** – (юнон. *«ethnos»* – халқ) – умумий маданият ва тилига эга, ўз-ўзини англаган тарихан шаклланган кишилар уюшмаси. Э. ибораси энография нуктаи назаридан «халқ» тушунчасига яқин.

**ЭЛЕКТОРАТ** – сайловларда маълум сиёсий партия (сиёсий етакчи)га овоз берувчи сайловчилар давраси; маълум сайлов округи ёки мамлакат сайловчилари мажмуи.

**ЭЛИТА** – (лот. *«elitere»*, фран. *«elite»*) – энг яхши, муқаммал, саланган, сайланган) – XVII асрдан бошлаб олий сифатли маҳсулотларни ифодалаган, XIX асрдан ижтимоий иерархия тизимидаги олий ижтимоий гуруҳларга қўллана бошлаган (шунингдек, генетика, уруғчиликда ҳам қўлланади); XX асрда ушбу илюора социология ва сиёсий фанларда тарқалади. Э. олий, илтифатли гуруҳ ва табақалар ҳар қандай ижтимоий тузилманинг зарур таркибий қисми бўлиши лозимлигини таъкидлайдиган элитар назарияларнинг марказий тушун-часи ҳисобланади. Яхлит таълимот сифатида бу назариялар XX асрнинг бошларида. Парето, Моска, Михельслар томонидан илгари сурилган. Ғарб социологияси ва сиёсий фанида Э. турлича талқин этилади: ўз фаолиятида юксак баҳо олган кишилар (Парето); ҳокимиятга интиляётган фаол кишилар, ҳукмрон синф (Моска); жамиятда катта обрў-эътибор қозонган, юксак мавқе ва бойликка эга шахслар; ақлий, аҳдоқий жўхатдан ва масъулиятни ҳис этиш нуктаи назаридан бошқалардан ажралиб турган одамлар (Ортега-и-Гасет); ҳокимиятга эришган кишилар (Этциони); жамият аъзоларининг камчилиги ташкил этидиган ижод-корлар (Тойнби) ва ҳ.к.

Иккинчи жаҳон урушидан олдин Э. таълимотлари Италия, Германия, Францияда, урушдан кейин АКШда кенг ривож топади. Унинг «кадриятлар» (Ортега), «макиавеллиёна» (Бернхэм), тузулмавий-функционал (Келлер) каби йўналишлари тақдиф этилган. Э. назариялари ҳос умумийлик тарихий тараққиётни инкор этиш, халқ суверени-

теги ғоясини афсонавий деб баҳолаш сингари тасаввурларга намоён бўлади. Шу билан бирга, Э. сиёсий муносабатларни муглаклатиришга мойилдир. Сиёсий ҳокимиятни у ижтимоий муносабатларнинг асоси сифатида талкин этади.

**ЭЛЧИ** – чет давлатдаги (баъзан ўриндошлик билан бир қанча давлатларда) ва халқаро ташкилотдаги мазкур давлатнинг олий мартабали дипломатия вакили. («Э.» атамаси, энг аввало, дипломатик ваколатхона бошлигининг энг юксак мартабасини англатади, мазкур мартаба дипломатия ваколатхоналари очатган давлатлар ўртасидаги битимлар билан белгиланади. Бунинг учун халқаро урф-одатда эътироф этилган ва 1961 йилдаги дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясида ўз тасдиғини топган қондаларига кўра дипломатия ваколатхонаси раҳбари тоифалар орасидан танлаб олинади. Э. давлат бошлиғи томонидан тайинланади ва ўзи тайинланган давлат бошлиғи томонидан эътироф этилади. Э. деганда, шунингдек, тегишли ваколатхона раҳбари лавозими ҳам тушунилади, аксарият мамлакатларда бу олий дипломатия мартабасидир. ЎзР Конституциясида кўзда тутилганидек, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлардаги элчиларни ва бошқа дипломатия вакилларини ЎзР Президенти тайинлайди ва қақриб олади (93-модда, 6-банд). Президент, шунингдек, чет эл дипломатия вакилларида ишонч ёрликларини қабул қилиб олади (93-модда, 5-банд), яъни ЎзР Президенти чет эл давлати бошлиғидан ЎзР раҳбарига «зилган расмий мактубларни қабул қилиб олади, ушбу мактубларда дипломатия вакилини тайинлаш ёки қақриб олиш қондалари баён этилади. ЎзРнинг 1992 йил 3 июлдаги «ЎзР чет эл давлатларидаги дипломатия вакилларини тайинлаш ва уларни қақриб олиш тартиби тўғрисида»га қонунида 1961 йилдаги дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган тамойиллари ва меъёрларига биноан ЎзР элчисини тайинлаш ва қақриб олиш тартиби белгиланган.

**ЭЛЧИҲОНА** – суверен давлатнинг бошқа суверен давлат ҳуқумати қошидаги дипломатик ваколатхонаси, шу ваколатхона жойлашган бино. Бу ваколатхонани элчи бошқаради. У ўз давлатининг расмий вакили ҳисобланиб, дипломатик унвонлардан бирига эга бўлади. Биринчи марта доимий элчиҳоналар институти XVII–XVIII асрларда пайдо бўлган. Ҳозирги кунда энинг ҳуқуқий ҳолатини аниқловчи халқаро ҳуқуқий қондалар «Дипломатик алоқалар ҳақидаги 1961 йил Вена конвенцияси»да жамланган.

**ЭМАНСИПАЦИЯ** – тобеликдан, итоатгүйлик, зулмдан озод бўлиш; мустақиллик ва тенг ҳуқуқлиликни кўлга киритиш.

**ЭМБАРГО** – бир томонидан бошқасига нисбатан тазйиқ чораси сифатида ёки тинчлик сулҳи бузилган ва уруш ҳаракатлари бошлашлан тақдирда амалга ошириладиган хорижий субъектлар мулкисининг ҳибсага олинishi. Бу денгиз кемалари, улардаги юк ва қандамда бўлиши мумкин.

**ЭМИССИЯ** – (лот. *«emissio»* – чиқармоқ) – пул бирликларининг барча шаклларда ва қимматли қоғозлар тарзида муомалага чиқарилиши. Пулнинг Э. марказий банклар ва казначействолар, қиммақимматли қоғозлар Э. молия-кредит муассасалари ва савдо-саноат компаниялари томонидан амалга оширилади.

**ЭНЦИКЛОПЕДИЯ** – (يونون. *билимлар мажмуи*) – маълум қондалар асосида тартибга солинган билимлар тўплами, илмий ёки илмий-оммабоп нашр. Э.нинг юзага келиши деярли уч ярим мингйиллик тарихга эга. Илк Э.лар қадимий Миср ва Хитойда пайдо бўлган. Ундан кейин энциклопедия мазмун ва тусдаги асарлар Қддимги Юнон тоғда, шу жумладан, Демокрит ва Аристотель томонидан яратилган. Марказий Осиёда Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Бобур қомусчилик тарихига қимматбаҳо ҳисса қўшганлар.

Биринчи ҳақиқий Э. 1751–1780 йилларда 35 жылда Д.Дидро бошчилигида француз олимлари Монтескье, Вольтер, Руссо ва Д.Аламбер томонидан тайёрланиб, чоп этилди. 1917 йилгача Россияда Брокгауз ва Ефрон ҳамда Гранат Э. маълум эди. Шўро даврида Катта Совет Энциклопедияси 1, 2 ва 3-нашр бўлиб чоп этилди. 1930-йилларнинг ўртасигача, яъни «социализм ғалабаси»гача, чиққан КСЭнинг 1-нашри илмий жиҳатдан юксак даражада бўлиб, 2 ва 3-нашрларда эса ҳукмрон мафкура таъсири уларнинг мазмунига

салбий таъсир кўрсатган. Шўролар даврида бир канча соҳа Э. (фалсафа, тарих, техника, жугрофия, химия ва бошқалар бўйича) ва республикалар энциклопедиялари тайёрлаб чоп этилди.

«Ўзбек совет Э.» 1971–1980 йилларда 14 жилддан иборат ҳолда чоп этилган. Ўзбек халқи тарихида биринчи тўлиқ мазмундаги энциклопедиянинг яратилиши муҳим воқеа бўлди ва ҳозирги замон фани даражасида олам, жамият ва инсон тафаккури ҳақидаги билимларни комусий равишда, лекин ҳукмрон мафкура ва назария доирасида акс эттирди. ЎзСЭ етти мингдан охиқ олим, соҳа мутахассислари, маданият ва давлат намояндаларининг кўп йиллик меҳнатининг самараси ва натижаси бўлди. Унга 40 мингдан охиқ атама – мақолалар киритилди, мингта суврат ва 800 та ҳарита илова қилинди. Афсуски, ЎзСЭ мазмунинда яқин ўтмишдаги ҳукмрон мафкуранинг жиддий салбий таъсири бор. 1981 йилдан бошлаб ўзбек комусчилари 2 жилди «Э. лугат», тиббиёт, пазандчиликка онд, болалар учун ва бошқа Э. чиқардилар. 1997 йилда бир жилдди «Ўзбекистон Республикаси» Э. чоп этилди. Ҳозирги даврда ушбу Э. 16 жилди нашрдан чиққан.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Э. ишига алоҳида эътибор бериб, 1997 йил 20 мартда «Ўзбекистон миллий Э.» давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорига имзо чекди ва у матбуотда эълон қилинди. Мазкур қарор мазмлакатимизда Э. ишини янги поғонага кўтарди, ўзбек тилининг кўп-жилдди изохли лугатини, соҳа Э., кўп тилини лугатлар ва маълумотномаларни чоп этишни кенг миқёсда ва тартиб-режа асосида мунтазам оляб бориш истиқболини очди.

ЭРА – 1) йил ҳисоби олинадиган вақт, шунингдек, йил ҳисоби тизимининг айнан ўзи; 2) йирик тарихий давр, шунингдек, ҳаётдаги олдинги сидан тубдан фарқ қиладиган сиёсий тарихий давр.

**ЭРКИН КОНВЕРТИРЛАНАДИГАН ВАЛЮТА** – деганда, муайян валютанинг бошқа валюта билан эркин алмашуви тушунилади. Агар миллий валюта бошқа валюталарга алмаштирилмаса, халқаро ҳисоб-китоб амалга ошмайди. Шу сабабдан, албатта, валюта конвертацияси (алмаштирилиши) талаб қилинади. Миллий валютанинг конвертацияси уни бошқа валюталарга алмаша олиш хусусиятидир. Валюталарнинг шу жиҳатдан кадр-қиммати ҳар хил бўлганидан улар турлича конвертацияланади. Шу жиҳатдан валюталар конвертирланадиган (эркин алмаштириладиган) ва конвертирланмайдиган (алмаштирилмайдиган, берк) валюталарга ажратилади. Конвертирланадиган валюталарни бошқа пулга алмашини мумкин, лекин бу чексиз ёки меъёрли бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан улар ўзи икки турга бўлинади: 1) тўла конвертирланувчи валюталар. Улар мамлакат ичиди ҳам, хорижда ҳам бошқа валютага эркин алмашилади. Ер юзиди 100 га яқин миллий валюталар бор. Аммо улар орасиди эркин конвертирланадиган валюталар борки, улар ўта обрўли, ҳамма ерда жон деб қабул қилинади. Буларга АҚШ доллари, Евро, Швейцария франки, Япония иенаси, Англия фунт стерлинги, Канада доллари киради; 2) қисман конвертирланадиган валюталар. Улар маълум мақсадлар учун ёки чекланган ҳолда бошқа валютага алмашади. Ички конвертация бўлганда, бошқа валютани миллий валютага фақат шу мамлакатда сотиб олиш мумкин. Конвертирланмайдиган валюталар бошқа валютага алмаштирилмайди. Соҳиб бўлган мамлакатларнинг иқтисодийети қоқоқ, уларнинг экспорт потенциалы заиф, шу сабабли, бу ерда хорижий валюта захиралари оз бўлиб, конвертацияси етмайди.

**ЭРКИНЛИК** – 1) табиат ва жамият ривожланиши қонуларини тан олиш асосиди субъектнинг ўз озодлигининг пайдо бўлиш имкониятлари; 2) умумий сиёсий ҳаёт ва жамиятнинг бутун фаолияти, унинг аъзолари билан боғлиқ бўлган чекланишларнинг йўқлиги; 3) давлатда инсон ҳолатини аниқлайдиган ҳуқуқий меъёрлар.

**ЭТНИК ГУРУҲ (СУБЭТНОС)** – халқнинг ўз номига эга бўлган (этномими), маданият, тили ва аъналарини сақлаб қолган ва ҳудудий жиҳатдан алоҳида истиқомат қиладиган қисми.

**ЭТНИК ИДЕНТИФИКАЦИЯ** – шахснинг «Мен»ида акс этадиган муайян этник гуруҳга мансублигини аяглаши.

**ЭТНИК КОНФЛИКТ** – (ингл. «*conflict*», «*ethnic*») – турмуши, аъаналари. Маданиятидаги тафавутлар, шунингдек, ижтимоий тенгсизлик туфайли турли халклар ва этник гуруҳлар ўртасида вужудга келадиган низолар.

**ЭТНИК-МИЛЛИЙ ТАХДИД** – миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувига, миллатлараро низолар, этник-миллий сепаратизм яқкалиши), бирор халқ ёки мамлакат аҳолиси бир қисмининг камситилишига олиб борувчи омиллар, шарт-шароит ва хатти-ҳаракатлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳолат.

**ЭТНИК САФАРБАРЛИК** – этник элитанинг этник жамоа манфаатларига эришиш учун амалга оширадиган саяё-ҳаракатлари.

**ЭТНИК ТОЗАЛАШ** – этник ва иркий асос (мансублик) ларга кўра, фуқароларнинг таъкиб қилиниши, кўчирилиши ёки ўлдирилиши.

**ЭТНИК (МИЛЛИЙ) ЭЛИТА** – этнос (миллат) ижтимоий тузулмаси иерархиясида етакчи ўрин эгаллаган ҳамда давлат ҳокимиятига сезиларли таъсир этадиган шахслар гуруҳи.

**ЭТНИК ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ** – муайян этнос (миллатга) мансубликни англаб етиш.

**ЭТНО-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР** – жамиятнинг миллий таркиби, этносларнинг жойлашиши, уларда туғилиш ва ўлим миқдори, мамлакатлараро мулоқот маданияти, этносларнинг иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражасининг бир маромда эмаслиги каби омиллар йиғиндиси.

**ЭТНОКРАТИЯ** – давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув идораларида битта этник гуруҳ сиёсий элитасининг ҳукмронлиги; битта этнос манфатлари йўли ҳокимиятдан фойдаланиш.

**ЭТНОС** – турли жамоалар (қабила, элат) томонидан қайд этилган одамлар мустақкам ижтимоий гуруҳининг тарихий пайдо бўлиши.

**ЭТНОИЖТМОИЙ БИРЛИК (ЭТНОМИЛЛАТ)** – ўзининг давлати, миллий-давлат тузилмаси шакллантирган этнос.

**ЭТНОСИЁСИЙ ВАЗИЯТ** – минтақа ёки муайян давлатдаги миллатаро муносабатлар ҳолатига таъсир этадиган сиёсий, иқтисодий, этник ва бошқа омиллар.

**ЭЪТИҚОД** – одам онги, руҳияти билан боғлиқ бўлган оламдаги нарса, ҳодиса, жараёнларга алоҳида муносабатни қарор топтирадиган, маънавий-руҳий ҳолатдир. Э. муайян гоё, дунёқарашга ҳис-ҳаяжонли ёндашув маъносида имонга яқин туради. Шунинг учун ҳам баъзан, у имон тушунчасининг синоними ёки уни тўлдирувчи тушунча маъносида ҳам қўлланилади.

Э. муайян нарса, ҳодиса, жараёнга ихлос сифатида кенг камровли тушунча ҳисобланади. Одам табиий ва ижтимоий муҳитда яшаб, улардаги баъзи нарсаларга ихлос қўяди. Шу жараёнда ўша нарсага ҳис-ҳаяжонли муносабатда бўлгани учун Э. пайдо бўлади. Нарса, ҳодиса, жараёнларга ўз Э. кўзгуси орқали қараб, одам унга баҳо беради ва муносабатини белгилайди. Мас., одам бирон касбкорга Э. қўйди, дейлик. У ана шу Э. нуктаи назаридан туриб, ўша касбни ардоқлайди, қадрлайди ва оқибатда ҳаётини, тақдирини ўзи танлаган касб билан узвий боғлайди.

Бирок Э. тушунчасида фақат ижобий жиҳатларнигина кўриш тўғри эмас. Инсон табиат фезъл-атвори, фаолият йўналиши серқирғ ҳодиса бўлгани учун баъзи одамларда моддий нарсалар, безаклар, урф-одатларга меъридан ортик ихлос қўйиш, улар маънавиятнинг қашшоқлашувга, ҳар бир нарса, ҳодисага, моддий бойлик нуктаи назаридан туриб, муносабат белгилашга олиб келади. Бундай одамларнинг Э. ғайринисоний йўналиш олиб, пировардида, улар халқ назаридан қолиб, мосуво бўладилар. Ихлос маъносидаги Э. туйғуси ҳайвонларда ҳам мавжуддир. Шу туфайли, ҳатто, ваҳший ҳайвонлар ҳам ихлос қўйган ўз хўжасини хафа қилмасликка ҳаракат қиладилар, ўзларидаги ваҳшийлик инстинктларини жиловлай оладилар.

**ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ** – киши онгида чуқур ўрнашиб қолган ва амалга оширилиши, шахснинг қундалик эҳтиёжига айланган интилиш, хатти-ҳаракат ва дунёқарашлар

тизими. Э.Э. киши турмушининг муайян шароитлари таъсирида шахснинг амалий ҳаёти, ижтимоий фаолияти, жамият маънавий бойликларини эгаллаш, муайян ахлоқ қоидаларини ва мезонларини обдон ўзлаштириб олишга интилиши жараёнида пайдо бўлади ва шаклланади. Э.Э. сиёсий, ахлоқий, илмий, диний каби турларга бўлинади. Инсон ўз ҳаётида шу турлардан бирнга алоҳида ихлос қўйиши, шу турни ўз турмуш тарзини, хатти-ҳаракатлари, орзу-мақсадлари, интилишларини белгиловчи тамойиллар сифатида қабул қилиши мумкин.

Мустақил Ўзбекистон ўз Асосий қонунини тайёрлашда ва қабул қилишда тафаккурнинг шу хислатини ва илғор мамлакатлар тарихий тажрибасини инобатга олди. Ўзбекистон Конституциясининг 29-моддасида бу эҳтиёж алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган. 12-моддада: «ЎЗРда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади», дейилган. Айни вақтда, давлат фуқароларда умумба-шарий ва миллий кадриятларга асосланган юксак эътиқод туйғуларини тарбиялашга кўмаклашади. Аммо Э.Э. мутлақ чекланмаган, деб тушуниш нотўғри бўлади: у давлатнинг конституциявий асосларига ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилмаслиги керак.

## Ю

**ЮНЕСКО** – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти бўлиб, БМТ ихтисослашган муассасаларидан биридир. Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан 44 давлатнинг вакиллари Лондон шаҳрида Конференцияга йиғилишиб, ЮНЕСКО таъсис этиш тўғрисида Уставни қабул қилдилар. ЮНЕСКО 1946 йил 20 ноябрда амалий фаолият юрғута бошлади. Қароргоҳи Париж шаҳрида. Ҳозирги кунда унга 184 давлат аъзо бўлгандир, ушбу ташкилот пайдо бўлган вақтда 28 аъзога эга эди. Ўтган ярим аср мобайнида ЮНЕСКО энг йирик халқаро ташкилотлардан бирнга айланди. ЎЗР 1993 йилнинг 29 октябрида ЮНЕСКО аъзо бўлиб кирди. Асосий мақсадлари: тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, фан ва маданиятни ривож-лантиришга ёрдам бериш. ЮНЕСКО ўз олдига «барча халқларнинг, ирқи, жинси, тили ва динидаги фарқидан қатъи назар, БМТ Уставида эълон қилинган адолат, қонунчилик, инсон ҳуқуқларига ва унинг асосий эркинликларига ялпи ҳурматни таъминлаган ҳолда халқларнинг маориф, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ёрдам бериш вазифасини қўяди». ЮНЕСКО универсал тусдаги интеллектуал халқаро ташкилот бўлиб, гоյлар булоғидир. Ер юзидаги жами маърифатли одамларнинг коллектив иши ташкилот-чисидир, энг муҳим умуминсоний кадриятларни муҳофаза қилиш марказидир.

**ЮРИДИК ШАХС** – Ю.Ш. ЎЗР қонунчилиги бўйича – ўз мулки ва ана шу мулк бўйича жаворб берадиган, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган, судда даъвогар ва жавобган бўлиши мумкин бўлган ташкилот. Ю.Ш. мустақил баланс ва сметасига эга бўлиши керак. Ю.Ш. тижорат ва нотижорат ташкилотларга бўлинади.

**ЮРИСПРУДЕНЦИЯ** – юридик фанлар мажмуи, юристларнинг амалий фаолияти.

**ЮРИСКОНСУЛЬТАНТ** – ташкилот, қорхона, муассасанинг ҳуқуқий хизмати ходими. Улар зиммаси « раҳбарият томонидан (унинг ваколати доирасида) қабул қилина-ётган буйруқ ва фармойишларнинг қонунийлигини назорат қилиш, шартнома ва келишув-ларни тузишда иштирок этиш; қорхона ходимларига амалдаги қонунчилик ҳақида маълумот бериш ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; суд ва арбитражда қорхона даъвогар ёки жавобгар бўлган ишлар бўйича фаолият олиб бориш каби фазибалар юқлатилади.

**ЮҚОРИ ПАЛАТА** – кўпгина конституции мамлакатлардаги олий қонунчилик муассалардан бири.



**ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МАКОН** – бир неча давлатнинг кўптомонлама шартномавий муносабатларига асосланган ва шу давлатлар ҳудудида амал қиладиган ўзаро келишилган иқтисодий сийсат.

**ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МИНТАҚА** – бозор иқтисодиёти шароитида ҳудудий бозорлар макроиқтисодий тизимини ташкил этувчи бирликлар ўртасида интеграциянинг жуда юқори эканлигининг натижаси бўлиб, минтақавий бозорлар тизимининг дунёнинг бошқа минтақавий бозорлари билан рақобат қила олиши учун имконият яратади. Бозор дастаклари амал қилиши натижасида, айрим ҳудудларда табиий, ишлаб чиқариш ва илмий-техника омилларида фойдаланиш самарадорлиги даражасини ошириш ҳамда имкони борича энг юқори даражада фойда олиш учун шароит яратилади.

Я.И.М. унга кирувчи мамлакатлар ўртасида келишув ва шартнома тузиш асосида ташкил этилади. Я.И.М. Европа Иттифоқи, Марказий Осиё мамлакатлари мисол бўла олади. Марказий Осиё минтақасидаги янги мустақил давлатлар иқтисодиёти ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлгани учун 1994 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида Я.И.М. тузиш ҳақида шартнома имзоланди. Бу минтақа интеграция жараёнларини чуқурлаштириш учун келажакда катта имкониятлар яратади, бу жараёнлар маълум босқичларни босиб ўтиб, ҳар томонлама мукамал Я.И.М. шаклланади. Бунинг учун куйидагилар амалга оширилиши лозим: эркин савдо минтақалари ва экспортга йўналтирилган чегара олди иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш; ўзаро тўлов ва келажакда валюта иттифоқи; умумий бозор ва минтақа мамлакатлари ўртасида мустаҳкам иқтисодий иттифоқни шакллантириш.

Я.И.М. махсус бошқариш ташкилотларига эга бўлади. Масалан, Марказий Осиёда ва масала бўйича Давлатлараро Кенгаш тузилди, унинг илчи органи Ижроия Кўмитадир; минтақада иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича Давлатлараро комиссия, Марказий Осиё таъмирлаш ва тараққиёт банки ташкил этилган.

Я.И.М.лар тузиш ёки ташкил қилиш – инсониятнинг жамиятни бойитиш, кишилар фаровонлигини ошириш, ҳаёт қулайликларини такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини оширишда йил сайин янада жиддийроқ ўрин эгаллайдиган амалий йўللardan бирдир, чунки иқтисодий бирлашнинг бу шакли ишлаб чиқариш унумдорлигини кўтаришда жуда кенг янги имкониятлар очади. Марказий Осиё давлатларининг бирлашиши, яъни ягона иқтисодий минтақа тузишга интилиши зарурий ва табиийдир. Зеро, умумий, бир-бирига туташган миллий ҳудудлар, тил ва маданият яқинлиги, улар тарихининг чамбарчас боғлиқлиги ва бошқа омиллар Я.И.М. тузишни енгиллаштиради, Марказий Осиё халқларининг эзгу ниятларига монанд келади.

Марказий Осиё мамлакатлари Я.И.М. ташкил қилишининг яна бир жаддий зарура-ти бор: у ҳам бўлса, уларнинг мураккаб жуғрофий ҳолати – денгиз ва океанлардан узоқда жойлашганлигидир. Бу салбий омил қўшимча иқтисодий қийинчиликлар туғдиради ва бирлашган ҳолдагина бу муаммони ҳал этишнинг янги имкониятларини топиш мумкин. Марказий Осиё давлатлари Я.И.М. ташкил қилишларининг зарурлиги яна шунинг учун ҳам зарурки, собиқ СССРни кўмсайдиган сиёсатчилар кам эмас. Улар янги мустақил давлатлардаги ўтиш даврининг қийинчиликларидан фойдаланиб, ўтмишдагидек, барча собиқ республикалар устидан назорат ўрнатиб, уларнинг иқтисоди, сиёсати, ҳарбий ишлари ва маданий тараққиётини собиқ Марказга боғлаб қўйишни режалаштирадilar. Бу жиҳатдан барча мустақил давлатлар жиддий синовдан ўтмоқдалар.

1998 йил январь ойида Туркменистон пойтахти Ашхабодда Марказий Осиёдаги беш мустақил давлат раҳбарларининг учрашуви бу беш давлат раҳбарлари вазиятни тўла ва яхши тушунишларини намоён қилди. Ашхабод учрашувининг тарихий аҳамияти шундаки, беш давлат раҳбарлари Я.И.М. тузиш билан чекланмай, уни кенгайтириш, фао-

лйитини чукурлаштириш ва мустахамлаш тўғрисида ҳам келишиб олдилар. Марказий Осиё давлатлари бу масалаларни хал этишда халқаро иктисодий алоқа, иттифок, бирлашмаларнинг, ва биринчи навбатда, Оврупо Иттифоқи тажрибасига суянадилар. 1957 йилда олти давлат аъзо бўлган бу Иттифок, хозир Оврупонинг 15 та давлатини камраб турибди: Франция, Германия, Италия, Белгия, Голландия, Люксембург, Дания, Буюк Британия ва Шинмолий Ирландия бирлашган қироллиги, Ирландия, Юнонистон, Испания, Португалия, Австрия, Швеция ва Финляндия. Унинг аҳолиси қирқ йил ичида (1957–1997 йй.) 167 миллиондан 374 миллионгача етди.

**ЯДРОВИЙ ПОРТЛАШ** – ички ядро энергияси ажралиши оқибатида келиб чиқадиган портлаш. Оддий портловчи моддаларнинг портлаши натижасида ажралаб чиқадиган энергиядан ўн миллион маротаба юқори бўлган энергия концентрацияси ва унинг ниҳоятда қисқа вақтда ажралиши Я.П. хосдир. Я.П. натижасида специфик йўқ қилувчи омиллар мажмуи шаклланади. Булар: ҳаводаги зарб тўлқини, сейсмикпортловчи тўлқинлар, ёруғлик нурланиши, радиациянинг кириб келиши, радиоактив зарарланиш, электромагнитли импульс, рентген нурланиши, чанг-тўзон содир бўлиши. Ушбу йўқ қилувчи омилларнинг таркиби ҳамда портлаш энергиясининг улар ўртасида тақсимланиши портлашнинг тури ва ядро қуролининг конструктив хусусиятлари билан аниқланади. Портлаш баланслигига боғлиқ ҳолда Я.П. қуйидаги – юқори фазода, ҳаво, ер, ер ости ва сув остидаги турлари мавжуд.

**ЯДРОВИЙ ТЕНГЛИК** – ўзаро ҳавфсизлиқни таъминлаш мақсадида ядро қучлари ва қуролларининг тенглигига эришилши. Я.Т. тамоийли мамлакатлар ядро захираларининг тузилиши ва миқдори бўйича тенглигини аниглади.

**ЯЛПИ ДАРОМАД** – ишлаб чиқариш ҳаражатларининг қопланиши ва соф фойдани камраб олган умумий даромад.

**ЯЛПИ ИЧКИ МАХСУЛОТ** – (ингл. *Gross Domestic Product*) – муайян давлат ҳудудида бир йил мобайнида иктисодиётнинг барча соҳаларида истеъмол, экспорт қилиш ва тўплаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларнинг бозор қиймати. Я.И.М. мутлақ ва реал турларга бўлинади. Я.И.М. миллий иктисодиётнинг ҳақиқий кўрсаткичи ҳисобланади. Я.И.М. фонд индекслари, марказий банк ва ҳукуматнинг мулк-кредит сиёсатига сезиларли таъсир этади. Я.И.М. ҳажми бўйича АҚШ дунёда биринчи ўринни эгалласа, аҳоли жон бошига тушадиган Я.И.М. бўйича Люксембург етакчилик қилади.

**ЯССАВИЙ АҲМАД** – Ҳўжа Аҳмад Яссавий XII асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган тасавуф таълимотининг йирик намояндаларидан бири, яссави тарикати асосчиси. Яссавий Туркистоннинг Сайрам қишлоғида таваллуд топган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, у 1041 йилда туғилиб, 1167 йилда вафот этган.

А.Я. ота-онасидан эрта етим қолиб, унинг тарбияси билан буvasи Арслонбоб шугуллана бошлади. Дастлабки таълим-тарбияни ўзи тутилган Яссиди, кейин Бухорода Юсуф Ҳамадоний қўлида сабоқ олади. Юсуф Ҳамадонийдан тасавуф илмини ўрганиб, она юрти Туркистонга қайтади. Я. ўша замоннинг машҳур шайхларидан бири – Арслонбобдан таълим олган. Арслонбобо вафот этгандан кейин, Я. пир излаб, Бухорога келган. Бу ерда Ҳожа Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унга мурид бўлган. Юсуф Ҳамадоний вафотидан сўнг Бухорода, унинг учинчи халифаси сифатида, шайхлик қилган. Бир неча йилдан сўнг, Бухоро шайхлигини Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халифаси бўлган Абдулҳолик Ғиждувонийга топшириб, ўзи Яссига жўнаган. У ерда ҳонақоҳ очиб, шайхлик қилган ва кўплаб муридлар орттирган. Я. форс адабиёти вазн ва услубида эмас, турк миллий вазнида, халқ адабиёти услубида ҳикматлар ёзгани айнан шу даврга тўғри келади. Я. олтмиш уч ёшдан ошгач, ҳонақоҳда ерости чиллаҳонасини қаздириб, шунга қирган ва фаний дунёдан алоқасини узиб, шайхликни давом эттирган, ҳижрий 562 йилда вафот этган.

Х.А.Я. шеърларининг ҳар парчасига «ҳикмат» унвони берилган ва улар тўпланиб китоб шаклига келтирилган. А.Я. асарининг ҳижрий V–VI асрнинг адабий ютуғи бўлмиш машҳур «Қутадғу билик» (Юсуф Ҳос Ҳожиб) китобидан бир аср кейин, «Ҳибатул

хақойиқ» китоби билан бир даврда ёзилганлиги Ватанимиз тарихи учун катта аҳамиятга эга.

Баҳоуддин Накшбандга тааллуқли деб тан олинган «Дил ба ёру, даст ба қор» иборасини ҳам биринчи бор Аҳмад Я. «Қалбнинг худода, қўлинг ишда» шаклида баён этган. Демак, Я. тариқати билан Накшбанд таълимоти моҳиятан бир бўлиб, ўша машҳур ибора биринчи марта XII асрда туркий, XIV асрда эса форсий тилда айtilган.

А.Я. Куръон хикматлари, ҳадислар мазмунини ва тасаввуф гоъларини қўшиб қуйлаган, инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқни орифлик, ошиқлик, хилват ва узлат билан боғлаган. У биринчи бўлиб, тасаввуф гоъларини туркийлар орасига ёйиб, нафс ва худбинлик каби кўпгина ёмон иллатларни каттиқ танқид қилди.

Қўшни Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида мустақиллик йилларида Я. университети очилди ва йил сайин ўқиб жараёни такомиллашиб бормоқда.

А.Я. тасаввуф таълимотини ривожлантириб, ясавия тариқатини яратди. Ўз тариқатига садоқатли бир қатор мутасаввуф мурид-донишмандларни етиштирди. А.Я. тариқатидан сўнг Марказий Осиёда накшбандия, бектошия тариқатлари пайдо бўлган. А.Я. тариқати ўзига хос услуб ва йўналишга эга. Булар қуйидагилардан иборат: 1) мурид ҳеч қандай ўз пиридан афзал кўрмаслиги керак. Унга доимо ўз садоқатини изҳор қилмоғи лозим; 2) мурид ниҳоятда зукко ва гидрокли бўлиши лозимки, ўз шайхининг барча сўзлари ва ишораларини мукамал англай олсин; 3) мурид ўз шайхининг барча сўзлари ва ишларига содиқ қолиб, унинг измидан чиқмаслиги лозим; 4) мурид ўз пирининг барча топшириқларини чаққонлик ва сидқидилдан бажариши, пирини ҳамитша рози қилиб юрмоғи лозим; 5) мурид ўз сўзига содиқ, ваъдасига вафоли бўлиб пирининг қўнғлида ҳеч қандай шубҳа туғдирмаслиги лозим; 6) мурид ўз ваъдасига вафодор, сўзининг устидан чиқмоғи лозим; 7) мурид ўз ихтиёридаги барча мол-мулкни ўз шайхига инъом этмоқ учун доим тайёр турмоғи шарт; 8) мурид ўз пирининг барча сир-асрорларидан огоҳ бўлиб туриши лозим; 9) мурид ўз шайхининг барча тақлифларини назарда тутиб, унинг мушқулларини осон қилмоғи, панду насиҳатларини бажо келтирмоғи лозим; 10) мурид Аллоҳ висолига етиш мақсадида ўз шайхи йўлида бутун молу-мулкни қурбон қилмоққа шай турмоғи лозим. Ясавия тариқатининг барча муҳим тамойиллари А.Я.нинг асосий асарлари — «Ҳикматлари»да тўлиқ баён этилган.

**«ЯШИЛ ИНКИЛОБ»** — XX аср иккинчи ярмида илмий тадқиқотлар натижаларини кишлоқ ҳўжалигига жорий этиш. Бу эса ривожланаётган мамлакатларда дон ҳосилини тез суръатларда кўпайтириш ва очарчиликнинг олдини олиш имконини берди (ҳосил етиштириш аҳоли ўсиш суръатидан ошиб кетди).

## Ў

**ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШИ** — халқ ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси сифатида, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши жараёнида шаклланди. Ў.М.Ў.Ў.А., унинг миллат сифатида шаклланишининг нисбатан юқори босқичидар рўй берди. Бу — мураккаб жараён эди, чунки миллатимиз вакилларининг кўпчилигида ўзининг жузъий манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устувор қўйиш ҳисси ўта секинлик билан намоён бўлди.

Ў.М.Ў.Ў.А.нинг миллий онгидан фарқ қилади. Унинг миллий онги ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб бориш жараёнида намоён бўлган бўлса, бу онгнинг ўз навбатида такомиллашиши Ў.М.Ў.Ў.А. даражасига кўтарди. Миллий онгимиз миллатимизнинг ўзига ҳослиги асосида ривожланиб бориши бўлса, миллий ўз-ўзини англаш, мил-

лий манфаатларимизни химоя қилишда ва ривожлантиришда ички маънавий-руҳий салоҳият сифатида ўзини намоён этди ва этмоқда.

Ў.М.Ў.Ў.А.бевосита моддий куч сифатида миллатимиз шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки унинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ҳаракатлар ва ҳолатларда намоён бўлди. Шўро йилларида миллатимизнинг шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилди. Шу боисдан миллатимиз вакиллари, қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъи назар, ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашдилар ва миллатимизнинг ўзлигини химоя қилдилар. Бу нарса, айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун бир неча ой давом этган курашда ёрқин намоён бўлди.

Ў.М.Ў.Ў.А.миллатимизнинг моддий ва маънавий манфаатларини химоя қилувчи омиллар. Бу омил миллатимиз тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда уни жиқслаштирмоқда ва умуммақсадлар йўлида ҳаракатга келтирмоқда. Ўз-ўзини англаш миллатимизнинг абадийлигини таъминлашнинг муҳим омилларидир.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни Россия империяси ўлкаимизни босиб олганидан кейин ўз мустақиллигимиз учун курашларда, шўролар тузуми шароитида ўзлигимизни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатларда намоён бўлиб келди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин миллий ўзлигимизни англаш икки йўналишда: собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларимиз, кадр-қимматимиз, қадриятларимизни тиклаш ва маънавий меросимизни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ҳамда янги адолатли демократик ҳуқуқ устуворлигига асосланган жаmiят куриш ҳаракатларида намоён бўлмоқда. Миллат сифатида ўз-ўзимизни англашимиз бизни ўзга миллатлардан ажралиб қолишга олиб келмаяпти, балки ўзлигимизни англаб, миллатимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаб бормоқда. Мустақиллик шароитида Ў.М.Ў.Ў.А. ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айни бир вақтда Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган бошқа миллат ва элат вакиллари ҳам миллий жиҳатдан ўз-ўзини англашлари, бунинг учун эса онг ва ҳаракатлари билан мустақил Ўзбекистон олга сураётган ва барча миллатларнинг эҳтиёж ва талабларига мос тадбирларни қўллаб-қувватлашлари зарур.

Ў.М.Ў.Ў.А. масаласи фалсафа ва руҳиятшунослик фанида яхши ишланмаган соҳалардан биридир. Чоракам бир аср давомида ҳукмронлик қилган истибод назарияси ва мафқураси изчиллик билан ўзбек миллатини бошқа миллатлар билан яқинлаштириш ва аста-секин қўшиб юбориш сиёсатини амалга оширди. Бу эса, миллатимизда ўзликни, ўз-ўзини англаш ҳиссини, миллий ғуруримизнинг ўсишини сустлаштирди. Ҳолбуки, тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ҳозирги давр, бу – миллатларнинг гуллаб яшнаш даври, демак, уларнинг миллий ўз-ўзини англаш ҳиссининг ўсиш ва мустаҳкам-ланиш давридир.

**ЎЗБЕКИСТОН** – «ЎЗР» ва «Ўзбекистон» иборалари бир маънога эга. Ў. – Марказий Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган мустақил мамлакат. Шимолий қатта қисми мўътадил, жанубий қисми субтропик минтақага мансуб. Иқлими ҳам – мўътадил илқ, кескин континентал. Худуди – 447,4 минг кв. км. Аҳолиси – 23,7 миллион киши (1997). Маъмурий жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятларидан ва Тошкент шаҳридан иборат маъмурий ҳудудларга бўлинган. Пойтахти – Тошкент шаҳри (аҳолиси 2,5 миллион кишидан зиёд).

Ў. халқ хўжалигида илгор техника билан қўроланган саноатнинг юздан зиёд тармоқ ва соҳаси мавжуд. Муҳим стратегик ҳом ашё – пахта ва ундан қайта ишланган маҳсулотларнинг экспорти бўйича Марказий Осиёда биринчи ва жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Ў. кўпгина бошқа маҳсулотларни ҳам экспорт қилиш имкониятига эга бўлиб бормоқда. Ўзбек заминининг ҳар бир қаричи олтинга тенг. Нодир қазилма бойликларнинг ишга солиниши мамлакатнинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган янги саноат тармоқларини, масалан, автомобилсозликни яратиш имконини бермоқда.

Ҳозирги Ў. – саноати юксак даражада ривож топган мамлакат. Вазифа бу имкони-ятлардан оқилона фойдаланиб, бозор иқтисодиёти шароитларида жаҳон бозорига эркин кириб борадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдадир. Ў. ўзининг бой ўтмиши, тарихий ва кўхна маданиятига эга.

Ў. Марказий Осиёда бундан 700–500 минг йил бурун одамзод пайдо бўлган жой-лар сирасига киради. Селунгурдан топилган «Фарғонтроп» (Фарғона одами) бунга мисол. Мил.авв. VII аср – милодий IV асрлар давомида тарихий маданий ўлкалар – Хоразм, Сўғд, Бактрия ва бошқа давлатлар шаклланиган. Бу давлатлар ҳарбий-демократик тузилишга эга бўлган. Марказий Осиёда сақлар, массагетлар, сўғдликлар, бактрияликлар сингари халқ ва қавмлар яшаган. Ў. ўтмишида Мовароуннаҳр, Туронзамин, Туркистон номлари билан машҳур бўлиб келган. Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар Шарқ ва Ғарб мамла-катларини боғловчи, уларнинг фаол савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги тюзга келадиган ва уларни ўзаро яқинлаштирувчи кўприк бўлган.

Мустақиллик учун курашган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Торобий каби кўплаб халқ қаҳрамонлари тарихдан маълум. Ў.Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва Ҳаким ат-Термизий, Бурхониддин Марғилоний, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Форобий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақш-банд, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари буюк сиймолар яшаган табаррук заминдир. Булар жаҳон цивилизациясининг маънавий ва маърифий меросига бебаҳо хисса қўшган буюк алломалардир.

Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ мамла-катларининг каттагина қисmini бирлаштириб, ўзаро низо ва тарқоқликка чек қўйиб барпо этган буюк салтанати илм-фан, маданият ва маърифатнинг беҳад раванқини таъминлаган Шарқ Уйғониш даври макони сифатида тарихга кирди.

Ўзбек халқи 70 йилдан ортик ҳукм сурган ва тарих саҳнида ўзини оқлай олмай, оқибатда барбод бўлган шўролар тизими даврида марказга муте бўлиб яшади, ота-боболари, доно зиёлилари қатагон қилинди, маънавияти, кадрияти депсинди. Ў. ўз истисқоли ва мустақиллигини кўлга киритиши туфайли бу мудҳиш ҳолатга чек қўйилди. Ҳозирги кунда турли динга мансуб 130 дан ортик миллат ва элат вақиллари бу дидердан макон топган. Мустақиллик Ў. сиёсий тизими салмоқли ва жиддий ўзгаришларга олиб кел-ди. Мамлакатимиз тарихида биринчи бор, муқобиллик асосида Президент сайланди. Ў. Республикасининг юксак демократик талабларига монанд Асосий қонуни – биринчи Конституцияси ва шу асосда кўпдан кўп қонулар қабул қилинди. Ў. парламенти – Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди. Давлат ва жамият ҳаётининг муҳим ҳуқуқий пойдевори яратилди. Энг муҳими – Ў. иқтисодиётида босқичма-босқич туб ислоҳотлар ўтказилмоқда. Президент Ислом Каримов илгари сурган беш тамойилга асосланган иқтисодий сиёсат тадрижий равишда амалга оширилмоқда. Аввало, деҳқон, ҷр ер билан таъминланди. Мулк муносабатлари чуқур ислоҳ қилинди. Инсон маънавияти, юксак ахлоқ ва маданиятинингизнинг янги қатламлари очилди, миллий анъаналар тикланди. Маънавий меросимиз дурдоналари она тилимизда ва бошқа тилларда кўплаб нашр этила бошланди. Ў. жаҳон саҳнига чиқди. Ў. Мустақиллигини 180 дан ортик давлатлар тан олди, ўнлаб мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ў. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ОҒрупода Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилот-чи каби ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Ў. ўз давлат рамзлари – байроғи, герби, мадҳияси, пойтахтига эга. Ў. таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд. Эндиликда Ў., сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги барқарор, суверен, демократик республикадир. Ў. инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор саналади.

**ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ** – Ўзбекистон Либерал демократик партияси 2003 йилининг 15 ноябрида таъсис этилган. Ҳозирги вақтда мамла-катнинг барча маъмурий субъектларида унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилган. Партия Сиёсий кенгаши, Сиёсий Кенгашнинг Ижроия қўмитаси, партиянинг ҳудудий кенгашлари унинг раҳбар органлари ҳисобланади. Мамлакатда амалга ошириляётган

ислохотлар учун масъулиятни ўз зиммасига олишни эълон қилган мазкур партия атрофида Нодавлат нотижорат ташкилотлар ассоциацияси, Ўзбекистон Фермерлар уюшмаси жишлошган. 2004 йил январидан ўзбек тилида нашр этилаётган «XXI аср» газетаси партиянинг ҳафталик нашр органи ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ** – Ўзбекистон давлат бошқаруви шаклига кўра, президентлик республикаси, парламент республикаси ва аралаш республикага хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган. ЎЗР Конституциясининг 89-моддасида қайд этилганидек, «Ў.П. ЎЗР давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. ЎЗР П. айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади». Конституциянинг 90-моддасига кўра, Ў.П. «ЎЗР фуқаролари томонидан тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшшини овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади». 93-моддага биноан, П. «Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол ҳусусида маълумотнома тақдим этади». Ў.П. ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжихат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон вазирликлари, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади; шу билан бирга, Ў.П. Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, ЎЗР Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади; Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий ҳўжалик суди раиси ва аъзолари, ЎЗР Марказий банки бошқарувининг раиси, ЎЗР Табиғатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади. Ў.П. 95-моддасига кўра, «ЎЗР Олий Мажлиси таркибида унинг меъёрл фаолиятини таъдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг конституциявий қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин». 98-моддада ёзилишича, («Вазирлар Маҳкамаси таркибини ЎЗР П. тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади»).

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ** – ЎЗР Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади. Ў.П.Д. мустақил давлат ҳокимияти идораси эмас, шу бонс, у мажбур этувчи императив ваколатларга эга бўлмай, бевосита қундалик бошқарув билан шуғулланмайди. Мазкур девон Президент самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида таъсис қилинади. Президент томонидан тасдиқланган Низомга биноан, П.Д. зиммасига қўйидаги вазифалар юклатилган: Президент фаолиятини ташкилий, экспертлик-ҳуқуқий, илмий-ахборот жиҳатдан таъминлаш, республика сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасида Президентга конкрет тақдифлар (лойиҳалар) киритиш; киритилган тақдифларни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш; ЎЗР вазирликлари ва идораларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг, шунингдек, қорхона, муассаса ва бирлашмаларнинг Президент фармонлари, фармойишлари ва бошқа топшириқларини бажариш бўйича фаолиятини уйғунлаштириш ва назорат қилиш.

Ў.П.Д. таркиби Президент фаолиятининг қўйидаги соҳалари бўйича давлат маслаҳатчиларидан иборат: 1) Ташкилий-кадрлар сиёсати; 2) Маъмурий-ҳуқуқий масалалар, ҳарбий ва муҳофаа сиёсати; 3) Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар; 4) Миллатлараро муносабатлар масалалари ва дин ишлари; 5) Фақ, таълим ва ижтимоий муаммолар; 6) Ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари; 7) Маданият, маънавият ишлари ва жамоат бирлашмалари билан алоқалар; 8) Давлат маслаҳатчиси-назорат инспекциясининг раҳбари.

П.Д. бўлинмалари: Президент Котибияти; Президентнинг ёрдамчилари; Матбуот қотиби хизмати; Ахборот маркази хизмати; ЎЗР Миллий хавфсизлик кенгаши қотибияти;

Ишлар бошқармаси; Консультантлар гуруҳлари (бош консультантлар, етакчи консультантлар, консультантлар, экспертлар, референтлар).

Президентнинг Давлат маслаҳатчилари ўз фаолиятларини Президент томонидан белгиланган йўналишларда амалга оширади. Улар тегишли соҳадаги вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг фаолиятини уйғунлаштиради, шунингдек, ўз иттифоқларидаги девон тузилмаси (хизмат) гуруҳига раҳбарлик қилади. Давлат маслаҳатчилари ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳада давлат дастурлари, Президент фармонлари, фармойишлари ва бошқа топшириқларининг катъий бажарилишини таъмин этиш вазифасини бажарадилар. Шунингдек, илмий асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқиши ҳамда ҳаётга жорий этилишини таъминлайдилар. Тегишли давлат идоралари ва ташкилотлар фаолияти самарадорлигини таҳлил этиб, маълумотномалар тузадилар. Ваколат ва иттифоқлари доирасига кирувчи давлат бошқаруви идоралари раҳбарлигига номзод кадрларни танлаб (агар улар Президент томонидан тайинланадиган бўлса), Президентга бу хусусда тактифлар киритади. Президент эътиборига ҳавола этилган меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳасини чуқур экспертизадан ўтказиб, улар бўйича хулосалар тайёрлайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БАЙНАЛМИНАЛ МАДАНИЙ МАРКАЗИ** – ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарори билан таъсис этилган. ЎРБММ ўз ишнини Ижтимоий Кенгаш режасига биноан амалга оширади. Кенгаш тарқибига марказ раҳбарияти, миллий марказлар, министрлик ва идоралар вакиллари ҳамда етакчи олимлар кирилади. Республика миқёсда 140 га яқин миллий маданий марказлар фаолият юритади. Марказлар мақсад ҳамда вазифалари: она тил, тарих, ёзув, адабиёт халқ оғзаки ижоди, тасвирий санъат, театр санъати, миллий хунармандчилик, урф-одат ва анъаналар, спортнинг миллий турлари ва х.к. ривожлантириш ва тарғиб этиш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗИ** – инсон ҳуқуқ ва эркинларини ҳомоя қилиш изчил механизмларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш халқаро ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, давлат муассасалари ва аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини юксалтириш. ЎЗРИХБММ давлатнинг таҳлилий, консультатив, идоралараро, мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ** – қонунчилик ва ижроия ҳокимияти актларининг конституцияга мослиги бўйича ишларни кўриб чиқадиган суд ҳокимияти органи. К.С. ЎзР Олий Мажлис палаталари қонун ва қарорлари, ЎзР Президентининг фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари, давлатлараро шартномалар ва ЎзР бошқа мажбуриятларининг Конституцияга мослигини белгилаб беради; Қорақалпоғистон Республикаси қонуларининг ЎзР қонуларига мослиги юзасидан хулосалар беради; Конституция ва ЎзР қонуларини талқин этади; Конституция ва ЎзР қонуллари билан унинг ваколатига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

К.С. ЎзР Конституциясига таянган ҳолдагина ишларни кўриб чиқади ва улар бўйича хулосалар беради. У ЎзР Президентининг тавсиясига кўра, Олий Мажлис Сенати томонидан Раис, раис ўринбосарлари ва унинг бешта аъзосини (шу жумладан, биттаси Қорақалпоғистон Республикасидан) сайланади. К.С. ҳар бир аъзоси алоҳида сайланади. Олий Мажлис Сенати аъзоларнинг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади. ЎзР Конституциясининг 97-моддасига биноан, ваколати тугаши билан истеъфога чиққан ЎзР Президенти умрбод К.С. аъзоси лавозимини эгаллайди. Республикаси Конституциясининг 107-моддасига биноан, К.С. беш йил муддатга сайланади. К.С. донмиёй фаолият юритадиган орган ҳисобланади. Унинг йиғилишлари заруратга кўра чақириб турилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БАЙРОҒИ** – ЎзР Д.Б. XII чақириб ЎзР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари саккинчи сессиясида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «ЎзР Давлат байроғи тўғрисида»ги ЎзР қонун билан тасдиқланган. ЎзР Д.Б. – мамлакат давлат суверенитетининг рамзларидан биридир. У

бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда мамлакатнинг миллий-маданий аъналарини ўзида мужассамлаштиради. ЎЗР Д.Б. ўз кўринишига кўра бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўтти тўртбурчак шаклидаги матодир. Д.Б. узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Д.Б. ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил хошиялар ўтказилган. Д.Б. юқори қисмидаги мовий ранг эннинг юза томонида ва орқа томонида, дастага яқин жойида, оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

ЎЗР Д.Б. тасдиқланиши муносабати билан чош этилган махсус намоёншома-плакатда бундай дейилади: «1) Д.Б. мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обихаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу – яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди; 2) Д.Б. оқ ранг – муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик, бегуборлик, софликни, орзу ва ҳаёллар тозаллиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсолдир; 3) Яшил ранг – табиатнинг янгиланиш рамзи. У қўшгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади; 4) Қизил чизиклар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётини кўдрат ирмоқларидир; 5) Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий аъналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда, қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзидир; 6) Юлдузлар барча халқлар учун руҳоний, илоҳий тимсол саналган.

ЎЗР Д.Б. 12 та юлдуз тасвири ҳам тарихий аъналаримиз, қадимги куёш йилнома-мизга бевосита алоқадордир. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида «Нужум илми» тараққий этганлиги билан изоҳланади. ЎЗ.Д.Б. ўн икки юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданияти қадимийлиги, унинг қомилликка, ўз тупроғида саодатга интиляши рамзи сифатида тушуниш лозим».

Халқ гидрокида байроқнинг юқори қисми Ўз. доим мовий осмонини, байроқ ўртаси халқимизнинг оқ кўнглини ва унинг оқ пахтасини, байроқнинг туб қисми эса бизнинг чексиз яшил далаларимиз ва табиатимизни ифода қилади. Ўн икки юлдуз – кенг ва беҳад Ўзбекистонимиз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар азалий тарихимизга содиқлигини билдиради, ярим ой эса юртимиз ислом Шарқи мамлақати эканлигидан дарак беради, байроқдаги икки қизил йўл – мавжуд бирлик ва бузилмас дўстликка эришиш учун юртимиз фарзандлари қон тўққанларига ҳам ишора қилади. ЎЗР Д.Б. нисбатан ҳурматсизлик қилган юридик ёки жисмоний шахс белгиланган тартибда жазога тортилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ГЕРБИ** – мамлакатимиз давлат мустақиллигининг рамзларидан биридир. «Д.Г. тўғрисида»ги ЎЗР қонуни 1992 йил 2 июлда ЎЗР Олий Кенгагининг учинчи сессиясида қабул қилинди.

ЎЗР Д.Г. куйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноклари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўраган гуллаган водий узра куёш заррин нурларини сочиб туради. Д.Г. юқори қисмида Республика хурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Д.Г. марказида бахт ва эрксеварлик рамзи - қанотларини ёзган Хумо куши тасвирланган. Д.Г. пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

ЎЗР Д.Г. рангли кўринишида: Хумо куши ва дарёлар - кумуш рангида; куёш, бошоқлар, пахта чаноклари ва «Ўзбекистон» ёзуви - олтин рангида; гўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий - яшил рангида; чаноклардаги пахта - оқ рангида; лента - ЎЗР Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангида; саккизбурчак - олтин зарғал билан хошияланган холда ҳаво рангида; ярим ой ва юлдузлар - оқ рангида тасвирланган.



ЎЗР Д.Г. тасвири қайси идора, муассаса, ташкилотлар, биноларда ўрнатилиши расмий махсус қонун ва қарорлар асосида белгиланади. Д.Г. такрорланаётган тасвири, унинг ката-кичиклигидан қатъи назар, ушбу қонунга илова қилинаётган рағда ва оқ-қора тасвирга яққол мос бўлиши керак. Қонуннинг бажарилишини назорат қилиш маҳаллий давлат идоралари зиммасига юклатилади. ЎЗР фуқаролари, шунингдек, мамлакатда истиқомат қилиб турган ўзга шахслар Д.Г. хурмат қилишлари шарт. Д.Г. беҳурмат қилган шахслар қонунда белгиланган тартибда жазоланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ** – ЎЗР XII чакирик Олий Кенгашининг XI сессиясида, 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул қилинди. Давлатимизнинг бу Асосий қонуни умумбашарий гоғлар билан сугорилган, Ўзбекистон халқларининг асрий эзгу орзуси бўлиши мустақилликка, жамиятда янги ижтимоий муҳит яратишга хизмат қилишга қаратилган. Унда илк бор Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари – қонунларнинг устувлиги, давлат ҳокимиятининг уч тармоққа бўлиниш тамойили, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият эканлиги акс эттирилган. Халқимиз ўз моҳияти билан тамомила янги Асосий қонун – К. эга бўлди.

Ўзбекистон ҳудудида авваллари ҳам бир қатор К. қабул қилинган (Туркистон АССРнинг 1918 ва 1920 йиллардаги, Хоразм ва Бухоро халқ республикаларининг 1920–1921 йиллардаги, Ўзбекистон ССРнинг 1927, 1937, 1978 йиллардаги К.). Аммо у К. халқ оммаси ўз ҳудудини ўзи эркин ва демократик асосида бошқариш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини таъминламаган эди. Улар, асосан, Марказнинг кўрсатмаси билан ёзилган ва Иттифоқ К. кўчириб олинган эди. Собиқ Иттифоқ давридаги К. амалда тобеликни мустаҳкамлар, маъмурий-буйруқбозлик тизими учун имконият яратар, чет эл давлатлари билан алоқа ўрнатиш ҳуқуқидан республикаларни маҳрум этар, бошқарувнинг истибодд тизимини муҳофаза этар эди.

ЎЗР давлат мустақиллиги эълон қилинган, табиий равишда, давлат мустақиллигини Конституция асосида мустаҳкамлаш зарурияти вужудга келди. ЎЗР Президенти И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат конституциявий комиссия бир неча ой давомида жаҳондаги энг илғор давлатлардаги, К. ёзиш анъаналари ва тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, шу асосда мустақил Ўзбекистоннинг янги К. лойиҳасини яратди. Аммо, К. комиссия бу билан чекланмасдан, лойиҳани умумхалқ муҳокамасига олиб чиқишни тақлиф қилди. Лойиҳа 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Яратилаётган К. янги давлатнинг табияти, унинг ички ва ташқи сиёсати тамойиллари очик-ойдин ёритилди, инсон ҳуқуқларига, давлат суверенлигига, демократиянинг ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига содиқлиги кўрсатиб ўтилди, шунингдек, ўзбек давлатчилиги ривожланиши тарихий тажрибасини ҳисобга олиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган меъёрлари устуворлигига таяниш лозимлиги айтилди. Мамлакатда яшаётган барча миллат ва элатлар учун муносиб ҳаётни таъминлашга замин бўлиш, барқарор бозор иқтисодига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти бунёд этилиши Ўзбекистон К. моҳиятини ташкил этади. Эндигина дунё харитасида пайдо бўлган, демократик, инсонпарвар, адолатли жамият қуришни азму қарор қилган ЎЗР Асосий қонуни – К. лойиҳаси нафъат Ўзбекистон халқининг, балки бутун дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди. Лойиҳа юзасидан тушган ва билдирилган барча тақлиф, мулоҳаза, шунингдек, истақлар ўрганилиб чиқилди, улардаги ижобий тақлифлар инобатга олинди, К. лойиҳасига киритилди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган К. мустақил давлатимиз тарихида буюк воқеа бўлди. Ўтган давр ЎЗР К. дунёдаги энг демократик конституциялардан бири эканлигини кўрсатди.

2002 йил январдаги умумхалқ референдуми натижаларини ҳисобга олган ҳолда 2003 йилда ЎЗР К.га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ** – Ўзбекистонда одил судловни амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади. О.С. ўз фаолиятини ЎзР Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширади. О.С. асосий вазифалари Республика Конституциясида ва бошқа қонуларда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битимларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этишдан, ижтимоий адолатни таъминлашдан, қонун-чилиқ ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдан иборатдир. О.С. фуқаролик, жинсий ва маъмурий судлов ишлари соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Унинг таркиби Раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, суд хайъатларининг раислари ва ҳакамлардан иборат. О.С. таркиби О.С. Пленуми ва О.С. Президиумидан ташкил топган. О.С. Пленуми суд инстанциясидан иборат бўлиб, унга О.С. ҳакамлари, Қорақалпоғистон Республикаси О.С. Раиси қиради. О.С. Пленуми назорат қилиш тартибида ишларни, суд амалиётини умумлаштиришга оид материалларни кўриб чиқади, қонуларни қўллаш масалалари бўйича раҳбарлик тушунчалари беради, қонуларни қўллаш амалиёти хамда қонуларнинг бажарилиши юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси О.С., вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, Ҳарбий суд раисларининг ҳисоботларини тинглайди.

О.С. Президиуми Пленум томонидан, О.С. ҳакамлари орасидан ташкил қилинади. У назорат тартибидаги ишларни, суд амалиётини умумлаштириш якунларини, суд хайъатлари хамда О.С. аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади. Қорақалпоғистон Республикаси О.С., вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди ва ҳарбий судлар раисларининг қонуларни қўллаш амалиёти хусусидаги ҳисоботини тинглайди.

О.С. аъзолари ЎзР Президенти тавсияси билан Олий Мажлис томонидан беш йил муддатга сайланадилар. Олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камда етти йиллик иш стажига, шу жумладан ҳакам сифатида беш йил иш стажига эга бўлган ва малака имтиҳонидан ўтган Ўзбекистон фуқаросигина О.С. ҳакамси этиб сайланиши мумкин. ЎзР О.С. ташкил қилишда барча илгор мамлакатларнинг ижобий тажрибаси ўрғанилди.

**ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ ЖАНГОВАР ҲОЛАТДА САҚЛАШНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ** – Ў.Қ.Қ.Ж.Х.С.С.Б. мақсадида: 1) Қуролли Кучларимиз миқдори, малакаси ахлоқий, руҳий қатъияти, жисмоний тайёргарлиги ва интизомини кучайтириш; 2) Ватан фидоийларини тайёрлаш, ўқитиш, миллий кадрлар тайёрлаш; 3) Қуролли Кучларни қурол-яроғлар ва ҳарбий техниканинг энг сўнгги намуналари билан қуроллантириш; 4) Қуролли Кучлар жанговар қобилиятини ошириш омиллари; 5) Саноатни тезда ҳарбий мақсадга сафарбар қилиш, уни кенг қўламдаги босқинчилик юз берган тақдирда жанговар вазифани бажаришга тайёр бўлишини таъминлаш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ** – О.Х.С. суд ҳокимиятининг хўжалиқ соҳасида суд ишларини юритиш борасидаги олий орган ҳисобланади. У Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар хамда Тошкент ш. хўжалиқ судлари устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга. О.Х.С. ишларни биринчи инстанция сифатида, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқади. У О.Х.С. Пленуми тушунтиришларининг хўжалиқ судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қўйи хўжалиқ судлар фаолиятини текширади, хўжалиқ судларининг ишни ташкил этиш борасидаги ижобий тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва тарғиб этади.

**ЎЗБЕК ТИЛИ** – ўзбек миллатининг тили. Бу тилда сўзлашувчиларнинг умумий сони йигирма миллион билан йигирма беш миллион орасида бўлиб, уларнинг асосий қисмини Ўзбекистонда ва унга чегарадош бўлган мустақил давлатларда истикомат қилиб турган ўзбек тилида сўзлашувчи ва ўзини ўзбек деб билувчи аҳоли ташкил қилади.

Ў.Т. олтой тиллари оиласининг туркий тиллар гуруҳига қиради ва сўзлашувчилар сони жиҳатидан турк тили ва озарбайжон тилидан сўнг учинчи ўринда туради. Ў.Т. энг қадимий туркий ёзма тиллардан биридир. Ҳозирча ўрганилган манбаларга кўра, у деярли бир ярим мингйиллик тарихга эга. Аммо Ў.Т. асл тарихи бундан кўпроқ бўлиб, милоддан аввалги асрлар қаърига тақалади. Бу масалалар назарий ва методологик жиҳатдан

ёритилмаган, фактик жиҳатдан ҳам тўла ўрганилмаган. Ў.Т. тарихи, умуман, унинг ривож туркий тиллар тарихининг таркибий қисми эканлиги назарий-методологик жиҳатдан кўриб чиқилмаган. Ў.Т. асрлар давомида форс-тожик тилининг яқин ҳамроҳи бўлганлиги ва бу нарса иккала тилнинг бойишига ҳамда ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги масалалари ҳам тилшуносларнинг диққат марказидан етарли жой олганча йўқ.

Ў.Т. жаҳондаги энг бой ва ривожланган тиллардан бири. Бу тилнинг шаклланишида, айниқса, Алишер Навоийнинг хизмати катта. Ў.Т. такомиллаштиш жараёни тўрт асосий манба иштирокида амалга ошган: асл туркий тиллар таъсири; форс-тожик тилининг асрлар давомидаги ҳар томонлама таъсири; араб тилининг ўрта асрлардаги Шарқ фанларининг ва ислом динининг умумий тили сифатида таъсири; XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Оврупо тилларининг таъсири. Ана шундай кўптомонлама таъсир, Ў.Т. грамматик жиҳатдан мукамал ва лугавий бой бўлишини, фонетик жиҳатдан хушоҳанг тил сифатида шаклланишини таъминлади.

Ў.Т. шеваларга бой тиллардан бири ҳисобланади. Шевалар – умуммиллий тилни бойитишнинг чексиз манбаидир. Ҳозирги замон Ў.Т., асосан, уч кўринишга эга бўлиб, биринчидан, шевалардан, иккинчидан, умуммиллий адабий тилдан ва, учинчидан, уларнинг қоршимаси бўлмиш кундалик жонли мулоқот тилидан ташкил топган XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX асрнинг 30-йилларигача Ў.Т. янги замон ўзбек миллатининг тили сифатида шаклланди, ўз тараққиёт йўлларини аниқлаб, ривожлана бошлади. Афсуски, СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) МК 1938 йил 13 февралдаги «Рус тилини миллий республикаларда мажбуран ўқитиш тўғрисида» қарори чиққандан сўнг собиқ шўро мамлакатига кенг миқёсда руслаштириш сиёсати амалга оширилди, Ў.Т. ҳаётнинг асосий соҳаларидан аста-секин сикиб чиқарила бошлади.

Мустақиллик Ў.Т. озов ва эркин ривожланишнинг шох кўчасига олиб чиқди. 1989 йилнинг октябрь ойида Ў.Т. давлат тили мақоми берилди, шу асосда барча мажлислар, илмий ва амалий анжуманлар, учрашувлар, олийгоҳлардаги дарслар ва ҳаётнинг бошқа томонларига оид тадбирлар Ў.Т. ўтказила бошлади, илмий ва илмий-оммабоп адабиёт асосан Ў.Т. чоп этилмоқда. Бу борада хали иш кўп ва уларни бажариш, биринчи навбатда, ўзбек миллий таълиларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

**ЎЗБЕКИСТОН ТАБНИЙ БОЙЛИКЛАРИ** – Ўзбекистонда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал-ҳом ашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал ҳом-ашё потенциали 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётганини ҳам айтиб ўтиш керак. Ҳоят муҳим стратегик манбалар – нефть ва газ конденсати, табний газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металллар бўйича 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиоактив металллар бўйича 40, кончилик кимё ҳом-ашёси бўйича 15та кон қидириб топилган. Ҳар йили республика конларида тахминан 5,5 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6,0–7,0 миллиард долларлик янги захиралар қўшилмоқда. Олтин захираси 7ри бўйича республика дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7-ўринда, мис захиралари бўйича 10–11-ўринда, уран захираси бўйича 7–8-ўринда туради.

**ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ**– 1) Фуқароларнинг меҳнат қилиш борасидаги Конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш; 2) ижтимоий ҳимоялашнинг мақсадли ва аниқ йуналтирилганлиги; 3) аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш; 4) иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли меҳнатини рағбатлантириш; 5) реал меҳнат бозорини шакллантириш; 6) ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, илм-фаннинг мушкул ахволга тушиб қолишига йўл қўймаслик.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИ** – ЎзР О.С.Т. раис, унинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, суд коллегияси раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳакамларидан иборат.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИ** – ЎзР О.Х.С.Т. раис, унинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, суд коллегияси раислари, ЎзР О.Х.С. ҳакамларидан иборат.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ** – мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан бири. 1991 йил 1 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган I (Таъсис) курултойида унинг тузилиши эълон этилиб, Дастури ва Низоми қабул қилинди, Марказий Кенгаш ҳамда Марказий тафтиш комиссияси сайланди. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1991 йил 15 ноябрда рўйхатга олинган. Ҳозирда, ХДП таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, 208 тадан ортиқ шаҳар ва туман кенгашлари, 14173 тадан ортиқ бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 443000 дан ортиқ аъзо бирлашган. Партиянинг олий органи – курултой ҳар 5 йилда чақирилади. Курултойлар оралиғида унинг олий раҳбар органи – Марказий Кенгаш пленумлари, одатда, йилда бир марта бўлиб ўтади. Жорий сиёсий ва ташкилий ишларни йўналтириш учун МК аъзолари таркибидан Сиёсий ижроия кўмита, котиблар ва ижроия-бошқарув органи – Котибият сайланади.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИШГА СОЛИНАЁТГАН ФЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ** – 1) табиий ва минерал ҳом ашё захиралари йирик конларда тупланган бўлиб, уларни казиб олинган жойининг узидаёқ комплекс қайта ишлаш имконияти борлиги; 2) фойдали қазилмаларнинг кўпгина турлари таркибидаги фойдали компонентлар юқори даражада бўлибгина қолмай, катта миқдорда йўлдош элементларга ҳам эгаллиги; 3) конларнинг кўпчилигида очиқ усулда ишлаш мумкин, рудаларни бойи-тиш технологияси ҳам нисбатан оддий. Бу технология фойдали компонентлари кўп миқдорда чиқаришни ва жаҳон бозорига хариддоргир маҳсулот олишни таъминлашлиги; 4) кўпгина фойдали қазилма конлари яши ўзлаштирилган, аҳоли зич яшайдиган минтақаларда жойлашган. Улар транспорт йўлларига ва ҳудудлар ўртасида ресурсларни ташинш воситаларига, шу жумладан суюк ва газ ҳолатидаги фойдали қазилмалар учун қувур транспортига эга эканлиги; 5) ишлаб чиқариш ва социал инфраструктура, малакали кадрлар, тоғ-кон мутахассислари тайёрлайдиган Олий ва Ўрта махсус ўқув юртлири тизими мавжудлиги.

**ЎЗБЕКИСТОНДА СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА МОЛИК РЕСУРСЛАР** – 1) Ўзбекистон ноёб ёқилғи-энергетик ресурсларига эга. Қидириб топилган газ захиралари 2 триллион кубометрга яқин, кўмир 2 миллиард тоннадан ортиқ, 160дан ортиқ нефть кони мавжуд. Мутахассисларнинг баҳолашича, Ўзбекистоннинг ер остида жуда катта нефть ва газ қатламлари бор. Республика ҳудудининг қарийб 60 фоизида уларни истиқболда казиб олиш мумкин. Нефть ва газ ресурсларининг захиралари бир триллион АҚШ долларидан зиёд баҳоланмоқда. Ўзбекистондаги нефть захираларининг казиб олинганлик даражаси бор-йўғи 32 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Туркменистонда – 61 фоизга, Қирғизистонда – 41 фоизга, Тожикистонда – 60 фоизга тенг; 2) Ўзбекистон катта кўмир захираларига эга. Унинг геологик захиралари бўйича Марказий Осиёда иккинчи ўринда туради. Ўзбекистонда кўмир Ангрен, Шарғун ва Бойсун конларида казиб чиқарилади. Уларнинг умумий захираси 2 миллиард тонна; 3) Ўзбекистонда қимматбаҳо металллар билан бир қаторда Уран ҳам ишлаб чиқарилади. Аниқланган Уран захиралари 50–60 йил мобайнида казиб олишга етади; 4) Ўзбекистон рангли металллар – мис, кўрғошнинг, рух, вольфрам ва шу гуруҳга кирувчи бошқа металлларнинг аниқланган захираларига эга. Ишлаб турган конлар мис ва унга йўлдош металлларни 40–50 йил, рух ва кўрғошнинг 100 йилдан кўпроқ вақт казиб олишни таъминлайди. Ўзбекистон ренийнинг ноёб захираларига эга. У Олмалик конларида мис рудалари билан боғлиқ; 5) Республикада 20та мрамр, 15та гранит ва габбро кони борлиги аниқланган. Қоплама тошларнинг умумий захиралари 85 миллион кубометрдан ортиб кетади; 6) Республика фосфоритларга бой. Жерой-Сардара фосфорит-

лар қонидаги Марокаш турига мансуб заррадонатор фосфоритларнинг аниқланган захираси тахминан 100 миллион тоннани ташкил этади; 7) Ўзбекистонда жуда катта калий туз қонлари мавжуд бўлиб, булар Қашқадарё вилоятидаги Тубакат ва Сурхондарё вилоятидаги Хўжаимқон қонларидир. Тахминий ҳисобларга қараганда, калий тузлари 100 йилга етади.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖЎҒРОФИЙ-СТРАТЕГИК ЎРНИ ВА ИМКОНИАТ-ЛАРИ** – 1) Амударё билан Сирдарё оралигида жойлашган бўлиб, халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари жиҳатидан қулай жўғрофий-стратегик мавқега эга; 2) Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, у бой табиий бойликлар, хом ашё ресурсларига эгадир; 3) Худудлари қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йули ўтган; 4) Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон давлатлари ўртасида боғловчи халқа вазифасини ўтайди.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР** – 1) давлатнинг иқтисодий имконияти, саноат имкониятлари, унинг сафарбарлик тайёргарлиги; 2) ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий соҳалардаги ҳамкорлик даражаси.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАРБИЙ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ МАҚСАДЛАРИ**– 1) ЎЗР таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, профессионал армияни шакллантириш; 2) ЎЗР халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шайни ва кадр-жимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтириш; 3) Миқдор жиҳатидан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму-қўст қуролланган армияни қарор топтириш; 4) Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган қуролли кучларни шакллантириш.

**ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ** – 1) Конституция ёки бошқа давлат актлари билан маҳаллий ҳокимият идораларига ваколатига қирадиган масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи; 2) маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатига қиритилган масалаларни ҳал этиш боасидаги фаолияти; 3) давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан демократик сайлов принциплари ва сайловлар асосида раҳбарларнинг алмашинувиغا таянган ҳолда кундалик маъмурий, хўжалик ва кадрларга онд масалаларнинг ҳал этиш амалиёти.

**ЎЗ-ЎЗИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ** – қайта ҳаракатлар, халқаро муносабатларда ҳуқуқий куч ишлатишнинг бир тури.

**ЎЛИМ ЖАЗОСИ** – оғир жиноят содир этгани учун қонунида белгиланган жазо чораси тарзида ҳаётдан маҳрум этиш ривожланган мамлакатларда Ў.Ж. белгиланишидан олдин албатта суд иши кўриб чиқилади. Қатл давлатнинг ишончли вакили томонидангина амалга оширилиши мумкин, ақс ҳолда бу қотиллик ҳисобланиб, жинойи жавобгарликка тортилади. Айрим ҳолларда суд қарори билан ўлим жазоси умрбод қамоқ ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши ёки маҳкум давлатнинг олий мансабдор шахси (президент, ҳукмдор, бош вазир, губернатор ва ҳ.к.) томонидан авф этилиши мумкин. Ҳозирги вақтда Ў.Ж. қўйидаги турлари қўлланади: отиш, осийш, тош билан уриб ўлдириш, электр стули ва ҳ.к.

**ЎРТА ОСИЁ** – Осиё қитъасининг бир бўлаги, Ғарбда Каспий денгизидан шарқда Хитой билан бўлган чегарагача ва Шимолда Орол-Иртинг сувайирғичидан Жанубда Эрон ва Афғонистон чегарасигача давом этади. Ўрта Осиё худуди ўрта асрларда Мовароуннаҳр, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида (1924 йилда миллий-давлат чегараси ўрнатилишига қадар) Туркистон деб аталган. Кейинчалик Орта Осиё (Марказий Осиёдан фарқ қилиш учун) деб аталадиган бўлди. Чет эл адабиётида одатда «Ў.О.» ва «Марказий Осиё» тушунчалари бир маънода ишлатилади. Чоризм йилларида «Ў.О.» дейилганда, Орол денгизининг шимолий нуқтасидан то Болхон қўлининг шимолий нуқтасигача ўтказилган тўғри чизикдан қўйидаги, Эрон, Афғонистон, Хитой ва Каспий денгизи чегараларига қадар бўлган ораликда жойлашган худуд тушуниларди. Бу худуднинг яна бир номи,

боя айтганимиздек, Туркистон эди. Шўро йилларида бу тушунчалар бир оз ўзгарди, чунки 1924 йилдаги миллий-давлат чегараланиши натижасида собиқ «Ў.О.»нинг талай қисми Қозоғистон таркибига кирди. Қозоғистоннинг чегаралари эса шарқи-шимолда Ўрта Сибирга, ғарбда Ўрол тоғларига ва Волга дарёсининг этакларигача чўзилиб борарди, яъни қисман Овруро китъясига мансуб эди. Шу бондан Қозоғистонни «Ў.О.» тушунчаси билан камраб олиш баҳсли бўлган. Бундай шароитда «Ў.О.» деганда Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон тушунила бошлади. Расмий ҳужжатларда ва кундалиқ ҳаётда «Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон» деган ибора ва тушунча кенг ўрин олди. Аммо, СССР парзаланиб, унинг таркибида бўлган Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон мустақил давлатларга айлангандан сўнг, тарихи, маданияти, ҳудуди, кўп жиҳатдан тили умумий бўлган бу мамлакатларни бириктирувчи, уларни бир-бирига жипслаштирувчи янги ва истиқболли омиллар пайдо бўлди ва «Ў.О. ва Қозоғистон» тушунчаси ўрнини «Марказий Осиё» тушунчаси эгаллади. «Ў.О.» жўғрофий тушунча, «Марказий Осиё» эса сиёсий-жўғрофий тушунча бўлиб қолди. Мустақиллик шарофати билан бу беш давлат ўз муаммоларини ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишлари маъқул эканлиги маълум бўлди. Шу муносабат билан бу беш давлат жойлашган ҳудуд «Марказий Осиё» деб атала бошланди.

## Қ

**КАДРИЯТ** – борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Қ. билан боғлиқ масалалар ҳаётнинг энг асосий мавзулари ҳисобланади. Қ. Ғарбда аксиология фани ўрғанади, у кенг тарқалган фалсафий фанларда бирдир. Ҳозирги даврда Қ. тўғрисида фалсафа, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, психология фанлари турли тадқиқотлар олиб бормоқда. Собиқ Иттифоқда Қ. мавзуси ўтган асрнинг 60-йилларигача тадқиқ этилмаг эди. Ҳозир Ўзбекистонда бу масалага эътибор кенгайди. Чунки, Қ. мустақилликни мустаҳкамлайдиган маънавий омилдир. Баъзилар кадрланадиган нарса ва ҳодисалар, масалан, қимматбаҳо буюмларни Қ. дейишади. Аслида эса ана шуларнинг ижтимоий аҳамияти Қ. ҳақиқий баҳосини аниқлайди. Бирор нарса, воқеа ёки ҳодисанинг қадри унинг моддий-иқтисодий баҳосидан катта фарқ қилиши мумкин. Мас., минг йил илгариги буюмни ҳозир ишлашш мумкин эмас. Унинг иқтисодий қиймати кам, аммо қадри анча салмоқли бўлиши мумкин.

Қ. тарихий ва замонавий бўлиши мумкин. Қ. хилма-хил шакллари бор: моддий ва маънавий, умумбашарий, минтақавий, умуминсоний; жамият ҳаётининг соҳалари бўйи-ча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий Қ.; ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, ҳуқуқий, илмий; ҳаётнинг ижтимоий тузилишига мос келадиган, миялий, синфий, партиявий ва бошқ. Қ. дунёни билишнинг мақсади, билимларимизнинг ҳақиқатга мос келиш даражасини аниқлаш мезони ёки бирор идеал тарзида ҳам намоён бўлади. Қ. асосий функцияси ҳам ана шулар билан боғлиқ. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Қ. эътибор кучайди, умуминсоний Қ. устуворлиги эътироф қилинди, миллий Қ. ҳамда шахс манфаатларини умуминсоний талабларга мослаштираш ва уйғунлаштириш асосий вазифа бўлди.

Қ. инсоният тарихи давомида аста-секин шаклланадилар. Уларнинг миқдори ва сифатининг ошиши инсоният тараққиёти қанчалик ривожланганлигининг кўрсаткичидир. Ўтмишда баъзи масалан, маърифат тўғрисида умуман тушунча бўлмаган. Бундай янги тушунчалар асрлар давомида шаклланиб, Қ. қаторини бойитиб боради. Айни вақтда, Қ. маҳаллий, миллий, минтақавий ва умуминсоний бўлиши табиийдир. Чунки Қ. тушунчаси муайян вазият ва шароитда шаклланади. Жамият тараққий этгани сари барча халқларга тегишли, яъни умуминсоний Қ. кўпайиб бораверади ва бу ўзгаришлар инсоният ўз ривожда қандай янги чўққиларни эгаллаётганининг белгиси бўлади (мас., эркинлик, тинчлик,

ижтимоий тенглик, ижтимоий ҳақиқат, маърифат, маънавият, гўзаллик, яхшилик, инсон-парварлик, инсонийлик, демократия, ҳуқуқий жамият, конуннинг устуворлиги, хотин-қизлар озодлиги ва бошқ.).

Қ. деганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар тушунилади (масалан, эркинлик, тинчлик, яхшилик). Моддий қадриятлар ҳақиқий Қ. намоён бўлиш воситаларидир (масалан, ҳаётда керак бўладиган турли буюмлар). Инсоният тарихи унга хизмат қиладиган, ўзи яратган, суянадиган ва қўллаб қувватлайдиган Қ. дунёсининг кенгайиш, бойиш ва тақомиллаштиш тарихидир. Инсоният ўзининг қундалик меҳнати билан яратаётган сунъий нарсалар дунёсида яшайди. Биз яратаётган ушбу моддий ва маънавий бойликлар оламининг гултожи, сараси Қ. ва мезонлари кишиларга, уларнинг хулқ-атворини тартибга солиш ва тўғри йўналтиришга хизмат қилади. Бундай ўзига хос бошқаришнинг самарадорлиги кишиларимизнинг Қ. оламини билишига боғлиқдир.

**ҚАЙТА ҚУРИШ** – ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ иттифок ва КПСС раҳбарияти томонидан эълон қилинган ҳамда 1991 йилнинг августигача давом этган сиёсат; унинг моҳияти сшўролар иқтисодиёти, сиёсати, мафқураси ва маданиятини умуминсоний идеал ва қадриятларга мослаштиришга уринишда намоён бўлади; бу сиёсатнинг изчил амалга оширилгани КПССнинг ҳалокати ва СССР парчаланиб кетишига олиб келди.

**ҚАРАМЛИК** – мамлакат ва ҳудудларни босиб олиш ёки бошқа хил йўллар билан уларнинг устидан бошқа давлат ва гуруҳларнинг ҳукмронлиги ўрнатилиши оқибатида давлат ҳокимиятининг олийлик ва суверенлик белгиларидан маҳрум бўлиши. Қарам давлатлар метрополия давлатларига сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қарамлик занжирлари билан боғланган бўлади.

Қ. ҳуқуқий шакллари икки асосий гуруҳдан иборат: 1) халқаро-ҳуқуқий боғлиқлик-протекторат (ҳомийлик), васийлик, қондомимум ва мандатли ҳудуд; 2) давлат ҳуқуқий алоқалари. Биринчи ҳолда қарам давлатлар юридик жиҳатдан метрополиянинг таркибий қисми деб қаралмайди ва улар ўз давлатчилигига эга бўлиши ҳам мумкин.

Қ. бир кўриниши бўлган протекторат, яъни ҳомийлик, имзоловчи томонлар учун тенг бўлмаган шартнома асосида ўрнатилади. Унга кўра, ҳомий давлат ўз қарамонига олган давлатнинг ташқи сиёсатини белгилаб беради. Қарам давлат, бундай ҳолларда, фақат ташқи муносабатларда қарам бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, ўз ҳомийсидан давлатнинг ички ишлари юзасидан маслаҳатчи ёки агентни ҳам қабул қилади. Шу тариқа, ҳар қандай мустақилликдан маҳрум бўлади. Мас., Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чор Россияси ўртасида 1873 йилда тузилган «Дўстлик шартномаси»га кўра, бу давлатлар устидан чор ҳукуматининг «ҳомийлиги» ўрнатилди. «Дўстлик шартномаси»га кўра, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўз давлат бошқарув тизимини ўзгартириш саклаб қолди. Шартномага биноан, Бухоро амирлиги Россия ҳукумати тайинлаган сиёсий агентини қабул қилди. Хива хонининг фаолияти устидан назорат Россия томонидан махсус ташкил қилинган Амударё бўлимининг бошлиғига топширилди.

Иккинчи шаклдаги Қ. эса тобеъ ҳудудлар, муайян даражада метрополиянинг таркибий қисми, деб ҳисобланади ва бевосита метрополия ҳукумати тайинлайдиган амалдорлар томонидан бошқарилади. Қарам давлатларда ташкил этиладиган сайланадиган органлар «қарам ҳудудни бошқаришда фақат маслаҳат овозига эга бўлади. Қўччилик ҳолларда мустамлакалар сайланадиган органларга эга бўлмай, улар марказий ҳукумат кўрсатмаси орқали метрополия амалдорлари томонидан яқка ҳолда бошқарилади. Масалан, чор Россияси томонидан 1865–1866 йиллар ва ундан кейин босиб олинган Туркистон ерлари бевосита Россия давлатининг таркибий қисми деб ҳисобланди. Ўлкани бошқариш Россия императори томонидан лавозимга тайинланадиган ва овоз қилинадиган генерал-губернаторга тегишли эди. У ўлкани яқкабошчилик асосида бошқарган.

XX аср бошларида ҳам Қ. муносабатлари, асосан, босиб олиш ва зўравонлик асосида вужудга келган бўлса, ҳозирги даврда бу муносабатларнинг вужудга келиши «маданийлашган» кўринишга эга бўлди. Ривожланган давлатларнинг тараққийётдан орқада

қолган мамлакатларга бераётган иқтисодий «ёрдами» оқибатида, иқтисодий Қ. Астаскинлик билан тўлик к.ка айлана боради, деган хавф бор. Бундай Қ. тушиб қолмаслиқнинг йўли – бозор иқтисоди муносабатларини тез ривожлантириб, рақобатбардош маҳсулот билан жажон бозорига чиқаришди. Шу йўлдан бораётган Сингапур, Индонезия, Тайвань, Жанубий Корея ва бошқа қатор мамлакатлар ривожланган давлатлар даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, Шарқ аждаҳолари номини олди.

**ҚАРШИЛИК** – 1) бирон-бир кишининг ноқонуний, адолатта зид хатти-ҳаракатининг ошқор этилиш; 2) суд томонидан суд ишнини олиб боришда йўл қўйилаётган хато ёки қонуннинг бузилиши тўғрисида прокурорнинг ўша судга, апелляция ёки кассация инстанциясига тақдим этган ёзма эътирози.

**ҚАТАҒОН** – (лот. «*repressio*» – эзиш, бостириш) – давлат органлари томонидан қўлланадиган жазо чораси.

**ҚАШШОҚЛИК** – энг зарур нарсалар киймати тўлаш имкониятига эга бўлмаган индивид ёки гуруҳларнинг иқтисодий ҳолатини ифода этувчи тушунча. Қ. нисбий бўлиб, муайян жамиятдаги турмуш даражаси андозалари, ижтимоий бойликнинг тақсимланиши ва бошқа омиллар билан белгиланади.

**ҚИРОЛ ВА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ** – Бельгия Қироллигининг қонун чиқарувчи органи. Вакиллар палатаси (150 депутат) ва Сенат (71 киши, жумладан қирол ўғли – меросхўр шахзода, 40таси тўттирдан-тўғри сайланади).

**ҚОНУН** – 1) *юрд.*, қонунчилик ҳокимиятининг фуқаролар, жамият ва давлат ҳаётига таалукли муносабатларда муайян тартиб жорий этиш борасидаги продасининг намоён бўлиши. Қонунлар умумий, маҳаллий ва махсус турларга бўлинади; 2) *табиий-илмий ибора*, ҳодисалар ўртасида умумий ва зарурий муносабат ифодаси. Ҳодисаларнинг турига қараб, Қ. табиий(механик, физикавий, кимёвий, органик ва ҳ.к.); 3. Психологик ва ахлоқий; 4. Ижтимоий ва тарий қонунларга бўлинади.

**ҚОНУНИЙЛИК**– 1) Индивид ва ижтимоий гуруҳлар хатти-ҳаракатининг муайян жамиятда қарор тошган тартибга мослиги; 2) Ҳукмдорлар, сиёсий ҳаракат ва ижтимоий институтлар хатти-ҳаракатининг қонунийлиги ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳим мақсадларга эришни йўлидаги фаолиятнинг самарадорлиги.

**ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ** – ижроия ва суд ҳокимияти билан бир қаторда турадиган олий давлат ҳокимияти тармоғи.

**ҚОНУНИЙ (ЛЕГИТИМ) ҲУҚМРОНЛИК** – ҳокимиятнинг қонунийлиги тушунчасига таянган ҳамда тобелар томонидан тан олинган ҳукмронлик.

**ҚОНУНЧИЛИК** – 1) давлатнинг ваколатли органлари томонидан қонунларни эълон қилиш, бекор этиш ва ўзгартириш борасидаги фаолияти; 2) муайян давлатда амалда бўлган қонунларнинг умумий ёки алоҳида соҳалари бўйича мажмуи.

**ҚОНУНЧИЛИК КОРПУСИ** (*Corps legislatif*) – Францияда: 1) 1793 йилда қабул қилинган ва кучга кирмаган конституция бўйича ваколатли қонунчилик мажлиси; 2) 1795 йилда қабул қилинган конституция бўйича қонунчилик ҳокимиятига эга бўлган икки кенгаш(беш юзлар ва оқсоқоллар); 3) Наполеоннинг икки констутцияси (1799 й., 1852 й.) бўйича ваколатлари чекланган қонунчилик муассасалари.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** – Ўзбекистон таркибидagi республика. Худуди 164,9 минг км<sup>2</sup> кв., аҳолиси 1425 минг киши (қорақалпоқлар 32,1 фоиз, ўзбеклар – 32,3 фоиз, қозоқлар – 26,3 фоиз. Қолган 9,3 фоизи – туркманлар, руслар, корейлар, татарлар, украин ва бошқ). Қ.Р. Конституцияси ЎзР Конституциясига зид эмас. Айни вақтда ЎзР қонуллари Қ.Р. худудида ҳам мажбурийдир. Қ.Р. олий қонун чиқарувчи органи – Жўқорғи Кенгесининг 1992 йил 14 декабрда бўлиб ўтган сессиясида Қ.Р. Конституцияси ва герби, 1993 йил декабридаги сессиясида Давлат мадҳияси тасдиқланган. Қ.Р. 15 туман, 12 шаҳар, 16 шаҳарча ва 112 овул бор. Пойтахти – Нукус. Нукусда ЎзР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, давлат универси-тети, педагогика институти, Тошкент олийгоҳларининг бир қанча филиаллари мавжуд.



ЎзР амалдаги Конституциясининг XVII боби Қ.Р. деб номланган. Унда «Суверен Қ.Р. Ўзбекистон таркибига киради» дейилади. 70-моддада «Қ.Р суверенитети ЎзР томонидан мухофаза этилади», дейилади. Ҳар икки республика ўртасидаги муносабатлар Конституциялар доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади. Қ.Р. амалдаги Конституциясининг «Давлат суверенитети» деб номланган бобида «Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига кирувчи суверен демократик республика» дейилган. Қ.Р. Конституциясини ўзи тасдиқлайди, ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши массаларини ўзи ҳал қилади, ЎзР сиёсатиغا мос ҳолда ўз сиёсатини юргизади. Қ.Р. ҳудуди бўлинимас ва дахлсиздир. Унинг давлат тили қорақалпоқ тилидир. Қ.Р. фуқароси аини вақда ЎзРнинг фуқароси ҳамдир.

**ҚОЧОҚЛАР** – таъйик, ҳарбий ҳаракатлар ёки бошқа фавқулодда сабаблар туфайли доимий истиқомат қилган мамлакатидан кетиб қолган шахслар.

**ҚУДРАТЛИ МАМЛАКАТ** – (слав. «*держава*» – куч-қудрат) – мазкур атама ҳар қандай мамлакатга эмас, энг қудратли давлатларга нисбатан қўлланади. У мохиятан муайян мамлакатнинг сиёсий мавқен, қўлами, иқтисодий ва ҳарбий қудрати, яқин-узок давлатларга таъсир эта олиш имкониятлари билан узвий боғлиқдир. Мамлакатларни «кичик» ва «буюк» давлатларга бўлиниши шундан келиб чиққан. Айрим ҳолларда бундай ёндашув экспансионистик тус олиши, империалистик дунёқарашга асос бўлиши мумкин

**ҚУЛ САВДОСИ** – муайян шахсни босиб олиш, эгаллаш ёки уни қулга айлан-тириш мақсадида унга эгалик қилиш билан боғланган ҳаракатлар, қулни уни сотиш ёки алмаштириш мақсадида сотиб олиш билан боғланган барча ҳаракатлар; шу мақсадда сотиб олинган шахсни сотиш ёки алмаштириш бўйича барча ҳаракатлар, умуман, Қ.С. ёки қандайдир бўлмасин транспорт воситалари билан уларни ташиш бўйича ҳар қандай ҳаракат.

**ҚУРОЛСИЗЛАНИШ** – уруш ҳаракатларини олиб бориш воситаларини чеклаш, қисқартириш ва бартараф этиш, қуролланиш пойғасини тўхтатишга йўналтирилган жараён, чора-тадбирлар тизими. Ҳозирги даврда Қ. ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари ва оддий қурол-яроғлар технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришни тўхтати; ядровий синовларни қисқартириш ва тўхтатиш, қонотдан ҳарбий мақсаларда фойдаланишга йўл қўймаслик, ҳарбий ҳаракатлар, қурол савдосини қисқартириш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади.

**ҚУРЪОН** – (араб. «*қуръон*» – қироат, ўқув) – ислом динида муқаддас деб тан олинган китоб. Унда ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва тақиқлари ўз ифодасини топган. Ислом анъанасида Қ. Аллоҳ томонидан Муҳаммад пайғамбарга 22 йил давомида, фаршга Жаброил орқали ваҳий қилинган, деб тасаввур этилади. Исломшуносларнинг қайд қилишича, Муҳаммад пайғамбар ҳаёти даврида унинг тарғиботлари доимий равишда ёзиб олинмаган, омма орасида оғзаки тарқалган, факат унинг баъзи гапларигина тош, сопол, чарм, пергамент ва бошқа нарсаларга ёзилиб келинган. Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин, ҳалифа Абу Бакр даврида, унинг тарғиботларини ёзиб, тўплашга қарор қилинган ва бу вазифа Муҳаммад ҳаётининг сўнгги давларида унга котиблик қилган Зайд ибн Собитга топширилган. У ўзи ва Муҳаммадга яқин бошқа кишилар ёддан билган сураларни тўлаб кўчирган. Шу тариқа, 632 йилда биринчи марта Қ. матни юзага келган. Орадан бир оз вақт ўтгач, бошқа тўпламлар ҳам вужудга келган, улар ўртасида муайян тафовутлар пайдо бўлган. Ҳалифа Усмон мусулмонлар давлатининг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида Зайд ибн Собитга Қ. матнларини қайта таққослаб, ягона тўплам тузишни буюрган. Бу тўплам вужудга келгач, ҳалифа ундан фарқ қиладиган тўпламларнинг барчасини йўқотиш ҳақида буйруқ берган. Янги тўпламнинг асл нусхаси Мадинада қолдирилган. Ундан 3 нусха (айрим маълумотларга қараганда, 6–7 нусха) кўчиртирилиб, бошқа шахарларга (Қуфа, Басра, Дамашк) юборилган. Кейинги даврларда (милодий VII асрнинг 90-йилларигача) Қ.ни ўқишдаги

тафовутларга барҳам бериш учун қўлёзмаларга араб ёзувиغا ҳос белгилар қўйиб чиқилган. Улардан бири Тошкентда Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасида сақланади.

Қ. 114 сурадан иборат: ҳар бир сура оятларга бўлинган. Сураларнинг ҳар бири махсус номланган (масалан, 1-сура «Фотиха», 2-сура «Бақара» ва х.к.). Суралар Қ. мазмунига ёки олдими-кейин ёзилганлиги тартибида эмас, балки китобсан ҳажмига, яъни ҳар бир сурадаги оятларнинг миқдори бўйича (катта суралар китоб бошида, кичиклари охирида) жойлаштирилган. Қ. марказий ғояси тавҳид, яъни яқса худо – Аллоҳ тўғрисидаги таълимотдир. Шу билан боғлиқ равишда унда пайгамбарлар ҳақида, тақдир тўғрисида ақидалар баён этилади. Қ. исломнинг асосий эътиқод талаблари (намоз, рўза, закот ва бошқалар) белгилаб берилган. Ундаги ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар кейинчалик шаклланган шариаатга асос қилиб олинган. Қ. инсониятнинг ирқий бўлиниши, ижти-мойиктисодий табақаланиши инкор этилади. Аллоҳ наздида ҳамманинг тенглиги, уларнинг барчаси унинг бандаси эканлиги ғояси илгари сурилади.

Исломда Қ. тафсир қилиш (шарҳлаш) аъъанага айланган. Қ. мусулмон халқларининг фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашларига жиддий таъсир кўрсатади. У тарихий ва адабий ёдгорлик ҳамдир. Унда арабларнинг VI асрдаги ҳаёти ва тасаввурига оид айрим жуғрофий, этнографик ва тарихий маълумотлар учрайди. Қ. араб насрининг дастлабки ёзма ёдгорлигидир. У арабларнинг ягона адабий тили шаклланишига асос бўлган.

Қ. услуби (унинг анча қисми қофиялаштирилган шеърый прозада ёзилган) араб адабиётига, умуман, Шарқ адабиётига маълум таъсир кўрсатган. Қ. диний-фалсафий китоб сифатида мусулмон мамлакатларида мактаб, мадраса, дорилфунунларда ўқитилади. Қ. Қайта-қайта таъкидланишича, Ислом динида Аллоҳ наздидаги энг оғир гуноҳ ширк, яъни ягона Парвардигорга бирор зотни шерик қилишга уринишдир. Барча илоҳий китобларда олға сурилган тавҳид (яратувчининг ягоналиги ва барча мавжудот манбаи эканлиги) ғояси исломда ўзининг олий даражасига кўтарилган.

Қ. XII асрдан бошлаб, Европа халқлари тилларига, жумладан лотин тилига таржима қилина бошлаган. XVIII аср бошларида Оврупо халқлари тилларидан, XIX аср ўрталарида арабча асл нусхадан рус тилига таржима қилинган. Русча таржимаси Қозонда 3 марта (1878, 1894, 1907 йилларда) нашр қилинган. Қ. рус тилидаги асл нусхага мос келадиган адабий таржимаси илмий изохлари билан машҳур арабшунос, академик И.Ю.Крачковский томонидан амалга оширилган ва унинг вафотидан кейин (1963 йилда) нашр қилинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина Қ. ҳақида магбуотда ҳолисона илмий мақолалар чоп этила бошлади. Унинг Алоуддин Мансур томонидан бажарилган маъно таржимаси «Шарқ юлдузи» журналининг бир неча сонларида босилиб чиқди. Кейинчалик у китоб ҳолида бир неча бор нашр этилди. Аммо Қ. илмий таржимаси, яъни мазмуни, шакли, тили, тарихи, тушунчаларини батафсил изохлайдиган таржимаси ҳамон ўзбек тилида мавжуд эмас.

**ҚҶМИТА** – (ингл. «committee»; нем. «Komitee»). – 1) Диний ёки вақтинчалик фаолият юритиш учун умумий бошқарувнинг коллегиал органи; 2) Сиёсий ва бошқа ташкилотларда сайланадиган бошқарув органи.

## F

**ҒАЗЗОЛИЙ** – мусулмон Шарқнинг йирик файласуфи. Исломнинг машҳур илоҳийчиси Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1059–1111 йй.) Эроннинг Тус шаҳрида қосиб оиласида таваллуд топган. Ғ. дастлабки таълим-тарбияни Тусда олгач, сўнгра Журжонда ўз илмини давом эттиради. Уз даврининг машҳур олими – Абу Наср қўлада ислом асослари билан бирга, қатор дунёвий илмларни ҳам ўрганади. Кейинчалик илмини ошириш мақсадида Журжондан Тусга қайтгач, олдин Нишопурга, сўнгра Бағдодга боради. У ерда Ғ. исломий илмлар билан биргаликда, дунёвий илмларни, жумла-

дан, мантик, фикх, фалсафани чуқур ўрғанади. Ғ. кейинчалик «Низомия» мадрасасида фикх, мантик, ислом фалсафасидан сабоқ беради. Ҳаётининг сўнгги йилларида мударрисликни ташлаб, зоҳидликка берилиб, ижод билан шуғулланади. Ғ. фикҳга оид «Важиҳ», «Крсид», «Ал-Қистос ул-мустикам» каби қатор асарларини ёзган бўлса, у ахлоққа оид «Кимёи саодат», «Аюҳал-валад» («Эй фарзанд») асарларини ҳам ёзади. Ғ. калом таълимотига оид «Гавҳар ул-ақоид», «Ар рисолат ул-қудсия», «Иқмои ул авом ан илм ул-калом» каби асарлари нафақат ўз ватанидагина, балки барча мусулмон мамлакатларига кенг ёйилган эди. Бу асарлар мадрасаларда ўқитилиб келинган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ғ. бутун мусулмон дунёсига танилишида «калом» йўлидан чекинган ҳамда исломни заифлаштириш йўлидан борган муътазиллийлар, ботинийларга қарши ёзган «Фадонқ ал-Ботиния», «Таҳофут ул-фалосифа» каби асарлари унга катта шухрат келтирган. «Иҳиёи улум ад-дин» («Диний илмларни тирилтириш») ва бошқа асарларида ислом таълимотининг яхлит тизимини ишлаб чиққан ва уни фалсафий жиҳатдан асослашга уринади. Ғ. билишни инкор этмаган бўлса-да, Аллоҳни ақл билан эмас, балки махсус руҳий жисмоний (психофизик) ҳаракатлар – сифиниш, ибодатлар орқали англаш мумкин, деган эди. У ўзининг «Таҳофут ул-фалосифа» («Фалсафанинг раддияси») асарида ўтмишдош файласуф алломалар – Форобий ва Ибн Синоларнинг Афлотун ва Арасту фалсафий таълимотлари таъсирда бўлганликлари, уларнинг қарашларини қабул қилганликлари учун каттиқ танқид қилган эди. У ўзининг маъмур асарида Абу Наср Форобий ва Ибн Синоларнинг исломий илмларини, хусусан, Қуръони Каримни инсон ақли билмлари тарозиси билан ўлчашларни қоралаб, инсонларнинг билмларини Қуръон таълимоти асосида ўрганиш керак, деган «Иҳиёи улум ад-дин» асарида билиш инсоннинг дилида юзага келиб, мужассамланади, деган фикрга келади. Ғ. ўз асарларида тасаввуф таълимотига ҳам катта қизиқиш билан қараган. У «Аюҳал-валад», «Иҳиёи улум ад-дин» каби асарларида тасаввуф илми тўғрисида ўз қарашларини баён этган. У тасаввуфни калом таълимоти билан бирлаштириш йўлидан борди. Бу билан у амалда ислом илоҳиётчиси сифатида гоъийй кураш майдонига чиқди.

**ҒАЗНА** – давлат молиявий ресурслари мажмуи.

**ҒОЯ** – борликдаги нарса ва ҳодисаларни фикрда акс эттириш шакли бўлиб, унда оламни билиш ва амалий таразда ўзгартириш мақсадлари, унга эришиш йўллари ва воситалари ҳақида маълумотлар мужассамланган, англаш. Фалсафада Ғ. тушунчаси қадимдан мавжуд. Демокрит Ғ. (ақл билан билиб олинмаган, бўлинмас шакллар)ни атомлардан иборат деб билган. Платон (Афлотун) эса уларни ҳиссий олам нарсаларининг ақлда аввалдан мавжуд образи, ҳақиқий борлик сифатида тасаввур қилган. Урта асрларда Ғ. нисбатан, улар нарсаларнинг илоҳий руҳга таалулли образи, худо буюмларни ўзида мавжуд бўлган Ғ. асосида яратади, деган қараш ҳукмрон бўлган. XVII–XVIII асрларда Ғ. билиш усули эканлиги ҳақидаги таълимотлар пайдо бўлиб, уларга Ғ. келиб чиқиши, билишнинг турли даражалари ва шакллари билан алоқаси, билиш жараёнида тугган ўрни, объектив воқеликка муносабати масалалари муҳокама қилинади. Олмон муомтоз фалсафасида Кант, Ғ. ақл тушунчалари сифатида асослаб, ҳиссиётимизда уларга мувофиқ келадиган нарса йўқ деб уқтирган. Фихте фикрича, Ғ. «мен»нинг мақсадидан иборат бўлиб, оламни у ана шунга мувофиқ ҳолда яратади. Гегель фалсафасида Ғ. объектив ҳақиқат, тараққиёт жараёнини ўзида тўла гавдалантиришнинг моҳият сифатида талқин қилинади.

Ғ. ҳақида гап кетганда, авваламбор, унинг таъриба натижаларини умумлаштириувчи, билим шакли эканлигига эътибор қаратиш зарур. Бу билим, предмет ва ҳодисаларнинг мавжуд хусусиятлари, ҳозирги ҳолативи акс эттириш билан бир қаторда уларнинг тараққий этиш тенденцияларини, келажакда эришадиган ҳолатларини ҳам ифода қилади. Ғ. объектив воқеликка янада яқин турган, уни нисбатан тўлароқ, аниқроқ ифода қиладиган, турмушга татбиқ қилиш учун тайёр бўлган билимдан иборат. Демак, Ғ.нинг муҳим хусусиятларидан бири – унинг билиш ва амалий фаолият ўртасида фаол воситачи эканлиги, янги нарсаларни яратишнинг зарурий унсур бўлишидан иборат. Фақат Ғ. мавжуд билимларни синтез қилиш ва умумлаштириш, тартибга солишда муҳим аҳами-

ятта эга. Хусусан, у яратилаётган илмий назариянинг ўзагини ташкил этгани ҳолда унинг қолган барча унсурларини (масалан, бошланғич ва асосий тушунчалар фундаментал – асосий қонунлар, гипотезалар, тамойиллар ва шу қабиларни) ўз атрофида бирлаштириб, яхлит тизим ҳолига келтиради. Шунингдек, Ғ. ҳодисаларни тушунтириш муаммоларини ечишнинг янги усулларини қириб топишнинг эвристик тамойиллари сифатида илмий билишда муҳим аҳамият касб этади.

**ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТ** – қаранг: Мафқуравий иммунитет.

**ҒОЯВИЙ БЎШЛИҚ** – муайян шароитда жамият, ундаги тонфа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафқуравий вакуум ҳолати. Муайян ақидалар, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий қучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиган ғоя ва мафқура тўла шаклланиб улгурмаган ҳолларда жамиятда Ғ.Б. вужудга келади.

Ғ.Б. юзага келиши чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда янги ғоялар турлича таъсир қучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни жуда тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафқуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиши эса қийин кечади.

Ғ.Б. пайдо бўлишининг яна бир манбаи – жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафқуравий жараёнларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги бўлиши ҳам мумкин. Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гуруҳ ёхуд қатлам ўз манфаатларини, мақсад-муддололарини аниқ-равшан ифода этадиган ўз ғояларини кишилар, айниқса, ёш авлод онгига мунтазам сингдирмаса, Ғ.Б. пайдо бўлади, ишонч-эътиқод сусаяди, мафқуравий тақдидлар қучаяди. Ғояси йўқ эътиқоди бўш одамлар эса, таъсирга тез берилувчан бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди.

Ғ.Б., имонсизлик, маъқуртлик жамият учун жиддий хавф солади. Агар Ғ.Б. пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу халқнинг табиатида бегона турли хил мафқуравий таъйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Шунинг учун ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият Ғ.Б. пайдо бўлишига йўл қўймаслик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илғор фикрлар, улугвор мақсад ва эзгу орзуларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади.

Миллий истиқлол мафқураси Ғ.Б. йўл қўймайди, маънавий ҳаётни бутун халқ ва ҳар бир фуқаронинг манфаатига мос келадиган юксак ва жозибали ғоялар билан бойитади. Бу, ўз навбатида, фуқароларда эртанги кунга ишонч ва келажакка умид ҳиссини мустаҳкамлайди.

**ҒОЯВИЙ ЗАЙФЛИК** – жамият, давлат ёки халқнинг мафқуравий масалаларда уюшмагани, маънавиятга етарли эътибор бермагани, тарбия соҳасида ўзи бўларчилиқка йўл қўйилгани натижасида содир бўладиган ғоявий ожизлик ҳолати.

Ғ.З. халқ оммасининг туб манфаатларини ва қўнғлидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жиқслаштирадиган ҳаққоний ва жозибали ғоянинг, мафқуравий йўқлиги, ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. У кўп ҳолларда маънавий беқарорлик ва парокандалликка олиб келади.

Ғ.З. ва мафқуравий беқарорлик миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказиши, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Масалан, Чингизхон босқини, чор истилоси дағъ-ларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирчўштириб, қурашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик қангалига тушиб қолишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафқураси ҳаётбахш ва адолатли ғояларни ўз ичига олади, тушунтириш ва ипонттириш, таълим-тарбия ва маърифат йўли билан, фикрлар ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда, юксак маънавият ва мафқуравий қатъиятни Ғ.З. га қарши қўяди.

**ҒОЯВИЙ ЗИДДИЯТ** – турли манфаат, мақсад ва интилишларни ифодаловчи ғоялар ва уларга таянадиган қуч ва ҳаракатлар ўртасидаги қарама-қарши муносабатни ифодаловчи тушунча. Бундай зиддиятнинг замирида талаб-эҳтиёжлар, мақсад-муддололар, уларни қондириш усуллари, йўллари ва воситаларининг ҳар хиллиги ётади.

**ҒОЯВИЙ ТАЖОВУЗ** – муайян бир жамият ёки миллат, ижтимоий катлам ё гуруҳ онги ва рухиятига ташқаридан ўтказиладиган мафқуравий таъсир, бегона ва ёт мақсад-манфаатларга хизмат қиладиган ғоявий босқинчилик. Тарихда Ғ.Т. ҳарбий истило, сиёсий таъинқ ва иқтисодий исқанжга чоралари билан боғлиқ ҳолда оляб борилган. Ундан босқинчиликни оқлаш, мустамлака ва қарам халқларни мафқуравий асоратда сақлаш мақсадида фойдаланилган. Ғ.Т. муҳим хусусиятлари – ҳақиқатни сохталаштириш, тарихни одамлар хотирасидан ўчириш, умуминсоний қадриятларни қадрсизлантиришдан иборат. Ғ.Т. алдаш ва мақр билан ёшларни ўз ота-оналарига, жамиятга қарши қўйиш, ҳиёнат ва сотқинликни фидойилик деб кўрсатиш шаклида ҳам намоён бўлади.

Ҳозирги замонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари Ғ.Т.нинг шакллари ва йўналишларига ҳам ўзгартиришлар киритмоқда. Ҳарбий қурол кучи билан ўз гаразли мақсадларига етишиш имкониятидан маҳрум бўлган экстремист ва террорчи гуруҳлар тобора Ғ.Т. йўлига ўтмоқда. Унинг янги, янада хавфли усул ва воситаларидан фойдаланмоқда. Бундай тажовузга фақат умуминсоний ғоялар ва демократик тамойилларга асосланган соғлом мафқура билан қарши тура олиш мумкинлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

## Х

**ҲОКИМИЯТ** – бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, хулқ-атвориға, ҳаракатларига иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилиятлари билан таъсир эгувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир.

**ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ** – ҳуқуқий давлат ўзининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари: Х.Д. ва фуқаролик жамиятида инсон, унинг ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, сиёсий манфаатлари, шаъни, қадр-қиммати, қадриятлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари муқаддас саналади ва уларни амалга оширилиши кафолатланади; Х.Д.да шахс энг олий қадрият ҳисобланади. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбадир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлади; Х.Д. халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вақллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга бўлади; Х.Д. инсоннинг, барча фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлайди. Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, одамларнинг муносиб ва эркин, фаровон ҳаётини таъминлаш, ҳар бир киши ҳуқуқ ва имкониятларида тўлиқ ва оқилона фойдаланиши учун барча зарур шароитларни яратиш ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, мулк эгалари ҳуқуқларининг химоя қилишнинг таъминлаш, ҳуқуқий давлатнинг ғоят муҳим вазибаларидандир; Х.Д. куч билан, инқилобий ўзгаришлар асосида эмас, балки табиий-тарихий жараён, тадрижий равишда, эволюция йули билан, фуқаролар маданияти, маънавияти ва маърифати ўсиши орқали шаклланади. Х.Д. ҳуқуқнинг олий ҳукмронлигидир. Х.Д. ҳамма нарса, ҳар қандай масала қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар асосида адолатли йул билан ҳал этилади. Қонун жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим муносабатларни тартибга солиб туради. Х.Д.нинг негизи, унинг пойдевори – қонун, қонунийликдир. Х.Д. қонун асосида фаолият кўрсатадиган, Қонун асосида яшайдиган, қонун белгилаб берган қизикдан ҳар қандай ҳолатда ҳам чиқмайдиган давлатдир. Х.Д. энг олий ўзи ҳам, обрў-мартабаси ҳам, қалби, тан-жони, хулласи қалом, тириклиги ҳам қонун ҳазрати олийларидир. Президент Ислём Қаримов таъбир билан айтганда, ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, химояси ҳам, қўзи ҳам, сўзи ҳам, қалқони ҳам қонундир. Х.Д. биринчи навбатда давлатнинг ўзи, унинг барча органлари ва мансабдор шахслар ҳам қонунга итоат этишлари мажбурийлиги Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган.

«Миллий гоя. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанидан атамалар изохли лугати

Тошкент ахборот технологиялари университети  
АКТС КТФ илмий-услубий кенгаши йиғилишида  
(2015 йил 15 декабрь, 4 -сон мажлис баённомаси),  
ТАТУ илмий-услубий кенгаши йиғилишида  
(2015 йил 13 январь, (86)-сон мажлис баённомаси)  
муҳокама этилиб нашрга тасия этилган

Тузувчи:



ф.ф.д., профессор Туленова Г.Ж.

Мухаррир:



Абдуллаева С.Х.

Бичими 60x84 1/16. Босма табағи 14,75

Адади 30. Буюртма - № 8

Тошкент ахборот технологиялари университети

“Мухаррирлик нашр” бўлимида чоп этилди.

Тошкент ш, Амир Темур кўчаси, 108-уй